Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Эргаш ОЧИЛОВ

БИР ҲОВУЧ ДУР

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

БИР ҲОВУЧ ДУР

(Алишер Навоий ғазаллари ва байтлари шарҳи)



НАВОИЙНИ АНГЛАШ МАШАҚҚАТИ

(Сўзбоши ўрнида)

Алишер Навоий мероси юксак бир тоққа ўхшайди: узоқдан шундоққина қўл етгудек масофада кўринса-да, бу беқиёс ижод оламига кириб борганингиз сари унинг нақадар улуғворлигини ҳис қиласиз. Олам ва Одамга дахлдор барча муаммолар, тушунчалар ўзининг юксак бадиий ифодасини топган бу шаклан гўзал, мазмунан чуқур асарларни мутолаа қилар экан, бир томондан, шоирнинг қанчалик буюклигини эътироф этсангиз, иккинчи томондан, унинг олдида ўзингизнинг шунчалик ожизлигингизни англаб етасиз. Шарқ сўз санъати ўзигача эришган барча ютуқларни ўзида мужассамлаштирган бу шеърият ҳақиқатан ҳам теран ва ранг-баранг. Услубнинг мураккаблиги, бир байт доирасида бир неча бадиий санъатларнинг уюшиб келиши, қадим туркий, арабий, форсий сўз ва ибораларнинг кўп қўлланиши устига, уларнинг кўпмаънолилиги ва серқирралиги, Қуръони каримдан иқтибослар олиниб, Ҳадиси шарифга ишоралар қилиниши, пайғамбарлару валийлар, машҳур тарихий шахслар ва воқеалар, буюк сўз санъаткорлари ва уларнинг асарлари, қаҳрамонлари номи ва улар билан боғлиқ нарса-ҳодисалар у ёки бу муносабат билан тилга олиниши ва бошқалар забардаст шоир ижодини ўқиб тушунишнинг қанчалик мушкуллигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Навоийни ўқиб тушуниш олдида олий математика ҳеч нарса бўлиб қолди. Чунки бунинг учун Шарқ фалсафаси, маданияти, адабиёти, мумтоз сўз санъатининг ижодий методи, образлар олами, ўзига хос рамзу ташбеҳлари, бадиий санъатлар, аруз вазни, араб ёзуви (ҳарфий ўйинларга асосланган шеърлар, абжад-таърихларни тушуниш, муаммоларни ечиш учун), эски ўзбек тилини билиш, форс ва араб тилларидан маълум даражада хабардор бўлиш талаб қилинади.

Бу борадаги мушкулликларни бартараф этиш учун биз – олимлар ёрдамга келишимиз, Навоийни халққа яқинлаштириш, унинг асарларини осон тушунтириш йўлларини қидиришимиз, бунинг учун эса насрий баён ва табдиллар, турфа шарҳу талқинлар, таҳлилу тадқиқотлар яратиш ишини кенг йўлга қўйишимиз керак. Албатта, бу соҳада анча-мунча ишлар қилинган: “Хамса”нинг барча достонлари, “Лисон ут-тайр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларининг насрий баёнлари мавжуд. Абдуқодир Ҳайитметов, Алибек Рустамов, Абдурашид Абдуғафуров, Ёқубжон Исҳоқов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олим, Нусратулло Жумахўжа, Боқижон Тўхлиев, Исмоил Бекжон, Сайфиддин Рафиддин, Нурбой Жаббор, Каромат Муллахўжаева, Олимжон Давлат, Дилнавоз Юсупова каби таниқли олимларимиз шоирнинг кўплаб ғазалларини шарҳлаб бердиларки, бу мутахассислар доираси янада кенгайиши, бу анъана мунтазам давом этиши лозим. Айни йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган ушбу тўплам улуғ шоирнинг бир қатор ғазаллари ва пурмаъно байтлари шарҳини ўз ичига олади.

Маълумки, Шарқда бадиий сўзнинг нуфузи ниҳоятда баланд бўлган – фавқулодда фикрлар, оҳорли ташбеҳлар, тутилмаган иборалар, нафис лутфлар, нозик қочиримлар жуда қадрланган, бадиий кашфиёт даражасидаги шеър ва байтлар тилдан-тилга, китобдан-китобга кўчиб юрган. Жумладан, Шайх Саъдийнинг бир байти ҳатто Оллоҳ таолога хуш келиб, фаришталар орқали унга нур тўла табақлар йўллагани ривоят қилинади. Шоҳу амирлар ўзларига ёққан бир шеър ё байт учун шоирларнинг оғзини дуру жавоҳирга тўлдирганлари ҳақида ривоятлар сақланиб қолган. Хўжа Ҳофизнинг Самарқанду Бухорони

бир гўзалнинг холига бағишлаб юборган байти аввал Амир Темурнинг қаҳри, кейин меҳрига сазовор бўлгани барчага маълум. Атойининг машҳур:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур, –

мисралари ҳали-ҳануз кишини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келади. Ёш Алишернинг биргина байтига ўз даврининг малик ул-каломи бўлган Лутфий бутун девонини алмашмоқчи бўлган. Имора деган шоирнинг "Маҳбубам ўқиётган пайтида мисралар қатидан чиқиб, лабларидан ўпиб олиш учун ўз ғазалимнинг ичига бекиниб олишни истайман" мазмунидаги байтини бир даврада эшитган машҳур тариқат пири Абусаид Абулхайр шартта ўрнидан туриб, унинг зиёратига йўл олган. Ушбу тўпламда Алишер Навоийнинг ана шундай шоирлик салоҳияти ва маҳоратини ўзида намоён этган шаклан гўзал, мазмунан теран, оҳорли ва фавқулодда тимсолу ташбеҳлар билан зийнатланган, бадиий санъатларга бой, диний ва тасаввуфий истилоҳ-тимсоллар асосига қурилгани жиҳатидан тушунилиши мураккаб ғазалу байтларни танлаб шарҳлашга ҳаракат қилдик.

Шоирнинг бадиият бўстонига зеб бўлиб тушадиган бундай гўзал ва бетакрор байту ғазаллари шунчалик кўпки, шарҳлаш учун уларнинг қайси бирини танлаб олишни билмай шошиб қоласиз. Чунки бирига тўхталсангиз, иккинчиси ундан зўрдай туюлади, уни ҳам олсангиз, яна бир ҳаммасидан кучлиси қолиб кетаётгандай бўлаверади, шу тариқа бир-биридан яхшироқ кўриниб, ҳушингиздан айиради. Айни жиҳатдан, шарҳлаш мақсадида шоир байтларини танлаш "Ўткан кунлар"даги қизлар мажлисига ўхшаб кетади. Абдулла Қодирий ёзади:

"Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!..

Бу уйга ўттуз-қирқ чамалиқ қизлар йиғилғанлар... барча қизлар ўзларининг энг асил, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ясаниб, ҳусн оламини яна бир қат, яна бир қайта бежабдирлар. Агар бу уйга кириб, бу мажлис аъзоларини бир мартаба кўздан кечирсангиз, ҳозирданоқ айтиб қўйиш мумкинки, албатта, эсингиз чиқиб кетар:

– Бу гулми, кўҳлик? Йўқ, наригиси! Ундан кўра буниси! Барисидан ҳам ўттаси!.. Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз, гул танлашда бир қарорға келалмай эл ичида кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз.

Мана, мажлис аъзолари шунақангғи бир-биравидан ўтоқ малаклар, парилар эдилар"[1].

Шунга ўхшаб, бир-бири билан баҳслашар даражадаги бу бетакрор байту ғазалларнинг ҳам қайси бирини танлашни билмай қийналасиз. Баҳарҳол танлаб олганингизда ҳам энг яхшилари қолиб кетгандай бўлиб туюлади, кўнглингиз тўлмайди, хижил бўлаверасиз.

Навоий ана шундай фавқулодда ва бетакрор қалам соҳиби!

Шарҳнавислик Шарқда кенг тарқалган ҳодиса: қадим ул-айёмдан маъно-мазмуни теран ва серқирра, услуби мураккаб, тили оғир, айниқса, рамзу тимсолларга бой асарларга турли даражадаги шарҳлар ёзиб келинган. Мумтоз шеъриятда бурилиш ясаган, алоҳида мактаб яратган лисон ул-ғайб Хўжа Ҳофиз, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий, Абдулмаоний Мирзо Бедил асарларига ёзилган кўпдан-кўп шарҳлар асрларни бўйлаб келади. Қуръони Каримнинг 70 фоиз маъноси ўз аксини топгани, 690 та ҳадисга румиёна шарҳ берилгани, 270 та турли мавзудаги ҳикоят ўрин олгани жиҳатидан Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асари ҳам кўплаб шарҳлар учун манба бўлиб хизмат қилган. Сўфи Оллоёрнинг диний-тасаввуфий мазмундаги асарлари ҳам

[1] А б д у л л а Қ о д и р и й. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён (Романлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 53-бет.

кенг шарҳланган. Ҳинд услубида ижод қилгани, шеърлари бир неча маъно қирраларига эгалиги, мазмуни теран, услуби мураккаблиги учун Мирзо Ғолиб асарларига ҳам қатор-қатор шарҳлар яратилган.

Шарҳларни оддий (изоҳ) ва мураккаб шарҳлар сифатида икки гуруҳга ажратиш мумкин, деб ёзган эди Шарқ адабиёти ва фалсафасининг билимдони Нажмиддин Комилов[1]. Дарҳақиқат, шеърий асарларнинг маъноси шунчаки изоҳланган оддий шарҳларга ҳам, шу билан бирга, бир шеър ёки байт бутун бошли рисола ва китобларда ҳар томонлама кенг ва чуқур талқин қилинган мураккаб шарҳларга ҳам кўп дуч келамиз. Чунончи, орифлар султони сифатида мусулмон Шарқида донг таратган Шайх Абусаид Абулхайр Меҳнавийнинг бир рубоийси илму адаб ва тасаввуф аҳли ўртасида шунчалик шуҳрат тутганки, биргина Саййид Неъматулло Валий унинг шарҳига 3 та рисола бағишлаган. Қосим Анвор, Шайх Озарий, Яъқуб Чархий ва Хожа Аҳрор Валийлар ҳам уни шарҳлаб рисолалар битганлар[2]. Ёки Убайдий тахаллуси билан қалам тебратган Бухоро хони Убайдуллохоннинг бир куни пешиндан кейин бадиҳа тарзида айтган араб тилидаги сўфиёна рубоийси шарҳига бағишлаб эса араб тили ва фалсафаси билимдони Мавлоно Ансориддин Иброҳим намозшомга қадар бир рисола тасниф этиб, унинг "ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маъно айтган"[3] экан.

Лекин бу тасниф ўтмишда мумтоз сўз санъати намуналари учун яратилган шарҳларга тегишли.

Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа Навоий ижоди мисолида замонавий ғазал талқинларини шартли равишда уч турга ажратади: 1. Оммавий талқин. 2. Илмий талқин. 3. Қомусий талқин. Унингча, "ғазалга оид илмий маълумотларни оммага маъқул ва тушунарли шаклга солиб тақдим этиш оммавий талқиннинг хос фазилати" бўлса, илмий таҳлилда ғазалнинг "образлар тизими, кўпмаънолилик хусусиятлари, фалсафий асослари, композицион мумтозлиги... бадииятига доир муаммолар"ни кенг текшириш билан бирга, шоир ижодхонасига чуқурроқ назар солиш, ғазалнинг такомил босқичларини ҳам ёритиш муҳимдир". Қомусий талқин эса "ўзида услубан оммавийликни, мазмунан ва моҳиятан илмийликни мужассамлаштирмоғи, оммавий ва илмий талқинларда мавжуд зарур маълумотларни ихчам шаклда қамраб олмоғи керак"[4].

Ушбу таснифдан келиб чиқса, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланганлиги жиҳатидан мазкур тўпламдаги байту ғазаллар шарҳини оммавий талқин дейин мумкин. Чунки бу шарҳларда муаллифнинг асосий фикри ва ғояси, байту ғазалларнинг маъно қирраларини очиб беришга кўпроқ эътибор қаратилди.

Навоий ғазалиётида май, дурд, қадаҳ, жом, хум, суроҳий, май бати; соқий, майхона, майхона пири; маст, хумор, махмур; майфуруш, пири хаммор, кулбаи хаммор; ринд, харобот, харобот аҳли; дайр, дайр пири, дайри фано; муғ, муғбача, муғ дайри, пири муғон; ваҳдат, ваҳдат майи, касрат; ойина, ойинаи жаҳоннамо, ойинаи Искандар, жоми Жам; синғон сафол; маст, хумор; ўзлик, ўзлик бути; раз қизи; азалдан ошиқлиқ, аласт жоми; ишқ дашти, жунун водийси, ишқ кофири; солик, мурид, толиб, сўфий, дарвеш; пир, муршид, ориф; соҳибназар, дил аҳли, соҳибасрор; бут, шоҳид, шамъи Чигил, шамъи Тироз; даҳр золи, зийрак қуш; хас, қил, сомон; фано, фано дайри, фақру фано; сир; коргаҳ; Суруш; сафо каби бутун бошли

---

[1] Қаранг: К о м и л о в Н. Бир шарҳ хусусида \\ Таржима назарияси масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами. № 606. – Тошкент, 1979, 26-бет.

[2] Бу ҳақда қаранг: В а л и х ў ж а е в Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Тошкент: "Ёзувчи", 1994, 75-бет.

[3] Қаранг: Ҳ а с а н х о ж а Н и с о р и й. Музаккири аҳбоб (И.Бекжон таржимаси). – Тошкент: "Халқ мероси", 1993, 172-бет.

[4] Қаранг: Ж у м а х ў ж а Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1996, 5–7-бетлар.

тимсол-тушунчалар силсиласига дуч келамиз. Ишқий шеъриятдаги юз, кўз, қош, киприк, соч, зулф, лаб, хол, оғиз, занахдон, қад, бел каби образлар ҳам тасаввуф шеъриятида сўфиёна мазмунда келади.

Пайғамбарлар ва уларнинг ҳаётию фаолияти, мўъжизалари билан боғлиқ тимсол-тушунчалар ҳам мумтоз адабиётда муайян фикрлар тасдиғи, исботи ва ривожи сифатида бадиий вазифа бажаради. Чунончи, Нуҳ – узоқ умр, Хизр – абадий ҳаёт, Айюб – сабр-тоқат, Яъқуб – ғам-қайғу, Юсуф – гўзаллик, Довуд – хушовозлик, Сулаймон – бойлик ва шукуҳ, Исо Масиҳ – жон ато этувчи тимсоли бўлиб келади. Ёки Нуҳ ва тўфон, Хизр ва оби ҳаёт, Хизр ва Масиҳ, Сулаймон ва чумоли, Яъқуб ва байт ул-аҳзан, Исо ва қуёш, Исо ва хуффош, Исо ва игна, Мусо ва Тур, Мусо ва Сомирий ҳамиша ёнма-ён қўлланади ёки бири иккинчисига ишора қилади.

Бундан ташқари, мажоз ва ҳақиқат, ваҳдат ва касрат, шам ва парвона, каҳрабо ва сомон, томчи ва денгиз, ҳусн ва ишқ, шоҳид ва машҳуд, ақл ва кўнгил, фано ва бақо, сўфий ва зоҳид, куфр ва иймон каби ўзаро бир-бирини тақозо қиладиган тимсолларга ҳам кўп дуч келамиз.

Аслида шоир шеъриятидаги ҳар бир сўз, тимсол ва образ бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қилади, бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради. Айтайлик, майнинг қадаҳга, қадаҳнинг хумга, хумнинг соқийга, соқийнинг майхонага нисбати бор ва ҳоказо охир-оқибат барчаси ягона Яратувчига бориб боғланади ва унинг дунёдаги ранг-баранг шакл ва кўринишдаги жилвалари тарзида талқин қилинади.

Ёки “Садди Искандарий” – “Искандар девори” аслида инсон жисми тимсоли – уни ўртадан кўтарибгина Ҳаққа етиш мумкин. “Илоҳийнома” асарида машҳур мутасаввиф шоир Фаридиддин Аттор бу ҳақда шундай ёзади:

Сўрарсен: не эмиш садди Скандар?
Ўзингдирсен ўзингга садди акбар.

Вужудинг сад эмишдир сенга, тўғон,
Сен унда ўлтирурсен лолу ҳайрон.

Ўзингсан унда ул Яъжужу Маъжуж,
Дамодам бир бўғов қийноғига дуч[1].

Маълум бўладики, бу шеъриятда ҳамма нарса рамзу тимсоллар қатига ўралган – бирор тимсол ё образ зоҳирий маъносида келмайди: ҳатто Искандар ҳам тариқат солики тимсоли, у оби ҳаёт – илоҳий маърифатни излайди, лекин жисми бу йўлда энг катта тўсиқ – садди Искандар, нафс хоҳиш-истаклари, саъй-интилишлари эса Яъжуж ва Маъжуж.

Кўраяпсизки, Навоий ижодида ўз маъносида ишлатилган оддий сўзнинг ўзи йўқ ҳисоби: ҳар бир сўз ниманингдир рамзу тимсоли бўлиб келади, энг камида икки ёки уч маънони англатади. Шарқ мумтоз шеъриятининг образлар олами ва тасаввуф адабиётининг истилоҳларидан бехабар ўқувчи уларни ўқиб тушуниши мушкул. Шунинг учун тафаккур уфқи бепоён шоирнинг асосан ана шундай мураккаб ва ҳозирги ўқувчига тушунарсиз байтлари шарҳига эътибор қаратдик. Уларнинг моҳиятини бутун теранлиги билан очиш, ранг-баранг маъно қирраларига эгалигини кўрсатиш, шоир ижодида бир неча бадиий

[1] Шайх Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома (Форсийдан Жамол Камол таржимаси). – Тошкент: “Мусиқа”, 2007, 239-бет.

вазифаларни бажариб келганлигини кенг ва батафсил тушунтириш учун бир хил мавзудаги байтларига мурожаат қилдик.

Бир хил мавзу-мундарижадаги, ягона образ ва тимсоллар қўлланган байтлар Алишер Навоий ғазалиётида кўп учрайди. Лекин улар зинҳор-базинҳор бир-бирини такрорламайди. Унинг муштарак мавзудаги байтларини бир ерга жамлаб, қиёсан таҳлил қилсангиз, улуғ шоир муайян бир фикрни бир байтида тезис сифатида ташлаб, кейинги байтларда унинг кўплаб маъно қирраларини бирма-бир очиб борганига гувоҳ бўласиз. Чунончи, бири иккинчисида ифодаланган фикрни тушунишга туртки беради, иккинчиси учинчисини тўлдиради, учинчиси тўртинчисини ривожлантиради, бешинчиси олдинги тўрттасида ифодаланган фикрга хулоса ясайди ва ҳоказо. Шу тариқа, шоирнинг бир мавзу, ягона образлар асосидаги байтлари у ёки бу масаладаги қарашларини яхлит тизим сифатида тушуниш ва тадқиқ этиш имкониятини яратади.

Алишер Навоий нафақат бадиийлик қонуниятлари, балки муайян илмий-мантиқий концепция асосида иш кўрган мутафаккирга ўхшайди: унда шоирлик ва олимлик хусусиятлари ажойиб бир тарзда омухталашиб кетган. Бу ҳолни унинг шеъриятида – фикрларини яхлит тизим сифатида шакллантириши, босқичма-босқич ривожлантириши ва охирида хулоса қилишида кўрамиз.

Навоийнинг тимсолу ташбеҳлар олами бепоён: улардан бир нечтасини билиб олиб, бемалол шоир ижод боғини сайр этаман деган киши қаттиқ янглишади. Чунки унинг ҳар асарида янгидан-янги образу тимсолу истилоҳларга дуч келади. Тушунарсиз сўзлар силсиласи ҳам сира камаймайди – илгари сира учратмаган сўзларни учрataверасиз. Бинобарин, Навоийнинг бадиий оламини кашф этиш учун унинг бир-икки асарини мутолаа қилиш кифоя эмас, балки бир бутун ижоди билан таниш бўлиш тақозо этилади. Ўшанда шоирнинг у ёки бу фикри нафақат байт ёки ғазаллари доирасида, балки бошқа асарларида ҳам давом эттирилгани ва ривожлантирилгани, янгидан-янги қирралари билан бойитилганига ишонч ҳосил қиласиз. Жумладан, ғазаллардаги айрим фикрларнинг калитини “Хамса” ёки “Маҳбуб ул-қулуб”дан топиб ҳайрон бўласиз.

Ўз-ўзидан, дурдона асарларнинг шарҳу талқинлари кўп бўлади. Уларнинг аксарияти муаллифнинг ҳатто етти ухлаб тушига кирмаган бўлиши мумкин. Ҳолбуки, матн ўшандай талқинларга ҳам имкон бериши билан бетакрор. Айни жиҳатдан Шарқда Абулмаоний – Маънолар отаси сифатида донг таратган Мирзо Абдулқодир Бедил билан боғлиқ бир ривоят диққатга сазовор.

Маълумки, бизда бедилхонлик давралари машҳур бўлган – уларда шоир шеърлари ўқилиб, кенг шарҳланган, турли маъно қирралари очиб берилган. Шоир шеърларидаги қават-қават маъно қатламларини тушунтириб берадиган қилни қирқёрадиган бедилхонлар етишиб чиққан. Ана шундай бедилхонлик давраларидан бирида зукко бедилхонлардан бири шоир бир шеърининг тўқсон тўққизта маъносини айтиб, ҳаммани қойил қолдирган. Лекин кечаси тушига Бедил кириб, ўша шеърнинг юзинчи маъносини айтиб берган экан.

Кўпинча муаллиф кўзда тутган асосий маъно ана шу юзинчи маъно бўлади. Қолган тўқсон тўққизтаси шоир мухлислари ва тадқиқотчиларининг тасаввуру тахайюл асосидаги турли шарҳу талқинлари ҳисобланади.

Ривоятдан келиб чиқадиган яна бир ибратли жиҳат шундаки, олимларимиз кўпинча у ёки бу асарнинг тўқсон тўққизталаб маъносини излаб топадилару асл маънога – юзинчи маънога етиб боролмайдилар. Ҳолбуки, асл мақсад ўша – юзинчи маъно.

Навоий айрим ғазал ва рубоийларининг ҳам бир неча олимлар томонидан амалга оширилган, баъзида бир-бирига ўхшамайдиган шарҳу талқинлари мавжуд. Лекин

уларнинг барчаси шоирнинг бадиият оламига чуқурроқ киришга, асарларини бутун маъно қирралари билан теран ва ҳар томонлама кенг идрок этишга имкон яратади. Баъзида бизнинг хаёлимизга ҳам келмаган фикру мушоҳадаларга туртки беради. Бу эса унинг бошқа асарларини тушуниш ва талқин этишга йўл очади.

Ушбу шарҳлардан мақсад Навоийнинг мазмунан теран, услубан мураккаб, бир неча маъно қатламларига эга, диний ва тасаввуфий тимсолу истилоҳларга бой байту ғазаллари моҳиятини ҳозирги ўқувчига имкон қадар кенг ва чуқур етказиб бериш баробарида уни буюк сўз санъаткорининг ранг-баранг образлар оламига олиб кириш, қўлига бу асарларни тушунишга калит тутқазиш ҳамдир. Бу калит ёрдамида у улуғ шоирнинг бошқа асарлари маъно хазинасига ҳам бемалол йўл топади. Бу вазифани қанчалик уддалаганимизга эса зукко ўқувчилар баҳо беради[1].

Алишер Навоий – маънавиятимиз осмонининг қуёши. Бу қуёшнинг зарраларидан баҳраманд бўлмай туриб, маънавий юксалиш тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Бинобарин, Навоийни ўқиш ва уқиш маънавий юксалишнинг шарти ва воситаларидан бири бўлиши, ҳар бир ўзбекнинг маънавий даражаси маълум маънода унинг Алишер Навоийни қанчалик билишига қараб белгиланиши керак.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

[1] Алишер Навоийнинг байту ғазаллари ҳам, турли асарларидан келтирилган иқтибослар ҳам шоирнинг 2011 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган ўн жилдлик “Тўла асарлар тўплами”дан олиниб, ғазалларнинг девонлардаги тартиб рақами, бошқа жанрдаги асарларидан кўчирмаларнинг эса жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилди.

БИРИНЧИ ФАСЛ

ҒАЗАЛЛАРДА ОЛАМЧА МАЪНО

ҚУДРАТЛИ ВА ШУҲРАТЛИ ЖАНР

Ғазални Шарқ сўз санъати қасрининг асосий устуни деса бўлади.
Шарқ шеърияти аталган қаср асосан ғазал отлиғ устунга суянади.
Таъбир жоиз бўлса, Шарқ адабиётини ғазал жаҳонга машҳур қилди.

Ғазал – Шарқ шеъриятида энг кенг тарқалган лирик жанр бўлиб, араб тилида у аёлни севиш, унга ошиқона муносабатда бўлиш маъноларини билдирганидан унинг фақат ишқий мавзуда ёзилиши шарт қилиб қўйилган. Шунга биноан, ғазалда дастлаб маъшуқанинг жамолини таърифлаш, унга бўлган жўшқин муҳаббатни ифодалаш, ошиқнинг ўй-кечинмаларини тасвирлаш асосий ўрин тутган. Ўрта асрларда ғазал фақат муҳаббат мавзуида битилгани шундан далолат беради. Бошқа мавзулар шеъриятнинг ўзга жанрларида ёритилган. Кейин-кейин ғазалнинг мақтадан олдинги байтларида панд-насиҳат, ижтимоий-фалсафий мазмундаги фикрлаш таомилга кирган. Шунинг учун ҳам Огаҳий: “Девонимдан жой олган ҳар бир ғазал гуллаб-яшнаган ишқ чаманзорининг гўзал ва эрка оҳусидир”, – деб лутф этган эди:

Ишқ хуррам марғзорининг ғазоли шўхидур,
Ҳар ғазалким, Огаҳий, сабт ўлди девоним аро[1].

Ишқ ошиқни шоирга айлантириб, ғазал фақат ишқ изҳоридан иборат бўлгани учун ҳам севимли шоиримиз Жамол Камол шундай лутф этган эди:

Солди шайдоликка жонимни
Ажаб шайдо ғазал,
Солмаса жонимга шайдолик,
Нечун пайдо ғазал?..

Ё гўзал саргашта этмиш,
Ё ғазал деб, ўйламанг,
Ёр бошимга солди савдо,
Солди сўнг савдо, ғазал...[2]

Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло инсонни лойдан ясаб, мусиқа ёрдамида унга жон киритган экан. Бинобарин, куй-қўшиққа муҳаббат инсоннинг зуваласига қўшиб қорилган. Айни жиҳатдан шоирнинг мана бу сўзларига ишонгингиз келади:

Бор ривоят, мулки оламни
Муқаррар этди-ю,
Тузди сўнг ул арши аъло
Устида Оллоҳ ғазал[3].

---

[1] О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин (Нашрга тайёрловчи: Хуршид). – Тошкент: “Фан”, 1960, 54-бет.
[2] К а м о л Ж. Сайланма. Олти жилдлик. 1-жилд. Аср билан видолашув (Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, достонлар). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2018, 260-бет.
[3] К а м о л Ж. Сайланма. 1-жилд, 261-бет.

Ишқ-муҳаббат мавзуи тасаввуф туфайли ўзининг авж пардасига кўтарилгани маълум. Лекин Шарқ адабиётида севги тараннуми азалдан етакчи бўлган. Шоирлар дунё, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги фикр-туйғуларини асосан муҳаббатга боғлаб ифода этишган. Ишқий мавзудаги шеърлар ичида фалсафий-ижтимоий фикрлар ҳам, табиат тасвири ҳам, замонадан, одамлардан шикоят мотивлари ҳам, панд-насиҳат ҳам келишининг сабаби шунда.

Ғазал истилоҳ ўлароқ дастлаб VI–VII асрларда араб сўз санъатида пайдо бўлган. Сўнг Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари адабиётларига ўтиб, XIII–XIV асрларда тўла шаклланган. Ҳажми 3 байтдан 19 байтгача қилиб белгиланган. Лекин 21, ҳатто 27 байтли ғазал намунаси учрайди. *аа, ба, ва, га, да* ва ҳоказо тарзда қофияланади, бошдан-охир бир вазнда ёзилади. Илк байти матла ёки мабда, охиргиси мақта ёки хотима деб аталади. Агар иккинчи байтнинг мисралари ҳам ўзаро қофияланса, зеби матла ёки ҳусни матла дейилади. Халқ орасида ғазал сўзи умуман шеър, шеърият ва қўшиқ маъносида ҳам қўлланган. Ғазалнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши мусиқа санъати билан чамбарчас боғлиқ. Дастлаб ғазалга тахаллус қўйилмаган, бу кейинчалик анъанага айланган.

Ғазал дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса-да, кейинчалик унинг мавзу доираси кенгайиб борди ҳамда ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, мавъиза (панд-насиҳат) ва ҳажвий ғазаллар юзага келди. Ғазаллар тузилишига кўра 4 мустақил турга ажралади: 1) мустақил байтлардан тузилган (пароканда) ғазал; 2) якпора ғазал; 3) воқеабанд ғазал.; 4) мусалсал ғазал. Маъно жиҳатидан эса орифона, ошиқона ва риндона ғазалларга бўлинади.

Форс-тожик сўз санъатида ғазал дастлаб Рудакий ижодида учраса-да, Саъдий ижодида у тўла шаклланиб, шеъриятнинг асосий жанрларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам Саъдий Шерозийни ғазал жанрининг устоди сифатида улуғлашади, чунки унгача форсий шеъриятнинг етакчи жанрлари қасида, достон, маснавий, қитъа ва рубоий эди. Рудакий, Саноий, Хоқоний, Жамолиддин ва Камолиддин Исфаҳонийлар кўплаб ғазаллар ёзган бўлсалар-да, улар қасида ва қитъа характерига эга бўлиб, ўзаро мустақил алоҳида байтлардан ғазал яратиш анъанасини Саъдий бошлаб берди. У ғазалчиликдаги ўзигача олиб борилган тажрибаларни ривожлантириб, ғазални такомилга етказди, кейин Ҳофиз Шерозий уни юксак чўққига олиб чиқди.

Ҳофиз ижодининг илк босқичларида ўз даврининг машҳур шоирлари Салмон Соважий ва Хожу Кирмонийларга эргашган, улар таъсирида ғазаллар ёзган. Хусусан, Хожу Кирмоний Саъдий ва Ҳофиз ўртасида кўприк бўлди. У Саъдий шеъриятнинг асосий жанрлардан бирига айлантирган ғазални ривожлантириб, Ҳофизга етказди, кейин Ҳофиз уни мўъжиза даражасига кўтарди[1]. Маълум бўладики, Саъдийнинг Ҳофизга таъсири икки томонлама бўлган: бевосита ва Хожу Кирмоний орқали. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган эди:

Устоди ғазал Саъдист пеши ҳама кас, аммо
Дорад сухани Ҳофиз тарзи сухани Хожу[2].

“Барчанинг наздида Саъдий ғазалда устод саналади, лекин Ҳофиз ижоди Хожу шеърлари услубидадир”.

Таниқли тожик адабиётшунос олими, академик Абулғани Мирзоевнинг ёзишича, форсий адабиётда ғазалчилик тасаввуфий ва дунёвий йўналишда ривожланиб, Ҳофиз

[1] Бу ҳақда қаранг: А й н и й К. Ҳофиз ва “тарзи сухани Хожу” \\ Жашнномаи Ҳофиз. Мажмўа. – Душанбе, 1971. – Саҳ. 98.

[2] Ҳ о ф и з и Ш е р о з и й. Куллиёт (Мураттиби китоб ва муаллифи сарсухан Жамшед Шанбезода). – Душанбе: «Ирфон», 1983. – Саҳ. 495

ўз ижодида ана шу икки оқимни бирлаштиради[1]. “Ҳофиз ижоди – форсий адабиётнинг бутун тарихида лирик шеъриятнинг чўққиси ҳисобланади. Унинг шеъриятида Хайёмнинг ҳурфикрлиги, Румийнинг инсонпарварлик ғоялари, Саъдий ижодининг ахлоқий ва бадиий гўзаллиги ажойиб тарзда уйғунлашиб кетган. Бу Ҳофиз ғазалларига бадиий мукаммаллик бағишлайди ва салафларига кўра кўпроқ унинг ижодини Ғарб уйғонишининг бадиий муваффақиятларига яқинлаштиради”[2].

Ҳофиз ғазаллари, аввало, жозибали ва ёқимли оҳанги билан ҳар қандай ўқувчини ўзига тортади. Кейин ҳассос ва исёнкор руҳи билан унинг қалбини тўлқинлантиради. Ранг-баранг тимсолу ташбеҳлари, юксак бадийяти билан мафтун этади. Ниҳоят, кенг ва чуқур маънолари билан ақлини банд этади. Қават-қават рамзу тимсоллар пардасига ўралгани билан изланиш ва тафаккур қилишга ундайди. Шоир шеърлари бир неча маъно қирраларига эга бўлганлиги учун ҳам ҳар бир тоифа уни ўзича талқин этади, ўз мақсадига хизмат қилдиради. Чунончи, тасаввуф олимлари Ҳофизни илоҳий ишқ куйчиси сифатида ўргансалар, Ғарб ва Шўро адабиётшунослари, аксинча, уни бутунисича дунёвий шоирга чиқариб қўйган пайтлари бўлди. Аслида шоир ижодида илоҳийлик ва дунёвийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У еру кўкнинг яратувчиси бўлмиш Оллоҳни таъриф-тавсиф этиш, унга бўлган ҳассос муҳаббатини авж пардаларда тараннум айлаш билан бирга, Парвардигори оламнинг заминдаги халифаси инсонни ҳам унутмади: инсоний фазилатларни улуғлаб, қусурларни мазаммат этди; халқнинг орзу умидлари, дарду ҳасратларини, дунёнинг буқаламунлиги, чархнинг кажрафторлиги, замонанинг адолатсизлигини ёниб куйлайди. У висол ва ҳижрон, яхшилик ва ёмонлик, тўғрилик ва эгрилик, донолик ва нодонлик, қувонч ва қайғу, дўстлик ва душманлик каби азалий ва абадий мавзуларни маҳорат билан қаламга олади.

Фирдавсий – маснавийни, Умар Хайём – рубоийни қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳофиз Шерозий ҳам ғазални шунчалик юксак мақомга кўтарди. Мана, неча асрлардан буён рубоийда бирор шоир Хайёмга етолмагани каби ғазалда ҳам ҳеч ким Ҳофизнинг олдига тушолган эмас. “Ғазал ёзиш Ҳофизга мусаллам бўлди” (5,22), – дейди бу ҳақда Навоий.

Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хусрав Деҳлавий, Камолиддин Исфаҳоний, Хожу Кирмоний, Салмон Соважий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби забардаст шоирлар ғазал тараққиётида катта роль ўйнаганлар. Ўзбек адабиётида ғазал мулкининг султони мақомига кўтарилган Алишер Навоий бу ғазал усталаридан фақат учтасини ўзининг ғазалнависликдаги устозлари сифатида эътироф этади: бири – дарду завқи ишқ аҳлини ўртайдиган ҳар бир сўзи мўъжиза даражасидаги ҳинд сеҳргари Амир Хусрав Деҳлавий, иккинчиси – орифлар анжуманининг масту бепарвоси бўлмиш Исо каби дами тўнган юракларга ҳаёт бахш этадиган шерозлик ринд Хўжа Ҳофиз, учинчиси эса синиқ сафоли Жамшид жоми даражасидаги покизанафас Жом орифи Мавлоно Жомий. Навоий назмига назар солсанг, бирор байти бу уч сўз санъаткорининг таъсиридан холи эмас. Шоир шеърияти бамисоли бир кўзгую унга шу уч гўзал ўз аксини солиб тургандай:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ –
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли.

Бири мўъжиз баёнлиғ соҳири ҳинд –
Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.

[1] Қаранг: М и р з о е в А. Фоний ва Ҳофиз \\ Навоий ва адабий таъсир масалалари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Фан”, 1968, 54–57-бетлар.

[2] Б р а г и н с к и й И.С. Из истории персидской и таджикской литератур. – Москва, 1972. – Стр. 42.

Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи,

Бири қудси асарлик орифи Жом –
Ки, жоми Жамдурур синған сафоли.

Навоий назмиға боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.

Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли[1].

Ўзбек адабиётида ғазалнинг илк намуналари Рабғузийнинг "Қисас ар-Рабғузий", Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"сида учрайди; кейинчалик Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атойи, Гадоий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Убайдий, Машраб, Мужрим-Обид, Амирий, Нодира, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ва бошқалар ижодида ривожлантирилди. Навоий "Бадоеъ ул-бидоя" девони дебочасида ўзигача яшаб ижод этган ғазал устодларидан икки кишининг маҳоратига юксак баҳо беради: "Ва уйғур иборат (ибора, сўз; баён, талқин, ифода. Аҳли иборат – шоирлар, адиблар – Э.О.)ининг фусаҳо (сўз усталари, адиблар – Э.О.) сидин ва турк алфоз (сўзлар – Э.О.)ининг булағо (қалам аҳли, сўз усталари – Э.О.)сидин Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфий раҳимаҳумоллоҳким (Оллоҳ уларга раҳм қилсин – Э.О.), бирининг ширин абёт (байтлар; шеърлар – Э.О.)и иштиҳори (шуҳрат, машҳурлик – Э,О,) Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиёти интишори (ёйилиши, тарқалиши – Э,О,) Ироқу Хуросонда бениҳоятдурур, ҳам девонлари мавжуд бўлғай"[2].

Форс-тожик ғазалчилигида аруз вазнининг ҳазаж баҳри, туркий халқлар ғазалчилигида рамал баҳри кўп қўлланган. Масалан, Алишер Навоийнинг 2600 ғазалидан 1600 га яқини, Атойининг 260 ғазалидан 109 таси, Ҳусайн Бойқаронинг эса барча ғазаллари рамалда ёзилган. Арузда 21 та баҳр бўлиб, ўзбек ғазалиётида фақат Навоий уларнинг кўпчилигини қўллаган. Ғазалда ишқий мавзу етакчилик қилишига қарамай, ғазалнавислар бу жанрнинг имкониятларидан инсон маънавий дунёсининг, шунингдек, табиат ва жамиятнинг барча мураккаб томонларини ифодалаш учун фойдаланганлар.

XV асрдан ғазал ўзбек шеъриятида ҳам асосий ва етакчи жанрга айланди. Алишер Навоий ўзбек тилида 2600 дан ортиқ ғазал яратиб, бу жанрнинг ғоявий-мавзуий доирасини кенгайтирди, ғазални ҳаётга яқинлаштирди, ғазалда реалистик тамойилларни кучайтирди.

Ўзбек шеъриятида ғазалнавислик анъанаси ҳеч қачон тўхтаб қолмаган. Кейинги асрларда Ҳамза, Чўлпон, Сўфизода, Хуршид, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Холис, Восит Саъдулла, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Мирзо Кенжабек, Сирожиддин Саййид, Усмон Қўчқор, Матназар Абдулҳаким, Мирзааҳмад Олимов, Жаъфар Муҳаммад, Нодира Афоқова ва бошқалар ғазални янгича шароитда давом эттирдилар ва унинг мавзу доирасини бойитдилар, шу билан бирга, анъанавий ишқу ошиқлик мавзуида ҳам кўплаб бадиий баркамол ғазаллар яратдилар.

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик, 4-жилд. – Тошкент:.Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 728-бет.
[2] А л и ш е р Н а в о и й. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. 757-бет.

Ғазаллар замонавий ғоя ва мазмун билан бойиб, уларнинг энг яхши намуналари хонандалар репертуаридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Шунинг учун ҳам “Ёшлик девони” билан кўҳна ғазалга янги ҳаёт бахш этган моҳир шоир Эркин Воҳидов ғазал ҳозирги шиддатли замон талабларига жавоб бера олмайди деб айюҳаннос солганларга қарата мана бундай зарба берган эди:

Эй мунаққид, сен ғазални
Кўҳна деб камситмагил,
Севги ҳам Одам Атодин
Қолган инсон қонида.

Тошга ҳам ширин ғазал
Бахш айлагай оташ ва жон,
Шавқ ўти ёнса агар
Шоир – ғазалхон қонида[1].

Маълумки, ғазалнинг ҳар икки мисраси ўзаро қофияланадиган биринчи байти матла (арабча – чиқиш жойи (қуёш, ой, юлдузнинг), бошланиш, мабда) деб юритилади. Ўқувчи ёки эшитувчини ўзига тортиши, шеърнинг давомини ўқишга рағбат уйғотиши учун шоирлар матланинг шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан юксак чиқишига катта эътибор берганлар. Бетакрор сўз ва иборалар, фавқулодда ва оҳорли ташбеҳлар, нозик тахайюл ва дақиқ фикрлар билан уни ҳар жиҳатдан мукаммал қилишга – ҳусни матла даражасига кўтаришга интилганлар. Радуёнийнинг ёзишича, илк байтнинг шакл ва мазмун жиҳатидан гўзал бўлиши балоғат қоидаларидан ҳисобланади. Бундай пурмаъно ва пурлатофат байт ўқувчини шеърнинг асосий ғоясини бутун теранлиги ва нозиклиги билан тушунишга тайёрлайди ва ҳусни матла номини олади.

Ҳусни матла (арабча – матланинг ҳусни, яъни чиройли бошлаш) – ғазал ва қасидани гўзал бошлашдан иборат муштарак санъат. Илми бадеъга оид адабиётларда у ҳусни ибтидо деб ҳам юритилади. Матла шеърга ўзига хос кириш, унинг очқичи ҳисобланганидан шоирлар матлага жиддий эътибор бериб, унга катта масъулият билан ёндашганлар: шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий етук чиқишига ҳаракат қилганлар. “Чиройли сўз ва иборалар чуқур маънонинг ёрқин, таъсирли шаклда намоён бўлишини таъминлайди. Натижада, биринчи байт (матла) ўқувчи эътиборини қозониб, унда кейинги байтларни ўқишга иштиёқ уйғонади”[2]. Атоуллоҳ Ҳусайний таъбири билан айтганда, шоирлар “калом бошининг хўбу марғуб бўлмағиға тўлуқ саъй қилғайлар, зероким, ул сомеъ қулоғиға биринчи еткай, демак, яхши бўлса, анинг давомин эшитмакка майл бўлур, йўқса, табъи ани рад этар ва кейин неча яхши бўлмасун, эшиткучининг табъида бошда ҳосил бўлған танаффурни ислоҳ қилиб бўлмас”[3]. Айни жиҳатдан Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарида келтирилган бир ривоят диққатга сазовор:

Бир шоир Кирмон ҳокими ҳузурига бориб, унга бағишланган қасидасини ўқиб бермоқчи бўлибди. Лекин матласини ўқиши билан унинг гўзаллигидан ҳайратга тушган ҳоким қарсак чалиб, уни тўхтатибди:

– Бўлди! Қасиданинг қолганини ўқиб ўтирма.

---

[1] Воҳидв Э. Сайланма. 1-жилд. Ишқ савдоси. – Тошкент: “Шарқ”, 2000, 114-бет.
[2] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014, 297-бет.
[3] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (А.Рустамов таржимаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 251-бет.

Кейин надимига минг динор келтиришни буюрибди. Пулни шоирга берар экан, шундай дебди:

– Агар қасиданинг барча байтлари матласидек бўлса, ҳар байтнинг баҳоси минг динордан бўлади. Менинг хазинамда эса бунча олтин йўқ.

Китобда, шунингдек, бемаъни матласи учун эллик таёқ еб, кўчага ҳайдалган бошқа бир шоир ҳақидаги ҳикоят ҳам келтирилган.

Мана, сизга бир матланинг кучи!

Маълум бўладики, "шеърнинг бошланишиёқ ўқувчини ҳайратга солиши, завқлантириши лозим. Шунинг учун ҳам ҳусни матла шеър бошланишида ўқувчи таъбини хира қиладиган, кайфиятига салбий таъсир ўтказадиган сўзлар ишлатилмаслигини, фикрни ортиқча дабдабали, жимжимадор ёки саёз ва мантиқсиз сўзлар билан ифодаламасликни, яъни лафз ва маъни орасида уйғун мувофиқлик бўлишини талаб қилади. Мумтоз шоирларимиз шеърни ҳусни матла талабларига мос тарзда яратишга жиддий эътибор қаратганлар, зеро, матла ғазалнинг илк тақдимоти экани, асарга муносабат илк мисралар қолдирган таассурот асосига қуришини яхши билганлар"[1].

Алишер Навоий матланинг гўзал ва бетакрор, теран ва етук, жозибадор ва жарангдор чиқишига ҳамиша жиддий эътибор берган.

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш (FC, 249), –

деган ҳали ўн икки ёшида битган ғазали матласининг ўша даврнинг малик ул-каломи Лутфий таҳсинига сазовор бўлгани ва устод шоир ўзининг ўн-ўн икки минг туркий ва форсий байтини шу биргина ғазалга алмашишга рози экани ва бу ишнинг амалга ошишини зўр муваффақият деб билишини изҳор этганининг ўзи ғазал мулки султонининг шеъриятдаги илк қадамлариданоқ матлага катта масъулият билан ёндашгани ва унинг бетакрор намуналарини ижод қилганини кўрсатади.

Аслида бу матла машҳур форс-тожик шоири Камол Хўжандийнинг:

То рух напўши кай шавад аз дида ашки мо равон,
Пинҳон нагашта офтоб ахтар намеояд бурун[2], –

мисраларидан бевосита ёки билвосита таъсирланиб ёзилгани шубҳасиз. Камол Хўжандийнинг "Сен юзингни яширмасанг сира кўздан ёш равон бўлмайди, зеро, қуёш ботмай туриб юлдузлар осмон юзини тутмайди" мазмунидаги байти унинг истеъдодли издошига "Худди қуёш ботиб кетганидан кейин осмонга юлдузлар чиқиб келганидай ёр юзини яширганида менинг кўзимдан ҳам ёшлар сочилади" мазмунидаги ўзига хос гўзал ва бетакрор байт ижод этишига туртки берган. Кўриниб турганидай, бу икки байт орасида муштаракликлар билан бирга тафовутлар ҳам мавжуд. Энг муҳим фарқ: Камол Хўжандий ғазали ражази мусаммани солим, Алишер Навоий ғазали эса рамали мусаммани мақсур вазнларида яратилган.

Навоийнинг ғазал ва қасидаларининггина эмас, ҳатто достонларининг илк байтлари ҳам пухта ишланганидан ўқувчини қизиқтириб, ҳайратлантириб, ортидан эргаштириб

[1] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: "Akademnashr", 2010, 395–396-бетлар.

[2] Камоли Хўжандий. Девон (Бо муқаддима, таҳия ва тасҳеҳи Б.Мақсудов). – Душанбе: "Адиб", 2015. – Сах. 395.

кетади. “Хазойин ул-маоний” девонлар туркумидаги 2600 ғазалидан барчасининг матласи бири-биридан чиройли, лекин кўпчилиги бу санъатнинг бебаҳо дурдоналари даражасида. Уларнинг китобдан-китобга, тилдан-тилга кўчиб юриши бежиз эмас. Чунки баъзилари сўз санъатининг беқиёс намуналари бўлса, баъзилар теран ҳикматнинг айни ўзидир. Масалан:

Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса (ҒС, 27).

“Кошки олам элидан фойда етмаганига яраша зарар ҳам етмаса. Дардингга малҳам қўйишмаса, кўнглингга ханжар ҳам уришмаса”.

Оддийгина бўлиб кўринган бу мисраларда инсон ва жамият муносабати билан боғлиқ муҳим нуқталардан бири маҳорат билан қаламга олинган ва гўзал бадиий талқин қилинган. Бу байтнинг барча замонлар учун барҳаёт ва барча тоифалар учун севимли бўлиб қолаётганинг асл сабаби ҳам шунда.

Ёки:

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,
Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас (ҒС, 223).

“Бу дунёдан фойда қилишдан тама узким, унинг фойдаси зиёнидан кўп эмас. Умрни ғанимат тутки, у бир нафасдан ортиқ эмас”.

Дунёдан манфаат кўзлаган зарар кўришию умрини ғанимат билмаган армонда қолишини уқтириш билан шоир оламнинг моҳиятини англашу ҳаётнинг мазмунини тушунишга даъват этаётгани сир эмас. Чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба маҳсули бўлган ва тенгсиз маҳорат билан назм риштасига тизилган бундай теран ҳаётий ҳақиқатларнинг юксак бадиий талқинлари тафаккур дурдоналари сифатида асрларни бўйлаб яшайверади.

Матлада ғазал ёки қасидада айтилмоқчи бўлган фикр, ифодаланажак маъно ўртага ташланиб, кейинги байтларда ривожлантирилиб, асосланиб борилади ва мақтада хулосаланади. Масалан, Алишер Навоийнинг:

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб –
Ким, гули шуълайи ғам, ғунчасидир хори тааб (НШ, 40), –

матласи билан бошланадиган ғазали дунё танқидига бағишланган бўлиб, унда “Бу дунё боғида кўп ҳам айшу сафога берилма: унинг кўзларингни яшнатувчи гуллари аслида ғам шуъласи, қалбингга қувонч бағишловчи ғунчалари машаққат тиканидир” деган фикр илгари сурилиб, кейинги байтларда дунёнинг гўзаллиги, бойлиги, неъматлари аслида тузоқ бўлиб, инсонни йўлдан уриши ҳақидаги бетакрор образли мушоҳадалар билан давом этади ва уни тарк этиш кераклиги ҳақидаги хулоса билан ниҳоясига етади:

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб (НШ, 40).

Бадиий юксаклигидан татаббу қилиш қийин бўлган матлалар бўлган. Масалан, Лутфийнинг умрининг охирида битган “офтоб” радифли форсий ғазалига кўпчилик шоирлар татаббу қилганлар, лекин матлани ҳеч бири унга етказиб ёзолмаган. “Афтад”

радифли форсий матласини тугатолмаган Лутфий уни Жомий давом эттириб, девонига киритишини васият қилган. Алишер Навоий ҳам Мирзобекнинг:

Кўзунг не бало қаро бўлуптур –
Ким, жонга қаро бало бўлуптур (ҒС, 161), –

матласини давом эттириб, тўлиқ ғазалга айлантиргани маълум. У Мавлоно Соҳибнинг:

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкулғон сабзадин намнокроқ (НШ, 326), –

матласи асосида ҳам ғазал яратган.

Мақта (арабча – бирор нарсанинг узиш, кесиш жойи) – ғазал ва қасиданинг охирги, якунловчи байти. Унда шеър давомида ифодаланган фикру ғоялар, тасвирланган туйғу-кечинмалар умумлаштирилибгина қолмай, шоирнинг ўз-ўзига ёки барчага қаратилган хулоса ҳам чиқарилади. Мақтанинг ифода ва бадиият жиҳатидан гўзал ва юксак бўлиши балоғат қоидаларидан ҳисобланади. Таъсирчан сўзлар воситасида салмоқли маънони юзага чиқарган бундай байтлар ҳусни мақта ҳам дейилади. У композицион жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, шоирнинг аҳволи ва мақсадини, хоҳиш ва истагини ҳам ўзида мужассам этади. Сўнгги байтда шоирнинг тахаллуси келтирилган бўлса, у байти тахаллус деб ҳам юритилади. Мумтоз шеъриятда шеърни чиройли, таъсирчан ва мазмундор қилиб якунлаш ниҳоятда муҳим саналади[1]. Масалан, Алишер Навоийнинг ишқ ичра шоҳу гадонинг мавқе-мақоми қиёси-нисбатига бағишланган ғазали ишқ ичра гадолик шоҳ тожу тахтидан ҳам афзаллиги ҳақидаги ҳикмат даражасидаги қуйидаги мақта билан якунланади:

Эй Навоий, сидқ ила бўлгил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ (ҒС, 561).

Анъанага кўра, мақтада шоир тахаллуси қўлланади, лекин тахаллуссиз мақталар ҳам учраб туради. Саъдийнинг кўпгина ғазалларида тахаллус мақтадан олдинги байтда келади. Бу ҳолни Навоийнинг айрим ғазалларида ҳам учратамиз.

Ҳусни мақта (арабча – мақтанинг ҳусни, яъни чиройли якунлаш) – шеърни гўзал бир тарзда якунлаш билан боғлиқ муштарак санъат. У ҳусни интиҳо, ҳусни хотима, бароати мақта деб ҳам юритилади. Ижод табиатини яхши билган, ўқувчи талабини чуқур ҳис қилган шоирлар ўз асарларини қандай яхши бошлаган бўлсалар, шундай яхши тугатишга ҳам интилганлар: бунда ёритилган мавзуга ўзига хос якун ясаганлар; асарнинг ниҳоясига етганига ишора этганлар; йўл қўйилган қусуру хатолар учун узрхоҳлик қилганлар, эзгу ниятларини изҳор айлаб, миннатдорчилик билдирганлар, гоҳ ўқувчини дуо қилиб, гоҳ ўқувчидан дуо сўраганлар, битикларининг барчага манзур бўлиши ва яшаб қолишидан умидвор бўлганлар ва ҳоказо. Бу ҳақда мумтоз поэтика билимдонларидан Атоуллоҳ Ҳусайний шундай ёзади: “Ул андоғдурким, каломни лафзу маъно жиҳаттин хўбу марғуб бир нима била тугатарлар, зероки, эшиткучининг қулоғига етган ул охирғи нима яхши бўлса, анинг латофату лаззати анинг хотиринда қолур. Агар олдинғи байтларда қусур воқеъ бўлса ҳам, ул таомларнинг охиринда ейилган лазизу ширин таомдек бўлур. Агар мазкур

[1] Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Иборат аз 3 жилд. Жилди 2. – Душанбе, 1989. – Саҳ. 216–217; И с ҳ о қ о в Ё. Сўз санъати сўзлиги. 298–299-бетлар; Қ у р о н о в Д., М а м а ж о н о в З., Ш е р а л и е в а М. Адабиётшунослик луғати. 167-бет.

бўлғандек бўлмаса, аҳвол анинг аксинча бўлур ва олдинғи байтлардин ҳосил бўлған ҳар лаззату ҳаловат табиат учун бемазаю ёқимсиз нимага айланур. Яхшиси улким, каломнинг тугаганига ишора бўлгай ва эшиткучи андин сўнг яна бир нимани кутмагай"[1].

Алишер Навоий ижодида ҳусни мақтанинг барча кўринишларини учратиш мумкин. У шеърни бошлашни қандай қойил қилган бўлса, якунлашни ҳам шундай қотирган. Шоирнинг ғазал ва қасидалари ёритилган мавзуни авж нуқтада якунлаганлиги, ўзига хос хулосавий фикр бўлиб жаранглаганлиги, кўпинча ҳикмат даражасига кўтарилган ўй-мушоҳадаларни ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради. Масалан, ишқий ғазалларидан бирида маъшуқанинг жабру ситамларидан ошиқ чеккан ранжу азобларни тасвирлаб келар экан, ишқ дарди шунақа бўладиган бўлса, Навоий масту яланғоч бўлиб, кўкрагига тош урганча фиғон тортиб, бу дунёни тарк этса, ажаб эмас деб мантиқий хулоса чиқаради:

Дард агар будир, Навоий чиқса оламдин, не тонг,
Масту урён кўкрагига тош уруб, тортиб фиғон (ҒС, 442).

Дунё танқидига бағишланган бир ғазалини эса ўткинчи, номуносиб бўлган бу маконни тарк этган яхши, зеро, қарғаю қузғун маъво тутган жойдан булбул қочгани мақсадга мувофиқ деган жуда ўринли байт билан хотималайди:

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқан яхшироқ зоғу заған маъвосидин (ҒС, 438).

Шоирнинг кўплаб мақталари эса ҳаётий кузатишлари хулосаси ўлароқ юксак даражадаги ҳикмат каби жаранглайди:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб (НШ, 52).

* * *

Чекма кўп ранж, Навоийки, киши топмайдур
Ўзидин халқни хушнуд муроот айлаб (НШ, 60).

* * *

Бир нафас умрға бўлмас мутааҳҳид бўлмоқ,
Эй Навоий, не бало ғофил эрур аҳли ғурур (НШ, 142).

Достонларини эса Оллоҳга муножот қилиб, ёзганларининг хатою қусурларини ислоҳ қилиб, ўқиганларга манзур этиши, мутолаа қилиб, мақсади ҳосил бўлганлар эса муаллифни дуо қилишини сўраб ёзган илтижономаси билан якунлайди.

Маълум бўладики, ғазал асрлар давомида барча унсурлари ҳар жиҳатдан пухта ишланиб, ифода ва услуби муттасил равишда сайқал топиб, мукаммал бир даражага етганлигидан, оташин озар шоири Фузулий таъбири билан айтганда, шоир қаламининг қудратини билдирадиган, унинг истеъдодининг шуҳратини орттирадиган бадиий юксак жанр ҳисобланади:

Ғазал билдирур шоиринг қудратин,
Ғазал орттирур нозиминг шуҳратин[2].

[1] А т о у л л о ҳ Ҳ у с а й н и й. Бадойъиу-с-санойиъ. 255–256-бетлар.
[2] М у ҳ а м м а д Ф у з у л и й . Асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд (Нашрга тайёрловчи: Холид Расул). – Тошкент:

Алишер Навоийнинг мазмунан теран, услубан мураккаб, қадим туркий, арабий, форсий сўз ва иборалар кенг қўлланилганлиги, турли бадиий санъатлар маҳорат билан истифода этилганлиги, нозик ишоралар ва тагдор қочиримларга бойлиги жиҳатидан тушунилиши бир қадар мушкул ғазаллари таҳлил ва талқинига ўтишдан аввал мазкур машҳур жанр борасида тўхталиб ўтиш уларнинг юксак бадийяти ва шоир маҳоратини ҳар томонлама кенг ва чуқур англашга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

ИККИ ОЛАМ СОҲИБИ

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки чиқдинг, гул –
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Шаҳларға гадо андоққим келди бу кун муҳтож,
Тонгла бўлубон муҳтож эҳсонига ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилайи мақсуд,
Мажнунинг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шаккарга узубатда нутқунг, не ажаб, кулса –
Ким, эрнинга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча,
Асфори самовийдан бўлған киби йўқ "Пожанд".

Не келса Навоийға сендин юз эвурмаским,
Ул – заррадурур, сен – меҳр, ул – бандаву сен – хованд.

("Ғаройиб ус-сиғар", 114-ғазал)

Ушбу ғазал "Хазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси")нинг биринчи девони – "Ғаройиб ус-сиғар"дан ўрин олган. Маълумки, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро тавсиясига кўра 1491–1498 йилларда барча шеърий меросини ўз ичига олган 4 девондан иборат мазкур машҳур лирик куллиётини тузади. Амир Хусрав Деҳлавий сермаҳсул ҳаёти давомида яратган улкан шеърий меросини умр фасларига мослаб 5 девон тартиб бериш билан Шарқ адабиётида айни йўналишда девон тузиш анъанасини бошлаб берган эди. Навоий

Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 21-бет.

маслаҳатига кўра, Абдураҳмон Жомий бу анъанани давом эттириб, шеърларидан 3 девон тузади. Ўз навбатида, устозининг: "Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм бирла мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз эткил"[1], – деган тавсиясига биноан Алишер Навоий ҳам умр фаслларига мослаб 4 девон тузади. Бунинг учун барча шеърларини тўплаб, таҳрир қилади, ҳар бир ҳарфга янгидан ҳамду наът ёзиб қўшади, етишмаган ҳарфлар учун янги ғазаллар ижод қилади ва Ҳусайн Бойқаро назаридан ўтказиб, уларни 4 девонга тенг тақсимлайди.

Тўрт девондан иборат бўлганлигидан у "Чор девон" ("Тўрт девон") номи билан машҳур бўлган. Шарқ шеъриятидаги 16 та жанрда ёзилган шеърларни ўз ичига олган бу мажмуанинг илк девони "Ғаройиб ус-сиғар" ("Ёшлик ғаройиботлари") деб аталиб, 650 ғазал, 3 мухаммас, 1 мустазод, 1 таржеъбанд, 1 маснавий, 50 қитъа ва 133 рубоийдан ташкил топган. "Наводир уш-шабоб" ("Йигитлик нодирликлари") деб аталган иккинчи девон 650 ғазал, 3 мухаммас, 1 мустазод, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1 таркиббанд, 50 қитъа, 52 муаммодан иборат. Учинчи девон "Бадоеъ ул-васат" ("Ўрта ёшлик гўзалликлари")да 650 ғазал, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мустазод, 1 таржеъбанд, 1 қасида, 60 қитъа, 10 луғз (чистон), 13 туюқ мавжуд. Тўртинчи девон бўлган "Фавойид ул-кибар" ("Кексалик фойдалари") эса 650 ғазал, 2 мухаммас, 1 мустазод, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржеъбанд, 1 соқийнома, 50 қитъа ва 86 фардни ўзида жамлаган. Маълум бўладики, "Хазойин ул-маоний"да жами 2600 ғазал, 4 мустазод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 1 маснавий (устози Саййид Ҳасан Ардашерга мактуб), 210 қитъа, 133 рубоий, 1 таркиббанд, 52 муаммо, 10 луғз (чистон), 13 туюқ, 1 қасида, 1 мусамман, 1 соқийнома, 86 фард ёки жами 3132 шеър мавжуд бўлиб, 44900 мисрадан иборат.

Келтирилган ғазал пайғамбарлар сарвари Муҳаммад алайҳиссалом таърифига бағишланган. Айни жиҳатдан у наът ғазал ҳисобланади. Наът – арабча сўз бўлиб, таъриф-тавсиф, васф, мақтов, эзгу хислатлар ва гўзал сифатлар мадҳи маъноларини билдиради ва Шарқ мумтоз адабиётида Муҳаммад алайҳиссаломга атаб ёзилган шеърларга нисбатан қўлланади. Хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида йирик асарларнинг муқаддима қисмида Оллоҳ таоло ҳамдидан кейин Пайғамбар наътини келтириш бир анъанага айланган. Шунингдек, алоҳида наът қасида, ғазал, рубоий ва қитъалар ҳам кўп учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девонлар туркумидан 40 га яқин наът ғазал ўрин олган[2]. Унда наът рубоий ва қитъалар ҳам мавжуд. "Бадоеъ ул-бидоя" девонига ёзган дебочасида бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ўзган эди: "Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё Расул алайҳиссалом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмамоғлиқ авло (яхши, афзал – Э.О.)дурур. Агар лаҳзае бу саодат муяссар бўлмаса, ҳар мутааййин (маълум, машҳур; аниқ, муқаррар – Э.О.) амр ифтитоҳида (очиш, киришиш – Э.О.) худ не навъ тағофул (эътиборсизлик, бепарволик – Э.О.) ва такосул (дангасалик, танбаллик – Э.О.) раво кўрулгай:

Гарчи эрур Тенгри таоло сўзи
Бошдин-аёғиға каломи қадим.
Кўрки, эрур аввали ҳар суранинг
"Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим".

Бу ишга ҳадис ҳам эрур шоҳиди ҳол –
Ким, собит эрурки "Куллу амрин зи бол".

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Хамсат ул-мутаҳаййирин \\ Тўла асарлар тўплами. 5-жилд. – Тошкент, 2011, 785-бет.
[2] Ғ а ф ф о р о в а З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент, 2001, 8-бет.

Ҳам бўйла аён қилди Худойи мутаол,
Ҳам улча Расул деди, бордур анга дол.

Бу навъ хаёле хотирга келган учун ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазалини ё Тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ (бу ерда: ораста; зийнат – Э.О.), ё Расул алайҳиссалом наъти била муфаттаҳ (очиш, очувчи – Э.О.), ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззаҳ (тақсим – Э.О.) қилинди".

Маълум бўладики, Навоий девонидаги ҳар бир ҳарф билан бошланадиган ғазаллар туркумини ё Оллоҳ таоло ҳамди, ё Муҳаммад алайҳиссалом наъти, ё бир панд-насиҳат мазмунидаги мавъиза ғазал билан бошлашни одатга айлантирган. Биз бу ҳолни "Хазойин ул-маоний"даги барча девонларда кўрамиз.

Тасаввуф фалсафасига кўра, Муҳаммад нури олам ва одам яратилмасдан бурун ҳам мавжуд эди. Оллоҳ таоло дастлаб Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини яратиб, кейин шу нур туфайли оламлар ва одамларни вужудга келтирган. Шунинг учун оламнинг асосида Муҳаммад нури ёки Муҳаммад ҳақиқати ётади[1]. Чунки Оллоҳ таолонинг оламни ҳам, одамни ҳам яратишдан мақсади – Муҳаммад алайҳиссалом бўлган. Шунинг учун "Қисаси Рабғузий"да бу нур ҳатто Одам алайҳиссаломнинг манглайида порлагани ҳақида хабар берилади:

"Мавло азза ва жалла (Қудратли ва улуғ Оллоҳ – Э.О.) Одамни қамуғ (барча – Э.О.) кўрклуклар бирла безади. Тишлариндин нур балқинур эрди, кўз нури менгизлик (каби – Э.О.). Муҳаммад ал-Мустафонинг нури Одамнинг олдинда қўмиюр (бу ерда: ўйнамоқ, порламоқ – Э.О.) эрди тўлун ой менгизлик. Одам ул нурнинг ёруқлуқин кўруб, бу нурни ман бир кўрсам теб кўсади (истади – Э.О.) эрса, Изи (Худо) азза ва жалла ёрлиқи бирла ул нур Одамнинг олнидин ўнг янгоқингға инди. Яна эгнига инди, андин Одам қўлинға. Илкини (қўлини – Э.О.) ул нурға кўтуру берди. Нур андин иниб, шаҳодат эрнакининг (бармоғининг – Э.О.) учинда тўруқди (тўхтади – Э.О.). Одам эрнакин юқору кўтуруб, анинг кўркин кўруб тонглаб (ҳайрон бўлиб – Э.О.): "Ло илоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳи" ("Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир") деди"[2]. Шунинг учун ҳам Навоий бошқа бир ғазалида:

Вужудинг икки жаҳон хилқатидин ўлди мурод,
Нечукки, зотинг ўлуб икки кавндин мақсуд (БВ, 114), –

деб ёзса, бошқасида:

Оламу одам фидонг ўлсунки, борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин ар, оламдин инсондур ғараз (FC, 278), –

дейди.

Келтирилган байтларда бор-йўғи иккита тушунарсиз сўз бўлиб, кавн – олам, ҳабиб – дўст: Муҳаммад алайҳиссаломнинг лақаби. Биринчи байтда Оллоҳнинг икки оламни яратишидан мақсад сенинг зотинг дейилса, иккинчисида олам ва одамдан мақсад сенсан деган фикр ифодаланмоқда.

Маълум бўладики, "гарчи шаклан Одам Ато олдин яратилган бўлса ҳам, моҳиятан, нур сифатида Муҳаммад пайғамбарни Худо ҳаммадан илгари яратди. Шу боис Алишер Навоий

[1] Бу ҳақда қаранг: К о м и л о в Н. Тасаввуф. – Тошкент: "Ёзувчи", 1996, 42-бет.
[2] Н о с и р у д д и н Б у р ҳ о н у д д и н Р а б ғ у з и й. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: "Ёзувчи", 1990, 18-бет.

ғазалларида сувратда Одам Ато Муҳаммадга ота бўлса ҳам, сийратда, яъни моҳиятда Одам Ато Муҳаммад пайғамбарга фарзанд маъносидаги тасвирларга кўп дуч келамиз"[1]. Келтирилган ғазалнинг матласи бунинг ёрқин далили:

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

"Ипга тизилган шодадек бутун инсон насли ўзига пайванд бўлгани, яъни бутун инсониятнинг сабабчиси бўлганига қарамай, Одам алайҳиссалом ҳам худди бошқалар каби зоҳиран сенга ота бўлиб кўринса-да, аслида – моҳиятда у сенга фарзанд ҳисобланади (яъни у ҳам сенинг нурингдан, сен туфайли яратилган)".

Байтда сурат ва маъно тазодини ҳам кўрамиз: сурат деганда моддий-зоҳирий нарсалар, маъно деганда эса маънавий-руҳий нарсалар кўзда тутилади. Тасаввуф истилоҳида сурат олами ва маъно олами деган тушунчалар ҳам мавжуд. Кўзга кўринадиган нарсалардан ташкил топган олам сурат олами, руҳий-ботиний олам эса маъно олами дейилади[2]. Бани башарнинг Одам алайҳиссаломдан вужудга келгани сурат аҳлига маълум бўлса, оламнинг ва одамнинг асосида Муҳаммад алайҳиссалом нури ётишини фақат маъно аҳли билади.

Фаришталарнинг инсонга сажда қилишига сабаб ҳам аслида унинг наслидан Муҳаммад алайҳиссаломдек башар тожининг дунёга келиши эди. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да ёзилишича, Одам алайҳиссаломни яратиш учун ҳозирги Маккаи мукаррама жойлашган ердан жаннатга олиб кирилган бир ҳовуч тупроқданоқ "Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг (унга Оллоҳнинг дуоси ва саломи бўлсин – Э.О.) тийнатин (бу ерда: зуваласин – Э.О.) тасним суйи билан юғуруб, борча малойикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офариниши (яратилиши – Э.О.) мунинг хилқатидур, охир уз-замон пайғамбари бўлғусидур" (8,539). Шунинг учун ҳам шоир бошқа ғазалида ёзадики:

Хоки пойингни малойик қилдилар тожи шараф,
Оллоҳ-Оллоҳ, ким кўруптур бу сифат зоти шариф (ҒС, 307).

Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳнинг энг сўнгги ва комил пайғамбари, барча мавжудот ва махлуқотнинг афзали ҳисобланади. Нафақат инсониятнинг яратилиши, балки Навоийнинг "Муножот" асарида ёзилишича, "Юз йигирма тўрт минг анбиёйи мурсал хилқатидан мурод – ул ва барча анга хайл ва ўн сакиз минг олам ихтироъидин мақсуд – ул ва офариниш сенға туфайл"[3]. Шундай экан, у ҳусну жамолда ҳам, илму ахлоқда ҳам, нубувватда ҳам барча пайғамбарлардан устун.

Саҳобалардан Абу Ҳурайра айтади: "Мен жаноби Расулуллоҳ алайҳи васаллам каби чиройли бир инсонни ҳаргиз кўрмадим. Офтоб гўё Жанобнинг чеҳраи анварларида (порлоқ чеҳраларида – Э.О.) туриб дунёга жилва қилиб тургандек маълум бўлар эди". Оллоҳ таоло дастлаб Муҳаммад нурини, кейин шу нур туфайли оламни, ундаги нарсаларни ва одамни яратган экан, демак, қуёш, ой ва юлдузлар ҳам ана шу нурдан вужудга келган. Бинобарин, мумтоз шеъриятда: "Сен қуёшдан ҳам, ойдан ҳам гўзал ва порлоқсан", "Қуёш ва ой ҳам сенинг асиринг", "Қуёш ва ой сенинг ҳуснинг нуридан бир зарра", "Сенинг жамолинг қуёш ва ой шуъласини сўндиради" каби маъшуқа таърифида айтилган лутфлар муболаға бўлибгина қолмай, айни пайтда диний-тасаввуфий ҳақиқат ҳамдир. Шарқ шеъриятида

[1] Ғаффорова З. Ўн саккиз минг олам сарвари \\ "Тафаккур", 1997, 2-сон, 47-бет.
[2] Улудаг С. Тасаввуф теримлери сўзлугу. – Истанбул: "Кабалчи яйиневи", 2001, 236-бет.
[3] Алишер Навоий. Муножот \\ Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. – Тошкент, 2011, 614-бет.

маъно ана шундай серқатлам бўлиб, ошиқона шеърларда нафақат маъшуқа, айни пайтда, Оллоҳ таоло, Муҳаммад алайҳиссалом ва илму ахлоқда етук комил инсон ҳам, кўпинча уларнинг барчаси биргаликда ҳам назарда тутилади. Шунинг учун ҳам Шарқ шоирлари ўз шеърларида Муҳаммад алайҳиссаломнинг нафақат маънавий-ахлоқий етуклигини, айни пайтда, жисмоний гўзаллигини ҳам таъриф-тавсиф этганлар, Тасаввуф адабиётида "ҳусн элининг шоҳи", "гўзаллар гўзали" каби таърифлар асосан илоҳий маҳбубага ва унинг севиклиси Муҳаммад алайҳиссаломга қаратилган. Пайғамбаримизга шоирларимиз томонидан "маҳбуби руҳоний" сифати берилгани бежиз эмас. Бу иборанинг икки маъноси бор: Оллоҳнинг маҳбуби (севиклиси) ва маънавий маҳбуб. Бинобарин, кўрку чиройда тенгсиз ҳисобланган Юсуф алайҳиссалом ҳам малоҳатда у зотдан қуйи туради:

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

"Кўрку жамол ичра ўхшаши бўлмаган Юсуф алайҳиссалом ҳам малоҳатда ҳуснини сенга тенг деб топмади".

Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Энди тасаввур қилаверинг: Юсуф алайҳиссаломда бутун инсониятда мавжуд ҳусндан тўққиз баробар ортиқ ҳусн бор. Мисрда етти йил очарчилик бўлганида одамлар Юсуфнинг ҳуснига боқиб, очликни унутишган. У ҳар куни ўзини халққа кўрсатар ва кишилар унинг ҳуснидан тўяр эдилар. Шунга қарамай, унинг ҳусну малоҳати Муҳаммад алайҳиссаломга тенглашолмайди. Сабаби, айтиб ўтилганидек, Юсуф алайҳиссаломнинг ҳам, бутун инсониятнинг ҳам нафақат ўзи, балки ҳусни ҳам Муҳаммад пайғамбар нуридан яратилган.

Маълумки, ҳар бир пайғамбарга Оллоҳ таоло томонидан бир мўъжиза берилган. Исо алайҳиссалом ўлганларни тирилтириши билан машҳур бўлган. Шунинг учун унга Масиҳ – жон ато этувчи, силовчи лақаби берилган[1]. Шоирнинг лутф этишича, жонбахш нафаси ҳатто марҳумларга ҳаёт ато этган Исо алайҳиссаломнинг ўзи бир куни динингни топишини билганидан сўнг хурсанд бўлиб жон топган эди. Байтни яна мана бундай ҳам талқин қилиш мумкин: ўлганлар аслида Исо нафасидан эмас, балки сўнгги ва мукаммал дин бўлган исломнинг келиши ва ўзининг ҳақ динда тирилишини билганидан хурсанд бўлиб жон топар эди:

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Бу гаплар бежиз бўлмай, "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида ёзилишича, Маҳдий заминда адолат ўрнатиш учун ўзини ошкор қилганида Исо Масиҳ ҳам ерга тушиб, Дажжолни ҳалок қилиб, ўз қавмини Муҳаммад алайҳиссалом динига даъват этади[2].

Кейинги байт муслимиятнинг Муҳаммад алайҳиссаломдек башар тожидан айрилиб қолганлиги хусусида:

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Қуръони карим (Алоуддин Мансур таржимаси) \\ "Шарқ юлдузи", 1992, 8–9-сонлар, 40-бет (Таржимон изоҳи) Журналнинг мазкур қўшма сонида Қуръони карим тўлиқ босилган – биз шу нашрдан фойдаландик. – Э.О.

[2] А л и ш е р Н а в о и й. Тарихи анбиё ва ҳукамо \\ Тўла асарлар тўплами, 8-жилд, 592-бет.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

"Сен даврон чаманини тарк этганда, гул қайғудан тирноғи билан юзини юз тилим қилди". Ёки: "Сен дунёдан ўтганда бутун башар қавми қайғудан қалбини чок-чок қилди".

Бу ерда шоир дунёни чаманга, пайғамбарни унинг боғбонига (бу фикр очиқ айтилмаган бўлса-да, байт замиридан сезилиб туради), аҳли мўминни эса гулларга ўхшатяпти: "Боғбон чаманни тарк этгач, гуллар юзини тилим-тилим қилди". Бошқача айтганда: "Маънавий мураббийидан жудо бўлгач, муслимият бағрини чок-чок этди".

Маълумки, пайғамбаримизга шафоат ҳуқуқи берилган. У зот қиёмат куни Оллоҳ таолодан умматларининг гуноҳини тилаб оладилар. Бандаи ожиз эса ўзини гуноҳлардан холи ва пок деёлмайди. Шундай экан, гадолар бу дунёда шоҳ марҳаматига муҳтож бўлгани каби қиёматда жаҳоннинг бутун подшоҳлари ҳам сенинг шафоатингга муҳтож бўладилар, дейди шоир:

Шаҳларға гадо андоққим келди бу кун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

Бу байтда санъаткор шоир шоҳлар ва гадолар, жаҳон шоҳлари ва охирзамон пайғамбари, дунё ва қиёматни ўзаро зид қўйиш орқали тазод, гадолар шоҳларга муҳтож бўлганидек шоҳлар ҳам пайғамбарга ҳожатманд бўлишини бир-бирига қиёслаш орқали ташбеҳ каби санъатларни ҳам маҳорат билан қўллаган, такрордан қочиб, "муҳтож" ва "ҳожатманд" каби маънодош сўзлардан фойдаланган.

Айтиб ўтганимиздек, бу дунёнинг яратилишидан мақсад Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилиши, ягона Оллоҳ ғоясини ёйиши, башариятни мукаммал дин бўлган исломга даъват қилиши эди. Бугина эмас. Бу дунё – башар қавмининг Оллоҳнинг марҳаматига сазовор ёки лаънатига дучор бўлишини аниқлайдиган, бошқача айтганда, инсоннинг сарагини – саракка, пучагини – пучакка ажратадиган синов майдони ҳам:

Гесу санга бўлмишдур чун силсилайи мақсуд,
Мажнунинг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Соч – тасаввуфий адабиётда моддий дунё тимсоли бўлиб келиши маълум. Айни пайтда унинг талаб йўли, мақсад усули, Қуръони каримга кўра эса ҳаблуллоҳ – Оллоҳнинг ипи маънолари ҳам мавжуд[1]. Демак, шоир мажозий тил билан айтаяптики: "Худованди карим бу дунёни сенга ўз мақсадингни амалга ошириш учун восита қилиб берди. Бас, гўзаллар зулфларини тузоқ қилиб, ошиқлар кўнглини овлаганидек, сен ҳам дунё воситаси билан сенга Мажнун каби ошиқ жонларни, яъни ўзингга мойил инсонларни ҳидоят йўлига бошлаб, Оллоҳнинг мукаммал дини – исломга киргиз".

Шаккарга узубатда нутқунг, не ажаб, кулса –
Ким, эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

"Нутқинг ширинликда шаккарнинг устидан кулса, ажаб эмас, чунки гўзал ахлоқ билан бирга, лабингга ширин табассум ҳам эш бўлмиш". Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг

[1] У л у д а г С. Тасаввуф теримлери сўзлугу, 146-бет.

ахлоқлари гўзал ва етук, сўзлари фасоҳату балоғат кони бўлибгина қолмай, у киши тавозеъ соҳиби эдилар – лабларида ҳамиша майин ва латиф табассум ўйнар эди. Пайғамбаримиз барча яхши ахлоқ ва эзгу инсоний фазилатлар жамулжами эдилар. Имом Термизий бу ҳақда: "Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ахлоқи жамила ва одати шарифалари оламға машҳурдир. Дўст ҳам, душман ҳам эътироф қилур. Бутун коинот санохони хулқи Муҳаммадий эрур"[1], – деб ёзади.

Бу ерда пайғамбарнинг ширин сўзи шакарга қиёсланиб, бу борада уни доғда қолдиришига урғу берилган. Айни байтда узубат сўзи икки маънони билдириб, ийҳом санъатини ҳосил қилган: ширинлик, ширин бўлиш ва сўзнинг фасоҳати, балоғати, ёқимлилиги ва жозибадорлиги, яъни шакарнинг ширинлик хусусиятию Пайғамбар нутқининг фасоҳати. Янада кенгроқ қараса, моддий дунё лаззатию маънавий олам ҳузури. Ва буларнинг барида иккинчиси биринчисидан устун.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча,
Асфори самовийдин бўлған киби йўқ "Пожанд".

"Сен келтирган китоб – Қуръон туфайли қолган барча самовий китоблар йўққа чиқди. "Пожанд" ҳам нозил қилинмаганга ўхшаб қолди".

"Пожанд" – оловни ковлайдиган ва оладиган темир қурол. Шу маънодан келиб чиқиб, зардуштийликнинг оташпарастлик дини қоидалари баён қилинган муқаддас китоби "Жанд"га паҳлавий тилида ёзилган тафсирни шу ном билан атаганлар. "Жанд" (паҳлавий тилида: билим, билиш дегани) – "Авесто"нинг ўрта аср форс тили – паҳлавийга таржима ва тафсири. Жанднинг пайдо бўлиши VI асрга – Хисрав I (ҳукмронлик йиллари 531–570) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Баъзилар, аксинча, "Жанд" ("Занд" шаклида ҳам учрайди) "Пожанд"нинг тафсири дейдилар. Баъзилар эса аслида "Жанд" ҳам, "Пожанд" ҳам Зардушт таълимотини ўз ичига олган китобнинг тафсирларидир деган фикрни илгари сурадилар. Яна "Пожанд" "Жанд" китобининг таржимасидир деган қарашлар ҳам мавжуд[2].

Маълумки, Зардушт – Манучеҳр наслидан бўлиб, Гуштосб замонида пайғамбарлик даъво қилиб чиққан киши. Исми Иброҳим. Мажусийлар пайғамбари. Унинг "Занд" ("Жанд") китобини илоҳий ҳисоблайдилар. Ўзи бу китобни Ҳақ таолодан нозил бўлган деб даъво қиларди. "Занд" улуғ ва муаззам маъносида ҳам қўлланади[3].

"Садди Искандарий" достони 23-бобида шоир Искандарнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилар экан, жумладан, ёзади:

Чу Зардушт дафъиға қилди ғулу,
Алар ўтиға тиғ ила урди су(в)[4].

"Авесто" тилининг эскиргани ва уни тушунишда ҳатто олиму донишмандлар ҳам қийналиб қолгани уни шарҳлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бунда аввал "Авесто"дан бир сатр келтирилиб, кейин унинг таржима ва тафсири берилган. Улардан кейин алоҳида сўзлар шарҳи келади. "Авесто"нинг "Вандидод", "Виспарад", "Ясна" каби асосий қисмлари ва "Кичик авесто"дан парчалар таржима ва тафсир қилинган. Инглиз олими Е.В.Вестнинг

---

[1] Имом ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадийя. – Тошкент, 1991, 78-бет.
[2] Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Иборат аз 3 жилд. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Сах. 157; Бурҳони қотеъ. Иборат аз 4 жилд. Жилди 1. – Душанбе, 1993. – Сах. 214.
[3] Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Сах. 391; 397.
[4] Алишер Навоий. Садди Искандарий \\ Тўла асарлар тўплами, 8-жилд, 118-бет.

маълумот беришича, “Авесто” матни тахминан 345 минг, “Жанд” эса 2 миллион сўздан иборат. Баъзи олимлар “Авесто” матнини “Жанд” асосида ўрганганлар. “Жанд”даги баъзи парчалар “Авесто”нинг бизгача етиб келган асл матнида ҳам йўқ. Бу жиҳатдан “Жанд” “Авесто”нинг асл матнини тўлдиради. “Вандидот”, “Виспарад” ва “Ясна” қисмлари мухтасар шарҳланган. “Жанд” ўз аҳамиятига кўра асл матндан қолишмайди[1].

Не келса Навоийға сендин юз эвурмаским,
Ул – заррадурур, сен – меҳр, ул – бандаву сен хованд.

“Навоийга сендан нимаики келса, юз ўгирмайди, чунки у бир зарра бўлса, сен – қуёш, у – бир қулу сен – хожадирсан”.

Байтда Муҳаммад алайҳиссалом ва Алишер Навоий мисолида пайғамбар ва уммат, шунингдек, қуёш ва зарра, хожа ва қул тазодлари маҳорат билан қўлланган бўлиб, улар аслида бутун ва қисм муносабати каби бир-бири билан тақозодорлик муносабатида ҳамдир.

Бошқа пайғамбарлар маълум бир қавмга юборилган бўлсалар, Муҳаммад алайҳиссаломни Парвардигори олам бутун инсониятни ҳидоят йўлига бошлаш учун сайлаган. У зотнинг коинот сарвари, икки олам соҳиби деб улуғланиши шундан. Навоий ҳам Расулуллоҳни қуёшга ва хожага нисбат берар экан, бунда унинг мўминлар қалбини илоҳий маърифат нури билан ёритиши ва жамики мусулмон умматининг раҳнамоси эканлигини назарда тутади.

“Пайғамбарни севмоқ Оллоҳни севмоқдир”, – дейди Жалолиддин Румий. Муҳаммад алайҳиссаломни Оллоҳнинг ва инсониятнинг суюклиси, икки олам маъшуғи, илоҳий ва дунёвий илмлар, эзгуликлар, гўзалликлар соҳиби сифатида улуғлаш орқали шоирлар айни пайтда Худованди каримга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор қилганлар.

ХИЗРУ МАСИҲ

Маълумки, Қуръоний мавзулар ифодаси ва пайғамбарлар билан боғлиқ қиссаларнинг бадиий талқинлари Шарқ мумтоз сўз санъатида кенг ўрин тутади. Шоирлар талмеҳ санъати воситасида уларга алоқадор воқеаларга ишора қилганлар. Илми бадеъда талмеҳ айнан машҳур шахс, воқеа, китоб, ҳикматли сўзга ишора қилиш, шу орқали айтилмоқчи бўлган фикрни мухтасар айлаш баробарида, уни чуқурлаштириш маъносини билдиради. Мумтоз шеъриятда Нуҳ, Иброҳим, Яъқуб, Юсуф, Хизр, Айюб, Мусо, Илёс, Довуд, Сулаймон, Исо, Муҳаммад каби пайғамбарлар номи, улар билан боғлиқ воқеаларнинг бадиий талқинларига кўп дуч келамиз. Навоийнинг қуйидаги ғазалида ҳам икки машҳур пайғамбар – Хизр ва Масиҳ радиф қилиб олинган, демакки, асосий урғу уларга тушган:

Эй, хату лаълинг қошида мунфаил Хизру Масиҳ,
Не ёшунмоқдур, гар эрмаслар хижил Хизру Масиҳ.

Хат лабингға муттасилдур, лаб юзунгаким, эрур
Оби ҳайвону қуёшға муттасил Хизру Масиҳ.

Ўйлаким, Хизру Масиҳ олдида сабза бирла су,
Хаттингу лаълинг қошида, ўйла, бил, Хизру Масиҳ.

[1] Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 452–453.

Чун Масиҳосо лабингдан Хизр умри касб ўлур,
Бўлсалар андин, ажаб йўқ, мунфаил Хизру Масиҳ.

Лабларингдиндур Масиҳу Хизрға нутқу ҳаёт –
Ким, эмишлар ишларига мустақил Хизру Масиҳ.

Сабзаи хат кўргузуб, жонбахш лабдин сўз дегач,
Бўлдилар ул ҳайрат ичра музмаҳил Хизру Масиҳ.

Ўлди ҳажридин Навоий, тушсалар бу ҳажр аро,
Тонг йўқ, ўлмоқ бу сародин мунтақил Хизру Масиҳ .

("Фавойид ул-кибар", 103-ғазал)

Хизр – зулмат қаъридаги оби ҳаёт – тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар сифатида кўпгина халқлар адабиётида учрайди. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга ёрдам берадиган, мақсадга олиб борадиган тўғри йўлни кўрсатувчи халоскор сиймосида тасвирланади, ошиқлар ҳомийси ҳисобланади. Масалан, шоирнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида Аждаҳо ва Аҳраманни енгиб, темир пайкарни маҳв этиш сари бораётган Фарҳодга Хизр йўлиқиб: "Келибтурмен санга бўлмоққа ҳодий"[1], – дейди ва бу йўлда унга раҳнамолик қилади. Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, "аслида у улуғ мақсад сари таважжуҳ этган Фарҳодга Ғайбдан келган мададдир"[2].

Ўзбек халқ оғзаки ижодида эса у "одамларга яхшилик қилувчи эзгу ҳомий, чўлда ёки денгизда адашганларга йўл кўрсатувчи ғаройиб инсон, экинга мўл ҳосил бахш этувчи мўъжизакор қудрат соҳиби, бахт ва давлат ато қиладиган эзгу пир, эпик қаҳрамонларнинг доимий ҳамроҳи сифатида тасвирланади"[3].

Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида маълумот беришича, Тангри таоло Хизрга илми ладунни ато этган бўлиб, ҳайвон суви деганда шу нарсага ишора қилинади. Илми ладуний (арабча: яқин илми, яъни ҳақиқий илм – илоҳий илм) – Ҳақ таолонинг файзи фазлидан кишида ҳосил бўладиган илм. Устод сабоғу таълимисиз ва кишининг саъю ҳаракатисиз ғойибдан келган илм, илми Худодод. Ботиний илмлар, яъни тасаввуф илми, ҳол илми. Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларигагина берадиган илм. Ладуний илм авлиёларга юбориладиган илм ҳам дейилади. Жумладан, Боязид Бистомий калом аҳлига қараб: "Сизлар ўз илмларингизни жонсиз нарсалардан, биз эса мангу барҳаёт Зотдан оламиз", – деган экан. Бунда у жонсиз нарсалар деганда нарса-ашёларни кўзда тутади. Ладуний илмни эса Хизр илмига қиёс этгулик. Чунки у ер остидаги оби ҳаёт – тириклик сувини топиб ичган ва унинг шарофати билан барча сиру синоатдан, ҳамма воқеа-ҳодисадан, бутун туйғу-кечинмалардан, нарсаларнинг моҳияти ва хусусиятларидан хабардор, содир бўлажак нарсаларни олдиндан билади. Сабаби, Худо унга ўз илмидан ато этган. Бу илмдан Муҳаммад алайҳиссалом ҳам огоҳ бўлганликлари ҳақида Навоий "Садди Искандарий" достонида шундай ёзади:

---

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Фарҳод ва Ширин \\ Тўла асарлар тўплами, 6-жилд, 449-бет.
[2] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 206-бет.
[3] Н у р м а н о в Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2007, 21-бет.

Муҳаммадки, эрди расул шоҳи ул,
Ладуний улумнинг огоҳи ул[1].

Маълум бўладики, Хизрнинг абадий ҳаёт соҳиби эканлиги ҳам аслида унинг илоҳий илмлар соҳиби бўлганлиги билан изоҳланади.

Хизр умрин тиларлар аҳли хирад,
Ёр васлидурур ҳаёти абад[2].

Шоир айтмоқчики, ақл соҳиблари Хизр умрини орзу қиладилар. Бу билан фақат узун умргагина эга бўлиш мумкин. Чинакам абадий ҳаёт эса ёр васлига етиб, у билан бирга бўлишдадир.

"Туҳфат ул-афкор" қасидасида Навоий "Комил инсоннинг кўзи Хизр чашмасининг айни ўзи бўлиб, истилоҳда ҳар иккаласи тенгдир ва улардан бирига етишган иккинчисига эришади", – деб лутф этади:

Чашми комил чашмаи Хизрасту бошад ҳар ду айн,
З-ин ду ҳар якро касе, к-ў ёфт умри бемар аст.

Жамол Камол айни байтни қиёмига етказиб, равон услуб ва ширали тилда ўзбек тилида жаранглатган:

Комил инсон кўзлари эрмиш Хизрнинг чашмаси,
Кимки топгай биттасин, умри абадга ёр эрур.

"Қисаси Рабғузий"да ёзилишича: "Хизр маъниси яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтурса, ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Аймишлар: қаю ерда ўлтурса, ул ер кўкарар эрди... Мангу суйин ичиб, тирик қолди..."[3].

Аслида мангулик сувига Искандар Зулқарнайн интилган. У абадий яшаш илинжида зулмат мамлакатидаги оби ҳаётни излаб йўлга тушади. Унга Хизр ва Илёс ҳамроҳлик қиладилар. Искандарнинг амрига кўра йўлда улар ажраладилар – Искандар ўзининг ёш паҳлавонлари билан бир йўлдан, Хизр ва Илёс бошқа йўлдан кетадилар.

Икки пайғамбар бир ерга етганида сувга дуч келадилар. Хизр йўлда ейиш учун олган балиғини сувга ташлаган эди – у тирилиб сузиб кетади.

– Мангулик суви – шу, – дейди Хизр ва иккалалари ундан ичадилар.

Искандарнинг йўлида бир тоғ учрайди – унда икки қуш юнон тилида сўзлашар эдилар. Улар Искандарга:

– Сен беҳуда заҳмат чекиб юрибсан – сен излаган нарса Хизр ва Илёсга муяссар бўлди, – дейдилар. – Энди дунёни эгалласанг ҳам, барибир ўлим муқаррар.

Мангулик сувидан ичганлари учун ҳам Хизр ва Илёс алайҳиссалом "қиёматга теги ўлмаслар. Хизр дарёларда юрур, Илёс саҳроларда – йўлдан озғанларга йўл кўргузурлар"[4]. Навоий таъбири билан айтганда, сув ва қуруқликдаги, яъни бу тун оламдаги ночор аҳволда

[1] Алишер Навоий. Садди Искандарий \\ Тўла асарлар тўплами, 8-жилд, 68-бет.
[2] Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо \\ Тўла асарлар тўплами, 8-жилд, 558-бет.
[3] Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Икки китобдан иборат. 2-китоб. – Тошкент: "Ёзувчи", 1991, 68-бет.
[4] Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий, 2-китоб, 68-бет.

қолганларга мададкорлик қиладилар[1]. Ярим дунёни эгаллаган Искандар эса барча қатори ўлди-кетди.

Хизр ва Илёс Ҳақ маърифатини излаган, Искандар эса дунёга эгаликка интилган, бинобарин, пайғамбарлар руҳ ва подшоҳлар нафс тимсоли эканлиги ҳақидаги қарашлар Шарқ ирфоний шеъриятида рамзу мажоз воситасида кенг куйланади. Жумладан, Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида машҳур муаррих Мирхонднинг Хусрав Деҳлавийнинг "Дарёи аброр" қасидасига ёзган татаббусидаги бир матласи яхши тушганини таъкидлайди:

Ҳар ки даст аз оби ҳайвон шуст, Хизри вақт ўст,
В-он, ки аз зулмати нафс омад бурун, Искандар аст[2].

"Ким оби ҳаётдан қўл ювса, замона Хизри ўшадир, кимки нафс зулматидан ташқари чиққан бўлса, Искандар ўшадир".

Исо Масиҳ (Иисус Христос) – Қуръони каримда зикри келган пайғамбарлардан бири. Масиҳ (арабча: муқаддас ёғ сурилган) – қутқарувчи, халоскор. "Ғиёс ул-луғат"да келтирилишича, у дўст ва кўп сайр қилувчи маъносини билдиради. Чунки у зот Ҳақнинг дўсти бўлган ва ёлғизлиги учун ер юзини кўп кезган. Шу икки маъноси билан Исо а.с.нинг лақабига айланган. Исо а.с.ни англатиб, унинг исми олдидан қўйилади ёки алоҳида қўлланади[3].

Исо Масиҳ – насронийлик динининг асосчиси. Унга Инжил нозил қилинган. Бани Исроил қавмини ҳидоятга даъват этиш учун Оллоҳ уни пайғамбарликка сайлаган. Ўзидан кейин Аҳмад (яъни Муҳаммад) номли бир пайғамбар чиқиши башоратини етказган. У атрофига 12 шогирд – ҳаворийларни тўплаб, ўз таълимотини тарғиб этган. Лекин шогирдларидан бири – Иуда 30 танга эвазига унинг таълимотини ошкор қилади. Яҳудийлар суди – синедрон Исони ўлимга ҳукм этади. Рим ноиби Понтий Пилат ҳукмни тасдиқлайди ва Исони хочга михлашади. Тангри ўз пайғамбарини Арши аълога кўтариб кетади. Насронийлар Исо Масиҳни тириклар ва ўликлар устидан ҳукм ўқиш учун охират кунида қайтиб ерга тушади, деб ишонадилар. "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида ёзилишича, қиёмат қойим бўлиб, Маҳдий заминда адолат ўрнатиш учун ўзини ошкор қилганида Исо Масиҳ ҳам ерга тушиб, Дажжолни ҳалок қилиб, ўз қавмини Муҳаммад алайҳиссалом динига даъват этади (8, 260).

Мумтоз адабиёт маъшуқанинг жонбахш лабини – оби ҳаётга, лаби атрофидаги майин туклар, яъни хатини – оби ҳаёт теграсини қоплаган майсага, қора сочларини – оби ҳаёт яширин зулматга ўхшатиш бир анъана тусини олган. Исо Масиҳнинг қўли теккан – силаган ўликка жон кириши учун ҳам унга ал-масиҳ – силовчи лақаби берилган. Шарқ шеъриятида жонбахш нафаси ошиғига ҳаёт бағишлайдиган маъшуқа ўликни тирилтирадиган Исо Масиҳга нисбат берилади.

Исо нафаси – Шарқ адабиётида исломдан кейин пайдо бўлган машҳур бадиий образ. Бу образ диний қарашлар билан боғлиқ бўлиб, Исо а.с. ўзининг Худо томонидан юборилган пайғамбар эканлигини эълон қилганида яҳудийлар ундан сўзининг тасдиғи учун мўъжиза кўрсатишини талаб қилишади. Шунда у Худога илтижо қилиб, бир чора сўраганида унга ўликни тирилтириш қудрати ато қилинади. Шундан сўнг у одамлар олдига чиқиб, дуо қилади ва Озир отлиғ ўлган киши тирилиб, унинг чиндан ҳам пайғамбар эканлигига гувоҳлик беради. Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида ёзишича: "ул ўликким, Исо а.с. тиргузди, Инб ул-Аъжуз эрди. Ва шарҳи будурким, сайр асносида бир ажузани кўрдиким, бир қабр бошида муассир навҳа қиладур. Кайфиятин сўрди. Дедиким,

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Тарихи анбиё ва ҳукамо \\ Тўла асарлар тўплами, 8-жилд, 574-бет.
[2] А л и ш е р Н а в о и й. Мажолис ун-нафоис \\ Тўла асарлар тўплами, 8-жилд, 379-бет.
[3] М у ҳ а м м а д Ғ и ё с у д д и н. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе: "Адиб", 1988. – Сах. 260.

ўғлум эрди ва фироқидин бетоқатмен. Исо а.с. дуо қилиб, Тенгри таоло ул маййитқа руҳ киюрди ва ўлук тирилгач, илтимос қилдиким, дуо қилғайки, бурунғи ҳолиға борғай ва мавт сақароти бўлмағай. Руҳуллоҳ дуоси била бу иш ҳам бўлди...” (8, 590–591) У халқ талабига кўра ўлганига 4 минг йил бўлган Сом ибн Нуҳни ҳам тирилтиради. Балчиқдан кўршапалак ясаб, нафаси билан унга жон ато этади. Исо нафаси, Исо дами, Масиҳ анфоси каби иборалар шу билан боғлиқ. Масалан:

Лаълини севдум, кўзининг қатлидин қайғурмоғум,
Не ғам ўлмактин киши бўлса Масиҳо бирла дўст (БВ, 83).

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали Хизр ва Исо алайҳиссалом ҳамда улар билан боғлиқ ана шу воқеалар, тушунчалар асосига қурилган.

Эй, хату лаълинг қошида мунфаил Хизру Масиҳ,
Не ёшунмоқдур, гар эрмаслар хижил Хизру Масиҳ.

“Эй, сенинг хату лаълинг қошида Хизр билан Исо Масиҳ ҳам хижолатда. Агар улар бу хату лаъл олдида ўзларини ожиз ҳисобламаганларида сира яширинармидилар?”

Бу ерда бир неча шеърий санъатлар қўлланган.

Биринчидан, маъшуқанинг хати – Хизр топган оби ҳаёт чашмаси атрофидаги майсага, лаби – Масиҳнинг ўликка жон ато этувчи нафасига ўхшатилмоқда. Маъшуқанинг хати ўзининг майин ва нафислиги, териб қўйилгандай бир текислиги, янги чиққани – навқиронлиги билан оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майсадан гўзал бўлса, лаби ошиққа жон бағишлаши жиҳатидан Масиҳ нафасидан ўткир.

Иккинчидан, хат ва лаъл сўзларини кетма-кет келтириб, кейин уларга тегишли равишда Хизр ва Масиҳ номларининг зикр этилиши билан лаффу нашр санъати ишлатилган. Бу – йиғиш ва ёйиш дегани: шоир аввал нарсаларни кетма-кет санайди-да, кейин уларнинг сифатлари ёки уларга хос хусусиятларни келтиради. Байтда хатнинг – Хизрга, лаълнинг – Масиҳга нисбати бор: хат – Хизр топган оби ҳаёт чашмасини эслатса, лаъл – ўзининг жонбахшлиги билан Масиҳга дахлдор. “Бадоеъ ул-васат”даги шу хил радифли яна бир ғазалида шоирнинг ўзи ойдинлик киритиб кетганидек, “хату жонбахш лаълингдин нишон Хизру Масиҳ” (БВ, 103).

Учинчидан, бу ерда ҳусни таълил санъати қўлланмоқда: у чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал шаклда ифодалаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Байтда Навоий Хизр ва Исо пайғамбарнинг эл кўзидан пинҳонлиги – бири абадий ҳаёт сувини излаб ер қаърига кириб, иккинчисининг қиёмат кунида қайтиб келиш учун кўкка чиқиб кетганига уларнинг маъшуқа хати ва лаълидан уялганларини сабаб қилиб кўрсатмоқда.

Лутфийнинг қуйидаги байтида ҳам ҳусни таълил санъати воситасида Хизрнинг ер қаърига кириб, Исонинг кўк тоқига чиқиб кетишига бу икки пайғамбарга хос мўъжизаларнинг, яъни жон ато этиш ва абадий ҳаёт бағишлашнинг маъшуқа лабида ортиғи билан мавжудлиги сабаб қилиб кўрсатилади:

Хизрнинг айни ёшунмуш, кўктин инмас ҳам Масиҳ,
Нетсун ул мўъжиз бу дам ёқути серобиндадур[1].

[1] Л у т ф и й. Девон. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 78-бет.

Тўртинчидан, худди шу ерда тазод – ўзаро бир-бирига зид нарса, тушунча, ҳолат, воқеа ва бошқаларни ёнма-ён келтириш санъатини ҳам кўрамиз: бири – ерда, иккинчиси – осмонда бўлган икки пайғамбар – Хизр ва Исонинг бир-бирига муқояса қилиниши бунинг ёрқин намунасидир.

Хат лабингға муттасилдур, лаб юзунггаким, эрур
Оби ҳайвону қуёшга муттасил Хизру Масиҳ.

"Хат лабингга яқину лаб юзингга туташ бўлгани каби Хизр оби ҳайвон (оби ҳаёт)гаю Масиҳ қуёшга яқин".

Муттасил сўзининг доимо, ҳамиша; узлуксиз, кетма-кет, тўхтовсиз маъноларидан ташқари, яқин, туташ, боғлиқ, ёнма-ён каби маънолари ҳам мавжуд.

Бу ерда маъшуқанинг лаби – оби ҳаёт чашмасига, хати – унинг теграсидаги майсаларга, юзи – қуёшга ўхшатилмоқда. Шунингдек, аввал оби ҳайвону қуёш, кейин Хизру Масиҳнинг зикр этилиши билан лаффу нашр санъати давом этган: ер остини макон тутган Хизр – оби ҳаёт чашмасига, кўкка чиқиб яширинган Масиҳ эса – қуёшга яқин. Оби ҳайвон билан қуёш эса ўзаро зидлиги жиҳатидан тазод санъатини ҳосил қилади. Оби ҳайвон – зулматда – ернинг остида, қуёш – ёруғ оламда – осмонда. Исо алайҳиссалом мақом тутган тўртинчи осмон Қуёш буржида бўлиб, улар ўртасидаги яқинлик ва боғлиқлик сабаби шунда.

Ўйлаким, Хизру Масиҳ олдида сабза бирла су,
Хаттингу лаълинг қошида ўйла бил Хизру Масиҳ.

"Хизру Масиҳ олдида майса билан сув қандай бўлса, хату лаълинг олдида Хизру Масиҳни ҳам шундай деб тасаввур қил".

Байтда, биринчидан, майса билан сувнинг аҳамияти Хизр алайҳиссалом ва Исо Масиҳнинг олдида қанчалик бўлса, маъшуқа хату лаълининг қошида Хизру Масиҳ ҳам шунчалик аҳамиятга эга, деб ташбеҳ қилинмоқда. Маълум бўладики, ушбу байт (умуман, ғазал) тасаввуфий мазмунга эга. Акс ҳолда, маъшуқанинг хату лаъли Оллоҳ пайғамбарларидан устун қўйилмас эди.

Иккинчидан, биринчи мисранинг боши ва иккинчисининг охирида Хизру Масиҳ номларини такрорлаш билан шоир такрор санъатини қўллаган.

Учинчидан, лафф ва нашр санъати ҳам давом этади: Хизрнинг – сабза (майса)га, ўз навбатида, сабзанинг – хатга, Масиҳнинг – сувга (сув – ҳаёт манбаи), сувнинг – лабга нисбати бор.

Чун Масиҳосо лабингдин Хизр умри касб ўлур,
Бўлсалар андин, ажаб йўқ, мунфаил Хизру Масиҳ.

"Масиҳ каби лабинг бағишлаган Хизрники каби абадий умрдан Хизру Масиҳ хижолат бўлсалар, ажаб эмас".

Тасаввуф истилоҳида маъшуқанинг ширин лаби жонбахшлиги жиҳатидан оби ҳаётга, ишқу муҳаббат чашмасига нисбат берилади[1]. Шундан келиб чиқиб, келтирилган байтда маъшуқанинг лаби жон бағишлашда Масиҳдан устунлиги, у бағишлаган абадий ҳаёт эса Хизрникидан ҳам афзал эканлиги таъкидланмоқда. Бундай қудратга фақат илоҳий маҳбубагина қодир.

[1] У л у д а г С. Тасаввуф теримлери сўзлугу, 228-бет.

Огаҳий ҳам бир ғазалида айни мавзуда қалам тебратиб: “Агар жон бахш этишда ширин оғзингга яқин кела олганида оби ҳаёт чашмаси уят зўридан ер остига кириб кетармиди? Ҳар бир сўзи мўъжиза бўлган лабинг қадар ўликларни тирилтира олганида Масиҳ хижолат ичра элдан қочиб, кўкни ўзига макон қилармиди? ” – деб лутф этган эди:

Нечун зулмат аро ўзни ёшурди чашмаи ҳайвон,
Агар жонбахшликда бор эса ширин даҳонингча.

Нега элдин қочиб ер тутти кўкда Исийи Марям,
Ўлукни тиргуза олса лаби мўъжиз баёнингча[1].

Аслида Масиҳга жонбахш нутқу Хизрга боқий ҳаёт бахш этган илоҳий маҳбубанинг ўзи бўлади:

Лабларингдиндур Масиҳу Хизрға нутқу ҳаёт –
Ким, эмишлар ишларига мустақил Хизру Масиҳ.

“Масиҳга жонбахш нутқу Хизрга абадий ҳаёт бағишлаган аслида сенсан, уларнинг мустақил иш юритишларига сабаб – шу”.

Бу таъкидлар ғазалнинг илоҳий маҳбубага бағишлангани ва сўфиёна мазмунга эга эканини яна бир карра тасдиқлайди. Зеро, лаб – тасаввуф истилоҳида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган каломни билдиради. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.

Хизр, Масиҳ, лаб, нутқ ва ҳаётнинг бир-бирига ташбеҳ қилиниши ва зид қўйилиши, уларнинг бир-бирига нисбати борлиги жиҳатидан ташбеҳ, тазод, лафф ва нашр санъатлари бу байтнинг ҳам бадииятини кучайтиришга хизмат қилган.

Сабзаи хат кўргузуб, жонбахш лабдин сўз дегач,
Бўлдилар ул ҳайрат ичра музмаҳил Хизру Масиҳ.

“Маҳбуба лаблари устидаги эндигина ниш урган нафис тукларини кўрсатиб, жонбахш лаби орқали сўз айтгач, Хизр билан Масиҳ ҳайрат ичра маҳв бўлдилар”.

Бу байтда энди хат ва лаб ўз сифатлари билан келган: хат – майсадай, лаб – жонбахш. Масиҳ маъшуқа лабининг жонбахшлиги, Хизр эса лаблари устидаги эндигина ниш урган майин туклари олдида ўзларининг ожизликларини билиб, ҳайрат ичра адойи тамом бўлдилар.

Яшил майса оби ҳаёт чашмаси устида, майин туклар жонбахш лаб узра тургани жиҳатидан сабзаи хат мажозан Хизр каби раҳнамо тимсоли бўлиб ҳам келади. Чунончи, “Мажолис ун-нафоис”да Навоий Саййид Али Ҳошимийнинг айни мазмундаги қуйидаги байтини келтиради:

Дар биёбони адам будам ба фикри он даҳан,
Шуд падид он хатти сабзу гашт Хизри роҳи ман[2].

“Ул оғиз хаёлида йўқлик биёбонида сарсон кезар эдим, кутилмаганда ул сабзхат пайдо бўлди-ю, Хизр каби менга йўл кўрсатди”.

[1] О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин. 1980, 329-бет.
[2] А л и ш е р Н а в о и й. Мажолис ун-нафоис \\ Тўла асарлар тўплами, 9-жилд, 298-бет.

Ўлди ҳажридин Навоий, тушсалар бу ҳажр аро,
Тонг йўқ, ўлмоқ бу сародин мунтақил Хизру Масиҳ.

“Навоий (таърифи келтирилган ёрнинг) ҳажридан ўлди. Мен каби бундай ҳижрон балосига дучор бўлсалар, Хизр билан Масиҳ ҳам бу эски саройни – кўҳна дунёни тарк этсалар ажаб эмас”.

Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра, инсон азалда ўз Яратувчиси билан бир бутун бўлган-у, бу дунёга келиш билан ундан ажралган. Энди у яна бир умр унинг васлига етиш, у билан бирга бўлишга интилади. Лекин бу нафсни ўлдириш ва руҳни юксалтиришдан иборат узоқ ва машаққатли йўлки, бу йўлда инсоннинг жуда оғир имтиҳонлар, синовларни бошидан ўтказишига тўғри келади. Оллоҳга руҳий-маънавий жиҳатдан яқин бўлган пайғамбарларнинг аҳволи айни жиҳатдан оддий бандаларникидан кўра афзалдир. Шунинг учун ҳам Навоий Хизр билан Масиҳ Парвардигорларидан айрилиб, бу ўткинчи дунёда айрилиқ домида қолганларида эди, мен каби ҳижрон балосига чидолмай ўлсалар, ажаб эмас, дейди.

Албатта, Алишер Навоийни мутасаввиф шоирга чиқариб, унинг барча асарларидан ҳам сўфиёна мазмун қидириш балки тўғри эмас. Лекин келтирилган барча изоҳ ва талқинлар ушбу ғазалнинг тасаввуфий асосга қурилганидан далолат беради. Чунки маъшуқа таърифда пайғамбарлардан устун қўйилдими, билингки, бу ерда сўз ўз-ўзидан илоҳий маҳбуба, яъни Оллоҳ тўғрисида боради, зеро, дунё гўзали исломий адабиётда Оллоҳнинг пайғамбаридан устун қўйилмайди.

ЗИЙРАК ҚУШ – ОГОҲ ИНСОН ТИМСОЛИ

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб –
Ким, гули шуълайи ғам, ғунчасидур хори тааб.

Сунбули ришталарин риштайи мақсуд дема –
Ким, кўнгуллар қуши домиға эрур барча сабаб.

Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,
Тойири умрунг учун донаву су топти лақаб.

Англа зийрак қуш аниким, кўрубон мундоқ дом,
Бўлмағай теграсида обхўру донаталаб.

Дона еб, ҳосил этиб фазла, нажас айламагай
Боғ саҳнини, риоят қилибон тарки адаб.

Ё бўлуб домға муҳкам, топа олмай махлас,
Урунуб, толпинибон айламагай шўру шағаб.

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб!

(“Наводир уш-шабоб”, 40-ғазал)

Дунёни қоралаш, танқид қилиш – мумтоз адабиётда асосий ўрин тутади. Бу диний-тасаввуфий қарашлар билан боғлиқ. Унга кўра дунёга ортиқча меҳр қўйиш инсонни Ҳақ йўлдан оздиради, Парвардигоридан бегоналашиб, тубанлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган хиёнаткор маъшуқага ўхшатилади; паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, аслида эса қадди букчайган, тишлари тўкилган қари кампирга қиёсланади; талабгорларини сеҳру жоду билан тузоққа тушириб, ўз йўриғига юргизадиган, хоҳлаган кўйига соладиган жодугар, алвасти, зол, ажуза қиёфаларида тасвирланади. Барча ёмонлик, ёлғон, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Алишер Навоий бошқа бир ғазалида дунёни исломдаги ҳар тўрттала мазҳаб билан уч талоқ қўйганлигини айтган эди:

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени (ҒС, 634).

Бу ерда даҳр золи – кўпни кўрган қари дунё, мажозан эса ёсуман кампир бўлса, тўрт мазҳаб – суннийликдаги ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик мазҳаблари. Лирик қаҳрамон шу тариқа дунё отлиғ жодугарни тўртала мазҳаб ҳукми билан уч марта талоқ қилиш орқали ўзини бу алвастининг тузоғидан қутқариб, нажот топгани – эркин ва озод инсонга айланганини таъкидламоқда.

Навоийнинг фалсафий қарашларини ўз ичига олувчи орифона ғазаллари жумласига кирувчи мазкур ғазалда ҳам дунёнинг турфа ёмонликлари хусусида сўз боради, унга зинҳор кўнгил бермасликка, минг бир макру ҳийласига алданмасликка, ҳар қадамда ёйилган ҳад-ҳисобсиз тўрларидан қутулишга даъват қилинади:

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб –
Ким, гули шуълайи ғам, ғунчасидур хори тааб.

"Бу дунё боғида кўп ҳам айшу сафога берилма: унинг кўзларингни яшнатгувчи гуллари аслида ғам шуъласи, қалбингга қувонч бағишловчи ғунчалари машаққат тиканидир".

Бунда азиз умрни ўйин-кулги, ҳою ҳавасга берилиб, беҳуда ўтказмасликка даъват мавжуд. Зеро, Оллоҳ ҳузурида инсон ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир айтган сўзи учун ҳисоб беради. Умрини дунё боғида айшу ишратда ўтказган кимсаларнинг қалбини қиёматда у гуллар ғам ўтига айланиб куйдиради, бағрига у ғунчалар азоб-уқубат тикани бўлиб санчилади.

Дунё боғига кирган киши унинг яшнаб кўзни ўйнатувчи гулу ғунчаларига маҳлиё бўлиб, кўнглини олдирмаслиги мушкул. Лекин бу гулларнинг жилваси – ёлғон, бу ғунчаларнинг ибоси – тузоқ. Ёлғонга алданганнинг эса тузоққа тушиши шубҳасиз.

Қуйидаги байтда эса дунё маъшуқа кўринишида гавдалантирилмоқда:

Сунбули ришталарин риштайи мақсуд дема –
Ким, кўнгуллар қуши домиға эрур барча сабаб.

"Дунё отлиғ маъшуқа зулфининг торларини мақсадга етказадиган восита билиб алданма, – деб огоҳлантиради шоир, – уларнинг ҳар бири аслида кўнгиллар қушини овлаш учун бир тузоқдир".

Бу ерда сунбул истиора ўлароқ соч тимсоли бўлиб келяпти. С у н б у л – ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, қўнғироқсимон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи

ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади. Соч – тасаввуф шеъриятида моддий дунё тимсоли бўлиб келади. Унинг узунлиги – дунёвий ҳою ҳавасларнинг чек-чегарасизлигига, қалинлиги – тирикчилик ташвишларининг сон-саноқсизлигига, ҳалқалиги – нафс бандалари кўнглини овлаш учун тузоққа, қоралиги – ўзига эргашганнинг қисматини қора қилишига қиёсланади ва ҳоказо. Сочнинг илонга, аждарга ўхшатилиши ҳам унинг айни маънода дунёга нисбати борлигидан келиб чиққан. Мумтоз шеъриятда кўп учратадиганимиз – зулф асири бўлган кўнгилларнинг маъшуқа кулгичи чоҳига тушганликлари ҳақидаги ташбеҳлар-да шундан далолат беради.

Сабаб сўзи байтда нарса, восита; чора, тадбир маъноларида келяпти. Яъни маъшуқа сочининг ҳар бир тори кўнгиллар қушини овлаш учун бир восита, бу қушларни тузоққа тушириш учун ўйлаб топилган бир чора. Бинобарин, ипга осилиб қоронғи чоҳдан ер юзига – ёруғликка чиққандай маҳбубанинг зулматдай қора сочи ришталарига осилиб, унинг қуёшдай порлоқ рухсорига етишишни хаёлингга ҳам келтирма. Чунки бу чоҳдан чиқишдай осон иш эмас.

Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,
Тойири умрунг учун донаву су топти лақаб.

Яъни: “Бу дунё ариғи ичидаги майда тошчалар агарда марварид каби товланганида ҳам алданмаки, улар умринг қушини овлашга мўлжалланган сув ва доналардир”.

Дунё боғ кўринишида тасвирланиб, ноз-неъматлари гулу ғунчага ўхшатилганидан кейин бу боғни суғориш учун ариғи ҳам бўлиши табиий. Зилол сув шилдираб оққанда унинг остидаги тошчалари марварид каби товланиши ва кўзни қамаштириши шубҳасиз.

Диққат қилсангиз, ғазалда дунё ўқувчи кўз ўнгида овчи сифатида гавдалантирилаяпти. Бу овчининг оддий овчидан фарқи шундаки, у одамларни овлайди: тузоғини ёяди – лаззатларини ваъда қилади; суву дона сочади – неъматларини кўз-кўз этади. Лекин зийрак қуш суву донага алданмайди, унинг ортида тузоқ борлигини англайди:

Англа зийрак қуш аниким, кўрубон мундоқ дом,
Бўлмағай теграсида обхўру донаталаб.

Бунда зийрак қуш – ўзини англаган киши муфт дона илинжида ортиқча еб-ичиш орқасида адаб қоидаларини унутиб, боғ саҳнини нажосат билан ифлос қилмайди:

Дона еб, ҳосил этиб фазла, нажас айламагай
Боғ саҳнини, риоят қилибон тарки адаб.

Ёки домга қаттиқ боғланиб қолиб, кейин ундан қутулиш йўлини тополмай, уриниб, талпиниб, ғавғою тўполон кўтармайди:

Ё бўлуб домға муҳкам, топа олмай махлас,
Урунуб, толпинибон айламагай шўру шағаб.

Бу дунёнинг ҳар бир лаззати, ҳар бир неъмати бир тузоқ. Бу тузоққа тушмаслик учун киши нақшбандиянинг “Назар бар қадам” қоидасида асослаб берилгани каби ҳар бир қадамини ўйлаб босиши, ўз хатти-ҳаракатини муттасил назорат қилиб бориши керак.

“Калила ва Димна” асарида дунёга кўнгил берган кишининг қисматини Барзуя ҳаким қутурган туядан қочиб қутулмоқчи бўлган бир одамнинг аҳволига ўхшатади: у нажот илинжида “жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди, лекин оёғи остидаги индан тўртта илон бош чиқариб тургани кўзга чалинади, жарнинг остига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини очиб, унинг тушишини кутиб турганлигини, юқорига қараса оқ ва қора сичқонлар у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемираётганликларини кўради. Бу аҳволдан қутулиш йўлини ўйлаб турганида ундан нарироқда бир асалари уясига кўзи тушади, бармоғини болга ботириб ялай кетади, болнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантирадики, натижада, у ўзининг қандай аҳволда эканлигини унутади, оёқларини тўрт илоннинг бошига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни албатта кемириб синдиришлари, шохлар синса, у аждаҳо домига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нурини тўсиб қўяди, оз фурсат ўтмай, жарга қулаб тушиб ҳалок бўлади.

Мен даҳшатли, чуқур жар деб бу дунёни назарда тутаман. Шохларни кемирган оқ ва қора сичқонлар – кеча ва кундуздир. Уларнинг ҳар иккаласи инсонларнинг умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради; тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсурдир; буларнинг бирортаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон дарҳол маҳв бўлиб кетади; бол – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини бекитган фоний дунёдир; аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир”[1].

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб!

Мазкур ғазал “Хазойин ул-маоний”нинг иккинчи китоби – “Наводир уш-шабоб” девонига киритилган. Маълум бўладики, у шоирнинг йигитлик даврида яратилган. Бу даврда дунё неъматларига алданиш хавфи кўпроқ бўлади.

“Макорим ул-ахлоқ”да келтирилишича, йигитлик палласида Навоий риёзатга бел боғлаб, узлатга чекинади, халқ суҳбатидан қўл тортиб, машҳур Суҳайл хонақосида ибодатга берилади. “Ёшлик ва йигитлик замонида доимо дарвешлар суҳбатининг талабгори эди, имкони борича бу олий макон гуруҳга ихлос ва муридлик қадами билан мулозамат қиларди. Бир қанча вақт алоқа ипини узиб, табаррук жой бўлган “Работи Суҳайл”да турди. Халқ билан аралашишдан этак йиғиштириб, файзли вақтларини ибодат ва риёзат аҳллари билан бирга ўтказди. Мамлакат жилови Султони соҳибқироннинг иқтидорли қўлига ўтгандан кейин ҳидоят ва иршод нурларининг манбаи бўлган зотнинг ота-боболари бу адолатли подшоҳ яқинлари жумласидан бўлганликларидан ул ҳазратни ниҳоятсиз иноят назарлари остига олиб, олий мансабларни қабул қилиш ва давлатни идора этиш ишларига таклиф қилди.

Ҳидоят йўлидаги Амирнинг шариф хотири фақр ва фано йўлини тутишга мойил бўлганликдан ҳарчанд бу машғулотга киришишдан бош тортса ҳам, Султони соҳибқирон қисташни орттира берди...”[2]. Лекин Навоийнинг мартаба ва нуфузи ортиб борса-да, у сира кибру ҳавога берилмади. Аксинча, ўз хулқини тарбиялаш, хоксорлик ва тавозени ҳадди аълосига етказиш пайидан бўлди. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: “Мартаба ва улуғликнинг дастлабки давридан ва давлат иқболининг аввалги пайтидан бошлаб,

[1] Калила ва Димна (Суйима Ғаниева таржимаси). – Тошкент, 1988, 45-бет.
[2] Х о н д а м и р. Макорим ул-ахлоқ (Порсо Шамсиев таржимаси). – Тошкент: “Фан”, 1948, 43-бет.

ҳарчанд ҳидоят шиорли Амирнинг ҳашамат ва эътибор байроғи юксала борса-да, тавозуъ ва камтарлиги ортгандан орта борди. Ҳарчандки, бу саодатли зотнинг шавкат ва ихтиёр ниҳоли кўтарила боргани сари шикастанафслик ва фонийликка кўпдан-кўп уриниб, ўзини паст тутиш ва арзимасликдан дам урарди. Ҳар қачон подшоҳи соҳибқирондан ўз ҳолига бирин-кетин иноят ва марҳамат кўрган сари хилват жойга борар, бош яланғочлаб, бир миқдор тупроқни бош устига сочар ва азиз нафсига ундаб айтардики, дунё мартаба ва ҳашаматларининг эътибори йўқ, зинҳор бу мартабаларнинг қўлга киришини худбинлик ва такаббурга сабабчи қилма: ўзингни тупроққа тенг тутиб, мумкин қадар фуқаро ва мискинлар ишини ҳал қилишга урин"[1].

Дарҳақиқат, Навоийдаги мартаба ва обрў-эътибор билан кибру ғурурга берилиб кетмаслик, дунё деган нозаниннинг ўзи қучоқ очиб, йўлини тўсиб, қўлидан тортиб турганда унинг ёлғончи нозу ишвасига учмай, ўзини пок сақлаб қола олишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун шоир Оллоҳга мурожаат қилиб айтадики: "Навоий бу оламда кўзи боғлиқ қушга ўхшайди, унинг дунё макрига алданишига йўл қўйма, тириклик тўрларини узиб чиқиб, илоҳий парвоз айлашини насиб эт!"

Навоийнинг бошқа бир асари – "Муножот"да ҳам шунга ўхшаш фикрларни ўқиймиз: "Илоҳи, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният тийралиғида ҳидоят шамъи била ўзунг сари йўл кўргуз!" (10,615)

Шу ўринда таъкидлаш керакки, зийрак қуш ибораси шоир ғазалларида кўп учраб, ўзини англаган киши, огоҳ инсоннинг тимсоли бўлиб келади. Бу образ воситасида шоир одам боласини ҳушёрликка чақиради, ўткинчи дунё неъматларига алданиб қолмасликка, донни кўриб, домдан бехабар бўлмасликка даъват етади. Чунончи, "Наводир уш-шабоб"даги ғазалда ўқиймиз:

Даҳр бўстониға зийрак қуш не қилсун майлким,
Ғунча жуз қонлиғ кўнгул очмас бу гулшан гулбуни (НШ, 590).

"Зийрак қуш қандай қилиб дунё бўстонига кўнгил қўйсинким, бу гулшаннинг гули қонлик кўнгилдан бўлак ғунча очмайди".

Таҳлил қилинаётган ғазалда зийрак қушнинг нафс қули бўлмаслиги ҳақида фикр юритилган бўлса, келтирилган байтда унинг бевафо дунёга кўнгил бермаслиги хусусида сўз боради: гўёки бир ғазалдаги фикр иккинчисида давом эттирилган: зийрак қуш нафс тузоғидан ўзини асраганидек, бевафо дунёга ҳам кўнгил бермайди. Лекин минг ўзига сўз бериб, аҳду паймон қилган, қасам ичган билан ҳар қадамда жилва қилиб, ичга ғулғула соладиган, йўлдан уришнинг минг бир усулларини ишга соладиган дунёдан кўнгил узишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоир бошқа бир ғазалида ёзади:

Барча зийрак қушқа чун ул зулф доми бўлди қайд,
Эй Навоий, анда кўнглум мубтало бўлса, не тонг (НШ, 363).

"У зулф доми барча зийрак қушнинг тузоғига айланди. Демак, эй Навоий, менинг ҳам кўнглим унга мубтало бўлса, ажаб эмас".

"Фавойид ул-кибар"даги бошқа бир ғазалда эса дунё гулшанига мойил бўлишнинг ҳалокатли эканлигига урғу берилади:

Гулшани давронга мойил бўлма зийрак қуш эсанг –
Ким, тикан тори қилур ҳар тоза гулбарги тари (ФК, 591).

[1] Х о н д а м и р. Макорим ул-ахлоқ, 53-бет.

“Зийрак қуш эсанг, бу даврон гулшанига мойил бўлмаки, унинг ҳар бир янги очилган гули сен учун тиканли тузоққа айланиб ўз домига туширади”.

Зийрак қуш билан боғлиқ фикрларининг тезиси сифатида ўртага ташланган “Ғаройиб ус-сиғар”даги “Бўлмасун кўнглунг қушиға дурру гавҳар васли ком” мисраси билан бошланадиган ғазалидаги қуйидаги байт аслида шоирнинг бу борадаги қарашларининг ўзига хос хулосаси ҳамдир:

Гар малак тасбеҳи дона, ҳур зулфи дом эрур –
Ким, бу дому донаға зийрак қуш эрсанг, бўлма ром (ҒС, 428).

“Агарда малак тасбеҳи дону ҳур зулфи дом бўлса ҳам, зийрак қуш бўлсанг, бу дому донга гирифтор бўлма!”

Маълум бўладики, Алишер Навоий дунё ва нафс танқидига бағишланган ғазал ва байтларида инсонни зийрак қуш тимсолида тасвирлаб, образли йўсинда уни бевафо ва ўткинчи дунёга кўнгил бермасликка, нафс кўзи билан дону сувни кўриб, ақл кўзи билан унинг ортидаги тузоқни пайқамаслик натижасида домга тушиб, ўз очкўзлигининг қурбонига айланмасликка ундаб, дунё макри ва нафс тузоғидан огоҳ бўлишга даъват этади.

ВАФО АҲЛИНИНГ ҚИСМАТИ

Вафо аҳлиға давронднин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадир аҳли вафо асру.

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким,
Бу эски тоқ аларға ёғдирур гарди бало асру.

Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдур,
Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд –
Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарға баҳо асру.

Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим –
Вафо, астағфируллоҳ, қилған эрмишмен хато асру.

Ризо аҳлин сиёсат тиғидин қўрқутмағил, эй шаҳ –
Ки, қатлингдин сенинг қўрқарға ўлмайдур гадо асру.

Табиат чоҳидин руҳунгни қутқарким, хуш эрмастур
Қафас қайди аро булбулға бўлмоқ мубтало асру.

Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин,
Бу ранжимға ҳамоно нафъ этар жоми фано асру.

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 506-ғазал)

Вафо аҳлининг қисмати жафо эканлиги ҳақидаги қарашлар Алишер Навоий ғазалиётида етакчи ўрин тутади. Вафо аҳли бу – ўзини англаган солиҳ инсонларнинг умумлашма тимсоли. Бу тоифага яхши одамлар, оқил кишилар, содиқ ошиқлар ва бошқа қалби маърифат зиёсию эзгулик ёғдусига ошно зотлар киради. Уларнинг бошига қисмат ҳамиша бало тошини ёғдиради, замон уларга боқмайди одамлар уларни тушунмайдилар ва таъна-маломат қиладилар:

Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадир аҳли вафо асру.

Бу даврон кўпроқ вафо аҳлининг қалбини яралайди, чунки улар ҳаётнинг мазмун-моҳиятини теран англайдилар ва шу сабабли кўпроқ қийналадилар, ҳар нарсани кўнгилларига яқин оладилар.

Дунё аслида қарама-қарши кучлар ўзаро курашадиган, айни пайтда бир-бирини тақозо қиладиган макон ҳисобланади. Тириклик қонуниятига кўра яхши ёмонлик билан жазоланади, ёмон яхшилик билан сийланади. Устоз журналист Маҳмуд Саъдий айтгувчи эди:

– Ҳаётда кўрган-кечирганларим хулосаси сифатида бир мақол тўқиганман: “Яхшилик жазосиз қолмас”.

Вафо аҳлининг сардафтари эканлиги жиҳатидан жафо аҳлининг зулму бедодига ҳаммадан кўп дучор бўлганлиги учун ҳам Навоийнинг дарду аламлари чегара билмайди, бу тоифани танқид қилиш шоир ижодининг асосий мотивини ташкил этади. Жумладан, “Маҳбуб ул-қулуб”да ўқиймиз:

“Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздум, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим. Ва ҳар ким билаким бир меҳру муҳаббат ойини (расми – Э.О.) туздум, минг жавру мазаллат (хорлик – Э.О.) тортмағунча халос бўлмадим.

Байт:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр (дунё – Э.О.) беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд! То олам биносидур (яралибдики – Э.О.), бу ўтға ҳеч киши менча ўртанмайдур, то бевафолиғ ибтидосидур (пайдо бўлибдики – Э.О.), бу ёлинға (оташда – Э.О.) ҳеч ким мендек чурканмайдур (қоврилмайди – Э.О.). Замон аҳли бевафолиғидин кўксумда туганлар (жароҳатлар – Э.О.) ва даврон хайли (эли – Э.О.) беҳаёлиғидин бағримда тиканлар, ҳар қайсиға рақам урай десам, Айюб сабри анга вафо этмас ва қалам сурай десам, Нуҳ умрида тамомға етмас”[1] (Яъни, мен кўрган жафоларни бир-бир баён айласам, уни эшитишга сабр тимсоли бўлган Айюб пайғамбарнинг ҳам тоқати етмайди, Нуҳ алайҳиссалом каби 950 йил яшасам-да, бу узун умр чеккан ранжларимни ёзиб чиқиш учун камлик қилади).

Таниқли назариётчи олим ва адиб Иззат Султон Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи хусусида фикр юритар экан: “Яхши одам бирор-бир замонда кун кўрмайди деган қараш – асарнинг асосий ғоясидир. Бош қаҳрамон Отабек образида ёзувчи айни шу ҳақиқатни илгари сурган”, – деган бир фикрни ўртага ташлаган эди. Давримизнинг забардаст адиби Чингиз Айтматов ҳам “Қиёмат” романида: “Дунё ўз фарзандларини

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Маҳбуб ул-қулуб \\ Тўла асарлар тўплами, 9-жилд, 509-бет.

уларнинг энг покиза ғоялари ва руҳий интилишлари учун ҳаммадан кўпроқ жазолайди”, – деб ёзган эди. Таъбир жоиз бўлса, Навоийнинг ушбу ғазали ҳам айни фикрнинг ўзига хос бадиий талқинига бағишланган.

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким,
Бу эски тоқ аларға ёғдирур гарди бало асру.

Ҳадисларда айтилишича, Оллоҳ таоло балонинг энг каттасини аввал ўз пайғамбарларига юборади, кейин валийларга, ундан сўнг навбати билан. Шунга ишора қилиб, шоир ёзадики, бу кўҳна фалак вафо аҳлининг бошига ҳаддан зиёд дарду бало ёғдиради, улар бу дарду бало остида эзилиб, баъзан йўқолиб кетадилар. Шунинг учун бу тоифа жуда ноёб ҳисобланади.

Огаҳий вафо аҳлини Каъбага ўхшатиб, зулм ила бу тоифанинг кўнглини яраламангки, Байтуллоҳ, яъни Оллоҳнинг уйи вайрон бўлса, олам хароб бўлганидек, улар ҳам олам биносининг устуни ҳисобланиб, айни зотларсиз кишилик жамияти таназзулга юз тутишини таъкидлайди:

Ситам айлаб шикаст аҳли вафо кўнглиға еткурма –
Ки, Байтуллоҳ бўлса мунҳадим, олам бўлур вайрон[1].

Шунинг учун ҳам шоир алам ва изтироб билан айтадики: “То фалак доирасидан ташқари чиқмай туриб киши бу дардга даво топмайди, чунки чарх ҳуққаси ичра бу дорининг топилиши даргумон”:

Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдур,
Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.

“Фалак деб аталган бу қутида мазкур дардга даво бўладиган дорининг топилиши жуда қийин, у ўта ноёб бўлиб, бунинг учун аввало фалакнинг дардига даво топиш керак, бусиз бирор кимса ундан бу нарсани тополмайди”. Бошқача айтганда: “Дунёни қайта бошдан мақсадга мувофиқ қилиб қурмагунча бу дарднинг давосини топиб бўлмайди. Чунки вафо аҳлининг қалбини пора-пора қилган нарса айнан фалак гардишининг инсон орзу-истакларига қарама-қарши айланишидир”.

Фалакни бошдан-оёқ қайта қуриш ҳақидаги бундай исёнкорона фикрлар Шарқ шоирлари ижодида кўп учрайди. Чунончи, Хўжа Ҳофиз ёзган эди:

Биё, то гул барафшонему май дар соғар андозем,
Фалакро сақф бишкофему тарҳе нав андозем[2].

“Кел, то гул ўйнаб, қадаҳга май қуяйлик. Фалакнинг томини бузиб, уни янги лойиҳа асосида қайта қурайлик”. Бошқача айтганда: “Баҳор фаслида май ичиб, гуллар ҳидидан баҳра олайлик. Бу эски фалакни бузиб, уни янгидан тузайлик”.

Асрлар давомида бутун Шарқ мумтоз сўз санъатида чархи кажрафтор, яъни тескари айланадиган фалакнинг таъна-маломат ўқига нишон бўлиб келгани бежиз эмас. Айнан равиши каж бўлганлиги учун ҳам у ҳали бирор инсонни мақсадига етказган эмас. Вафо

[1] Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин, 293-бет.
[2] Ҳофизи Шерозий. Куллиёт. 1983. – Саҳ. 454.

аҳли, яхши инсонлар, фазилат соҳибларини-ку инчунин. Шунинг учун ҳам Огаҳий ёзган эдики:

Хароб ўлсун, илоҳи, гунбази даввори чархи дун,
Ки доим даври каждур, таври шуму ҳайъати вожун.

Анинг кажравлиги таъсиридиндур бу жаҳон ичра,
Жафо аҳли ҳамиша хурраму, аҳли вафо маҳзун[1].

Ғазалда тасвирланган вафо аҳли тимсолининг мазмун-мундарижаси ниҳоятда кенг бўлиб, у яхши одамлар, илму ҳунар соҳиблари, донолар каби умуман инсон отлиғ хилқатнинг барча олий намояндаларини ўз доирасига қамраб олади. Бинобарин, Огаҳийнинг доно ва нодон баҳсидаги мана рубоийсини ҳам мавзу эҳтиборига кўра айни ғазалга муштарак деса бўлади:

То кажлик ила кирди фалак даврона,
Доно ҳама нон гадосидур нодона,
Тузлик била айланса эди гар гардун,
Нодон юзи тушмагай эди бир нона[2].

“Фалак гардиши азалдан тескари айлангани учун ҳам доно зоти борки, бир бурда нон учун нодонга гадолик қилади. Ҳолбуки, агар фалак тўғри айланиб, оламда ҳақиқат ва адолат қарор топганида, нодон нон юзини кўрмай дунёдан ўтар эди”.

Фурқатнинг мана бу шоҳбайтини эса бу борадаги фикрларнинг ўзига хос хулосасидир дейиш мумкин:

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен:
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур[3], –

“Азалдан касби тескари айланиш бўлган бу фалакнинг бир ишидан жуда доғман-да: ҳамиша айшни нодон суриб, кулфатни доно тортади”.

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд –
Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарға баҳо асру.

“Мақсад гавҳарини қўлга киритишни истасанг, бўшанглигу сусткашликни қўйиб, жидду жаҳд кўрсат. Чунки бу оламда мазкур гавҳарнинг баҳоси кўп улкан”.

Ушбу байт тасаввуфий мазмундан ҳам холи бўлмай, асл мақсадни, яъни Оллоҳ ризоси, илоҳий маҳбуба висолига етишишни истасанг, унинг бу дунёдаги баҳоси улкан – унга фақат жон эвазига харидор бўлиш мумкин. Чунки илоҳий маҳбуба васлига ошиқнинг жисми эмас, балки унинг камолотга эришган руҳи восил бўлади.

Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидан тамаъ қилдим –
Вафо, астағфируллоҳ, қилған эрмишмен хато асру.

---

[1] О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин, 313-бет.
[2] О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин, 558-бет.
[3] Ф у р қ а т. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд (Нашрга тайёрловчи: Х.Расул). – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959, 183-бет.

Бу байтда шоир кучли алам ва ўткир киноя билан: "Жонимни фидо қилиб, олам аҳлидан вафо талаб этибман. Астағфируллоҳ, хато қилибман: нима, олам аҳлида вафо йўқлигини билмас эдимми?!" – дейди. "Бу дунё шунақанги телба-тескари яратилганки, – деб ёзади Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бу борадаги фикрларини давом эттириб, – ҳар бир яхшилик ўз ортидан камида ўнта ёмонликни бошлаб келади, ҳар вафо юз жафога сабаб бўлади, дуо қилган қарғиш олади" (9,505) ва ҳоказо.

Ризо аҳлин сиёсат тиғидан қўрқутмағил, эй шаҳ –
Ки, қатлингдин сенинг қўрқарға ўлмайдур гадо асру.

Ризо аҳли – Оллоҳ розилигини топган валийлар, шайху сўфийлар, илму ахлоқда етук инсонлар. Ўзларини Оллоҳ йўлига бағишлаган бу тоифани дунё ташвишлари заррача қизиқтирмайди. Уларни сиёсат билан қўрқитаман, деб беҳуда уринма, эй шоҳ, гадо сенинг қатлингдан унча чўчимагани каби ризо аҳли ҳам дағдағангга парво қилмайдилар.

Маълумки, сиёсат сўзининг давлатни идора қилишдан ташқари бошқаришдаги қаттиққўллик, бошқаларга ибрат бўлсин учун жазолаш, қўрқитиб қўйиш, дўқ-пўписа каби маънолари ҳам бор. Навоийнинг ўзи ҳам Ҳусайн Бойқарога давлат иши сиёсатдан холи бўлмаслигини таъкидлаган эди. Бобур ҳам "Бобурнома"да сиёсат учун баъзиларни сиёсатга етказганини ёзиб қолдирган[1].

Табиат чоҳидин руҳингни қутқарким, хуш эрмастур
Қафас қайди аро булбулға бўлмоқ мубтало асру.

"Руҳингни жисм зиндонидан қутқарким, булбулнинг узоқ вақт қафасга банди бўлиши яхши эмас". Булбулнинг макони боғу роғлар бўлгани каби руҳнинг ҳам асл макони Арши аъло – жаннат боғларидир. Бу мақомга сазовор бўлиш учун руҳ юксалиши ва жисм қафасидан озод бўлиши керак.

Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин,
Бу ранжимға ҳамоно нафъ этар жоми фано асру.

"Кавсар жомининг зикри менинг ўзлигим бандидан халос айламади. Бу ранжимга фано жоми кўпроқ наф этадиганга ўхшайди".

Кавсар – жаннатдаги ҳовуз. Тафсир ва ҳадисларда айтилишича, "унинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан оқ бўлиб, ундан ичган киши абадий ташналик кўрмайди" [2].

Ўзлик – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо йўлидан чалғитади. Ўзликни маҳв этиб, фоний бўлиш Навоий ғазалиётининг ўқ илдизини ташкил этади. Кўнгил то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмаслиги учун ҳам шоир "Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим" (БВ, 402), дейди бошқа бир ғазалида.

Фано – ўзликдан, яъни моддий нарсалардан буткул узилиб, руҳиятга боғланиш. У – тариқатнинг ниҳояси, натижаси. Навоий назарида, фано даштига кириш учун "ўзни ўзликдан озод айлаш", "зодсизлиқ зодини омода" этиш керак. Бу – озиқсизликни озиқ билиш, яъни руҳий озиқнинг ўзи билан кифояланиш, Ҳақдан ўзгасига эҳтиёжсизлик демак.

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: "Шарқ", 2002, 158-бет.
[2] Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2004, 132-бет.

Фано мақомига етган инсон наздида йўқлик билан борлиқ баробар бўлади. Ўзлигидан қутулиб, руҳини юксалтирган, бутун фикру зикрини ёлғиз Оллоҳга қаратган кишилар ана шундай юксак мақомга кўтариладилар. Бинобарин, шоир айтмоқчи: "Зоҳирий тоат-ибодатлар ва улар эвазига эришиладиган кавсар майи мени ўзлигим занжиридан халос этмади, яъни бу дунё, нафс ва жисм муҳаббати ва тўсиқларидан қутқазмади. Бу азобларга фонийлик жоми – моддиятни тарк этиб, руҳиятга боғланиш, дунё севгисини енгиб, илоҳий ишққа эришишгина кўпроқ наф келтиради".

Маълум бўладики, Навоий жаннат умидидаги тоат-ибодатлар мени бу дунё ташвишларидан буткул халос этмади. Мақсадга етиш учун тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтишим ва фано бўлишим керак, демоқчи. Сабаби: инсоний камолотнинг асосий йўли тариқат бўлиб, шариат унинг дастлабки, тайёргарлик босқичи. Чинакам комилликни истаган киши бу босқичда қолиб кетмаслиги, бир етук пирга қўл бериб, тариқатга кириши лозим. Зеро, шариат зоҳирий покланиш қоидалари мажмуидан иборат бўлса, тариқат ботиний покланиш йўлидир. Шунинг учун ҳам машҳур тасаввуф шайхи Абдуллоҳ Ансорий: "Шариатни – жисм, тариқатни – дил, ҳақиқатни – жон деб ҳисобла", – деган эди. Бунда у шариатни инсон танасининг ибодати, тариқатни эса қалб ибодати, деб кўрсатган.

Шарқ фалсафаси ва адабиётининг билимдонларидан Нажмиддин Комиловнинг ёзишича: "... тариқат ва ҳақиқат ботиний покланишнинг зарурий эҳтиёжи, шариат даражаси қониқтирмайдиган, жондан кечиб ишқ шаробини ичишга тайёр турган алоҳида шахсларнинг танлаган йўлидир. Бундай одамларнинг Ҳақ сари интилиши шу даражада кучлики, уни муайян чорчўбаларда сақлаш ва сиғдириш мумкин эмас"[1].

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.

Гулшани қудс – поклик олами, илоҳий олам.

"Эй Навоий, поклик олами ҳавасини қилгилки, бу дунёда зоғлар билан овора бўлиб, умрни беҳуда ўтказиш, шу тариқа илоҳий насибадан бебаҳра қолиш яхши эмас".

Бу байт шоирнинг: "Дунё – зоғу зағанлар маскани, агарки сен булбул бўлсанг, ундан учиб чиқ", – мазмунидаги қуйидаги мисраларига ҳамоҳанг:

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқан яхшироқ зоғу заған маъвосидин (ҒС, 438).

МАҲОРАТ МЕВАСИ

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб:
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ ғазаб.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

[1] Комилов Н. Тасаввуф, 83-бет.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани эркин сабаб?

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд арманий, ёхуд араб.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водисиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад риоят қил адаб.

("Наводир уш-шабоб", 45-ғазал)

Шарқ мумтоз сўз санъатида адабий асарнинг бадийяти бирламчи шарт ҳисобланган. Бу адабиётда янги гап айтиш, теран фикр ифодалашгина эмас, балки ана шу янги гап, теран фикрни қандай шаклда, қайси бадиий санъатлар воситасида акс эттириш ҳам муҳим бўлган. Ўтмиш шеъриятида ҳатто муайян олинган фикрнинг бир неча шоир томонидан бир неча бадиий санъатлар ёрдамида ифодаланиши айб саналмаган. Аксинча, бадиийтдан маҳрум қуруқ суханбозликка ружу қўйиш мазаммат этилган. Шоирга ҳаётий долзарб ва муҳим мавзуларда қалам тебратишига қараб эмас, балки бадиий юксак асар яратганлигига қараб баҳо берилган. Шунинг учун ҳам Шарқда шеърнинг ва шоирнинг қадри баланд тутилган.

Алишер Навоийнинг асрдан-асрга ўтган сари ошиб бораётган шуҳратининг асл сабаби ҳам шоир асарларининг юксак бадиийтида. Шундай бўлмаганда, ҳозирги кунда унинг ўзбек адабий тилини баланд мақомга кўтариш ва бу тилда энг кўп асар яратишдан иборат тарихий хизматларини қайд этиш билан кифояланиб ўтирган бўлармидик. Ҳолбуки, Навоий ўзбек тилини улуғлабгина қолмай, айни пайтда, ўзбек адабиётини, бадиий сўзнида юксак пояга кўтарди. Шоир асарларининг ҳамиша, ҳамма даврларда авлодлар учун қўл етмас чўққи бўлиб қолаётганининг сабаби шунда.

Навоий ижодидан бадиий воситалар истифода этилмаган, шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки мисрани ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадиий санъатлар воситасида маҳорат билан ифодалайди. Таҳлил қилинаётган ғазал фикримизнинг ёрқин далили:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб:
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни таълил санъатининг бетакрор намунаси. Маълумки, бу санъат воситасида келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмаса-да, у ўзининг бадиий гўзаллиги билан кишида завқ уйғотади, эътиборни тортади. Чунончи, келтирилган байтда маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки "гўзал ёлғон", лекин ушбу ташбеҳ ўзининг бадиий гўзаллиги, нозиклиги, оҳорлилиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Маълумки, бадиий жиҳатдан юксак байтлар Шарқ шеъриятида шоҳбайт деб юритилади. Айни маънода юқоридаги байт ана шундай шоҳбайтлар жумласига киради.

“Аслида, гўзал бир дилбарнинг ғазабланиши ёқимли ҳолат эмас, унинг бундай қиёфасидан илҳом олиб шеър ёзиш шоир учун ҳам, шеърхон учун ҳам лаззатланарли эмас. Лекин санъаткор иккинчи байтда унинг ғазабнок кайфиятидан ҳам гўзаллик кашф эта олган”[1].

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ ғазаб.

Бу ерда шоир талмеҳ ва ташбеҳ санъатларидан фойдаланиб, маъшуқа изтироб чеккан чоғида тиниқ юзида ғазаб туфайли пайдо бўлган ажинни Хизр алайҳиссалом топган зулматдаги оби ҳаёт булоғи юзида тўқинланган мавжга қиёслаяпти. Талмеҳ – шоирнинг ўз фикрини тасдиқлаш, кучайтириш учун машҳур воқеа, масал ёки шахсга ишора қилиш санъати бўлса, ташбеҳ – бирор нарса ёки воқеани ўзаро ўхшаш жиҳатларига кўра бир-бирига ўхшатиш, қиёслаш санъати. Яъни: “Маъшуқа жаҳлга минганда бу изтироб туфайли унинг кўзгудай мусаффо чеҳрасида пайдо бўладиган чизиқлар, чимирилишлар Хизр алайҳиссалом топган зулматдаги оби ҳаёт чашмасининг юзида вужудга келган мавжга ўхшайди”.

Маъшуқа чеҳрасининг зулматдаги оби ҳаёт чашмасига ташбеҳ қилиниши мазкур байтнинг тасаввуфий мазмунга эга эканлигидан далолат беради. Оби ҳаёт чашмасини зулмат яшириб тургани каби илоҳий маҳбуба рухсорини ҳам бу дунё, нафс ва жисм талабларидан иборат қалин парда тўсиб олган. Бу парда мумтоз шеъриятда образли тарзда соч тимсоли билан ифодаланади ва маъшуқанинг кундай юзи ҳамиша тундай сочлар орасида пинҳон бўлади – айни жиҳатдан у зулматдаги оби ҳаёт чашмасига ўхшайди: оби ҳаётдан ичган киши абадий умрга етишгани каби маъшуқа юзини кўрган ошиқ ҳам, тасаввуфий тушунчага кўра, боқий ҳаёт топади.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

Фарҳод ва Ширин – Шарқ адабиётида ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам машҳур ошиқ-маъшуқлар эканлиги маълум. Бу ерда шоир талмеҳ санъатини қўллаб, ўзини – Фарҳод, маъшуқасини – Ширинга менгзаш орқали ўзларининг ишқда ана шу афсонавий ошиқ-маъшуқлар мақомига кўтарилганликларига ишора қилади: “Сен мени дард тоғидаги Фарҳод деб атасанг, мен сени Ширин исмли чучук жоним дейман”. Бу ерда, шунингдек, маъшуқа исмининг Ширинлиги ва жоннинг ширинлиги бир-бирига қиёсланаяпти, яъни жон ҳам ширин, маъшуқа ҳам ширин, бошқача айтганда, маъшуқа жондай азиз бўлса, жон ҳам маъшуқадай азиз. Шоирнинг бошқа бир ғазалида айтилгани каби:

Борса жон – жонон йитар, гар борса жонон – жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур (FC, 168).

Қуйидаги байтда тажоҳули орифона санъатидан фойдаланилган. Бу санъат сўзловчининг бир нарсани билгани ҳолда, ўзини билмаганга солишидан иборат. Чунончи, келтирилаётган мисолда ошиқ: “Маъшуқа итининг кўнглимга қиё боқмаётганига сабаб унинг ишқ ўтида ёниб тирик алангага айланганими ёки узоқ муддат маҳбуба васлидан бенасиб қолганидан айниб, ҳидланганими?” – деб ўзини бехабарликка солмоқда:

[1] Ж у м а х ў ж а Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр, 93-бет.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани эркин сабаб.

Ит – тасаввуф адабиётида гоҳ рақиб, гоҳ рафиқ маъносида кенг қўлланадиган тимсоллардан. Мазкур байтда у – дўст, кўнгилнинг элчиси маъносида келаяпти. "Эгасини сийлаган – итига суяк ташлар", деганларидек, маъшуқа кўнглини ололмаётган ошиқ ити орқали унга изҳори муҳаббат айлаб, ишқда ўртанган юрагини суғуриб беради. Лекин ит унга оғиз урар-урмас ташлаб қочади. Бунга сабаб кўнгилнинг лов-лов ёнаётган ўтими ёки айриликда айнигани – исланганими?

Албатта, байтда шоир ташбеҳ ва муболаға санъатларидан ҳам маҳорат билан фойдаланган: ошиқнинг юрагини суғуриб, маъшуқа итига ташлашида – муболаға, кўнгил ва гўштнинг ўзаро қиёсланишида – ташбеҳ санъатларини кўрамиз.

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, Навоий эл ичида юрган образли иборалар, оддий ҳаётий ўхшатишлардан самарали фойдаланади, халқ урф-одат ва расм-русумлари, турмушдаги кундалик воқеа-ҳодисалар, нарса-жиҳозлардан ҳам ташбеҳ ҳосил қилиш учун фаол истифода этади. Чунончи, гўшт узоқ ишлатилмай, қолиб кетса, ҳидланади. Шоир мазкур байтида маъшуқа йўқламаган, ўз ҳолига ташлаб қўйган, васлидан баҳраманд этмаган ошиқ кўнглини худди шу туриб қолган гўштга муқояса қилиб, оҳорли бир ташбеҳ яратган.

Энди байтни тасаввуфий маънода талқин қиладиган бўлсак, Оллоҳ бандасини ўз марҳаматига сазовор этмаётган экан, бунга сабаб унинг ё ҳирсу ҳаваслардан буткул қутулмагани, ё Парвардигорини унутиб, дунёвий ташвишлар тўрига ўралганидир.

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд арманий, ёхуд араб.

Бу байтда ишқ миллат танламайди, у ҳар қандай мазҳаблар, диний айирмачиликлар, дунёвий тартиб-қоидалар, майда ҳою ҳаваслардан баланд туради, деган буюк ҳикмат ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган. Оллоҳ – ягона, унинг олдида жамики башар қавми тенг. Шунинг учун ҳам дунёнинг буюк зотлари дину миллат ажратмаганлар. Жалолиддин Румий: "Мен етмиш икки мазҳаб билан биргамен!" – деган. Бундай маҳдудликка Оллоҳнинг ўзи ҳам изн бермайди. Бўлмаса, 50 марта ҳаж қилган, илму ахлоқда замонасининг ягонаси бўлган Шайх Санъондек буюк бир зотни насроний қизнинг девонаси қилиб қўярмиди? Бўлмаса, Чин шаҳзодаси Фарҳоднинг арман қизи Ширинга муҳаббати асрлар давомида Шарқ адабиётида шу қадар ҳассослик билан баланд пардаларда куйланармиди?

Фарҳод ва Мажнун – комил ишқ тимсоллари. Уларнинг мақоми – комил ишқнинг натижаси. Шунинг учун ҳам комил ошиқ ё Фарҳод, ё Мажнунга ўхшайди: маъшуқанинг қайси миллатдан бўлишининг фарқи йўқ.

Маълумки, тасаввуфга кўра Ҳаққа – илоҳий маҳбубага етишишнинг икки йўли мавжуд: тариқат воситасида ва ишқ орқали. Тариқат – Фарҳоднинг, ишқ – Мажнуннинг йўли. Демак, ошиқ қайси йўлдан бормасин, қандай қизни севмасин, охир-оқибатда ё Фарҳод, ё Мажнун мақомига эришади.

"Шоир талқинича, комил ишқ шундай қудратлики, у ҳар қандай ақл-идрок ва донишдан устун туради. У сарҳад билмайди, ҳеч қандай элат ва миллатни тан олмайди. Комил ишқ ошиқ ҳар қанча баркамол инсон бўлса ҳам маъшуқаси армани ёхуд араб бўлишидан қатъи назар, уни ё Фарҳод, ё Мажнунга айлантиради"[1].

[1] Ж у м а х ў ж а Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр, 94-бет.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водисиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Фақр – тариқатнинг тўртинчи мақоми. Фақрнинг луғавий маъноси қашшоқлик, бенаволик бўлиб, тасаввуфий тушунчада у дунёни, нафс хоҳишларини тарк этган соликнинг Оллоҳга ниёзмандлиги, унинг қошида ўзини фақиру ҳақир ҳисоблашини билдиради. Талаб водийси – Навоий "Лисон ут-тайр" достонида санаб кўрсатган ҳақиқатга етиш йўлидаги етти водийнинг дастлабкиси. Толиб – камолот истаб, талаб водийсига қадам қўйган киши. Матлуб – толиб талаб этаётган зот, яъни Оллоҳ.

Оллоҳ таолонинг ўзи хоҳламаса, тариқатда ҳеч ким мақсадга етолмайди. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд: "Тангри жазбасидан бир жазба инсон ва пари амали учун етарлидир", – дейди. Шунинг учун ҳам Навоий айтадики: "Талаб йўлига кириб ҳар қанча саъй-ҳаракат этма, Худованди каримнинг ўзи хоҳламаса, илоҳий жазба – тортиш бўлмаса, мақсадга етолмайсан. Яъни, матлуб – сен талаб этаётган зот ҳам сенга толиб бўлмаса, талаб фойда бермайди".

Шоирнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ҳам шунга ўхшаш фикрларни ўқиймиз: "Агар Ҳақдин иноят бўлса, қуллар қули – шоҳлар шоҳи, агар ул қўлламаса, олам шайх уш-шуюхи – олам номаи сиёҳий. Луқмонки, бир қул эрди, ҳикмат ва нубувват била фарқин кўкка еткурди. Жолутқа анингдек минг қул эрди, ғазаб ва сиёсат тиғи билан бошин ерга тушурди" (9, 510).

Қадимги Эроннинг каёнийлар сулоласига мансуб шоҳ Кайқубод даврида яшаб ўтган[1] Луқмон – Шарқ ҳалқлари орасида буюк ҳаким сифатида машҳур бўлиб, Қуръони каримда ҳам донишманд сифатида тилга олинган. "Қисаси Рабғузий"да келтирилишича, Луқмон Довуд алайҳиссалом даврида яшаган ҳабаший бир қул эди. Унинг минг, ҳатто 1600 йил яшагани нақл қилинади. У Оллоҳдан ўзига узоқ умр сўраганида Оллоҳ таоло унга етти бургутнинг умрини бағишлаган экан. Бугина эмас. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Луқмондан: "Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат?" – деб сўраганида у ҳикматни танлаган, шунда Оллоҳ таоло у зотга нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етиш ва энг тўғри ҳукм чиқариш қобилиятини, яъни ҳикматни ато этган эканки, барча пайғамбарлар ҳам унинг насиҳатларига муҳтож бўлган эканлар[2].

Жолут – Қуръони каримда зикр этилган шахс. "Қисаси Рабғузий"да келтирилишича, Жолут Од қавмидан бўлиб, кофир эди. Толут Оллоҳ таоло мадади билан оз сонли қўшин воситасида мағлуб этилган ва у Довуд алайҳиссалом томонидан ўлдирилган[3].

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад риоят қил адаб.

Кўриниб турибдики, маъшуқа таърифидан бошланган ғазал ошиқ муҳаббати ва ҳолати тасвирига, ундан фалсафий мулоҳазаларга ўтиб, охири: "Эй Навоий, подшоҳ саройидаги мавқеинг ҳар қанча баланд бўлмасин, ўз ҳаддингни бил, ҳаргиз адаб доирасидан четга чиқма", – деган ижтимоий фикр, панд-насиҳат билан ниҳоясига етади. Дарҳақиқат, подшоҳларнинг кайфияти баҳор ҳавосидай ўзгарувчан бўлади: бу тоифанинг меҳри бир лаҳзада қаҳрга айланмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Алишер Навоий ижоди – буюк бир маънавият чашмаси. Бу чашма ўз ичгувчисининг маънавий ташналигини қондирибгина қолмай, уни инсоний камолот сари ҳам йўллайди.

---

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: "Фан", 1985, 280-бет.
[2] Бу ҳақда қаранг: Қисаси Рабғузий, 2-китоб, 74-бет; Ислом Энциклопедия, 143–144-бетлар.
[3] Ислом. Энциклопедия, 84-бет; Қисаси Рабғузий, 2-китоб, 25–27-бетлар.

ҲАЖРУ ВАСЛ АРО

Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,
Чун сабодин ғунча очилди, яна ёпилмади.

Ништари оҳим, ажаб йўқ, кўнглунга кор этмаса,
Тезликдан игна ҳаргиз хораға санчилмади.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,
Шамъ ўтидин, соқиё, ҳаргиз шарор айрилмади.

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқаъин,
Ҳеч гулшанда сабодин бўйла гул очилмади.

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,
Ҳар не билди – қилмади, ҳар неки қилди – билмади.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким,
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 632-ғазал)

Бу ғазал ҳижрондаги ошиқ ҳолати тасвирига бағишланган. Айни жиҳатдан, у шоирнинг ошиқона ғазаллари жумласига киради. Анъанавий мавзуда. Асосий ғояси муҳаббат машаққатларию айрилиқ азобларидан шикоят қилиш орқали маъшуқа васлига даъват этиш, унга етиш йўлларини кўрсатиш.

Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,
Чун сабодин ғунча очилди, яна ёпилмади.

Оддий баён – Навоий ижодига хос эмас. Шоир энг оддий фикрни ҳам энг гўзал ташбеҳ орқали айтади. Аслида образли тилда сўзлаш – шоирликнинг моҳияти ғисобланади. Чунончи, Навоий айриликдаги аҳволи тўғрисида шундай дейди: “Сабо, яъни тонг елидан ғунча очилгани каби оҳим ўти ёрнинг оғиз очиб, устимдан кулишига сабаб бўлди. Очилган ғунча қайтиб ёпилмагани каби ёр ҳам менинг устимдан кулишини бас қилмади”.

Бу ерда оҳнинг сабога, ёр оғзининг ғунчага қиёсланишида ташбеҳ, оҳнинг сабога, ёр оғзининг ғунчага нисбати борлигида лафф ва нашр, сабо деганда ошиқ оҳининг, ғунча деганда ёр оғзининг кўзда тутилишида истиора санъатларини қўллаган шоирнинг бадиий маҳоратига ҳам гувоҳ бўламиз.

Ҳақиқий ишқ дил тубида пинҳон бўлади. Ошиқ ҳар қанча қийналмасин, маъшуқасидан нолимайди, оҳу фарёд уриб, ишқини ошкор қилмайди. Бунга қурби етмаган киши – ошиқ эмас. Умар Хайём таъбири билан айтганда, қийналиш у ёқда турсин, бошингга ўлим келса-да, нолимаслик – чин ишқ ҳисобланади. Демак, Навоий айтмоқдаки, мен ошиқлик

удумини буздим – оҳу фарёд айладим. Буни эшитиб, ёр менинг ишқу ошиқлик ҳақидаги даъволарим пуч эканини кўриб кулди. Очилган гул қайтиб ғунчага айланмагани каби энди маъшуқанинг фақир тўғрисидаги фикри ҳам ўзгармайди.

Ўзи бошқа бир байтида айтгани каби:

Навоий, ишқдин не келса дам урмаки, ошиққа
Керактур ишқи пинҳонию доғи ишқ пинҳони (ФК, 632).

Яъни: "Эй Навоий, ишқдан бошингга нимаки келмасин, оҳ-воҳ қилмаки, ошиқнинг ишқи ҳам, бу ишқ туфайли кўнглидаги доғи ҳам яширин бўлиши керак".

Ништари оҳим, ажаб йўқ, кўнглунга кор этмаса,
Тезликдин игна ҳаргиз хораға санчилмади.

"Оҳим наштарга айланса-ю, шунда ҳам сенинг қалбингга таъсир кўрсатмаса, сира ажабланмайман, зеро, игна ҳар қанча ўткир бўлмасин, барибир, тошга санчилмайди".

Огаҳий таъбири билан айтганда эса, сандон – темирчиликда ишлатиладиган темир тўнкага сўз таъсир қилиши мумкин бўлмаган нарса.

Тасаввуф шеъриятида маъшуқа қалбини тошга ўхшатиш кенг тарқалган. Чунки илоҳий маҳбуба азалдан ҳозирга қадар ҳали ҳеч кимнинг додига етган эмас ва абадгача шундай бўлиб қолади. Унга етишни истаган ошиқи содиқ қиёматга қадар сабр қилишига тўғри келади, чунки Оллоҳ ўзининг хос бандалари билан учрашувни – висолни қиёматга белгилаган. Ошиқ буни билса-да, барибир, оҳу нолалари маъшуқа қулоғига етишини истайверади; чекаётган ранжу машаққатлари ўзига меъёридан ошгандай кўринаверади; маъшуқанинг ўзига, ҳеч бўлмаса, бир қиё боқишини, бир оғиз сўз қотишини, таскин беришини хоҳлайди.

Оллоҳ ошиғининг доимий қўрқув ва умид орасида яшаши, ўз хатти-ҳаракатларидан кўнгли тўлмаслиги, ўзига ишонмаслигининг сабаби шундаки, Худованди каримнинг ўзи хоҳламаса, илоҳий ишқда бирор мартабага эришиб бўлмайди. Кимни ўзига муносиб ошиқ ҳисоблаб, уни васлига етказиши-ю, кимни бу саодатдан маҳрум этишини ҳам илоҳий маҳбубанинг ўзи ҳал қилади. Ошиқ ўз хатти-ҳаракатлари билан бу бахтга сазовор бўлиши мумкин эмас, у фақат умид қилиши мумкин. Ўз ишқининг ниҳояси нима бўлишини билмагани учун ҳам сўфий-ошиқнинг оҳу нолалари чегарани билмайди.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,
Шамъ ўтидин, соқиё, ҳаргиз шарор айрилмади.

"Эй соқий, менга тутган сариқ майнинг бир томчисини ҳам ерга тўкма, чунки учқун сира шам ўтидин айрилмайди".

Ғазал айриликдаги ошиқ кечинмаларига бағишланганлиги учун ҳам бу ерда сариқ май тилга олинаяпти. Чунки сариқ ранг – айрилиқ рамзи.

Бу дунёнинг бор ғаму кулфати айрилиқ туфайли. Шунинг учун шоир ҳеч бир нарсанинг ўз манбаидан ажралмаслиги тарафдори. Чунончи, томчи – майдан, учқун – ўтдан, қатра – уммондан, зарра – қуёшдан... айрилмасин. Шу тариқа, бу қиёс давом эта-эта асл мақсадга келади: инсон ўз Парвардигоридан айрилмасин! Байтдаги фикрдан асл мақсад аслида шу!

Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра азалда инсон ўз Яратувчиси билан бир бутун бўлган. Кейин Худода ўз жамолини томоша қилиш ва ўз қудратини англаш истаги пайдо

бўлган ҳамда ўз ҳуснига кўзгу қилиб оламни, мени англасин деб одамни яратган. Шу тариқа, банда ўз Яратувчисидан айру тушган ва у энди бир умр яна Парвардигори васлига етиш, у билан бирга бўлишга интилади. Бу ерда шоир шунга ишора қилаяпти.

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Маълумки, ҳар бир қалб муҳаббатни янгилайди. Бировнинг андозаси бошқага тўғри келмайди. Шундай экан, юз минг киши юз минг йил давомида ишқнинг юз минг сифатини ёзган бўлса-да, унинг юз мингдан бир сифати ҳам қаламга олинган эмас. Чунки ҳар бир киши ишқнинг ўз тақдиридаги кўринишини битиб қолдирган. Ҳеч ким бу борада ҳаммабоп қўлланма яратмаган.

Айни фикрни шоир бошқа ғазалларида ҳам давом эттиради ва ривожлантиради. Чунончи:

Эй мударрис, ишқ сирри дафтари бир нуктадур,
Гарчи мингдин бир ёзилмайдур ёзиб юз минг шуруҳ (НШ, 106).

“Эй мударрис, аслида ишқ сирининг дафтари биргина чуқур маъноли ҳикматдан иборат. Ҳолбуки, юз минг шарҳнавис шарҳлагани билан ҳалигача унинг мингдан бир жиҳати ҳам очилган эмас”.

Шоир бошқа бир байтида аниқлик киритиб кетганидек, ўша биргина сўз балки ҳақиқатдир:

Таайюнот ичида ишқ бир ҳақиқат эрур,
Гар ўлса булбулу парвонадин ва гар мендин (ФК, 468).

“Булбулданми, парвонаданми ё менданми, кимдан содир бўлишидан қатъи назар, ишқ муайянлик ичра бир ҳақиқатдир”.

Яна ким билади дейсиз!

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқаъин,
Ҳеч гулшанда сабодин бўйла гул очилмади.

“Кўйида чеккан оҳимнинг ели ул гулнинг юзидаги пардани кўтарди, ҳеч бир гулшанда сабо туфайли бу каби гул очилган эмас эди”.

Сабо – сўфиёна тимсол бўлиб, сабо билан ошиқларнинг тонг чоғида чеккан оҳлари ўртасида боғлиқлик мавжуд: тасаввуф аҳли тонгда урилган оҳ илоҳий маҳбубага етиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда Шайх Абу Бакр Каттоний шундай дейди: “Оллоҳ таолонинг бир ели бор – тонг чоғида эсгай. У ел ошиқларнинг оҳу нолишини элтгай, Аршга олиб чиққай, ундан ҳазрати Парвардигорга етказгай”[1].

Шундай қилиб, сабо ошиқнинг ноласини Оллоҳга етказгани каби ошиқ чеккан оҳ уни маъшуқи азалга етказади. Чунки тасаввуф аҳли тонгда урилган оҳ илоҳий маҳбубага етиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бу ерда жон чиқиш олдидаги инсон чекадиган сўнгги оҳ кўзда тутилмоқда. Бу оҳ туфайли ошиқ руҳи унинг жисмини тарк этиб, Арши аълога парвоз этади

[1] Ф а р и д и д д и н А т т о р. Тазкират ул-авлиё (Мирзо Кенжабек таржимаси). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 1997, 129-бет.

ва илоҳий маҳбуба ҳузурига етади. Гарчи жоннинг чиқишига сабаб бўлса-да, ошиқнинг ўз маъшуғига етказиши жиҳатидан бу оҳ унинг ноласини Оллоҳга етказган сабодан афзал. Кўриниб турибдики, оҳ ва сабо дастлаб бир-бирига ўхшатилаяпти, кейин оҳ сабодан устун қўйилаяпти. Чунки сабо маъшуқага ошиқнинг сўзини етказса, у чеккан оҳ ўзини етказади!

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,
Ҳар не билди – қилмади, ҳар неки қилди – билмади.

Бу байтда қиёмат кунида билганини қилмаган, қилганини билмаган олимнинг азоби ҳар қандай жоҳилдан кўра кўп бўлиши ҳақидаги ҳадис ўз аксини топган.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким,
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади.

“Эй Навоий, излаганинг билан ҳижрон аҳли орасидан топилмаган киши ёр васлин излаб топган ҳисобланади”.

Тасаввуф фалсафасига кўра, бу дунё – ҳижрон олами. Чунки инсон ўз Яратувчисидан – висол оламидан айри тушган. Шунинг учун у энди бир умр яна висолга – Парвардигорига интилади. Лекин унга жисм эмас, балки риёзат чекиш натижасида покланган ва тариқатни босиб ўтиш давомида камолга етган руҳ етишади. Бинобарин, ҳижрон аҳли сафини тарк этган – Арши аълога етган комил руҳгина бу саодатга муяссар бўлади.

Шоир бу байтида илоҳий ишққа муносиб, Ҳақ ризосига эришган ориф инсонлар хусусида сўз юритади. Шубҳасиз, Навоийнинг ўзи ҳам Оллоҳ таолонинг ана шундай хос бандалари зумрасига мансуб эди.

ШОҲУ ГАДО НИСБАТИ

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини бир йил югурса додхоҳ.

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас –
Ким, балокашлик менинг хўйимдур, онинг – иззу жоҳ.

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида –
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай – ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур, фарқи бор:
Сарвға то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 561-ғазал)

Шоҳ ва дарвеш, шоҳ ва гадо муносабати Алишер Навоий қарашлари тизимида муҳим ўрин тутади. Мазкур ғазалда бу яхлит дунёқарашнинг бир қирраси – шоҳ ва гадонинг ишқдаги мавқе-мақоми хусусида фикр юритилади.

Ишқ – муҳаббатнинг даражаси, ошиқнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қўлга киритиладиган мақом. Бу оламда зўрлик эмас, зорлик, бойлик эмас, фақирлик, амру фармон эмас, ажзу ниёз ҳукмронлик қилади. Ишқ йўлида шоҳу гадо баробаргина эмас, балки гадо шоҳдан устун. Чунки ҳақиқий ишқ молу дунё, амал-мартаба, мавқе-мақомнигина эмас, балки дунё неъматлари, нафс хоҳишлари, ҳатто жисму жонини ҳам унутиб, ёлғиз маъшуқа ишқига берилиш, фақат унинг ёди билан яшаш, танҳо унинг васлига интилишни талаб этади. Гадо бу йўлда ҳамма нарсадан, ҳатто жонидан-да кечишга ҳар лаҳза тайёр тургани ҳолда, мулку салтанат соҳиби бўлган шоҳ бор-йўғини унутар даражада севишга қодир эмас: унинг жони уёқда турсин, мол-давлатию тожу тахтидан-да кечиши қийин. Шундай экан, ҳаётдаги мартаба-мавқеи бир-биридан кескин тафовут қилувчи шоҳ ва гадонинг гўёки ошиқ-маъшуқларнинг ўзаро тенглиги асосига қурилган ишқ деб аталмиш мамлакатдаги мақоми ҳам баробар эмас.

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун деёлмас дардини бир йил югурса додхоҳ.

“Даъвогар бир йил югуриб, шоҳ ҳузурига киролмагани, унга арзу дод қилолмагани каби ишқ борасида ҳам шоҳга тенг келиш, унга ҳамдард бўлиш мушкул”.

Ғазал шоҳ ва гадо тазоди асосига қурилган бўлиб, байтлар давомида ишқда гадонинг шоҳдан устунлигига урғу берила боради. Ҳолбуки, ҳаётда бунинг акси. Айни пайтда, ғазалда ишқ олами ҳам мавжуд дунёга зид қўйиб тасвирланганини кўрамиз. Зеро, ҳақиқий ҳаёт бу дунёда эмас, балки ишқ оламида.

Ҳаётдаги каби ишқ оламида ҳам мақомлар тенг эмас. Фақат бу оламда ўринлар алмашади: энди гадо – султону султон – гадога айланади. Шоир ўзининг бошқа бир ғазалида лутф этганидек, жисмига ишқ шуъласи туташган ошиқ зарбофт тўн кийган шоҳга ўхшайди:

Чун тушар ошиқ таниға ишқ ўтининг шуъласи,
Ўйла шаҳдурким, эрур зарбафтдин хилъат анга (НШ, 8).

Бинобарин, шоҳ ва гадонинг мартабаси ҳаётда ҳам, ишқда ҳам тенг эмас экан, улар икки дунёда ҳам ўзаро ҳамдарду ҳамроз бўлолмайди.

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

“Ишқ оламида ўз аҳволидан шоҳга арз қилишнинг фойдаси йўқ, чунки бу ерда олийнасаб шоҳ билан тупроққа тенг гадонинг мартабаси баробар”.

Лекин, нима бўлганда ҳам, ишқ оламида бировни соҳиб мавқеига кўтариб, бошқани қул мартабасига туширадиган даражадаги ўзаро кескин фарқланувчи муносабатлар бўлмайди.

Бинобарин, ишқда барча ўз саъй-ҳаракатига яраша муайян мақомга эришади, бунда биров бировнинг мушкулини осон қилолмайди. Демак, бировга арзи ҳол айлашга-да ҳожат қолмайди.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас –
Ким, балокашлик менинг хўйимдур, онинг – иззу жоҳ.

Диққат қилинса, биринчи байтда шоҳнинг гадодан устунлиги ҳақида сўз борган бўлса, иккинчи байтда ишқ ичра бу икки тоифанинг тенглиги айтилади. Учинчи байтга келиб, энди гадо шоҳдан устун қўйилмоқда: "Ишқ аро шоҳ мендан ожизроқ бўлса, ажаб эмас, чунки ишқнинг асосий талаби ҳисобланган балокашлик, яъни дарду азоб, қайғу-изтиробларни тортиш менинг касбим, шоҳ эса ўзининг давлату бойлигига мағрур".

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида –
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Гапни узоқдан бошлаган шоир аста-секин асл мақсадга келаяпти: "Ишқу муҳаббат кўйида ким шоҳ, ким гадо деб қараб ўтирилмайди – чинакам ошиқ айриликда сарғайган юзи, қайғу-ҳасратда тўккан қонли ёши, маъшуқа ишқида чеккан ўтли оҳи билан ажралиб туради".

Ҳа, ишқ тарозисига молу дунё эмас, обрў-мартаба эмас, балки маъшуқа кўйида чекилган дарду ғам, ишқ йўлида қилинган саъю ҳаракатлар қўйилади.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюргай – ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.

"Шоҳ севгилисининг ўз амру фармонларига бўйсунишини талаб қилар экан, бу – ишқ эмас, балки кучли томоннинг заиф тарафга ўз ҳукмини ўтказишидир. Ошиқлик белгиси – маъшуқа олдида зору забунлик".

Дунёвий муҳаббат ўзаро тенглик асосига қурилади. Лекин сўз илоҳий маҳбубага – Оллоҳга ошиқлик хусусида борар экан, маъшуқанинг ҳар жиҳатдан тенгсизлигию ошиқнинг эса зору ожизлиги ҳақида гапирилади. Чунки Парвардигори олам қудратда ҳам, ҳуснда ҳам, илму ҳикматда ҳам мислсиз: банда эса унга фақат илтижо қилади, унинг кўйида зору ниёз айлайди.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур, фарқи бор:
Сарвға то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

"Сарв билан хошок агар гулга ошиқ бўлса, уларнинг ўртасида тафовут мавжуд: сарвга то ўт туташганча, хошок кул бўлиб, тупроққа сингиб кетади".

Бу ерда шоҳ – сарв дарахтига, фақир – оддий гиёҳга, хошокка ўхшатилиб, ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйилаяпти: сарв осонликча ўтда ёнмагани каби шоҳнинг илоҳий ишқ йўлига кириши қийин. Аксинча, хошок учқун тушиши билан ёниб, алангага айланганидек, гадою фақирлар ҳам илоҳий ишқ ўтига туғма равишда мойил ва унинг шиддатини кўтаришга қобил бўладилар. Қуруқ хошок оловда қандай гуруллаб ёнса, пок ошиқ ҳам ишқ ўтида шундай ўртанади, дейди Навоий "Лисон ут-тайр" достонида:

Ишқ ўтиға ошиқи пок ўртанур,
Барқдин андоқки, хошок ўртанур.

Бинобарин, илоҳий ишқ то битта шоҳнинг кўнглини макон тутгунича юз минглаб фақирлар бу ишқ ўтида ёниб, кулга айланадилар. Дарҳақиқат, Оллоҳ ишқи йўлида жон берган гадою дарвешларнинг сон-саноғига ҳеч ким етолмайди, лекин илоҳий ишқдан баҳраманд бўлган шоҳлар бармоқ билан санарли.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

"Эй Навоий, ишқ ичра сидқу ихлос билан гадо бўлким, сен топган бу давлатни шоҳ тожу тахтини бериб ҳам топмайди".

Сўфиёна адабиётда икки ошиқнинг мақоми юксак пардаларда куйланади: улардан бири – Иброҳим Адҳам бўлса, иккинчиси – Мансур Ҳаллож. Лекин Мансурнинг мақоми Иброҳимникидек юксак, чунки илоҳий ишқ йўлида Балх подшоҳи Иброҳим Адҳам тожу тахти, молу мулкининг баҳридан ўтган бўлса, машҳур сўфий Мансур Ҳаллож ширин жонидан кечди!

Ишқ ана шундай ўз йўлида тожу тахти, молу давлати, ҳатто ширин жонидан кечган чин ошиқлар мақоми бўлиб, шоҳлар ўз мавқеларидан воз кечолмаганлари учун кўпинча бу саодатдан бебаҳрадирлар.

ҲАССОС КЕЧИНМАЛАР ТАЛҚИНИ

Эй, кўнгулда шаҳди лаълинг ҳасратидин юз тешук,
Ҳар тешукдур шаҳд занбури уйи янглиғ чучук.

Гар тери бирла сўнгакмен – туъма ҳам қилмас итинг –
Ким, тери асру қатиқ бўлмиш, сўнгак асру чурук.

Не лабингдин ком топтим, не кўзунгдин жавр ўқи,
Бу сифат маҳрумлуқтин не тирикмен, не ўлук.

Ўйла занжири жунун расвосименким, ҳар замон
Теграма Фарҳоду Мажнундек йиғилмиш бир сурук.

Ишқ ўтидин қуллуғунг доғини қўйдум кўксума,
Ўзни бу навъ айладим ишқ аҳли ичра белгулук.

Фақр водийсинда ўзлук неча камрак яхшироқ,
Йўлни осон қатъ этар солик енгилрак бўлса юк.

Элга ўт солдинг вале куйди Навоий ғуссадин,
Ўхшамас ўт бирла куйдурганга бу янглиғ куюк.

("Ғаройиб ус-сиғар", 335-ғазал)

Ғазал ёр севиб, унинг васлига етмаган ошиқнинг ҳассос кечинмалари тасвиридан иборат. “Лабинг шаҳди ҳасратида кўнглумнинг юз еридан юзта тешик очилди, лекин ҳар бир тешик асалари уяси янглиғ болга тўла”, – деб бошлайди ўз ҳикоясини шоир. Бу ширинлик – ёр ёди. Ёр ёди бу дунёда ҳамма нарсадан ширин. Жафокор маъшуқа агарчи кўнгилни юз чок қилган бўлса-да, бу чокларнинг ҳар бирини ўз муҳаббати, хаёли билан тўлдирди. Ошиқнинг таскини шундан.

Эй, кўнгулда шаҳди лаълинг ҳасратидин юз тешук,
Ҳар тешукдур шаҳд занбури уйи янглиғ чучук.

Шоир ҳаётни теран ва нозик кузатади ва бошқалар ҳар куни кўрса-да эътибор бермайдиган нарса-ҳодисалардан ўз бадиий мақсадини ифодалаш учун кутилмаган тимсолу ташбеҳлар топади. Жумладан, ҳассос ошиқ юрагининг маҳбубанинг ширин лаби ҳасратида юз чок бўлгани, лекин бу чокларнинг ҳар бири ёр ёди билан лиммо-лим эканини асалари уясининг асал тўла тешиклари билан қиёслаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган оҳорли ташбеҳ ҳисобланади.

Гар тери бирла сўнгакмен – туъма ҳам қилмас итинг –
Ким, тери асру қатиқ бўлмиш, сўнгак асру чурук.

“Ишқ ғамини торта-торта терим билан устухонимгина қолди – шунчалик озиб кетдим. Ҳатто итингга озиқ бўлишга-да ярамайман. Бунинг устига, терим жуда қотиб, суягим ғоятда чириб кетган”.

Аслида ҳақиқий ишқнинг талаби шу – илоҳий ишқ ўти чақилганда ёниб йўқ бўлиши учун ошиқ жисми ранжу машаққатлардан хасдай бир ҳолга келиши, ҳижрон азобларидан бир соч толасидай ингичка тортиши керак. Сўфиёна адабиётда ошиқ жисмининг хас, хашак, сомон, чўп, соч (қил) ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга ўхшатилиши шундан.

Не лабингдин ком топтим, не кўзунгдин жавр ўқи,
Бу сифат маҳрумлуқтин не тирикмен, не ўлук.

“На лабингдан мақсад жомини ичиб хурсанд бўлдим-у, на кўзингдан жабр ўқини еб мажруҳ. Бу тариқа маҳрумиятдан на тирикка ўхшайман-у, на ўликка”.

Байтда лирик қаҳрамоннинг муаллақ, мавҳум бир ҳолати, иккиланишлари, шубҳа-гумонлари ўз аксини топган: ўзини чинакам ошиқлар қаторига қўшмоқчи бўлса, маъшуқа бирор-бир мужда билан уни умидвор этмаган, айни пайтда, ноумид ҳам қилмаганки, кўнгил узиб кетай деса.

Ўйла занжири жунун расвосименким, ҳар замон
Теграма Фарҳоду Мажнундек йиғилмиш бир сурук.

Маълумки, Мажнун Лайли ишқида саҳрони макон тутганида, Фарҳод эса Ширин туфайли Хусрав томонидан Салосил қўрғонида банди қилинганида уларнинг ҳамрозу ҳамсуҳбати жониворлар эди. Шоир ўзининг ишқдаги аҳволини мазкур машҳур ошиқлар тадирига ўхшатиб, мен ҳам телбалик занжирининг расвоси бўлдим, менинг ҳам теграмда Фарҳоду Мажнун каби бир сурук йиғилган, дейди. Бу билан Навоий тафаккур соҳиби ҳисобланмиш одамлар Фарҳоду Мажнунни тушунмаганлари ҳолда, онгсиз ва тилсиз ҳайвону қушлар

уларга ҳамдард бўлганлари мисолида Оллоҳни ақл воситасида билиб бўлмайди, унга фақат кўнгил билан етиш, уни ёлғиз сезгилар ёрдамида ҳис қилиш мумкин, деган сўфиёна ҳақиқатни баён этган. Фарҳод ва Мажнун ҳақидаги достонларда ҳам, келтирилган байтда ҳам жониворларнинг илоҳий ишқдан бебаҳра кишилардан устун қўйилишига сабаб шу.

Занжир сўзининг банд, кишан маъносидан ташқари, мажозан маъшуқанинг тўқилган узун ўрим сочи маъноси ҳам мавжуд. Занжири жунун – телбалик занжири деганда ошиқнинг маъшуқанинг ана шу занжирдай сочининг асирига айлангани, умуман эса ишққа мубталолиги кўзда тутилади.

Жунун – ошиқлик, беқарорлик; савдойилик, телбалик. Тасаввуфда мастликнинг интиҳоси-ю, дарвешликнинг ибтидоси. Оллоҳдан огоҳлигу ўзидан бехабарлик.

Ишқ ўтидин қуллуғунг доғини қўйдум кўксума,
Ўзни бу навъ айладим ишқ аҳли ичра белгулук.

Маълумки, қадимги қулдорлар ўз қулларининг белгили бўлиб туриши, қочиб кетмаслиги учун уларнинг баданига махсус тамға босганлар. Шоир шу ҳодисага ишора қилиб айтадики: “Мен ҳам ишқнинг ўти билан кўксимни куйдириб, бир доғ ҳосил айладим. Бу доғ қуллик тамғасига ўхшайди. Шу йўл билан ўзимни ишқ аҳли ичра белгилик қилдим. Энди қаерга қадам қўймай, кўксимдаги ишқ доғига қараб, ҳамма менинг содиқ ошиқ эканлигимга ишонч ҳосил қилади”.

Фақр водийсинда ўзлук неча камрак яхшироқ,
Йўлни осон қатъ этар солик енгилрак бўлса юк.

Тасаввуфий маънода фақирлик ҳеч нарсанинг йўқлиги эмас, балки дунёга, мол-мулкка рағбатнинг, эгалик ҳиссининг бўлмаслиги; давлатманд бўлган тақдирда ҳам ўз бойлигига Худонинг мулки деб қараш. “Фақрнинг ҳақиқати шуки, банда Ҳақдан бошқага бирор нарсада эҳтиёт сезмайди”, – дейди бу ҳақда Иброҳим ибн Аҳмад Муваллид Суфий Раққий[1]. Масалан, Хожа Аҳрор Валий ҳисобсиз мол-дунёга эга бўлгани ҳолда, ўзи дарвешона ҳаёт кечирган.

Ёки Имом Ғаззолийга:

– Бошқаларни фақрга даъват этасизу ўзингизнинг оғилингизда қатор-қатор ҳўкизу отларингиз бор, – деганларида у:

– Мен уларнинг қозиғини лойга қоққанман, дилга эмас! – деб жавоб берган экан.

Тасаввуфга кўра, инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги бўлган ўзлик унинг бўйнидаги юк ҳисобланади. Маълумки, йўлчининг юки қанча кўп ёки оғир бўлса, унинг йўли шунча секин унади. Аксинча, юки енгил киши манзилларни тез-тез босиб ўтади. Хожа Ориф ар-Ревгарий таъбири билан айтганда: “Ул қушки, бўйнида оғир (дунёвий) юк осиғлик экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун?! Соликким, бу дунёға дилбандлиги бисёрдир, илоҳий парвоз қилолмас ва талаб водийсига қадам қўёлмас”[2]. Бинобарин, бу каби моддий тўсиқлар қанча кам бўлса, фақр йўлига кирган соликнинг илоҳиёт сари сайри шунча осон, енгил кечади. Чунки кўнгил то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмайди.

---

[1] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10-жилд, 218-бет.

[2] Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома (С.С.Бухорий ва И.Субҳон таржимаси). – Тошкент: “Наврўз”, 1994, 6-бет.

Бу жиҳатдан машҳур авлиё ва шоир Фаридиддин Аттор билан боғлиқ қуйидаги ривоят диққатга сазовор:

Муҳаммад отасидан қолган атторлик дўконида дори ва гиёҳлар билан савдо қилиб ўтирганида бир гадо кириб, садақа сўрабди. У иш билан бўлиб, эътибор қилмабди. Гадо яна сўрабди. Жавоб бўлмагач, бу ҳол учинчи марта такрорланибди. Шунда гадо дебди:

– Менга қара, сен қандай ўласан?

– Сен қандай ўлсанг, мен ҳам шундай ўламан, – дебди ҳайрон бўлиб Аттор.

Гадо:

– Йўқ, сен мендек ўлолмайсан. Чунки сенинг юкинг оғир: мол тўла дўконинг, пул тўла ҳамёнинг, ҳашаматли уй ва саройинг бор. Тезроқ ўз ишингнинг тадбирини қил. Менинг эса бу дунё билан ҳеч қандай боғлиқлигим йўқ. Шунинг учун мен мана бундай ўламан, – дебди-да, қовоқ качкулини бошининг остига қўйиб, жон берибди. Бу воқеа Атторга қаттиқ таъсир қилади. Мавжуд ҳаётидан тавба қилиб, бор мол-мулкини қариндош-уруғларига бўлиб бериб, саҳрога чиқиб кетади – дарвешлик йўлига киради.

Элга ўт солдинг вале куйди Навоий ғуссадин,
Ўхшамас ўт бирла куйдурганга бу янглиғ куюк.

“Сен бутун элга ўт солдинг-у, лекин фақат Навоий ғусса оташида куйди. Лекин бу куюк ўт билан куйганникига ўхшамайди”.

“Лайли ва Мажнун” достонида шоир ишқнинг Қайс кўнглини манзил тутиши сабабларини изоҳлар экан:

Кўнгли сари ишқ бўлди мойил –
Ким, йўқ менга бўйла пок манзил[1]*, –*

деб ёзган эди. Дарҳақиқат, ишқ ўтининг куюги ўзига муносиб пок ва ҳассос кўнгилларни манзил тутади.

ИШҚ ЎТИНИНГ ШИДДАТИ

Тийра кулбамға кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,
Зулмат ичра Хизрға ул навъким, оби ҳаёт.

Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.

Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилғаним,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,
Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.

Васл умидиға тилармен умр, лекин войким,
Сенсизин кўрсам, тирикмен, ўлтурур мени уёт.

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Лайли ва Мажнун \\ Тўла асарлар тўплдами, 7-жилд, 53-бет.

Истасангким, ул қуёш чиққач, санга қилғай тулуъ,
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,
Сўзидин куяр қалам, қурур қаро, эрир давот.

("Ғаройиб ус-сиғар", 74-ғазал)

Тасаввуф таълимотидан бехабар ўқувчи мазкур ғазалнинг матласини ўқибоқ ҳайрон бўлади: "Эй жонон, зулмат ичидаги оби ҳаёт Хизрга абадий умр бағишлагани каби сен ҳам ғамингдан қоронғилик қаърига чўмган кулбамга ўлим хабари билан ташриф буюриб, менга нажот бер". Хизр алайҳиссаломнинг зулматда яширин оби ҳаёт чашмасини топиб, ундан ичиш билан боқий ҳаётга сазовор бўлгани-ку тушунарли. Лекин маъшуқа томонидан етадиган ўлимнинг ошиқ учун нажот бўлиши қизиқ.

Бу – тасаввуфий қарашлар билан боғлиқ. Айтиб ўтилганидек, унга кўра инсон азалда Оллоҳ билан бирга, у билан бир бутун бўлган. Кейин туғилган-у, Яратувчисидан айру тушган. Яъни олам ва одамнинг яратилиши билан Худо ва банда бир-биридан айрилган. У энди бир умр яна ўз Парвардигори билан топишишга, аввалгидек яна бирга бўлишга интилади. Лекин тирикликда бунинг иложи йўқ: илоҳий маҳбуба васлига инсоннинг фақат камолга етган руҳи муяссар бўлади. Сўфиёна адабиётда ошиқнинг ўзига ўлим тилашининг, шаҳид бўлишга интилишининг, "Жонимни тезроқ ол!" – деб маъшуқасига илтижо қилишининг боиси шу. Зеро, мақсад дийдор экан, қанча тез унга етишса, шунча яхши. Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида Мавлоно Садр Котиб деган шоирнинг қуйидаги байтини келтиради:

Ҳаргиз дили моро ба ғаме шод накарди,
Кушти дигаронрову маро ёд накарди[1].

"Менинг кўнглимни сира ғаминг билан шод этмадинг, ўзгаларни ўлдирдинг, мени эса ёд этмадинг".

Маълум бўладики, Худонинг жон олиши – унинг ёд этиши экан! Шунинг учун ҳам Машраб: "Ошиқ кишига ўлмоқ айни муддао келди"[2], – дейди. Висолнинг бундан бўлак йўли бўлмагач, на илож, ошиқ ўлимга ҳам кўнади-да!

Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.

Бу байт нисбатан содда халқона ташбеҳдан иборат. Уни сўзма-сўз эмас, балки мазмунига кўра шарҳласак, шундай маъно келиб чиқади: "Набот солганда пиёладаги чой ширин бўлгани каби кўнглига ишқ ўти тушган кишининг ҳаёти мазмунли бўлади". Ёки: "Набот сувни ширин қилгани каби муҳаббат ҳаётга мазмун-моҳият бахш этади". Яна: "Сув қанд билан ширин, ҳаёт муҳаббат билан".

Сода сўзи бу ерда соф, пок, тоза, тиниқ, шаффоф, мусаффо маъноларида келаяпти. Лаъл эса қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош бўлиб, мажозан қизил рангни билдиради.. Истиора ўлароқ маъшуқанинг чўғдай лаби ва қизил май ўрнида қўлланади. Тасаввуф истилоҳида

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Мажолис ун-нафоис \\ Тўла асарлар тўплами, 9-жилд, 325-бет.
[2] М а ш р а б. Агар ошиқлигим айтсам (Тузувчи: Э,Очилов). – Тошкент: "Ўзбекистон", 2013, 62-бет.

етук пир каломининг қиммати, маъшуқа сўзининг бебаҳолигига ишора қилади. Шишадан мақсад шишадан ясалган идиш. Бинобарин, маъшуқанинг ширин лаби хаёлидан ўтиши билан қанд солинган сув ширин бўлгани каби унинг кўнгли ҳам завқу ҳузурга тўлади. Ёр ёдининг ўзи шунча лаззат бағишлаганда ўзининг дийдори бахш этадиган бахту қувончни тасаввур қилаверинг!

Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилғаним,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

Мазкур байтнинг мазмунини тушуниш учун оғиз ва закот сўзлари билдирган маъноларни билиб олишимиз лозим. Оғиз орқали сўфиёна адабиётда илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилинади. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги – илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона. Закот – ислом шариатига мувофиқ бой, ўзига тўқ мусулмонларнинг мол-мулкидан фақир ва қашшоқлар фойдасига ҳар йили умумий даромаднинг қирқдан бир улуши миқдорида олинадиган солиқ.

Шарқ мумтоз шеъриятидаги "ҳусн закоти", "лаъл закоти" каби машҳур иборалар шундан келиб чиққан, яъни мол-мулки кўп бадавлат киши бечоралар фойдасига закот бергандек, гўзал маҳбуба ҳам ошиқларини тенгсиз ҳуснидан баҳраманд этиши – уларга ҳеч бўлмаса юзини кўрсатиши кераклигини шоирлар етакчи мавзулардан бири даражасига кўтариб, бадиий тимсолга айлантирганлар.

Энди байтни шундай талқин қилишимиз мумкин: "Юзинг ишқи кўнгилга тушган кундан бошлаб оғзингнинг гадосига айландим. Чунки тақдирим шу оғиздан чиқадиган сўзга боғлиқ. Худованди карим сени қуёш каби юксалтирибди, бу фақир фойдасига нурингдан бир заррасини закот сифатида берсанг-чи? Бойнинг муруввати туфайли камбағалнинг турмуши ўнгланиб кетгани каби марҳаматинг сабабидан кўнглим муроди ҳосил бўлар эди".

Огаҳий шунинг учун ҳам ошиқлари баҳра олмайдиган ҳуснни закотсиз турган хазинага нисбат беради:

Ҳуснеки, ошиқ ондин агар баҳра олмаса,
Бир ганжи беқиёски, турғой закотсиз[1].

Ҳусайн Бойқаро эса маъшуқани ҳусну малоҳат хазинасига, ўзини бир гадога ўхшатиб: "Эй ҳусн шоҳи, гадо бўлишимга қарамай менинг олтину кумушга, яъни бу дунё бойлигига эҳтиёжим йўқ – бир қиё боқиб, менга ҳуснинг закотини бахш этсанг кифоя", – деб лутф этади:

Чун Ҳусайнийдур гадойинг, ҳусндин бергил закот,
Эй малоҳат махзани, ул сийм олур сойил эмас[2].

Нодира ҳам "Ҳуснинг давлатининг закотини мендан дариғ тутма, чунки сен бойсану менинг бу закотга эҳтиёжим кўп", – дейди:

Ганжи ҳуснунгни закотин бер менга,
Сен ғанийсан, менда бисёр эҳтиёж[3].

---

[1] О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин, 168-бет.
[2] Ҳ у с а й н Б о й қ а р о. Рисола. Девон (Нашрга тайёрловчи: А.Эркинов). – Тошкент: "Шарқ", 1995, 64-бет.
[3] Н о д и р а. Тушумда кўрсам эдим (Тузувчи ва таржимон: Э.Очилов). – Тошкент: "Ўзбекистон", 2015, 52-бет.

Муқимий даврига келиб энди ошиқ маъшуқанинг бир қиё боқишини ҳусн закоти ўрнида қабул қилиш билан кифояланмай, ундан каттароқ закот – бир бўса сўрашга ўтади:

Айдимки: "Закоти ҳусн – бир бўса на бўлғуси?"
Айди кулубон дилбар: "Қайдин бу гадо келди?"[1]

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики. "ҳусн закоти" бирикмаси Шарқ мумтоз сўз санъатида кенг қўлланиб, шоирлар ўз бадиий мақсадлари йўлида унинг турли-туман қирраларини кашф этганлар.

То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,
Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.

Навоий ҳамиша ҳаётий ҳодисалар, нарсалардан ўз фикрини ифодалаш, уни кучайтириш учун гўзал ва бетакрор ташбеҳлар ҳосил қилади. Чунончи, келтирилган байтда ошиқ юрагига санчилган маъшуқа ўқларининг уни тешиб ташқарига чиқиши қанотлари қотиб, учишга ярайдиган, яъни темирқанот бўлган қуш боласининг учиш мақсадида инидан чиқишига ўхшатилаяпти. Бу билан шоир юрагимнинг дарди шунчалар зўрки, унга санчилган ўқ-да қушга айланиб, маъшуқа томонга парвоз қилиши ва унинг олдида менинг ишқим достонини куйлаши мумкин, деган бир фикрни ҳам ифодалагани мисралар қатидан сезилиб турибди.

Кўнгилнинг қушга нисбат берилишидан фойдаланиб, шоир бу ерда ўқни қанотга қиёслаяпти: қуш қаноти билан парвоз қилганидек, кўнгил ҳам маъшуқа отган ўқларни ўзига қанот қилиб, у сари талпинади.

Васл умидиға тилармен умр, лекин войким,
Сенсизин кўрсам, тирикмен, ўлтурур мени уёт.

Бу ерда нақшбандиянинг "Ҳуш дар дам" қоидаси ўз аксини топган. Унинг маъноси, мухтасар қилиб айтганда, фикру хаёлни бир ерга тўплаб, ёлғиз Оллоҳга қаратиш, бир нафас ҳам Оллоҳ ёди ва зикридан холи бўлмаслик. Бу таълимотга кўра инсон қанча узоқ умр кўрса, Оллоҳнинг ибодатини, зикрини шунча кўп қилади, шунга имконият яратилади. Бир нафас Парвардигор ёдидан мосуво бўлиш эса, нақшбандий учун ўлим билан баробар. Шунинг учун ҳам шоир ёзадики: "Мен узоқ умр тилар эканман, бунинг боиси – сенинг васлинг умиди. Лекин сенсиз, яъни сенинг ёдингсиз яшаб юрганимдан воқиф бўлсам, уятдан ўлар ҳолатга етаман".

Истасангким, ул қуёш чиққач санга қилғай тулуъ,
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.

Маълумки, қуёш дастлаб тоғ узра намоён бўлади. Шундай экан, эй кўнгил, қуёш бошинг узра балқишини истасанг, ғам тўзонида тўзиб кетмай ўзингни тоғдай маҳкам тут.

Албатта, мазкур байт сўфиёна мазмундан ҳам холи эмас. Қиёмат кунида Оллоҳ ўз йўлида ранжу машаққат чекиб, қалбини поклаган, руҳини юксалтирган хос бандаларига жамолини кўрсатишга ваъда берган. Шоир шунга ишора қилиб, айтадики, маҳшарда у ҳусн қуёши – Оллоҳни кўришни истасанг, ғам сели – бу дунё ранжу машаққатларига тоғдек сабр қил.

[1] М у қ и м и й. Кўнглум сандадур (Тузувчи: Э.Очилов). – Тошкент: "Шарқ", 2009, 108-бет.

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,
Сўзидин куяр қалам, қурур қаро, эрир давот.

“Навоий кўнглидаги ишқинг ўтининг шиддатини баён этмоқчи бўлса, унинг алангасида қалам куяди, сиёҳ қурийди, давот эса эрийди”.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий буюк бир ишқ соҳиби эди. Бу мақомга эришиш имкони йўқ, биз фақат унинг нақадар улуғвор эканлигини англаб етишни, тасаввур қилишни истаймиз.

МУҲАББАТ МЎЪЖИЗАСИ

Май халос этти риёйи порсолиғдин мени,
Шукрким, қутқарди зуҳду худнамолиғдин мени.

Бўлди нобуд ўзлугум, юз шукрким, қилди халос
Ҳар замон бу коргаҳда беҳаёлиғдин мени.

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Бўлдилар бегона аҳли зуҳд – хуш давлат буким,
Қилди манъ ул қавм бирла ошнолиғдин мени.

Оразимдин ғусса кожининг саводин қилди ол,
Шукрким, қутқарди мундоқ юзқаролиғдин мени.

Бандамен соқийғаким, бир жоми моломол ила
Айлади озод юз минг мубталолиғдин мени.

Тавба аҳли ёруманг мундоққи, маҳрум эттингиз
Дайр ичинда масту лояъқил гадолиғдин мени.

Душманимсиз дўстларким, қовдингиз айлаб ҳужум,
Бенаволиғ кишварида подшолиғдин мени.

Эй Навоий, ҳам магар, ё муғбача, ё пири дайр
Синдуруб тавбам чиқарғай бенаволиғдин мени.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 634-ғазал)

Ғазал арузнинг туркий вазнларидан ҳисобланган рамали мусаммани мақсур вазнида (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) ёзилган. Май, соқий, дайр, мастлик, пири дайр, муғбача, зуҳд, аҳли зуҳд, порсо, ўзлук, даҳр золи, жом, тавба, тавба аҳли каби кўплаб ирфоний истилоҳлар қўлланган жиҳатидан у сўфиёна руҳда бўлиб, маъно жиҳатидан риндона ғазаллар сирасига киради.

Маълумки, май тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий

завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради. Порсо – парҳезкор, тақводор; зоҳид маъноларини билдирса, зуҳд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланишдир. Шундан келиб чиқиб, лирик қаҳрамон: "Худога шукрки, илоҳий ишқ ташриф буюрди-ю, мени риёкорона тақводорликдан халос қилди. Бир йўла таркидунёчилигу ўзини кўрсатишга интилишдан ҳам қутқарди", – дейди:

Май халос этти риёйи порсолиғдин мени,
Шукрким, қутқарди зуҳду худнамолиғдин мени.

Бу ерда майнинг ўзи ҳамма нарсага: риё омухта тақвога ҳам, дунёни тарк этиб, фақат тоат-ибодат билан шуғулланишдан иборат зуҳга ҳам, худбинлик – ўзини кўрсатишга ўчликка ҳам қарши қўйилмоқда.

Май – муҳаббат шавқи, ёр ишқини кўнгилда асраш, маҳбуба ёди билан яшашни ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам "Хазойин ул-маоний"нинг очқичи бўлган илк ғазалидаёқ шоир зоҳидга киноя қилиб, сўфийлар истилоҳидаги жом билан май сен ўйлаган нарса эмас, бинобарин билмай туриб майхона аҳлини инкор этма деган эди:

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо (ҒС, 1).

Тасаввуф аҳли ишқни ҳақиқий ва мажозий деб иккига ажратадилар. Мажозий ишқ муҳаббатнинг ибтидоий кўриниши бўлиб, ундаги бор шавқу эҳтирос ақлни ўғирлаб, кўнгилни куйдириш бўлиб, жисмоний яқинлик билан ниҳоясига етади.

Ҳақиқий ишқ эса Ҳаққа ошиқлигу илоҳий шавқдан илҳом олишдир. Ҳақ эса тенгсиз камол ва жамол соҳиби бўлиб, беқиёс жозиба манбаидир, ошиқу маъшуқдир. Ҳақиқий ишқ руҳи мутлақ, зоти Аҳадият бўлмиш ҳақиқий маҳбубага муҳаббатдир.

Шунинг учун ҳам тасаввуф шеъриятида ишқнинг инсонни қусурлардан халос этувчи, уни камолотга етказувчи хусусиятга эга деб қаралади. Байтда ҳам шариат амалларини бажариш орқали жаннат мукофотини қозониш учунгина зоҳирий тоат-ибодат билан кифояланиб юрган обиднинг ишқ йўлига кириш орқали ошиққа айлангани хусусида сўз боради.

Бугина эмас. Ошиқ ўз сўзида давом этиб айтадики: "Юз шукрки, ишқ дунё билан боғлиқлик ришталарини узиб, мени бу дунёда ҳар замон беҳаёлик қилиш балосидан ҳам қутқарди":

Бўлди нобуд ўзлугум, юз шукрким, қилди халос
Ҳар замон бу коргаҳда беҳаёлиғдин мени.

Ўзлик – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо йўлидан чалғитади. Ўзликни маҳв этиб, фоний бўлиш, таъбир жоиз бўлса, шоир ғазалиётининг ўқ илдизини ташкил этади. Кўнгил то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмаслиги учун ҳам шоир "Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим", дейди ғазалларидан бирида.

Коргаҳ сўзининг луғавий маъноси бирор иш амалга ошириладиган жой, корхона бўлиб, бу ерда у мажозий маънода дунё маъносини билдириб келяпти.

Беҳаёлик деганда эса инсоннинг бу ўткинчи дунёга муҳаббати ва унинг ноз-неъматларига ҳарислиги, ҳаёт айшу маишатларига интилишига ишора қилинмоқда.

Демак, ғазал қаҳрамони ишқнинг ўзини боқий олам билан боғлаб, фоний дунёдан ажратиб олгани, кўнглидан дунё севгисини сиқиб чиқариб, ўрнига Ҳақ ишқини жо этгани, ниҳоят, нафсу ҳавонинг кишини тубанлаштирадиган қутқуларидан қутулиб, ҳақиқат йўлни топгани ва умри маъно-мазмун касб этганига хурсанд бўлиб, шукр қилмоқда.

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Бу ерда даҳр – дунё, зол – қария (чол ёки кампир) дегани. Даҳр золи мажозан кўҳна олам маъносида келади. Айни пайтда жонлантирилиб, кўпни кўрган дунё минг ошиқли маъшуқа тимсолида ҳам талқин қилинади. Тўрт мазҳаб эса суннийликдаги ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик мазҳаблари. Фард – танҳо, халқдан узоқ. Кадхудолиқ – бу ерда: эр, хонадон соҳиби, оила бошлиғи маъносида. Яъни эр хотинини талоқ қилиб, эркин ва ёлғиз бўлиб олганидек, сўфий ҳам дунё билан боғлиқ ришталардан биратўла халос бўлди.

Барча ёмонлик, ёлғон, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Алишер Навоий бу байтда дунёни – ҳеч кимга вафо қилмайдиган бевафо маҳбубани исломдаги ҳар тўрттала мазҳаб билан уч талоқ қўйганлигини айтмоқда.

Байтда қатор санъатлар ҳам маҳорат билан қўлланилган бўлиб, жумладан. даҳр золи – истиора, тўрт мазҳаб ва уч талоқ – тазод ва таъдид (саноқ), фардлик ва кадхудолик яна тазод санъатларини ҳосил қилган.

Бўлдилар бегона аҳли зуҳд – хуш давлат буким,
Қилди манъ ул қавм бирла ошнолиғдин мени.

“Мен эришган беқиёс давлат шуки, Ҳақ кўнглимга ўз ишқини солгач, аҳли зуҳд – зоҳидлар билан дўстликдан мени халос қилди. Чунки бу риёкор қавм мендан бегона бўлдилар”.

Зоҳид – узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат) дан бехабар бўлиб, уларнинг мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига этишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун ҳам зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

Оразимдин ғусса кожининг саводин қилди ол,
Шукрким, қутқарди мундоқ юзқаролиғдин мени.

“Шукрки, ғам-ғусса етказган жароҳат ва азият туфайли юзимни қоплаган қора доғни ювиб, яна юзимни қип-қизил қилиш билан мени бундай юзи қораликдан қутқарди”.

Бандамен соқийғаким, бир жоми моломол ила
Айлади озод юз минг мубталолиғдин мени.

“Лиммо-лим бир қадаҳ тутиш билан мени юз минг мубталоликдан халос қилгани учун соқийнинг қули бўлсам арзийди”.

Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

Жом – қадаҳ, пиёла. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммолим кўнгил маъносида келади.

Кўринадики, байтда илоҳий ишқнинг дунёвий боғлиқликлардан халос қилиши ҳақида сўз бормоқда. Бир қадаҳ май уни ичкувчини юз минг мубталоликда озод қилмоқда. Яъни илоҳий ишқнинг бир зарраси кўнгилдан бутун бир дунё меҳри, минг бир нафс хоҳишларини бартараф қилишга қодир.

Тавба аҳли ёруманг мундоқки, маҳрум эттингиз
Дайр ичинда масту лояъқил гадолиғдин мени.

“Эй тавба аҳли, кўпам хурсанд бўлмангки, мени майхонада масту аласт ҳолда гадолик қилиш бахтидан маҳрум қилдингиз”.

Дайр – оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан ҳузурланишни билдиради.

Майхона – шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади. Пири муршиднинг хонақоҳи, Ҳақ толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

Лояъқил – эс-ҳушсиз, ақлсиз.

Бу ерда шоир исломнинг зоҳирий қоидаларига амал қилиб, илоҳий ишқ ва Ҳақ маърифатини тушунмайдиган маҳдуд диндорларни ўзини Ҳақ толиблари тўпланадиган пирнинг хонақоҳида илоҳий ишқдан баҳраманд бўлишига тўсқинлик қилишда айблаяпти.

Душманимсиз дўстларким, қовдингиз айлаб ҳужум,
Бенаволиғ кишварида подшолиғдин мени.

“Мен маҳрумлик мамлакатининг подшоҳи эдим. Эй дўстларим, менга ҳужум қилиб, у ердан қувиш билан менинг қаттол душманимга айландингиз”.

Бенаволик сўзининг луғавий маъноси 1) фақирлик, қашшоқлик; 2) ғариблик, нотавонлик; 3) бебаҳралик, маҳрумлик бўлиб, мажозан эса бебаҳралик; бедардлик, бехабарлик маъноларини билдиради. Бу ерда у бебаҳралик, маҳрумлик маъноларида келяпти.

Байтдан бошқа бир маъно ҳам чиқади: маҳрумлик мамлакати подшоҳлиги қўлдан кетдими, демак, баҳрамандлик бахти муяссар бўлди. Айни шу ҳақдаги хабар билан ғазал ўз якунига етади:

Эй Навоий, ҳам магар, ё муғбача, ё пири дайр
Синдуруб тавбам, чиқарғай бенаволиғдин мени.

“Эй Навоий, орифлар даврасида маънавий раҳбар бўлмиш тариқат пири ёки унинг илоҳий ишқдан бохабар содиқ муриди тавбамни синдириб, мени бу бебаҳраликдан халос айласа, ажаб эмас”.

Пири дайр – майхона пири, яъни тариқат пири, маънавий раҳбар.

Кўнгил маънавий раҳнамони исташидан мақсад ундан етадиган маърифий ҳузурдир

Муғ аслида зардуштийлик динининг коҳини ҳисобланади. Муғ, дайр, дайр пири, пири муғон каби истилоҳларнинг тасаввуф шеъриятига кириб келишига сабаб уларнинг май билан боғлиқлигидир. Чунки муғлар май тайёрлаш билан шуғулланганлар. У даврларда май тайёрлаш ва уни шоҳлар саройига етказиш нуфузли вазифалардан бўлиб, муғлар айни имтиёзли табақага мансуб эдилар. Ислом дини келиши билан май тайёрлаш ва уни истеъмол

қилиш тақиқлангач, улар ноилож шаҳар чеккаларидаги пана-пастқам жойлардан қўним топганлар. Шу тариқа "муғ дайри" – майхона, харобот, "пири муғон" – майхона бошлиғи, "муғбача" – хизмат қилиб, май тарқатиб юрувчи бола, соқий маъносини билдирган[1].

Муғбача – муғнинг боласи дегани. У муғлар, яъни оташпарастлар хизматидаги бола. Майфурушлар дўконидаги шогирд ва хизматкорга нисбатан ҳам муғбача дейилади. Сўфиёна адабиётда муғбача содиқ мурид, чин ошиқ ва соқий тимсоли бўлиб келади.

Муғбача – Навоий ижодида энг кўп қўлланган истилоҳлардан бири. Унинг "эй муғбача" радифли махсус ғазали ҳам бор (НШ, 554). Муғбача шоир шеърларида маърифат тарқатувчи, илоҳий файз бағишловчи маъноларида кенг қўлланилади.

Таҳлиллардан маълум бўладики, ғазал илоҳий ишқ ўти тушган кўнгилнинг дунёвий боғлиқлардан узилгани тасвирига бағишланган.

ЁР ТАШРИФИ ТАВСИФИ

Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек –
Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул симобдек.

Ваҳ, не янглиғ ахтари саъд эрдиким, қилғач тулуъ,
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри оламтобдек.

Қучқамен белин камар занжир илан деб бўлди хам,
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.

Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам –
Ким, оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.

Ақл саррофи лабинг рангину нозук сўз била
Топти гулгун ришта ўткарган ақиқи нобдек.

Силк этак зарришта бирла гул тўқулған жинсдин –
Ким, эмас тори чубўлған вуслалиғ мошобдек.

Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиву куллардур анга синжобдек.

("Ғаройиб ус-сиғар", 325-ғазал)

Ғазал маъшуқа ташрифи туфайли ошиқ кўнглида кечган ҳис-туйғулар тавсифига бағишланган бўлиб, ошиқ ҳолати маъшуқа таърифига қиёсан акс эттирилади. Ошиқ ровий, яъни ҳикоячи сифатида намоён бўлганидан у воқеабанд ғазалга ҳам ўхшаб кетади. Чунончи, ғазал матласида у шундай дейди: сарв каби хушқомат маъшуқа очилган гул каби эшикдан кириб келганида таним ичра кўнгил ҳар нафас симоб каби титрайди:

Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек –
Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул симобдек.

[1] С у л а й м о н о в а Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1997, 31–38-бетлар.

Бу ерда сарв – қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Сарви сийминбар – оқбадан, гўзал, зебо сарв, яъни оқбадан хушқомат ёр. Гули сероб – янги очилган, жилваланиб турган гул; мажозан: навниҳол маҳбуба. Симоб – кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, беқарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

Шеър таҳлилида унинг ғояси ва мазмунини шарҳлаб беришнинг ўзи кифоя эмас, шеър бадииятини таъминлаган шоир маҳорати борасида ҳам фикр юритиш керак. Бу эса муаллифнинг сўз қўллаш ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишдаги малака ва маҳорати билан боғлиқ. Айни жиҳатдан Навоий ғазаллари шарҳида шоирнинг бадиий санъатларни қўллаш бобидаги моҳирлигини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Санъаткор шоир сифатида Алишер Навоий ҳар бир байтига турли бадиий санъатлар билан сайқал бериб, уни ўзига хос бадиият дурдонасига, ҳар бир ғазалини эса санъат асарига айлантиради. Мазкур байтда ҳам бадиий санъатлар силсиласини кўрамиз: сарви сийминбар – оқбадан сарв деганда хушқомат маъшуқага ишора қилиш орқали истиора санъатига гувоҳ бўлсак, маъшуқани яшнаган гулга, ошиқнинг туғён урган юрагини симобга ўхшатишида ташбеҳ санъатини, кўнгилнинг симобдек бетоқатлигида яна муболаға санъатини кўрамиз.

Маълумки, истиора сўз маъносини вақтинча омонатга олиб, кўчма маънода ишлатиш билан боғлиқ бадиий санъат. У ўхшатиш асосида келиб чиққан бўлиб, ўхшаган нарса ва ўхшатиш қўшимчасининг тушиб қолиб, ўхшаган нарсанинг ўхшаган нарса орқали ифодаланишидир. Масалан, гулдай қиз ўрнига гул, лаълдай лаб ўрнига лаъл сўзларининг ўзини қўллаш. Шунинг учун истиора кўчим ва мажоз деб ҳам юритилади.

Бу ерда маъшуқанинг қомати келишган ва баландлиги жиҳатидан сарвга, юзи эса гўзал ва порлоқлиги сабабли яшнаган гулга ташбеҳ қилинмоқда.

Ташбеҳ икки нарса, ҳолат, тушунча, ҳаракат, ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларни бир-бирига қиёслаш орқали ўзига хос белги-хусусиятини аниқроқ, ёрқинроқ, тўлароқ, бўрттириброқ кўрсатишга асосланган маънавий санъат.

Ташбеҳдан мақсад тасвир объектини ёки унинг бирор хусусиятини ёрқинроқ тасвирлаш ва чуқурроқ очиб беришдан иборат бўлиб, у муаллифга ўз фикру мушоҳадалари, туйғу-кечинмалари, завқу таассуротларини образли йўсинда гўзал ва таъсирчан ифодалаш учун беқиёс имкониятлар яратади.

Иккинчи байтда тасвир боғдан самога юксалади, яъни илк байтда сарв каби хушқомат маъшуқа яшнаган гулга қиёсланган бўлса, иккинчи байтда у бахт тимсоли бўлмиш саодатли юлдузга нисбат берилади ва у чиқиб келиши билан қоронғи кечада кўзимни оламни нурга чулғаган қуёш каби ёритди дейди:

Ваҳ, не янглиғ ахтари саъд эрдиким, қилғач тулуъ,
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри оламтобдек.

Маълумки, ўтмиш мунажжимлари юлдузларни саъд (бахт келтирувчи) ва наҳс (бадбахтлик келтирувчи) деб иккига ажратишган. **Ахтари саъд** – саодатли юлдуз; бахт юлдузи; мажозан: бахти кулган дегани. Шунга ишора қилиб, ошиқ маъшуқасини бахт келтирувчи юлдузга ўхшатади. Чунки у ўз ташрифи билан ошиқ кўзини қуёш каби нурга тўлдирди.

Бу байтда ҳам бадиий санъатлар шодасини кўрамиз: саодатли юлдузнинг бахт бағишловчи маъшуқа тимсоли бўлиб келишида истиора, ёр ташрифининг юлдузнинг чиқишига, унинг ошиқ кўзини ёритувчи нурининг оламни мунаввар айлагувчи қуёшга,

яна ахтари саъднинг меҳри оламтобга ўхшатилишида ташбеҳ, бахт юлдузининг тунга, ёруғ кўзнинг қуёшга нисбати борлигида лафф ва нашр санъатларини кўрамиз.

"Занжир камарни чирмаганидек нозик белини қучаман ва бундан менинг хароб жисмим зар билан зеб берилган чангакка айланади", – деб яна бир бетакрор тасвир яратади шоир кейинги байтда, яъни занжир камарни чирмаб олгандек, ошиқ маъшуқани ўз қучоғига олганида ҳижрон дардидан эгилиб. чангакдай бўлиб қолган озғин жисми бамисоли зарҳал билан зийнат берилган чангакка айланади:

Қучқамен белин камар занжир илан деб бўлди хам,
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.

Бу ерда ҳам белнинг камарга, қўлнинг занжирга, жисмнинг чангакка ўхшатилишида ташбеҳ ва муболаға, маъшуқанинг нозик бели ва ошиқнинг озғин жисмининг бир-бирига қиёсланиши ва зид қўйилишида тазод, ҳижрон азобларидан орзиб-тўзиб, букилганидан чангакка ўхшаб қолган қомати тасвирида ташбеҳ ва муболаға санъатларини кўрамиз.

Алишер Навоий ижодида "кўб ва хўб" қўллаган шеърий санъатлардан бири муболаға ҳисобланади. Шоир тасвир жараёнида баъзида у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолатини катталаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифни ҳаддан ташқари юксакка кўтаради ёки ниҳоятда ерга уриб юборади.

Маъшуқа от минишда моҳир чавандоз ҳам бўлганлиги жиҳатидан мумтоз шеъриятда унга чобуксувор – маҳорат билан от минадиган чавандоз сифатини ҳам берганлар. Кейинги байтда бунинг исботини кўрамиз. Айни пайтда бу байт тасаввуфий маънодан ҳам холи эмас. Шунинг учун ҳам: "Маъшуқа олдида сажда қилишимнинг сабаби унинг оёғида меҳроб тасвирини кўрганим учундир", – дейди ўз хатти-ҳаракатини изоҳлаб ошиқ:

Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам –
Ким, оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.

Бу ерда ҳам истиора ва ташбеҳ санъатларини кўрамиз: чобуксувор деганда маъшуқага ишора қилинмоқда; маъшуқа оёғи узра нақш меҳробга ўхшатилмоқда.

Меҳроб – саждагоҳ, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой; мажозан: гўзалларнинг қайрилма қоши.

Навбатдаги байтда ўқиймиз: "Ақл саррофи, яъни қилни қирққа ёрувчи теран ақл нозик сўз айтувчи қизил лабингни қимматбаҳо ақиқ ўтказилган қизил ипга ташбеҳ этди":

Ақл саррофи лабинг рангину нозук сўз била
Топти гулгун ришта ўткарган ақиқи нобдек.

Бу ерда ақлни пулнинг ҳақиқийсини сохтасидан ажратувчи заршуносга қиёслаш орқали унинг қилни қирқ ёрувчи теран ва серқирралигига ишора қилинмоқда. Ана шундай кучли ақл нозик сўзлагувчи алвон лабингни бебаҳо ақиқ шодаси ўтказилган қизил риштага ташбеҳ этди.

Бу ерда қизил лабнинг тоза ақиққа, нозик сўзнинг майин ипга нисбати бор ва бу орқали ҳам ташбеҳ, ҳам лаффу нашр санъатлари қўлланган.

Лафф ва нашр шеърий нутқнинг гўзаллиги ва таъсирчанлигини таъминлашга йўналтирилган маънавий санъатлардан бири. Бунда биринчи мисрада бир неча нарса-тушунчалар саналиб, иккинчи мисрада уларга тегишли, алоқадор, боғлиқ нарса-тушунчалар

номи ёки уларнинг сифат ва хусусиятлари келтирилади. Аввал нарса-тушунчаларни бир ерга йиғиб, кейин уларга дахлдор нарса-тушунчалар ёки сифат-хусусиятларнинг бир ерда қаторлаштириб келтирилиши жиҳатидан мазкур санъат лафф ва нашр – йиғиш ва ёйиш деб аталган, яъни йиғилиб турган нарсаларнинг ўзларига тааллуқли сифат ва хусусиятни олиб ёйилиши. Бошқача айтганда, лафф ва нашр бир-бирини тақозо қиладиган сўзларнинг бир байт ёки мисрада йиғиб ва ёйиб берилишидир.

Қуйидаги байт ҳам сўфиёна мазмунда бўлиб, фақирликка даъват қилинади:

Силк этак зарришта бирла гул тўқулған жинсдин –
Ким, эмас тори чубўлған вуслалиғ мошобдек.

“Зарли ип билан гул тўқилган матога этак силта, чунки у иплари чувалган ямоқлик жун либоснинг ўрнини босолмайди”.

Бу ерда ҳам зарришта билан чувалган ип, зарришта билан гул тўкилган мато ва ямоқлик жун либос тазод санъати ёрдамида бир-бирига қарама-қарши қўйилмоқда.

Тазод – бадиий адабиётда энг кўп қўлланадиган ва энг таъсирчан санъат. Бу сўзнинг маъноси “зид қўйиш”, “қаршилантириш” бўлиб, ундан ўзаро зид сўзлар, тушунчалар, ибораларни бир-бирига қарши қўйиш орқали фикрни таъсирчан ифодалаш, гўзал бадиий тимсоллар, лавҳалар яратишда фойдаланилади.

Мақтада шоир ўзининг ишқ оламидаги мақомига ишора қилади: “Навоийнинг ишқ ичидаги мақомига боқ: бир гулхан ичраки, шуъласи олтойи пўстинга, кули эса синжобдан тикилган ёпинчиққа ўхшайди”.

Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиву куллардур анга синжобдек.

Навоий – ишқ мулкининг шоҳи. Ишқнинг тимсоли – ўт. Бинобарин, ишқ мулки шоҳи гулхан ичра ўрнатилган тахтда ўтирибди. Ўт шуъласи унинг учун олтойи пўстин, кули эса синжобдан тикилган ёпинчиқ ўрнида.

МАЪШУҚ ВА ОШИҚ ВАСФИДА

Турфа рухсорингки, ҳусн ичра эрур гулзордек,
Турфароқ будурки, гулзор эрмас ул рухсордек.

Сарвнозим бошида турна парин кўрким, эрур
Шамънинг бошида кул бўлған паришон тордек.

Бир тун ул ой ҳажридин куйдум – улус кўрди мени
Тонгласи бир йил такассур тортқан бемордек.

Тошларким урди ул шўх, ипга боғлаб осмишам
Бўйнума кўнглум ғами таскинига туммордек.

Заъфдин кўйида қўйдум бошим остиға кесак,
Соя ҳам гар истасам йўқтур бузуғ девордек.

Ул қуёш маст ўлди – гўёким қилиб эгри хиром
Юз жафо жонимға айлар чархи кажрафтордек.

Телба кўнглунгни, Навоий, забт айлай олмадинг,
Эмди чек андин илиг – ҳар сори борса бордик.

("Ғаройиб ус-сиғар", 326-ғазал)

Ғазал ҳусн ичра танҳо маъшуқа таърифи ва унинг ҳажрида ошиқ чеккан озору машаққатлар ҳақида. Жумладан, матлада ўқиймиз: "Кўрганни ҳайратга солувчи рухсоринг ҳусн ичра бамисоли гулзордек. Янада ҳайратланарлиси шуки, гулзор ҳам рухсоринг даражасида гўзал эмас".

Турфа рухсорингки, ҳусн ичра эрур гулзордек,
Турфароқ будурки, гулзор эрмас ул рухсордек.

Турфа сўзини биз ҳозирда кўпинча турли-туман, ранг-баранг маъноларида қўллаймиз. Асли арабча бўлган бу сўз ажойиб, нодир, камёб, ҳайратингиз, инсон ақлини ҳайрон қолдирадиган; ажиб, янгилик; қизиқ, ғалати каби маъноларни билдиради. Байтда ҳам у айнан ажойиб ва ҳайратангиз, кўрганни лол қолдирадиган юз маъносида келяпти. "Гўзалликда беназир – кўрганни ҳайрон қолдирадиган чеҳранг ҳусн олами ичра бир гулзорга ўхшайди. Айни пайтда бундан-да кишини ҳайратга соладиган нарса шундаки, бу гулзор ҳам рухсорингча гўзал эмас".

Байтда санъаткор шоир бадиий санъат устига бадиий санъат қўллаш орқали сўзларни ўйнатиб ташлаган: турфа, рухсор ва гулзор сўзларининг ҳар икки мисрада такрорланишида такрир, рухсорнинг гулзорга қиёсланишида ташбеҳ, айни пайтда рухсорнинг гулзордан устун қўйилишида муболаға, ёр рухсорининг аввал гулзорга қиёсланиб, кейин гулзор ҳам бу рухсорча гўзал эмас деб ўз фикридан қайтишда ружуъ санъатларини кўрамиз.

Қуйидаги байтда эса гўзалнинг бошидаги турна парини шамнинг бошидаги куйиб тўзиган риштага ўхшатади:

Сарвнозим бошида турна парин кўрким, эрур
Шамънинг бошида кул бўлған паришон тордек.

Сарвноз – қадди баланд, гўзал, келишган, нозли севгили.

Сарвинознинг шамга, турна парининг шамнинг тўзиган торига ўхшатилишида ташбеҳ, айни пайтда сарвинознинг шамга, турна парининг шамнинг тўзиган торига нисбати борлигида лафф ва нашр санъатларини кўрамиз. Бу ерда шоир шамнинг ўтидан риштаси куйиб тўзиганини бежиз турна патига қиёсламаяпти: шамнинг тори шамнинг ўтидан куйганидек, турна пати ҳам ёр юзининг шуъласидан куйиб тўзиган.

"Бир кеча ой юзли ёр ҳажрида куйган эдим – эртаси куни менга кўзи тушган одамлар камида бир йил азоб чеккан беморни кўргандай бўлдилар", – деб муболаға қилади шоир навбатдаги байтда:

Бир тун ул ой ҳажридин куйдум – улус кўрди мени
Тонгласи бир йил такассур тортқан бемордек.

Бир кечалик ҳижрон азоби ошиқни бир йил тўшакда ётган касал ҳолига солса, энди бир умр айрилик ўтида ўртанганнинг аҳволини тасаввур қилаверинг!

Соҳир қалам соҳиби ҳижрон исканжасидаги ошиқнинг ҳолатини ана шундай муболағали мисраларда тасвирлайди.

Кўтаринки муболағали тасвирлар эса ўқувчи эътиборини ярқ этиб ўзига тортади ва унинг кўнглидан чуқур жой олиб, хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Байтда истиора санъати ҳам мавжуд бўлиб, ойдан мақсад – ой юзли гўзал маҳбуба. Тун ва тонг, бир тун ва бир йил, ойдай гўзал маҳбуба ва азият чеккан бемор эса ўзаро тазод санъатини ҳосил қилади. Яна ёр ҳижронида куйган ошиқ хасталикдан қийналган беморга ўхшатилади. Аслида ишқ ҳам бир дард, ошиқ ҳам бир бемор. Севимли шоиримиз Абдулла Орипоқ таъбири билан айтганда:

Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз,
Ўгай бўлсак не тонг соғлар орасида[1].

Кейинги байтда шоир халқона йўлда нозик лутф қилади: “Кўнгил ғами таскинига тумор бўларми деб, ул шўхнинг менга отган тошларини йиғиб, бир ипга тиздим-да, бўйнимга осиб олдим”:

Тошларким урди ул шўх, ипга боғлаб осмишам –
Бўйнума, кўнглум ғами таскинига туммордек.

Маълумки, ошиқликни девоналик дейишади. Бу ерда ошиқнинг маъшуқа отган тошларни тумор қилиб бўйнига осиб олишида ана шу девоналикка ишора ҳам йўқ эмас. Айни пайтда бу ерда тошнинг туморга айланишида муболаға санъатини ҳам кўрамиз.

Одатда, ёмон кўз тегиши, ҳар турли бало-қазолар, инс-жинслардан асраши учун одамлар Худодан паноҳ тилаб, асмоъи ҳусна – Оллоҳ таолонинг гўзал исмлари ёки ҳар турли дуоларни ёзиб, бўйинлари ё қўлларига тумор қилиб тақадилар. Бу ерда шоир халқ ичида кенг тарқалган ана шу инончдан ўз бадиий мақсади йўлида фойдаланиб: “Кўнгил ғамини даф этар деган илинжда шўх санамнинг менга отган тошларини бир ипга тизиб, тумор каби бўйнимга тақиб олдим”, – деб нозик халқона лутф қилади.

Мана бу байт ҳам халқона йўлда: “Азбаройи заифликдан ёр кўйида қаддимни тик тутолмай бошим остига кесак қўйиб ётиб олдим. Агарда бировнинг соясини истар бўлсам, бузуқ девордан бошқаси менга соя солмайди”:

Заъфдин кўйида қўйдум бошим остиға кесак,
Соя ҳам гар истасам йўқтур бузуғ девордек.

Албатта, бу ерда ҳам шоир муболаға санъатини ҳадди аълосига етказади: ошиқнинг қаддини кўтариб юролмайдиган даражада заифлашиши ҳам, ёр кўйида бошининг остига кесак қўйиб ётиши ҳам ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди, лекин шоир ошиқнинг ишқ йўлида чеккан ранжу азоблар туфайли ҳолсизланганини ана шундай кўтаринки услубда тасвирлайди. Бошқа жиҳатдан Умар Хайём ошиқ учун ёстиқ билан тошнинг тафовути йўқ деб лутф этган эди.

[1] О р и п о в А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, 204-бет.

Маълумки, муболағанинг уч тури фарқланади. Агар шоирнинг ушбу даъвоси ақлу одатга мувофиқ бўлса, бундай муболаға мақбул ҳисобланади ва таблиғ дейилади. Агар даъво ақлга сиғса-ю, одатдан ташқари бўлса, иғроқ деб аталади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сиғмаса ғулув деб номланади. Ғулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Келтирилган байт муболағанинг иғроқ турига мисол бўла олади, чунки бунда даъво ақлга сиққани билан одатдан ташқари ҳисобланади. Ғулувга эса шоирнинг қуйидаги байти мисол бўлади:

Бўлубтур заъфим ул янглиғки, боссам мўрни ўлмас,
Вале ул жисмим узра чиқса, дардидин чиқар жоним (БВ, 401).

Шоир: "Шунчалик заифлашибманки, мен чумолини боссам у ўлмайди-ю, лекин чумоли менинг устимга чиқса, оғирлигидан жоним чиқади", – деб муболаға қилар экан, чумолининг одам оёғи остида қолиб ҳам ўлмаслиги-ю, лекин чумоли устига чиқса, унинг оғирлигидан кишининг ўлиши бировни ишонтирмайди ва бу даъво тасаввурга ҳам сиғмайди.

Мендай бечоранинг устига фақат вайрона деворгина соя солиши мумкин, бошқа ҳеч ким менга ғамхўрлик қилмайди дейиш билан эса иккинчи мисрада у касри нафс усулини қўллайди. Бунда "Ошиқнинг тўшаги тупроғу ёстиғи тўшак" деган халқона ибора ирсоли масал санъати орқали маҳорат билан байтга сингдириб юборилган.

Бошқа байтда маст маъшуқа тескари айланадиган чархга ўхшатилади: "Қуёш юзли у гўзал гўё маст каби ҳаракат қиляпти: эгри қадам қўйиб, тескари айланадиган чарх сингари жонимга юз жафо қилади":

Ул қуёш маст ўлди гўёким, қилиб эгри хиром,
Юз жафо жонимға айлар чархи кажрафтордек.

Бу ерда қуёш деганда истиора йўли билан гўзал маъшуқага ишора қилинмоқда. Унинг ножўя хатти-ҳаракатлари эса мастлигига йўйилиб, ошиққа жабру жафо қилиши тескари айланадиган чархи фалакнинг инсонга зулм ўтказишига нисбат берилмоқда. Маълумки, инсон орзу-истакларига акс айланиши жиҳатидан чархга кажрафтор – чаппа айланадиган фалак сифати берилган. Чунки у ўзининг узоқ айланиши даврида ҳали бирор кишининг хоҳишларини амалга оширмаган. Огаҳийнинг нолишича, хусусан, тўғри кишилар фалакнинг тескари айланиши туфайли ҳар қанча жидду жаҳд кўрсатсалар-да, ҳеч қачон орзу-мақсаду ҳузур-ҳаловатга эришмаганлар:

Нединким чархи кажрав гардишидин етмади ҳаргиз
Қилиб юз саъю кўшиш ростравлар кому мақсадга[1].

Мақтада одам боласининг кўнглига бас кела олмаслиги ҳақида сўз боради: "Эй Навоий, телба кўнглингни ўз йўриғингга юргиза олмадинг – энди қўлингни ундан торт ва у сени нима қилса, шунга рози бўл":

Телба кўнглунгни, Навоий, забт айлай олмадинг,
Эмди чек андин илиг – ҳар сори борса бордик.

[1] О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин, 326-бет.

Маълум бўладики, ғазалда шоир маъшуқа таърифи ва унинг ҳажрида ошиқ чеккан ранжу машаққатлари, кўнглига бас келолмай оқибат ўзини унинг ихтиёрига топширганини оҳорли тимсолу ташбеҳлар воситасида тасвирлаб, ўқувчилар эътиборига яна бир бадиий баркамол ғазални тақдим этади.

ИШҚ МАСТЛИГИ БОБИДА

Не навъ борди экин уйга кеча ул чобук –
Ки, тун қоронғу эди, рахши тунд, ўзи усрук.

Нечукки елдин ўлур ҳар тараф ниҳолға майл,
Саманд уза эгилур эрди ул қади нозук.

Агарчи кайфият ичра кўрунубон бир навъ
Валек кайфият андин кўнгулга юз турлук.

Гаҳеки кўз очибон кирпиги отиб новак,
Тушуб қаёнки, этиб жону кўнглум ичра тўшук.

Агарчи ўлтурубон юз тирикни ғамзасидин,
Валек жон топибон нуктаси била юз ўлук.

Нетиб ўз илгида қолғай инони ҳушу хирад –
Ки, бода кучлугу рахши инони ҳам кучлук.

Навоиё бу балолар сангаки юзланди,
Хаёли офият этсанг, ўзунгга бор ўтрук.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 327-ғазал)

Бу ғазал воқеабанд каби тасаввур туғдиради. У ошиқнинг маъшуқадан хавотир олиши тасвири билан бошланади: “Тун қоронғи, минган арғумоғи асов, шўх гўзалнинг ўзи эса маст эди – уйига у қандай етиб олди экан”:

Не навъ борди экин уйга кеча ул чобук –
Ки, тун қоронғу эди, рахши тунд, ўзи усрук.

Илк мисрада абжир ва чаққон маъшуқанинг сифати бўлиб келган “чобук” сўзида истиора, иккинчи мисрасидаги қоронғи тун, асов от ва маст маъшуқанинг кетма-кет келтирилишида таъдид санъатларини кўрамиз. Таъдид (санаш, миқдор) – сўз, ибора ва гапларнинг муайян тартибда уюшиб келишига асосланган лафзий санъат.

Кейинги байтда айни тасвирлар давом этади:

Нечукки елдин ўлур ҳар тараф ниҳолға майл,
Саманд уза эгилур эрди ул қади нозук.

“Шамол эсганда ниҳол ҳар тарафга тебранганидек, у нозик қадли ёр ҳам от устида чайқалар эди”.

От устида чайқалиб бораётган гўзални шоир шамол эсганда ниҳолнинг тебранишига ўхшатади. Санамнинг нозик қомати эса ёш ва ингичка ниҳолга нисбат берилади. Халқ қўшиқларида ҳам маъшуқанинг хипча қоматин толчивиққа, қамишга ўхшатилиши маълум.

Агарчи маъшуқа сархушлик ичра шу тарзда бир хил кўринса-да, хавотир ичра ундан кўнгилга юз турфа ҳолат пайдо бўлади:

Агарчи кайфият ичра кўрунубон бир навъ
Валек кайфият андин кўнгулга юз турлук.

Кайфият сўзи байтнинг ҳар иккала мисрасида такрорланиб, такрир санъатини вужудга келтирган. Бу сўзнинг 1) тарз, ҳолат, аҳвол; 2) сифат, моҳият; 3) нашъа, кайф, айшу ишрат, сархушлик каби қатор маънолари бўлиб, биринчи мисрада у сархушлик ва тарз, сифат маъноларини билдириб келаётган бўлса, иккинчи мисрада эса аҳвол, ҳолатни англатмоқда; “бир навъ” ва “юз турлук” сўзлари эса ўзаро тазод санъатини ҳосил қилган.

Баъзида кўзини очиб, киприк ўқини отар экан, бу ўқлар қаёққа тушмасин, жону кўнглим ичра бир тешик ҳосил қилади дейиш билан шоир навбатдаги байтида муболаға санъатини маҳорат билан қўллайди:

Гаҳеки кўз очибон кирпиги отиб новак,
Тушуб қаёнки, этиб жону кўнглум ичра тўшук.

Қошнинг ёйга, кирикнинг ўққа ўхшатилиши – анънавий ташбеҳ, лекин бу ўқларнинг жону кўнгил ичра тешик пайдо қилишида муболаға санъати мавжуд. Аслида қош ҳам ёй эмас, киприк ҳам ўқ, бинобарин, улар бирор ерни тешиб ўтмайди, лекин маъшуқанинг бир ўткир нигоҳидан кўнгилга ўт тушиб, бу ўт тушган жойини куйдириши бор гап. Кўнгилда доғ пайдо қилиши жиҳатидан маъшуқанинг нигоҳи ўққа нисбат берилади.

Бу жиҳатдан Фурқатнинг қуйидаги байти эътиборга молик:

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари
Икки ҳиндубаччадурким, ёндашиб ё тортадур.

“Маъшуқанинг қошлари остидаги икки фитначи кўзлари ёнма-ён туриб олиб ёй тортаётган ҳинд боласига ўхшайди”.

Маълумки, “ҳинд” мумтоз шеъриятда қора рангни тамсил этиб келади. Шунга биноан у орқали истиора сифатида кўзга ишора қилиняпти. Маъшуқа ошиққа қиё боққанида кўзларининг қорачиқлари чеккага тортилади. Бу эса ёйнинг тортилишига ўхшайди. Ўқ отилиши билан ёйнинг таранг тортилган ипи аслига қайтади. Ўқ эса бир юракни яралаб улгуради.

Санъаткор шоирлар ана шундай оҳорли ва бетакрор тасвирлар яратиб, ўқувчини маҳву ҳайрон қиладилар.

Кейинги байт анъанавий ташбеҳлар асосига қурилган – агарда маъшуқа ғамзаси билан юз тирикни ўлдирса, жонбахш сўзидан юз ўлик жон топади:

Агарчи ўлтурубон юз тирикни ғамзасидин,
Валек жон топибон нуктаси била юз ўлук.

Бу ерда ўлдириш ва жон топиш, юз тирик ва юз ўлик, ғамза ва нукта ўзаро тазод санъатини ҳосил қилганини кўрамиз. Маъшуқанинг бир ғамза билан юз тирикни ўлдириб, бир оғиз жонбахш сўзи билан юз ўликни тирилтиришида муболаға санъати бўй кўрсатади.

Бадиий санъатлар шеър келинчагининг зебу зийнатларидир. Зебу зийнат унинг ҳуснига ҳусн қўшади. Қалам аҳли фикрини гўзал ва таъсирчан ифодалаш мақсадида бадиий санъатларга мурожаат қилади. Зеро, Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда: "Образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади..."[1].

"Бир томондан майнинг қуввати кучли, иккинчи томондан от ҳам саркаш бўлса, қандай қилиб ихтиёру ақлу ҳуш унинг қўлида қолади?" – деб лутф этади мана бу байтида шоир:

Нетиб ўз илгида қолғай инони ҳушу хирад –
Ки, бода кучлугу рахши инони ҳам кучлук?

Байтда инону ҳушу хираднинг кетма-кет саналишида теъдод, "инон" ва "кучлуг" сўзлари такрорида такрир санъатларини кўрамиз.

"Эй Навоий, сенга шундай балолар юзланган экан, хотиржамликни хаёл қилсанг, ўзингни ўзинг алдаган бўлиб чиқасан", – деб яна бир нозик киноя қилади мақтада:

Навоиё бу балолар сангаки юзланди,
Хаёли офият этсанг, ўзунгга бор ўтрук.

Бу ерда шоир ёлғон маъносидаги қадимий туркий сўз бўлмиш "ўтрук"ни маҳорат билан қўллайди. Умуман, Навоий ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланишга, ҳар бир туркий сўз иштирокида қофия ва радифлар тузишга ҳаракат қилади. Ўрни-ўрни билан асарларида қадим туркий сўзларни қўллаш билан уларга янги ҳаёт бағишлайди, баъзида уларнинг маъно доираларини кенгайтиради, янгидан-янги маъно қирраларини очади.

Шундай қилиб, яна бир маъшуқа таърифидаги ғазал ниҳоясига етади. Унда шоир таърифлаган мастлик аслида ишқ мастлиги бўлиб, бу ерда чиндан ҳам май ичиб маст бўлган маъшуқа эмас, балки ишқ майидан маст ёрнинг ҳолати бадиий рамзлар воситасида қаламга олинган. Йўлнинг қоронғилиги – ишқ даштининг мавҳум ва бепоёнлиги, арғумоқнинг асовлиги – тариқат йўлининг машаққатли ва мураккаблиги, маъшуқанинг мастлиги – ишқ майининг ошиқни ақлу ҳушидан жудо қилишининг рамзи бўлиб келаяпти. Зеро, бунда дунё гўзали ҳам, ҳаётий муҳаббат ҳам, маст қиладиган май ҳам кўзда тутилаётгани йўқ. Шунга мувофиқ равишда кейинги байтларда ҳам шамол – тариқат йўлида сўфийга юзланадиган ранжу машаққатлар, кайфият – ошиқ кўнглида кечаётган ҳар турли туйғулар, кечинмалар, изтироб ва хавотирлар, ўқ – унинг бошига тушадиган бало ва офатлар, ғамза – кўнгилга етадиган жароҳат ва ғаму уқубатлар, нукта – илоҳий файзнинг юзланиши, май – илоҳий маърифат, инону ақлу ҳушнинг кетиши – маърифат ва ҳақиқат мақомига етиш каби сўфиёна маъноларга ишора қилади. Маълум бўладики, шоир ғазалда кўнглига илоҳий ишқ тушган ошиқнинг маъшуқа васлига етиш жараёнини ҳаётий воқеалар тасвири орқали бадиий гавдалантириб беради.

---

[1] Абу Али ибн Сино. Саломон ва Абсол. – Тошкент, 1980, 89-бет.

МАЪШУҚ ЖАБРИ ВА ОШИҚ СИДҚИ

Менки чектим лаъли шавқи бирла жонондин илик,
Гўиё ҳайвон суйи бирла юдум жондин илик.

Чун мени ҳайрон анга зору оқар ашким, не тонг,
Ул парипайкар юса мен зори ҳайрондин илик.

Илги ҳинодинму рангиндурки, мен қурбон анга,
Ё қилурда қатл, анга ранг ўлди қурбондин илик?

Лутф ишида кўргузур ҳар дам яди байзо ул ой,
Не ажаб, гар элтса Мусойи Имрондин илик.

Жон чиқар ҳолатда бас топсам итидин пойбўс,
Не ҳадим ўпмак учун истарга жонондин илик.

Дайр аро чун муғбача эл ёри бўлди, эй кўнгул,
Ю муғона май била ул номусулмондин илик.

Раҳм этиб ҳолимға, солса кўз ёшимға бир назар,
Ваҳ, юмай неткаймен ул дам ақлу иймондин илик.

Берса юз ошуб давронди илик мен хастаға
Чекмагумдур ҳаргиз ул ошуби давронди илик.

Сайддек ўқтин қатил ўлди Навоий кўнгликим
Сунди ойлар тиғ ила кесмакка ҳар ёндин илик.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 328-ғазал)

Бу ғазал маъшуқанинг ошиққа ўтказган жабру жафоларию ошиқнинг ишқ кўйида чеккан азобу изтироблари, зулму ситамлардан ҳатто ишқдан қўл ювиш, ёрдан юз ўгириш даражасига етганининг бадиий талқинларига бағишланган. Жумладан, матланинг ўзиёқ қуйидаги кескин ҳукмлар билан бошланади: “Лаби шавқида жонондан қўл ювар эканман, бу билан гўё оби ҳаёт билан жондан қўл ювгандай бўлдим”.

Менки чектим лаъли шавқи бирла жонондин илик,
Гўиё ҳайвон суйи бирла юдум жондин илик.

Байтда ялтироқлиги ва қизил ранги жиҳатидан лаъл истиора сифатида маъшуқанинг чўғдай лабини билдириб келаяпти. Тасаввуф истилоҳида у пир каломининг қиммати, маъшуқа сўзининг бебаҳолигига ишора қилади.

Шавқ деганда эса Ҳақ ва солик ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши кўзда тутилади.

Ҳайвон суйидан мақсад оби ҳаёт бўлиб, Хизр алайҳиссалом ер остидаги зулмат қаъридан излаб топган ва сувидан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик булоғи. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

Мазкур тасаввуфий тушунчалар маъноси ойдинлашгач, маълум бўладики, бу ерда ёрнинг ошиққа жон бағишлайдиган лабининг абадий ҳаёт кафолати бўлмиш оби ҳаётга нисбати бор: бошқалар мангу яшаш учун оби ҳаёт чашмасига интилсалар, ошиқ боқий умрни ёр лабидан топади. "Одамлар оби ҳаёт орзусида жондан кечганлари каби мен ҳам ёр лаби шавқида жонондан кечдим".

Айни пайтда. байтда ўткир киноя ҳам мавжуд: жонбахш лаби шавқидан маст бўлган ошиқ жононнинг ўзини унутади, оби ҳаётни топганнинг жон эсига келмайди. Ҳолбуки, жонон бўлмаса, лаб қайда-ю, жон бўлмаса, оби ҳаёт нега? Бу ерда бир нарсани топганнинг иккинчи нарсани унутиши устидан заҳарханда ҳам мавжудга ўхшайди.

Албатта, мазкур тасвирлар бадиий санъатлар омухталигида гўзаллик ва таъсирчанлик касб этади: жон ва жонон сўзларининг ёнма-ён қўлланишида иштиқоқ (бир ўзакдан ясалган турли маънодаги сўзларни муайян доирада ишлатиш билан боғлиқ бадиий санъат), ёр лаби ва оби ҳаётнинг ўзаро қиёсланишида ташбеҳ, ёр лабининг оби ҳаётдан устун қўйилишида муболаға, лаълнинг лабни билдириб келишида истиора санъатларини, "қўл ювиш"да эса халқона иборани кўрамиз.

Ўзининг абгор аҳволига боқиб, ошиқ ўзини беқиёс маъшуқага муносиб кўрмайди:

Чун мени ҳайрон анга зору оқар ашким, не тонг,
Ул парипайкар юса мен зори ҳайрондин илик.

"У пари қоматли гўзал маҳбуба мен зори ҳайрондан қўлини ювса ажаб эмас, чунки мен ошиғи ҳайрон унга зор бўлиб, кўзимдан тинимсиз ёшлар оқади" (Маъшуқа йиғлоқи ошиқдан безор-да) .

Бу ерда ошиқнинг зору ҳайрон қолиб, кўзларидан ёш оқиши муболаға санъатидан холи эмас. шунингдек, ошиқ, мубтало маъноси билан "ҳайрон", паридай гўзал маъноси билан "парипайкар" сўзлари истиора бўлиб келяпти.

Кейинги байт билувчининг билиб туриб ўзини билмасликка солишидан иборат тажоҳул ул-ориф санъати асосига қурилган. Шоир ёрнинг қўли ҳинодан қизилмикан ёки ошиқларини қатл қилишида қон сачрабдимикан деб ўзича "ҳайрат" изҳор этади:

Илги ҳинодинму рангиндурки, мен қурбон анга,
Ё қилурда қатл, анга ранг ўлди қурбондин илик?

"Қўли ҳинодан қизиллигини кўриб мен унга қурбон бўлдим. Ё қатл қилурда қурбондан сачраган қондан қўли қизилга бўялдими?"

Бу ерда ҳам қизиллик жиҳатидан ҳинонинг қонга нисбати борлигини кўрамиз. Шунингдек, ранг ва рангин сўзларида иштиқоқ, илик, анга, қурбон сўзлари такрорида такрир, байтнинг илик сўзи билан бошланиб, илик сўзи билан тугашида тасдир (биринчи ўринни бериш ёки биринчи ўринни олиш) санъатларини кўрамиз.

Навоийнинг ҳар бир байти бир неча санъатлардан холи бўлмагани ҳолда улардан бири етакчилик қилади. Жумладан, юқоридаги байтда тажоҳул ул-ориф, қуйидаги байтда эса талмеҳ санъатлари шундай вазифани бажаради: "Лутф айлар маҳалида у ой юзли гўзал ҳар дам оппоқ қўлларини кўрсатади – бу иши билан Имрон ўғли Мусонинг қўлини мот қилса, ажаб эмас":

Лутф ишида кўргузур ҳар дам яди байзо ул ой,
Не ажаб, гар элтса Мусойи Имрондин илик.

Яди байзо арабчада оппоқ қўл, нурли қўл маъносини билдиради: яд – қўл, байзо – оқ, ёруғ, равшан; пок, соф дегани, мажозан офтобга ҳам ишора қилади. Яди байзо – Шарқ мумтоз адабиётида машҳур образлардан бири. Бу образ Мусо аллайҳиссалом билан боғлиқ бўлиб, пайғамбарлигининг исботи учун у қатор мўъжизалар кўрсатган. Шундай мўъжизаларидан бири – қўлини қўлтиғига тиқиб чиқарса, у қуёшдай порлаб нур таратар эди. Тури Синода илоҳий оташда куйгани эвазига Ҳақ таоло унинг қўлига шундай мўъжиза бахш этган. Шундан у яди байзо номи билан машҳур бўлган. Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида бу ҳақда Мусо алайҳиссаломга "яди байзо ва асо мўъжизаси каромат бўлди", деб ёзади. Мумтоз адабиётда талмеҳ санъати воситасида бу воқеага ишора қиладилар. Яди байзо Шарқ шеъриятида мўъжиза, каромат ва хориқулодда амаллар, яъни одатдан ташқари ишлар, ҳодиса, маҳорат, қудрат, маълум, машҳур, ёрнинг оппоқ қўли каби маъноларни тамсил этиб келади. Яди байзо кўрсатиш – мўъжиза ва каромат кўрсатиш. Бу ерда талмеҳ санъати воситасида шунга ишора қилинмоқда. Шунингдек, байтда ой истиора сифатида ойдай гўзал маҳбубани тамсил этмоқда. Маъшуқанинг оппоқ қўллари ва Мусо алайҳиссаломнинг қўллари қиёсида ташбеҳ, маъшуқа қўлининг ундан устун қўйилишида муболаға санъатини кўрамиз. Айни пайтда. оппоқ қўлининг Оллоҳнинг пайғамбаридан устун қўйилишининг ўзи маъшуқанинг оддий дунё гўзали эмас, балки илоҳий маҳбуба эканлигига ишора қилади.

Ҳайдар Хоразмийнинг ёзишича, тасаввуф аҳли яди байзо деганда ҳиммат соҳибларини, Исо дами деганда эса мардлар, яъни орифлар, авлиёлар нафасини назарда тутадилар:

Ҳиммат элидур яди байзо деган,
Эр нафасидур дами Исо деган (9, 412).

Қуйидаги байтда эса касри нафс усулини[1] кўрамиз: "Жононнинг қўлини ўпишни орзу қилишга-да, менинг ҳаддим йўқ. Бир умрлик муҳаббатимнинг ажри сифатида жон чиқар пайтида ёр итининг оёғини ўпиш бахти менга муяссар бўлса кифоя":

Жон чиқар ҳолатда бас топсам итидин пойбўс,
Не ҳадим ўпмак учун истарга жонондин илик.

Ошиқнинг маъшуқани кўкка кўтариб, унинг олдида ўзини ерга уриши, унга амр этиш уёқда турсин, ҳатто бир сўз дейишга ҳадди сиғмаслиги ҳақидаги фикрларга оғзаки ва ёзма адабиётда кўп дуч келамиз. Шоирлардан бири ўз шеърида ҳатто: "Сени таърифлай-таърифлай ўзим осмони фалакка чиқариб қўйдиму энди ўзимнинг қўлларим сенга етмаяпти" тарзида лутф ҳам қилган эди. Ёки Абдулла Ориповнинг айни мавзуда шундай саккизлиги бор:

Ҳаддим борми сизга бир сўз демакка,
Ҳатто узр айтмоққа сиғармі ҳаддим?
Сизнинг ҳуснингизга боққали якка,
Қанча савдоларни бошдан ўткардим.

[1] Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Э р г а ш е в Қ. Навоий ижодида "касри нафс" \\ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2001, 5-сон, 19–22-бетлар.

Сизга икки олам борича нисор,
Сиз икки оламдан баландсиз мутлоқ.
Сизга фақатгина термулмоқ даркор,
Сизга фақатгина лозим сиғинмоқ[1].

Касри нафс изҳорига асосланган бадиий санъат тақсир (арабча: айбу қусур кўрсатиш) деб юритилади. Бу фахриянинг акси бўлиб, фахрияда шоир ўзининг истеъдод кучи, асарларининг бадиий юксаклиги ва халқ орасидаги шуҳратидан ифтихор қилиб, кўтаринки руҳдаги муболағадор мисралар битса, тақсирда камтарлик билан ўзини паст олади, ерга уради, илмсиз, уқувсиз, истеъдодсиз, хор, ҳақир, телба, девона, бечора қилиб кўрсатади. Навоий ижодида касри нафснинг олий намуналарини учратамиз. Хусусан, ҳамд ва наът ғазалларида бу ҳол бўртиб кўринади.

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё (ҒС,2).

* * *

Исёни кўп Навоийнингу йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан сенга (ҒС,4).

Диний-тасаввуфий ғазалларида у ўзини осий, гуноҳкор, уятсиз, тикан, зарра деб маломат қилса, ошиқона ғазалларида телба, мажнун, девона, ҳатто ит, эясиз ит, гадо, тупроқ, хошок, телба ит, мискин, олудадоман (этаги ифлос), нодон деб мазаммат этади. Бинобарин, шоирнинг “Бўлди ўз нодонлиғимни англамоқ донолиғим” мисрасини ўқиб, Навоий нодон бўлган экан-да деган хаёлга боришнинг ўзи нодонлик. Зеро, эс-ҳуши жойида бўлган ҳар қандай ўқувчи бу ерда буюк санъаткор камтарликни ҳадди аълосида етказаётганини жуда яхши билади.

Ёки ўзбек адабий тилига асос солган, ўзбек адабиётини бир-биридан гўзал дурдона асарлар билан бойитган забардаст ва сермаҳсул шоир ғазалларидан бирида: “Эй Навоий, сендек ёшлик даврини зое этган киши қарилик айёмида юлдуз каби кўзларидан ёш тўкса-да, сира фойдаси йўқ”, – дейди ўзидан қониқмай:

Эй Навоий, сендек этган зоеъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб (ҒС,51).

Ҳолбуки, у уч ярим ёшида форс-тожик мутасаввиф шоири Қосим Анворнинг бир байтини ёд айтиб, адаб аҳлини ҳайратга солган, беш-олти ёшларида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонини ёд билган, ўн икки ёшида “Оразин ёпқоч...” деб бошланадиган ғазали матласи билан ўз даврининг малик ул-каломи Лутфийни қойил қолдирган, ўн беш-ўн олти ёшларида зуллисонайн шоир сифатида танилган эди. Шунга қарамай, ўтган умридан қониқмаслик, амалга оширган ишларидан кўнгли тўлмаслик туйғулари, армонга айланган орзуларидан афсусланиш ҳислари улуғ Навоийга ҳам бегона бўлмаган.

Ўзини ҳаммадан кам деб билиш, ниҳоят даражадаги камтарлик, андиша, хоксорлик аслида Шарқ кишисига хос бўлиб, тақсир, касри нафс каби бадиий санъат ва услубий усуллар унинг адабиётдаги ифодасидир.

[1] О р и п о в А. Танланган асарлар, 1-жилд, 247-бет.

Кейинги байт тасаввуфий маънода бўлиб, дайр – орифлар мажлиси, муғбача – илоҳий ишқ ошиғи, муғона май – пирнинг маърифатга кон сўзи маъносида келган: пири комилдан маърифат олиб, ҳамманинг маъшуқасига айланган у кофирдан қўлингни юв:

Дайр аро чун муғбача эл ёри бўлди, эй кўнгул,
Ю муғона май била ул номусулмондин илик.

Тасаввуфий тимсол-тушунчалар, киноя-истилоҳларнинг маъноси нозик ва ранг-баранг бўлиб, улар турли, баъзида ҳатто бир-бирига зид фикрларни англатади. Шунинг учун уларнинг таҳлил ва талқинида ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Келтирилган байтда ҳам бутун элнинг кўнглини олган гўзал ўз-ўзидан илоҳий маҳбуба ҳисобланади. Ошиқ бундан рашк қилиб, комил пирнинг маърифий суҳбати орқали кўнглига таскин ахтаради.

Ошиқ ҳамиша маъшуқанинг марҳаматидан умидвор бўлиб яшайди. Чунончи, мана бу байтда ҳам ўқиймиз: “Кўздан оққан ёшларимни кўриб, агар ҳолимга бир назар қилса, ўша лаҳзанинг ўзида мен ақлу иймондан қўл ювмай нима қиламан”:

Раҳм этиб ҳолимға, солса кўз ёшимға бир назар,
Вах, юмай неткаймен ул дам ақлу иймондин илик.

Мана бу байт ошиқнинг қатъияти ва содиқлиги ҳақида:

Берса юз ошуб даврондин илик мен хастаға
Чекмагумдур ҳаргиз ул ошуби даврондин илик.

“Мен бечорага дунёдан ҳар қанча дарду бало юзланмасин ҳеч қачон у дунёга фитна солувчи гўзал ёрдам қўл тортиб кетмайман”.

Бу ерда шоир ошуб даврондин ва ошуби даврон иборалари орқали сўз ўйини қилиняпти: дунёдан фитна юзланса ва дунёга фитна солувчи.

Мақтада эса шоир ишқ талотўпида қолган кўнглини овга, ҳар ёндан юзланган балоларни унга санчилган тиғларга ўхшатади:

Сайддек ўқтин қатил ўлди Навоий кўнгликим,
Сунди ойлар тиғ ила кесмакка ҳар ёндин илик.

“Навоий кўнгли овланадиган жонивор каби қонга ботди, чунки гўзаллар ҳар ёндан уни кесиш учун тиғ санчдилар”.

Байтда кўнгилнинг ов манбаига қиёсланишида ўхшатиш, қонга ботганида муболаға, гўзаллар маъносидаги ой сўзида истиора санъатларини кўрамиз.

Маълум бўладики, халқ тилидаги “қўл ювмоқ” иборасидан маҳорат билан радиф сифатида фойдаланиш орқали Навоий халқона гўзал услубдаги мазмунан теран ва серқирра, бадиий юксак ғазал яратишга муваффақ бўлган.

ИШҚ ДАРДИНИНГ ЗАЛВОРИ

Маҳвашимда заъфу мен бу ғуссадин ҳар дам ҳалок –
Ким, не яъни мен тирик бўлғаймену ул дарднок.

Ногаҳ, эй аҳбоб, даврон қилмағай бебоклик,
Йўқса биздек юз туман жонон учун ўлсак, не бок?

Пок жонин, ё Раб, олма поклар кўнгли учун,
Бўлмаса маъшуқи пок, охир не осиғ, ишқи пок?

Кўнглакин чок айламиш андуҳдин гул, чун ёқа
Чок қилса найласун булбулнинг ўлмай кўкси чок?

Гар бўлур юз жони пок анинг фидоси оздурур,
Мен не ҳад бирла бўлай, чунким эрурмен тийра хок.

Чун ажал жомин сумурмай чиқмас эл бу боғдин,
Хуррам улким, бош кўтармас бодадин андоқки ток.

Эй Навоий, ёр дарди не бало муҳлик эмиш –
Ким, аранг заъф эткани ушшоқни айлар ҳалок.

("Ғаройиб ус-сиғар", 329-ғазал)

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино муҳаббатни ҳам касалликлар қаторига киритган эди. Бу бежиз эмас. Чунки ошиқ учун бу дунёда фақат бир инсон мавжудлиги, у фақат бир кишини кўриши, фақат бир гўзал хилқат ҳақида ўйлаши – кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмаслигининг ўзи руҳий хасталик бўлмай нима? Айни жиҳатдан ушбу ғазал ишқ дарди ва унинг ҳалокатли таъсиридан баҳс этади.

Маҳвашимда заъфу мен бу ғуссадин ҳар дам ҳалок –
Ким, не яъни мен тирик бўлғаймену ул дарднок.

"Ой юзли ёрим хаста бўлди-ю, унинг ғамида мен ҳалок, чунки у бемор бўла туриб мен қандай қилиб тирик юра оламан?"

Маъшуқанинг бир ери жиз этса, ошиқ ҳар лаҳза бир ўлиб-тирилади.

Маъшуқа дардга чалинган экан, ошиққа нафақат ўзининг соғлиги, ҳатто тирик юргани ҳам татимайди.

Мана сизга чин ишқнинг қудрати!

"Эй дўстлар, ишқилиб бу нотанти дунё кутилмаганда номардлик қилмаса гўрга эди, бўлмаса жонон учун биз каби юз минглар ўлса нима ғам?" – дейди лирик қаҳрамон кейинги байтда куйинчаклик билан:

Ногаҳ, эй аҳбоб, даврон қилмағай бебоклик,
Йўқса биздек юз туман жонон учун ўлсак, не бок?

Ошиқнинг ёр йўлида ўлишни хоҳлаши, бугина эмас. ҳад-ҳисобсиз ошиқлар ўлимига ишора қилишининг ўзи оддийгина бўлиб кўринган мазкур байтнинг ирфоний маънога эгалигидан далолат беради. Чунки маъшуқанинг яккаю ягоналигию унга ҳамманинг ошиқлиги – тасаввуфий шеърият анъанаси.

Навбатдаги байт ҳам тасаввуфий мазмунга эга: "Эй Худо, поклар кўнгли учун пок жонни олма – агар маъшуқи пок бўлмаса, пок ишқдан нима фойда?" Пок маъшуқа эса ўз-ўзидан илоҳий маҳбубадир.

Пок жонин, ё Раб, олма поклар кўнгли учун,
Бўлмаса маъшуқи пок, охир не осиғ, ишқи пок?

Байтда пок сўзининг тўрт марта такрорланиб келишида такрир, Худога мурожаатда нидо санъатларини кўрамиз.

Маълумки, пок ишқ Навоий асарларида ҳадди аълосида куйланади. "Маҳбуб ул-қулуб" асарида у ишқни учга бўлади: шаръий никоҳ билан тугайдиган оддий кишилар ишқи, алоҳида фазилат эгаларига хос пок ишқ ва сиддиқлар истаган илоҳий ишқ. Оддий муҳаббат эгаси дунёвий бир қизга кўнгил қўйиб, у билан турмуш қуришнигина ўйлаб, илоҳий ишқни хаёлига ҳам келтирмаса, сиддиқлар, аксинча, бутун фикру зикрларини ёлғиз Оллоҳга қаратиб, унинг жамолини кўриш умидида ёнадилар, дунёвий севгига мутлақо майл-рағбат кўрсатмайдилар. Пок ишқ соҳиблари эса дунёвий муҳаббатни ҳам Оллоҳнинг буюк неъматларидан бири ҳисоблаб, уни эътироф этсалар-да, уларнинг ҳаёт гўзалига ишқи, Навоий таъбири билан айтганда, пок кўзни пок назар билан пок юзга солиш ва бу пок мазҳар воситаси билан маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олишдан нарига ўтмайди. Бу тоифа мазҳарни севиш орқали илоҳий ишққа етишишдан умидворлик қилиши жиҳатидан пок ишқ мазҳарсиз содир бўлмайди. Мазҳар – ўзида илоҳий жамол ва камолни мужассам этган инсон. У маъшуқа ҳам, пир ҳам, комил инсон ҳам, илму ахлоқда етук дўст ҳам бўлиши мумкин. Айтайлик, пок ишқ соҳиби, покбоз бўлган Фарҳод учун Ширин – илоҳий Ҳуснни ўзида акс эттирган мазҳар. Ҳақ ошиқлари кўпинча мазҳарни севиш орқали ҳақиқий ишққа етадилар. Шу маънода, Жалолиддин Румий ва Шамсиддин Табризий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги муҳаббат оддий дўстлик чегараларидан ўтиб, илоҳий муҳаббат даражасига кўтарилган эди. Улар бир-бирларини илоҳий тажаллийни ўзида акс эттирган мазҳар, комил инсон сифатида севиб ардоқлаганлар. Айнан Шамсиддин Табризийга бўлган ҳассос муҳаббат дунёга Жалолиддин Румийдек буюк шоирни бердики, бунинг учун инсоният ишқдан миннатдор бўлиши керак.

Маълум бўладики, илоҳий гўзалликни ўзида акс эттирган хилқатни севиш пок ишқ бўлиб, бундай ишқ соҳиби "пок кўзни пок назар билан пок юзга солади ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқу завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади". Шоирнинг ўзи пок ишққа мансуб бўлиб, шу орқали илоҳий муҳаббатдан умидворлик қилар эди. Шунинг учун у "Фарҳод ва Ширин" ва "Лайли ва Мажнун"да ҳам худди шу – пок ишқнинг юксалиб, ҳақиқий ишққа айланиш жараёнини бадиий тимсоллар воситасида кўрсатиб беради.

Кейинги байт гул ва булбул муносабати тасвирига бағишланган: "Гул ғамдан кўйлагини чок қилибди – булбулнинг кўкси чок бўлмай ёқасини чок айлармиди?"

Кўнглакин чок айламиш андуҳдин гул, чун ёқа
Чок қилса найласун булбулнинг ўлмай кўкси чок?

Бу ерда гул ва булбул, шунингдек, кўйлак, ёқа, чок сўзларининг уюшиб келишида таносиб, гулнинг кўйлагини, булбулнинг кўкси ва ёқасини чок қилишида ташхис, чок сўзининг уч марта такрорланиб келишида такрир санъатлари кўзга ташланади.

Юз пок жон унинг фидоси бўлса оздир. Мен бир қора тупроққа тенг бўлсам, унинг учун жонимни фидо қилишга ҳаддим борми?

Гар бўлур юз жони пок анинг фидоси оздурур,
Мен не ҳад бирла бўлай, чунким эрурмен тийра хок.

Мазкур байт ҳам қатор санъатлардан холи эмас. Чунончи, юз жонни фидо қилишда муболаға, касри нафс усулида ўзини тупроққа тенг деб билишда тақсир, пок жонга тийра хокнинг зид қўйилишида тазод санъатларини кўрамиз.

Анъанага кўра, мақтадан олдинги байтда ғазал муаллифининг фалсафий фикр-мушоҳадаларини ўқиймиз: “Бу боғдан одамлар то ажал паймонасини сипқормай туриб чиқмайдилар, шундай экан, ток каби бошини қадаҳдан кўтармаган киши бахтлидир”.

Чун ажал жомин сумурмай чиқмас эл бу боғдин,
Хуррам улким, бош кўтармас бодадин андоқки ток.

Бу ерда боғ деганда дунё назарда тутилмоқда. Ажал жомидан мақсад ҳар ким охир-оқибат дуч келадиган ўлим. Майдан бош кўтармаган ток эса ҳаёт завқини суриш билан банд кишини тамсил этиб келяпти. Яъни бу дунё ҳаммага ҳам ажал паймонасини тутади. Бу қадаҳдан ҳамма ўз улушини олади. Шундай экан, ўтар дунёда ҳаёт завқини суриб қолган киши бахтлидир. Чунки ғам есанг ҳам, шод бўлсанг ҳам, бу дунё ўтади.

Мақтада ишқ дардининг ҳалокатли экани – унинг бир зарраси ҳам ошиқни ҳало қилиши мумкинлиги хусусида сўз боради:

Эй Навоий, ёр дарди не бало муҳлик эмиш –
Ким, аранг заъф эткани ушшоқни айлар ҳалок.

“Эй Навоий, ёр дарди нима бало мунча ҳалокатли эмишки, у ошиқни заифлаштириб, оқибат ҳалок қилади”.

Бу ерда ҳам ёр дардининг ошиқни ўлдиришида муболаға санъатини кўрамиз. Шоирнинг ўзига мурожаатида эса нидо санъати мавжуд.

Ғазал ишқ дарди хасталиги билан бошланиб, бу дарднинг бир зарраси ҳам ошиқни ҳалок этиши мумкинлиги ифодаси билан ниҳоясига етади.

Гулга чирмашган чирмовуқ уни ўсгани қўймай охири қуритгани сингари ишқ дарди ҳам ошиқ вужудини заифлаштириб, оқибат ҳалок қилади. Ғазал ишқ дардининг ана шундай ҳалокатли таъсирининг маҳорат билан акс эттирилган тасвиридан иборат.

ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ ТАНОСИБИ

Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак –
Ким, қиёматқа дегинча бу илигдур, ул этак.

Қонима қўл шималу тиғни чекмаки, қилур
Қатл пўлод қиличдин бурун ул сиймбилак.

Қайд қилмангки, жунун силсиласи қайдидамен –
Ким, кеса олмас ани қилсалар олмос эгак.

Тиргузурда нафасинг юзни қочурмоқ не эди,
Майл қилмас худ ўлук кимсадин олмоққа мучак.

Ишқдин махласима айлабон аҳбоб дуо
Мустажоб ўлмас анинг мени маҳзунға тилак.

Жанда бирла киши дарвеш эмас, бўлса фано
Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг, хоҳ ипак.

Кўйида ўлди Навоий бу сифатким, бор эди
Такя хорову ҳасири ёни остида тўшак.

("Ғаройиб ус-сиғар", 330-ғазал)

Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларда халқ анъана ва қадриятлари, урф-одат ва маросимлари, мақол-маталлар, образли иборалардан бадиий мақсади йўлида маҳорат билан фойдаланган. Келтирилган ғазал бунинг ёрқин далили. Ғазал матлаи "Этагингни қўлимдан чиқаришнинг фойдаси йўқ, чунки қиёматга қадар бу қўлу бу этак" деб бошланади:

Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак –
Ким, қиёматқа дегинча бу илигдур, ул этак.

"Бу қўлу бу этак" жумласида халқона иборани кўрамиз: яъни қиёматгача қўлим этагингдан ажралмайди. Чунки менинг қўлимга сенинг этагингни тутиш ва уни сира қўйиб юбормаслик тақдир қилинган. Тақдирдан эса қочиб қутулиб бўлмайди.

"Суд қилмас", "қиёматқа дегинча" каби иборалар ҳам халқона эканлигини кўриниб турибди. Маълум бўладики, у ғазални халқ йўлида ёзишни мақсад қилган. Буни кейинги байтлар тарҳида ҳам кўрамиз:

Қонима қўл шималу тиғни чекмаки, қилур
Қатл пўлод қиличдин бурун ул сиймбилак.

"Ҳали пўлат қилич қатл қилмай туриб, оқбилак санам жонингни олади – шундай экан, қонимни тўкишга қўл шимариб, тиғ тортиб овора бўлма".

Ўтмиш сўз санъатида маъшуқага қотил, жаллод, золим каби сифатларни берганлари маълум. Лекин ошиқни ўлдиришда уларнинг бирортаси маъшуқага тенг келолмайди. Айтайлик, жаллод кишини бир марта ўлдирса, маъшуқа ҳар лаҳза ўлдириб-тирилтиради. Айни пайтда бунда бошқа жиҳат ҳам бор: жаллод фақат ўлдирса, маъшуқа жон олиш баробарида жон ато этади ҳам.

Ошиқ қонини тўкадиган қилич пўлат бўлганлиги учун маъшуқа ҳам кумушбилак. Маҳорат соҳиблари фикру ташбеҳларини назм риштасига тизганда ана шундай барча нозик жиҳатларни ҳисобга олганлар.

Маъшуқанинг ошиқ қонини тўкиши аслида муболағадир. Тиғ чекмоқ, пўлат қилич, қатл, қон каби сўз ва ибораларнинг бари қатл жараёни билан боғлиқ эканлиги жиҳатидан бу ерда таносиб санъатини ҳосил қилмоқда. Тиғ ва қилич ҳам бир тоифадаги сўзларга киради. Пўлат қиличга оқбилак санамнинг қарши қўйилишида эса тазод санъати кўзга ташланади.

Кейинги байтда айни фикр мантиқан давом эттирилганлигини кўрамиз: “Мени бандга солишга уринишнинг сира ҳам ҳожати йўқ, чунки шундоғам ўзим телбалик занжири билан маҳкам боғланганманки, бу бандни ҳатто олмосдан ясалган ўткир эгов билан ҳам кесиб ташлаб бўлмайди”:

Қайд қилмангки, жунун силсиласи қайдидамен –
Ким, кеса олмас ани қилсалар олмос эгак.

Олдинги байтда қилич пўлат, маъшуқа кумуш билак эса, бу ерда энди олмос эговга дуч келамиз. Шоир пўлат, кумуш ва олмос каби маъданларни бежиз зикр этаётгани йўқ – уларнинг ҳар бири истиора сифатида тилга олинган яроғлар ва маъшуқа қўлининг сифатини билдириб келяпти: пўлат қиличнинг кучли ва мустаҳкамлигига, кумуш маъшуқа қўлининг оқлигига, олмос эса эговнинг ўткирлигига ишора. “Жунун силсиласи” ибораси эса ошиқнинг телбалик кўйига тушганлигини кўрсатади. “Қайд” сўзи такрорида (“қайд қилмангки”, “қайдидамен”) такрир, телбалик тузоғига асирликда муболаға санъатларини кўрамиз.

Қуйидаги байтда ҳам халқона тасвирни кўрамиз: “Нафасинг ўлган жисмимга жон бағишлаётганида юзингни олиб қочишингга сабаб нима эди? Ахир, ўлик бировдан ўпич ололмайди-ку! (Яъни марҳумнинг нимасидан мунча қўрқасан?)”:

Тиргузурда нафасинг юзни қочурмоқ не эди,
Майл қилмас худ ўлук кимсадин олмоққа мучак.

Маъшуқанинг жонбахш нафаси ошиқнинг ҳижрон дардидан мурда жисмига жон бағишлаши – анъанавий тасвир. Шоир уни ўлик бировдан ўпич олишга майл этмаслиги, чунки бунинг иложи ҳам йўқлиги ҳақидаги янги ва оҳорли тасвир билан бойитади.

Ошиқнинг ўлик жисми ва маъшуқанинг жонбахш нафаси бу ерда тазод санъатини ҳосил қилмоқда. Ошиқнинг ишқ дастидан ўлишию маъшуқанинг уни ҳаётбахш нафаси билан тирилтиришининг ўзида эса муболаға санъатини кўрамиз.

Навбатдаги байт халқона оҳангда бўлиб, дўстлар дуосининг маҳзун ошиққа кор келмаётгани ҳақида:

Ишқдин махласима айлабон аҳбоб дуо,
Мустажоб ўлмас анинг мени маҳзунға тилак.

“Дўстларим менинг ишқ дастидан нажот топишимни тилаб ҳар қанча дуо қилмасинлар, мен маҳзун шаънига қилинган бу тилакларнинг бирортаси қабул бўлмаяпти”.

Ишқ кўнгилга бир кирдими, энди у жон билан бирга чиқади. Бу дардни на дуо билан енгиллатиб, на қарғиш билан йўқотиб бўлади.

Бу ерда ҳам ишқдан қутулиш учун дуо ўқишда муболаға, дуо қилиш ва унинг қабул бўлмаслигида тазод, дуо, тилак, мустажоб сўзларининг уюшиб келишида таносиб санъатлари омухтасини кўрамиз.

Мақтадан олдинги байт тасаввуфий маънодан бўлиб, оддий жун кийим билангина киши дарвеш бўлиб қолмаслиги, дарвешликдан мақсад фано бўлиш бўлиб, фано бўлган киши учун тўнининг палос ёки ипак бўлишининг аҳамияти йўқлиги ҳақидаги ирфоний қараш илгари сурилади:

Жанда бирла киши дарвеш эмас, бўлса фано
Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг, хоҳ ипак.

Байтда жанда, дарвеш, фано сўзлари тасаввуфий тимсоллар бўлиб, жанда – сўфий-дарвешлар кийимини, дарвеш – тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, ўзини Ҳаққа бағишлаган сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби кишиларни, фано эса бандaнинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлишини билдиради. Айни пайтда бир-бири билан тақозодорлик муносабатида эканлиги жиҳатидан дарвеш, фано, жанда, палос, тўн, ипак биргаликда таносиб санъатини ҳосил қилмоқда. Жанда ва палос билан ипакда эса тазод санъати мавжуд.

Матла эса мазкур фикрларга ўзига хос тарзда якун ясайди: “Навоий ёр кўйида бандаликни бажо келтирди. Унинг аҳволи шунчалик ғариб эдики, тўшаги бўйраю ёстиғи қаттиқ тош эди”:

Кўйида ўлди Навоий бу сифатким, бор эди
Такя хорову ҳасири ёни остида тўшак.

Навоийнинг ёр ишқида ўлишида ҳам, тўшаги бўйра, ёстиғи тош эканлигида ҳам муболаға санъатини кўрамиз.

Маълум бўладики, Навоий ошиқнинг маъшуқа кўйидаги чеккан ранжу машаққатлари, ғаму изтиробларини халқона усулда муболағали йўсинда тасвирлаш орқали яна бир оҳорли ғазал ижод қилади. Шоирнинг аксар ғазалларида бўлганидек, бу ғазал ҳам сўфиёна мазмун ифодаси билан ниҳоясига етади.

ТАФАККУР СИЛСИЛАСИ

Кўнглакинг барги гулу устида гулранг елак
Гул киби жисминг уза, ўйлаки, гулгун кўнглак.

Қалағай саҳфада руқъангни кўруб оқти ёшим,
Тифлдекким югурур кўрса мулавван кўпалак.

Кўйининг туфроғидин қўпмас эсам тонг эрмас,
Ғам тошидин чу бутун қолмади жисмимда сўнгак.

Букун ул навъки мендин бош эрур, сендин тиғ,
Тонгла ҳам бўлғусидур мендин илиг, сендин этак.

Юрагим итларинг андоқ едилар тишлашибон –
Ким, яна йўқтур алар оллиға бормоққа юрак.

Мени бир муғбача ошуфтаву волиҳ қилмиш,
Найлай ислом аро гар кўп эса мирзову мирак.

Тишлабон дайр ичида жоми ҳилолий чексам,
Қурси лимуси кавокибнинг агар бўлса газак.

Салтанат хилъатидин ортуқ эрур дайрда маст,
Судрасам бода гадолиғида йиртуқ капанак.

Ўзлугунг қайдини кесмакка Навоий билким,
Йўқтурур даҳр ирикликларидин яхши эгак.

("Ғаройиб ус-сиғар", 331-ғазал)

Ғазал маъшуқа таърифидан бошланиб, ошиқнинг унинг кўйида чеккан ранжу машаққатлари тасвирига ўтилади ва мажозий муҳаббат талқини анъанага кўра секин-аста илоҳий ишқ тавсифига уланади ҳамда дунёвий боғлиқликлардан қутулиш зарурлиги ҳақидаги ирфоний ғоя билан ниҳоясига етади.

Маъшуқа қанча гўзал бўлса, ошиқнинг унга етиш борасидаги интилиши ҳам шунча кучли.

Маъшуқа билан ошиқ ўртасидаги масофа қанча узоқ бўлса, висол йўли ҳам шунча оғир ва машаққатли.

"Кўйлагинг гул баргию унинг устидаги гул рангли, яъни қизил енгсиз кийим гул каби таниинг узра қизил кўйлакка ўхшайди", – дея маъшуқа таърифини бошлайди ошиқ:

Кўнглакинг барги гулу устида гулранг елак
Гул киби жисминг уза, ўйлаки, гулгун кўнглак.

Бу ерда гўзал гулга, унинг кўйлаги гул баргига, нимчаси эса гул каби нафис жисмини яширган кўйлакка ташбеҳ қилинмоқда. Бир ўзакка эга бўлган гул, гулранг, гулгун сўзлари эса ўзаро иштиқоқ санъатини ҳосил қилган.

Кейинги байт халқона тимсолу ташбеҳлар асосига қурилган: "Ранг-баранг капалакларни кўриб, уларнинг ортидан югурган бола каби қалағай қоғозга битилган мактубингни кўриб, кўзларимдан ёшларим оқди":

Қалағай саҳфада руқъангни кўруб оқти ёшим,
Тифлдекким, югурур кўрса мулавван кўпалак.

Таниқли адабиётшунос олим Н.Жумахўжанинг ёзишича, "қалағай" сўзининг асли "қалғай" бўлиб, бу ерда вазн талаби билан "қолағай" шаклида ёзилиши керак. Чунки ғазал рамали мусаммани махбуни маҳзуф (фоилотун фаилотун фаилотун фаилун) вазнида ёзилган бўлиб, дастлабки рукннинг биринчи ҳижоси узун ҳижони тақозо этади. "Қалғай рўмол" – атрофи рангин гулдор ҳошияга эга бўлган оқ матоҳ бўлса, "қалғай саҳифа" ҳам атрофи рангин гулдор ҳошияли, лирик қаҳрамоннинг мактуби битилган оқ қоғоздир....

Ошиқ ёрнинг мактубини ўқир экан, унинг кўзларидан томаётган соғинч ёшлари мактуб битилган оппоқ қоғозга томиб, унинг четларига – ҳошиясига томон думалаб кетади. Бамисоли ёш бола қанотлари гулранг капалакни қувлаб кетаётгандек"[1].

[1] Жумахўжа Н. Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг маънолари ва матний хусусиятлари \\ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2014, 1-сон, 17–18-бетлар.

Югуриклиги жиҳатидан кўз ёшини чопқиллаган болага ўхшатиш Навоий ғазалларида кўп учрайди. Шоир шеърларида бола ва ашк маъносидаги ёш сўзи тажнис ўлароқ ҳам кўп қўлланади. Чунончи:

Оразин кўрдум, ниҳон ашк айлади сирримни фош,
Яшурун қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёш (FC, 259).

"Ёш бола бор уйда ҳеч нарса, ҳатто ўғрилик ҳам пинҳон қолмайди. Шунга ўхшаб, кўз ёши ҳам кишининг ички сирини фош қилиб қўяди", – дейди шоир. Албатта, бундай қараганда, кўз ёши ва ёш боланинг бир-бирига ҳеч қандай нисбати йўқ. Лекин Навоийнинг маҳорати шундаки, бу ерда у кўз ёши ва ёш боланинг муайян хусусияти аро муштаракликни топа олган – бу: кўз ёши – инсоннинг, ёш бола – хонадоннинг сирини фош қилиши. Ёш сўзининг икки маъноси – ҳам кўз ёши, ҳам ёш болани билдириши шоирга қўл келган.

Таҳлил қилинаётган ғазал байтида ҳам капалак ортидан чопган бола билан ҳарфлар узра югурган кўз ёши ўртасида ўхшашлик мавжуд.

Кейинги байтда шоир муболағани ҳадди аълосига етказиб: "Ёр кўчаси тупроғидан қўзғолмасам, бунинг сира ҳайрон қоладиган жойи йўқ, чунки ғам тоши остида танимда бирор суягим бутун қолмади", – деб лутф этади:

Кўйининг туфроғидин қўпмас эсам тонг эрмас,
Ғам тошидин чу бутун қолмади жисмимда сўнгак.

Ғам тоши бу ерда тегирмон маъносида келяпти, яъни ғам тегирмони суякларимни эзиб ташлади. Айни пайтда бирор бутун суягим қолмади дейиш халқона ибора ҳам ҳисобланади.

Аслида ошиқ шундоғам севги ва садоқат юзасидан маъшуқа кўчасини сира тарк этмайди. Лекин ошиқ бунга маъшуқа севгисию ошиқ садоқатини эмас, балки ишқ дарди, ёр ғами тегирмони остида янчилиб, ҳатто ўрнидан туришга ҳам ҳоли қолмаганини сабаб қилиб келтиради. Бу илми бадеъда ҳусни таълил санъати ҳисобланади. Бунда яна муболағa санъатини ҳам кўрамиз.

Навоий кўпинча бир фикр ёки ташбеҳга қайта-қайта мурожаат қилиб, уларни ривожлантиради, янгидан-янги қирраларини очади. Жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги 330-ғазалда:

Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак –
Ким, қиёматқа дегинча бу илигдур, ул этак, –

Яъни: "Этагингни қўлимдан тортиб олишингнинг ҳеч бир фойдаси йўқ, чунки бу қўл то қиёматгача этагингдан узилмайди", – деб таъкидлаган бўлса, девондаги битта кейинги – 331-ғазалда: "Бугун мендан бошу сендан тиғ бўлгани каби эртага, яъни қиёмат кунида мендан қўлу сендан этак бўлади", – дейди:

Букун ул навъки, мендин бош эрур, сендин тиғ,
Тонгла ҳам бўлғусидур мендин илиг, сендин этак.

Қиёматда Яратганнинг ўзи ҳар кимнинг ажрини беради: бугун мен сенинг тиғингдан бошимни олиб қочолмаганим каби эртага сен ҳам қўлимни этагингдан ажратиб ололмайсан.

Бу ерда шоир ҳар ким қилмишига яраша жавоб беради, ҳар бир ишнинг ўз ҳисоб-китоби бор деган халқона ҳаётий фалсафани образли йўсинда талқин қилмоқда.

Айни пайтда байтда қатор бадиий санъатлар ҳам маҳорат билан қўлланган: букун ва тонгла сўзларининг бир-бирига зид қўйилишида, шунингдек, бош билан тиғ ва қўл билан этакнинг ўзаро қаршилантирилишида тазод, тонгла сўзининг кўчма маънода қиёматни билдириб келишида истиора санъатларини кўрамиз. Байтда яна бош билан тиғ ҳамда қўл билан этак ўзаро тақозодорлик муносабатида бўлиб турибди. Албатта, маъшуқанинг қўлида тиғ ушлаб юришию ошиқнинг қўлини унинг этагидан ажратмаслигида муболаға санъати ҳам йўқ эмас.

Ит – Шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланадиган образлардан. У гоҳ ошиқнинг рақиби бўлиб келса, гоҳ маъшуқага мансублигидан дўст ва ҳамдард тимсолида талқин қилинади. Бу ўринда "Лайли ва Мажнун" достонидаги ярим кечаси ишқ ўти зўрайиб, ўзини тутолмай қолган Мажнуннинг Лайли қабиласига йўл олгани ва ўз дардини қабила итига тўкиб солгани ёки Мажнундан қутулиш учун кўчиб кетган Лайли қабиласи атрофида санқиб юрган ит билан дарду ҳол айтишгани лавҳаларини эслашнинг ўзи кифоя.

Ғазалнинг қуйидаги байтида шоир яна ит образига мурожаат қилиб: "Итларинг юрагимни шундай талашиб едиларки, қайта уларнинг олдига боришга юрак қолмади", – дейди халқона йўсинда муболағадор тасвир қўллаб:

Юрагим итларинг андоқ едилар тишлашибон –
Ким, яна йўқтур алар оллиға бормоққа юрак.

Байтда "юрак қолмади" ибораси икки маънода қўлланганини кўрамиз: 1) қайта маъшуқа итлари олдига боришга юрак қолмади; 2) итлари талашиб ейишлари учун олиб боришга бошқа юрагим қолмади, чунки уни бир марта талашиб едилар. Шеърда яқин ва узоқ маъноли бундай сўз ва ибораларни қўллаш ийҳом санъатига мисол бўлади.

Ийҳом (арабча – шубҳага солиш, адаштириш) – сўзнинг кўп маънолигига асосланган маънавий санъат. Бунда икки маъноли сўз ишлатилиб, биринчи маъноси яққол кўзга ташланиб туради, иккинчи маъноси эса яширин бўлади. Шоирнинг асл мақсади ана шу иккинчи яширин маъно бўлиб, уни зукко ўқувчигина топади. Икки маънода ишлатилган ана шу сўз байтни икки маънода талқин қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам ийҳом маънавий санъатлар ичида энг мураккабларидан бўлиб, забардаст сўз санъаткорлари ундан маҳорат билан фойдаланганлар. Бу уларга ўзларининг муҳим фикрларини пардаланган ҳолда ифодалаш имконини беради.

Самарқандда таҳсил олиб юрган йигитлик йилларидаёқ устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида:

Агар хосса маъни, гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур[1], –

яъни "Хоҳ хос маъно, хоҳ ийҳом бўлсин, ҳар куни улар асосида юз байт битиш мен учун ҳалво ейишдай осон", – дея ўз истеъдодининг қудрати билан фахрланган Алишер Навоий ижоди бу санъатга бойлиги ўз-ўзидан маълум.

Кейинги байтдан ғазал ирфоний маъно касб эта боради. "Ислом ичида шунча шаҳзодаю амирзодалар туриб, оташпарастлар ибодатхонасидаги бир муғбача мени ошиғу шайдо

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Ғаройиб ус-сиғар \\ Тўла асарлар тўплами,. 1-жилд, 698-бет.

қилган бўлса нима қилай?" – дейди шоир тажоҳул ул-ориф санъатидан фойдаланган ҳолда ўзини билмасликка солиб:

Мени бир муғбача ошуфтаву волиҳ қилмиш,
Найлай, ислом аро гар кўп эса мирзову мирак.

Оташпарастлар ибодатхонасидаги муғбача – муғ боласининг ирфоний шеъриятда кўпинча соқий тимсоли бўлиб келиши маълум. Майпараст борки. соқийга ошиқ бўлади-да. Ўз-ўзидан, майпарастлик тасаввуф адабиётида илоҳий ишққа ташналикни, соқий эса илоҳий файз улашувчи кишини тамсил этиб келади. Мирзо, мирак сўзлари эса амирзода, шаҳзода маъноларида қўлланади. Байтда сўфиёна мазмунда оташпарастлик ва ислом, муғбача ва амирзода, кенгроқ олиб қараганда эса илоҳий ва дунёвий ишқ ўзаро зид қўйилаётганини сезиш қийин эмас. Бошқача айтганда, бунда ҳақиқий ишқ мажозий ишқдан устун қўйилмоқда.

Муғбача ишқида майхонага кирган ошиқ энди бу ерда ишқ қадаҳини кўтаради:

Тишлабон дайр ичида жоми ҳилолий чексам,
Қурси лимуси кавокибнинг агар бўлса газак.

"Майхона ичида янги ой шаклидаги қадаҳдан май сипқорганимда лимон шаклидаги юлдузлар газак бўлади".

Оташпарастлар ибодатхонаси бўлган дайрнинг мажозан майхонани билдириб келишидан хабардормиз. Жоми ҳилолий – янги ой шаклида ясалган қадаҳ. Шоир муболаға билан: "Ой шаклидаги қадаҳда май ичганга лимон бўлаги кўринишидаги юлдузлар газак бўлади-да", – дейди кўтаринки бир кайфиятда.

Фақрни ўзига асос қилиб олган тариқатда сўфий ва дарвешларнинг жундан тикилган оддий кийими шоҳларнинг қимматбаҳо зарбофт тўнидан устун қўйилиши маълум. Навбатдагни байт шундан баҳс этади:

Салтанат хилъатидин ортуқ эрур дайрда маст
Судрасам бода гадолиғида йиртуқ капанак.

"Майхонада маст ҳолда майга гадолик қилиб судраган жундан қилинган эски ва йиртиқ тўним у салтанатнинг зарбофт либосидан афзал ҳисобланади".

Шоирнинг кўплаб ғазаллари каби бу ғазал ҳам дунёвий боғлиқликлардан қутулишга даъват билан якунига етади:

Ўзлугунг қайдини кесмакка, Навоий, билким,
Йўқтурур даҳр ирикликларидин яхши эгак.

"Эй Навоий, ўзлигинг бандини узмоқчи бўлсанг, бунинг учун дунё машаққатларидан яхши эгов топилмаслигини бил".

Алишер Навоийнинг аксар ғазаллари мажоз ва ҳақиқат таносиби асосига қурилган – қайси ғазалини олманг, маъшуқа таъриф-тавсифидан бошланиб, ирфоний ҳақиқатлар талқинига уланиб кетади ва дунёдан узилиб, Худога боғланиш ғояси билан хотима топади. Таҳлилга тортилган ғазал ҳам бу фикримизнинг ёрқин далилидир.

ТАРИҚАТ ЙЎЛИ ТАРҲИ

Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак,
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.

Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса, мажлис аҳлининг
Бағрини куйдургали оҳи жигарсўзе керак.

Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,
Шоми ҳажр ўлтургали мендек сияҳрўзе керак.

Кўюнга ҳар кун бориб, ҳар дам кўрай дермен сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак.

Яхши асра ғам туни оҳим ўқин, эй чархким,
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.

Бир Хизрваш ҳимматин берма иликдин, негаким
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.

Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,
Ўйла, дарс аҳлиға мундоқ донишомўзе керак.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 332-ғазал)

Одатда, сўздан маънога борилади. Матндаги барча сўзларнинг маъноси ва маъно қирраларини билиб олмагунча унинг бир бутун мазмунини тушуниб бўлмайди. Нотўғри талқинлар айнан у ёки бу сўзнинг маъносини етарли даражада билмасликдан келиб чиқади. Жумладан, мазкур ғазал матласининг ўзидаёқ биз маъно миқёсини билиб олишимиз керак бўлган бир неча сўз мавжуд.

Мажлис сўзи ўтмишда ҳозирги каби фақат ташкилот, идора ва ишхоналарнинг бирор масала муҳокамасига бағишланган йиғилиши, кенгашини эмас, балки одамларнинг бирор муносабат билан тўпланиши, суҳбат, маслаҳат, базм, зиёфат, йиғин, ўтириш, анжуман маъноларини ҳам билдирган. Умумий маънода давра, анжуман маъноларида қўлланган. Мажлисафрўз – мажлисга жон киритувчи, унга файз бағишловчи, зеб берувчи, базмни қизитувчи, давранинг гули каби маъноларда истифода этилади. Байтда ўқувчини чалғитадиган яна бир сўз бор – у ҳам бўлса сўз сўзининг ўзи, яъни бу ерда у биз биладиган гап, нутқ, калом маъноларида эмас, балки оташ, аланга, ўт ва шунга мувофиқ равишда ёндириш, куйдириш, ўрташ маъноларини билдириб келяпти.

Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак,
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.

“Кимки бир мажлисда дарду оҳу ўт истаса, бу ўтни ёқиш учун аввало бу мажлисни қизитувчи керак бўлади”.

Байтдан маълум бўлишича, бу ерда маърифий суҳбатлар, маърифат анжуманлари ҳақида сўз кетмоқда. Бундай давраларда кишининг кўнглига бир дард илашиб, у ёниб-ўртанади ва юрагининг куйишига чидолмай оҳ уради. Хусусан, сўфийларнинг самоъ мажлисларида бир оҳ уриб, жон таслим қилганлар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, "Насойим ул-муҳаббат"да Зуннун Мисрий, Шиблий, Нурий, Харроз, Абулҳусайн Даррож, Абубакр Тарсусийнинг самоъда жон бергани айтилади[1].

Самоъ – эшитиш, тинглаш. Тасаввуфда дарвешларнинг важду ҳолга эришиш мақсадида уюштирадиган зикр давралари, куй, қўшиқ ва рақс мажлислари, улардан ҳосил бўладиган завқу шавқ ҳолати, важду жазба.

Маълумки, шеър ва мусиқа инсон руҳиятига кучли таъсир қилади. Буни пайқаган сўфийлар мусиқа кечалари ташкил қилганлар. Бу соликнинг руҳга кириши – ўзини унутиб, ҳол мақомини эгаллаш жараёнини тезлаштирган. Ҳазрати Башир бу ҳақда: "Бизнинг рақсу самоъларимиз Ҳақ субҳонаҳу таолонинг зоти шарифига яқинлаштиради ва юракларимизни сафоли, мусаффо қилади", – деган эди. Зеро, Абулҳасан Харақоний таъбири билан айтганда, "киши суруд этса (ғазал ўқиса) ва Ҳақни тиласа яхшироққи, Қуръон ўқиса ва ғайрни тиласа". Хусусан, сукра – бехудлик маслагининг тарафдори бўлган сўфийлар бунга катта эътибор берганлар. Абусаид Абулхайр самоъ мажлисининг асосчиларидан ҳисобланади. Мавлавия тариқатида ҳам зикру самоъ мавжуд.

О.Усмоннинг маълумот беришича, "машҳур мутасаввиф шайхларнинг хонақоҳларида уюштирилган аксарият йиғинлар ва анжуманлар пайтида аввал қаввол (нотиқ) ўртага тушиб, тасаввуф руҳидаги рубоийларни қироат қилар экан. Сўнгра машшоқлар чалган ёқимли созу овоз жўрлигида хушовоз ҳофизлар ўша рубоийларни қўшиқ қилиб куйлашар экан". Шу зайлда жўшу хуруш ҳолатида самоъ жараёни бошланиб, аста-секин ҳол (экстаз ҳолати) билан алмашган. Йиғилганлар бир неча соат давом этган жўшқин ва ҳаяжонли кайфиятда, жўшу хуруш, жазава ва кўтаринки ҳолатда зикр тушар эканлар. Мазкур зикр тушиш жараёни тасаввуфий ибора билан "дарвешони чархон" ("чарх урувчи дарвешлар") деб аталган[2]. Абусаид Абулхайр ва Жалолиддин Румийларнинг кўпчилик рубоийлари ана шундай самоъ мажлисларида бадиҳа тарзида тўқилган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, самоъни ёқтирмайдиган хилватнишин шайхлар ҳам (Масалан, Абдулхолиқ Ғиждувоний самоъни ман қилган) тасаввуфнинг кўплаб назарий масалаларини тушунтириш учун ўз нутқларида шеърий ҳикматлар, рубоийлардан фойдаланганлар. Чунки, Н.Комилов таъбири билан айтганда, "тасаввуф ғояларини иқлий-назарий мушоҳададан кўра ҳиссий-бадиий тафаккур билан тушунтириш осон"[3].

Самоъга диний-тасаввуфий матнларни эшитиш, мақом ва мусиқалар воситасида ўқилган исломий-маърифий асарларни тинглаш ҳам киради. Тинглаш ва зикрдан сўфийлар завқу шавққа тушиб, рақс этишган, чарх уришган. Абулқосим Бағдодийнинг таснифи бўйича, самоъ икки хилдир: 1. Сўз тингламоқ. 2. Куй тингламоқ. Самоънинг биринчи хилида бироз сўз тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинади. Лекин бундай самоъ фақат поклик ва қалб ҳузури билан эшитилмоғи лозим. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг илк босқичларидаёқ мусиқа руҳнинг ғизоси ва ризқи сифатида эътироф этилган.

Тасаввуф ўзига хос адабиёт, образлар олами ва истилоҳлар тизимини яратибгина қолмай, "ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам қўшиқ, мусиқа

---

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10-жилд, 87–510-бет.

[2] У с м о н о в О. Шайх Нажмиддин Кубро ва кубравия тариқати \\ Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент, 1995, 25-бет.

[3] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 156-бет.

иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлаштирилган томошага айланар эди, фақат сўфийларнинг ўзи эмас, атроф-жавонибдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилиб кўрганлар. Масалан, "Нафаҳот ул-унс" асарида Шайх Абусаид Абулхайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади"[1].

Самоъ деб кўнгилни ваҳдат оламига боғлайдиган маънавий ҳолларнинг зуҳури ва бехудона завқу шавқларга ҳам айтилади. Сўфийлар учун самоъ Ҳақдан келган файз ва Ҳақ сари ўзига хос даъватдир. Уни эзгу ният билан тинглаган мақсадига етади. Самоъ мўминнинг иймонини, кофирнинг куфрини поклайди.

Лекин давра соҳиби бўлишнинг бир шарти ҳам бор, яъни мажлисда аввало бутун даврани қўлга олиб, иштироқчиларнинг барчасини ўзига жалб эта оладиган, уларнинг кўнглига бу дарду оҳу ўтни солувчи, базмга зийнат бўлувчи киши керак.

Бошқача айтганда, даврани унга муносиб киши бошқариши ва давра аҳлининг кўнглини бирдай олиб, уларнинг маънавий эҳтиёжини қондира олиши жоиз.

Маълумки, юрак ҳаммада бор. Лекин кўнгил ҳақида бундай деб бўлмайди. Бинобарин, киши кўнглини уйғотадиган ва унга дарду ўту оҳ соладиган хилқатга ўзида эҳтиёж сезади. Айтайлик, ҳусн бўлмаса ишқ йўқ, ишқ бўлмаса дард, дард бўлмаса оҳ.

Бу ерда коса тагидаги нимкоса аслида шу!

Айни пайтда, давранинг гули бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди – давра аҳлининг бағрига ўт ёқиш учун у жигарни куйдирадиган ўтли оҳ чека олиши ҳам тақозо қилинади:

Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса, мажлис аҳлининг
Бағрини куйдургали оҳи жигарсўзе керак.

"Мажлисни қизитувчи топилганда эса энди мажлис аҳлининг бағрини ўртагувчи аламли оҳ керак бўлади".

Маълумки, тасаввуфда ошиқ чеккан оҳ уни ҳақиқий маъшуқага етказади деб қаралади. Чунки чин ошиқ жонўртар оҳ чекканида жон қуши тан қафасини тарк этиб, илоҳий олам сари парвоз қилади.

Шарқ мумтоз шеъриятида бир оҳ билан оламга ўт солиш ибораси кўп учрайди. "Насойим ул-муҳаббат"да Муҳаммад Дарвеш Чаргар деган авлиё ходими ўзига озор берган масжидни бир оҳ билан аланга ичра қолдиргани ҳақидаги хабар келтирилади (10,491).

Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,
Шоми ҳажр ўлтургали мендек сияҳрўзе керак.

"Ошиқ аҳлига висолинг тонгида жон бағишла, ҳижрон шомида ўлдириш учун мендай бир бахтиқаро кифоя".

Бу ерда лирик қаҳрамон ўзини ёр висолига муносиб ошиқлар гуруҳига қўшмай касри нафс йўли билан ўзини бу бахтдан маҳрум бахтиқаро деб атайди.

Байтда тазод санъатининг бутун бир силсиласини кўрамиз: висол тонги – ҳижрон шоми, тирилтирмоқ – ўлдирмоқ, ошиқлар гуруҳи – бахтиқаро.

Қуйидаги байтда эса ёр дийдорини байрамга, висолини Наврўзга нисбат беради:

Кўюнга ҳар кун бориб, ҳар дам кўрай дермен сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак.

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 156-бет.

“Ҳар куни кўйингга бориб, сени ҳар лаҳза кўрай дейман, чунки менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўз керак”.

Ўқ – Навоий шеъриятидаги фаол тимсоллардан бири. Чунончи, мана бу байтда оҳни ҳам ўққа нисбат бериб, ташхис санъати воситасида чархни жонлантиради ва қайта ўзимга отиш учун оҳим ўқини асраб қўй дейди:

Яхши асра ғам туни оҳим ўқин, эй чархким,
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.

“Эй чарх, ғам тунида оҳим ўқини яхши асраким, чунки эвазига отмоқ учун сенга юракни пайванд қиладиган ўқ лозим бўлади”.

Аслида ўқ юракни яралайди. Лекин шоир ситамгар фалак муттасил равишда отган беҳисоб ўқлар бирлашиб, қайтанга жароҳатли юрагимни пайванд қилади деб киноя қилади. Бу мазмундаги байтлар унинг ғазалиётида яна учрайди.

Маълумки, Хизр мушкул аҳволга тушиб қолганларга йўл кўрсатадиган раҳнамо сифати билан машҳур – шунинг учун ҳам ошиқ кулфат биёбонини босиб ўтиш учун Хизрга ўхшаган бир ҳиммати баланд ҳомий ва етакчи этагидан тутишни тилайди:

Бир Хизрваш ҳимматин берма иликдин, негаким
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.

“Хизрга ўхшаган бир кишининг ҳимматини қўлдан берма, чунки ғам даштини босиб ўтиш учун бир раҳнамо талаб қилинади”.

Тасаввуфга оид маноқиб ва тазкираларда шайху валийларга Хизр раҳнамолик қилгани, ўз навбатида уларнинг Хизр билан суҳбат тутгани ҳақидаги маълумотларга кўп дуч келамиз. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат”да Ҳаким Термизийнинг Хизр билан суҳбат қилиши ҳақида маълумот берилади. Ривоят қилишларича, “ҳар якшанба Хизр анинг била келиб, мулоқот қилур эрди ва воқеъаларни бир-бирларига айтурлар эди ва сўзлашурлар эрди” (10,157). Абубакр Каттоний ҳам Хизрнинг ҳамсуҳбати ва сирдоши эди. Абулҳасан Кардуя, Абулмузаффар Термизий, Шариф Ҳамза Уқайлий, Абулаббос Омилий, Абдуллоҳ Ансорий каби кўплаб шайхлар ҳам Хизр суҳбатидан баҳраманд бўлганлар. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг эса у сабоқ ва зикр пири бўлган (10, 301). Мавлоно Саррож Ҳофизга ладуний илмдан сабоқ берган (10, 395). Муҳйиддин Арабийнинг эса нисбати бир восита билан Хизрга етади (10, 419). Саъдий Шерозийнинг оғзига у муборак тупугини солиб қўйган (10, 476). Амир Хусрав Деҳлавийга ҳам у дуч келган (10, 486).

Мақтада Навоий ўзининг ҳам дард аҳлига ишқ таълимини берадиган нуктадон муаллим мақомига кўтарилгани ҳақида фахр билан ёзади:

Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,
Ўйла, дарс аҳлиға мундоқ донишомўзе керак.

“Дард аҳли ишқ таълимини Навоийдан оладилар, зеро, сабоқ берувчиларга шундай талабалар керак”.

Диққат қилинса, ғазал ирфоний мазмунда бўлиб, унда тариқат йўлининг тарҳи бадиий йўсинда чизиб берилган: ҳақиқат излаган толиб дастлаб комил пир даврасига киради. Пир унинг кўнглини маърифат нури билан ёритади. Шундан сўнг у риёзат босқичларини босиб ўтади. Висол илинжида ҳижрон азобларини бошидан ўтказади. Бу йўлда унга Хизр каби

бир баланд ҳимматли муршид сабоқ бериб, раҳнамолик қилади ва йўл ниҳоясида унинг ўзи ҳам бошқаларга йўл кўрсатадиган устодга айланади.

ОШИҚЛИК ШАРТИ

Кимки ошиқ бўлса, зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Васл топмоғлиғки, ишқ аҳлиға амредур муҳол,
Кечаву кундуз иши фикри муҳол ўлмоқ керак.

Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак андоққи мўй,
Ҳажр аро гаҳ ноладин андоққи нол ўлмоқ керак.

Васл мумкин йўқ, вале ҳижронда ҳар дам юз бало
Мундоқ офат мубталоси моҳу сол ўлмоқ керак.

Ишқ кўйида зулоли васл ичмайдур киши,
Дайр сори толиби жоми зулол ўлмоқ керак.

Зулм кўрким, чарх этиб икки сипаҳни кинавар,
Мўрлар хайли арода поймол ўлмоқ керак.

Эй Навоий, истасанг махлас кудуратдин, санга
Хонақаҳдин дайр сори интиқол ўлмоқ керак.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 333-ғазал)

Бу ғазал ҳам ишқу ошиқлик мавзуида бўлиб, унда ошиқлик шартлари бирма-бир баён қилинган. “Кимки ошиқ бўлса, у зору бечора бўлиши, севгилисини бутун олам аҳлидан рашк қилиши керак”, – деб бошланади ғазал матласи:

Кимки ошиқ бўлса, зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Бу ерда ошиқ ва унинг зорлик ва бечоралик каби ҳолатлари, рашк ва унинг сифати шубҳа, гумон келтирилади. Бу илми бадеъда лафф ва нашр санъати деб юритилади. Айни пайтда рашк ва шубҳанинг ўзи ҳам ошиққа хос хусусият. Севганини ҳаммадан рашк қилади ва шунинг учун шубҳа ичида яшайди. Эркин Воҳидов:

Сени ётлар тугул, ҳатто –
Қилурман рашк ўзимдан ҳам,
Узоқроқ термулиб қолсам
Бўлурман ғаш кўзимдан ҳам[1], –

[1] Воҳидов Э. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: “Шарқ”, 2000, 153-бет.

деб ёзганидек, ошиқ маъшуқасини бутун олам аҳлидан, бутун олам аҳлидангина эмас, балки ўзидан ҳам. ўзидангина эмас, ҳатто ундан нигоҳини узолмаган кўзидан ҳам қизғониб ўлади. Навоий "Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак" деганда айни шуни назарда тутгани шубҳасиз.

Ошиқнинг олдига зору заиф бўлиш шартининг қўйилиши ғазалнинг тасаввуфий мазмунга эгалигини кўрсатади. Зеро, дунёвий севгида ошиқнинг соғлом, бақувват, шижоатли бўлиши талаб қилинади.

Ошиқнинг ўз маъшуқасини бутун олам аҳлидан рашк қилишида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Чунки бу гўзалга жумла жаҳон ошиқ. Сабаби, у – олам ва одамнинг Парвардигори.

Ошиқ аҳлининг висолга эришмоғи амримаҳол эканлиги, бинобарин, кеча-кундуз бу тоифанинг хаёли ана шу амалга ошмоғи деярли мумкин бўлмаган фикр билан банд бўлиши кераклиги ҳақидаги навбатдаги байт ҳам ўзида ирфоний маъно ташиши табиий. Чунки дунёвий муҳаббатда севгилисининг висолига етишганлар ҳам оз эмас. Илоҳий маҳбубага эса бу ҳаётда етишиб бўлмайди. Шунинг учун илоҳий ишқ аҳлига висол манзилига етиш маҳолдир:

Васл топмоғлиғки, ишқ аҳлиға амредур муҳол,
Кечаву кундуз иши фикри муҳол ўлмоқ керак.

Байтнинг ҳар икки мисрасида муҳол – маҳол сўзининг такрорланиб келишида такрир санъатини кўрамиз.

Илоҳий ишқ талабига кўра, ошиқ деган гоҳ шавқ ичра йиғлай-йиғлай бир қил даражасига етиши, гоҳ ҳижрон азобларидан нола чека-чека қамишдай ингичка тортиши керак:

Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак андоққи мўй,
Ҳажр аро гаҳ ноладин андоққи нол ўлмоқ керак.

Байт ташбеҳ, тазод, муболаға каби қатор бадиий санъатлар билан зийнатланган: шавқ ва ҳажрнинг ўзаро зид қўйилишида тазод, ошиқ жисмининг гоҳ қил, гоҳ қамишга қиёсланишида ташбеҳ, ҳижрон азобларини торта-торта ошиқ жисмининг қил ва қамиш даражасига келишида муболаға санъатларини кўрамиз. Мўя (йиғи, нола) ва мўй (соч, кокил) сўзлари ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилган. "Аро" ва "гаҳ" ёрдамчи сўзларининг мисралардаги такрори эса такрор санъати ҳам қўлланганини кўрсатади. Худди шу фикрни "керак" ва "андоққи" сўзлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Висолнинг сира иложи йўғу лекин ҳижрон ичра ҳар лаҳза юз бало бошингга ёғилади – ошиқ ою йил ана шундай офатга мубтало бўлиши керак:

Васл мумкин йўқ, вале ҳижронда ҳар дам юз бало,
Мундоқ офат мубталоси моҳу сол ўлмоқ керак.

Байтда васл ва ҳижрон, ҳар дам ва ою йил, мумкин йўқ ва керак, ҳар дам ва юз бало каби жуфтликлар зиддиятида тазод, ҳижронда ошиққа ҳар дамда юз бало ва офат юзланишида муболаға санъатларини кўрамиз. Албатта, бу ерда шоир услубига хос ўткир киноя ҳам кўрамиз: бу ишқда висолнинг деярли иложи бўлмагани ҳолда ошиққа ҳар лаҳза юз бало юзланади – яна бундай офатга ою йиллар давомида мубтало бўлиш лозим бўлади.

Навбатдаги байтда киши ишқ йўлида висол майини ичмаслиги, шундай экан, май қадаҳини сипқариш учун майхона толиби бўлиш тақозо қилинади:

Ишқ кўйида зулоли васл ичмайдур киши,
Дайр сори толиби жоми зулол ўлмоқ керак.

Бу байтда ишқ, дайр, толиб, зулоли васл ва жоми зулол тимсолларининг бари истилоҳ ўлароқ келган: ишқ – илоҳий ишқ, зулоли васл – висол майи, висол нашъаси, дайр – майхона; орифлар давраси, толиб – илоҳий ишқ ошиғи, жоми зулол – тиниқ май тўла қадаҳ – илоҳий маърифатга тўла қалб маъносида келаяпти. Аслида висолнинг иложи йўқлиги ҳақидаги фикр ғазалда бошдан-оёқ қизил ип бўлиб ўтганлиги ҳам унинг сўфиёна мазмунда эканлигидан далолат беради.

Кейинги байтда шоирнинг теран фалсафий мулоҳазаларини кўрамиз. Мумтоз шеъриятда мавъиза мазмунидаги ва фалсафий руҳдаги фикрлар кўпинча мақтадан олдинги байтда ифодаланади:

Зулм кўрким, чарх этиб икки сипаҳни кинавар,
Мўрлар хайли арода поймол ўлмоқ керак.

“Бу нима зулмки, чарх икки қўшинни бир-бирига қарши қайрайди, бас, чумолилар тўдаси орасида оёқости бўлиш керак”.

Икки қўчқор уришганда ўртага тушганнинг аҳволи вой бўлганидек, икки қўшин ўзаро жанг қилганида ҳам чумолилар оёқ остида топталади.

Байт зимнида Сулаймон пайғамбар ва чумоли ҳақидаги ривоятга ишора ҳам йўқ эмас.

Ҳазрат Сулаймон ҳам шоҳ эди, ҳам пайғамбар. Унга инсу жинс, жамики жонзот итоат қилар, у қурту қумурсқа, паррандаю дарранданинг тилини билар, улар билан суҳбатлашарди. Кунлардан бир куни Сулаймон ўз тахтида лашкарлари билан ўтиб бораётганда, бир чумоли:

– Менинг амримга тобе чумоли борки, ҳаммаларинг қочиб ер остига киринг, Сулаймон лашкарларига поймол бўлманглар, – деб қичқиради.

Буни эшитган Сулаймон ҳаводаги тахтидан ерга тушади. Қараса, биргина чумоли турибди.

– Отинг нима?

– Отим Манзара, – дебди чумоли.

– Чумолиларни не учун қочирдинг?

Шоҳнинг бу саволига чумоли дебди:

– Сиз ҳаммага подшоҳдурсиз, мен ҳам ўз жамоамга шоҳдурмен... Чумолилар лашкарингиз орасида яксон бўлса, гуноҳи менга бўлур.

Шунда Сулаймон:

– Ҳаммасини қочириб, ўзинг не учун қочмадинг? – дебди

Манзара айтибди:

– Мен аларнинг каттасидирман. Улуғлар қўл остидагиларга меҳрибон бўлур. Балога улуғлар ўзларини рўбарў қилиб, кичикларни халос қилса яхшидур.

“Эй Навоий, агар бу лунё ғаму қайғуларидан қутулишни истасанг, хонақоҳдан майхона сари кўчишингга тўғри келади” мазмунида тасаввуфий фикр билан ғазал ўз ниҳоясига етади:

Эй Навоий, истасанг махлас кудуратдин, санга
Хонақаҳдин дайр сори интиқол ўлмоқ керак.

Хонақоҳ – сўфийлар йиғиладиган, шайх ва дарвешлар зикр ўтказадиган жой. Дайр эса, кўриб ўтганимиздек, Ҳақ маърифати бобида сабоқ олинадиган, илоҳий ишқдан жазба етадиган анжуман. Хонақоҳда Ҳақ зикри айтилса, сўфийлар суҳбатида ишқ нашъасидан баҳраманд бўлинади. Хонақоҳ обиду зоҳидлар йиғилиб, зикр тушадиган жой бўлса, майхона ориф ва ошиқлар самоъ билан машғул бўладиган макон. Шунинг учун ҳам тасаввуф адабиётида хонақоҳ ва дайр кўпинча бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Навоийнинг кўплаб ғазалларида ҳам буни кўрамиз. Жумладан, қуйидаги байтида у зикрингни айтиб ҳою ҳуй қилиш учун хонақоҳу ишқингдан оҳ уриб, фарёд солиш учун дайр маъқул деб ёзган эди:

Демакка зикринг эрур хонақоҳ ичинда ҳаё ҳуй,
Салойи ишқинг ила аҳли дайр ичра алоло (НШ,2)

"Хонақоҳу хилватда киши ўз тоат-ибодатига мағрур бўлиб, кибру такаббур домига тушиб қолиши мумкин, шунинг учун ҳам. эй зоҳид, майхона менинг мулкиму май хумининг ичи маконимдир", – дейди яна бир байтида:

Эмин ўлман хонақоҳу хилват ичра ужбдин,
Зоҳидо, майхона – мулким, куп ичидур маъманим (ҒС,397).

Маълум бўладики, ғазал ишқу ошиқлик мавзуида бўлса-да, у дунёвий мазмунда бўлмай, балки тасаввуф руҳида. Бинобарин, у оддий ошиқлик эмас, балки сўфиёна ишқ шартлари ҳақида.

ТУРФА ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ

Ёр бўлмиш ўртаға ҳижрон тариқин солғудек,
Ақлу ҳушу жону кўнглум хайли ҳам қўзғолғудек.

Ёр бориб, ақлу ҳушу жону кўнглум қўзғалиб,
Тан ётиб, кўз булъажаб ҳолимға боқиб қолғудек.

Бошни ҳолоким, эрур фурсат, солойин оллиға,
Тундлуғдин гарчи эрмас они ердин олғудек.

Соқиё, май тут, муғанний, навҳа оҳангини чол –
Ким, сипоҳи умрум ўлмиш кўси риҳлат чолғудек.

Ҳажр аро, эй Хизри фаррухпай, қўлум тутким, эрур
Пўя урмоқтин бу водий ичра бағрим толғудек.

Ҳулла гул баргидин эттинг, пардайи жонимдин эт,
Бўлса онинг остида ногаҳ таниng товшолғудек.

Эй кўнгул, нақди ҳаётинг қил фано йўлида сарф,
Ҳайф эрур гар бўлса умри Нуҳ учун сийфолғудек.

Бир замондур умр – азми дашт этиб, осуда бўл,
Бўлсанг абнойи замон бедодидин қийнолғудек.

Эй Навоий, заврақи жисминг не тонг бўлса ғариқ,
Баҳри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқолғудек.

("Ғаройиб ус-сиғар", 334-ғазал)

Ғазал ҳижрон ғаму азоблари тасвирига бағишланган бўлиб, унда ёр ўзини тарк этган ошиқ дунёни тарк этгудай ҳолга тушгани хусусида сўз боради. Матла ёр ўртага ҳижрон расмини солмоқчи бўлгани, бундан эса ошиқнинг ақлу ҳушу жону кўнгли биратўла исён ўтини ёқмоқчи экани тасвири билан бошланади:

Ёр бўлмиш ўртаға ҳижрон тариқин солғудек,
Ақлу ҳушу жону кўнглум хайли ҳам қўзғолғудек.

Ёрнинг орага ҳижрон балосини солмоқчи бўлганидан хабар топган ақлу ҳушу жону кўнгил ўзаро бирлашиб, ошиқ вужуди ичра унга қарши улкан бир қўшин тузадилар. Бунда муболаға ва ташхис санъатларини кўрамиз. Шунингдек, шоир ақлу ҳушу жону кўнгилни кетма-кет санаб келтириш орқали сўз, ибора ва гапларнинг муайян тартибда уюшиб келишига асосланган таъдид (миқдор, санаш) санъатидан фойдаланади. Айни санъат кейинги байтда ҳам такрорланади:

Ёр бориб, ақлу ҳушу жону кўнглум қўзғалиб,
Тан ётиб, кўз булъажаб ҳолимға боқиб қолғудек.

"Ёр кетганида ақлу ҳушу жону кўнглум қўзғолгани ҳолда, таним ётиб қолиб, бу ажиб ҳолимга кўз ҳам ҳайрон термилиб қолди".

Байтда бориш ва ётиш, қўзғолиш ва ётиш, қўзғолиш ва қотиб қолиш сўзлари ўзаро тазод санъатини ҳосил қилган бўлса, ақл, ҳуш, жон, кўнгил, кўз каби аъзоларнинг жонлантирилишида ташхис санъаатини кўрамиз..

Кейинги байтда шоир касри нафс изҳор қилиб: "Бу савдоли бош агарчи ердан кўтаришга арзимаса-да, жойи келганида уни ёрнинг олдига пешкаш қилмоқчиман", – дея ўзини ерга уради. Касри нафс изҳорига асосланган бадиий санъат тақсир (айбу қусур кўрсатиш) деб аталади. Бу фахриянинг акси бўлиб, фахрияда шоир ўзининг истеъдод кучи, асарларининг бадиий юксаклиги ва халқ орасидаги шуҳратидан ифтихор қилиб, кўтаринки руҳдаги муболағадор мисралар битса, тақсирда камтарлик билан ўзини паст олади, ерга уради, илмсиз, уқувсиз, истеъдодсиз, хор, ҳақир, телба, девона, бечора қилиб кўрсатади. Алишер Навоий ижодида ҳам касри нафснинг олий намуналарини учратамиз. Хусусан, ҳамд ва наът ғазалларида бу ҳол бўртиб кўринади.

Устози Абдураҳмон Жомийга бағишлаб ёзган "Хамсат ул-мутаҳаййирин" ("Беш ҳайрат") маноқибида касри нафс билан боғлиқ ибратли бир воқеани келтиради.

"Ул вақтдаким, шаҳзодаи беҳамто Кичик Мирзо[1] тоба сароҳу золлу музиллии хатокўш, девонаи сияҳрўй сияҳпўшқа йўлуқмайдур эрди, бидъатлар тариқиға носих ва аҳли суннат

[1] К и ч и к М и р з о – Ҳусайн Бойқаронинг опаси Оқобегимнинг ўғли.

ва жамоат қоидасиға росих эрди, тавозуъ ва ниёз наҳажиға хурсанд ва фақру фано аҳлиға мухлис ва ниёзманд эрди, фақирнинг “Туҳфат ул-афкор” қасидамдинким, аларнинг отиға айтилибтур ва юқори мазкур бўлди – ул маҳаллидинким, алардин назари қабул истидъоси қилиб, арзи ниёз изҳори бўлур эрди, бу байтниким:

Як назар фармо, ки мустасно шавам з-абнои жинс,
Саг чу шуд манзури Нажмиддин, сагонро сарвар аст[1], –

битиб, ҳамул истидъо била Самарқандға ҳазрати малозу паноҳи аҳлуллоҳ Хожа Носируддин Убайдуллоҳ[2] (қуддиса сирруҳу) хизматиға йибориб эрди. Эл Кичик Мирзодин бу тариқни мустаҳсан тутуб, ани дуо қилурлар эрди. Ул тоифадин баъзи бу байтни ҳам таъриф қилурлар эрдиким, бу мазмунда яхши воқеъ бўлубтур.

Мирсарбараҳнаким[3], замон аҳлининг мутаайййин хуштабъ ва зарифи эрди, фақирни мухотаб қилиб, бу байтқа эътироз қилдиким: “Агарчи сен бу байтда изҳори касри нафс қилибсен ва ўзунгни итга нисбат беribсен, аммо абнойи жинсға даҳи ушбу нисбат воқеъ бўлубтур. Шоядки абнойи жинс бу нисбатдин ор қилиб, қабул қилмағайлар. Ташбеҳеким, кишининг ўз касри нафси жиҳатидин бир жамоатға иҳонат етгай – яхши бўлмағай”.

Фақир айттимким: “Ўзумни итга ташбеҳ қилибмен – касри нафс жиҳатидин эмас, балки нафсоният туғёнидин баёни воқеъдур. Абнойи жински дебмен, сизни демаймен, сойир итларни дебменким, кўй-кўчада юрурлар”.

Мири мазкур бу сўзимдин мутаассир бўлиб, кўз ёши била дуо ва таҳсин қилди. Ва Мирнинг бу саволи ва фақирнинг жавоби шуҳрат тутти. Аларнинг даҳи муборак самъиға етишганда истеҳсон қилиб дебдурларким: “Ул байти худ яхши байтдур, аммо жавоби ҳам ул байтидин яхшироқ воқеъ бўлубтур”, – деб, бу фақирни ғойибона фотиҳа била баҳраманд ва аржуманд қилибтурлар. Фақир эшитгач, мужиби нишоту хушҳоллиқ ва боиси инбисоту фориғулболлиқ бўлди” (5,760).

Бошни ҳолоким, эрур фурсат, солойин оллиға,
Тундлуғдин гарчи эрмас они ердин олғудек.

Ердан олишга арзимайдиган бошнинг ёрга пешкаш қилишга лойиқ кўрилишида тазод санъати ҳам йўқ эмас.

Навбатдаги байтда шоир нидо санъатини қўллаб, аввал соқийга юзланиб, май тутишини, кейин чолғувчига мурожаат қилиб, мотам куйини чалишини сўрайди, чунки умр қўшини ажал қўнғироғини чалмоқда:

Соқиё, май тут, муғанний, навҳа оҳангини чол –
Ким, сипоҳи умрум ўлмиш кўси риҳлат чолғудек.

---

[1] Мазмуни: “Менга бир назар ташла, токи машҳур авлиё, Нажмиддин Кубронинг назари тушган ит барча итларнинг етакчиси бўлгани каби, мен ҳам ўз аҳлим орасида барчадан мумтоз бўлай”. Илоҳий илҳом лаҳзасида Шайхнинг кўзи кимга тушса, ўша кишида валийлик хусусияти пайдо бўлар эмиш. Шундай ҳолатларда унинг муборак назари тушган кўплаб саодатли инсонларнинг айни хислатга эга бўлганлари хусусида манбаларда талай маълумотлар сақланиб қолган. Бугина эмас. Нақл қилишларича, бундай улуғ мақомга Шайхнинг назари тушган бир ит ҳам муяссар бўлибди. Шундан кейин у қабристонни макон тутибди. Қаерга борса, эллик-олтмиштача ит ортидан эргашар, ўтирса – улар ҳам тавозе билан ёнида давра қурар эмиш. Ит ўлганда, Кубро уни одамлардай ювиб, дафн этган, қабри устига мақбара қуришни буюрган экан.

[2] Хожа Носируддин Убайдуллоҳ – машҳур нақшбандия тариқати пешволаридан Хожа Аҳрор Валий (1404–1490).

[3] Мирсарбараҳни – Навоий ва Жомийнинг ҳамсуҳбати бўлган шоирлардан.

Байтда истиора санъати ҳам мавжуд. Маълумки, истиора ўз хусусиятига кўра иккига бўлинади: очиқ ва ёпиқ истиора. Агар ўхшатиш объекти, яъни ўхшатилган нарса тилга олинмай, фақат ўхшаган нарсанинг ўзи зикр этилса, бу очиқ истиора бўлади. Ёпиқ истиорада эса ўхшатилган нарсанинг ўзи ҳам тилга олинмай, унинг бирор сифати, хулқ-атвори, узв-аъзоси изофат сифатида келтирилади. Байтнинг иккинчи мисрасидаги сипоҳи умрим истиора бўлиб, шоир юксак маҳорат билан умрни ою йиллар отлиғ аскарлардан иборат муаззам қўшинга ўхшатмоқда. Айни пайтда умрнинг жонлантирилиб, қўшинга ўхшатилишида ва унинг ажал қўнғироғини чалишида ташхис санъатини ҳам кўрамиз.

Бу ерда соқий, май ва муғанний тушунчалари сўфиёна мазмунда бўлиб, соқий – Худони, май – илоҳий маърифатни, муғанний – уни етказувчини тамсил этиб келмоқда. Шоир Парвардигори оламга мурожаат қилиб айтаяптики, мендан маърифатингни дариғ тутмаки, умрим охирлаб бормоқда.

Сўнгги байт ҳам тасаввуфий мазмунда бўлиб, талмеҳ санъати асосига қурилган:

Ҳажр аро, эй Хизри фаррухпай, қўлум тутким, эрур
Пўя урмоқтин бу водий ичра бағрим толғудек.

“Эй қадами қутлуғ Хизр, ҳижрон водийси ичида қўлимдан тутмасанг, бу водий ичра елиб-югурмоқдан бағрим адо бўлгудекдир”.

Ҳижроннинг бепоён водийга нисбат берилишию, ошиқнинг унда Мажнундай елиб-югуришида муболаға санъати ҳам кўзга ташланади. Айни пайтда, Хизрга мурожаат қилинишида нидо санъати ҳам мавжуд. Тасаввуфий маънода эса Хизр тариқат раҳбари, пири комилни тамсил этиб келмоқда. Водий ҳам аслида тасаввуф тушунчаларидан бўлиб, йўл, мақом рамзи бўлиб келади.

Мана бу байтда эса шоир санъаткорлик билан муболағани ҳадди аълосига етказиб: “Гул баргидан эмас, жонимнинг пардасидан либос тиктирмайсанми, ахир, гул баргидан нозик танигга озор етиши мумкин, жон пардаси ичра эса у менинг муҳофазамда бўлади”:

Ҳулла гул баргидин эттинг, пардайи жонимдин эт,
Бўлса онинг остида ногаҳ танинг товшалғудек.

Бу ерда гул барги ва жон пардасининг бир-бирига зид қўйилишида тазод санъати ҳам қўлланаяпти.

“Эй кўнгил, жонингни фано йўлига бағишла – агар уни Нуҳ каби узун умр кўришга сарфласанг ҳайф бўлади”, – дея 7-байтда шоир яна сўфиёна фикрни илгари суради:

Эй кўнгул, нақди ҳаётинг қил фано йўлида сарф,
Ҳайф эрур гар бўлса умри Нуҳ учун сийфолғудек.

Маълумки, ўлиш, йўқ бўлиш маъносидаги фано сўзи тасаввуфда бандanинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлишига ишора қилиб келади. Зеро, бу таълимотга кўра Нуҳдай узун умр кўришни истаган эмас, балки Ҳақ йўлида ўзини фано қилиб, инсоний хусусиятларини илоҳий сифатларга айрибош қила олган киши бахтлидир. Аслида инсоний ҳаётдан мақсад ҳам шу.

“Умр ўзи бир нафас – агар замон аҳлининг зулму ситамларидан қийналгудек бўлсанг, биёбонга чиқиб кетиб, хотиржам яша”, – дейди шоир бошқа бир байтида:

Бир замондур умр – азми дашт этиб, осуда бўл,
Бўлсанг абнойи замон бедодидин қийнолғудек.

Ҳар бир кишида ҳам ҳаётдан тўйиб, одамлардан безиб, ёруғ жаҳон кўзига қоронғи кўринганида дунёдан бош олиб кетгиси келадиган ҳолатлар, лаҳзалар бўлади. Абдулла Қодирий ҳам қаҳрамонларидан бири тилидан "баъзи вақтларда кишининг дунёдан чиқиб кеткуси келиб қоладир"[1] – деб ёзган эди. Бобур ҳам қатор ғазал ва рубоийларида чорасиз аҳволда қолган лаҳзаларида бошни олиб бирор ёққа кетиш хусусида дарду алам билан ёзади ("Бошни олибон бир сари кетмак мушкил", "Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла", "Бошимни олиб, қай сориға кетгаймен?", "Бошимни олиб бир сариға кетгаймен!", "Бошимни олиб аёқ етганча кетай!").

Донишмандларнинг хилватга чекинганлари, ғору саҳроларни макон тутганлари бежиз эмас. Халқнинг ўзини тушунмаслиги, ўзининг эса халқни тарбиялай олмаслигига кўзи етгач, улар ночор танҳоликни ихтиёр этганлар. Бундай истак Навоийда бўлган ва унинг кўплаб асарларида бунга ишораларга дуч келамиз.

Замондан норозилик оҳанглари ҳам қадим ул-айёмдан асрларни бўйлаб келади. Бир донишманд лутф этганидек, бу дунёда ҳали ўз замонидан рози қалам аҳли ўтмаган. Бу мавзу Навоий ижодида ҳам кенг ўрин тутади.

Ғазал мақтаси муболаға санъати асосига қурилган: "Эй Навоий, кўз ёши денгизи ҳар лаҳза оҳдан чайқалганидан жисминг кемаси ғарқ бўлса, сира ҳайрон қоладиган жойи йўқ":

Эй Навоий, заврақи жисминг не тонг бўлса ғариқ,
Баҳри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқолғудек.

Бу ерда кўз ёши денгизга, ошиқ жисми эса кемага ташбеҳ қилинмоқда, яъни унинг ёр ҳажрида тўккан ёшлари денгизга айланиб, жисми унда кема каби сузмоқда. Лекин чеккан оҳи бўронга айланиб, бу жисм кемасини ғарқ қилиши мумкин.

Кўриниб турганидек, бу ғазалида ҳам санъаткор шоир фикрлари, туйғулари ва кечинмаларини турли бадиий санъатлар воситасида гўзал ва таъсирчан тарзда ифодалаб, яна бир дурдона ғазал билан ўзбек шеърияти хазинасини бойитган.

[1] А б д у л л а Қ о д и р и й. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён (Романлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 89-бет.

ИККИНЧИ ФАСЛ

БАЙТ БАҒРИДАГИ СЕҲР

МАЪНО САДАФИ

Маълумки, Шарқ шеъриятидаги энг кичик бадиий бутунлик байт дейилади. Байт (арабча – уй) – аруз тизимида ҳар бири бир неча рукндан иборат қофияли ёки қофиясиз икки мисра. “Байтники уй оти бирла атабдурлар, муносабати муни дебдурларки, уйнинг чун биноси тўрт рукн биладур, бу байтнинг ҳам биноси тўрт рукн биладур ва уй ичида уй матоъидин кўб нималар бўлур, бу байтда ҳам маъни ҳайсиятидин кўп нималар бўлур, ҳатто уйнинг маҳзунот ва махфиёти ўрниға ҳам мунда махфий ва мактум хаёлот ва маоний топса бўлур, бу муносабатлардин они “байт” дебдурлар”, – деб ёзади бу ҳақда Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” (10,541) асарида.

Байт – ғазал, қасида, қитъа, маснавий каби асарларнинг бир бутун икки мисраси. Байт асосига қурилган лирик жанрлар бандга эмас, байтга ажратилади. Айни жиҳатдан, ҳар қандай икки мисра байт деб аталиши тўғри эмас. Чунки байт ритмик интонацияси ва мазмун жиҳатидан нисбий мустақиллик касб этиши, яъни банд мақомига эга бўлиши керак.

Ягона байтдан ташкил топган энг кичик лирик жанр ҳам мавжуд бўлиб, у фард дейилади. Шунингдек, шеърий парчалар ҳам байт деб юритилади.

Байт 4, 6, 8, баъзида 12, 16, 20, 36 рукндан ташкил топиши мумкин. 4 рукнли байтлар мурабба (тўртлик), 6 рукнли бўлса мусаддас (олтилик), 8 рукнлиси мусамман (саккизлик), 12 рукнлилиги мустазод, ундан ортиқлари мутатаввал (кўп рукнли) деб аталади.

Байтни ташкил қилувчи рукнлар ўрнига кўра ҳам номланади. 1-мисранинг 1-рукни садр, охирги рукни аруз, 2-мисранинг 1-рукни ибтидо, охирги рукни зарб, орадаги бошқа рукнлар эса ҳашв деб юритилади.

Ғазал, қасида каби жанрларнинг биринчи байти ўзаро қофияланади, қолган байтларнинг иккинчи мисралари матла билан қофиядош бўлади. Қитъа байтлари мисра аро қофияланади. Маснавийнинг ҳар байти ўзаро алоҳида-алоҳида қофияланади. Фардда мисралар ўзаро қофияланади, лекин баъзида мисралари ўзаро қофияланмаган фардлар ҳам учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг 86 та фардидан 4 та қофиясиз. Жумладан:

Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким: “Бир бор эди, бир йўқ эди...” (4,752).

Насрий асарлар таркибида ҳам у ёки бу фикр тасдиғи учун гоҳ қофияли, гоҳ қофиясиз байтлар келтирилади. Лекин “Маҳбуб ул-қулуб” пандномасидаги барча байтлар қофияли. Масалан:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила (9,466).

Таржеъбанд, таркиббанд каби жанрларда байт бандларни боғловчи восита бўлиб хизмат қилади ва шунга биноан восита байт деб аталади. Масалан, Навоийнинг:

Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст (1,683–692), –

деб бошланадиган 10 бандли (100 байт) машҳур таржеъбандининг ҳар банди:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол, –

байти билан тугалланади.

Шарқ мумтоз шеъриятида байт билан бирган шоҳбайт деган тушунча ҳам бор. Шоҳбайт – байтларнинг шоҳи, султони дегани бўлади, яъни ғазал ёки қасиданинг энг гўзал, энг теран, энг етук байти. "Шоҳбайт қасида ёки ғазалда ўзининг салмоқли маъноси, жозибали ёрқин услуби билан бошқа барча байтлардан ажралиб туради. Ана шундай байт матла сифатида ҳусни матла ва мақта шаклида келганда эса ҳусни мақта деб юритилади"[1].

Маълумки, Шарқда бадиий сўзнинг нуфузи ниҳоятда баланд бўлган – фавқулодда ташбеҳлар, кутилмаган иборалар, нафис лутфлар, нозик қочиримлар жуда қадрланган, бадиий кашфиёт даражасидаги шеър ва байтлар тилдан-тилга, китобдан-китобга кўчиб юрган. Шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан мукаммал, қасида ёки ғазалнинг асосий моҳияти, етакчи ғоясини ўзида мужассам этган байтлар мумтоз адабиётда "шоҳбайт" деб юритилган. Жумладан, Шайх Саъдийнинг бир байти ҳатто Оллоҳ таолога хуш келиб, фаришталари орқали унга нур тўла табақлар йўллагани ривоят қилинади (10,475). Шоҳу амирлар ўзларига ёққан бир шеър ё байт учун шоирнинг оғзини дуру жавоҳирга тўлдирганлари ҳақида ҳикоятлар сақланиб қолган. Хўжа Ҳофизнинг Самарқанду Бухорони бир гўзалнинг холига бағишлаб юборган байти аввал Амир Темурнинг қаҳри, кейин меҳрига сазовор бўлгани можароси барчага маълум. Атойининг машҳур:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур[2], –

мисралари ҳали-ҳануз кишини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келади. Ёш Алишернинг биргина байтига ўз даврининг малик ул-каломи бўлган Лутфий бутун бошли девонини алмашмоқчи бўлган. Имора деган шоирнинг: "Маҳбубам ўқиётган пайтида мисралар қатидан чиқиб, лабларидан ўпиб олиш учун ўз ғазалимнинг ичига бекиниб олишни истайман" мазмунидаги байтини бир даврада эшитган машҳур тариқат пири Абусаид Абулхайр шартта ўрнидан туриб, унинг зиёратига йўл олган[3].

Ғазал биносининг пойдевори матла бўлгани учун шоирлар матлага катта масъулият билан ёндашиб, унинг гўзал ва баркамол чиқишига интилганлар. Айтиш мумкинки, матладан қаноат ҳосил қилмай туриб ғазалнинг ўзига киришмаганлар. Шунинг учун ҳам асосан матлалар шоҳбайт даражасига кўтарилган. Тазкираларда шоирларнинг маҳорати мезони сифатида кўпинча матлаларнинг келтирилиши бежиз эмас.

Адабиётни сўздан мўъжиза яратиш санъати деб билган Алишер Навоий ҳар бир асари устида заргарона тер тўккан, ҳар бир сўзни шеър узуги кўзига гавҳардай маҳорат билан қўндирган. Шунинг учун ҳам "Хазойин ул-маоний" девонлар туркумидан жой олган 2600 ғазал матласининг ҳаммаси ҳам шоҳбайт даражасида дейиш мумкин. Масалан:

---

[1] И с ҳ о қ о в Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2014, 262-бет.
[2] А т о й и. Жондан азиз жонона (Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Э.Очилов). – Тошкент: "Шарқ", 2011, 122-бет
[3] А б д у р а ҳ м о н Ж о м и й. Баҳористон (Ш.Шомуҳамедов таржимаси). – Тошкент: "Ёзувчи", 1997, 71-бет.

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб (НШ,45).

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни таълил санъатининг бетакрор намунаси. Маълумки, бу санъат воситасида келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмаса-да, у ўзининг бадиий гўзаллиги билан кишида завқ уйғотади, эътиборни тортади. Чунончи, келтирилган байтда маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки "гўзал ёлғон", лекин ушбу ташбеҳ ўзининг бадиий гўзаллиги, нозиклиги, оҳорлилиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Ёки:

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач (ҒС,98).

Шам шундай ҳам ёниб, ёруғлик таратади, лекин пилиги толаларини ёзиб юборса, унинг ёниш доираси кенгайиб, ёруғлиги кучаяди ва кенгроқ сатҳни ёритади. Шунга ўхшаб, маҳбубанинг сочи шундай ҳам ҳуснига ҳусн қўшади, шундай ҳам ундан муаттар ҳид таралади, лекин уни ёзиб юборса, ҳам ҳиди гуркираб кетади, ҳам чиройини янада очади ва ошиқлари сафи янада кўпаяди.

Шоҳбайт фақат матлада эмас, бадиий баркамол ғазалларнинг хоҳлаган жойида келиши мумкин. Лекин кўпроқ мақтадан олдинги байтда келади. Чунки мақтадан олдинги байт кўпинча ғазалнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Баъзан мақтада ҳам келади. Жумладан:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўла бўлма забун бу золи маккор олдида (ҒС, 26).

Маълумки, дунёни қоралаш, танқид қилиш – мумтоз адабиётда асосий ўрин тутади. Бу диний-тасаввуфий қарашлар билан боғлиқ. Унга кўра, дунёга ортиқча меҳр қўйиш инсонни Ҳақ йўлдан оздиради, Парвардигоридан бегоналашиб, тубанлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган хиёнаткор маъшуқага ўхшатилади; паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, аслида эса қадди букчайган, тишлари тўкилган қари кампирга қиёсланади; талабгорларини сеҳру жоду билан тузоққа тушириб, ўз йўриғига юргизадиган, хоҳлаган кўйига соладиган жодугар, алвасти, зол, ажуза қиёфаларида тасвирланади. Барча ёмонлик, ёлғон, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам шоир ўз-ўзига, айни пайтда ўқувчига, яъни барчага мурожаат қилиб, ўзини мард деб билган киши дунё маккорасининг асирига айланиб, хору зор бўлмаслик учун уни талоқ қилиши лозимлигини таъкидламоқда. Бу – ғазалдаги энг муҳим, энг кучли байт. Бу – ғазалнинг кульминацион нуқтаси..

Мана бу шоҳбайт эса ғазалнинг ўртасида келган:

Урса душман захм, эрур марҳам таваққуъ дўстдин,
Иккиси захм урса, тонг йўқ, чок-чок ўлмоқ таним (ҒС, 420).

Мазмуни: “Душман уриб, жароҳат етказса, дўстнинг малҳам қўйишидан умид қиламан, лекин ҳар иккаласидан захм етса, танимнинг чок-чок бўлишидан бошқа иложи йўқ”.

Бу байт ҳам дўсту душман қиёсига бағишланган ғазалнинг энг асосий ҳал қилувчи байти ҳисобланади.

Мақтадан олдинги шоҳбайтга мисол:

Эй фалак, қайси қуёш юзлукни бир кун чарх уза
Жилвалар қилдингки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг? (ҒС, 342)

Фалакнинг бевафолигию инсон умрининг ўткинчилиги ҳақидаги ҳақиқатни теран ифодалагани жиҳатидан ҳикмат даражасига кўтарилган ушбу байт шубҳасиз шоҳбайтдир.

Маълум бўладики, шоҳбайт ғазал (ёки қасида)ни ғазал қилиб турган, уни ёзишдан асосий мақсад ҳисобланган энг гўзал, энг теран, энг етук байт бўлибгина қолмай, айни пайтда шоир маҳоратининг ўзига хос намойиши, истеъдод қудратини белгиловчи ўзига хос мезон ҳамдир.

Ушбу фаслда Алишер Навоийнинг ана шундай теран фалсафий мушоҳада-мулоҳазалар ўз ифодасини топган, нозик тасаввуф ҳақиқатлари дарж этилган, қават-қават маъно қатламларига эга, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак байтлари таҳлили асосида мутафаккир шоирнинг руҳий поёни, диний-ирфоний қарашлари, бадиий маҳорати, шеърларининг мавзу кўлами ва образлар оламидан баҳс юритилади.

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ТИМСОЛЛАРИ

Маълумки, адабиёт қадим ул-айёмдан инсон хулқини гўзаллаштириш, уни камолотга етказишга даъват этиб келади, ахлоқий такомиллашув жараёнини акс эттиради ва ўз-ўзини тарбиялаш йўлига кирмаган, “яратилганича қолган”, нафсу ҳавога берилиб, тубанликка юз тутган кимсаларни мазаммат қилади. Тасаввуф таълимоти ана шу жараённи реал бир асосга қўйди, уни муайянлаштирди, ўзи ишлаб чиққан инсонни комилликка етказиш қонун-қоидаларига бўйсундирди. Шу тариқа, “тасаввуф таълимотининг шаклланиши билан инсонга бўлган қарашларда янги давр бошланди. Илгариги умумбашарий ғоялар янги мазмун касб этади. Айниқса, тасаввуфнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари шоирлар қалбидан чуқур жой олиб, инсонни англаш ва тараққий эттириш йўллари, инсон ахлоқини поклаш масаласи тасвир мавзуи бўлиб қолди. Тасаввуфдаги инсон талқини ботинан ривожланган, руҳи Илоҳ руҳига туташ комил инсон бўлиб, у шеъриятнинг севган қаҳрамонига айланган эди”[1].

Тасаввуф йўли – камолот йўли. Шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтган, барча диний ва дунёвий илмларни эгаллаган, етук хулқу тийнат соҳиби бўлиб, ўзини олий мақомга етказган кишилар тасаввуфда комил инсон, деб аталади. Ирфоний адабиёт тўлалигича инсоннинг камолотга эришиш жараёни, бу йўлдаги ранжу машаққатлари, қувончу ташвишлари, тариқатнинг у ёки бу мақомидаги соликнинг ўй-кечинмалари, муайян ҳолга етишган сўфийнинг изтироб ва жазавалари, ҳақиқат босқичига юксалган ориф инсоннинг илоҳий маҳбубага бағишланган ҳис-туйғулари тасвиридан иборат. Комил инсонлар таърифи, бу нажиб зотларнинг қалб тебранишлари тасвири, камолот йўлида

[1] Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1995, 52-бет.

тўсиқ бўлган дунё ва нафс танқиди, ҳақиқий ишқ тараннуми, сўфиёна ғоялар тарғиб-ташвиқи мутасаввиф шоирлар ижодининг асосини ташкил этади.

Комил инсон тасвири нуқтаи назаридан Алишер Навоий ғазалларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) Муҳаммад алайҳиссаломга бағишланган; 2) комил инсонлар сўфиёна истилоҳ ва образлар орқали тасвирланган; 3) комил инсонлар бадиий тимсоллар воситасида таъриф-тавсиф этилган ғазаллар ва алоҳида байтлар.

Комил инсон таълимоти Муҳаммад алайҳиссаломга асосланиб, у камолот йўлини танлаган кишилар учун олий бир идеал ҳисобланган. Гарчи Расулуллоҳ мақомларига етиш имконсиз эса-да, аҳли муслим бу нажиб инсонни камолот йўлида маёқ билиб, у зот кўрсатган ҳидоят йўлидан юриш ва унга мансуб фазилатларни эгаллаш орқали мумкин бўлгани қадар комиллик касб этишга интиладилар.

Мусулмон Шарқи адабиётида Муҳаммад алайҳиссалом васфида қалам тебратмаган шоир йўқ ҳисоби. Қайси улуғ сўз санъаткори девонини қўлингизга олманг, албатта, Оллоҳ таоло ҳамдидан кейин Муҳаммад алайҳиссалом наътига дуч келасиз. Бугина эмас. Шоирлар пайғамбарлар сарварини дўст, ёр, маҳбуба сифатида бадиий тимсоллар воситасида ҳам “кўб ва хўб” таъриф-тавсиф этганлар. Зеро, моҳият эътибори билан адабдан иборат бўлган, тарбия воситаси ҳисобланган адабиёт Муҳаммад алайҳиссалом сиймосида комил инсоннинг дунёвий тимсолини кўрган эди. Шунинг учун Шарқ сўз санъати ўзининг исломдан кейинги тараққиёти давомида инсонни Оллоҳ буюрган ва Муҳаммад алайҳиссалом эгаллаган ахлоқий фазилатлар ва маънавий мақомларни ўзлаштиришга даъват этиб келди.

“Навоий тасаввуфий моҳиятдаги шеърларида комил инсон образига хос фазилатлардан баҳс юритар экан, энг аввало, “моддий ва маънавий комилликни бир ерда мужассамлаштирган” ҳамда аҳли тасаввуфни ўз ортидан эргаштирган Муҳаммад пайғамбарни эътиборда тутган”лиги[1] маълум. Наът ғазалларида шоир Муҳаммад алайҳиссаломни Оллоҳ томонидан танланган энг сўнгги ва мукаммал пайғамбар, Ҳақ ва халқнинг маъшуғи, икки олам хожаси, барча илоҳий ва дунёвий илмлар соҳиби, жамики ҳамида ахлоқ ва шарифа фазилатлар эгаси, коинот сарвари, башарият хулосаси, пайғамбарлар хотами, комиллар комили сифатида улуғлайди. Расули акрам кўрсатган мўъжизалардан сўз очади, хусусан, меърож воқеасини баланд пардаларда тараннум этади. Зеро, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига юксалишлари – инсон руҳининг ўз Яратувчиси билан учрашуви рамзи сифатида тасаввуф адабиётида ҳадди аълосида куйланган.

Тасаввуф фалсафасига кўра Муҳаммад нури олам ва одам яратилмасдан бурун ҳам бор эди. Чунки Оллоҳ таолонинг оламни ҳам, одамни ҳам яратишидан мақсади – Муҳаммад алайҳиссалом бўлган. Шунинг учун ҳам “Қисаси Рабғузий”да бу нур ҳатто Одам алайҳиссаломнинг манглайида порлагани ҳақида ёзилади[2].

Маълум бўладики, Муҳаммад алайҳиссалом гарчи жисмонан Одам алайҳиссаломдан кейин туғилиб, инсониятнинг отаси сифатида унга фарзанд мақомида бўлишига қарамай, нур сифатида ундан аввал яратилган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий бир байтида: «Агарчи Абулбашар, яъни бани башарнинг отаси барча оталарнинг отаси бўлса ҳам Абулқосим – Қосимнинг отаси, яъни Муҳаммад алайҳиссалом ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмай уни ўзининг фарзанди эканлигини таъкидлади», – деб ёзган эди:

---

[1] Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1995, 34-бет.

[2] Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Тошкент, 1990, 18-бет.

Турфа буким, Булбашар келди атоларға ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бим (БВ, 393).

Албатта, Одам Ато – ота, Муҳаммад алайҳиссалом – фарзанд маъносидаги тасвирлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, қуйидаги байтида шоир жаннатга кирган қавми ичида сендай гўзал фарзандини кўриб Одам алайҳиссалом дам-бадам қувонади, дейди:

Одам ул соатки, жаннат ичра авлодин кўрар,
Не қувонғай дам-бадам сен нозанин фарзанд ила (ҒС, 539).

Расули акрам жисмоний-зоҳирий жиҳатдан ҳам инсонлар орасида мумтоз бўлганлар. Шунинг учун шоирлар ўз шеърларида Муҳаммад алайҳиссаломнинг нафақат маънавий-ахлоқий етуклигини, айни пайтда, жисмоний гўзаллигини ҳам таъриф-тавсиф этганлар. Сўфиёна адабиётдаги "ҳусн элининг шоҳи", "гўзаллар гўзали" каби таърифлар асосан илоҳий маҳбубага ва унинг севиклиси Муҳаммад алайҳиссаломга қаратилган.

Фаришталарнинг инсонга сажда қилишига сабаб ҳам унинг наслидан Муҳаммад алайҳиссаломдек башар тожининг дунёга келиши эди. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да ёзилишича, Одам алайҳиссаломни яратиш учун ҳозирги Маккаи мукаррама жойлашган ердан жаннатга олиб кирилган бир ҳовуч тупроқданоқ "Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тийнатин тасним суйи била юғуруб, борча малоикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офариниши мунинг хилқатидур, охир уззамон пайғамбари бўлғусидур" (8, 539). Энди ғазалда ўйқиймиз:

Хоки пойингни малойик қилдилар тожи шараф,
Оллоҳ-Оллоҳ, ким кўруптур бу сифат зоти шариф (ҒС, 307).

Бошқа пайғамбарлар маълум бир қавмга юборилган бўлсалар, барча мавжудот ва махлуқотнинг афзали саналмиш Муҳаммад алайҳиссаломни Парвардигори олам бутун инсониятни ҳидоят йўлига бошлаш учун сайлаган. Шунинг учун ҳам миллат қуёши "Муножот" асарида у зотни: "Юз йигирма тўрт минг анбиёи мурсал хилқатидин мурод – ул ва барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин мақсуд – ул ва офариниш анга туфайл. Нубувват тахтида ҳумоюн фарқи узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмеърож, аввалину охиридин халқи анинг шафоатиға муҳтож" (8,539), – деб улуғласа, ғазалда шундай васф этади:

Сабаб бу эрди экин хилқатидин одамнинг
Ки, бўлғай анга сенингдек хужаста фарзанде (3, 465).

Шу ўринда, яна бир масалага ойдинлик киритиб кетайлик: Оллоҳ таоло дастлаб Муҳаммад нурини, кейин шу нур туфайли оламни, ундаги нарсаларни ва одамни яратган экан, демак, қуёш, ой ва юлдузлар ҳам ана шу нурдан вужудга келган. Бинобарин, мумтоз шеъриятда: "Сен қуёшдан ҳам, ойдан ҳам порлоқ ва гўзалсан", "Қуёш ва ой ҳам сенинг асиринг", "Қуёш ва ой сенинг ҳуснинг нуридан бир зарра" қабилидаги маъшуқа таърифида айтилган лутфлар фақат муболаға бўлибгина қолмай, шунинг баробарида, тасаввуфий ҳақиқат ҳамдир. Зеро, сўфиёна адабиётда маъно серқатлам бўлиб, маъшуқа деганда дунё гўзалигина эмас, айни пайтда Оллоҳ таоло ҳам, Муҳаммад айлаҳиссалом ҳам, илму ахлоқда етук комил инсон ҳам, кўпинча уларнинг барчаси биргаликда ҳам назарда тутилади.

Оллоҳ таоло ўзининг сўнгги пайғамбарини ҳар жиҳатдан етук қилиб яратиш билан комил инсон қандай бўлиши кераклигини кўрсатди. Бошқалар у кўтарилган мақомга етишолмайдилар. Лекин унинг фазилатлари, камолотини эгаллаш орқали улар ҳам ижобий маънода пайғамбарга издошлик қилишга, унга ўхшашга интиладилар. Бу пайғамбарлик даъвоси эмас, балки комиллик орзуси. Ана шу орзуни амалга ошириш истаги ўлароқ тариқат ва унинг босқичлари ўйлаб топилди. Риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали камолот касб этиш йўли танланди. Ўзи билан ўзи курашиб, ўз қусурларини маҳв этиш ва унинг ўрнига фазилатларга эга бўлиш натижасида инсон комиллик даражасига кўтарилади.

Гўзал одоб-ахлоқлардан иборат хислатлар ҳусни хулқ, дейилади. Расулуллоҳ бундай хислатларнинг тимсоли эдилар. У кишининг ҳусни хулқлари ҳам жиҳатдан камолга етган, мукаммал эди. Имом Термизий: “Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқи жамила ва одати шарифалари оламға машҳурдир. Дўст ҳам, душман ҳас эътироф қилур. Бутун коинот санохони хулқи Муҳаммадий эрур”, – деб таърифлайди. Навоий ҳам қуйидаги байтида Худованди карим сенга азалдан карам қилиб, барча хилқат ичида сени гўзал хулқлар соҳиби қилиб яратди, деб лутф этади:

Зиҳи, азалда карам айлабон санга Халлоқ
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ (ҒС,309).

“Пайғамбарни севмоқ Оллоҳни севмоқдир”[1], – дейди Жалолиддин Румий. Муҳаммад алайҳиссаломни Оллоҳнинг ва инсониятнинг суюклиси, икки олам маъшуғи, барча илоҳий ва дунёвий илмлар, эзгуликлар, гўзалликлар соҳиби сифатида улуғлаш орқали шоирлар айни пайтда Худованди каримга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор қиладилар. Чунончи, Навоий ёзади:

Сенинг ишқинг Навоийға ики олам аро бастур,
Ҳабибуллоҳга ошиқлик анга гарчи ҳам эрмас, ваҳ (БВ,521).

Муҳаммад алайҳиссаломни жисмоний ва маънавий-ахлоқий гўзаллик, илму ҳикмат тимсоли сифатида таъриф-тавсиф этар экан, бунда шоирлар икки нарсани кўзда тутадилар: биринчиси – Оллоҳ таоло ўз пайғамбарини икки дунё саодатига ноил этган марҳаматидан бир заррасини зора ўзларига ҳам насиб этса; иккинчиси – Муҳаммад алайҳиссаломнинг шафоати. Маълумки, Расули акрамга шафоат ҳуқуқи берилган: у зот маҳшар куни Оллоҳ таолодан ўз умматларининг гуноҳини сўраб оладилар. Бандаи ожиз эса, ўзини айбу гуноҳлардан фориғ деёлмайди. Боязид Бистомий каби орифлар султони даражасидаги не-не улуғ пири комиллар, қанчадан-қанча сўфийлар ҳам имонининг бутлигидан гумонсирагани маълум. Шундай экан, барча ҳам шафоат қилинувчи уммат аҳлидан бўлишни истайди ва орзу қилади. Мисол учун, “Лисон ут-тайр”да ўқиймиз:

Ким онингдек ҳомию зоти рафеъ,
Журмумизға бўлғуси тонгла шафеъ.

Ё Раб, ул кунким, шафеъ ўлғой Расул,
Кимниким ул истаса, қилғунг қабул.

Юз туман минг аҳли исёну гуноҳ,
Топқуси раҳмат етиб фазли илоҳ.

[1] Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (У.Абдуваҳоб таржимаси). – Тошкент, 1997, 111-бет.

Бўлғуси ул хайл аро Фоний доғи,
Қилмоғойсен ноумид они доғи (9,18–19).

Комил инсонга дастлаб олий талаблар қўйилгани, бу рутбага ёлғиз Муҳаммад алайҳиссалом муносиб кўрилганидан у қандайдир илоҳий-кайҳоний зотга, комил инсон ҳақидаги назария эса мавҳум таълимотга айланиб қолган эди. Чунончи, "Ибн Арабий, Шайх Омилий ва Абдулкарим Гилоний қарашларига диққат қилинса, комил инсон бир кайҳоний вужуд бўлиб кўринади, унинг сифатлари ердаги фоний одамлар сифатига, аниқ шахслар хислатига ўхшамайди. Унда биз жамики ғайритабиий кучларнинг мажмуини мушоҳада этгандай бўламиз... Комил инсон булар назарида оламларни эгаллаган, оламларга, барча жонзотлар ва инсонларга таъсир этиа оладиган, инсониятни бошқарадиган бир Буюк руҳдир, Маънавий-Ақлий қудратдир"[1].

Комил инсон таълимоти намояндаларидан Азизиддин Насафий (XIII аср) бу қарашларни ҳаётга яқинлаштирди. Натижада комил инсон реал одамга айланди. Унинг фикрича, тўрт нарса – яхши сўз, яхши иш, яхши хулқ ва маърифатда камолга етган ҳар қандай киши комил инсон аталишга муносиб[2]. Бу фазилатларни эса, астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай одам ҳам эгаллаши мумкин. Демак, комил инсон бўлиш имконияти ҳаммада мавжуд. Муҳаммад алайҳиссалом эса, бу доиранинг марказида комиллар комили бўлиб қолаверади.

Навоий Муҳаммад алайҳиссаломни коинот гултожи, башар аҳлининг ягонаси сифатида ҳар қанча улуғласа-да, одам авлодидан ҳеч ким унга етишолмаслигини қайта-қайта таъкидласа-да, комил инсонга у эришиши мумкин бўлган талаблар билан ёндашади. "Навоий назарида комил инсон хаёлий бир нарса эмас, балки реал ҳаётий одамлар, бироқ шуниси борки, бундай одам тариқат сулукини қабул қилган чинакам дарвеш бўлиши керак. Бошқача айтганда, идеал инсон – бу камида гўзал ахлоқли, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган фонийтабиат фақир киши"[3]. Шоир наздида ўзидаги қусурларни маҳв эта ва янгидан-янги фазилатлар касб эта бориб, инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан шу даражада юксаладики, бу мақомга эришган кишиларни Муҳаммад алайҳиссаломнинг ворислари, пайғамбар ишининг давомчилари, дейиш мумкин. Чунончи, "Олимлар – пайғамбарларга ворис", деган ҳадисдан келиб чиқиб, шоир ёзади:

Улуғлардин насиб истар эсанг, касби камол этгил,
Нединким, анбиёға илмлиқ инсон эрур ворис (ФК,91).

"Фарҳод ва Ширин" достонида бу фикрни ривожлантиради:

Бировким, қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.
Ҳадис ўлмиш набийдин буйла ҳодис –
Ки, олим келди пайғамбарга ворис (6,718).

"Ҳукамо қавлининг таржимаси инсоният бобида" сарлавҳали қитъасида эса тавозе, афв ва саховат соҳиби бўлган кишини комил инсон дейиш мумкин, деб ёзади:

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса они аҳли давлат.

[1] Комилов Н. Тасаввуф, 146-бет.
[2] Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент: "Камалак", 1996, 51-бет.
[3] Комилов Н. Тавҳид асрори. – Тошкент, 1999, 103-бет.

Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул –
Ки, зоҳир бўлғай эл топқонда қудрат.

Ато ҳам турфа ишдур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.

Ҳаким инсони комил дебтур они –
Ки, бўлғай зотида бу неча хислат (2,700).

Албатта, Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари тасаввуф билан боғлиқ. Унингча, тариқат йўлига кирмай, риёзат чекмай, камолотга эришиш мумкин эмас. Қуёш бир томондан чиқиб, иккинчи тарафга бориб ботгани сингари камол касб этишни орзу қилган киши ҳам риёзат босқичларини босиб ўтиши керак, дейди бу ҳақда шоир:

Қуёшдек манозил тай этмак керак,
Не раҳравки, қилғай камол орзу (НШ,516).

Бу ерда раҳрав – йўл юрувчи, йўловчи, яъни солик, мурид: тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Худо сари сайр қилаётган киши.

Инсон онадан комил бўлиб туғилмайди ёки бирданига камолотга эришмайди – бунинг учун муттасил интилиб, бирма-бир муайян босқичларни босиб ўтиш тақозо қилинадики, тасаввуфда бу босқичлар мақомот – мақомлар деб юритилади. Бу мақомлар 9 та бўлиб, биринчиси – тавба: ўз айбу қусурлари, дунё ҳирсу ҳаваслари, нафс истак-хоҳишлари, яъни инсонни камолот йўлидан чалғитадиган барча нарсалардан воз кечиш; иккинчиси – вараъ: барча ёмон, ҳаром, шубҳали, ножўя нарсалардан сақланиш, парҳез қилиш; учинчиси – зуҳд: дунёдан юз ўгириб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик; тўртинчиси – фақр: дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларини тарк этиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлиш; бешинчиси – сабр: замон ва одамлардан етадиган барча зулм, озор, кулфатлар, тақдирдан юзланадиган балоларга сабр этиб, Худодан ўзгага нола-илтижо қилмаслик; олтинчиси – хавф: ҳамиша нафс васвасасига учишдан, шайтон макрига алданиб қолишдан, иймонни бой беришдан қўрқиб яшаш; еттинчиси – ражо: Оллоҳ марҳамати ва мурувватидан умидворлик; саккизинчиси – таваккул (таваккал): комил эътиқод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганнинг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафс ташвишидан бутунлай фориғ бўлиш; тўққизинчиси – ризо: нафс ризосидан чиқиб, Ҳақ ризосига кириш, қазои қадарга бўйсуниш, таслим бўлиш, ҳамма нарсани Ҳақдан деб билиш.

Кўпгина ғазалларида Навоий пирсиз тариқат босқичини ўтиб бўлмаслиги, камолот йўли раҳнамосиз амалга ошмаслигини таъкидлайди. Чунки риёзат йўли оғир ва мураккаб бўлиб, бу йўлга етук етакчи етагида кирмаган киши адашиши мумкин. Чунончи, “Мажолис ун-нафоис”да ўзига замондош шоир Камолиддин Биноийнинг табиатидаги қусурлардан қутулиш учун риёзат йўлига киргани, лекин бирор пирнинг этагидан тутмагани боис ҳеч бир натижага эришмаганини ёзади: “Бу сифати салбий учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади” (9,341). Шунинг учун ҳам тасаввуфда ҳар жиҳатдан комил муршидга мурид тушиб, бу маънавий раҳбарнинг азму иродасига бўйсуниш, ўз айбу нуқсонларини унинг кўрсатмаларига биноан тузатиш энг мақбул ва энг кенг тарқалган йўл ҳисобланади. Бу аслида Муҳаммад алайҳиссалом йўли бўлиб, Пайғамбаримиз саҳобаларни худди шундай

суҳбат усули билан тарбиялаганлар. Шоирнинг ўзи ҳам 1476 йили Абдураҳмон Жомийга қўл бериб, нақшбандия тариқатига кирган.

Иста комил хидматин ғафлатни рафъ айлай десанг (ҒС,595), –

деб ёзади бу ҳақда шоирнинг ўзи.

Инсонни камолот йўлидан бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, ёмон одатлардан халос этиб, яхши фазилатларга ошно қиладиган, кўнглидан "ғайр нақшини кетказиб", илоҳий маърифатга етказадиган, қисқаси, хом толибни риёзатлар ўтида пиширib, гўзал хулқ ва етук илм соҳибига айлантирадиган, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий раҳбарни Навоий пир, муршид, комил, ориф, соқий, пири майхона, пири майкада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, пири муғон, пири хаммор каби мажозий тимсол ва сифатлар билан улуғлайди. Шунга мувофиқ, майхона, майкада, дайр, дайри фано, харобот, бутхона сўзлари ана шундай комил инсонлар суҳбати, давраси ва йиғиладиган жойини англатади. Чунончи:

Йўл қоронғудур, талаб ноқис – қадам не навъ урай,
Ёрумай комил дамидин машъали иршоднинг (ҒС,355).

"Билгилким, тариқат йўлининг қароқчилари кўпдир, улар нодон ва калтафаҳмларни ҳийла-найранг донаси билан макру фириб домига тушириш пайидадирлар, – деб ёзади Ҳусайн Воий Кошифий. – Шунинг учун раҳнамо бўла оладиган, пирлик (шайхлик) шарт-шароити ва рукнлари (асослари)ни яхши биладиган одамни пир, деб танлаш лозим"[1]. Сўфи Оллоёр таъбири билан айтганда:

Ўшал пиреки, эрнинг эри бўлғай,
Тариқат бешасининг шери бўлғай[2].

Бундай комили даврондан таълим олган киши камолда қуёшдан-да юксак бўлади:

Давронда камол ичра қуёштин бийик ўлди,
Ҳар зарраки, бир комили давронга йўлуқти (БВ,620).

Зеро, пир таълими, ундан етган илоҳий файз кўнгилдан ғайр нақшини кетказади:

Дайр пири қулименким, май ила
Ғайр нақшини кўнгулдин кетариб (2,65).

Нақшбандия тариқатининг замонамиздаги йирик вакили, муршиди комил Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ёзишича, шайхнинг икки вазифаси бор:

"1. Бандаларга Оллоҳни севдириш: бандаларга Оллоҳнинг лутфини, карамини, қудратини, ҳикматини, санъатини, коинотини, атомларни, юлдузларни, гулларни, набототни, ҳужайраларни тушунтириш. Нақадар илминг чуқур бўлса, шу қадар чиройли тушунтирасан ва рўпарангдаги тингловчи ҳайрон қолади, таъсирланади ва Оллоҳни сева бошлайди. Шайх муриднинг кўнглига Оллоҳ ишқини жо этиши даркор!

[1] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1994, 23-бет.
[2] Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. – Тошкент, 1991, 44-бет.

2. Оллоҳга бандаларни севдириш: “Айтинг (эй Муҳаммад): “Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Оллоҳ гуноҳларни мағфират қилувчи, меҳрибондир” (“Оли Имрон” сураси, 31-оят). Ушбу оятга мувофиқ шайх муридларини Расулуллоҳнинг суннатларига эргаштиради ва шу орқали инсон Оллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Пировардида “Фано фиш шайх”, “Фано фир расул” ва “Фано филлоҳ” даражаларига етади”[1].

Қадаҳ гар бермасанг, эй дайр пири, не осиғ ранжким,
Сулук этмас асар гар пирдин етмас ҳидоят хўб (НШ,48).

Дайр – насронийлар ибодатхонаси бўлиб, мажозий маънода майхонани, “ҳаммаслак покбоз ошиқлар даврасини”[2], шунингдек, “зоти аҳадиятдан ҳузурланиш”ни[3] билдиради. Дайр пири – майхона пири, демакки тариқат пири, маънавий пешводир.

Тасаввуф адабиётида жом ёки қадаҳ деганда, одатда, пири комил ёки ориф инсоннинг илоҳий файзга лиммо-лим қалби назарда тутилади. Бу ерда қадаҳдан мақсад – пир таълими, ундан етадиган маънавий ҳузур.

Сулук – бу ерда тариқат, тасаввуф йўли маъносида келаяпти.

Ҳидоят – раҳнамолик, раҳбарлик, тўғри йўлни кўрсатиш.

Осиғ – наф, фойда, манфаат.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: “Эй тариқат пири, агарда сен маънавий ҳузур еткизмасанг, ранжу машаққат чекишдан нима фойда? Агар пирдан тегишли даражада ҳидоят етмаса, тасаввуф йўлига киришнинг ҳеч бир нафи йўқ”.

Сўфийлар таълимотига кўра Оллоҳга зоҳирий илмлар ва зуҳду тақво билан етиб бўлмайди, уни кўнгил билан дарк этиш, Унга ишқ билан етиш мумкин. Илму тақвода энг юксак рутбага эришган кишилар ҳам шунинг учун тасаввуфда мактаб боласи ҳисобланади, чунки улар ишқ алифбесидан бехабар. “Ақд ўлди қошингда тифли мактаб” (7,56), – дейди бу ҳақда Навоий. Шайх Санъонни эсланг. У Каъбада эллик йил шайхлик қилган, 400 дан ортиқ муриди бор эди. унинг тақвою тоатига ҳатто фаришталар таҳсин ўқирди. Лекин тарсо қизини кўргач – кўнгилга ишқ ўти тушгач, ҳаммаси бошдан бошланди: у энди ишқ босқичларини – ранжу бало водийларини босиб ўта бошлади. Абусаид Абулхайр ёзгани каби:

Гар мадрасада сен энг билимдон бўлсанг,
Ҳар даврада зўр – дониши даврон бўлсанг.
Бу илм ила ишқ мактабида, тонг йўқдир,
Ёш бола каби ожизу нодон бўлсанг[4].

Шунинг учун Навоий дайр пирига мурожаат қилиб, зуҳду илмни олу, ўринга ишқ алифбесини ўргат, дейди:

Айлабон барбод зуҳду илмни, эй пири дайр,
Тифли раҳдек эмди бизга пишқ алифбесин ўқут (НШ,79).

---

[1] Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси (Н.Ҳасан таржимаси). – Тошкент, 1998, 23-бет.
[2] Рустамов А. Шоирнинг биринчи ғазали \\ “Шарқ юлдузи”, 1987 йил, 2-сон, 179-бет.
[3] Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тарққиёти, 42-бет.
[4] Ишқ дафтари. Рубоийлар (Форс тилидан Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: “Маънавият”, 2000, 12-бет.

Бошқа бир ғазалида эса дайр пиридан бу чигал олам сирларини англатишини сўрайди:

Тутуб бир қадаҳ, англат, эй пири дайр –
Ки, бу коргаҳ сирри мубҳам бўлуптур (НШ,169).

Шоирнинг дайр пири зикр этилган ғазалларида кўпинча муғ, муғ дайри, муғбача, пири муғон сўзлари ёнма-ён келади. "Муғ"нинг луғавий маъноси оташпараст бўлиб, бу сўз баъзан оташпарастлар руҳонийсини ҳам билдиради. Мажозий мазмунда муғ – "пири комил"[1]. Муғ дайри – оташпарастлар ибодатхонаси, мажозан эса – майхона. Пири муғон – муғлар пиридан мақсад – "комил инсон бўлиб, май сотувчи (майфуруш) сўзи ўрнида қўлланади ва руҳоний раҳбар маъносини англатади"[2]. Муғбача – муғлар хизматидаги бола бўлиб, сўфиёна адабиётда у "содиқ мурид, чин ошиқ"[3] ва соқий тимсоли ҳисобланади. Чунончи, қуйидаги байтда у соқий маъносида келади:

Менга дайр ичра берди муғбача бир майки, жон топтим,
Бу жаннатнинг ҳамоно ҳури улдур, кавсаридур бу (ФК,520).

Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида Муҳаммад алайҳиссаломга пири муғон сифатини беради:

Пири муғон Ҳақ Мустафо бешак билинг,
Қайга борсанг, васфин айтиб, таъзим қилинг[4].

Дайр, дайр пири, муғ, муғбача, муғ дайри сўзларининг бир-бирига нисбати бўлиб, улар биргаликда ягона занжирни, уйғунликни ташкил этади. А. Рустамовнинг ёзишича, муғбача ўрнида соқий ёки бошқа сўз ишлатилса, улар дайр сўзига уйғунлашмайди. "Соқий" сўзи майхона, майкада каби сўзларга уйғундир. Моҳир санъаткорлар сўзларни рамзий мазмунда ишлатганда ҳам уларнинг асл луғавий маъноларини назардан четда қолдирмайдилар"[5]. Навоийнинг қуйидаги рубоийси бу жиҳатдан диққатга сазовор:

Муғ дайрида бўлса манга бу кошона,
Малжаъ дағи пири дайрдек фарзона.
Май муғбаа тутса ҳар замон мастона,
Кофир бўлайин бўлса муродим ёна (1,742).

Шоир шеъриятида дайр, дайри фано тимсоллари ҳам кўп учрайди. Дайр, айтиб ўтганимиздек, майхона, баъзан дунё маъносида ҳам келади. Чунончи, қуйидаги байтда дайр – майхона маъносида келган:

Ҳар кишиким ному бенанг ўлса, кирсун дайр аро,
Хонақоҳ тутсун ғанимат, улки нанггу номи бор (НШ,184).

---

[1] Ҳ а қ қ у л И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: "Маънавият", 1998, 138-бет.
[2] С а й й и д Ж а ъ ф а р С а ж ж о д и й. Фарҳанги мусталаҳоти урафои ва мутасаввифа. – Теҳрон, 1339 (ҳижрий-шамсий). – Сах. 112.
[3] Ҳ а қ қ у л И. Ирфон ва идрок, 138-бет.
[4] А ҳ м а д Я с с а в и й. Ҳикматлар. – Тошкент, 1991, 53-бет.
[5] Р у с т а м о в А. Шоирнинг биринчи ғазали, 179-бет.

Мана бу байтда эса дайр сўзи дунё маъносида келган:

Даврнинг ифлосидин май ички, жоҳ аҳлиға
Айламон боварки, бу дайри дағо қилғай вафо (НШ,39).

Дайри фано – "ҳайвоний нафсдан қутулган, руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами"[1]. Чунончи:

Ҳушёр ани билгил бу фано дайрида, эй шайх –
Ким, тўлғуча паймонаси бир лаҳза ойилмас (НШ,228).

Мумтоз шеъриятда кўпинча дайр пири – шайхга, фано дайри – хонақоҳга зид қўйилади:

Хонақаҳда бода ичкан эмин эрмас шайхдин –
Ким, фано дайридадур дор ул-омондурким, ичар (НШ,178)).

Қуйидаги байтда эса Навоий маънавий ҳақиқатларни кашф этган одамлар ҳузурини қўмсаш, улар ҳикматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган:

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, ва гар олтун қадаҳ (FC,105).

Харобот, харобот аҳли ҳам Навоий ижодидаги фаол тимсоллардан. Харобот "тасаввуф истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши – қаноат, фақр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одатлардан қутулиб, ўзни хоксорлик, камтаринлик рутбасига солишдир"[2]. Харобот риндларининг "нафслари туфроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳимматлари олдида баланд осмон гўё пастдек. Замон қайғуларидан кўнгли ғамсиз, фалак ташвишларидан хотири аламсиз. На ҳаётдан, на ўлимдан қўрқади; ҳиммати олдида бор-йўқ бирдай"[3]. Харобот – "комил инсон ҳузури", пири харобот – комил инсон, шайхи ориф ҳам дейилади"[4]. Харобот аҳли – риндлар, ошиқлар. Улар кўпинча зоҳид, муҳтасиб, шайх, уламо сингари зоҳирпарастларга қарши қўйилади. Харобот аҳли (уларни сийрат аҳли ҳам дейиш мумкин) Ҳаққа етиш йўлида ишқни асос қилиб олсалар, суврат аҳли (яъни шайху зоҳидлар) Оллоҳ ризосини тақвода, тоат-ибодатда, деб биладилар.

Харобот ичра кирган кишининг ундан қайтиб чиқиши қийин. Шундай экан, эй порсо, ўзинг ҳам май ич-у, бошқаларга ҳам узат. Порсо – тақводор дегани. Яъни илоҳий жазба теккан инсоннинг Оллоҳ ишқидан юз ўгириши мушкул:

Чун харобот ичра туштунг – чиқмоғинг душвор эрур,
Ихтиёринг йўқ ичиб, эй порсо, тутқил қадаҳ (НШ,105).

Шоир наздида харобот ичра бир қадаҳ май симирмоқ Хизрга қўшилиб оби ҳаёт ичмоқдан афзал. Бу билан у Оллоҳ ишқининг бир лаҳзасини абадий умрдан устун қўймоқда:

---

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 170-бет.
[2] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 170-бет.
[3] А л и ш е р Н а в о и й. Маҳбуб ул-қулуб (Насрий баён). – Тошкент, 1983, 43-бет.
[4] М у ҳ и д д и н о в М. Сўфийлар ахлоқи \\ "Тафаккур", 1997 йил, 4-сон, 46-бет.

Гар харобот ичра мумкиндур сумурмак бир қадаҳ,
Хизр агар ўлтурса бормам чашмайи ҳайвон сари (ҒС,628).

Навоий ғазалларида комил инсоннинг сифати бўлиб келган сўзлардан энг кўп учрайдигани – соқий. Маълумки, соқий деганда, сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби Оллоҳ, пайғамбар ва комил инсонлар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан бағраманд этадилар. Чунончи, қуйидаги байтда соқий тимсоли орқали бир вақтнинг ўзида ҳам Худо, ҳам пайғамбар, ҳам пири комилга ишора қилинмоқда:

Соқиё, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут –
Ким, мени ҳайронға бўлғай кашф сирри лав кушиф (ҒС,304).

Мана бу байтда эса Оллоҳнинг ўзи кўзда тутилмоқда:

Бўл сафо аҳлиға ҳамдам, ёр васлин истасанг,
Аксини солғайму соқий бўлмағунча бода соф (ҒС,305).

Камолот йўли нафсни енгишдан бошланади. Ўзида энг ёвуз хусусиятларни жамлагани жиҳатидан нафс сўфиёна адабиётда кофир, душман, рақиб, Дажжол, аждаҳо, дев, ит каби сифатлар билан қаттиқ қораланади. Салафлари анъанасини давом эттирган Навоий ижодида ҳам нафс айни сифатлар билан мазаммат қилинган шеърларга кўп дуч келамиз. Чунончи, қуйидаги байтда Навоий ҳақиқий мардлик тўқайдаги шерни мағлуб этиш эмас, балки нафс итини енгишдир, дейди:

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ (ҒС,288).

“Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар Парвардигорнинг ўзи раҳм қилмаса, албатта, барча ёмонликларга бошлагувчидир”, – дейдилар Юсуф алайҳиссалом[1]. Чиндан ҳам нафс энг ёвуз сифатларни ўзида жамлагандир. Ғаззолийнинг ёзишича, тасаввуф аҳли нафс деганда, инсондаги барча мазмум (яъни, ёмон) сифатларни ўзида жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар ва бундай дейдилар: “Доимо нафсга қарши курашиш ва мудом уни синдириш лозим, зеро, Пайғамбар алайҳиссалом: “Энг қаттол душманинг ўз ичингдаги нафсингдир”, – деган ҳадисларида шунга ишора қилганлар”[2]. Қуйидаги байтда Навоий ҳам нафсга душман сифатини беради:

Бўлуб нафсингға тобеъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман – қила олсанг, ани қил банд (ҒС,115).

“Нафс нима? Инсоннинг ўз менлиги. Унинг моддий ҳаёти, бадани манфаатларини тамсил этувчи ва Оллоҳ тарафидан зиммасига вужудни бошқариш масъулияти юкланган менлигидир. Фойдали, бўладиган, бўлмайдигандир. Фақат, тарбия этилмаса, у энг асосий душман вазиятидадир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) урушдан қайтган бир гуруҳга: “Энди кичик

[1] Қуръони карим (А.Мансур таржимаси). – Тошкент, 1992, 158-бет.
[2] Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Иҳёу улумид-дин \\ “Ёшлик”, 1990 йил, 6-сон, 712-бет.

жиҳоддан катта жиҳодга келдинглар. Кишининг ўз нафси билан кураши – катта жиҳод бўлиб, марҳамат, сизларни кутмоқда", – дейдилар. Яъни, нафсни енгиш, орзу-истакларга ҳоким бўлиш учун кураш энг катта мужодала экан! Яна Пайғамбаримиз айтадиларки: "Жиҳоднинг энг фазилатлиси кишининг ўз нафси билан кураши, уни енгиши, ҳавойи нафсини назорат қилиб, унга ҳоким бўла олишидир"[1].

Нажмиддин Кубро нафсга кофир сифатини берган эди:

Пинҳон эмас асло – ичда бир дев бордир,
Бошини кўтармоғи унинг душвордир.
Иймонини минг мартаба талқин қилдим:
Ул асли азал муслим эмас, куффордир[2].

Убайдийнинг қуйидаги рубоийси Кубронинг мазкур қарашларини мантиқан давом эттиради:

Бир лаҳза нафс мутеъи фармон бўлмас,
Ўз қилмишидан сира пушаймон бўлмас.
Дунёдаги бор мазҳаблар ҳукми билан
Кофир аталур у – ҳеч мусулмон бўлмас[3].

Нажмиддин Кубро нафсни фақат ислом дини нуқтаи назаридан баҳолаб, у – мусулмон эмас, кофирдир, деса, Убайдий улуғ пирнинг фикрларини давом эттириб, ривожлантириб, фақат ислом динига кўра эмас, балки дунёдаги барча динлар ва мазҳаблар таълимоти бўйича ҳам нафс энг ёвуз куч сифатида қораланади, дейди. Кубро нафсни азалдан ҳозиргача кофир сифатини олиб келган деса, Убайдий бундан кейин ҳам то қиёматгача у кофирлигича қолади, сира мусулмон бўлолмайди, деб қатъий ҳукм чиқаради.

Нафсни кофирга нисбат бериш Навоий ғазалларида ҳам учрайди:

Эй мусулмонлар, билингким, бўлди умрим ҳосили
Нафси кофир фитнасидин номусулмонлиғда ҳайф (ҒС,303).

Ўз нафсини енга бориб, солик дунё тааллуқотидан ҳам қутулишга интилиши керак. Тасаввуф адабиётида дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган, паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, юзини очганда эса, афтлари бужмайган, тишлари тўкилган қари хотин (пиразан), маккора кампир, зол, ажуза тарзида тасвирланади.

Дунёни мазаммат этувчи ғазаллар ва алоҳида байтлар, қитъа ва рубоийлар Навоий ижодида кўп учрайди. Хусусан, дунёнинг ўткинчи ва бевафолиги ҳақидаги ғоялар шоир ғазалиётининг асосини ташкил этади. Қуйидаги байтда дунё келини золи маккордир, шундай экан, эр киши уни талоқ қилиши лозим, деган нуқтаи назар илгари сурилганлигини кўрамиз:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида (ҒС,26).

---

[1] Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси, 11-бет.
[2] Ишқ дафтари, 39-бет.
[3] Ишқ дафтари, 86-бет.

Мана бу байтда эса, шоир ўз-ўзига мурожаат қилиб, дунё – зоғу зағанлар маскани, сен булбул бўлсанг, ундан учиб чиқ, дейди:

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқан яхшироқ зоғу заған маъвосидин (ҒС,438).

“Ҳайрат ул-аброр” достонида Навоий олам аҳлини иккига бўлади: аҳли нажот ва аҳли ҳалок:

Олам аро халқини Яздони пок
Аҳли нажот этти-ю. аҳли ҳалок (6,95).

Шоир ғазалиётида бу бўлиниш қабул аҳли ва рад аҳли тарзида учрайди. Дунёни фақат рад аҳли қабул қилади, дейди у:

Эй Навоий, қилдилар дунёни рад аҳли қабул,
Гар десанг мақбул ўлай, ёр ўлма бу мардуд ила (ҒС,538).

Нажот ва қабул аҳли – Ҳақ амрини тутиб, камолотга интилаётган инсонлар бўлса, ҳалок ва рад аҳли – ҳидоят йўлидан озиб, дунёга берилган, шунинг натижасида Оллоҳ марҳаматидан мосуво бўлган кимсалардир.

Дунё барча ёмонлик, ёвузлик, ёлғон, ҳийла-найранг, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Навоий исломдаги ҳар тўрттала мазҳаб билан уни уч талоқ қўйганлигини айтади:

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени (ҒС,634).

Навоий ғазалиётининг ўқилдизини ўзликни маҳв этиб, фоний бўлиш ташкил этади. Ўзлик – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо ёдидан чалғитади. Тасаввуфга кўра улар инсон бўйнидаги юк ҳисобланади. Маълумки, йўлчининг юки қанча кўп ёки оғир бўлса, унинг йўли шунча секин унади. Аксинча, юки енгил киши манзилларни тез-тез босиб ўтади. Хожа Ориф ар-Ревгарий таъбири билан айтганда: “Ул қушки, бўйнида оғир (дунёвий) юк осиғлик экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун?! Соликким, бу дунёга дилбандлиги бисёрдир, илоҳий парвоз қилолмас ва талаб водийсига қадам қўёлмас”[1]. Бинобарин, бу каби моддий тўсиқлар қанча кам бўлса, фақр йўлига кирган соликнинг илоҳиёт сари сайри шунча осон, енгил кечади. Чунки кўнгил то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмайди. Шоирнинг ўзи бу ҳақда: “Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим” (БВ,432), – дейди. Шунинг учун ҳам Мажнуннинг Лайли муҳаббатига мағлуб бўлиб, дашту биёбонга чиқиб кетиши ҳақидаги фасл ниҳоясида ёзади:

Эй қайди замона бирла хурсанд,
Бўлғон сенга ўзлукунг оғир банд.

Ўзлукдин ўзунгни айла озод,
То дашти фаноға киргасен шод (7,110).

[1] Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. – Тошкент, 1994, 6-бет.

“Ўзлукдин қутулмоқ суубатида ва аноният тарки шиддатида” деб номланган қитъасида шоир ўзликдан қутулиш осон эмас, бунинг учун пир, истеъдод ва тавфиқ (Ҳақ мадади) лозимлигини таъкидлайди:

Эй кўнгул, тан пахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин,
Истасанг соҳилга чекмак, билки, бу осон эмас.
Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса бўлмас бу иш,
Кимдурурким, бағри бу ҳасратдин анинг қон эмас (1,707).

Нақшбандия тариқатининг асоси ҳисобланган зикри хуфияни шарҳлар экан, Н. Комилов унинг ўзлик билан боғлиқ жиҳатлари хусусида қуйидагича ёзади:

“Баҳоуддин Нақшбанд таълим берадиларки, солик ҳамиша ўз ботиний аҳволининг таҳқиқи пайидан бўлсин, назорат ва ҳифзу ҳисобни текшириб туришни канда қилмасин. Алоуддин Аттор пирларининг фикрини давом эттириб, хатар ботинда ўрнашиб қолмаслиги учун, яъни дунё меҳри дилни банд этмаслиги учун киши ўзини кузатиши, нафас орқали бўшатиб туриши керак, деб айтади. Шунда ирода-ихтиёр қайси томонда экани маълум бўлади. Киши қанчалик ботинга сафар қилса, шунча ўзини англайди, зотан ўзингга кетиш – ўзидан кетиш (ўзини тарк этиш) демак. Ва айни пайтда бу ўзингга қараб бориш ҳамдир. Чунки ўзликни тарк этмоқ – ўзини танимоқдир. Ўзингдан бегонаву Ҳаққа ошнолик, ўзидан ғойибу Ҳаққа ҳозирлик шу тахлит қўлга киритилади”[1].

Шу тариқа, дунё ва нафс алойиқларидан қутулган солик фақру фано мақомига қадам қўяди. Фақр хусусидаги қарашлар ҳам Навоий ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Зеро, “фақр – ошиқ сифати”[2]. Шоир бу тушунчани гоҳ алоҳида, гоҳ фано билан биргаликда – фақру фано тарзида кенг қўллайди. Ўзбек адабиётида фақру фанони ҳеч ким Алишер Навоийдек ҳадди аълосида куйламаган. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом: “Фақирлик – менинг фахрим!” – деганлар. Бу ҳадис тасаввуф аҳлининг шиорига айланган. Чунки бу ерда фақр камбағаллик, қашшоқлик маъносида эмас, балки Оллоҳга фақирлик, дунёга эҳтиёжсизлик ҳақида. Айни маънода “фақр мартабаси – фано мақомига баравар”[3].

Фақрнинг луғавий маъноси қашшоқлик, бенаволик бўлса-да, тасаввуфий маънода фақирлик ҳеч нарсанинг йўқлиги эмас, балки дунёга, мол-мулкка рағбатнинг, эгалик ҳиссининг бўлмаслиги; давлатманд бўлган тақдирда ҳам ўз бойлигига Худонинг мулки деб қарши. Масалан, Хожа Аҳрор Валий ҳисобсиз мол-дунёга эга бўлгани ҳолда, ўзи дарвешона ҳаёт кечирган.

Фано – ўзликдан, яъни моддий нарсалардан буткул узилиб, руҳиятга боғланиш. Навоий назарида, фано даштига кириш учун “ўзни ўзликдан озод айлаш”, “зодсизлиқ зодини омода” этиш керак. Бу – озиқсизликни озиқ билиш, яъни руҳий озиқнинг ўзи билан кифояланиш, Ҳақдан ўзгасига эҳтиёжсизлик демак:

Гар фано даштиға киргунгдур су худ кўз ёши бас,
Лекин аввал зодсизлиқ зодини омода эт (НШ, 88).

Фано мақомига етган инсон наздида бору йўқ баробар бўлади:

Жанда бирла киши дарвеш эмас, бўлса фано
Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг, хоҳ ипак (ҒС,330).

---

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 104-бет
[2] А б д у р а ҳ м о н Ж о м и й. Ламаот \\ Абдураҳмон Жомий (Тўплам). – Тошкент, 1989, 43-бет.
[3] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 96-бет.

Фонийлик – ҳамма нарсадан ўзини кам кўриш, ўзини хору хас каби билиш, олий даражадаги хоксорлик, синиқликдир. Чунончи, Навоий бир ғазалида киши ўзини хасча ҳам кўрмаслиги керак, дейди:

Сен ўзунгни хасча кўргунгдур, эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.

Қул қил ул хасни фано оташгоҳиға ташлабон,
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом (ҒС,428).

Навоий нуқтаи назарига кўра ўзликни маҳв этиш учун кавсар шаробини эмас, балки фано жомини сипқориш керак:

Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин,
Бу ранжимға ҳамоно нафъ этар жоми фано асру (ҒС,506).

Кавсар – жаннатдаги булоқ. Ўзлик, айтиб ўтганимиздек, инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Фано – тариқатнинг ниҳояси, натижаси. Ўзлигидан қутулиб, руҳини юксалтирган, бутун фикру зикрини ёлғиз Оллоҳга қаратган кишилар ана шундай юксак мақомга кўтариладилар.

Маълум бўладики, Навоий жаннат умидидаги тоат-ибодатлар мени бу дунё ташвишларидан буткул халос этмади. Мақсадга етиш учун тариқатга кириб, риёзат босқичлариин босиб ўтишим ва фано бўлишим керак, демоқчи. Сабаби: инсоний камолотнинг асосий йўли тариқат бўлиб, шариат унинг дастлабки, тайёргарлик босқичи. Чинакам комилликни истаган киши бу босқичда қолиб кетмаслиги, бир етук пирга қўл бериб, тариқатга кириши лозим. Зеро, шариат зоҳирий покланиш қоидалари мажмуидан иборат бўлса, тариқат ботиний покланиш йўлидир. Шунинг учун ҳам машҳур тасаввуф шайхи Абдулхолиқ Ансорий: “Шариатни – жисм, тариқатни – дил, ҳақиқатни – жон деб ҳисобла”, – деган эди. Бунда у шариатни инсон танасининг ибодати, тариқатни эса қалб ибодати, деб кўрсатган.

Н.Комиловнинг ёзишича: “... тариқат ва ҳақиқат ботиний покланишнинг зарурий эҳтиёжи, шариат даражаси қониқтирмайдиган, жондан ишқ шаробини ичишга тайёр турган алоҳида шахсларнинг танлаган йўлидир. Бундай одамларнинг Ҳақ сари интилиши шу даражада кучлики, уни муайян чорчўбаларда сақлаш ва сиғдириш мумкин эмас”[1].

Мана бу байт ошиқнинг маъшуқ борлиғида маҳв бўлиши, орадан иккиликнинг йўқолиб, ваҳдатнинг содир бўлиши хусусида:

Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай (ҒС,611).

Шоирнинг севимли қаҳрамонларидан бири бўлмиш Мажнун ҳам ишқ вужудимни шунчалик ўртадики, бору йўғим маҳв бўлди, дейди:

Ишқ ўртади ул сифат вужудим
Ким, бўлди набуд барча будум (7,166).

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 83-бет.

“Лисон ут-тайр”да бу ҳақда:

Олами тавҳиддин топқон хабар,
Менлику сенликдин ул топмас асар (9,278), –

дейилади.

Тавҳид сўзининг луғавий маъноси ягоналик, ваҳдат. Диний мазмунда Оллоҳнинг бирлиги, танҳолигига эътиқодни билдиради. Бу тушунчага кўра, борлиқ ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси – намоён бўлишидан иборат. Шунинг учун жамолининг жилвасидан моддий олам пайдо бўлган Ҳақнинг вужуди ҳам тавҳид деб аталади. Тавҳидни касратнинг ботини, касратни тавҳиднинг зоҳири ҳам дейдилар. Бунда ҳақиқатни дарё билан олам, инсонни эса уларнинг касрати деб ҳисоблайдилар.

Тасаввуф аҳли наздида тавҳид фақат Оллоҳ таолонинг ягоналигини тан олиш ва унга эътиқод қилишгина бўлиб қолмай, балки инсоннинг Ҳақ томон интилиши ва у билан бирлашишга уринишини ҳам англатади. Бу жараённи мутасаввиф шоирлар қуёш ва зарра, денгиз ва томчи, шам ва парвона тимсоллари воситасида образли йўсинда ифодалайдилар: зарра қуёшга, томчи денгизга, парвона шамга интилади ва охир-оқибат улар қўшилиб-бирлашиб кетади, лекин ана шу интилиш жараёнида улар илоҳий ишқ ўтида кимёланади, покланади. Н.Комиловнинг ёзишича, “тавҳид жисмнинг фоний бўлиши ва руҳнинг Мутлақиятга қўшилиши – васлнинг юз беришидир”[1]. Бу мақомга эришган орифнинг борлиғи фақат Оллоҳ муҳаббати билан тўлиб-тошади, у дунёга парво этмайди.

Машҳур сўфий Увайс Қаранийдан нақл қилишларича, “ваҳдат шуки, кўнгилда Ҳақдан ўзганинг фикри бўлмасин”. Шайх Абулқосим Қушайрийнинг айтишича, “тавҳид – Оллоҳ исми зоҳир бўлганда расм ва табиат асарининг завол топиши, тажаллий нурлари порлаганда бегона нарсаларнинг фоний бўлиши, илоҳий ҳақиқатлар ошкор бўлганда махлуқотларнинг арзимаслиги, зикри улуғ Жабборга яқинлик мавжуд бўлганда ағёрларнинг кўринмаслигидир”.

Алишер Навоийнинг ёзишича, тавҳиднинг маъносини билган киши уни баён қила олмайди, агар баён қила олса, демак билмайди:

Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён –
Ким, баён қилдим деса, билгилки, қилмайдур билиб (FC, 55).

Навоий ғазалиётида синган сафол (эски сафол, кўҳна сафол, сафол) тимсоли ҳам кўп учрайди. Уни шоирнинг ўзи ихтиро қилган тасаввуф истилоҳларидан бири дейиш мумкин. Бу ўринда шоирнинг ҳар банди:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол (1,683–692), –

байти билан якунланадиган таржеъбандини эслаш кифоя.

Адабиётшуносликда бу борада баъзи фикрлар билдирилган. Дин ва тасаввуфга йўл берилмаган даврларда “Ғаройиб ус-сиғар”даги илк ғазал таҳсили мисолида бу муаммога дуч келган А.Рустамов: “Синган сафолдан мурод, биринчидан, синиқ кўнгил, яъни дардли

[1] К о м и л о в Н. Тавҳид асрори, 57-бет.

кўнгил, иккинчидан, фақр, яъни бойликка ҳирс қўймасликдир. Ҳақиқат майининг айшини суриш учун ортиқча молу мулк, олтин-кумуш бўлиши шарт эмас"[1], – деб ёзган эди. Н.Комиловнинг фикрича эса, синган сафол ишқ майидан маст хароботийларни англатиб келади. У Яссавий ижодидаги "кўнгли бутун" ва "кўнгли синиқ" тимсолларининг моҳиятини тушунтирар экан, "кўнгли бутунлик – илоҳий жазба ва ишқдан бехабарлик, кўнгли синиқлик эса, илоҳий ишқ шавқига тушган одам қалби"ни билдириб келиши ҳақидаги фикрни илгари суради[2]. А.Қурбонов Навоийнинг кўплаб байту ғазаллари таҳлили мисолида бу иборанинг маъно доирасини анча кенг ва чуқур текширади. Таҳлиллар натижасида шоир шеъриятида синган сафол ранг-баранг маъноларда қўлланади; асосан, Жамшид жомига зид қўйилади: гоҳ синган сафол гадолик, жоми Жам шоҳлик, ўз навбатида, гадолик комиллик, шоҳлик эса ноқислик рамзи бўлса, гоҳ бунинг аксини билдиради; жоми Жамшиднинг жуфти соф май бўлса, синган сафолнинг жуфти – дурд, май қуйқаси. Унинг хулосасига кўра: "Соф май ҳам, лойқа май ҳам сўфиёна истилоҳда илоҳий тажаллий бўлса ҳам, уларнинг бир-биридан фарқи бор: соф май сифотий тажаллий бўлиб, сифотий тажаллий Ҳақ етти зотий сифатининг кўнгилда жилва қилишидирки, бу даражага етишиш учун солик фоний бўлиши лозим. Май лойқаси эса осорий тажаллий бўлиб, осорий тажаллий илоҳий жамолнинг мулк олами, яъни биз яшаб турган олам ашёларида жилва қилишидир. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, соф май ва май лойқаси илоҳий тажаллийнинг икки кўриниши – икки босқичи бўлиб, соф май илоҳий жамолнинг олами аъло – юксак оламда, лойқа май эса илоҳий жамолнинг олами суфло – қуйи оламда жилва қилишидир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: синган сафол – зоҳирий оламга хос ҳусн жилваланган кўнгил...

Синган сафол ва жоми Жам ғоят сермаъно тимсоллардир. Уларни гадо ва шоҳ деб ҳам, толиб ва ориф, хира ва пок кўнгил деб ҳам, шу билан бирга, Навоий асарларида етакчи ўрин тутувчи ишқнинг икки тури: ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий деб ҳам айтиш мумкин"[3].

Мана бу байтда шоир харобот риндини улуғлаб, агар тупроқни мақом этса, у – Жамшид тахтига тенг, у май ичган синган сафол – Жамшиднинг жомига баробар, дейди. Зеро, Навоий ғазалларида синган сафол ибораси кўпинча илоҳий ишқ майидан маст харобот риндлари аҳволини англатади[4]:

Мақом этса туфроқ уза – тахти Жамшид,
Сафолеки, ул май ичар – жоми Жамдур (НШ,135).

Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Робия Адавия, Аҳмад Яссавий, Абусаид Абулхайр, Сулаймон Боқирғоний каби сўфийлар ҳаёти ва фаолиятида фақирлик, хоксорлик, синиқлик асосий ўрин тутади. "Худо синиқ кўнгиллардадир"[5], – дейди машҳур авлиё ва мутасаввиф шоир Фаридиддин Аттор. Шунинг учун ҳам Яссавий, Абусаид, Боқирғонийлар ижодида синиқлик ва хоксорлик тарғиби кенг ўрин эгаллайди. Табиийки, бунда тасаввуфий маънодаги дард ва фақр хусусида сўз боради. Масалан:

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичкан гадо (ҒС,1).

---

[1] Р у с т а м о в А. Шоирнинг биринчи ғазали, 178-бет.
[2] К о м и л о в Н. Комиллик тариқати \\ "Тафаккур", 1998 йил, 3-сон, 91-бет.
[3] Қ у р б о н о в А. "Жоми Жамдурур синған сафоли" \\ Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент, 2005, 62– 71-бетлар.
[4] Қаранг: К о м и л о в Н. Комиллик тариқати, 91-бет.
[5] Ф а р и д и д д и н А т т о р . Тазкират ул-авлиё (М.Кенжабек таржимаси). – Тошкент, 1997, 37-бет.

Байтнинг тасаввуфий мазмуни қуйидагича: “Илоҳий ишқ майига ташна, маърифатдан бохабар дардли кўнгил идиш бўлгани яхши – ўшанда илоҳий ишқ майи поклаган қалб кўзгудай порлаб, бутун оламни ўзида акс эттиради, Бу майдан ичса, гадо ҳам Жамшиддай бой-бадавлат ва шон-шавкатли подшога айланади”[1]. Яъни Ҳақ маърифатидан баҳраманд кўнгилнинг қиёси йўқ бўлиб, у бутун оламни кўзгудай ўзида акс эттиради. Маълум бўладики, бу байт илоҳий маърифат нуридан покланган ошиқ кўнглининг кўзгудай порлаб, жоми жаҳоннамога айлангани-ю, бу қалб соҳибининг Жамшид мақомига етгани ҳақида экан.

Яна бир байтида дарбадар бўлиб, қўлимга сафол олганча муғ кўйида зорлик қилсам, зуҳддан юз карра ортиқдир дейди:

Эй Навоий, зуҳддин юз қатла ортуқ, дарбадар
Бир сафол илгимда муғ кўйида қилсам зорлиғ (ҒС,297).

Май тўла синган сафол Жамшид жомидан афзал, уни ичиб маст бўлган гадо Жамшиддан устун:

Мен гадо масту харобот аро илгимда сафол,
Боқса Жамшид бу иқболима бўлғай ҳосид (НШ, 127).

Худди у дунёда шоҳу гадо тенг бўлганидек, дайрда ҳам синган сафол билан олтин қадаҳ аро фарқ йўқ:

Дайр ичра йўқ сафол ила олтун қадаҳда фарқ,
Шоҳу гадо тенг ўлди – ажаб корхонадур (НШ, 186).

Маълум бўладики, синган сафолнинг маъно доираси кенг бўлиб, у синиқ кўнгил; дардли кўнгил; илоҳий ишқдан бохабар кўнгил; фақр; қадаҳ, жом тимсоли бўлиб келади. Бу истилоҳ воситасида шоир илоҳий ишқдан бехабар ва бохабар кишиларни ўзаро зид қўйиб тасвирлайди. Жамшид жомига қарши қўйилгани, гоҳи ҳатто ундан устун саналгани билан охир-оқибатда синган сафол ҳам Жамшид жомига айланади.

Фақр аҳли ҳам шоир шеъриятида кўп учрайдиган тимсоллардан. Бу тимсол орқали у дунёдан узилиб, Ҳаққа яқинлашган зотларни кўзда тутади:

Ёшингни дона, бағрингни су қилким, тутти фақр аҳли
Ҳидоят қушларин бу донаву су бирла ром айлаб (ҒС,59).

Комил инсонлар ёр, дўст, маъшуқага нисбат бериб, бадиий тимсоллар воситасида таъриф-тавсиф этилганда, юз, кўз, лаб оғиз, бел ва бошқалар мажозий мазмунга эга бўлади. Бунда уларнинг вужуди – жавҳари пок, юзи – тажаллий мазҳари, оғзи – ғайб асрори, ўзи – илоҳий руҳ ва ақлнинг мужассами сифатида тасвирланади. Кўз – комил инсоннинг икки олам асроридан воқиф, муридни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи қалб кўзини билдиради:

Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ,
Не юздурур бу, не кўз, ло илоҳа иллаллоҳ (ҒС,521).

[1] Р у с т а м о в А. Шоирнинг биринчи ғазали, 178-бет.

“Тасаввуф луғатларида кўз – комил инсон тимсоли, деб шарҳланади, чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз – илоҳий зуҳурот рамзи бўлса, кўз – шу зуҳуротни ўзида жамлаган манба-мазҳар, комилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади”[1].

“Гулшани роз“да ўқиймиз:

Адам – ойина, олам – акс, инсон
Ўшал акс ичра кўздир, унда пинҳон.

Ўшал кўз ичра равшан нур эрур Ҳақ,
Ўшал кўздин боқиб, ўзни кўрур Ҳақ[2].

Лаб деганда тасаввуф истилоҳида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Лаб суви оби ҳаётга, яъни ишқу муҳаббат чашмасига ташбеҳ қилинади.

Лабдан мақсад мавжудотга илоҳий файз етказувчи раҳмоний нафас ва кўнгилни маърифат нурига ошно этувчи илоҳий сўз бўлганлиги учун у тасаввуф шеъриятида турли-туман маъноларда кенг қўлланади. Алишер Навоий ижодида ҳам унинг ранг-баранг талқинларига дуч келамиз. Масалан, комил инсоннинг ўзида илоҳий файзни мужассам этган лабидек жонпарвар дунёда йўқ. Чунки бу лабдан чиққан сўз оби ҳаёт ичра пинҳон илоҳий руҳга ўхшайди:

Лабларингдин руҳпарвар нутқ зоҳирдур магар,
Руҳи қудсий оби ҳайвон ичра ором айламиш (НШ,252).

Ошиқнинг ўз маъшуқасидан бўса исташи – мурид нинг муршид сўзига ташналиги, у орқали илоҳий сирлардан баҳраманд бўлиш орзусини англатади. Ирфоний мазмунга йўғрилмаган сўздан ҳақиқат толиби завқ олмайди. Шу маънода, “лабингдан сўрдириб, мени ширинкалом этгил” мазмунидаги илтижолардан мақсад маърифат асрорини англашга интилишдир:

Лаъли руҳафзосидин бир бўса пайғом айлади,
Гарчи ёлғон эрди, мен жон топтим ул пайғомдин (БВ,467).

Бел – соликнинг вужуди. Бошқа тўсиқлар қолмаганда вужуди унга парда бўлади. Толиб ва матлуб ўртасидаги азалий муносабат, ошнолик ҳам кўзда тутилади. Комил инсоннинг фикру тахайюлига ҳам ишора қилинади. Қилдай (ингичка) бел – бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлигини тамсил этади. Соликнинг вужуди ҳижоби ҳам эътиборга олинади[3].

Нозуклугидин эркин, ё мен ҳасудмен,
Буким анинг белин кўра олмон камар била (ҒС, 528).

---

[1] К о м и л о в Н. Тавҳид асрори, 88-бет.

[2] Ш а й х М а ҳ м у д Ш а б у с т а р и й. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: “Тамаддун”, 2013, 21-бет.

[3] С а ж ж о д и й С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1389 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 51.

Оғиз орқали илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилинади. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги – илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона. Чунончи, Навоий ёзади:

Тангри бермиш ул парипайкарга андоқ тор оғиз –
Ким, киши билмаски, анда йўқмудур ё бор оғиз (ФК,219).

Бунда парипайкар деганда еру кўкнинг соҳиби Оллоҳ таоло ҳам, икки олам маҳбуби Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, қалби Тангри маърифатидан файзиёб комил инсон ҳам, илоҳий камол ва жамол мазҳари бўлган маъшуқа ҳам кўзда тутилади.

Илоҳий маъшуқа ҳамиша, ҳамма ерда ўз жамолини кўз-кўз қилади, ошиқлари қалбига ирфоний файз етказади, маърифатидан огоҳ этади-ю, лекин ўзини пинҳон тутади:

Оллоҳ-Оллоҳ, турфадур буким: ики жонбахш лаб
Икки ён маълуму эрмас ўртада маълум оғиз (ҒС,220).

Навоий ғазалиётида у ёки бу даражада комил инсонни билдириб келган тимсол ва сифатлар шунчалар кўпки, бир мухтасар мақола доирасида уларнинг барчаси хусусида тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам биз уларнинг айримлари ҳақида дастлабки маълумотлар бериш билан кифояландик.

Таҳлилларидан маълум бўладики, Навоий ғазалиётида комил инсон билан вобаста сўз ва тушунчалар бир-бири билан боғлиқ ягона тизим сифатида намоён бўлади. Бу истилоҳ ва тимсолларнинг ўзаро боғланиб, ягона занжир ҳосил қилишини тасаввур этиш учун комиллик йўлининг харитасини кўздан кечириш кифоя. Аслида тасаввуф таълимотида ҳам улар бир-бирини тақозо қиладиган, бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар ҳисобланади.

Маълумки, камолот йўлига кирган киши солик, мурид, сўфий, толиб, ринд, дарвеш каби номлар, талаб аҳли, харобот аҳли, фақр аҳли, сулук аҳли, дайр аҳли сингари сифатлар билан юритилади. Бу йўлни пирсиз босиб ўтиш мумкин эмаслиги сабабидан у ўзига дастлаб бир муршиди комил танлайди. Пир, муршид, пири майхона, пири майкада, пири дайр, пири муғон, пири хаммор, соқий, ақли кулл, пири харобот, пири ишқ каби номлар билан эса сўфийни камолот сари бошлайдиган икки дунё сиридан огоҳ соҳибдил инсон улуғланади. Тариқат йўлига кирган солик аввало фақрни шиор қилиб олиб, ўзликка қарши кураш бошлайди. Бу жараёнда у нафс, дунё ва жисм талабларини енгиб, ўзини фано мақомига етказади, фоний бўлади. Фонийлик, фанодан кейин эса бақо келади. Бақога етган солик комил инсон ҳисобланади. у Ҳақ ва халқ орасида восита бўлади. Унинг қалб кўзгуси ойинаи жаҳоннамо, Жамшид жомидай бўлиб, бутун дунё сир-асрори унда акс этиб туради. Демак, кўзгу, Жамшид жоми, ойинаи жаҳоннамо сўзлари ҳам комил инсон билан боғлиқ бўлиб, унинг илоҳий файз шуъласидан чарақлаб турган шаффоф қалбини билдиради. Риёзат босқичларини босиб ўтиб, комиллик мақомини эгаллаган, Ҳаққа муқарраб (яқин) бўлган бундай солиҳ инсонларни сўфий, ориф, ошиқ, комил, сидқ аҳли, фақр аҳли, фано аҳли, васл (висол) аҳли, аҳли дил, аҳли таҳқиқ, аҳли ишқ, аҳли дард, аҳли назар, аҳли ниёз, пири ишқ, муршиди ишқ, ишқ арбоби, маъно аҳли, сафо аҳли, вафо аҳли, аҳли роз, ризо аҳли, аҳли маърифат, аҳли ҳақиқат, аҳли ирфон, аҳли карам, аҳли таъб, аҳли идрок, аҳли дайр, ҳиммат аҳли, шавқ аҳли, аҳли салоҳ, соҳибасрор, соҳибкамол, соҳибназар, соҳибкарам каби ном ва сифатлар билан улуғланганлар.

Шундай қилиб, комил инсон атрофига уюшган сўз ва тушунчалар ҳалқасини биргина Навоий ғазалиёти мисолида шакллантирдик. Шоир ижодида тасаввуфнинг деярли барча истилоҳ ва тушунчалари шеърий шарҳланганки, Навоий асарлари асосида ўзига хос назмий "Тасаввуф истилоҳларининг изоҳли луғати"ни тузиш мумкин. "Хамса"даги мажозий ва ҳақиқий ишқ кенг шарҳланган ўринлар, шоир ғазалиётида чуқур ишланган фақру фано концепцияси, пиру муридлик муносабатлари, тавҳид асрори, пок ишқ, инсоний камолот масалаларига бағишланган, дунё, нафс, зоҳирпараст шайху зоҳидлар, зуҳд ва зуҳд аҳли, тама аҳли, сиҳҳат аҳли, хуш аҳли, дунё аҳли, жоҳ аҳли танқид қилинган, қаноат, саховат, шижоат, муҳаббат, ҳиммат, садоқат улуғланган ғазал ва байтлар фикримизнинг исботидир.

АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Биз Алишер Навоийни мутафаккир шоир деб улуғлаймиз. Мутафаккир сўзининг маъноси тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур фалсафий мушоҳада юритиш истеъдодига эга бўлган киши дегани. Бу иш ҳар қандай иқтидорли қалам аҳлининг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам дунёда шоиру ёзувчи кўп ўтган бўлса-да, улардан жуда оз қисмигина бу шарафли номга лойиқ кўрилган.

Мутафаккир адиб, биринчидан, чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши, иккинчидан, ҳаёт, инсон ва умрнинг маъно-мазмуни, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ҳалол ва ҳаром, фано ва бақо, нафосат ва қабоҳат, дўстлик ва душманлик, диёнат ва хиёнат каби азалий ва абадий тушунчаларнинг моҳиятини теран англаб етиши ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қила олиши, учинчидан, фикр-мулоҳазаларини турли бадиий тасвир воситалари ёрдамида аниқ, лўнда ва таъсирчан ифодалаш маҳоратини эгаллаши керак. Бу эса ҳар минг ижодкордан биттасига насиб этадиган буюк мақом.

Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўққи, у қаламга олмаган бўлса! Ҳақиқатан ҳам, ҳеч нарса Навоийнинг теран нигоҳидан четда қолмаган. Айтайлик, ота-онанинг фарзанд ҳаётидаги ўрни ва фарзаднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида шундай ёзади:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунғға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш (6,139).

"Отангнинг қошида бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган қуёш деб бил".

Ота-онанинг фарзанд ҳаётида тутган ўрнини ҳеч ким бундан ортиқ таърифлаб беролмаса керак: дунё учун ой билан қуёш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, фарзанд учун ота-она ҳам шунчалик қимматга эга! Чиндан ҳам, ой туфайли тун, қуёш сабабли кун ёруғ бўлганидек, ота фарзанд ҳаётининг тунини ёритса, она кунини нурга тўлдиради. Улардан бири бўлмаса, кеча-кундузнинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғидай туюлади, чунки етим кўнгилнинг бир чеккаси ёришмай тураверади-да.

Устоз ва шогирд муносабатлари хусусида фикр юритар экан, "Ҳақ йўлида кимки машаққат чекиб, сенга биргина ҳарф ўргатган бўлса, юз хазина бойлик билан ҳам унинг ҳақини адо этолмайсан" дейди:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила (9,466).

Бу – устоз ва шогирднинг ўзаро муносабати тўғрисидаги шоирнинг фалсафий хулосаси. Дарҳақиқат, устознинг мақоми буюк – уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаганидек, устоз олдидаги шогирдлик қарзини ҳам икки дунёда узиб бўлмайди. Устоз отангдан улуғ, деган мақол бежиз айтилмаган. Бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида: “Чунки отам мени кўкдан ерга туширган бўлса, устоз ердан яна кўкка кўтарди”, – деб жавоб берган экан.

Ёшларга қарата эса шундай дейди:

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қарилик чоғи сарф қилгил ани (8,602).

Аввало, ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши маълум. Қолаверса, кейин ҳаёт ташвишларига кўмилиб, илм эгаллашга фурсат ҳам, имкон ҳам қолмайди. Бора-бора, халқ таъбири билан айтганда, “хотира ҳам айтганни қилмайди”.

Мутафаккир шоир инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида – жамиятга фойдали касб билан шуғулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг оғирини енгил қилишида деб билади. Унинг халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одамни одам қаторига қўшмаслиги бежиз эмас:

Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами (6,210).

Бу – Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам халққа қанча кўп фойданг тегса, бу нарсанинг ўзингга фойдаси кўпроқ деган ақида билан яшаган:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур (6,205).

Навоийнинг нуқтаи назарига кўра, молу дунёни йиғиш эмас, балки хайрли ишларга, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаш керак. Унинг ўзи шундай йўл тутади ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилади. Шоирнинг ёзишича, пулу бойликнинг қулига айланган, жонини тикиб молу дунёга интилган киши ҳеч қачон азиз бўлмайди:

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб, сийм харидори азиз (10,55).

Халқ ҳаётини энг чуқур қатламларигача, икир-чикирларигача яхши билган, халқ оғзаки ижодидан тўла хабардор шоир ўз асарларида халқ мақол-маталлари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, кундалик турмушдан олинган ҳаётий ташбеҳларни кўп қўллайди. Ўз навбатида, замонасининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг

қайси бири халқнинг ўзиники-ю, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиб бўлмайди. Мисоллар:

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим (9,532).

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур (9,532).

* * *

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз (9,517).

* * *

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт (9,543).

* * *

Сиҳҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема (9,540).

* * *

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату доништурур (9,527).

Алишер Навоий илк девони "Бадоеъ ул-бидоя"га ёзган дебочасидаёқ адабиёт – тарбия воситаси эканлигига урғу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: "Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай"[1]. Шундан кейин ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Айни жиҳатдан шоир мероси – маънавий-ахлоқий тарбиянинг кучли қуролларидан бири. Инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч ким Навоийдек ҳадди аълосида куйламаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, илм ва ҳунарни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, миллатнинг оғирини елкага олиш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсадан баланд қўйиш ва ҳоказо.

Навоий барчадан талаб этган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кўпки, уларни бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам лофи билан алоҳида китоб ёзиш керак бўлади. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўгит-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Аслида Шарқ халқлари қадим ул-айёмдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртаклари донишманд ота-боболаримиз битта ҳикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шоҳидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Луқмони ҳакимдан: "Пайғамбарлик

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1987, 21-бет.

берайми ёки ҳикмат?" – деди сўраганида, у ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат берган эканки, барча пайғамбарлар ҳам унинг панд-насиҳатларига муҳтож бўлган эканлар". Шунинг учун ҳам Шарқда дидактик адабиёт ривожланган. Бу ўринда "Калила ва Димна", "Қобуснома", Шайх Саъдийнинг "Бўстон" ва "Гулистон", Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", Хожанинг "Мифтоҳ ул-адл" ва "Гулзор", Абдулла Авлонийнинг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" каби асарларини эслашнинг ўзи кифоя. Панд-насиҳат мумтоз адабиётимизнинг қат-қатига сингиб, унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган.

Алишер Навоий ижоди абадий барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат, вафо, дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижаноблик, яхшилик каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик, зулм-зўрлик, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, ёлғон, тама, хасислик сингари иллатларни кескин танқид қилган. Айтайлик, Алишер Навоийнинг ўзи эзгуликни умрининг мазмунига айлантириб, бир умр одамларга яхшилик қилиб ўтди. Лекин чаён ўз халоскорига ҳам нишини санчгани каби унинг яхшилигига ёмонлик қайтарган ҳам кўп бўлди. Бир устоз киноя билан лутф этганидай, "Яхшилик жазосиз қолмас"лиги, баъзилар бошини силаган қўлингни тишлашини кўрди. Шоирнинг алам-изтироб билан "Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим", "Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим" дейиши бежиз эмас. Мана шундай одамлардан аламзада пайтларида у зуваласига инсонийлик уруғи қўшиб қорилмаган кимсаларни ҳар қанча тарбия қилма, барибир одам бўлмайди, деган хулосага келади:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами –
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами (2,698).

Дарҳақиқат, одам боласи тарбия туфайли илму ҳунар эгаллаши, баъзи яхши фазилатларга эга бўлиши мумкин, лекин унинг табиатидаги ёвузлик, кин, ҳасад, бахиллик, ғаразгўйлик, туҳматчилик, ёлғончилик каби туғма иллатларни дунёнинг жами донишмандлари бир бўлиб тарбияласалар ҳам йўқотолмайдилар. "Биров тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчирибди деб эшитсаларинг, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди деб эшитсаларинг ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтур"[1], – дейилади ҳатто Ҳадиси шарифда ҳам. Шоир шеърларидаги дунё ва замонга нисбатан танқидий руҳнинг кучлилиги, бани башардан норозилик оҳангларининг кўплиги худди шу билан изоҳланади. Аслида инсоният жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилаверади.

Алишер Навоий кўп қиррали теран фикрларни лўнда ва аниқ шаклда ифодалайди, ўз фикрининг таъсирчанлигини ошириш учун ҳаётий ташбеҳлар топади. Фикр, нарса ва ҳолатни ўхшашига нисбат бериш, ё зиддига қиёслаш орқали ибратли хулоса чиқаради. Чунончи:

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф (3,697).

[1] Минг бир ҳадис (Араб тилидан Абдулазиз Мансур таржимаси). – Тошкент: "Мовароуннаҳр", 1998, 14-бет.

Бу ерда шоир ўз фикрини қарама-қарши қўйиш – тазод санъати орқали ифодаламоқда: ҳозир бутун дунё тама қулига айланган, агар сен тамани тарк этсанг, оламдаги барча одамлар бир тарафу сенинг ёлғиз ўзинг бир тараф бўласанки, бу ниҳоятда улуғ ишдир.

Қуйидаги ҳикмат эса ташбеҳ – ўхшатиш асосига қурилган: бир синиқ кўнгилни кўтариш Каъбани обод қилишга тенглаштирилади:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай (БВ,621).

Бу тасаввуфдаги кўнгилни улуғлаш анъаналарига бориб тақалади. Кўнгилнинг ҳамма нарса, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилишининг сабаби шундаки, тасаввуфда Оллоҳдан кейин кўнгил туради. Тўғри, Каъба – Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирий, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи – инсоннинг кўнгли. Дунё ва нафс ғуборларидан покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилваланади. Шунинг учун ҳам Умар Хайём лойдан бино қилинган юзта Каъба битта кўнгилнинг ўрнини босолмайди, деган. Навоий ҳам "Ҳайрат ул-аброр" достонида оламнинг қибласи бўлишига қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасичалик қадри йўқ, деб лутф этади:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгул каъбаси (6,62).

Навоий олам ва одам моҳияти ҳақида кўп бош қотирган, тириклик ва ўлим сабаблари устида муттасил мулоҳаза юритган, инсон ҳаётининг мақсади, маъно-мазмуни хусусида бир умр ўйлаган, табиат ва жамият сирларини ўзича ечишга интилган. Унинг чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба, олимона теран тафаккур ва шоирона ўткир нигоҳ билан уйғунлашган фикр-мулоҳазалари, фалсафий хулосалари ҳикмат каби жаранглаши шундан. Чунончи, шоир оламнинг яратилиши тўғрисидаги кўп йиллик мушоҳадаларининг натижаси сифатида дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламнинг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканлигидандир, деган теран ва ҳаққоний бир фикрни баён этади:

Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдиндурур, хато кўрсам (БВ,419).

Дунё отлиқ Ёсуман ҳарчанд Фарҳоддек асл одамларни жувонмарг қилувчи бўлмасин, Хусрав каби нокаслар ҳам ундан вафо умид қилиши хатодир, чунки ҳаёт тегирмони навбати билан яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз комига тортади. Умар Хайём айтганидек, бошқалар ўлиб, ўзингнинг тирик юрганингга мағрур бўлмаки, бир куни албатта сенинг ҳам галинг келади:

Даҳр золи нечаким Фарҳодкушдур, турфа кўр –
Ким, хатодур тутса гар андин Парвез кўз (ФК,203).

Бу ерда "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳоднинг Хусрав ёллаган Ёсуман макри билан ўлдирилганлигига ишора қилинаяпти. Ҳолбуки, биламизки, Хусравнинг қувончи ҳам узоққа бормайди – Ширинниг васлига етолмай, ўғли Шеруя томонидан ўлдирилади. Ўз навбатида, падаркуш Шеруя ҳам олти ой ўтмай, ажал шарбатини тотади. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, фарқ шундаки, "Қурбон олдин кетар, жаллод кейинроқ".

Халқдан бошингга ҳар қанча жабру жафо ёғилмасин, мен учун бошқа халқ ярат дейиш жоиз эмас, чунки еру кўкнинг Парвардигори нимани қандай яратишни ўзи билади. Нима, сен Худодан ҳам дономисанки, ундай қилиш керак эди-бундай қилиш керак эди, деб маслаҳат берасан. Айни нуқтаи назардан қараганда, дунё мукаммал эмас дейиш ҳам қайсидир маънода Яратувчига таъна қилиш ҳисобланади, бундай ҳаракатнинг гуноҳ эканлиги шубҳасиз. Аввалу охирни билгувчи улуғ зот дунёни ҳозирги ҳолатида яратибдими, шуни маъқул кўрган – бунда Худонинг нимани кўзда тутганини эртага не бўлишини билмайдиган бандалар қаердан билсин:

Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақға
Деса бўлмас, менинг учун яна бир халқ ярот (ФК,73).

Навоий умрни шамолга ўхшатади: ҳар қанча югуриб, шамолга етиб бўлмагани сингари, шиддатли умр оқимини ҳам тўхтатиб туриш мумкин эмас. Шундай экан, қўлингдан келганча уни шод-хуррам ўтказ, токи сўнгги лаҳзада бу олам айвонини афсусу надомат билан тарк этма:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб (НШ,52).

Бошқа бир ғазалида изтироб билан ёзганидай, гуллаган ёшлик бўстонини ҳарчанд игнабанд девор билан ўраб олма, кексалик қўшини – куз барибир унга бостириб киради:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил (ҒС,371).

“Девони Фоний” ҳам шоир адабий меросининг ажралмас қисми. Навоийнинг форсий шеърлари ҳам бадиий баркамоллиги, теран маъноли фикрлар ва ҳикматли сўзларга бойлиги билан ўзбекча шеърларидан қолишмайди. Бинобарин, шоирнинг чуқур мазмунли фалсафий-ахлоқий фикр-мушоҳадаларини ўзида мужассам этган форсий қитъа, рубоий ва байтларисиз мутафаккир адибнинг ҳикматлар китоби ҳам, унинг тафаккур кўлами ва ижодий олами ҳақидаги тасаввуримиз ҳам кемтик бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунончи, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига татаббуъ сифатида ёзган “Туҳфат ул-афкор” қасидасида бегуноҳ кишининг кўнглини тил тиғи билан жароҳатлаш соғлом томирга наштар уриб, уни майиб қилиб қўйиш билан баробардир деб ёзади:

Бегунаҳро сохтан озурда аз теғи забон,
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст (5,663).

Ёки кишиларни хайру саховатга даъват қилиб, карам туфайли жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан дарёнинг суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди дейди:

Жавонмард аз карам муфлис нагардад,
Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.
Ба пошидан чи нуқс ояд ба дарё,
Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр (5,569).

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстонидир. Ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, аҳволи руҳиянгизга мос бир ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши шубҳасиз. Чунки кўпни кўрган донишманд шоир ҳаётнинг деярли ҳамма яхши-ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълининг бутун "ўру қир"ини обдан кузатган, табиат ва жамият ҳодисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарса-тушунчаларни ақл тарозисида ўлчаб, кўнгил дафтарига дарж этган. Шоир ҳикматлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак эканлиги учун ҳам бирор-бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмай, барча тоифага маъқул бўлиб келаяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг қиммати заррача камаймайди, билъакс тобора ортиб бораверади.

БИР БАЙТ ШАРҲИ

"Хамса"нинг илк достони – "Ҳайрат ул-аброр"нинг ташна заминни ёмғир қатралари билан сероб этадиган бўлиқ булут каби бошқаларга фойда етказувчи кишилар таърифига бағишланган 13-мақолатида халққа зарар ва фойда етказувчилар ҳақидаги фикр-мушоҳадаларининг хулосаси сифатида келган "Агар сен чин инсон бўлсанг, халқ ғамини ўзининг ғами деб билмайдиган кишини одам дема" маъносидаги:

Одами эрсанг, демагил одами
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами (6,210), –

номли машҳур байтни Алишер Навоийнинг ҳаётий дастури, умрининг бош шиори, улуғ шоир инсонпарварлиги ва халқпарварлигининг олий даражадаги бадиий ифодаси дейиш мумкин. Умуман, бу байт чинакам инсон умрининг асосий қоидаси, унинг ҳаёт кодекси бўлиши лозим. Айни жиҳатдан шамс ул-миллат ҳаёти, фаолияти ва ижоди бу борада ибрат намунаси ҳисобланади. Чунки улуғ шоир ва давлат арбоби бутун умрини халқ хизматига сафарбар этди, халқ ғаму ташвиши билан яшади, қўлидан келган ёрдамни халқдан аямади. Юксак мансабини ҳам, беҳисоб бойлигини ҳам, серқирра ижодини ҳам халққа бағишлади. Миллат фахри Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига, ижодига назар ташласак, бунёдкорлик, хайру саховат, меҳру муҳаббат, мурувватy оқибат, эзгулик, олижаноблик, одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига малҳам бўлиб, истеъдод соҳибларини, умуман, барча соҳадаги меҳнат аҳлини муттасил ва фаол қўллаб-қувватлаш бу фидойи инсон умрининг мазмун-моҳиятига, ижодининг асосий тамойилига айланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Алишер Навоийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди халқ учун умрини бахшида, миллат учун жонини фидо қилишнинг ёрқин намунаси, чинакам инсонийлик мезонидир. Чунки у инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида – жамиятга фойдали касб билан шуғулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг оғирини енгил қилишида деб билади. Шунинг учун ҳам халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган кишини одам қаторига қўшмайди. Бу – Алишер Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимидаги энг муҳим нуқта. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам халқингга қанча кўп фойданг тегса, бу нарсанинг ўзингга фойдаси кўпроқ деган ақида билан яшаган.

Бу байт аслида Шарқ адабиётида ахлоқ муаллими сифатида машҳур бўлган забардаст форс-тожик мутафаккири ва шоири Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байти таъсирида ёзилганлиги шубҳасиз:

Ту гар меҳнати дигарон беғами,
Нашояд, ки номат ниҳанд одами[1].

“Сен агар бошқалар ғаму ташвишига (“меҳнат” сўзи ўтмишда асосан ғаму кулфат, ранжу машаққат, азобу уқубат маъноларида келади) лоқайд бўлсанг, одам аталишга лойиқ эмассан!”

Одамлар аро ўзаро муносабатларга асосланиб яратилган бу ҳикмат Алишер Навоий қаламида янада теранлашиб, маъно доираси кенгайиб, шунга мувофиқ равишда таъсир даражаси кучайиб, ижтимоий мазмун касб этган: инсон фақат атрофидагиларнинг эмас, балки бутун халқнинг ғаму ташвишлари билан яшаши, ўзини халқ билан ялакат мағиз деб билиши керак.

Сўз санъати дурдоналарининг юксак бадиий баркамоллигига далолат қиладиган хусусиятларидан бири уларнинг маъно қирралари ранг-баранглиги ва турли-туман талқинларга асос беришида ёрқин намоён бўлади. Алишер Навоийнинг ушбу байти ҳам ўзида теран мазмунни бетакрор шаклда бадиий юксак ифодалаганлиги жиҳатидан уни ақли, илми, тажрибаси, маҳорати, сўзнинг маъно товланишларини билиши ва ҳис қилишига қараб ҳар ким ҳар хил талқин қилиши мумкин. Жумладан, мазкур байтда “Инсон халққа хизмат қилиши керак” деган фикр айтилиб, халқпарварлик ғояси тарғиб қилинган. Айни пайтда, инсон ва халқнинг ўзаро тақозодорлик муносабатида бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги, инсон халққа мансублигию халқ инсонлар бирлигидан ташкил топганлиги ғоясига урғу берилган.

Таниқли адабиётшунос олим Алибек Рустамов мазкур байтни қуйидаги ўн бандда ҳар томонлама кенг ва чуқур тадқиқ ва таҳлил қилган эди:

Биринчидан, бу байтда тил қоидаларига қатъий риоя қилинган, бадиий тасвир воситалари маҳорат билан қўлланиши натижасида фикр ўзининг гўзал ва бетакрор ифодасини топган.

Иккинчидан, ватанпарварлик ва шахсиятпарастлик каби бир-бирига зид хусусиятга эга бўлган икки тоифадаги киши бир сўз, яъни “одами” сўзи билан ифодаланган. Натижада ҳар икки тофадаги кишининг ташқи кўринишда бир хил эканлиги, лекин моҳият нуқтаи назаридан, яъни феълига кўра бутунлай бир-бирига қарама-қарши вужуд эканлиги шаклан исботланган.

Учинчидан, шоир мисрани “одами” сўзи биланн бошлаб, шу сўз билан тугатган. Бу билан у одамийлик масаласининг кенглигини, ҳар бир ҳаракатнинг бошланишида ва охирида, яъни натижасида одамийлик бўлиши кераклигини таъкидлаган. Бу ерда сўзнинг ўрни шу сўз билан ифодаланган хислатнинг мартабаси улуғлигини кўрсатиб турибди.

Тўртинчидан, Алишер Навоий эҳтиёж ва уни қондиришга қаратилган фаолиятини бир сўзнинг икки шакли – “ғам” сўзининг “ғамидин” ва “ғами” шакллари билан ифодалаб, бу икки нарса умумий бир ижтимоий ҳодисанинг икки жиҳатидан иборатлигини ойдинлаштирган.

Бешинчидан, бу сўзларнинг ёнма-ён берилиши шахс фаолияти халқ манфаатидан узоқ бўлмаслиги лозим, уларни ажратадиган ҳеч нарса бўлиши керак эмас, деган мазмунни англатувчи шаклий восита бўлиб, улар орасидаги боғлиқлик шахсий манфаат билан ижтимоий манфаат бир-бирини тақозо этишини кўрсатувчи далилдир.

Олтинчидан, буюк сўз санъаткори ҳам халққа, ҳам шахсга нисбатда “ғам” сўзини қўллаб, “ғами” йўқ кишининг одамий эмаслигини шаклан тасдиқлаган: халқ одамийлар

[1] Қ о с и м о в У. Саъдий ва Навоий шеъриятида инсоний комиллик масаласидаги муштараклик \\ “Адабиёт кўзгуси” (Илмий тўплам), № 6. – Тошкент, 2001, 141–143-бетлар.

йиғиндисидан иборат. Демак, халқда бор “ғам”нинг бир улуши унга аъзо бўлган ҳар бир шахсда ҳам бўлиши керак. Агар унда бу нарса бўлмаса, унинг аъзолик даъвосини қилишга ҳаққи ҳам йўқ. Одамий эса жамиятдан ажралган ҳолда яшай олмагани учун ундай кишини “одамий” деб ҳисоблаш ҳам керак эмас. Зеро, инсонлик халқ билан ҳамжиҳатлик ва ҳамнафасликда. Агар сен халқ ғамини ўз ғаминг деб билсанг, халқ ҳам сенинг ғамингни ўз ғами деб билади. Чунки сен халқнинг бир аъзоси бўлсанг, халқ сен каби аъзолар мажмуи. Бу ерда халқ билан инсонни, инсон билан халқни бир-биридан ажратмай, бир бутун – яхлит деб қараш мавжуд. Ўзини халқдан алоҳида деб қараган киши эса айни жиҳатдан халққа мансуб эмас. Халққа мансуб эмасми, демак, одам ҳам эмас. Ҳолбуки, инсон халқ отлиғ муаззам дарахтнинг бир бутоғидир.

Еттинчидан, қофия хушоҳанг бўлиб, байтнинг маъно ва бошқа шаклий воситаларига ижобий таъсир кўрсатган. Бунда “одами”нинг қофияга тушиши унинг муҳимлигини ва “ғами” сўзининг унга қофияланиши ғамнинг одамийга алоқадор хусусият эканлигини шаклда тасдиқлаган.

Саккизинчидан, вазн (сареъи мусаддаси матвийи макшуф (мавқуф) (муфтаилун муфтаилун фоилун (фоилон) – – V V – \ – V V – / – V – (–) равон чиққан ва вазн туфайли на тил қоидаси бузилган, на маъно зарар кўрган ва на бошқа бадиий воситаларга халал етган.

Тўққизинчидан, сўзларни такрорлаш, ортиқча сўз ва гап бўлакларини тушириб қолдириш ҳисобига мўъжазликка эришилган, оз сўз билан кўп маъно ифодаланган.

Ўнинчидан, байтда одамийлик ва одам эмаслик ўзаро бир-бирига зид қўйилмоқда: халқ ғамини ўзининг ғами деб билмайдиган киши одам эмас, демак у ҳайвон. Сен одам экансан, демак, халқ ғаму ташвишини ўз ғаму ташвишинг деб биласан. Байтда эса халқни ўйламайдиган кишига бўлган салбий муносабат қўпол сўзлар билан ифодаланмаган. “Одамий демагил” дегани бир нуқтаи назардан “ҳайвон” дегани билан баробар. Лекин биринчиси одоб доирасидаги фикр ифодаси, иккинчиси одобдан ташқаридир. Фикрни беадаб шаклда ифодалаганда у қанчалик тўғри бўлмасин, ўқувчи ёки эшитувчига салбий таъсир кўрсатади[1].

Саъдийнинг “Гулистон” пандномасидан ўрин олган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик кенгаши биноси пештоқига дарж этилган қуйидаги қитъаси айни жиҳатдан Навоий байти билан ҳамоҳанглик касб этади:

Бани одам аъзои як пайкаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор[2].

“Одам болалари ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд аъзолари кабидирлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади”.

Аслида бутун дунё яхлит бир вужудга ўхшайди. Унинг бир чеккасида юз берган воқеа иккинчи чеккасида акс садо беради. Байтнинг яна бир муҳим қиммати шундаки, у инсон ва халқ, жамият, дунёни ўзаро яхлит бир вужуд сифатида қарашга даъват қилади, ўргатади. Ўзини халқ, жамият, дунё билан бир бутун деб ҳисоблаган инсон эса халқ, жамият ва дунё

[1] Р у с т а м о в А. Сўз ҳақида сўз. – Тошкент, 1987, 53–55-бетлар
[2] С а ъ д и й и Ш е р о з и й. Гулистон. – Душанбе: “Дониш”, 1988. – Сах. 41.

ғамини ўз ғами сифатида қабул қилибгина қолмай, унинг бир аъзоси сифатида унга озор етишига йўл қўймайди, уни ҳамиша асраб-авайлайди. Шундай бўлганда эса дунё тинч, жамият тараққийда, халқ фаровон, инсон эса бахтиёр бўлади.

ҲАЙРАТ ОЛАМИ

Мутафаккир шоир сифатида Алишер Навоий Оллоҳ ва олам, олам ва одам, ҳаёт моҳиятию инсон умрининг мазмуни ҳақида кенг ва теран мулоҳаза юритган. Барча даврлар ва замонлар учун етук донишманд ҳисобланган бу фавқулодда тафаккур соҳибининг юксак бадиият пардасига ўраб тақдим этилган бу борадаги фикр-мушоҳадалари ўзининг фавқулодда теранлиги, тенгсиз фалсафий салмоғи ва бадиий юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради. Айтайлик, дунёнинг нотекис яратилганлиги, фалакнинг тубанлигию тақдирнинг нотантилиги, ҳаётнинг шафқатсизлигию замоннинг адолатсизлиги ҳақида ёзилган асарлар, байту мисраларнинг ҳадду ҳисоби йўқ. Албатта, Навоий ижодида ҳам фалакдан, дунёдан, замондан, одамлардан шикоят қилиб ёзилган сатрлар кўп. Лекин сўз Оллоҳнинг зоти, сифати, яратувчилик қудрати ҳақида борганда сира норозилик, оҳанглари, исён овозини эшитмаймиз. Чунончи, шоир оламнинг яратилиши тўғрисидаги кўп йиллик мушоҳадаларининг натижаси сифатида дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламнинг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканлигидандир, деган теран ва ҳаққоний бир фикрни баён этади:

Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдиндурур, хато кўрсам (БВ,419).

“Бу дунёда битта қил ҳам бесабаб пайдо бўлмаган. Агарда мен бирор нарсада хато кўрсам, у аслида ўша нарсанинг чиндан ҳам хато яратилганлиги туфайли эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг қусурли эканлигидандир”. Яъни бу дунёда нимаики менга номувофиқ, ортиқча, кераксиз, нотўғри бўлиб кўринса, бу ўша нарсанинг ҳақиқатдан ҳам мен ўйлаганимчалик ўринсиз эканидан эмас, балки менинг қарашимнинг хатолиги туфайлидир. Чунки Худонинг ишида хато бўлиши мумкин эмас. Бани башарга “Худонинг хатоси” бўлиб кўринган нарсалар аслида ўз ақлининг маҳдудлиги, илмининг чегараланганлиги, нуқтаи назарининг биқиқлиги ҳосиласидир. Олам эса бандасига боғлиқ бўлмаган азалий ва абадий қонуниятлар, олий ва собит мунтазамлик асосида ҳаракатланадиган яхлит бутунликдир.

Байтда ниҳояти иккита тушунарсиз сўз мавжуд: биринчиси – коргаҳ. Бу сўзнинг луғавий маъноси – ишхона, корхона, дўкон, иш жойи. Бирор иш амалга ошириладиган жой ёки нарса. Масалан, тўқувчилик дастгоҳи. Мажозий маънода эса бирор-бир манзил, қароргоҳ, жумладан, дунё, олам маъносида ҳам қўлланади[1]. Мирзо Бедил бу дунёни “коргаҳи қумоши шаббоф” – “тунда нафис матолар тўқийдиган корхона”, мажозий маънода “зулмат, яъни ғафлатнинг нафис матосини тўқийдиган корхона” деб атайди. Яъни ранг-баранг нарсалари билан одамларнинг кўзини ўйнатиб, уларни ғафлат тўрларига ўрайдиган ва мақсаддан чалғитадиган жой. Алишер Навоий ҳам бу сўзни айнан дунё маъносида кўп қўллайди. Чунончи, “Наводир уш-шабоб” девонидан ўрин олган ғазалларидан бирида ёзади:

Бода тутким, бу улуғ коргаҳ аҳволиндин
Ҳеч фаҳм ўлмади ҳар неча хаёлот айлаб (НШ,60).

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1983, 128-бет; Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди 1. – Москва: “Советская энциклопедия”, 1969. – Сах. 563.

“Май тутки, бу дунё сиру синоати ҳақида ҳар қанча ўйлаб, мушоҳада юритиб, тасаввуру тахайюлга берилсам-да, ҳеч нарса маълум бўлмади”.

Бу ерда, албатта, бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш. Ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Ҳақ таоло ҳамиша ҳамма ерда турли даражада тажаллий этади.

Ирфон (Маърифат) – Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм.

Маълум бўладики, шоир хулосасига кўра, бу илоҳий сир-синоатнинг тубига етиб бўлмайди, бинобарин, Ҳақ санъати мушоҳадасидан ҳайратланиш, завқланиш лозим. Ўзи бошқа бир ғазалида ёзганидек:

Бу коргаҳда ҳайрат жонимни куйдурубтур (БВ,189).

Абу Али ибн Сино ҳам бу дунёда мен билмаган сир қолмади, лекин Ҳақ моҳиятини англаш йўлидаги барча уринишларим зое кетди – Оллоҳ зоти ва сифати ҳақида ҳар қанча тафаккур қилмай, ҳеч нима маълум бўлмади деган эди:

Сўз қолмади парда ичра ҳеч маълум эмас,
Дунёда бирор сир мен учун мавҳум эмас.
Мен маърифатингда кўп тафаккур қилдим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас[1].

Ёки ўзининг чексиз билимию теран тафаккур кучига ишонган Умар Хайём илоҳий сирларнинг тагига ҳам етаман деб ўйлаган ва шунга уринган, лекин машҳур муаррих Байҳақийнинг маълумот беришича, ўлими олдидан ўзининг бу хатосини тушунган, икки ракаат намозини ўқиганча Яратганга мурожаат этиб: “Эй Худованди карим, сени ақлим етганича танидим, кечир!..” – деганича жон таслим қилган экан. Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома” достонида ҳам билимдонлик даъво қилиб, сирлар пардаси ичидаги Оллоҳ моҳияти ва бошу охири йўқ олам синоатини билишга уринган учун Умар Хайёмнинг Худо олдида хижолату уятдан қабрида қийналиб ётгани ҳақидаги ривоят келтирилади[2]. Зеро, ҳадисда ҳам динда ҳаддан ташқари чуқур кетмасликка даъват қилинади[3].

Энди байтга қайтсак, иккинчи тушунарсиз сўз бирикмаси – сари мў. Сари мў – бошдаги сочнинг бир тукича, сочнинг бир учича, қилча, яъни заррача, озгина, арзимас даражада маъноларини билдиради. Демак, шоир бирор нарса, ҳатто у қилча бўлса ҳам, заррача бўлса ҳам муайян мақсадсиз яратилмаган, бирор вазифадан холи эмас, ўзининг муқим ўрнига эга, илоҳий ҳикмат ва хизматга молик деган фикрни илгари сураяпти.

Бу жиҳатдан қуйидаги ҳикоят диққатга сазовор: машҳур тариқат пири, тасаввуф олими ва мутасаввиф шоир Аҳмади Жом ҳузуридаги бир мажлисда мутакаллим ва сўфий ўртасида мунозара бошланади. Мутакаллим: “Ит ва мушукда зуҳур этган Худодан безорман!” – деса, сўфий: “Мен ит ва мушукда зуҳур этмаган Худодан безорман!” – дейди. Мажлис аҳли: “Бу иккисидан бири, шубҳасиз, куфрга кетди-ёв...” – деган хаёлга борадилар. Шунда Шайх

---

[1] Минг бир рубоий (Форс-тожик тилидан Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: “Фан”, 2009, 26-бет.

[2] Қаранг: Фаридуддин Аттор. Ҳикматлар ва ҳикоятлар (Таржимон Жамол Камол, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Эргаш Очилов). – Тошкент: “Муҳаррир”, 2010, 315–316-бетлар.

[3] Қаранг: Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари (Таржимонлар Ҳамидулла Ҳикматуллаев ва Абдулазиз Мансур). – Тошкент: “Фан”, 1990, 62-бет.

мунозарага ойдинлик киритади: “Мутакаллим назарида ит ва мушук – энг тубан махлуқлар ҳисобланади. Худода нуқсон кўришни истамагани учун ҳам у шундай олий хилқатнинг шундай тубан махлуқларда зуҳур этишини истамайди. Аслида сўфийнинг ҳам мақсади шу: оламни яратган Худо ундаги барча жонли ва жонсиз мавжудотда зуҳур этиши керак, акс ҳолда у қусурли бўлади. Маълум бўладики, иккаласининг ҳам мақсади Худони барча нуқсонлардан пок кўрмоқчи ва чиндан ҳам Худо барча нуқсонлардан покдир”.

Бу ерда гарчи нияти эзгу, тўғри, пок бўлса-да, мутакаллим нуқтаи назарининг бир қадар чекланганлиги кўзга ташланади, чунки у Худони ва дунёни ўзи хоҳлаганича – ақли, илми, идроку тахайюли даражасида кўришни истайди ва айни шу истакда унинг дунёқарашининг чекланганлиги яққол намоён бўлади. Сўфий эса масалага ўз нуқтаи назари ва хоҳиш-истагидан келиб чиқиб эмас, балки олий ҳақиқатга асосланган ҳолда бирмунча кенг қарайди. Унинг эътиқодига кўра, Оллоҳ жамоли ва камолининг кўзгуси бўлган бу оламдаги ҳар бир заррада илоҳий нур жилваланади – бусиз олам мукаммал бўлмас эди.

Ривоятнинг келтирилган байтга дахлдорлиги, унинг мазмунини ёрқин очишга хизмат қилиши ҳам шунда: бу дунёда ҳеч нарса, ҳатто бир қил ҳам сабабсиз яратилган эмас – ҳаммасида бир илоҳий ҳикмат бор, бинобарин, инсон бирор-бир нарсани ўринсиз деб билар, бирор-бир нарсада қусур кўрар экан, бу ўша нарсанинг чиндан ҳам кераксизлиги ёки қусурлилигини кўрсатмайди, билъакс шундай мушоҳада юритаётган кишининг нотўғри ўйлаётгани, моҳиятни тушунмаётгани, хуллас, дунёқарашининг чекланганлиги – хато қилаётганидан далолат беради.

Навоийнинг баъзи фикру ташбеҳлари ғазалдан-ғазалга кўчиб юради. Лекин шоир уларни шунчаки такрорлаб қўя қолмайди, балки муайян фикрни давом эттиради, унинг янги маъно қиррасини очади, шарҳини келтиради. Бинобарин, шоирнинг у ёки бу байтини шарҳлаш учун узоққа бориб ўтирмай, “Хазойин ул-маоний”, “Хамса” достонлари ёки бошқа асарларидаги унга яқин, муштарак байтлар асосида унинг турли маъно қирраларини очиш мумкин. Коргаҳ – дунё моҳияти борасидаги байтлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунончи, “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг саволига Арастунинг жавоби мисолида бу масалага ҳам ойдинлик киритиб кетади:

Неким офаринишқа пайвастадур,
Бори бир-бирисига вобастадур.

Бир иш деса бўлмас “сазовор эмас” –
Ки, бир ришта тоб анда бекор эмас.

Бу худ собит ўлдики, йўқ ҳеч зот
Ваё ҳеч аъфол ёхуд сифот –

Ки, зимнида хосияте бўлмағай,
Вужудида кайфияте бўлмағай (8, 298–299).

“Борлиқдаги барча нарсалар бир-бирига боғлиқдир – бирор нарсани мувофиқ эмас деб бўлмайди, чунки ҳатто қил ҳам унда бекор яратилмаган: зот, феъллар ва сифатлар шундай муқаррар бўлганки, улардан ҳар бирининг асосида бир хислат, вужудида бир хусусият мавжуд”.

Зот деганда тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунганлар.

Сифот – сифатлар. Илоҳий зотнинг аёнлашувчи, унинг қудрат ва хусусиятлари. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан, инсон ҳам шу сифатлардан иборат.

Афъол – феъллар, ҳаракатлар, қилмишлар, ишлар.

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг айни мазмундаги барча байтларини ўзаро қиёсан таҳлил қилса, бу борадаги фикрлари моҳияти ойдинлашади – бир байти иккинчисининг, иккинчиси учинчисининг маъносини очишга ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади. Бундан маълум бўладики, Навоий теран фикрларини бадиий юксак мисраларда мураккаб бир услубда ифодалабгина қолмай, бу тилсимни очиш учун бир неча очқичлар ҳам қолдирганки, уни топиш забардаст сўз санъаткори шеърлари тадқиқотчисининг истеъдод кучи, билим даражаси, идрок қуввати, тахайюл қудрати, таҳлил маҳоратига боғлиқ.

Шеърни нафақат адабий термин-тушунчалар ва қонуниятлар, балки шеърнинг ўзи билан ҳам шарҳлаш мумкинки, Алишер Навоийнинг бетимсол ижоди бунинг ёрқин намунасидир.

Бу корхонаға дахл айламак адаб эрмас,
Не дахл кимсага, ҳар неки меҳр этар лойиҳ (ФК,101).

Лойиҳ – очиқ, ошкор, кўриниб турган.

“Қуёшнинг нур сочишига киши дахл қила олмагани сингари бу олам ишларига дахл қилиш ҳам одобдан эмас”.

Тўғри-да, бандаси Яратувчининг ишларидан айб қидирганидан кўра, ҳикмат излагани маъқул эмасми? Зеро, Яратувчига эътироз – куфрга баробар. Оламдаги бизнинг кўзимизга нуқсон бўлиб кўринган нарса-ҳодисалар, мавжудотларда ҳам Оллоҳ таолонинг бир ҳикмати мужассам – улар лоақал бани башарга ибрат учун яратилган.

Оламдан иллат эмас, ҳикмат излаш керак.

Одамдан нафратланиш эмас, ибрат олиш лозим.

Луқмони ҳакимдан:

– Одобни кимдан ўргандинг? – деганларида:

– Одобсиздан, – деб жавоб берган экан.

– Одобсиздан қанақасига одоб ўрганиш мумкин? – деб ҳайрон бўлганларида:

– У нимаики қилса, ўшани қилмасликка ҳаракат қилдим, – дебди.

Шунга ўхшаб, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам бир нарсани ўрганиш мумкин: кўнгил кўзини кенг очиб қараса, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам ҳар сўзи, ҳар иши, ҳар ҳаракати – ибрат. Бас, оламдаги бизнинг назаримизга жирканч бўлиб кўринадиган мавжудотлар, арзимас, кераксиз бўлиб туюладиган нарсалар, бемаъни кўринадиган ҳодисаларнинг ҳам бир керакли жойи борки, улар яратилган, мавжуд, содир бўлади. Ҳа, дунёни ўз қаричингиз билан ўлчашга шошилманг, у ҳеч қачон сизнинг қаричингизга сиғмайди. Шунинг учун ҳам шоир бир мисрасида: “... бу коргаҳ сирри мубҳам бўлуптур” (НШ,169), – деса, бошқа байтида эса: “Бу дунё аҳволи мен учун ниҳоятда мавҳум ва тушунарсиз, шунинг учун, эй соқий, қўлимга жаҳонни кўрсатувчи жом тутки, то бу сирларни англаб етай”, – дейди:

Соқиё, жоми жаҳонбин тутки, андин кашф этай –
Ким, кўп иш бу коргаҳ вазъида мубҳамдур манга (БВ,12).

Маълумки, соқий бу ерда май қуювчи, косагул маъносида бўлмай, тасаввуф аҳли бу истилоҳ остида Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий

файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

Жоми жаҳонбин – жаҳонни кўрсатувчи жом, қадаҳ, жоми Жамшид, жоми Жам (Жамшид исмининг қисқартирилган шакли), жоми гетинамо (жаҳонни кўрсатувчи жом), жоми гетиафрўз (оламни ёритувчи жом), жоми Искандар, ойинаи жаҳоннамо (жаҳонни кўрсатувчи кўзгу), жоми жаҳоннамо (жаҳонни кўрсатувчи жом) номлари билан ҳам юритилади. Ривоят қилишларича, қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид "жоми жаҳоннамо" – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

Маълум бўладики, шоир Худодан илоҳий сирлар моҳиятини англашга қодир кўнгил сўраяпти – токи оламдаги ранг-баранг ишларнинг маъно-мазмунини тушуниб етсин.

Тасаввуф фалсафасига кўра, дунё ҳирсу ҳаваси, нафс истак-хоҳишлари ва жисмоний интилишлардан нажот топган кўнгил шаффоф кўзгудай ярақлаб, жоми жаҳоннамо каби бўлар ва унда ҳамма нарса аслидагидек акс этар экан. Шунинг учун ҳам комил орифнинг қалби ва Ҳақ мардининг ботинини жоми жаҳоннамога нисбат берадилар. Умуман, жоми жаҳоннамо илоҳий нур жилваси ва маърифат сирига ошно кўнгил маъносида келади.

Алишер Навоий ижодида бу истилоҳ ўзининг ранг-баранг кўринишлари ва турли-туман маъноларида жуда кўп қўлланади. Шоирнинг ёзишича, жаҳон аҳволини равшан билмоқчи бўлсанг, уни мушоҳада қиладиган жаҳонни кўрсатувчи ойина бўлмиш қадаҳ – яъни маърифатдан огоҳ кўнгил кифоя:

Десам англай жаҳон ҳолини равшан,
Қадаҳ ойинаи гетинамо бас (ФК,236).

Бошқа бир байтида эса соқийдан май билан идроки ойинасини равшан этишини сўрайди, чунки бу оламда қил учича нарса ҳам менга маълум эмас дейди:

Соқиё, миръоти идрокимни майдин равшан эт –
Ким, эмас бу коргаҳда бир сари мў мудраким (БВ,408).

Мудрак – тушунилган, идрок қилинган, маълум.

Миръот (ойина, кўзгу) – илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойина деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади. Тасаввуф аҳли наздида, дунё ва нафс ғуборларидан покланган кўнгил ойинадай мусаффо бўлиб, унда ёр – Ҳақ жамоли жилваланади:

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво (БВ,1).

Мосиво – Худодан бошқа нарсалар, яъни мавжудот ва махлуқотни билдириб келади. Шунга мувофиқ, нақши мосиво – дунёга мойиллик, ҳаётга муҳаббатни, бошқача айтганда, кўнгилнинг нафс истак-хоҳишларидан покланмаганини билдиради, шунинг учун ҳам байтда улуғ шоир айтаяптики: "Эй Навоий, агарда маҳбубанг (яъни Оллоҳ таоло) жонинг ичидан жой олишини истасанг, аввало кўнгил кўзгусини дунё ҳою ҳавасларидан мусаффо

айла”. Зеро, Оллоҳ ўзидан бошқа барча нарсанинг хаёлидан қутулиб, нафс гардию дунё ғубори қолмай шаффоф бир ҳолга келган кўнгилгагина ташриф буюради. Шунинг учун ҳам бошқа бир байтида ишқ аро кўнглингни тузатсанг, ёр акси рост жилваланади, кўзгу эгри бўлса, ёр аксини ҳам эгри кўрсатади дейди:

Ишқ аро кўнглунг тузатким, рост солғай акс ёр,
Кўзгу эгри бўлса, солур аксини рухсор каж (ФК,222).

Оллоҳга нисбатан олганда эса бутун борлиқ – улкан бир кўзгу: Оллоҳнинг жамолию камолию сифатлари ҳар ашёда у ёки бу даражада акс этади. Қудсий бир ҳадисда айтилишича, Оллоҳда ўз жамолини кўриш истаги туғилади ва ҳуснига кўзгу қилиб мавжуд оламни яратади.

Ризоқулихон Ҳидоятнинг ёзишича, хоҳ дунёдаги, хоҳ хаёлдаги бўлсин, умуман, мазҳар бўлган ҳар бир нарса ойина дейилади[1].

Соқиё, тут бодаким, кўпрак мени мабҳут этар,
Нечаким, андишаи бу корхона айларам (БВ,429).

Мабҳут – ҳайрон, ҳайрон қолувчи.

“Эй соқий, май тутки, бу корхона, яъни олам ишларини ўйлаганим сари мени кўпроқ ҳайрон қолдиради”.

Диққат қилинса, шоир бу олам сир-синоатларини тушуниш учун, унинг ишларидан ҳайронлигини бартараф этиш учун, бошини қотирган чигалликларни ечиш учун соқийга мурожаат қилиб май, мажозий маънода эса Яратувчидан маърифат сўрайди. Бу унинг тинимсиз фикрлагани, тафаккур уммонига ғарқ бўлгани, дунё моҳияти, инсон қалби сир-синоатларини билишга жуда қизиққанини кўрсатади.

Бошқа бир мисрасида эса бу дунё аҳволига ҳайрон бўлмаган киши борми дейди:

Кимдурур бу коргаҳ вазъиғаким ҳайрон эмас (ҒС,234).

“Бу дунё бус-бутун ҳикмат-ку, ҳикмат!” – деган эди буюк Абулқосим Фирдавсий муаззам “Шоҳнома” асарида. Алишер Навоий эса бу ҳикмат сирларини излагани, унинг моҳиятига етишга интилгани сари ҳайрат асирига айланаверади, ҳайрат ўтида куяверади:

Сипеҳр гунбади ичра нетиб қадаҳ ичмай –
Ки, бўлди мужиби ҳайрат бу корхона манга (ФК,15).

“Бу кўк гумбази ичра нега май ичмайки, бу корхона, яъни олам менинг ҳайратланишимнинг сабаби бўлиб турибди”.

Қадаҳ ичишдан мақсад – маърифат зиёсини сипқариш. Бинобарин, байтнинг мазмунини шундай талқин қилиш мумкин: “Бу олам бошдан-оёқ мени қизиқтириб, ҳар бир нарса ҳайратланишимга сабаб бўлган экан, унинг сирлари, моҳиятига етиш учун нега тинимсиз изланиб, билимимни оширмай, маърифатимни зиёда қилмай?!”

Бода ич, бу коргаҳ вазъиға кўп фикр этмагил –
Ким, анга ҳар неча чирмашқанча ҳайрат келтурур (ФК,169).

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Риёз ул-орифин. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 51.

“Бу дунё ишлари устида кўп фикр этгунча, май ички, унга боғланганинг сари ҳайрат устига ҳайрат келтиради”.

Яъни Яратувчининг санъатидан ҳайратлан, унга эътироз билдирма.

Шу ўринда ўтмишда “ҳайрат” сўзининг ҳозирдагидек фақат ҳайрон қолиш, донг қотиш, таажжубга тушишдан ташқари[1], иккиланиш, шубҳаланиш, бирор нарсага ақли етмаслик каби маънолари ҳам бўлганлигини эсда тутиш лозим[2]. Ҳайрат Алишер Навоий шеъриятида кенг қўлланган истилоҳлардан бўлиб, шоир фалсафий қарашларининг ифодаси сифатида кўпроқ мажозий маъносида қўлланади. Яъни у ҳайрат ҳақида гапирар экан, Оллоҳ ва олам моҳиятини англаб етишга ақлининг ожизлиги, кўнглини баъзида шубҳа-иккиланиш, ташвиш-тараддуд чулғаб олганини ҳам изҳор этган. Демак, Навоийнинг ҳайрати бошқа.

Келтирилган байтда ҳам “Борлиқ моҳияти, сир-синоатини ўйлаганинг сари ўзингнинг ожизлигинигни тушуниб етасан, бинобарин, дунё ишлари ҳақида кўп беҳуда фикр этмада, маърифатингни ошириш пайидан бўл (ўшандан барча ҳақиқатлар юзидан парда кўтарилиб, кўз ўнгингда илоҳий сирлар намоён бўлади)” деган фикрни илгари сурган.

Тасаввуфий маънода эса ҳайрат кўнгилда намоён бўлган тажаллий туфайли соликнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етиши. У фанофиллоҳ ҳолга кўтарилиш учун восита бўладиган мақомларидан бири ҳамдир. Масалан:

Кўнгулу кўз муштоқу йўлуқсанг, чиройингдин
Ани бехудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни ҳайрат (ФК, 76).

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифлар кўнглида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юритишдан четга тортган ойдинлик.

Ўз даврининг фозил кишиси сифатида Алишер Навоийнинг Оллоҳнинг зоту сифатларини идрок этиш, олам моҳиятини англаш, инсон қалби сир-синоатларини билишга, ҳаёт маъноси, инсон умрининг мазмунини тушунишга интилгани табиий. Лекин у ўзининг бу борадаги билим ва хулосаларидан қониқмаган, имкон қадар кўпроқ нарсани билишга уринган – унинг коргаҳ, корхона тушунчалари билан боғлиқ байту мисралари билишга чанқоқ кўнгилнинг ҳайрату ҳаяжонлари, тафаккур ва тахайюллари, эътирофи ва иқроридир.

ТАФАККУР ВА ТАЛҚИН

Навоий олам ва одам моҳияти ҳақида кўп бош қотирган, тириклик ва ўлим сабаблари устида муттасил мулоҳаза юритган, инсон ҳаётининг мақсади, маъно-мазмуни хусусида бир умр ўйлаган, табиат ва жамият сирларини ўзича ечишга интилган. Унинг чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба, олимона теран тафаккур ва шоирона ўткир нигоҳ билан уйғунлашган фикр-мулоҳазалари, фалсафий хулосалари ҳикмат каби жаранглаши шундан. Чунончи, мутафаккир шоир тириклик ва ўлим тўғрисидаги кўп йиллик мушоҳадаларининг натижаси сифатида ажал дастидан ҳеч ким қочиб қутулолмайди – шоҳ ҳам, гадо ҳам, қари ҳам, ёш ҳам, яхши ҳам, ёмон ҳам бу бевафо дунёни бир куни тарк этиши муқаррар, бинобарин, дунё отлиғ нозанин билан мангу бирга бўлишга умид қилиш хато эканлиги

[1] Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008, 485-бет.

[2] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1985, 139-бет.

ҳақидаги азалий ва абадий ҳақиқатни янги образлар ва оҳорли фикрлар асосида ўзига хос теран ва гўзал шаклда қуйидагича ифодалайди:

Даҳр золи нечаким Фарҳодкушдур, турфа кўр –
Ким, хатодур тутса гар андин вафо Парвез кўз (ФК,203).

Бу ерда, аввало, даҳр золи деган тушунчага ойдинлик киритайлик: даҳр – дунё, зол – қария (чол ёки кампир) дегани. Тасаввуф шеъриятида, айтиб ўтилганидек, дунё қари кампирга, бевафо маъшуқага, ишвагар келинчакка нисбат берилади. Шундан дунё золи, дунё аруси (келини) деган образ Шарқ адабиётида кенг тарқалган ва у Навоий ижодида ҳам кўп учрайди. Мумтоз шеъриятда дунё минг ошиқли маъшуқа сифатида ҳам талқин қилинади.

Парвез – қадимги Эроннинг Сосонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Хусрав II Парвез (ҳукмронлик йиллари – 590–628). Шарқда кенг тарқалган "Хусрав ва Ширин" достонларининг бош қаҳрамони. Фирдавсий ва Низомийлар идеал подшоҳ сифатида улуғлаган Хусравни Навоий салбий қаҳрамон қилиб тасвирлайди. Албатта, Фарҳод ҳам шаҳзода, лекин у ижобий образ, чунки у ишқ йўлида зўрлик эмас, балки мискинлик йўлини танлайди – ўзининг кимлигини билдирмай, маъшуқасига етишиш учун барча ранжу машаққатларни енгиб ўтишга бел боғлайди.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: "Дунё Ёсумани ҳар қанча Фарҳодларни териб ўлдирмасин, қизиғи шундаки, Парвезга ўхшаганларнинг ундан умид қилиши айни хатодир".

Ҳақиқатан ҳам, дунё отлиқ Ёсуман ҳарчанд Фарҳоддек асл одамларни жувонмарг қилувчи бўлмасин, Хусрав каби нокаслар ҳам ундан вафо умид қилиши хатодир, чунки ҳаёт тегирмони навбати билан яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз комига тортади. Умар Хайём айтганидек, бошқалар ўлиб, ўзингнинг тирик юрганингга мағрур бўлмаки, бир куни албатта сенинг ҳам галинг келади.

Бу ерда "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳоднинг Хусрав ёллаган Ёсуман макри билан ўлдирилганлигига ишора қилинаяпти. Ҳолбуки, биламизки, Хусравнинг қувончи ҳам узоққа бормайди – Ширинниг васлига етолмай, ўғли Шеруя томонидан ўлдирилади.

Ўғул қилмади онинг қасди жони –
Ки, даврон истади Фарҳод қони.

Агар Фарҳодқа зулм этти Хусрав,
Эваз бот айлади чархи сабукрав (6,695), –

деб ёзади бу ҳақда шоир. Яъни тақдир ўғил – Шеруя қўли билан ота – Хусравдан Фарҳоднинг ўчини олди. Агар Хусрав Фарҳодга зулм қилган бўлса, ҳозиржавоб фалак тезда унинг ажрини берди.

Ўз навбатида, падаркуш Шеруя ҳам олти ой ўтмай, ажал шарбатини тотади. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, фарқ шундаки, "Қурбон олдин кетар, жаллод кейинроқ".

Бу ҳақда номаълум бир шоирнинг:

Падаркуш подшоҳиро нашояд,
Агар шояд, ба шаш моҳаш напояд[1], –

[1] Бу ҳақда қаранг: З а ҳ и р и д д и н М у ҳ а м м а д Б о б у р. Бобурнома. – Тошкент: "Шарқ", 2002, 62-бет.

номли байти машҳур. Мазмуни: “Отасини ўлдирганга подшоҳлик муяссар бўлмайди, агар муяссар бўлганда ҳам унинг ҳукмронлиги олти ойга бормайди”. Бу байтнинг башорат каби янграшининг сабаби қўлини отасининг қонига бўяб тахтга чиққанлардан бирортасининг ҳукмронлиги олти ойдан ошмаганига мўйсафид тарих гувоҳлик беради. Узоққа бориб ўтирмай, дунёга татигулик донишманд отасини – буюк мунажжим Мирзо Улуғбекни шаҳид қилган Абдуллатифни эсланг – унинг ҳам салтанати олти ойдан ошмай, отасининг тарафдорларидан Бобо Ҳусайн томонидан ўлдирилади.

Навоий кўплаб ғазалларида Фарҳод ва Хусрав образларига қайта-қайта мурожаат қилиб, бу борадаги фикрларини янада ривожлантиради, чуқурлаштиради ва бойитади. Лекин улар асосан ишқ мавзуи билан боғлаб талқин қилинади. Жумладан, бир байтида тасвирланишича, Хусрав тахтда ўтирган бўлишига қарамай, ишқ бобида маъшуқасига етиш учун мискинлик йўлини танлаган Фарҳоддан ожиз – шунинг учун у Ёсуман кампирни ёллаб, рақибини макру ҳийла билан ўлдириб юборади:

Ҳийла ожизлиғдин айлар ошиқ, англа, эй кўнгул –
Ким, забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвез эрур (НШ,193).

Навоий фикрича, ишқ – кўнгил иши, унда куч билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Маъшуқа томонидан мойиллик бўлмаса, ошиқнинг барча саъю ҳаракатлари беҳуда.

Фарҳод ўлими Навоийга шунчалик кучли таъсир этганки, кўплаб байту мисраларида бу воқеага ишора қилади, муносабат билдиради, янгидан-янги тимсолу ташбеҳлар воситасида кўнгил кечинмаларини изҳор этади. Чунончи, “Лайли ва Мажнун” достонида тоғлар бағридаги селни тошларнинг Фарҳод фироғида тўккан кўз ёшига, саҳродаги лолаларни Парвез кулоҳига ўхшатади:

Тоғ бағрида сел йўққи, ҳар тош
Фарҳод фироқидан тўкар ёш.

Саҳрода не лола бўлса барбод,
Парвез кулоҳидин берур ёд (7,68).

“Тоғлар бағридаги сел эмас, балки ҳар бир тош Фарҳод ҳажрида ёш тўкади. Саҳрода қуриб тўкилган ҳар лола Парвезнинг кулоҳини эслатади”.

Бу ерда тошларнинг йиғлаши бежиз эмас, чунки Ширин ўзининг ҳажрида жонига қасд қилганини эшитган Фарҳод бошини тошларга уриб ҳалок бўлади. Саҳродаги лола япроқларининг учиши эса Хусрав кулоҳининг ранги ва ўғли томонидан қони тўкилиб, қисматнинг аёвсиз шамоллари томонидан умри гулининг совурилишига ишора.

“Ҳайрат ул-аброр” достонида эса кўҳна ва шафқатсиз фалак Хусравлар қатли учун қилич қайровчи, айни пайтда Фарҳодларни ҳам тирик қўймовчи жаллодга қиёсланади:

Хусравлар қатли учун тез ҳуш,
Хусрав ҳам демаки, Фарҳодкуш (6,215).

Маълум бўладики, Алишер Навоий ўзи англаб етган теран ҳаёт ҳақиқатларини, фалсафий мушоҳадаларини тимсолу ташбеҳлар воситасида бадиий талқин қилар экан, шеърдан-шеърга, байтдан-байтга уларга қайта-қайта мурожаат қилиб, янгидан-янги қирраларини кашф этиб, ўз фикру мулоҳазаларини кенгайтириб, чуқурлаштириб ва бойитиб бораверади.

ИШҚНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Маълумки, “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий ишқнинг уч даражасини ажратиб кўрсатади: биринчиси – ниҳояси шаръий никоҳ бўлган авом ишқи; иккинчиси – алоҳида кишиларга хос бўлган пок ишқ; учинчиси – Илоҳга бағишланган сиддиқлар ишқи (9, 498–500). Оддий муҳаббат эгаси дунёвий бир қизга кўнгил қўйиб, у билан турмуш қуришнигина ўйлаб, илоҳий ишқни хаёлига ҳам келтирмаса, сиддиқлар, аксинча, бутун фикру зикрларини ёлғиз Оллоҳга қаратиб, унинг жамолини кўриш умидида ёнадилар, дунёвий севгига мутлақо майл-рағбат кўрсатмайдилар. Пок ишқ соҳиблари эса дунёвий муҳаббатни ҳам Оллоҳнинг буюк неъматларидан бири ҳисоблаб, уни эътироф этсалар-да, уларнинг ҳаёт гўзалига ишқи, Навоий таъбири билан айтганда, пок кўзни пок назар билан пок юзга солиш ва бу пок мазҳар воситаси билан маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олишдан нарига ўтмайди. Бу тоифа мазҳарни севиш орқали илоҳий ишққа етишишдан умидворлик қилиши жиҳатидан пок ишқ мазҳарсиз содир бўлмайди. Мазҳар – ўзида илоҳий жамол ва камолни мужассам этган инсон. У маъшуқа ҳам, пир ҳам, комил инсон ҳам, илму ахлоқда етук дўст ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, Жалолиддин Румий ва Шамсиддин Табризий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги муҳаббат оддий дўстлик чегараларидан ўтиб, илоҳий муҳаббат даражасига кўтарилган эди. Улар бир-бирларини илоҳий тажаллийни ўзида акс эттирган мазҳар, комил инсон сифатида севиб ардоқлаганлар. Айнан Шамсиддин Табризийга бўлган ҳассос муҳаббат дунёга Жалолиддин Румийдек буюк шоирни бердики, бунинг учун инсоният ишқдан миннатдор бўлиши керак.

Жалолиддин Румий то мажзуб дарвеш Шамсиддин Табризий билан учрашгунча фақиҳ ва мударрис сифатида ҳурмат ва шуҳрат оғушида хотиржам ҳаёт кечирарди. Шайх Абубакр Саллабоф Табризий, Шайх Рукниддин Синжосий, Бобо Камол Жандий каби ўз даврининг машҳур пирлари тарбиясини олган, Шайх Авҳадиддин Кирмоний, Шайх Фахриддин Ироқий, Шайх Закариё Мултоний сингари комил сўфийлар суҳбатига муяссар бўлган, Дамашқда улуғ тасаввуф олими Муҳйиддин ибн Арабий билан баҳсу мунозара қилган Шамсга Бобо Камол:

– Сен Румга сафар қил – у ерда куйган бир инсон бор. Унинг вужудини ёндириш керак, – деган экан. Ўзини безовта руҳининг ихтиёрига топшириб, шаҳарма-шаҳар муносиб суҳбатдош қидириб юрган бу мажзуб дарвеш уни Мавлоно сиймосида Кўнияда топади. Шундан кейин улар хилватга кириб, нақ уч ой суҳбат қурадилар. Уларнинг тинчини бузишга ҳеч ким журъат қилолмайди. Жалолиддин дарслари ва ваъзларини унутади. Шу тариқа, авлиё шоир Фаридиддин Аттор башорати ва мажзуб дарвеш Шамсиддин Табризий даъвати билан Жалолиддин Румий буюк мутасаввиф шоир бўлиб етишади. Унинг шеърларидан бирида: “Агар Аттор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамс Табризий тилсим калитини тутқазди”, – дейиши бежиз эмас. Ҳатто шеърларини Шамс тахаллуси билан ёзиб, девони “Девони Шамс Табризий” номи билан шуҳрат қозонади. “Бу девоннинг ўн минглаб байтида ошиқу маъшуқни бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ниҳоятда қудратли бир ишқ куйланади”ки[1], бу ишқнинг сабаби – Парвардигори олам бўлса, мазҳари – буюк мажзуб сўфий Шамсиддин Табризий эди. “Шамсиддинга муҳаббат Румий учун Илоҳга муҳаббатнинг инсон қиёфасидаги ифодаси эди. У Шамсиддин қалбида илоҳий файз майининг лиммо-лим қадаҳини топиб, ундан тўйиб-тўйиб симирарди”[2].

[1] Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Теҳрон, 2001, 53-бет.
[2] Комилов Н. Тасаввуф, 54-бет.

Ёки “Хамсат ул-мутаҳаййирин” мутолаасидан маълум бўладики, Жомий ва Навоий бир-бири билан жуда кўп томонлама боғланган. Улар орасидаги муносабатлар пиру муридлик, отаю ўғиллик, устозу шогирдлик, дўсту биродарлик... даражаларидан ўтиб, бу икки зот бир-бирини илоҳий тажаллини ўзида акс эттирган мазҳар, маънавий етуклик тимсоли бўлган комил инсон сифатида севганлар ва бир-бирларига интилганлар, бир кун кўришмасалар соғиниб қолганлар. “Эрон адабиётшунос олими, профессор Али Асғар Ҳикмат бу дўстликнинг юксак муҳаббат даражасига кўтарилганлигини тўғри қайд қилган эди”[1]. Мазкур асарда келтирилган ҳассос муҳаббат билан суғорилган рубоийлар бу икки нажиб инсоннинг буюк севги достонидан ҳикоя қилади. Бу рубоийлар асл матнидан ажратиб олинса, уларнинг ёзилиш тарихи ва манбасидан бехабар ўқувчи уларни ошиқ шоирнинг маъшуқасига бағишлаб ёзган шеъри ёки ҳатто илоҳий ишқ мавзуидаги асар, деб ҳам тасаввур қилиши мумкин. Аслида ҳам шундай: уларнинг бир-бирига муҳаббати илоҳий ишқнинг мажозий кўриниши эди. “Жомий ва Навоий орасидаги муҳаббатда ҳам худди шу “маънавият камоли, орзудаги илоҳий сифатларни реал инсонда кўриб, уни севиш ҳодисаси мавжуд”[2].

Маълумки, тасаввуфда ишқ икки босқичдан иборат деб қаралади: илоҳий ишқ ва мажозий ишқ. Мажозий ишқ илоҳий ишқ йўлида кўприк ҳисобланади. Илоҳий ишққа шу кўприкдан ўтиб борилади. Зеро, “илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб, камол топган кўриниши”[3]. Бошқача айтганда, “мажозий ишқ илоҳий ишқни кучайтирувчи, тезлаштирувчи восита”[4]. “Ўзликдан қутулишнинг энг самарали чораси бу – мажозий ишқ”, – дейди бу ҳақда Алишер Навоий шунинг учун ҳам. Шоир мажозий ишқни ёруғ тонгга, ҳақиқий ишқни порлоқ қуёшга ўхшатади. Мажозий ишқ дардида ўртаниб, машаққат чекиб. бир қил даражасига келиб қолган ошиқ жисми ҳақиқий ишқ чақмоғи чақиши билан лов этиб ёнади-ю, кулга айланади. Худди куйиб кул бўлган Қақнус кулидан қақнусбаччалар пайдо бўлганидек, мажозий ишқ ўтида ўзини куйдирган ошиққа ҳам ҳақиқий ишқ мақоми юз очади.

Мажозий ва ҳақиқий ишқ ҳақидаги фикрларни Навоийнинг бошқа асарлари, жумладан, ғазал ва қитъаларида ҳам кўрамиз. Шоир нуқтаи назарига кўра “руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айни ҳақиқатдир”[5] (Ё.Исҳоқов):

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема–
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз (НШ, 200).

“Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган бир қитъасида эса мажозий ва ҳақиқий ишқнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш баробарида, мажозий ҳусндa Ҳақ жилвасидан бошқани кўрмаса, бу мажознинг ҳақиқатга айланганини билдиради дейди:

Кўрмаса ҳусни мажозий ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошиқеким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айлаанг, айни ҳақиқатдур мажоз (4,724).

---

[1] Қаранг: В о ҳ и д о в Р. Жомий “Баҳористон”ида адабий ҳаёт талқини \\ Абдураҳмон Жомий (Тўплам). – Тошкент, 1989, 16-бет.
[2] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 54-бет.
[3] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 52-бет.
[4] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 56-бет.
[5] И с ҳ о қ о в Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 1983, 32-бет

Иилоҳий ишқ эса инсоннинг ўзини яратган Парвардигорига бўлган муҳаббати. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Суқрот Фарҳодга таълим бериб айтадики: “Ўзини яратгани, барча мавжудотдан афзал қилгани учун инсон Ҳақ амрига бўйсуниши ва уни севиши керак, чунки ҳақиқий маҳбуба Оллоҳ таоло бўлиб, унга интилиш олий саодат, етиш эса абадий бахтдир, лекин унга етиш ниҳоятда мушкул.

Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур, ул,
Анинг васли сори қатъ айламак йўл.

Гар ул маҳбуб васли бўлди уммид,
Будур иқболи сармад, бахти жовид.

Вале бу давлатедур асру олий,
Эрур мушкил анга етмак хаёли (6,463).

Шунинг учун ҳам сўфийлар илму ахлоқда етук инсонларни, ҳуснда тенгсиз аёлларни севганлар. Лекин бу ҳирсий-жинсий интилишлардан холи бўлиб, улар илоҳий камол ва жамол акс этган мазҳар ҳисобланади. Бундай шайхларни ҳатто шоҳидбоз деганлар. Мазҳарга муҳаббат тарзида кечганлигидан бу шоҳидбозлик покбозлик деб ҳам аталган. “Яъни гўзал инсонларда илоҳий Ҳуснни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш”[1]. Бинобарин, Шоҳ Неъматулло Валийнинг тажнис санъати асосига қурилган қуйидаги рубоийсида дил бир кабутар бўлиб, шоҳид лочин каби уни овлайди, лекин бундан зинҳор шайх шоҳидбоз (дунёвий гўзалликка ўч) экан деб маломат қилишга шошилманг, чунки агар шоҳидга маъни кўзи билан боқсангиз, шу шоҳид туфайли сизга Ҳақ эшиги очилади, дейиши бежиз эмас:

Дил ҳамчу кабутараст шоҳид боз аст,
То таън набари, ки шайх шоҳидбоз аст.
Дар шоҳид агар ба чашми маъни нигари,
Бар ту дари Ҳақ зи рўи шоҳид боз аст[2].

Дил мисли кабутару шоҳид боздир,
Сен қилма гумонки, шайх шоҳидбоздир.
Боқсанг ҳақиқат кўзи билан шоҳидга,
Чиндан сенга дийдори у шоҳид боздир[3]

Шоҳид сўзининг луғавий маъноси шоҳидлик берувчи, гувоҳ ёки ҳузурингда, қаршингда турган киши бўлиб, мажозий маънода у гўзал маҳбуба ёки чиройли йигитни билдиради. Тасаввуфда эса шоҳид деганда гоҳ гўзал маъшуқани, гоҳ инсон кўнглидан жой олиб, унинг хаёлини муттасил банд этган нарсани кўзда тутганлар. Зуҳур этиши жиҳатидан баъзида Ҳақни ҳам шоҳид дейдилар[4]. Лекин у кўпроқ Оллоҳ жамоли ва камолини ўзида мужассам этган ҳусну хулқда тенгсиз маҳбуба, илму фазилатда етук пир ва комил инсон тимсоли бўлиб

---

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 56-бет.
[2] Девони Шоҳ Неъматуллоҳ Валий. – Теҳрон: интишороти “Пайк”, 2002. – Сах. 627.
[3] Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар (Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009, 297-бет.
[4] С а й й и д Ж а ъ ф а р С а ж ж о д и й. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфони. − Теҳрон: интишороти “Забон ва фарҳанги Эрон”, 1370 (ҳижрий-шамсий). – Сах. 496–497.

келади. Бунда шоҳид деганда уларнинг айнан Оллоҳнинг жамолию камолини ўзларида акс эттириб, илоҳий мазҳар даражасига етганлари ва Ҳақдан шоҳидлик беришлари кўзда тутилади.

Шундай экан, шайху валийлар, мутасаввиф шоирларнинг ишқу ишқбозлик мавзуидаги шеърлари, жумладан, орифлар султони Абусаид Абулхайрнинг "Бу нима дардки, ҳар қаерда бир паричеҳраю гулчеҳра бўлса, барчасига мен харидор" мазмунидаги қуйидаги рубоийсини мутолаа қилиб:

Андар ҳама дашти ховарон гар хорест,
Оғушта ба хуни ошиқи афгорест.
Ҳар токи парирухеву гулрухсорест,
Моро ҳама дархур аст, мушки корест[1].

Шарқ чўллари қўйнида тиканларки қатор,
Ошиқ элининг қонига оғушта, хумор.
Ҳар қайда паричеҳраю гулчеҳраки бор,
Оҳ, бу нима дард – барчасига мен харидор! –

Ёки олам шайхи Сайфиддин Бохарзийнинг ҳар қанча ишқдан тавба қилмай, бир парипайкарни кўришим билан яна унинг девонасига айланаман маъносидаги мана бу рубоийсини ўқиб, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий айтиб ўтгани каби, Оллоҳнинг шайху валийлари ҳам гўзалликка ўч бўлишар экан-да деб нотўғри хаёлга бормаслик, балки уларнинг бу муҳаббатлари гўзал инсонларда илоҳий ҳуснни мушоҳада этиб, ундан лаззатланишдан иборат деб тушуниш керак.

Ҳарчанд гаҳи зи ишқ бегона шавам,
Бо офият ошнову ҳамхона шавам,
Ногоҳ парирухе ба ман баргузарад,
Баргардам аз он ҳадису девона шавам[2].

Бўлгим келар ишқдан гаҳи бегона,
Оромў ҳаловатга яқин, ҳамхона.
Дуч келса менга бир парипайкар ногоҳ,
Кўйида, қарабсиз, яна мен девона[3].

Гўзалликка қараш, уни севиш айб эмас, ҳамма гап бу қарашнинг қандайлигию ниятнинг нималигида. Гўзалликни, етукликни ҳамма ҳам севади. Кўнгли тирик киши гўзаллик ёнидан бепарво ўтиб кетиши мумкин эмас. Қолаверса, гўзаллик ҳар қандай иймони мустаҳкам ва ақли етук кишини ҳам йўлдан уриши мумкинки, Шайх Санъон тақдири бунинг ёрқин мисолидир.

Маълум бўладики, Шарқ мумтоз сўз санъаткорлари ижодида кенг ва чуқур ишланган ишқ мавзуини текширишда Алишер Навоий таснифи ўзига хос очқич бўлиб хизмат қилади,

---

[1] Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди 1. Асрҳои IX–XIII. – Душанбе: "Ирфон", 1975. – Саҳ. 124.

[2] Рубоийнома. Гузидаи рубоиёт аз Рўдакий Самарқандий то имрўз. − Теҳрон: интишороти илмии фарҳанги, 1372 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 28.

[3] Бу рубоий Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади. – Э.О.

у ёки бу шоир ижодхонасига кириш, асарлари мазмун-моҳиятини ҳаққоний тушуниш ва талқин этишга ёрдам беради.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ПАЙҒАМБАРЛАР

Маълумки, ҳар бир пайғамбар бир мўъжизаси билан машҳур, ҳар бир пайғамбар бир ниманинг тимсоли. Шарқ адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ижодида пайғамбарлар ҳаёти, фаолияти ва мўъжизалари билан боғлиқ кўплаб воқеа-ҳодисалар, рамзу тимсоллар турли ташбеҳ ва бадиий мақсадни амалга ошириш воситаси сифатида фаол қўлланади. Нуҳ билан боғлиқ тўфон, узоқ умр; Юсуф билапн боғлиқ кўйлак, туш, қудуқ; Сулаймон билан боғлиқ узук, шамол, тахт; Исо Масиҳ билан боғлиқ нафас, хуффош, игна ва бошқалар шулар жумласидандир. Бугина эмас. Шоир бир қатор байтларида ўзини у ёки бу пайғамбарга муболаға йўсинида қиёс қилади. Бинобарин, пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятидан хабардор бўлмаган ўқувчи уларнинг мағзини чақишга қийналади. Чунончи:

Кимгаким Нуҳ бўлди киштибон,
Ғам йўқ, ар кўкка мавж урар тўфон (7,614).

“Сабъаи сайёр”нинг дунёнинг душманлиги, фалакнинг золимлиги, молу давлатнинг бевафолиги ҳақидаги шоирнинг фикру мушоҳадалари баёнидан иборат 29-бобида келтирилган бу байтни тушуниш учун Нуҳ пайғамбар билан боғлиқ ривоятдан хабардорлик талаб қилинади. Чунки “Кимгаки Нуҳнинг ўзи дарға бўлса, тўфон фалакка қадар мавж урса ҳам ғам йўқ” деган фикр пайғамбарларнинг отаси Нуҳ алайҳиссаломнинг “кемачилик фаолияти” нимадан иборатлигини билишни тақозо этади.

“Қисаси Рабғузий”да тўфон воқеасининг тафсилоти шундай баён қилинади:

Нуҳ Шарқдан Ғарбгача бўлган барча халқларга пайғамбар эди – бир қарич ер одамдан холи эмас эди.

Шарқдан Ғарбгача туташ томлардан иборат уйлар эди – томдан-томга ўтиб, Шарқдан Ғарбгача борса бўлар эди.

Шарқдан Ғарбгача қаерга таёқ ташласа, киши бошига тушар эди. Нуҳ давридагидай кўп халқ қиёматгача бўлмайди. Лекин шунча халқ бўла туриб, Оллоҳ ягона дегувчи кимса бўлмади. Шу вақтда Жаброил пайғамбарлик хабарини келтирди. Нуҳ айтди:

– Дунё жуда кенг, кофирлар кўп. Мен қаерга бориб, сенинг яккаю ягоналигинг хабарини етказайин.

Хитоб келди:

– Эй Нуҳ, мендан эшиттириш, сендан айтиш.

Нуҳ иймонга даъват қилди. Шамол Нуҳнинг сўзини Шарқдан Ғарбгача олиб борар эди:

– Ҳар куни чиқиб, иймон келтиринг. Оллоҳ таолонинг бирлигига иқрор бўлинг менинг пайғамбарлигимга ишонинг.

Кофирлар Нуҳни ура бошладилар. Шунчалик урдиларки, суяклари синди. Қопга солинган суяк қандай шиқирласа, териси ичида суяклари шундай шиқирлар эди. Тунда бошини ёстиққа қўйганида қудратли ва улуғ Оллоҳ шифо берар эди. Жаброил ҳар куни келиб, ваҳий етказар эди:

– Эй Нуҳ, боргил, кофирларга айтгил: “Ло илоҳа иллаллоҳу Нуҳун расулаллоҳи”[1], – десинлар.

[1] Оллоҳ ягона, Нуҳ унинг элчиси.

Бориб айтар эди, яна шундай урар эдилар. Охири Нуҳ айтди:

– Эй Худойим, кеча-кундуз сенинг фармонингни етказдим – тингламадилар, очиқ айтдим – эшитмадилар, даъват орасида насиҳатлар қилдим – қабул қилмадилар.

950 йил даъват қилди: 80 киши мусулмон бўлдилар, иймон келтирдилар – ярми эр, ярми аёл. Бошқа ҳеч киши мусулмон бўлмади. Ҳатто хотини ҳам кофир эди. Кун сайин машаққати зиёда бўлди.

Кунлардан бир куни бир кекса чол ўғли билан Нуҳнинг қошига келиб, унинг юзига тупурди, тилига келган сўзлар билан сўкди. Кейин ўғлига қараб айтди:

– Нуҳ бир телбадир, оталаримиз унинг сўзини эшитмадилар. Бугун мен унга нисбатан нима қилган бўлсам, сен ҳам мендан кейин шундай қил.

Нуҳ уни кўриб, сўзини эшитиб, ўзидан умид узди. Умиди бекор бўлди. Илтижо қилиб айтди:

– Эй Худойим, бирор кофирни ер юзида тирик қўймагил!

Қодир Худо қирқ йил ёмғир ёғдирди, ерда гиёҳ унмади, хотинларга ўғил-қиз туғдирмади. Ҳайвонларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди, излари-да қолмади.

Шу вақт Нуҳга амр бўлди:

– Илтижонгни қабул қилдим – бор, чинор дарахти эк.

Нуҳ чинор экди. Ҳар қирқ йилда уч чинор вояга етарди. Авжни[1] таклиф қилдилар. У дарахтларни судраб келтирди. Жаброил Нуҳга ўргатди. Ёғочни пона билан ёрдилар. Сув юзида ўрдак юрганини кўрсата берди. Унга ўхшатиб, кема ясай бошладилар. Кофирлар уни кўриб, кулар эдилар.

– Ҳозирга қадар пайғамбар эдинг, энди дурадгор бўлдингми? Буни нима қиласан? – деб сўрасалар:

– Кема қиларман, устига миниб, сув юзида сузарман, – деди.

– Эгар ясаяпсанми? Аввал эшак олсанг-чи, – деб яна масхара қилардилар.

Нуҳ жавоб қилар эди:

– Сиз мени қандай мазах қилсангиз, эртага азобга мустаҳиқ бўлганда мен ҳам сизларни шундай мазах қиламан.

Нуҳ сўради:

– Тўфон ваъдаси қачон бўлар?

Фармон келди:

– Қачон сенинг тандиринг ичидан сув чиқса, у азобни юборарман.

Кема уч қават бўлиб, пастки қисмида ҳайвонлар, ўртасида Нуҳ ва унинг қавми, юқори қисмида қушлар ва қуртлар эди. Нуҳнинг тўрт ўғли бор эди: Сом, Ҳом, Ёфас ва Канъон. Кема йўндилар: узунлиги 300, эни 200 газ[2]. Баъзиларнинг айтишича, узунлиги 1200, эни ва баландлиги 600 газ. 124 минг темир ҳалқа қилдилар. Ҳар бир ҳалқада бир пайғамбарнинг исми битилган эди. “Муҳаммад расулуллоҳи” деб битилган темир ҳалқани Иблис ўғирлади. Нуҳ ҳар қанча қидирса-да, уни топмади. Жаброил келиб хабар берди. Нуҳга бергил, деса, мен олмадим, деб онт ичди. Жаброилнинг жаҳли чиқди. Кеманинг бир ёғочини олиб, бошига урди. Боши, кўзи қонга булғанди. Қўрққанидан қайтариб берди.

Кема тайёр бўлганида Нуҳнинг кофир хотини нон пиширар экан, тандир ичидан сув чиқди. Келиб Нуҳга бу ҳақда хабар берди. Нуҳ мусулмонликни қабул қилган ўша 80 киши билан кемага чиқди. Тўрт ўғлидан Сом, Ҳом ва Ёфас мусулмон эдилар, Канъон эса кофир эди.

---

[1] А в ж и б н У н у қ – Одам алайҳиссаломнинг қизи Унуқнинг ўғли. Узун бўйлик бўлиб, икки оёғининг ораси бир кунлик йўл эди. Тоғнинг тепасида ўтириб, қўли билан денгиздан балиқ ушлаб, қуёшга тутиб, пиширib ер эди.

[2] Г а з – 70 см. га тенг ўлчов бирлиги.

Фармон келди:

– Ҳар бир мавжудотдан бир жуфт олиб, кемага киритгил: бир эркак, бир урғочи, токи уруғлари кесилмасин. Яна ўғлонларингни киритгил.

Нуҳ айтди:

– Эй Худойим, учадиган, югурадиган мавжудотларни қандай қилиб тутайин?

Сув юзида барча мавжудотлар йиғилдилар. Ҳар биридан бир эркак, бир урғочисини тутиб, кемага киргиздилар. Ўғли Канъонни киритмоқчи бўлганида фармон келди:

– Киргизма, у кофирдир!

Айтди:

– Эй Худойим, оила аъзоларингни кирит деб ўзинг айтдинг-ку?

Фармон келди:

– У сенинг оиланг аъзоси эмас.

Нуҳ айтди:

– Эй Канъон, мусулмон бўл, кемага киргил, тўфон суви ҳалок қилмасин.

Канъон айтди:

– Мен баланд тоғларга сиғингайман. Тоғ мени сувдан асрайди.

Нуҳ айтди:

– Бу кун Оллоҳдан ўзга бирор кимсани бу азобдан сақлайдиган зот йўқ.

Шу сўзни айтар экан, сув келди. Канъонни ҳалок қилгудек бўлган эди, тоққа қараб қочди. Сув келди, тўпиғига чиқди. Ўғли бор эди, уни оёғи остига олиб, устига чиқди. Бола ўлди, ўзи ҳам ғарқ бўлди, бу дунёдан иймонсиз борди.

Шарқ мумтоз шеъриятида ташбеҳ, талмеҳ, муболаға, тамсил, лафф ва нашр, тазод, истиора, ийҳом, иштиқоқ каби санъатлар воситасида Нуҳ ва тўфон воқеасига кўп мурожаат қилинади. Алишер Навоий ҳам ўз бадиий мақсадини гўзал ва таъсирчан амалга ошириш мақсадида бир неча ўнлаб байтларида бу воқеага ишора қилган. Чунончи, “Наводир уш-шабоб”даги “аро” радифли ғазалда ҳам айни фикр ифодаланади:

Ҳар неча тўфони исёним чекар гардунға мавж,
*Кимсага Нуҳ ўлса киштибон не ғам тўфон аро (НШ,5**)**.*

“Исёним тўфони ҳар қанча фалакка юксалса-да, кишига бу ҳаёт тўфони аро Нуҳнинг ўзи дарға бўлса, ғам йўқ”.

Фарқи шундаки, бу ерда исён тўфони чоғида Оллоҳ пайғамбарининг қўллашидан умидворлик ҳақида гап кетаяпти. Кейинги байтда айни фикр давом эттирилади:

Ул ҳабибингни шафеъим қилки, бўлғай юз туман
Нуҳ муҳтожи анинг бу баҳри бепоён аро.

“Эй Худо, ҳабибинг – дўстинг Муҳаммадни менинг шафоатхоҳим қилки, бу бепоён ҳаёт отлиғ уммонда юз минглаб Нуҳ ҳам унинг муҳтожи бўлади”.

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломга шафоат ҳуқуқи берилган: у зот маҳшар куни Оллоҳ таолодан ўз умматларининг гуноҳини сўраб оладилар. Бандаи ожиз эса ўзини айбу гуноҳлардан фориғ деёлмайди. Боязид Бистомийдек орифлар султони даражасидаги не-не улуғ пири комиллар, қанчадан-қанча машҳур сўфийлар ҳам иймонининг бутлигидан хавфсирагани маълум. Шундай экан, барча ҳам шафоат қилинувчи уммат аҳлидан бўлишни истайди. Жумладан, Навоий ҳам Оллоҳ таолога илтижо қилиб, севикли пайғамбарини ўзининг шафоатхоҳи қилишини сўраяпти.

Маълум бўладики, Нуҳ алайҳиссалом – инсониятнинг халоскори: у оламни ғарқ этган буюк тўфон балосидан бани башарни сақлаб қолган. Шунинг учун уни иккинчи Одам ҳам дейишади, яъни Одам Ато – одамзоднинг отаси, ер юзида инсон авлоди ундан тарқалган бўлса, Нуҳ – инсониятни ҳалокатдан асраб, унга иккинчи ҳаёт бахш этган. Шунинг учун Навоий мен агар иккинчи Одам бўлмасам, нега кўз ёшим бошдан-оёқ жаҳонни тутди дейди:

Навоиё, агар иккинчи Одам эрмасмен,
Недин жаҳон юзини тутти сарбасар ёшим (БВ,426).

Айни пайтда, Нуҳ – узун умр тимсоли ҳам ҳисобланади. Ривоят қилишларича, у 1000, ҳатто 1600 йил яшаган. Унга 100 ёшида пайғамбарлик келган ва қавмини 950 йил ҳидоят йўлига даъват қилган, лекин Ҳақ йўлига юрмаганлари учун охир-оқибат улар буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар – бу балодан фақат Оллоҳ пайғамбарига эргашганларгина тирик қоладилар. Бошқа ривоятга кўра, 400 ёшида пайғамбарликка танланган ва тўфондан кейин яна 350 йил яшаган – жами 1700 йил умр кўрган[1]. Шунинг учун Шарқ мумтоз шеъриятига кишига Нуҳ умрини тилаш, Нуҳ умрини орзу қилиш бир анъана тусини олган. Лекин шунча узоқ яшаб, Нуҳ ҳам охир-оқибат ажал шарбатини ичган, бас, ҳатто Нуҳ умрига ҳам бақо йўқ, дейди шоир:

Нуҳ умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо,
Ич, Навоий, бодаким, олам ғами беҳудадир (ҒС,196).

Сулаймон – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-ҳисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми – Исми аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узугига нақш қилинган. Бу узук воситасида у нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

Исми аъзам Худонинг исмлари ичида энг улуғи бўлиб, фақат ўзига ва баъзи фаришталаргагина маълум бўлган исми. Бу борада ихтилофлар мавжуд. Баъзилар бу исм Самад (ҳожатбарор), баъзилар Қайюм (ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғузувчи), баъзилар Раҳмон ул-Раҳим (ўта меҳрибон ва жуда раҳмли), баъзилар Муҳаймин (эгаллаб олувчи) дейдилар. Бир қисм уламолар Исми аъзамни “Абжад”нинг 8 сўзида пинҳон деб ҳисобласалар, баъзилар “Оят ул-курси” матни ё Қуръон суралари ичида яширин деб биладилар.

Исми аъзамни билган киши ҳар қандай ишга қодир бўлар эмиш. Сулаймон пайғамбарнинг бутун қудрати ва шуҳрати шу туфайли эди.

Ривоятга кўра Зуҳра юлдузи чиройли бир қиз бўлиб, Ҳорут ва Морут исмли фаришталардан макру ҳийла билан Исми аъзамни ўрганиб олади ва уни ўқиб, осмонга юксалади ҳамда ёруғ юлдузга айланади. Афсона ва ривоятларда қаҳрамонлар Исми аъзамни ўқиб, муродлари ҳосил бўлади. У Шарқ шеъриятида бадиий образ сифатида кенг қўлланади[2].

Сулаймон – шукуҳу дабдаба ҳамда мулку давлат тимсоли сифатида машҳур. Ер юзида ундан бой ҳукмдор бўлмаган. Ҳолбуки, шундай чек-чегарасиз бойликдан ҳам ному нишон қолган эмас. Шунинг учун шоир айтадики: “На Нуҳникидай узун умрга, на Сулаймонникидай

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Қисаси Рабғузий, 1-китоб, 43-бет.

[2] Бу ҳақда қаранг: М у ҳ а м м а д Ғ и ё с у д д и н. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Сах. 59; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 24–25-бетлар; С а ж ж о д и й С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1389 (ҳижрий-шамсий). – Сах. 95–96; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. – Душанбе, 1988. – Сах. 520–521.

бепоён мулкка бақо бор экан, демак, олам ғами беҳуда, шундай бўлгач, Ҳақ ишқига боғланиб, илоҳий файздан баҳра олавер, чунки Оллоҳ ишқи – нақду олам ҳаваси – насия".

Ҳа, узун умр ва чексиз давлат тимсоли бўлган пайғамбарларга вафо қилмаган дунё сен билан менга қилармиди?

Бир байтида Навоий кўнглини Сулаймонга ўхшатади:

Кўнгулдур ул паридин ишқ мулкининг Сулаймони –
Ки, ҳам бор оҳидин ел ҳукмида, ҳам доғидин хотам (НШ,426).

"Ул пари туфайли кўнгил ишқ мулкининг Сулаймонига айланди – унинг оҳи ел ҳукмидаю доғи узук".

Бу ерда шоир ёр ишқида чеккан кучли оҳини елга ўхшатаяпти – агар ел Сулаймон тахтини ҳавода кўтариб юрган бўлса, унинг оҳи ҳам учраган кишини чархи фалакда чирпирак қилишга қодир. Кўнглидаги ишқ доғини эса Сулаймон узугига қиёслайди – Сулаймон узугига Исми аъзам ёзилган бўлса, унинг узугига ёр номи, ишқи нақш қилинган. Сулаймон узук воситасида бутун оламни тасарруфига киритган бўлса, шоир кўнглидаги ишқ доғи уни икки оламнинг шоҳига айлантиради.

Қуйидаги байтида муболағани ҳадди аълосига етказиб, кўз ёшини Нуҳ тўфонидан ҳам устун қўяди: Нуҳ тўфонидан кейин олам хароб бўлган бўлса, менинг кўз ёшим туфайли қиёмат намоён бўлди – у тўфон билан бу тўфоннинг фарқини шундан ҳам билса бўлади:

Бузулди Нуҳнинг тўфонидан сўнг даҳру ашкимдин
Қиёмат ошкоро бўлди – ул тўфону бу тўфон (БВ,452)

Бошқа бир байтида эса оламни бузишда Нуҳнинг тўфони кучлими ёки ёшим селининг туғёними деб, уларни ўзаро қиёслайди:

Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ экин:
Нуҳ тўфониму ашким селининг туғёниму? (ҒС,517).

Мана бу байтида кўз ёшим денгизи тўфонида қолган киши жисми кемасини Нуҳ умри қадар, яъни минг йилдан зиёд сурса ҳам соҳилга чиқолмайди деб муболаға қилади:

Улки, ашким баҳри тўфонида қолди, етмагай
Нуҳ умри сурса жисми заврақин соҳилғача (БВ,572).

Мумтоз шеъриятда кўп қўлланадиган санъатлардан бири тажоҳули орифона ҳисобланади. Бу санъатнинг маъноси билиб билмасликка олиш билан машҳур, яъни шоир ҳамма нарсадан бохабар бўлгани ҳолда ўзини ҳеч нарсани билмагандай тутади ва фикрини таъсирчан ифодалаш мақсадида риторик сўроқдан фойдаланади. Бу санъатнинг асосида кўпинча ташбеҳ ётади[1]:

Нуҳ давринда магарким ошиқ эрди рўзгор,
Йўқса ашки сайлидин не эрди тўфон айламак (ФК,326).

"Нуҳ даврида бутун олам ошиқ эдими нима, – дейди шоир ўзини содда нодонга ўхшатиб, – шундай бўлмаса, кўз ёшининг селидан тўфон айлашнинг сабаби нима?"

[1] Қаранг: И с ҳ о қ о в Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: "Зарқалам", 2006, 64-бет.

Аслида шоир ислом ва инсоният тарихини ҳам, Нуҳ алайҳиссалом ҳаёти ва у билан боғлиқ воқеаларни ҳам жуда яхши билади, лекин ошиқона фикр юритиб, бу машҳур ҳодисани ошиқлик ҳолати билан боғлайди: Нуҳ даврида жамики одамлар ошиқ бўлиб, ёр ҳажрида тинимсиз кўз ёши тўкканларидан олам сув остида қолдими нима?

Буюк тўфонни ошиқлар кўз ёши билан боғлаш – ҳеч кимнинг хаёлига келмаган янги ва оҳорли бадиий кашфиёт эканлиги шубҳасиз.

Ўз-ўзидан, дунёнинг ўз Яратувчисига ошиқлиги ирфоний қарашлар билан боғлиқ.

Кўз ёшини тўфонга ўхшатиш – Навоий учун одатий ташбеҳ. Лекин шоир ҳар гал уни бошқа санъат орқали тасвирлайди. Қуйидаги байтда уни лафф ва нашр санъати воситасида ифодалайди. Бунда, келтириб ўтилганидек, шоир аввал бирор нарса-тушунчаларни кетма-кет келтириб, кейин уларнинг сифати, таърифини баён қилади – нозиктаъб ўқувчининг ўзи бу сифат ва таърифларнинг қайсиси нимага ёки кимга тегишлилигини фаросати билан билиб олади. Мисол учун, қуйидаги байтда кўз ёши ёмғирининг Нуҳ давридаги тўфонга, узунлиги жиҳатидан ҳижрон тунининг Нуҳ умрига нисбати бор:

Сиришким ёмғирию шоми ҳижронимға раҳм этким,
Бу ўтти Нуҳнинг умридин, ул бир ўтти тўфондин (ФК,462).

“Кўз ёшимнинг ёмғирию ҳижроним тунига раҳм айлаки, бу Нуҳнинг умридан ўтди-ю, у эса тўфондан”.

Байтда шоир бу ва у кўрсатиш олмошларидан ҳам маҳорат билан фойдаланган: бу – яқиндаги, у – узоқдаги нарсага нисбатан қўлланади. Бинобарин, байтда бу, яъни Нуҳ ҳижрон тунига, у, яъни тўфон кўз ёши ёмғирига тааллуқли.

Албатта, бу байтда ҳам Навоий ижоди учун хос бўлган санъатлар гулдастасини кўрамиз: лафф ва нашрдан ташқари, кўз ёшининг ёмғиргаю ҳижрон тунининг Нуҳ умрига қиёсланишида ташбеҳ, кўз ёшининг тўфондан, ҳижрон тунининг Нуҳ умридан устун қўйилишида муболаға, Нуҳ умри ва тўфон воқеасига ишора қилинишида талмеҳ, таъсирчанликни ошириш учун “ўтти” сўзининг икки марта қўлланишида такрор санъатларини кўрамиз.

Қуйидаги байтда ҳам айни санъатлар воситасида шоир мазкур фикрни давом эттиради ва ривожлантиради:

Ҳажр юз минг йилчаю ашким урар гардунға мавж,
Мен ҳам ўттум Нуҳдин, бу ашк ҳам тўфондин (ФК,463).

“Ҳижрон юз минг йилга чўзилиб, кўз ёшим фалакка қадар етди, бинобарин, мен Нуҳдану кўз ёшим тўфондан ўтиб тушди”.

Байтда шоир муболаға қилиб айтаяптики, Нуҳ минг йилдан ортиқ умр кўрган бўлса, мен учун ҳижрон юз минг йилга чўзилди, буюк тўфон оламни ғарқ этган бўлса, кўз ёшим фалак тоқигача етди, демак, мен бу борада Нуҳдану кўз ёшим унинг тўфонидан ўтди. Бу ерда ҳам юз минг йилга чўзилган ҳижроннинг Нуҳ умрига, фалак тоқига етган кўз ёшининг тўфонга нисбати борлигида лафф ва нашр санъатини кўрамиз. Албатта, унда ташбеҳ ва талмеҳ санъатлари ҳам мавжуд.

Бир қатор байтларида шоир ўзини Исо Масиҳга ўхшатади. Жумладан, қуйидаги байтида ёр лабининг васфида Навоий нафаси ўликни тирилтирди – илоҳий файз мадад қилиб, Масиҳга айландим деб ёзади:

Лаби васфида Навоий дами тиргузди ўлук,
Файзи қудс чу мадад қилди – Масиҳо бўлдум (БВ, 427).

Маълумки, Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаси – ўликни тирилтириш. Шарқ мумтоз шеъриятида нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқа ҳам Исо Масиҳга ўхшатилади. Бу ерда шоир илоҳий файз мадад қилиб, ёрнинг лаби васфида шунақанги оҳ тортдимки (ёки жонбахш, ўтли, ширин сўзлар айтдимки) нафасим ўликни тирилтирди, яъни муз юраклар, тўнган қалбларга ҳам сўзим жон бағишлагани жиҳатидан Масиҳга айландим демоқда. Бошқача айтганда, Масиҳ ўликларни тирилтирса, шоирнинг ўтли сўзи муз юракларни эритади, тўнган вужудларни уйғотади.

Бу ерда лаби васфида Навоий нафаси ўликни тирилтирди дейилаяпти. Лаб васфида сўз айтилади, лаби ҳажрида бўлганида оҳ чекиш тушунилиши мумкин эди. Демак, байтда шоирнинг ёр лаби таърифида айтган ҳассос сўзлари ўз ҳарорати билан ўликни ҳам тирилтиргани, шунга қодирлиги ҳақида гап бормоқда.

Мана бу байтида эса Худога шукрки, тарки дунё ва ҳимматдан қанотим бор, бас, нега энди бу дунёдан чиқиб, Исога ҳамнафас бўлмай дейди:

Чиқиб бу дайрдин, Исоға невчун ҳамнафас бўлмай,
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳиммatдин қанотим бор (ҒС,133).

Маълумки, Исо алайҳиссалом зуҳду тақвоси билан машҳур бўлган. Зоҳидлик тарихини унинг номи билан боғлашлари бежиз эмас. У таркидунё қилганлиги ва ҳимматининг юксаклиги туфайли тириклай осмонга кўтарилиб, қуёш билан бирга тўртинчи фалакда мақом тутган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида шундай ёзади: “Исо алайҳиссалом олам ва дунё асбобидин (нарсаларидан – Э.О.) ҳеч нима қабул қилмади ва алардин бир пашмина (жундан тикилган – Э.О.) тўн ва бўрк (бош кийими, кулоҳ – Э.О.) ва бир асоси бор эрди. Бир ерда бўлмас эрди, дойим сайрда эрди. Рўзи (ризқ – Э.О.) учун касб қилмади, ҳар не етти – қонеъ (қаноатли – Э.О.) бўлди. Чун ҳавориюн (ҳаворийлар – Исонинг шогирдлари – Э.О.) илтимос қилдиларким, бир маркаб (улов – Э.О.) мингилким, яёғлиқ (яёвлик – Э.О.) машаққати камроқ бўлгай. Анинг емак ва муҳофазати ташвишидин рад қилди. Ва илтимос қилдиларким, бир маскан ясоли. Қабул қилмади. Ва зуафо (аёллар – Э.О.) билан ихтилоти (муносабати – Э.О.) йўқ эрди. Бу жиҳатдин мужаррадлиққа (ёлғизлик, уйланмаганлик – Э.О.) машҳур бўлди” (8,590).

Алишер Навоий ўзининг ҳаётини унга ўхшатиб, азбаройи ҳиммати баландлигидан дунё ҳирсу ҳавасларига берилмагани, жисму кўнгил поклигига эришгани, бинобарин, Исо алайҳиссалом билан тенг бўлишга, тўғрироғи, унга яқин, у билан ҳамнафас бўлишга ҳаққи борлигини изҳор этади. Маҳмуд Шабустарий таъбири билан айтганда:

Киши ўзни малакдек тоза этгай,
Масиҳо сингари осмонга етгай[1].

Бошқа кўплаб байтларида ҳам шоир Исони кўкка юксалтирган нарса унинг тажриди (мужаррадлиги, тажарруди – Э.О.) деган фикрни илгари суради. Булар ўзаро маънодош сўзлар бўлиб, тажрид – 1) қутултириш, ажратиш; 2) яккаланиш, ёлғизланиш; 3) бошқалардан узоқлашиш; тажарруд – 1) гўшанишинлик, тарки дунё қилиш; 2) ёлғизлик, уйланмаганлик;

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: “Тамаддун”, 2013, 70-бет.

мужаррад – 1) ёлғиз, халқдан узилган, гўшанишин, 2) жудо, озод, фориғ; 3) танҳо, ягона; 4) уйланмаган маъноларини билдиради, яъни таркидунё қилган ва оила қурмаган, олам савдоси ва одам ғавғосидан ўзини халос этган, ёлғиз Ҳақни севиб, Ҳаққа интилган киши.

Навоий ҳам ўзини ана шундай ўз замонасининг ягонаси бўлган пок инсонлар жумласига киритади ва илоҳий марҳаматга сазовор бўлган инсонлар сафида бўлишига умидворлик қилади.

Бу борада Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳам ибрат намунаси. Ҳусайн Бойқаро давлатининг асосий устуни, мамлакатнинг улуғ вазири бўлса-да, у ҳеч қачон кибру ғурурга берилмаган, зулму ноҳақликка қўл урмаган, билъакс бир умр ўзи айтмоқчи, қўлидан келганча зулм тиғини синдириб, мазлум жароҳатига малҳам қўйишга интилган (9,648), ҳад-ҳисобсиз бойлигини эса хайрия ишларига сарфлаган, ҳимматини баланд қилиб, бу дунё давлатини ҳам, ишратини ҳам назарга илмаган. Машҳур муаррих Хондамир унинг дарвештабиатлилиги, мол-дунёга қизиқмаганлиги, маънавий камолотни ҳаётнинг мазмуни деб билганлиги хусусида тўлиб-тошиб ёзади[1].

Алишер Навоийдаги улуғ мартаба ва улкан давлат, юксак обрў-эътибору серқирра истеъдод юкини унча-мунча киши кўтаролмайди. Ҳолбуки, шоир буларнинг барчасига бефарқ бўлган, гарчанд ижодкорлик иқтидоридан ифтихор этиб, фахрия байтлар ёзган бўлса-да, ҳеч қачон бундан ғурурланмаган, ўзи айтмоқчи, ҳиммати бу каби фоний дунёнинг ўткинчи нарсаларидан бир неча баробар баланд бўлган.

Маълумки, улуғ зотлар халқ ва Ҳақ ризосидан ўзга нарсани истамайдилар, “ибрат юзасидан дунё ишларига ҳирс қўймайдилар, охират тараддудидан ғофил ва бепарво бўлмайдилар. Мана шу андиша ҳар нарсадан бохабар Амирнинг этагидан тутди. Шунинг учун ҳам у тамом ҳиммати ва мўътабар иштиёқини охират ишларига сарф қилди, солиҳлар тариқига эргашди...”[2].

Исо алайҳиссалом дунё неъмату давлатига қизиқмаган бўлса, Алишер Навоий ҳамма нарсага эга бўлиб туриб уларга кўнгил бермаган: молу дунё гардини пок кўнглига юқтирмаган, нафсу шаҳват чиркини этагига қўндирмаган, оила қурмай, бола-чақа қилмай бутун умрини хулқини гўзаллаштириш ва камолот касб этишга сарфлаган. Бундай киши ёлғизлик ва ҳимматдан қанотим бор, шундай экан, нега энди дунёдан чиқиб, Исога ҳамнафас бўлмай дейишга лойиқ эди. Хондамир унинг вафоти ҳақида ёзар экан: “Дунёнинг энг тақводор кишиси дунёдан ўтди – у бу дунёга қандай пок келган бўлса, шундай пок кетди”, – деб лутф этган эди:

Дардо, ки покбози жаҳон аз жаҳон бирафт,
Пок ончунон, ки омада буд, ончунон бирафт[3].

Маълум бўладики, шоирнинг кўплаб байтлари қатига яширинган маъно дурларини қўлга киритиш учун пайғамбарлар тарихи ва шоир таржимаи ҳолини ҳам етарли даражада билиш керак.

---

[1] Қаранг: Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Форс тилидан К.Раҳимов таржимаси). – Тошкент: “Академнашр”, 2017.

[2] Навоий замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 17-бет.

[3] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ 56-бет.

СЎЗ ҚУДРАТИ

Сўз – жонли хилқат, у оддий ҳарфлар йиғиндисидан иборат эмас. Чунки сўз кулдиради, йиғлатади, ўйлатади, тўлқинлантиради.

Биргина "Севаман!" сўзи қатида қанчалик сеҳру қудрат мавжудлигини тасаввур қилиб кўринг – унда чексиз меҳру муҳаббат ҳам, тенгсиз изтиробу ҳаяжон ҳам, бахту саодатга умиду ишонч ҳам, иккинчи ярмини топганидан шодлигу қувонч ҳам, бирга яшаш билан боғлиқ бурчу масъулият ҳам, турмуш ташвишларини бирга тортишга келишуву қарор ҳам, бир-бирига ҳамроҳу ҳамдард бўлишга рози-ризолик ҳам, қўша қаришга ваъдаю иқрор ҳам, бир умр содиқликка аҳду паймон ҳам...

Шундан кейин ҳам сўзда жон йўқ деб кўринг-чи!

Сўз борки, кишини Арши аълога юксалтиради.

Сўз борки, кишини етти қат ерга тиқиб юборади.

Айтайлик, бировга "Ўл!" десангиз хафа бўлади, "Яша!" десангиз боши кўкка етади.

Бўлдирадиган ҳам сўз, ўлдирадиган ҳам сўз.

Олам ҳам Оллоҳ таолонинг биргина "Бўл!" деган сўзи билан яралган экан.

Забардаст шоиру адиблар сўзнинг чек-чегарасиз имкониятлари, маъно қирраларидан ҳадди аълосида фойдаланиб, уни мўъжиза даражасига кўтарганлари, сўздан бебаҳо санъат дурдоналари яратганлари учун ҳам улар сўз санъаткори, сўз устаси сифатида улуғланади. Сўздан санъаткорона фойдаланган, уни санъат даражасига кўтарган буюк сўз санъаткорларидан бири шубҳасиз Алишер Навоий ҳисобланади. У қаламининг қудрати билан дунёни эгаллагани ҳақида фахрланиб, "Фарҳод ва Ширин" достони хотимасида шундай ёзган эди:

Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табрез –
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтиға бир девон йибордим (6, 730).

Шунга ишора қилиб, Абдулла Орипов ҳам "Ўзбекистон" шеърида ёзган эди:

Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер[1].

Алишер Навоий маҳоратининг юксаклиги, асарларининг бадиий баркамоллиги шундаки, шоир ижодида бадиий санъатлардан холи шеър тугул, байту мисра ҳам йўқ. Билъакс, байту мисралари бир неча санъат ўзаро омухталашиб кетганлиги билан бадиий мукаммаллик ва беқиёс таъсирчанлик касб этади.

[1] О р и п о в А. Танланган асарлар, 1-жилд, 179-бет.

Алишер Навоий ижодида “кўб ва хўб” қўллаган шеърий санъатлардан бири муболаға ҳисобланади. Шоир тасвир жараёнида баъзида у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолатини катталаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифни ҳаддан ташқари юксакка кўтаради ёки ниҳоятда ерга уриб юборади. Бу усул муболаға деб аталиб, унинг уч тури фарқланади. Агар шоирнинг ушбу даъвоси ақлу одатга мувофиқ бўлса, бундай муболаға мақбул ҳисобланади ва таблиғ дейилади. Агар даъво ақлга сиғса-ю, одатдан ташқари бўлса, иғроқ деб аталади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сиғмаса ғулув деб номланади. Ғулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Шоир ижодида муболағанинг барча турларига дуч келиш мумкин. Чунончи, у севгилимни кутиб, тонг отгунча кипригимга уйқу қўнмади, деса, бу муболағага ҳамма ҳам ишонади:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимға кеча тонг отқунча уйқу келмади (БВ,608).

Бу муболағанинг таблиғ турига мисол бўла олади.

Лекин шоир ушбу ҳижрон кечасини ногаҳон туш кўрсам, унинг даҳшатидан заҳрам (ўт пуфагим) ёрилиб ўлган бўлар эдим дер экан, бу даъво ақлга сиғса ҳам, одатдан ташқари. Демак, бу иғроқ ҳисобланади:

Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногаҳон,
Ўлгай эрдим ваҳмдин, албатта, заҳрам ёрилиб (ҒС,55).

Шоир ижодида муболағанинг ғулув тури кўпроқ учрайди:

Сарсари оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тоғиға,
Яхшидур тонг отқуча бу тоғ ҳомун бўлмаса (БВ,24).

Сарсар – кучли ва совуқ шамол, даҳшатли бўрон, довул.

Ҳомун – дашт, саҳро, чўл.

Байтнинг мазмуни: “Ғам шомида оҳим даҳшатли довулга айланиб, ҳижрон тоғи сари эсаяпти – бу тоғ тонггача теп-текис бўлиб, яланг саҳрога айланмаса яхши эди”.

Ошиқ оҳининг даҳшатли довулга айланишию тоғни емириб, саҳрога айлантириши одатдан ташқари ҳодиса бўлиб, ақлга ҳам тўғри келмайди. Алишер Навоий эса бундай “даҳшатли” муболағаларни севиб қўллайди. Шоирнинг ўнлаб байтларида дарди тоғни саҳрою саҳрони денгизга айлантириши ҳақидаги муболағалар бир-бирини тўлдирган, ривожлантирган, янги қирраларини очган ва изоҳлаган тарзда намоён бўлганини кўрамиз.

Тоғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим (ФК,76).

Ёки:

Ғамим хайли туз этти тоғни, тоғ этти саҳрони,
Бу ҳомун бирла тоғ эрдики, бўлмиш тоғ ила ҳомун (БВ,451).

“Ғамим қўшини тоғни саҳро, саҳрони тоғ этди – бу саҳрою тоғ эди, энди тоғу саҳро бўлди”.

Бу бир атрофи тоғ билан ўралган саҳро эди. Қаҳрамоннинг ғами қўшини бу тоғни саҳрою бу саҳрони тоққа айлантиргач, энди у атрофи саҳрога туташ тоғ бўлиб қолди. Илгари саҳро

бўлса ҳам хавфли эмас эди, чунки атрофи тоғ билан ўралган эди – ҳимоя бор эди. Энди тоғ бўлса ҳам тегараси саҳро – саҳро эса ўзининг чексизлиги, мавҳумлиги, ҳимоясизлиги билан кишида ваҳима қўзғайди. Тоғ – суянч: унда ҳимояланиш мумкин, саҳрода эса паноҳ йўқ. Бу билан шоир дарду ғами саҳродай чек-чегарасиз, бепоён, саҳродай қўрқинчли – қадам босганни ютиб юборадиган, саҳродай мавҳум, ҳимоясизлигига ишора қилади.

Қуйидаги байт мазкур фикрни мантиқан давом эттиради:

Дашт аро Мажнунмен, аммо тоғ аро Фарҳод эдим,
Тоғлар дардим юкидин бўлди ҳомун ҳар тараф НШ,308).

"Мен ҳозирда дашт аро Мажнунман, ҳолбуки, бир маҳаллар тоғ аро Фарҳод эдим, чунки тоғлар дардим юкидан ҳар томон саҳрога айланиб кетди (натижада ватаним саҳро бўлиб қолди)".

Бу ерда ошиқнинг муҳаббати чек-чегарани билмай ҳар қандай тўсиқларни парчалаб ташлагани ва бепоён кенгликка чиққанига ишора қилинмоқда.

Тасаввуф истилоҳотида биёбон – саргардонлик ва ҳайрат маъносини билдиради. Зеро, ҳайрат мақоми фано мақомидан олдин келади.

Биёбон яна имтиҳон, ғафлат, денгиз, тамкин каби кўплаб маъноларда ҳам қўлланади.

Тоғ эса ҳақиқат йўлида парда бўлган вужудга ишора.

Демак, ошиқ руҳ тан қолипидан чиқиб, Ҳақ сари равона бўлди – бу йўл эса саҳродай бепоён, хавф ва умидга тўла. Бу йўлда ошиқни гоҳ ҳайрат, гоҳ қўрқув, гоҳ умид таъқиб қилади.

"Бобурнома"да келтирилишича, Шайхим Суҳайлий (1444–1502) шеърларида кишини даҳшатга соладиган фавқулодда ташбеҳ ва муболағалар кўп экан. У Абдураҳмон Жомий ҳузурида бир куни "Ғам тунида оҳим гирдбоди фалакни ўрнидан қўзғатди, кўз ёшим аждаҳоси ер юзини ютиб юборди" маъносидаги қуйидаги байтни ўқиганида:

Шаби ғам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,
Фурў бурд аждаҳои сели ашкам рубъи маскунро, –

у: "Мирзо, сиз шеър айтасизми ё одам қўрқитасизми?" – деб лутф этган экан[1]. У пайтларда бундай гўзал ва нозик лутфу мутойибалар дарҳол тилдан-тилга ўтиб, машҳур бўлиб кетар эди. Бу аслида Жомийнинг танқиди эмас, балки Суҳайлий истеъдоди ва маҳоратини эътироф этиши бўлиб, бундай ҳайратомуз ташбеҳлар, фавқулодда муболағалар аслида барча етук шоирлар, жумладан, Жомий ва Навоий ижодида ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Масалан, Навоийда ўқиймиз:

Бало дарёси эрмастур жаҳонни бузғудек мавжи,
Эрур ашким суйи оҳим ели эсканда чайқалған (НШ,446).

"Жаҳонни хароб қилгудек бўлиб мавж ураётган бало-офат дарёси эмас, билки у менинг кўз ёшим бўлиб, оҳим шамоли эсганда бир чайқалиб қўйди, холос".

Қаранг-а, шоир қандай "даҳшатли фикр"ни шундай хотиржамлик билан айтиб қўйяпти.

Бу ерда ошиқнинг кўз ёши дунёни ғарқ этгудек даражадаги улкан дарёга, оҳ урганда чиққан дами эса шу ҳайбатли дарёни чайқатган тўфонга ўхшатилаяпти.

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, 134-бет.

Ўз-ўзидан, ошиқнинг ёр ҳажрида тўккан кўз ёшлари ер юзини босгулик даражада ҳайбатли дарёга айланиши ва тортган оҳи тўфон каби бу дарёни чайқатиши на тасаввурга сиғади-ю, на ақлга тўғри келади. Лекин ошиқнинг ҳижронда қанчалик кўп йиғлагани-ю, ўтли оҳлар чекканлигини фавқулодда ва гўзал шаклда ифодалагани билан бу ташбеҳ шубҳасиз ўқувчининг эътиборини ўзига жалб этади. Чинакам шеър ана шундай "ёлғонлари" билан ўқувчини ўзига тортади, "даҳшат"лари билан ҳайратга солади, фавқулодда ташбеҳу тимсоллари билан ёдда қолади.

Бошқа бир байтида эса кўзим ёши дарёга айланиб, бутун олам мулкини иккига бўлиб юборди – олам гўё Бағдодгаю ашким уни иккига бўлиб оқаётган Шат дарёсига ўхшайди":

Сели ашким руди икки бўлди олам мулкини,
Гўйиё олам эрур Бағдоду ашким сели Шат (НШ,283).

Муболаға фақат шахсга хос сифатларни эмас, балки турли мавжудотлар, воқеа-ҳодисалар, нарсаларга хос хусусиятларни ҳам хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, бўрттириб тасвирлаш учун қўлланади. Чунончи, Навоийнинг ўзида ҳам шунга ҳамоҳанг байт мавжуд:

Тортсам кўнглум футури шиддатидин қаттиғ оҳ,
Даҳр боғи соврулуб, афлок дағи қўзғалур (НШ,137).

"Кўнглимдаги дард шиддатидан қаттиқ оҳ тортсам, дунё боғи совурилиб, фалак ҳам жойидан қўзғалади".

Мана бу байтда эса ишқинг жонимга шунчалик кучли ўт солдики, ундан бир учқуни фалакка тушса, фаришталар битта қолмай куйиб кетиши шубҳасиз дейди:

Анингдек солди ишқинг шуъла жоним ичраким, шаксиз,
Малойик барча куйгай, кўкка тушса бир шарар мендин (БВ,464).

Маълумки, Қоф бутун ер юзини ўраб олган тоғ сифатида тасаввур қилинади. Араб ёзувида эса "қоф" ("қ") ҳарфи 100 га тенг (араб алифбосида ҳар бир ҳарф муайян сонни ифодалайди). Шоир Қоф тоғи ва ҳарфи воситасида сўз ўйини қилиб айтадики, агарда Қоф тоғининг адади юз бўлса ҳам у мен чеккан ғамлар шиддатининг юздан бири миқдоридадир:

Қоф агар юздур ададда, Қоф тоғи меҳнатим
Шиддати аъдодининг юздин бири миқдоридур (БВ,137).

Бу ерда юз сўзи ҳам бир-бирига қарама-қарши қўйилмоқда: юз Қоф тоғи – ғамимнинг юздан бири.

Ёки:

Кўзларимнинг чашмаси оллида уммон ҳажр аро,
Кўр, биайниҳ, ўйладурким, чашма уммон оллида (НШ,27).

"Чашма уммон олдида қанчалик арзимас бўлса, ҳажр аро кўзларим чашмасининг олдида уммон ҳам бамисли шундай эканлигига қара".

Кўз ёши ҳеч қачон чашма даражасига бориб етмайди, наинки уммон. Бинобарин, бу ерда ҳам одатдан ташқари ва ақлга сиғмайдиган ҳолат тасвирланмоқда.

Кейинчалик Мирзо Абдулқодир Бедил ушбу муболағани ривожлантириб, янада авж пардага кўтаради:

Дилам аз ғусса танг омад, ки чашми мўр пеши ў
Бувад баҳре, ки дар жайби ҳубобаш осмон гунжад.

“Ғуссадан дилим шунчалик танг бўлдики, унинг олдида чумолининг кўзи уммонга ўхшайдики, мавжлари бағрига осмон жо бўлади”.

Ана шундай фавқулодда ташбеҳлар, “даҳшатли” муболағалар – ўта бўрттиришлар маъқул кўрилмаганда Алишер Навоий девони бундай “қўрқинчли” байту мисраларга тўлиб-тошиб ётмас эди.

“НАҚШИ ДЕВОР АЙЛАДИНГ НАҚҚОШНИ”

Шарқ шоирлари наздида маъшуқа шунчалик гўзалки, унинг суратини чизмоқчи бўлган мусаввирнинг ўзи сурат бўлиб қолади. Маъшуқанинг беқиёс ҳусн соҳиби эканлигию энг моҳир мусаввирнинг ҳам унинг суратини чизишга ожизлиги ҳақидаги байтлар Алишер Навоий ижодида ҳам кўп учрайди. Шоирнинг бу мавзудаги шоҳбайти мана бу:

Келди Чин нақҳоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,
Чеҳра очиб, нақши девор айладинг наққошни (НШ,599).

“Чин (Хитой)лик мусаввир суратингни чизиш учун келган эди, лекин юзингни очишинг билан унинг ўзи деворга чизилган суратга ўхшаб қотиб қолди”.

Маълумки, қадимги Хитойда мусаввирлик ривожланган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётида мусаввирларнинг маҳоратда тенгсизлигини таъкидлаш учун уларни албатта чинлик қилиб кўрсатадилар. Бу ҳодиса сабабини Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг “Чин шаҳри сифати ва Симурғ парининг у ерга тушгани воқеаси” деб аталган XIX фаслида кўрсатиб ўтади.

Бир кеча Симурғ олам узра парвоз қилар экан, Чин устидан учиб ўтаётганда мамлакат бирдан ёришиб кетади, бундан хабар топган аҳоли эса ҳушидан кетиб қолади. Симурғ силкинганида бир дона пари тушиб қолади ва бутун мамлакатни зебу ҳашамга буркаб юборади. Бу парда турли рангу нақшлар шунчалик кўп эдики, эртаси куни ўзига келган аҳоли унга ҳайрату ҳаяжон билан боқади ва қўлига қалам олиб, ундаги рангларни ўз тасаввурида жонлантириб, қоғозга тушира бошлади – ҳамманинг иши сурат чизиш бўлиб қолди. Улар орасида бир киши бу борада энг юксак даражага эришади. Унинг исми Моний бўлиб, қалами – мўъжизакор, санъати барчани ҳайратга солар эди. Маъно аҳли Монийнинг суратхонаси Чинда деб айтадилар. Шу тариқа Чин – мусаввирликка асос солинган мамлакат, мусаввирлар ватани, Моний эса мусаввирлар султони сифатида машҳур бўлиб кетади.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳоднинг наққошлик санъатидаги устози Монийнинг ҳам чинлик эканин эсланг. Фарҳодга атаб тўрт фаслга мослаб қурилган тўрт қасрнинг ичини ҳам Моний турфа нақшлар билан безатади – жонсиз суратларга гўё жон бағишлаб юборади. Қоран тош йўниб, қасрни қурса, Моний нақш чизиб, уларга пардоз беради. Фарҳод эса қасрлар битгунча уларга шогирд тушиб, ёрдам бериб, ҳам тош йўнувчи, ҳам наққош бўлиб етишади. Шоирнинг ўзи уни “тўрт суратхонаи Чин” деб таърифлайди. Лекин Навоий тасвиридаги таърифи етти иқлимга кетган гўзалнинг суратини чизишга келган Моний

вориси бўлган чинлик маҳоратда тенгсиз мусаввир ҳам ожиз. Ожизгина эмас, битта чизиқ ҳам тортолмай ўзи “нақши девор”га – девордаги суратга айланади.

Шунинг учун шоирнинг ўзи бошқа байтида айтадики:

Эй мусаввир, айласанг тақлид жонон сувратин,
Чекмагил жонким, эрур онинг мисоли ўзгача (НШ,549).

“Эй мусаввир, жонон суратига тақлид қилмоқчи бўлсанг, ўзингни беҳуда азобга қўймаки, унинг мисоли ўзгача (яъни унинг суратини чизишга сенинг қаламинг ожиз)”.

Хуллас таниқли адабиётшунос олим Нуриддин Шукуров ҳақли равишда лутф этганидек: “Бу байт асосида шундай бир ҳикоя тузиш мумкин: Навоий яшайдиган Ҳирот шаҳрида бир гўзал маҳбуба бор экан. Унинг гўзаллиги ҳақидаги овозалар бутун Хуросон мамлакатига ва қўшни мамлакатларга ҳам тарқалибди. Жумладан, Чин мамлакатига ҳам етиб борибди. Чин азалдан гўзал манзаралар ва гўзал одамларнинг суратини чизишга моҳир бўлган рассомлари билан машҳур. Ана шундай рассомлардан бири лавҳу лавнини, яъни ёзув тахтаси, бўёқлари, мўйқаламларини қўлтиқлаб йўлга тушибди. Қайсидир карвонларга эргашиб Ҳиротга етиб келиб ва ўша гўзалнинг манзилини аниқлаб, уйига борибди. Рухсат олиб уйга кирса, бурчакда бир маҳбуба юзида пардаси билан турган экан. Наққош (рассом) унга ўз муддаосини баён этибди. Гўзал маҳбуба, марҳамат, расмимни чизсангиз чиза қолинг деб, юзидан пардани кўтарибди. Гўзалнинг суратини чизаман, деган наққош гўзаллик кучидан беҳуш деворга ёпишганича ўзи “нақши девор” бўлиб қолибди”[1].

Борди-ю, Чин суратгари маҳорат кўрсатиб, бу гўзал чеҳранинг бир эмас, юзта суратини чизганида ҳам ҳуснининг юздан бир қиррасини акс эттиролган бўлар эди:

Ваҳ, не юздур улки, тақлидин қилиб наққоши Чин,
Чекса юз суврат, бирин юздин намудор айламас (FC,231).

Шарқ мумтоз шеъриятида гўзалликка ҳар томонлама мукаммал идеал сифатида қаралган. Чунончи, гўзаллик тимсоли бўлган маъшуқа фақат ҳусну камолда тенгсиз эмас, у хулқу одобда ҳам ҳаммага ибрат бўлган, ақлию илмию зеҳнига манаман деган донишмандлар тан берган, қўлида мингта ҳунар, рўзғор тутишда саранжом-саришта бўлган. Албатта, бундай ёрга етишиш осон бўлмаган – бунинг учун ошиқлар қанчадан-қанча бир-биридан оғир ва машаққатли синовларни бошларидан ўтказишларига тўғри келган (Эртаклардаги маликаларнинг ошиқларига шарт қўйишларини эсланг). Лекин ана шундай икки дунёга татийдиган бекаму кўст ёрга етишган киши жаннат ҳурларидан ор қилишга-да ҳақли бўлган. Навоий бир неча байтларида урғу бергани каби:

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одами эрса, пари бирла малакдин ори бор (НШ,181).

“Фарҳод ва Ширин” достонида тасвирларган Меҳинбону саройидаги Дилором, Дилоро, Дилосо, Гуландом. Суманбўй, Сумансо, Паричеҳра, Паризод, Париваш, Парипайкар каби ўн канизак таърифини кўз олдингизга келтиринг. Бу қизларнинг исмининг ўзи эшитганнинг қалбини ром этиб, кўнглида гўзал ҳислар уйғотади. Лекин уларнинг нафақат исми гўзал,

[1] Ш у к у р о в Н. Бу олам саҳнида... (Адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 86-бет.

жисми ҳам ҳар қандай таърифдан устун туради: “Бари ҳам сарвқомат, ҳам дилором”. Бунинг устига, уларнинг ҳар бири бир соҳада тенгсиз: бири шеър, бири мусиқа, бири тарих, бири ҳисоб, бири мантиқ (логика), бири нужум (астрономия), бири балоғат (адабиёт назарияси), бири ҳикмат (фалсафа), бири ҳақойиқ (мавжудот ҳақиқатлари ҳақидаги фан), бири муаммо ечишда ўз даврининг энг олди бўлган: бу фанларнинг юзлаб устасидан буларнинг биттаси моҳирроқ эди:

Бу фанларда булар бир-бирдин аҳсан,
Юз фанлиқ аро ҳар қайси якфан (6,547).

“Бу фанларда улар бир-биридан устун, ҳар бири бу фанларнинг устаси бўлган юз кишининг жавобини беради”.

Сувратингдин ожиз эрса Моний, эрмастур ажаб,
Қайда наққош айлаган қилки қазо тасвирини (БВ,600).

Аслида бу суратни чизишга сеҳрли мўйқалам соҳиби Монийнинг ўзи ҳам ожиз эди:

“Агарда Моний суратингни чизишдан ожиз бўлса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ – қисмат қалами яратган тасвирни накқош қандай қилиб ҳам акс эттира олсин?”

Шунинг учун яна бир сўз устаси Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён” романи қаҳрамони Раънонинг портретини чизишга қаламининг ожизлигини бир лутф билан пардалаб кетган эди:

“Раънонинг исми жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлғанда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар-қўяр, фақат менга раъно гулининг сувигина кўпроқ келар бўлар эди”[1].

Шундай қилиб, Навоий сўз билан тасвирлаган гўзал тимсолини мусаввир рангу бўёқ билан чизишга ожиз. Ҳолбуки, сурат чизиш учун рангу бўёқ кўпроқ имконият ва қулайликларга эга. Лекин буюк сўз санъаткори кўлида сўз мусаввир қўлида ранг қилолмаган ишни қилишга қодир экан. Бу ерда Навоий қаламининг қудрати мусаввир қаламининг кучидан бир неча баробар устунлигига ҳам нозик ишора мавжуд.

ШЕЪР – “ГЎЗАЛ ЁЛҒОН”

Маълумки, адабиётнинг бутун мазмун-моҳияти унинг образлилигида. Образлилик йўқ ерда адабиёт ҳам бўлмайди. Муайян воқеани шунчаки гапириб бериш бошқа, уни бадиийлаштириб тасвирлаш бошқа. Шунинг учун ҳам машҳур немис шоири ва мутафаккири Ҳенрих Ҳейне ёзган эди:

Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.
Мени алқамаган киши қолмади,
Қайғумни назмга терган вақтимда...

(Чўлпон таржимаси)

[1] Қ о д и р и й А. Ўткан кундар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 395-бет.

Бу жиҳатдан Шукруллонинг “Жавоҳирлар сандиғи” асарида келтирилган ривоят диққатга сазовор:

“Қадим-қадимларда шоирлардан бири қўлига дўмбира олиб, улоқдан кейин майдон ўртасига чиқиб, ўз достонини ўқий кетибди. Эшитганлар шоирга таҳсин айтиб, бири тўн кийгизиб, бири от миндирибди. Шу маҳал оломон орасидан қотма бир одам чиқиб:

– Халойиқ, бу достонда ҳикоя қилинган воқеаларнинг ҳаммасини мен ўз бошимдан кечирганман, бу достондаги доно гапларни шоирга мен айтиб берган эдим. Бу достон уники эмас, меники. Совға-саломни унга эмас, менга беринглар, – дебди.

Ўртада ғавғо кўтарилибди. Ўтирганлардан бири элни тинчлантириб:

– Агар бунинг даъвоси рост бўлса, ўртага чиқиб, гапириб берсин, – дебди.

Бу одамнинг айтган гаплари шоир ёзган достонга ўхшаса-да, ҳеч ким чапак ҳам чалмабди, таҳсин ҳам айтмабди. Буни сезган даъвогар:

– Мени кўпчиликнинг салобати босди, шошилдим, шоир бўлса уйида ёзиб келган... – дебди.

– Сенга муҳлат берамиз, агарда саводинг бўлмаса, бировга ёздириб кел, – деб муддат беришибди.

Вақт-соати билан яна ҳаммалари ўша майдонга йиғилишибди. Лекин шоир бир соатда ўқиган нарсани у эрталабдан-кечгача ўқиса ҳам охири кўринмабди. Атрофдагилар: “Қисқа қил, мақсадга кўч”, деб луқма ташлай бошлабди. Охири бировлар ўтирган жойида мудраб, баъзилари:

– Сен ўқиганинг молаланмаган буғдой...

– Ёзганларинг пойтеша кўрмаган ёғоч...

– Заргар кўрмаган гавҳарни йилтироқ тошдан фарқи йўқ, у на узукка кўз ва на тақинчоққа безак бўлади, – деб маломат қила бошлаган эканлар.

Кўрганни эшитган енгибди дегандек, гарчанд достондаги воқеаларни у одам бошидан кечирган бўлса ҳам, ҳамма шоирнинг ёзганига ишонган экан...”

Абдулла Орипов образлиликни содда қилиб, мана бундай тушунтиради: “Масалан, бир нарсани оддий қилиб баён қилсангиз, дарров эсдан чиқиб кетади. Нимагадир ўхшатиб, қиёс қилиб гапирилганда эса эсда қолади[1]”.

Образлиликдан холи гап, тасвир – шунчаки қора гап, оддий баён. Энг ёмони, уни ҳар қандай истеъдодсиз киши ёза олади. Истеъдод соҳиби эса образлар тили билан гапиради. Образлиликдан холи сўз қанотсиз қушга ўхшайди. Халқнинг мақол-маталлари, иборалари ҳам кўпинча образлиликка омухта бўлиши шундан. Шунинг учун уларни “қанотли сўзлар” ҳам дейилади. Халқ ичида “гапга тўн кийгизмоқ”, “қоғозга ўраб гапирмоқ” каби иборалар мавжуд. Булар айнан образли қилиб гапириш дегани. Чунончи, Алишер Навоий: “Мен сени севаман! Кел, бирга бўлайлик”, – деган оддий гапни мана бундай бадиий юксак шаклда ифодалайди:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил (ҒС,371).

“Эй қора кўзлик севгилим, инсонийлик шевасини кўргизиб қошимга келу қорачиқларим каби кўзим ичида ватан тут”.

Маълумки, икки киши юзма-юз турганидагина улар бир-бирининг қорачиғида акс этади. Бирор кишининг кўз қорачиғида ватан тутиш, яъни доимий акс этиш учун эса бир умр унинг ёнида туриш, бошқача айтганда, у билан бирга яшаш керак.

---

[1] О р и п о в А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 4-жилд (Киноценарий, мақолалар, суҳбатлар, хотиралар, қайдлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001, 169-бет.

Образлиликнинг шакллари кўп бўлиб, улар замонавий адабиётшуносликда бадиий тасвир воситалари деб юритилса, Шарқ мумтоз поэтикасида шеърий санъатлар деб аталган. Шундай санъатларнинг энг машҳурларидан бири – ҳусни таълил. Ҳусни таълил – чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Жумладан, Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб:
Кўп чучуклуктин ёпушмишлар магар ул икки лаб (НШ,45).

Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки “гўзал ёлғон”, лекин ушбу ташбеҳ ўзининг бадиий гўзаллиги, нозиклиги, оҳорлилиги ва таъсирчанлиги билан ўқувчини тўлқинлантиради, ҳайратга солади. У шундай гўзал ёлғонларни яхши кўради, ана шундай лутфлар, зарофатлардан завқ олади, шоирнинг маҳорати, топқирлигидан ҳайратга тушади.

Аслида адабиёт, хусусан, шеърият “гўзал ёлғон”дан иборат. Шоир “рост” гапира бошласа, ҳамма нарсани ўзидан “қўшиб-чатмай”, ўхшашига қиёсламай, бор ҳолича яланғоч тасвирласа, шеъриятнинг оддий, қора гапдан фарқи қолмайди. Шоирнинг шоирлиги ҳам ана шу “гўзал ёлғон”ни қанчалик маҳорат билан тўқий олиши ва ўқувчини бунга ишонтира олишида намоён бўлади.

Адабиёт бежизга сўз санъати дейилмайди, яъни сўз воситасида мўъжиза кўрсатиш. Сўзга қанот бағишлаш, боқий ҳаёт ато этиш эса чинакам истеъдодларнинггина қўлидан келади. Истеъдод соҳиби қўлида энг оддий ва кўримсиз сўзлар ҳам энг гўзал ва таъсирчан сўзга айланади. Истеъдодсиз қаламкаш эса энг эзгу ва гўзал сўзларни ҳам ғализ ва бетаъсир сўзлар уюмига айлантиради.

Истеъдод соҳиби қўлига тушган сўз яйрайди, истеъдодсиз қўлига тушган сўз қақшайди. Чунки истеъдод тасвирлайди, истеъдодсиз баён қилади. Алишер Навоий ҳам сўзни Арши аълога юксалтирган бетакрор сўз санъаткорлари сирасига киради.

Истеъдодсиз касофатидан қора ерда судралган сўз истеъдод қудратидан Арши аълога юксалиши шундан.

Ўзларининг бундай “ёлғончи” эканларини шоирларнинг ўзлари ҳам эътироф этадилар. Чунончи, Фузулий:

Гар деса Фузулийки, гўзалларда вафо бор,
Олданмаки, шоир сўзи албатта ёлондур[1], –

деб ёзса, Абдулла Ориповда ўқиймиз:

Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос[2].

Шоирларнинг “ёлғончилиги” тўғрисидаги гаплар жуда қадимдан қолган. Эркин Воҳидов “Шеър қадри” мақоласида шундай ривоятни келтиради:

[1] Муҳаммад Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. Достонлар (Нашрга тайёрловчи: Х.Расул). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 47-бет.
[2] Орипов А. Танланган асарлар, 1-жилд, 93-бет.

“Нўширвони одил шоирларни ҳузурига чақириб айтибди: “Бу не бетавфиқликки, сиз шоирлар мендек одил шоҳ давронида ёлғон шеърлар ёзасизлар? Ҳеч замонда ошиқнинг оҳу фиғони саҳрога ўт қўядими? Қиз боланинг кипригиқўқ бўлиб ошиқ йигитнинг кўкрагига санчилармиш. Бу гапга ким ишонади? Хуллас, шу бугундан бошлаб ким ёлғон шеър ёзса, боши дорда, мулки талонда”.

Шу фармондан кейин узоқ вақт ҳеч ким шеър ёзмай қўйди. Ниҳоят, бир шоир шундай шеър ёзди:

Тонг отса, юлдузлар сўнар осмонда,
Хўрозлар қичқирар Мозандаронда.
Халафда кечқурун қуёш ботади,
Кечаси одамлар ухлаб ётади.

Нўширвони одил ҳеч бир ёлғони йўқ, бошидан-охиригача ҳақиқат бўлган ушбу шеърни ўқиб, елкасини қисди, бошини қашлади ва яна фармон берди: “Шоирлар ўша ўзининг ёлғонини ёзаверсин”.

Шеъриятнинг ана шу “ёлғон”ида жуда чуқур ҳақиқат, сеҳрли ҳақиқат бор, буюк ишонтириш кучи бор. Ақл бовар қилмас бир қонуниятга кўра кишилар рост сўзга эмас, ўша “ёлғон”га ишонади”[1]. Навоий ёзганидек:

Сўз ичраки, ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар, қилди доно писанд (9,522).

ДЎСТДАН АЗИЗ ДУШМАН

Луқмони Ҳакимдан:

– Барча дўстлардан ҳам азиз ва севимли бўлган душман қайси? – деб сўраганларида у:

– Нафс, – деб жавоб берган экан.

Чиндан ҳам, машойихлар: “Бировни мағлуб этган эмас, балки ўз нафсини енгган киши ҳақиқий мард ҳисобланади”, – бежиз айтишмаган. Чунки нафс инсоннинг энг суюкли дўст қиёфасидаги энг ёвуз душмани. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий:

Бўлуб нафсингга тобеъ, банд этарсен тушса душманни,
Санга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд (FC,115), –

деб ёзган эди.

Нафс арабча сўз бўлиб, 1) жон, руҳ, инсон табиати; 2) бирор нарсанинг асли, зоти, жавҳари; 3) шахс, ўз, ўзлик; 4) мақсад, интилиш; 5) ғурур, мағрурлик каби кўплаб маъноларда қўлланилади[2]. Бизда нафс деганда асосан кишининг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади. Бинобарин, шоир айтмоқчики, ўз хоҳишинг, мақсадинг, интилишинг, ғурурингдан келиб чиқиб, қўлингга тушган душманни мағлуб этасан, аслида сенга нафсдан ортиқ душман йўқки, қўлингдан келса, уни мағлуб қил. Зеро, банд этмоқ сўзининг ҳам: 1) тутмоқ, боғламоқ; 2) асир этмоқ, тутқун қилмоқ; 3) тузоққа туширмоқ; 4) қамамоқ; 5) тўхтатмоқ каби бир қанча маънолари мавжуд[3].

[1] В о ҳ и д о в Э. Шоиру шеъру шуур. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1987, 34–35-бетлар.
[2] Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Сах. 839; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, 439-бет; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент, 2007, 26-бет.
[3] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1983, 210–211-бетлар.

Нафс фақат еб-ичиш, жисмоний эҳтиёжларни қондириш дегани эмас. У бирмунча кенгроқ тушунча бўлиб, мол-дунёга ҳирс қўйиш, ҳашам-дабдабага ўчлик, амал-мартаба учун курашиш, кибру ғурурга берилиш, шаҳвоний ҳирс-эҳтиросларга қул бўлиш, ўзига бино қўйиш, ўзини кўрсатиш туйғусининг кучлилиги, ясан-тусанга мойиллик ва бошқа шу каби инсон табиатидаги салбий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Энг ёвуз сифатларни ўзида жамлагани учун ҳам, ҳужжат ул-ислом Муҳаммад Ғаззолийнинг ёзишича, нафс деганда тасаввуф аҳли инсондаги ёмон сифатларни ўзида жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам: "Энг қаттол душманинг ўз ичингдаги нафсингдир", – деб бежиз айтмаганлар.

Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда нафс дунёга муҳаббат қўйиш, мол-мулкка ўчлик, тамагирлик, очкўзлик, кибру ҳаво каби салбий тушунчалар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Чунки уларнинг барчаси нафснинг турли кўринишлари, намоён бўлиш шаклларидир. Хусусан, ҳарислик билан хазина тўплаган ва охир-оқибат бойликлари билан бирга ер ютган Қорун, тожу тахти ва мол-дунёсига мағрур бўлиб, ўзини Худо ҳисоблаган, натижада Нил дарёсига ғарқ қилинган Фиръавн каби нафс бандалари ҳақидаги оятларга Қуръони каримда тез-тез дуч келамиз. Ҳолбуки, Навоий ёзганидек:

Молдин умрунгға осойиш агар етмас, не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб (ҒС,56).

"Қорундай беҳадду ҳисоб мол-дунёга эга бўлиб, Нуҳ пайғамбардай узоқ умр кўрсангу лекин бу бойлик сенга хотиржам ҳаётни таъмин этолмаса, бундан нима фойда?"

Бу байтни барча маъно қирралари ва бутун теранлиги билан тушуниб етиш учун Нуҳ пайғамбар ва Қорун ҳақида муайян маълумотга эга бўлиш тақозо қилинади. Нуҳ алайҳиссалом – Шарқ мумтоз сўз санъатида узоқ умр тимсоли бўлиб келиши ҳақида айтиб ўтдик. Қорун – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. У Шарқ адабиётида харислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади. Навоий ижодида ҳам бу тимсол кўп учрайди. Масалан, бир байтида бойлигини ерга кўмган бахил кимсанинг аҳволини Қорунга, бойлигининг тақдирини унинг хазинасига ўхшатади:

Чу кўмдунг ерга, Қорун ганжи ҳукмин тутти, эй мунъим,
Тутайким, нақд ила бўлди хизонанг ганжи Қорундек (ҒС, 336).

Қорун ганжи – Мусо алайҳиссаломнинг амакиваччаси Қоруннинг афсонавий хазинаси. Қиссаю ривоятларга қараганда, Қоруннинг 440 минг халта олтин-кумуши бўлган. У гўё ўзининг ақлию уддабуронлигию кимёгарлиги орқасида шундай бойиб кетган эмиш. Аслида улуми ғариба ва фунуни ажибани Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга берган бўлиб, у бу илмлардан кимёни имкони етгани қадар Қорунга ўргатади. Алишер Навоийнинг ёзишига кўра, Қорун бу сеҳргарлик илмига қизиқиб, у билан шунчалик қаттиқ машғул бўладики, молу дунёси еру кўкка сиғмай, хазиналарининг калитларини 40 та хачир кўтариб юрар эди. Лекин у қанча бой бўлса, шунча бахил бўлган. Охир-оқибат Мусо алайҳиссаломнинг дуойибадига учраб, Қорунни бутун хазинаси билан бирга ер ютади (8,566–567).

Шоир орифона мисраларида ҳам Қорун тимсолидан маҳорат билан фойдаланади. Масалан, мана бу байтида: "Мен бир бечора эдим, май туфайли синган сафолим Жамшид жомига, кўнглим вайронаси Қорун хазинасига айланди", – деб лутф этади:

Муфлис эрдим, май қилиб синғон сафолим жоми Жам,
Хотирим вайронасин худ ганжи Қорун қилдило (ҒС, 573).

Қорун мажозий маънода бой, бадавлат сўзининг синонимига айланиб кетган.

Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилишларича, жаннат аҳлидан бўлган бир киши у ерда деҳқончилик қилиш учун Оллоҳ таолодан рухсат сўрабди. Оллоҳ таоло ҳайрон бўлиб: "Ахир, кўнглинг тусаган нарсалар жаннатда муҳайё эмасми?" – деса, ҳалиги киши: "Жаннатда ҳамма нарса муҳайё бўлса-да, мен деҳқончилик қилмоқчиман", – дебди. Кейин ер ҳайдаб, дон экибди, парвариш қилиб, мўл-кўл ҳосил олибди. Ҳосилни ўриб олиб, тоғдай баланд-баланд хирмонлар уйибди. Буни кўрган Оллоҳ таоло унга: "Эй одам боласи, бу ҳам сенга кам, чунки сенинг ўзинг тўйсанг ҳам, кўзинг тўймайди!" – деган экан.

Тасаввуф таълимоти бўйича эса инсон икки қарама-қарши асос – нафс ва руҳдан иборат. Нафс – дунёвийлик тимсоли, руҳ – илоҳий неъмат. Агар инсонда нафс талаблари кучайса, унда ҳайвонийлик, руҳ устунлик қилса, илоҳийлик ривожланади. Нафс ва руҳ ўртасидаги кураш, айтиш мумкинки, тасаввуфнинг ўзак масаласи ҳисобланади. Бу таълимотга кўра нафс – барча ёмонликларнинг онаси, руҳ – жамики яхшиликларнинг асоси. Шунинг учун Сулаймон Боқирғоний ҳикматларидан бирида руҳ ва нафсни ўзаро баҳс-мунозарага киритиб, улардан бирининг афзаллигию иккинчисининг тубанлигини юксак бадиий шаклда очиб беради:

Нафсим айтур: бу беш кунлик тирикликда
Бу дунёда боғу бўстон этойин дер.
Ул бўстонларға солну-солну кирибон
Текма ёзда турлук мева тотойин дер.

Руҳим айтур: кошки Ҳақдин тавфиқ бўлса,
Туни-куни тинмайин ёдин айтсам,
Қисматимдан ортуқ таом емас бўлсам,
Бу дунёни йиғиб-териб нетойин дер.

Мумтоз адабиётда нафс инсонни Илоҳдан ажратадиган, камолот йўлидан чалғитадиган, тубанлаштириб, ҳайвондан баттар хор қиладиган даҳшатли куч сифатида тимсолу ташбеҳлар воситасида қораланади. Шоирлар нафсни кофирга, ғаддор душманга, еб-тўймас аждаҳога, Дажжолга, девга, итга ва бошқаларга ўхшатганлар. Чунончи, Абу Абдуллоҳ Рудакий: "Нечун нафсим итига озиқ айлай пок имонимни", – деб ёзса, Машраб: "Нур бўлур эрдимки, нафс аждаҳоси бўлмаса", – дейди. Зеро, ирфоний адабиётда аждаҳо ёмонликка даъват қилувчи золим, ҳарис ва тамагир нафс тимсоли ҳамда ғазаб ва шаҳват каби разил сифатларнинг мазҳари бўлиб келади. Моддий олам ва саркаш нафсга ҳам ишора қилинади. Шарқ мумтоз шеъриятида аждаҳо нафс тимсол ўлароқ кенг қўлланади. "Фарҳод ва Ширин" достонида ҳам Фарҳоднинг ойинаи жаҳоннамони қўлга киритиш йўлида енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлардан бири ғордаги даҳшатли аждаҳо бўлиб, у айнан нафс тимсоли бўлиб келади. Достоннинг 22-бобида унинг аждаҳо билан кураши батафсил тасвирланган. Абулъало Афифийнинг ёзишича, Фаридиддин Атторнинг "Мантив ут-тайр"идаги қушлар – инсон нафслари, Симурғ эса Худодир. Водийлар – сўфий йўлидаги мақомларни тамсил этади. Қушлар сайри маънавий сафардир. Бу сайру саёҳат асносида нафснинг ғаройиб ишлари, турфа ҳоллар, дунё ташвишларига боғланиш, илоҳий маҳбубага етиш каби ҳолатлар мушоҳада қилинади.

Ҳусайн Воиз Кошифий нафсни шерга ўхшатса, Нажмиддин Кубро девга қиёс қилади. Ҳайдар Хоразмий салафларнинг анъанасини давом эттириб, нафсни мазаммат этиш учун оҳорли ташбеҳу тимсоллар қўллайди. Жумладан, меъдани дўзахга ўхшатади – у энг қаттол душманинг бўлиб, қонингни ичса ҳам тўймайди. Шоирнинг уқтиришича, эр йигитни айнан нафс – халқум ғами хор қилади. Бинобарин, кимки нафсни тия олса, ундан зўр одам йўқ.

Меъда тамуғиким, эрур душманинг,
Тўймагусидур агар ичса қонинг...

Хор қилур эрни бўғузнинг ғами,
Шум бўғузни бўғса, у зўр одами[1].

Нафсни қоралаш, унинг турли кўринишларини танқид қилиш Навоий ижодида ҳам катта ўрин тутади. Шоирнинг деярли барча асарларида нафс мазаммат этилган фикрларга дуч келамиз. Уларнинг кўпи ҳикмат ва мақол даражасига кўтарилган. Чунончи, қуйидаги байтида у нафсни итга тенглаштиради:

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ (ҒС,288)).

"Тўқайдаги шерни енгиш мардлигу жасурлик эмас, агарда сен нафс итини мағлуб қила олсанг, ана унда оламда сендан марду жасур киши топилмайди".

Ёки ризқ учун бировларнинг миннатидан қадди хам бўлиб, ерга бош урган нафс бандасини ўзинг учун намознинг яхши навини кашф этибсан деб аччиқ киноя қилиш билан аслида унинг асл қиёфасини фош этади:

Ер ўпарсан ризқ учун миннат юкидан хам бўлуб,
Тенгри ёрингким, қилибсан хуш намозе ихтироъ (ҒС,288).

Тасаввуфда нафс марказий ўрин тутганлиги учун ҳам унинг турли кўринишларини махсус тасниф қилиб чиқишган. Жумладан, нафси аммора – ёмонликка бошлайдиган нафс, нафси лаввома – қилган гуноҳи учун кишини маломат қиладиган, пушаймон бўладиган нафс, яъни виждон азоби, нафси мулҳама – инсонда эзгу истакларни уйғотувчи, яхшиликка ундовчи нафс, нафси мутмаина – жиловланган, хотиржамликка эришган нафс ва ҳоказо. Айтайлик, "Сабъаи сайёр" достонидаги аввалги иқлим йўлидан келган мусофирнинг Ахий ҳақидаги ҳикояти тасаввуфий мазмунга ҳам эга бўлиб, Шайх Санъон тарсо қизига ошиқлик орқали нафсини ўлдирганидек, "зуҳду тақвони шиор", "покликни ҳисор" этган, кўнглини фақр билан машғул қилиб, Фарҳод каби салтанатни қабул қилмаган Ҳинд шаҳзодаси Фаррух учун Гулчеҳра муҳаббати нафс йўлидаги ҳижобни бартараф этиш эди. "Ахий лутфи хароб қилган" Фаррух севгани билан ака-сингил тутиниб, ишқ дарди ва кўнгил захмидан фориғ бўлгани хусусида шоир шундай ёзади:

Шукрким, етти лутфи Яздоний,
Қолмади зулми нафси зулмоний (7,420).

[1] Ҳ а й д а р Х о р а з м и й. Гулшан ул-асрор \\ Муборак мактублар. – Тошкент, 1987. 230-бет.

“Шукрки, Худонинг лутфи муяссар бўлиб, қора нафснинг зулми ниҳоясига етди”.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг: “Курашда йиқитган эмас, балки ғазабини ўзига бўйсундирган ҳақиқий паҳлавондир” мазмунидаги ҳадисини Алишер Навоий “Арбаъин” асарида бироз ўзгартириб, “нафси амморани мағлуб этган кишини чин паҳлавон деб ҳисоблаш керак” тарзида талқин қилади:

Эмас ул паҳлавонки, ўз қадрин
Бош уза элтибон нигун қилғай.
Паҳлавон они билки, етса ғазаб,
Нафси амморани забун қилғай (10,592).

Паҳлавон Маҳмуд ҳам бу хусусда: “Ўз нафсига кимки бўлса шоҳ – мард ўшадир”, – деб ёзади.

Мана бу байтда эса Алишер Навоийнинг нафс ҳақидаги қарашлари ўзининг авж нуқтасига кўтарилган ва шоирнинг бу борадаги барча фикрларининг ўзига хос якуни бўлган дейиш мумкин:

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен – бир тараф (3,697).

Бу билан Навоий бу дунёда қимирлаган жон зоти борки, бир манфаат бандаси – манфаатсиз кишининг ўзи йўқ: ҳамма кимдандир, нимадандир тама қилади. Беғараз, манфаатсиз, самимий кишини топиб бўлмайди. Агар кимки тамани тарк этса, бундан улуғ иш йўқ: бутун олам бир тарафу у бир тараф бўлади деган буюк бир фикрни ўзига хос йўсинда содда, аниқ ва тушунарли услубда ифодалаган. Шунинг учун ҳам шоир бошқа бир ғазалида:

Эй кўнгул, куйдур тамаъ тухмин, таманно мазраъин,
Бу экинни чунки ҳаргиз қилмади доно писанд (FC,119), –

деб ёзади.

“Эй кўнгил, тама уруғию ҳавас экинзорига ўт қўй, чунки доно киши бу ҳосилни ҳеч қачон назарига илган эмас”.

Маълум бўладики, инсон учун нафсдан кучли душман йўқ. нафсини ўзига бўйсундирган кишини ҳатто шайтон ҳам йўлдан уролмайди. Муҳаммад Жабалрудий таъбири билан айтганда, нафсининг ҳокими бўлган киши бу дунёда душманим йўқ, деб ҳисобласа ҳам бўлаверади.

СОМИРИЙ СЕҲРИ

Навоий ўз шеърларида талмеҳ санъатидан маҳорат билан фойдаланиб, фикрларини лўнда ва таъсирчан ифодалаш мақсадида тарихий шахслар, воқеа-ҳодисаларга нозик ишоралар қилган. Шунинг учун пайғамбарлар, авлиёлар, машҳур кишилар ҳаёти ва фаолиятидан етарлича хабардор бўлмаган ўқувчи уларни барча маъно қирралари билан теран идрок этиши қийин. Чунончи, қуйидаги байт мағзини чақиш учун Сомирий сеҳрию Исо Масиҳ мўъжизаси нималигини билиш тақозо қилинади:

Кўзни афсунсоз этиб, жонбахш лабдин нукта айт,
Сомирий сеҳрин, Масиҳо мўъжизин изҳор қил (ҒС, 388).

“Кўзингни сеҳргарга айлантириб, жон бағишловчи лабингни сўзга очиб, пурмаъно сўзлар айт – шу тариқа Сомирий сеҳрию Масиҳ мўъжизасини намоён қил”.

Сеҳргар, ҳийлагар тимсолига айланиб кетган Сомирий Мусо алайҳиссаломнинг холаваччаси ва шогирди эди. Оллоҳ таоло Фиръавнни ҳалок қилмоқчи бўлганида Жаброил жаннат буроқини миниб, Фиръавннинг олдида бораркан, отининг туёғи теккан ер жонланишини кўриб қолган Сомирий ундан бир ҳовуч олиб асраб қўйган эди. Оллоҳ таоло Тавротни нозил қилиш учун Мусо алайҳиссаломни Тур тоғига даъват этганида унинг ҳаяллаб қолганидан фойдаланиб, фитна қўзғайди.

Мисрдан чиқиб келаётганда Фиръавн қавмининг зеб-зийнатларини кўтариб чиққан бани Исроилга қарата: “Бу бойликлар сизга ҳаром бўлиб, унинг касофатидан Ҳақ дийдоридан маҳрум қолдингиз. Ўзингизни ундан халос қилиб, менга беринг – мен сизга Тангрини кўрсатай!” – деб аврайди. Исроил қавми унга ишониб, бор нарсаларини топширадилар. Сомирий барча олтин-кумуш, гавҳару марваридларни бир ерга тўплаб, уларни эритади ва ичи ғовак бузоқ ясайди. Жаброилнинг оти туёғи теккан тупроқни унга солганида, овоз чиқаради. “Сизнинг Тангрингиз ана шу!” – дейди Сомирий. Бунга ишонган қавми олтин бузоққа топина бошлайдилар[1].

Шу тариқа, Мусо алайҳиссаломга фақат Оллоҳгагина сиғинишга ваъда берган қавми Сомирий ясаган бузоққа сиғиниш билан бу онтларини бузадилар. Мусонинг:

– Бу нима қилганинг, эй Сомирий? – деган саволига жавобан у:

– Нафсим мени шунга ундади, – дейди.

Шундан кейин Мусо Сомирийга у ясаган “илоҳни ёндириб, кулини денгизга сочиб юборишлари, ўзига эса қиёматда қаттиқ азоб борлигини айтади”[2].

Исо Масиҳнинг мўъжизаси эса ўликларга жон ато этишида. Шарқ мумтоз шеъриятида нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқа ҳам Масиҳдам, Масиҳнафас деб муболаға қилинган, баъзида ҳатто ундан устун ҳам қўйилган. Келтирилган байтда ҳам маҳбубанинг кўзи сеҳргарликда Сомирийдан, лаби жонбахшликда Масиҳдан устун қўйилмоқда. Қолаверса, уларнинг бири сеҳру иккинчиси мўъжиза кўрсатган бўлса, маъшуқанинг бир ўзида бу икки хусусият мужассам: кўзи сеҳру лаби мўъжиза кўрсатади.

Бундан ташқари, мумтоз шеъриятда маъшуқанинг кўзи қотилу лаби жонбахшлиги анъанавий ташбеҳлардан ҳисобланади, яъни кўзи билан ўлдирса, лаби билан тирилтиради. Бу ерда ҳам шунга ишора мавжуд. Чунки Сомирий бани Исроилни йўлдан оздириб, хароб қилган эди. Демак, Сомирий сеҳрида ҳалокат мавжуд эди. Масиҳда эса қайта тирилтириш қудрати бор. Яъни кўзинг жодуси билан ҳолимни хароб қилсанг, лабинг мўъжизаси билан аҳволимни ўнгла. Бунинг мисолини шоирнинг қуйидаги байтида кўрамиз – унда маҳбуба кўзининг жодусини Сомирий сеҳридан устун қўяди:

Воизо, кўп васф қилдинг Сомирийнинг сеҳрини,
Ҳозир ўлғилким, сени ул кўзи соҳир кўрмасун (БВ, 440).

“Эй воиз, Сомирий сеҳрини ҳаддан зиёд таъриф-тавсиф этдинг, эҳтиёт бўлки, сени у жоду кўзли кўрмасин, акс ҳолда ҳолинг хароб бўлади”.

[1] Қисаси Рабғузий, 2-китоб, 14–16-бетлар.
[2] Қуръони карим, 218-бет.

Албатта, шоир фикрини оддийгина баён қилиб қўя қолмаган, билъакс бир байтнинг ўзида бир неча санъатлар силсиласини кўрамиз. Аввало, Сомирий сеҳрию Масиҳ мўжизасига ишора қилинишида талмеҳ санъати мавжуд. Иккинчидан, кўз жодусининг Сомирий сеҳрига, лаб жонбахшлигининг Масиҳ мўъжизасига қиёсланишида ташбеҳ санъатини кўрамиз. Учинчидан, кўз фитнасининг лаб жонбахшлигига, Сомирий сеҳрининг Масиҳ мўъжизасига қарши қўйилиши тазод санъатини келтириб чиқарган. Тўртинчидан, кўз жодусининг Сомирий сеҳрига, лаб жонбахшлигининг Масиҳ мўъжизасига нисбати борлиги лафф ва нашр санъатини юзага келтирган. Бешинчидан, маъшуқа кўзи сеҳргарлигининг Сомирий сеҳри, лаби жонбахшлигининг Масиҳ мўъжизасига тенглаштирилиши ва ҳатто устун қўйилишида муболаға санъати қўлланган. Чунончи, бошқа бир байтда ҳам қайси сеҳргарки, Сомирий шогирдиман деган бўлса, ғамзанг унга сенинг устодинг менинг шогирдим ҳисобланади деди деб ёзади:

Қайси соҳирким, дедиким, Сомирий шогирдимен,
Деди ғамзангким: "Эрур шогирдим устодинг сенинг!" (ФК, 352)

ҲАҚ СИРИ ПИНҲОНУ ХАЛҚ СИРИ ОШКОР

Шарқ мумтоз шеъриятида энг кўп қўлланган машҳур санъатлардан бири тазод ҳисобланади. Бу сўзнинг маъноси "зид қўйиш", "қаршилантириш" бўлиб, ундан ўзаро зид сўзлар, тушунчалар, ибораларни бир-бирига қарши қўйиш орқали фикрни таъсирчан ифодалаш, гўзал бадиий тимсоллар, лавҳалар яратишда фойдаланилади. Бундай олиб қараганда, бу санъатни қўллашдан осони йўқ, чунки ҳаётда ҳамма нарса ўз зиддига эга. Масалан: оқу қора, дўсту душман, ҳалолу ҳаром, пасту баланд ва ҳоказо. Лекин буюк сўз санъаткорлари ҳеч кимнинг хаёлига келмаган фавқулодда ва оҳорли тазодлар топиб, фикрларини бадиий баркамол ва таъсирчан шаклда ифодалайдилар. Жумладан, Шайхзода таъбири билан айтганда: "Навоий тазодларни сонига қараб эмас, сифатига қараб тежаб қўллайди ва унинг тазодлари чуқур ҳаётий воқеани, умумийлаштирилган фалсафий ҳикматни изҳор этишга хизмат қилади"[1]. Чунончи, кишиларнинг бир-бирларининг сирларини сира қизғанмай бошқаларга сахийлик билан улашишларини мана бундай кутилмаган ва чуқур мазмунли тазод орқали тасвирлайди:

Ёшурди одам агар Тенгри сиррини, кўрунгиз –
Ки, халқ сиррини тутмас ниҳон бани одам (БВ,409).

Байтнинг мағзини чақиш, унда ифодаланган фикрнинг тагига етиш учун тасаввуф фалсафасидан хабардор бўлиш керак. Унга кўра, "Лисон ут-тайр"да ёзилишича, Худонинг бу дунёни яратишдан мақсади инсон эди – шунинг учун уни мавжудот ичинда тенгсиз қилиб яратади. Инсон кўнглини маърифат хазинаси қилиб, унинг ичида ўзини пинҳон этади. Чунки Оллоҳ таоло ўзининг сирлар хазинасини очганда уни на кўк қабул қилибди-ю, на ер – фақат кўнгли борлиги учун инсон қабул қилибди. Шунинг учун унинг бошига шараф тожи қўйилган, барча мавжудотдан афзал қилинган.

---

[1] М а қ с у д Ш а й х з о д а. Асарлар. Олти жилдлик. 4-жилд. Ғазал мулкининг султони (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 268-бет.

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беэваз.

Кўнглин они махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб...

Чунки:

Айлаганда розининг ганжини арз,
Не само айлаб қабул они, не арз.

Ғайри инсонким, қилиб они қабул,
Ҳам залум айлаб хитобин, ҳам жаҳул.

Чун халойиқдин они мумтоз этиб,
"Кунту канзан" сирриға ҳамроз этиб.

Бошиға қўюб ҳидоят тожини,
Қисмати айлаб шараф меърожини (9,7–8).

"Оллоҳ таолонинг бу дунёни яратишдан мақсади инсон бўлиб, уни барча мавжудот ичинда тенгсиз қилиб яратди. Унинг кўнглини маърифат хазинаси қилиб, ўзини шу тилсим ичига яширди... Чунки У ўзининг сирлар хазинасини очганида уни на ер қабул қилади-ю, на кўк. Инсондан бошқа жонзотлар жоҳиллиги ва кўнгли қаттиқлиги учун уни қабул қилмади. Шунинг учун инсонни барча махлуқотдан афзал қилиб яратди ва "Кунту канзан..." сирига ҳамроз этди ("Кунту канзан..." – Ҳадиси қудсийнинг бошланиш қисми бўлиб, унинг тўла таржимаси шундай: "Эй одам фарзанди, албатта, мен (Илоҳ) бир махфий кон эдим. Бас, ирода қилдимки, ўзимни ошкор қилиб, танилайин деб, бас, бутун халқни яратдим"[1]). Бошига ҳидоят тожини қўйиб, шараф меърожи (шон-шараф юксаклиги, улуғлик арши) унинг қисмати қилиб белгиланади".

"Ҳайрат ул-аброр муқаддимасида ёзилганидек:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Турфа каломингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи ҳомил ул.

Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм (6,15).

"Гарчи хазинангда жонли мавжудот кўп бўлса-да, уларнинг барчасидан мақсад инсон эди. Чунки барча сўзларингни идрок этувчи ҳам, яширин сирларингни пинҳон тутувчи ҳам удир. Шунинг учун ҳам унинг кўнглини хазинангнинг ишончли бир қисми қилиб, жисмини ул хазинага тилсим айладинг".

Шундай қилиб, байт мутолаасидан бир неча маъно чиқариш мумкин:

1. Бир маҳаллар инсон Ҳақ сирини яширган эди, энди халқ сирини пинҳон тутмайди.
2. Одам (алайҳиссалом) Ҳақ сирини яширган эди, энди унинг авлодлари халқ сирини пинҳон тутолмайди.

[1] Р а ф и д д и н о в С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: "Фан", 1995, 53-бет.

3. Аждодлар улуғвор эди – шунга яраша Ҳақ сирини кўнгилларида яширин сақлаганлар, авлодлар майдалашиб кетди – халқ сирини ҳам пинҳон асраёлмайдилар.

4. Ҳақ сири илоҳий эди – шунинг учун уни фош қилишга ҳеч ким журъат қилолмаган, халқ сири дунёвий – уни бемалол ошкор этиш мумкин.

5. Илгари одамлар Ҳақ сирини қаттиқ пинҳон асрашган, энди эса бир-бирларининг сирларини ҳам яширишолмайди.

6. Бизнинг давримизга келиб сир сақлаш урфдан қолди – бир-бирининг сирини сотиш оддий ҳолга айланди.

"Фавойид ул-кибар"даги бир ғазалида ҳам шу мавзуни давом эттиради:

Биров амонатини асрай олмас, арчи эрур
Худой амонатини асрамоқ ҳаволат анга (ФК,8).

"Биров омонатини асрай олмайди-ю, ҳолбуки, унга Худо омонатини асраш ишониб топширилган".

Маълум бўладики, Алишер Навоий қадим ул-айёмда одамлар Ҳақ ишониб, ўз сирини айтган даражада улуғ ва ишончли эдилар. Ҳозир эса илоҳий сирлар уёқда турсин, ўзингнинг оддий сиримгни ҳам айтолмайсан – бир лаҳзада оламга достон қилишади – одамлар майдалашиб, ишонадиган, суянадиган кишини топиш мушкул бўлиб қолди: ҳамма бир-бирининг сирини билиб олиб фош қилади, бир-бирини ғийбат қилади. Уларни кузатар экан, Ҳақ ишонган, сирини айтган ҳақиқий инсон, наҳотки, шу бўлса деб ўйланиб қоласан киши деган фикру мулоҳазаларни илгари сурган. Яъни аждодлар билан авлодларни қиёслаб, ибратли фазилатлари учун аждодларни улуғлаб, иллатлар домига тушиб қолаётгани учун авлодларни танқид қилган.

Кўрдингизми, биргина байтни тушуниш учун қанча кўп нарсани билиш керак экан. Бундай идрок этиш мураккаб байтлар эса Алишер Навоий ижодида сон мингта.

РАМЗЛАР СИЛСИЛАСИ

Алишер Навоий шеърлари қадим туркий, форсий ва арабий сўзларнинг кўплиги билан эмас, диний-тасаввуфий тимсол-тушунчаларга бойлиги билан ўзига хос мураккаблик касб этади. Ислом таълимоти, тасаввуф асосларидан бехабар ўқувчининг уларни ўқиб тушуниши қийин. Чунончи:

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичкан гадо (ҒС,1).

Айтиш мумкинки, бу байт сўфиёна тимсол ва тушунчалар асосига қурилган: май, синган сафол, жом, гетинамо, Жамшид.

Маълумки, май ва унинг шароб, бода каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради. Шоир ижодида май ва мастлик сўзларининг кўп учраши шундан. Албатта, у маст қиладиган ичимлик маъносида ҳам бу сўзни қўллаган, лекин бу борадаги фикрлари май ва майхўрни танқид қилиш, майдан воз кечишга даъват қилишдан иборат.

Навоий ғазалиётида синган сафол, эски сафол иборалари ҳам кўп учрайди. Бу ўринда шоирнинг ҳар банди:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол (1,683–692), –

байти билан якунланадиган таржеъбандини эслаш кифоя. “Синган сафол”дан мурод, биринчидан, синиқ кўнгил, яъни дардли кўнгил, иккинчидан, фақр, яъни бойликка ҳирс қўймасликдир. Ҳақиқат майининг айшини суриш учун ортиқча молу мулк, олтин-кумуш бўлиши шарт эмас”[1].

Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Робиа Адавия, Аҳмад Яссавий, Абусаид Абулхайр, Сулаймон Боқирғоний каби сўфийлар ҳаёти ва фаолиятида фақирлик, хоксорлик, синиқлик асосий ўрин тутади. “Дерларки, Худо синиқ кўнгиллардадир”[2]. Шунинг учун ҳам Яссавий, Абусаид, Боқирғоний ижодида синиклик ва хоксорлик тарғиби кенг ўрин эгаллайди. “Яссавий ҳикматларида “кўнгли бутун” (бошқа жойда “кўнгли қаттиқ”) “кўнгли синиқ” иборалари бир-бирига зид тушунчалар сифатида тилга олинган. Бу иборалар, аслини олганда, тасаввуф тимсолларидан бўлиб, кўнгли бутунлик – илоҳий жазба ва ишқдан бехабарликни, кўнгли синиқлик эса, илоҳий ишқ шавқига тушган одам қалбини англатган”[3]. Бу жиҳатдан Боязид Бистомий билан боғлиқ мана бу ривоят диққатга сазовор: “Боязид ибодат ила машғул эканлигида кўнглига илҳом келди: “Ё Боязид! Хазиналарим қабул бўлган тоатлар бирлан тўлғундур. Шундоқ бир нарса келтиргилки, ул бизнинг хазинамизда бўлмасин”. Боязид илтижо этди: “Бор Худовандо! Сенинг хазинангда бўлмайдиган нарса борми?” Худо таоло марҳамат этдики: “Менинг ҳузуримда севимли бўлган нарса мискиннинг, мухлиснинг бечоралигидир”.

Жом – қадаҳ, пиёла, коса. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуф шеъриятида маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносида келади.

Гетинамо – жаҳонни кўрсатувчи. Маълумки, қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид “жоми жаҳоннамо” – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

Байтдаги нотаниш тимсол-тушунчалар моҳияти ойдинлашгач, мазмуни тушунарли бўлади: “Илоҳий ишқ майига ташна, маърифатдан бохабар дардли кўнгил идиш бўлгани яхши – ўшанда илоҳий ишқ майи поклаган қалб кўзгудай порлаб, бутун оламни ўзида акс эттиради, бу майдан ичса, гадо ҳам Жамшиддай бой-бадавлат ва шон-шавкатли подшога айлади”. Яъни Ҳақ маърифатидан баҳраманд кўнгилнинг қиёси йўқ бўлиб, у бутун оламни кўзгудай ўзида акс эттиради. Кўзгу деганда тасаввуф аҳли илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалбини тушунадилар. Чунки кўзгу деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади. Маълум бўладики, бу байт илоҳий маърифат нуридан покланган ошик кўнгилнинг кўзгудай порлаб, жоми жаҳоннамога айланганию бу қалб соҳибининг Жамшид мақомига етгани ҳақида экан.

Бундай маъно-мазмундаги байтлар шоир ижодида кўп учрайди. Жумладан, қуйидаги байтида у кўнгил кўзгусини дунё ҳирси ҳаваслари ғубори билан қорайтирмаки, жоми жаҳоннамонинг ҳеч қачон хира тортмагани яхши дейди:

---

[1] Р у с т а м о в А. Шоирнинг биринчи ғазали \\ “Шарқ юлдузи”, 1987, 2-сон, 178-бет.
[2] Ф а р и д и д д и н А т т о р. Тазкират ул-авлиё, 37-бет.
[3] К о м и л о в Н. Комиллик тариқати \\ “Тафаккур”, 1998, 3-сон, 91-бет.

Кўнгулни даҳрдин ошуфта қилмаким, хуштур –
Ки, тийра бўлмаса жоми жаҳоннамо ҳаргиз (БВ,202).

Бошқа бир байтида ёзади:

Кўнгул жоми жаҳонбиндур тўла қил соф май бирла –
Ки, солғай акс неким бўлса аҳволи жаҳон анда (НШ, 25).

"Кўнгил жаҳонни кўрсатадиган жомдир – уни соф май билан тўлдир. Ўшанда жаҳонда юз бераётган барча воқеа-ҳодисалар унда акс этади". Яъни маърифат зиёсидан нурафшон кўнгил дунё моҳияти ва аҳволини теран англайди, ҳамма нарса худди кафтдагидай кўриниб туради.

Мана бу байтида эса мен бир фақиру бечора эдим, май билан синган сафолимни Жамшид жомига айлантириб, хароб кўнглимни Қорун хазинасига айлантирдилар дейди:

Муфлис эрдим, май қилиб синғон сафолим жоми Жам,
Хотирим вайронасин худ ганжи Қорун қилдило (ҒС,573).

Бу ерда Жам – Жамшид номининг қисқартирилган шакли. Хотир сўзининг эса эс, ёд, хотирадан ташқари, мумтоз адабиётда кўнгил маъноси ҳам мавжуд. Байт рамзий мазмунда бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича: "Мен бир бечора эдим, май билан синиқ, хароб кўнглимни поклаб, ярақлатиб Жамшид жомига, вайрона кўнглимни эса Қорун хазинасига айлантирдилар. Зеро, илоҳий майдан бир қатра тушса, у ҳар қандай кўнгилни Жамшид жомига – ойинаи жаҳоннамога айлантиради. Бу ишқдан баҳраманд кўнгил эса Қорун хазинасидан ҳам бой ҳисобланади.

Лайлини Мажнунга олиб бериш учун Навфал унинг отасига қарши қўшин тортганида енгилиши аниқ бўлиб қолган Лайлининг отаси агар мағлуб бўлса, бу урушнинг сабабчиси бўлган қизини ўлдирмоқчи бўлгани кўнглида Лайлининг ишқидан бўлак нарса қолмай, шаффоф бир шаклга кирган Мажнун тушига кириб, Навфалдан жангни тўхтатишни сўрайди. Ва "ишқ кўрган", "ғам дашти аро югурган" Навфал: "Мажнуннинг туши ҳеч шубҳасиз ҳақиқатдир – бу воқеа чинга ўхшайди", – деб қўшинини қайтариб олиб кетади:

Арз айлади кайфиятни Мажнун,
Навфалки эшитти, бўлди маҳзун.

Жазм эттики: "Бу қазия чиндур,
Мажнун туши бегумон яқиндур".

Англаб эди кўнглининг сафосин,
Бал ойинаи жаҳоннамосин –

Ким, айламас анда ошкоро,
Жуз сидқ жамоли жилва оро (7,149).

Ўз асарларида мажозий ва ҳақиқий ишқни, мажозий ишқнинг юксалиб, ҳақиқий ишққа айланишини бадиий тимсоллар воситасида кўрсатиб бериш билан кифояланмай, Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонларида бу икки

ишқ ҳақидаги ўзининг назарий қарашларини ҳам баён қилади. Бу боблар нафақат мазкур достонларни, балки умуман тасаввуф адабиётини англаш учун муҳим очқич. Шоир нуқтаи назарига кўра мажозий ишқ – кимё: у инсонни қусурлардан халос этади. Бу ишқда ўртанган ошиқнинг хокий вужуди пировард натижада олтинга айланади. Маълумки, қадимги кимёгарлар турли маъданларни юқори ҳарорат остида олтинга айлантириш мумкин, деб ишонганлар ва бу орзу йўлида кўп куч сарфлаганлар. Ишқ ҳам ўт. Ўт бўлганда ҳам энг ёндирувчи, энг куйдирувчи ўт. Унинг таъсирида ошиқдаги ношойиста, ёмон хислатлар маҳв бўлиб, руҳ покланади. Навоий руҳнинг ана шундай "минг сўзу гудоз бирла" покланиш жараёнини – кимёланишини ишқи мажозий деб атайди. Бу кимёланиш босқичидан ўтган ишқ эса ойинаи жаҳоннамолик касб этади. Ойинаи жаҳоннамолик – ҳақиқий ишқ мақоми. Шу тариқа, ишқнинг аввал кимёлик, кейин ойинаи жаҳоннамолик хусусиятини баён этар экан, дейди:

Гарчи ики навъ ўтти рози,
Аввалғини англағил мажози(й) (7, 257).

Фарҳод ва Мажнуннинг Ширин ва Лайлига етиш йўлида чеккан ранжу машаққатлари, алам-изтиробларини Навоий – мажозий ишқ, икки ошиқнинг ўз маъшуқаларига етиб, сингиб-бирлашиб кетганини – ҳақиқий ишқ деб атайди.

Маълум бўладики, кимёланиш – тариқат, ойинаи жаҳоннамолик эса ҳақиқат босқичига тўғри келади.

Ойинаи жаҳоннамо аслида ошиқ соликнинг қалби. Дунё, нафс, вужуд ташвишларидан қутулган, уларнинг борлигини унутиб, бутун фикру зикрини ягона Оллоҳга қаратган инсоннинг қалби ойинадай пок бўладики, жумла, олам, курраи заминда юз бераётган воқеалар унда акс этади. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

Хуршиди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен.

Ким қилди санга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.

Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сориким боқти – ёр топти (7, 257).

Маълум бўладики, Фарҳоднинг аждарҳо (нафс), Аҳриман (ҳокимият ва давлат) ва темир пайкар (дунё)ни енгганидан кейин жоми жаҳоннамони қўлга киритиши рамзий маънода бўлиб, нафс ва дунё алойиқларидан қутулган Фарҳод қалбининг ойинаи жаҳоннамога айланганига ишорадир. Хоқон хазинасидаги тилсимли ойина – илоҳий жазба – Ҳаққа тортилиш. Ойинада Ширин сиймосининг намоён бўлиши – Фарҳоднинг шаффоф қалбида илоҳий нурнинг жилваланишидир. Худди шунга ўхшаб, Лайли ишқида одамлардан, дунёдан узилиб, биёбонга чиқиб кетган, нафсини ҳам, жисмини ҳам унутган, қаёққа боқса – фақат маъшуқасини кўрадиган Мажнуннинг қалби ҳам дунёвий ғуборлардан тозаланиб, илоҳий шуъладан равшанлашган – ойинаи жаҳоннамога айланган. Навфал қўшинидан енгилаётган Лайлининг отаси ўз қизини ўлдиришга қасд қилганини у айнан кўнгил кўзгусида кўради ва Навфалдан урушни тўхтатишни сўрайди ҳамда бунинг сабабларини айтиб беради. Навфал унинг сўзларига ишонади ва қўшинини қайтариб олиб кетади. Ота-онасининг фарзанди

ғаму ҳасратида дунёдан ўтгани-ю, Лайлининг жон таслим қилаётгани ҳам унинг кўнгил кўзгусида намоён бўлади.

Маълум бўладики, Шарқ мумтоз адабиётидаги ошиқнинг оҳ-воҳлари, ранжу изтироблари, орзу интилишлари, қувончу қайғулари айни шу кимёланиш, яъни мажозий ишқ тасвири экан. Васлу висолга оид, тамкин ҳолатидаги маъшуқадан рози-ризолик мавзуидаги шеърлар эса ҳақиқий ишққа тегишли.

"ХУРШИД – АТОНГДУР, ОЙ – АНО..."

Шарқда қадимдан етти сайёра, тўққиз фалак тушунчалари машҳур бўлган. Ерга яқинлигига қараб, Ой – биринчи, Аторуд (Меркурий) – иккинчи, Зуҳра (Венера) – учинчи, Қуёш – тўртинчи, Миррих (Марс) – бешинчи, Муштарий (Юпитер) – олтинчи, Зуҳал (Сатурн) – еттинчи фалакда деб тасаввур қилинган. Тўққиз фалак деганда, ушбу сайёраларга яна иккита қўшилади: "Фалаки савобит" (турғун фалак) – буржлар. Бу – саккизинчи осмонда бўлади. Фалак ул-афлок (Фалаклар фалаги) – тўққизинчи осмон. Тўққизинчи фалак деганда осмоннинг энг юқори қисми тушунилади.

Ҳар бир сайёра муайян нарса-тушунчаларнинг тимсоли ҳисобланган. Айтайлик, Қуёш тириклик рамзи бўлганлиги учун "кун подшоҳи", "Шарқ шоҳи", "юлдузлар султони", "тонг подшоҳи", "Шарқ турки", "тонг шунқори" каби кўпдан-кўп сифатлар билан улуғланган. Чунончи, Навоий машҳур ғазалини шундай бошлайди:

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти,
Шиоъйи хат била кўҳсор уза олтун алам чекти (НШ, 606).

"Саҳар пайти Шарқ подшоҳи ўзининг сипоҳу хизматкорлари билан фалак узра чиқиб келди, тоғлар узра шуъласи хати билан олтин байроқ тикди".

Бундан ташқари, у ҳуснда тоқ маъшуқанинг ва гўзал юзнинг тимсоли бўлиб келади. Шу ўринда, кичик Алишернинг малик ул-калом Лутфийни қойил қолдириб, забардаст шоирнинг таҳсинига сазовор бўлган машҳур байти ёдга келади:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш (ҒС,249).

"Қуёш ботиб, қоронғилик тушгач, кўк юзини юлдузлар қоплагани каби, ёр юзини бекитгач, интизорликда кўзимдан юзимга ёшлар сочилади".

Бу ерда санъаткор шоир ёр юзини кўришдан маҳрум бўлиб, кўзларидан ёшлар оқишини қуёш ботганидан кейин осмонга юлдузлар чиқиб келишига ўхшатган.

Ниҳоятда гўзал ташбеҳ.

Маъшуқа юзини қуёшга, ошиқ кўз ёшини юлдузларга нисбат бериш Шарқ мумтоз шеъриятида бир анъана тусини олган. Кавкаби сайёра – сайр қилувчи юлдуз ҳам кўздан муттасил оқиб турувчи кўз ёши маъносини билдиради. Чунончи, Навоий ёзади:

Турған ёшимни оқиздилар ул ой фироқида,
Собитларимни кавкаби сайёра қилдилар (ФК,190).

“У ойдай гўзал маҳбуба фироғида кўзимдан ёшимни оқиздилар – ўз ўрнида устувор турган нарсани сайр этувчи юлдуз каби ўрнидан қўзғатиб юбордилар”.

Яъни ёш кўзда турган эди – ёрдан айрилгач, у тўкилишга бошлади.

Бу ерда ой истиора санъати воситасида ойдай гўзал маъшуқанинг сифати бўлиб келган. Истиора арабча сўз бўлиб, омонатга олиш деган маънони билдиради. Бу бирор нарсани унинг сифати билан аташдир.

Қуёш ва ой гўзаллик тимсоли бўлганлиги учун ҳам Навоий бир ғазалида маҳбубани таърифлар экан, отанг – қуёшу онанг – ой бўлганлиги, шу икки гўзал хилқатдан яратилганлигинг учун ҳам сен гўзалларнинг шоҳисан, ҳусн давлатининг соҳибисан дейди:

Эй ҳусн аро соҳибғино: хуршид – атонгдур, ой – ано... (БВ,372)

Яна бир байтида ёзади:

Ой, кун – ато бирла ано, фарзанд сен бўлсанг не тонг –
Ким, сен саминдурсен, валек ул икки андоқким садаф (БВ,307).

Бу ерда самин – қимматбаҳо гавҳар, садаф – ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: “Агар сен фарзанд бўлсанг, ой билан қуёш ота билан она. Гўё сен қимматбаҳо гавҳарсану улар иккаласи сени бағрида парваришлаган садаф”.

Бу ташбеҳ бежиз эмас. Қуёш ва ойнинг дунёнинг асосини ташкил этган ёритқичлар эканлиги, беқиёс гўзаллиги, ягоналиги, доимий ҳаракатда эканлиги, беминнат нур ва ҳарорат таратиши, кеча-кундуз инсоннинг ҳамроҳи эканлиги учун ҳам қадимдан улар муқаддаслаштирилиб, қуёш – ота, ой – онага қиёсланган. Навоийнинг машҳур мисраларини эслайлик:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Тун-кунингға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш (6,139).

“Отангнинг қошига бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон қиладиган қуёш деб бил”.

Ота-онанинг фарзанд ҳаётида тутадиган ўрнини ҳеч ким бундан ортиқ таърифлаб беролмаса керак: дунё учун қуёш билан ой қанчалик аҳамиятга эга бўлса, фарзанд учун ота-она ҳам шунчалик қимматли! Чиндан ҳам, ой туфайли тун, қуёш сабабли кун ёруғ бўлганидек, ота фарзанд ҳаётининг кунини ёритса, она тунини нурга тўлдиради. Улардан бири бўлмаса, кеча-кундузнинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғидай туюлади, чунки етим кўнгилнинг бир чеккаси ёришмай тураверади-да.

Аторуд (Уторуд, Тир) – фалак котиби, муншийси номи билан машҳур бўлиб, ижод аҳли – шоиру ёзувчиларнинг ҳомийси, пири сифатида талқин қилинган. Зуҳра (Ноҳид)ни фалак созандаси дейдилар ҳамда гўзаллик, санъат, мусиқаю рақс, хурсандчилик тимсоли ҳисоблайдилар. Миррих (Баҳром) жангу муҳораба, фитнаю уруш рамзи бўлганлигидан кишиларга бадбахтлик келтирувчи шум ва бехосият сайёра саналади. Муштарий (Биржис, Ҳурмуз) – Қуёш тизимидаги энг катта сайёра бўлиб, ўтмиш мунажжимлари уни муборак, саодатли деб улуғлаб, Саъди акбар – Фалак қозиси, деб атаганлар. Саъд – саодатли, бахтли,

акбар – катта, улкан. Саъди акбар – бахту саодат келтирувчи улкан сайёра дегани. Воқеан, Муштарий – Сатурн энг катта сайёра ҳисобланади. Зуҳра унга қиёсан Саъди асғар – бахту саодат келтирувчи кичик сайёра дейилади. Буларга қарама-қарши баъзи сайёралар наҳс – шумлик, хосиятсизлик, бадбахтлик тимсоли бўлиб, улар кишилар бошига фалокату ёмонлик келтирар эмиш. Чунончи, Зуҳал (Кайвон) – наҳс ҳисобланиб, бахтсизлик келтирувчи сайёра дейилади.

Бахтли буржлар остида эса қиличи, қалами, илми ёки бошқа бир хусусияти билан жаҳонни олган улуғ инсонлар туғилганлар. Бундай бурж остида туғилган маҳбуба эса ҳусни билан олам аҳлини асир қилади. Чунончи, Навоий қуйидаги байтида сен саодатли юлдуз остида туғилгансан – гўё қуёш сенга отаю тўлин ой онадир дейди:

Ахтари саъд сенингдекки туғуптур гўиё –
Ким, қуёш эрди атову тўлун ой эрди ано (ҒС,39).

Адиб Собир Термизий эса ўзининг бахтсиз юлдуз остида туғилганидан шикоят қилган эди:

Менга ҳеч келтирмади давлат бу толе юлдузи,
Қандайин шум юлдуз остида туғилганман, дод![1]

(Эргаш Очилов таржимаси)

Сайёралар ўзларининг ана шу хусусиятлари билан Шарқ мумтоз шеъриятида ранг-баранг бадиий вазифаларни бажариб келадилар. Шоирлар ўз фикрларини гўзал ва таъсирчан ифодалаш учун улардан бадиий восита сифатида фойдаланадилар. Масалан Навоий ёзади:

Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин –
Ким, Уторуд шеъридин чарх узра Ноҳид этмагай (НШ,630).

“Навоий шеърини эшитиб, созандалар шунчалик фарёд чекдиларки, фалакда Уторуднинг шеърини эшитиб, Ноҳид бунчалик ҳаяжонга тушмас эди”.

Бунда, албатта, Навоий Уторуднинг фалак котиби, шоиру адибларнинг ҳомийси, пири эканлигию Ноҳид – Зуҳранинг фалак созандаси эканлигидан келиб чиқиб, ўзининг фахрия байтини самовий тимсоллар билан безаган. Шеър тагмаъносидан эса менинг шеъримни эшитса, Уторуд қойил қолиб, Зуҳра рақсга тушар эди деган фикр англашилиб турибди.

Пайғамбарларнинг ҳар бири ҳам бир осмонда мақом тутган. Биринчи осмон – Одам алайҳиссаломнинг, иккинчиси – Яҳё, учинчиси – Юсуф, тўртинчиси – Исо, бешинчиси – унинг сафдоши Ҳорун, олтинчиси – Мусо, еттинчиси – Иброҳим пайғамбарларнинг мақоми ҳисобланади ва Шарқ шеъриятида улар билан боғлиқ ташбеҳу тимсоллар бадиий талқин қилинади. Масалан, Навоий ғазалларида Қуёш ва Исо алайҳиссалом ўртасидаги муштаракликка кўп ишоралар қилинади:

Оҳим андоқ тийра қилди кўкниким, топмас ўзин,
Гар қуёшдин ёқмаса Исойи Руҳуллоҳ шамъ (ҒС,293).

“Оҳим тутуни кўкни шунчалик қоронғи қилдики, агар қуёшдан шам ёқмаса, Исойи Руҳуллоҳ ўзини тополмай қолади”.

[1] Адиб Собир Термизий. Девон. – Тошкент: “Наврўз”, 2017, 218-бет.

Маълумки, тириклай кўкка кўтарилган Исо алайҳиссалом ҳам қуёш каби тўртинчи осмонда мақом тутган. Қуёш ва Исо алайҳиссалом ўртасида боғлиқлик ва яқинлик сабаби шунда.

Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча коинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади. Ўн саккиз минг олам деганда Навоийнинг машҳур байти хотирада жонланади:

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур (БВ,136).

"Менинг гўзал маҳбубамнинг ёши ўн саккизда, бинобарин, унинг бошида ўн саккиз минг оламнинг савдоси бўлса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ".

Бу байт адабиётшунос олимлар ўртасида кўп баҳсу тортишувларга сабаб бўлган. Масалан, академик Алибек Рустамовнинг ёзишича "Навоийнинг сарвинози агар ўн саккиз ёшда бўлмаганда, у "ўн саккиз минг олам" иборасини ишлатмаган бўлар эди"[1]. Нусратулло Жумахўжанинг ёзишича, бу байтда ўн саккиз яшар қиз эмас, ақлу хулқда, илму донишда етук, ҳар жиҳатдан баркамол балоғат ёшидаги йигит тасвирланган бўлиши ҳам мумкин[2]. Иброҳим Ҳаққул шоир ғазалидаги "ўн саккиз минг олам" тасаввуф шеъриятидаги бадиий тимсоллардан бири бўлиб, у Ҳақ ошиқларининг зоҳирий оламига эмас, балки ботиний оламга дахлдордир дейди[3]. "Чунончи: ўн саккиз ёшли шоирнинг сарвинози – "ўн саккиз минг олам" ғавғоларининг сабабкори: "Ёри азал". У качонлардир йўқни бор қилиб, "ўн саккиз минг олам"ни юзага келтирган. Лекин ўзи ҳамон ўша-ўша "ўн саккиз ёшли" сарвинозлиги ўзгармаган. Ўн саккиз ёшга яна ўн саккиз йиллик ҳусннинг қўшилиши ёки "Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур" дея таъкидланиши – булар илоҳий ҳусн қудрати ва боқийлигини тараннум қилади"[4]:

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Бу сайёраларнинг ҳар бири бир ранг билан ҳам боғлиқ: Кайвон – қора, Қуёш – сариқ, Ой – яшил, Миррих – қизил, Аторуд – нилуфар (мовий), Муштарий – сандал, Зуҳра – оқ. Навоий етти ҳафтани шу етти сайёра номи билан боғлаб, "Сабъаи сайёр" достонида Баҳром ҳар куни бир қасрда бир иқлимдан келган мусофирнинг ҳикоясини эшитади: шанба куни – қора қасрда, якшанба куни – сариқ қасрда, душанба куни – яшил қасрда, сешанба – қизил қасрда, чоршанба – нилуфарий қасрда, пайшанба куни – сандал тусли қасрда, жума куни – оқ қасрда.

"Хамса"нинг тўртинчи достони "Сабъаи сайёр" – "Етти сайёра" деб аталади. "Сабъаи сайёр"да ҳафта кунларининг сайёралар номи билан аталганлигига асосланиб, етти кун ҳомийси етти сайёра сифатида талқин қилинади ва Баҳромнинг етти рангли қасрда етти сайёҳдан ҳикоя тинглаши, ҳар бир кўшк рангининг бир сайёра кўриниши сифатида тушунилади"[5].

Навоий Баҳромни – Миррих, Дилоромни – Зуҳрага ўхшатади. Маълумки, Миррих – қаҳрамонлик ва жангу муҳориба тимсоли бўлса, Зуҳра – гўзаллик ва санъат рамзи.

---

[1] Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: "Ёш гвардия", 1987, 85-бет.
[2] Жумаев Н. Ўн саккиз ёш ҳайратлари \\ "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990 йил, 21 сентябрь.
[3] Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 103-бет.
[4] Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият, 105-бет.
[5] Эшонқулов Ҳ. Самовот – ишқ мазҳари. – Тошкент: "Фан", 2008, 52-бет.

Табибларнинг маслаҳатига кўра севгилисининг ҳажрида савдойи бўлиб қолган Баҳромнинг кўнглини очиш учун етти иқлим шоҳи томонидан етти иқлимга олиб борадиган йўл устида қаср қурадилар. Етти қасрнинг ҳар бири 7 сайёрадан бирининг рангига мос бўлиб, ҳафтанинг ўша сайёра ҳомий ҳисобланган кунига мос эди. Масалан, шанба Зуҳал (Сатурн) сайёрасига мос қора. якшанба учун Қуёшга мос сариқ, душанба учун ойга мос яшил, сешанба учун Миррих (Марс)га мос қизил, чоршанба учун Уторуд (Меркурий)га мос мовий, пайшанба учун Муштарий (Юпитер)га мос сандал, жума учун Зуҳра (Венера) га мос оқ қаср қурилган бўлиб, 7 иқлим шоҳининг 7 қизига уйланган Баҳром ҳафтанинг ҳар кунида бир қасрда бир малика билан бўлади ва бир иқлимдан келган мусофирнинг ҳикоясини эшитади.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ шоирлари самовот – сайёралар, юлдузлар, буржлар, осмон ҳодисалари билан боғлиқ тасаввур-тушунчалардан ҳам ўз фикрларини гўзал ва таъсирчан ифодалашда маҳорат билан фойдаланганларки, оламнинг яратилиши билан боғлиқ қадимий қарашлар, афсона-ривоятлар, самовий жисмларнинг жойлашиши, ҳаракати, осмон ҳодисалари, яъни илми ҳайъат (астрономия) ва илми нужум (астрология)дан ҳам бир қадар маълумотга эга бўлиш тақозо қилинади.

ҚАТРАДА УММОН АКСИ

Шарқ мумтоз сўз санъати намуналари мазмунан теранлиги ва бадиий юксаклиги билан дунё илму адаб аҳлини лол қолдириб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири ўтмиш адабиётимизда бадиият қонунларининг ҳар томонлама чуқур ишланганлиги ва ҳар бир шоирдан уларга амал қилишнинг қатъий талаб этилганлигидир. Мумтоз адабиётшунослик фақат бадиий тасвир воситалари, шеърий санъатлардан фойдаланиб ёзилган бадиий баркамол асарларнигина чинакам адабиёт намунаси сифатида эътироф этган ва уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатган. Шарқ шеъриятида янги фикр айтиш, мазмунан теран мулоҳазаларни ифодалашнинг ўзигина ҳеч қачон шоирлик ҳисобланмаган, балки ана шу янги фикр ва теран мулоҳазаларни гўзал шаклда – муносиб вазн ва шеърий санъатлар воситасида бадиий сувратлантириш ҳамиша биринчи ўринда турган. Бу шеъриятда ҳатто муайян олинган фикрнинг бир неча санъат ёрдамида ифодаланиши айб саналмаган.

Мумтоз адабиётимизни бутун кўлами, теранлиги билан англаш учун бадиий санъатлардан маълум даражада хабардор бўлиш талаб этилади. Бу шеъриятда энг кўп қўлланган санъатлардан бири – талмеҳ ҳисобланади. Айни санъатга мурожаат қилмаган шоир Шарқ шеъриятида йўқ ҳисоби.

Талмеҳ арабча сўз бўлиб, ишора қилиш, бирор нарса томонга енгил назар ташлаш маъносини билдиради. Атоуллоҳ Ҳусайний айтади: “Ламҳ яшин чақнамоғидур ва ламҳа (ялт этиб) бир қарамоқтур. Шоир андоқ қилурким, анинг озғина алфози кўп маънони билдирур, шунинг учун ани талмеҳ дерлар”[1].

Талмеҳ шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлиб, бунда машҳур бир қисса, воқеа ёки асарга, оят ёки ҳадисга, шарҳ ёки адабий қаҳрамонга, афсона ва масалга ишора қилиш орқали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён этилажак мақсадни чўзмай, сўзни мухтасар қилинади. Айни жиҳатдан талмеҳга заррада қуёшни, қатрада уммонни акс эттириш санъати, деб таъриф бериш мумкин. Чунки бу санъатдан фойдаланиб, шоирлар

[1] А т о у л л о ҳ Ҳ у с а й н и й. Бадойиъу-с-санойиъ (Алибек Рустамов таржимаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 176-бет.

озгина сўз билан баъзан шунақанги катта ва теран нарсаларга ишора қиладиларки, уларни шарҳлаш учун баъзида бутун бошли бир китоб тартиб бериш мумкин. Масалан:

Кўнглум ўтидин, не тонг, гар топса рухсоринг фуруғ,
Шўхи тарсо Мусҳаф ўртар шайх Санъон ўтиға (FC,565).

"Насроний гўзал Шайх Санъон ишқи ўтига Қуръонни ёққанидай, кўнглимда ёнган муҳаббат ўтидан юзинг порласа, шуълаланса, сира ажабланадиган жойи йўқ".

Бу ерда шоир шайх Санъон воқеасига ишора қилиш орқали кўнглида ишқ ёққан ўтнинг оламни куйдирар даражада кучлилигини баён этиш учун фойдаланган.

Шайх Санъон – "Мантиқ ут-тайр" ва "Лисон ут-тайр" достонлари қаҳрамони. У тақвою тоати, парҳезкорлиги, илми, хулқи билан мўминлар орасида машҳур, уларга ибрат бўлиб, эллик марта ҳаж қилган, ҳар бири Жунайд Бағдодий ва Боязид Бистомий даражасидаги 400 та муриди бор эди. Диний илмларда ва инсоний фазилатларда замонасининг ягонаси бўлган. Илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлиб, кўнгли ғайб сирларидан огоҳ эди. Каъбада шайх ул-машойих бўлиб, халқни Ҳақ йўлига даъват қиларди. Шоҳлар остонасининг гадоси, огоҳ кишилар унга қуллуқ қилишдан фахр этардилар. У бошига иш тушганларнинг мушкули ҳал бўлишини тилаб дуо қилса, фаришталар омин учун қўлларини кўтарар эдилар.

Мана шундай комил бир инсон ҳам насроний қизни деб шармандаи шармисорлик кўчасига кирди. Маъшуқасининг исломга зид бўлган 4 та шартини бажарди: май ичди, зуннор тақди, Қуръонни ўтга ёқди ва бутпараст бўлди. Бунинг устига, мазкур шартнинг икки жаримасини ҳам сира иккиланмай адо этди: бир йил чўчқабоқарлик ва шунча муддат ҳаммомда гўлахлик қилди.

Мана, ишқ кишини қандай аҳволга солади!

Шайх Санъон саргузаштлари унга нисбатан Ҳақнинг синови эди. Тарсо қизнинг – "жонон"нинг барча истакларини адо этиш билан у бу имтиҳондан аъло даражада ўтди. Бу "фақр аҳли атвори", яъни фақр аҳлига таллуқли сифатлар бўлиб, унга амал қилиш орқали Шайх ҳақиқий ишққа ўзининг қанчалик содиқлигини исбот этди. Бундан мақсад Тангри таолога таважжуҳ эди.

Агар бу қиссани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб, кейин ўз ишқини у билан қиёсласа, шоир бутун бошли бир китоб ёзиши керак. Ҳолбуки, у ўз ҳолатини бор-йўғи бир байтда баён этиб, қолганини зукко ўқувчининг билимдонлигига, нозик таъбига ҳавола қилади.

Маълум бўладики, талмеҳ фақат шоирдангина эмас, балки ўқувчидан ҳам муайян даражада билимдонликни, адабиётдан хабардорликни тақозо этади. Чунки агар шоир Шайх Санъон қиссасини билмаса, ўз ҳолатини бу қадар қисқа ва таъсирчан ифодалай олмас, ўз навбатида, ўқувчи ҳам бу машҳур ишқ достонидан бехабар бўлса, Навоийнинг фикрини бутун теранлиги ва нозиклиги билан тушуниб етмас эди.

Албатта, буларнинг бари мажозий маънода бўлиб, тасаввуф истилоҳ-тимсолларига кўра, май ичиш – кўнгилга илоҳий ишқнинг тушиши, зуннор – ҳақиқий маҳбуба тоати ва хизматига бел боғлаш, Қуръонни куйдириш – зоҳирий тоат-ибодат, расм-русум, одат-маросимлар ўрнини Ҳақ муҳаббати эгаллаши, сукр – мастлик ҳолати бўлиб, илоҳий май бўлмиш Оллоҳ муҳаббатидан масту мустағрақ кишининг эс-ҳушини йўқотишидир – фақат ўзини унутган кишигина илоҳий маърифатни ҳис қила олади. Кейинчалик хотирасидан кўтарилган Қуръоннинг қайта зеҳнига ўрнашиши – илоҳий маърифатга қалби тўлишиб, унинг ўзига келиши – саҳв (ҳушёрлик) ҳолатини эгаллашидир. Бутпарастлик – дунёдан буткул воз кечиб, ҳақпарастлик қилишдир. Мазкур шартнинг икки журмонаси бўлган

чўчқабоқарлик – нафс хоҳишларидан воз кечиш бўлса, гўлахлик – кўнгилни дунё гарду ғуборларидан поклаш.

Кўриниб турганидек, бу зоҳирий нарсаларнинг бари ботинга ишора қилади, яъни илоҳий ишқ ўтида нафсни куйдиришу кўнгилни поклаш. Шайх Санъон ҳам бу йўлда олий рутбасини ҳам, эл ичидаги чексиз ҳурматини ҳам, ақлу ҳушини ҳам, ҳатто дину иймонини ҳам ишқ садқаси қилди. Бу бехудлик мақоми бўлиб, шайх ўзлигидан кечади. Бу аслида мажозий ишқ босқичлари бўлиб, улардан ўтиш орқали Шайх Санъон фанога юз тутади ва ҳақиқий ишққа етади. Айни босқичлар тариқатнинг 7 босқичига, янада тўғрироғи, "Лисон ут-тайр"да келтирилган 7 водийга тўғри келади. Қайта-қайта кўрган туши уни Талаб йўлига бошлайди ва у тушида кўрган воқеанинг тагига етиш учун Румга боради. Бутхонада тарсо қизининг тенгсиз ҳуснини кўриб, Ишқ йўлига киради. Тарсо қизи ҳуснида илоҳий ҳуснни мушоҳада қилиш орқали Маърифат ҳосил қилади. Истиғно босқичида у тарсо қизнинг нозу истиғно билан қўйган барча шартлари ва уларнинг журмонасини бажаради. Булар бари соликнинг ўзидаги нафс ва кибрни енгиши йўлидаги синовлар эди. Муридларидаги кибру манманликни маҳв этиш учун шайхлар томонидан уларни ҳожатхона тозалашга, ичак-чавоқларни бошларига кўтариб, бозорларни, одамлар гавжум жойларни айланишлари, ҳатто тиланчилик қилишга мажбур қилинганлари асосида ҳам шу нарса ётади. Тавҳид – шайхнинг Ҳақнинг ягоналигини ҳис қилиб, унинг йўлида барча зоҳирий боғлиқликлардан халос бўлиши. Ҳайрат – шайхнинг Яратувчи санъати олдида ожиз қолиши бўлса, Фақру фано – унинг Ҳақ зотида фоний бўлиши.

Маълум бўладики, Алишер Навоий Шайх Санъон саргузаштлари орқали мажозий ишқ босқичидан ўтиб, ҳақиқий ишққа етган ориф тимсолини яратган.

Қуръони каримдаги "қиссаларнинг афзали" бўлган Юсуф сураси ишқ мавзуида эканлиги, бошдан-охир ошиқ ва маъшуқ саргузаштларига бағишланганлиги, ниҳоятда таъсирчанлиги ва жозибадорлиги туфайли барча тоифанинг эътиборини бирдай жалб қилиб келган. У асрлар давомида қалам аҳлига ҳам айрича илҳом бағишлаб, бу мавзуда юзлаб достонлар битилган. Маъшуқа ҳуснини Юсуф гўзаллигига нисбат бериш, уни Юсуфи соний – иккинчи Юсуф деб аташ, баъзида ҳатто ундан устун қўйиш мумтоз адабиётда бир анъана тусини олган. Ишқу ошиқлик мавзуида шеър битган шоир борки, Юсуф ва Зулайхо исмини, уларнинг севги достонини албатта тилга олган (Ҳатто Шарқ шоирлари, хусусан, Хўжа Ҳофиз таъсирида "Ғарбу Шарқ девони"ни яратиб, Ғарб адабиётига Шарқ руҳини олиб кирган буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте ҳам ўзини – Ҳотам, маъшуқасини – Зулайхо номлари билан атаб, кўплаб шарқона шеърлар ижод қилгани маълум). Қайси Шарқ шоирининг девонини қўлингизга олманг, талмеҳ санъати воситасида унга ишора қилинган кўплаб байтларга дуч келасиз. Чунончи, Навоийнинг байтларидан бирида ўқиймиз:

Истаб ул бутни хирад белида зуннорин кўрунг,
Бир калоба ип била Юсуф харидорин кўрунг (ҒС,358).

Бу ерда: бут – сиғиниладиган нарса, санам; мажозан: маъшуқа, маҳбуба. Тасаввуфда ишқ ва ваҳдат рамзи[1], асосий матлаб ва мақсад[2]. Зуннор – насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор – ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш. Юсуф – Юсуф алайҳиссалом. Ўгай акалари мисрлик савдогарларга арзимаган тангага пуллаган Юсуфни Миср бозорида сотишганда бир калоба ипи билан бир кампир ҳам харидор бўлган экан.

[1] Ҳ а қ қ у л И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: "Маънавият", 1988, 88-бет.
[2] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 258-бет.

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонида келтирилган ривоятга кўра, Юсуф кимошда савдосига қўйилиб сотилаётган майдонга бир кампир ҳам кириб келиб, даллолга юзланибди:

– Бу гўзал йигитнинг орзусида мен ҳам бир калава ип йигирдим – уни ол-да, қулнинг қўлини менга тутқаз.

Даллол кулиб дебди:

– Унинг баҳоси ўн хазина тилла – бир калава ип билан бу қимматбаҳо гавҳарни қўлга киритишга сенга йўл бўлсин?

Кампир паст тушиб, шундай дебди:

– Албатта, ип эвазига уни сотиб ололмаслигимни билардим. Лекин бир куни келиб менинг ҳам исмимни тутиб, Юсуфнинг харидорлари орасида бир кампир ҳам бор эди десалар – менга шу шуҳратнинг ўзи кифоя[1].

Ҳақиқатан ҳам, кампирнинг бу содда ва самимий орзуси амалга ошиб, у Юсуфнинг харидори сифатида тарихда қолди.

Маълум бўладики, Юсуф алайҳиссалом ҳаёти, унинг бошига тушган кўргиликлар, у ҳақдаги ушбу ривоятдан бехабар ўқувчи байтнинг мазмунини бутун нозикликлари билан чуқур тушуниб етолмайди. Шоир бу ривоятга ишора қилиб айтмоқчики: “Бечора бир кампир бир калоба ип билан Юсуфга харидор бўлгани каби ул маҳбуба васлини тилаб, ақл белига сидқ белбоғини боғлаб олганини кўринг”. Бир калава ип билан Юсуфга харидор бўлиб бўлмаганидек, биргина истакнинг ўзи маҳбубага етиш учун камлик қилади.

Маълумки, илоҳий маҳбубага кўнгил билан етилади, уни ақл билан дарк этиб бўлмайди. Шунинг учун шоир киноя билан айтаяптики, ақл билан Оллоҳнинг моҳиятига етаман дейиш бир калава ип билан Юсуфдай ҳусну малоҳат шоҳи бўлган кишини сотиб оламан дейишдай тентакликдир.

Маълумки, Юсуф алайҳиссалом гўзаллик тимсоли ҳисобланади. Ривоят қилишларича, Мисрда етти йил қаҳатчилик бўлганида Юсуф алайҳиссалом ҳар куни чиқиб ўзини халққа кўрсатар, одамлар унинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб, очлик азобини унутар эдилар.

Албатта, байтда бундан бошқа санъатлар ҳам мавжуд: бут – илоҳий маҳбубани билдириб, истиора бўлиб келаётган бўлса, бутнинг – Юсуфга, зуннорнинг – ипга нисбати борлиги лафф ва нашр санъатини юзага чиқараяпти. Ўзининг узоқ ва яқин маъноси билан зуннор сўзи бу ерда ийҳом санъати ҳам мавжудлиги кўрсатади. Бут ва зуннор, ип ва Юсуф бир-бирига зид қўйилиб, тазод санъати ҳосил қилинаётган бўлса, бут ва Юсуф, зуннор ва ипнинг бир-бирига ўхшатилишида ташбеҳ санъати намоён.

Навоий кўплаб байтларида маҳбубасини Юсуфга, ўзини унинг харидорига ўхшатади:

Кўнгулким, васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла,
Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла (ҒС,523).

“Ҳар томонда ситам доғи билан кўнгил ёр васлини истайди – бу ҳол бир неча эски кумуш танга билан Юсуфга харидор бўлишга ўхшайди”.

Бу ерда шоир кўнглидаги ишқ қўйган доғларни эски кумуш тангага ўхшатаяпти.

Шу ўринда бир нозик нуқтани ойдинлаштириб кетайлик. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зуҳра, Вомиқ ва Узро каби барча ошиқ-маъшуқлар қиссасида йигит ошиғу қиз маъшуқ, биргина Юсуф ва Зулайхо қиссасида бунинг акси: бу ерда Юсуф – маъшуқ, Зулайхо – ошиқ. Чунки Зулайхо севади, интилади, қийналади, Юсуф эса бепарво. Мана шу

[1] Бу ҳақда қаранг: Ф а р и д у д д и н А т т о р. Ҳикматлар ва ҳикоятлар, 221-бет.

асл моҳиятдан бехабарлик туфайли уларни одатдаги ошиқ-маъшуқларга ўхшатиб талқин қилиш, “Мен – Юсуфман, гар сен бўлсанг Зулайхо” қабилида анъанавий ошиқ-маъшуқлик йўсинида шеър ёзишлар учраб туради. Шарқ мумтоз шеъриятида ошиқнинг эмас, балки маъшуқанинг Юсуфга ўхшатилишига ҳам сабаб шу.

Маълум бўладики, Алишер Навоий фақат диний, тасаввуфий, адабий истилоҳлар, тимсолу ташбеҳлар эмас, машҳур воқеа-ҳодисаларга ишора қилиш орқали ҳам шеърларининг бадиий гўзаллиги ва таъсирчанлигини оширишга интилади. Бу эса талмеҳ санъати бўлиб, унинг имконият доираси қанчалик кенглигини келтирилган мисоллар кўрсатиб турибди.

ЗОҲИДЛАР ВА СЎФИЙЛАР

Зоҳид ва сўфий зиддияти тасаввуф шеъриятининг асосий мавзуларидан ҳисобланади.

Зоҳид – узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши.

Сўфий – тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

Зоҳидлар ишқу ирфондан бехабар бўлиб, уларнинг мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан муроди Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар. “Зоҳид тоат-ибодат билан шуғулланар экан, у дунёдаги жаннат учун тагжой тўлаётгандек бўлади ва бу дунёда ҳам яшашни унутмай, бойлик орттириш ва айш-ишратга имкони борича эришишга ҳаракат қилади. Тасаввуф аҳли зоҳидларнинг жаннатга нисбатан ва бойликка бўлган тамагирликларини ёқтирмайдилар.

Сўфийлар назарида зоҳидлар гўё Худо билан савдо-сотиқ қиладилар, шартнома тузадилар: биз бу дунёда диний талабларингнинг ҳаммасини бажарамиз. Сен у дунёда жаннатдан бизга жой берасан”[1].

“Зоҳидларнинг мақоми ибодат, қўрқув, умид ва “илм ул-яқин”дир. Аммо “яқин” илмида илгарилаш, тарк мартабаларини тўлиқ эгаллашнинг уддасидан чиқа олмаганликлари учун зоҳидларга ҳидоят эшиклари ёпилган. Сохта зоҳидлардаги ўздан мамнунлик майллари умуман зоҳидликка нисбатан салбий муносабатларнинг кучайиб боришига сабаб бўлган. Мумтоз шеъриятимизда зоҳидларнинг танқид қилинишига асосий сабаб ана шу”[2].

Алишер Навоийнинг машҳур:

Зоҳид сенга ҳуру манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак (1,737), –

деган рубоийсида аслида зоҳид ва сўфий ўртасидаги тафовут акс этган.

Бу ерда жонона деганда илоҳий маҳбуба, яъни Худо назарда тутилган. Майхона тасаввуфда илоҳий олам, илоҳий ишқ улашадиган жой, комил орифнинг шавқу завқу илоҳий файз кони бўлган қалби ва давраси, сўфийлар зикру самоъ ўтказадиган хонақоҳ, Ҳақ ошиқлари тўпланадиган макон каби бир неча маъноларда келади. Соқий деганда

[1] Раҳмонов В. Кўнгиллар ҳамрози (Сўзбоши) \\ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 8-бет.
[2] Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: БухДУ нашриёти, 2000, 42–43-бетлар.

сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар. Паймона – қадаҳ, май косаси. Паймона ва унинг жом, қадаҳ, коса, пиёла каби маънодошлари тасаввуф шеъриятида маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносида келади.

Сўфийларнинг мақсади дийдор бўлганлиги учун агар жаннатда Оллоҳ жамолини кўрсатмаса, унинг дўзахдан фарқи йўқ, аксинча, дўзахда илоҳий ҳусн намоён бўлса, у жаннатдан афзал. Шунинг учун шоир айтаяптики: “Эй зоҳид, сенга ҳур керак бўлса, менга жонона керак. Жаннат сенга бўлаверсин, менга илоҳий ишқдан насиба бериладиган жой бўлса бўлди. Бу жойда Оллоҳ ва унинг ишқига ташна кўнгил бўлса бас: кўнгилга илоҳий ишқ қанча қуйилса, шунча кам”.

Воқеан, тасаввуф ҳам зоҳидлик ва сўфийлик босқичига бўлинади. Увайс Қараний, Ҳасан Басрий кабиларни тасаввуфга оид асарларда сўфий эмас, балки зоҳид сифатида тилга оладилар. “Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан бехабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валилик, каромат-мўъжизалар кўрсатиш каби хислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти тақво билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таманинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на охиратдан тама бўлмаслиги керак. Ягона истак бу – Худонинг дийдоридир, холос”[1].

“Хазойин ул-маоний”нинг илк ғазалида ёзади:

Сен гумон қилғандан ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо (FC,1).

Бу байтни содда қилиб тушунтирса, шоир айтаяптики: “Эй зоҳид, сен ўзингга бино қўйиб, ҳамма нарсага зоҳирига қараб баҳо бераверма, ботинига – моҳиятига ҳам боқ. Шундай қилсанг, Худога қуруқ тоат-ибодатдан ташқари, унга муҳаббат ҳам ва бу муҳаббат соҳиби бўлган ҳассос кўнгиллар ҳам, ана шундай Ҳақ ошиқлари давраси ҳам мавжудлигини биласан. Яъни сен маю жому майхона сўзларини ўз маъносида юзаки тушуниб, нотўғри хаёлга борма, мажозий маънода май – маърифат, жом – кўнгил, майхона – илоҳий ишқ ошиқлари давраси.

Алибек Рустамов бу байтни шундай шарҳлайди: “Эй, масалага юзаки қараб, ўзгаларни камситиб, ўзини улуғ деб билувчи кимса, сўз бошқа, нияту амал бошқа, шакл бошқаю мазмун бошқа, мақсад бир, йўл кўп. Шунинг учун тушунар-тушунмас ишқ аҳлини буларнинг йўли нотўғри дейишга шошилма”[2].

Ўз ижодида май тимсолидан “кўб ва хўб” фойдалангани учун ҳам уни нотўғри талқин қилмасликларининг олдини олиш учун шоир ғазалларидан бирида зоҳир аҳли – ҳамма нарсанинг ташқи томонини кўриб, юзаки фикр юритадиганлар тушунганларидек, дунё ғамини узум майи дафъ этади деган хаёлга борманг. Ҳақиқат аҳлига майдан мақсад ваҳдат – Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатидир. Чинакам ғам аслида кўнгилни хароб қиладиган касрат – дунё ва унинг кишини йўлдан урувчи нозу неъматлари, айшу ишратлари, ҳою ҳавасларидир, дейди:

---

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 6-бет.
[2] Р у с т а м о в А. Шоирнинг биринчи ғазали, 179-бет.

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг –
Ки, зоҳир аҳлиға бу маъни бўйла этти зуҳур.

Валек аҳли ҳақиқатға май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур (БВ, 197).

Бинобарин, шоирнинг "Бода кўнглумни халос айлади даврон ғамидин" (ҒС, 272) ёки:

Ич дағи тутқил Навоийға қадаҳким, арзимас
Бир нафас ҳушёр бўлмоқлиғқа олам, эй рафиқ! (ҒС, 311).

каби мисраларини ўқиб, "Демак, Навоий замон ғаму ташвишини унутиш учун ҳадеб май ичар экан-да" деб тушунмаслик керак. Бу мазмундаги байту мисраларида у Ҳақ маърифатининг дунё муҳаббатидан кўнгилни поклашини кўзда тутади.

Зоҳид кибру ғурур, манманлик, худбинлик тимсоли сифатида ҳам қораланади. Чунки бу тоифа ўзининг тоат-ибодатидан ҳаволаниб юради. Оллоҳнинг барча амрларини бажараяпмизки, демак, бизга жаннату ҳур нақд деб ўйлашади. Ҳолбуки, ҳеч ким билмайдики, ишнинг охири нима бўлади? Не-не улуғ шайху сўфийлар ҳам иймони бутлигидан шубҳалангани манбаларда ёзиб қолдирилган. Чунончи, бутун умр тоат-ибодатдан бош кўтармаган, бировнинг ҳақини емаган, аксинча, покдомонлиги, эзгу ахлоқи билан замондошларига ибрат бўлган машҳур тариқат шайхи, орифлар султони Боязид Бистомий ўлими олдидан йиғлаб, шундай деган экан: "Уч хатарнинг орасида қолганмен. Бири улдурки – гуноҳлар орасидамен, билмасменким, Оллоҳ аларни мағфират қилгайми ё йўқ. Иккинчиси – тоатлар орасида қолганмен, билмасменким, Оллоҳ аларни қабул қилгайми ё йўқ! Ва шундай бир шоҳ (Худо)нинг шараф қурбатида қолдим, билмасменким, билмасменким, ўзига чорлагайму ва ё ҳайдаб, қувиб солгай!"

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида ҳам ўз иймони бутлигидан гумонсираган Боязиднинг ҳамиша қайғули қиёфада юриши ҳақидаги ривоят келтирилади.

Ҳа, бир умр гуноҳдан боши чиқмаган бадбахт бир савоб билан жаннатга ноил бўлиши, аксинча, тақводор бир гуноҳи билан дўзахга ҳукм этилиши ҳеч гап эмас. Бирор савоб амали бўлмаган енгилтак аёлнинг саҳрода ташналикдан жон таслим қилаётган итга этиги билан қудуқдан сув тортиб ичиргани учун барча гуноҳлари кечирилиб, жаннатий бўлганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ёки чарх уриб ўйнаётганида кўйлагининг елпиши билан куйиб ўлиши муқаррар бўлган парвонани шам шуъласидан қутқариб қолганлиги учун бир раққоса ҳам илоҳий марҳаматга сазовор бўлган экан. Шунинг учун шоир ёзадики:

Чу Ҳақ даргоҳидин мардуд этар, найларсен, эй зоҳид,
Қабули халқ учун ортуқси тоат илтизом айлаб (ҒС,59).

"Ҳақ даргоҳида қабул қилмайдиган бўлса, эй зоҳид, халқнинг кўзича мунча тоат-ибодатни ўз устингга олиб нима қиласан?"

Бошқа бир байтида масалани кескин қўяди:

Масканинг истар Навоий, нася жаннат аҳли зуҳд,
Мунча-ўқ бўлур тафовут олиму жоҳил аро (БВ,19).

“Навоий масканингни истайди, зуҳд аҳли эса насия жаннатни – олиму жоҳил аро мана шунча тафовут мавжуд”.

Яъни Навоий ёр мақоминию зуҳд аҳли – зоҳидлар насиб этиши ҳали номаълум жаннатни истайди. Жоҳил бўлмаса, нақд ёр турганда насия жаннатни хоҳлармиди? Бир умрлик тоат биргина гуноҳ билан елга совурилиши мумкин, лекин ҳар ким муҳаббатининг даражасига қараб ажрини олади.

Бу ўринда Сайф уз-Заъфар Навбаҳорийнинг “Дурр ул-мажолис” асарида келтирилган қуйидаги ривоят диққатга сазовор:

Икки қўшни бор экан. Бири тақводор бўлиб, намоз ўқир, рўза тутар, қисқаси, шариат буюрган барча фарзларни адо этар ва тоат-ибодатидан мағрурланиб, ҳамиша бир гапни такрорлар экан:

– Эй Худованди карим, кўриб турганингдек, барча амрларингни бажараяпман, демак, менга жаннатдан жой берасан!

Бошқаси гуноҳкор бўлиб, май ҳам ичар, зино ҳам қилар, лекин ҳар гал Оллоҳ таолога илтижо қилиб:

– Ё Худоё худовандо, кўриб турибсан, гуноҳ эканлигини кўриб туриб ўзимни бу ишлардан тўхтатолмаяпман. Ўзинг афв этмасанг, охиратда ҳолим нима бўлади? – деб хавотир ва қўрқувини изҳор этар экан.

Дунёдан ўтгач, тақводор дўзахга ҳукм этилибди-ю, гуноҳкор жаннатга. Бу ҳукмни эшитган тақводор Худога норози бўлиб дебди:

– Мен қирқ йил ибодат қилдим, наҳотки, ажри шу бўлса?!

– Тўғри, – деб Оллоҳ таоло унга, – лекин сен ибодат қилар эдингу мендан заррача қўрқмас, аксинча, тоатингни миннат қилиб, жаннат тама қилар эдинг. Қўшнинг эса гуноҳ қилса-да, мендан қўрқар ва ҳар гал ножўя иш қилар экан, мендан айбини афв этишимни сидқидилдан сўрар эди.

Маълум бўладики, миннат билан қилинган ибодат, тама аралашган тоат гуноҳдан баттар экан.

Мумтоз адабиётда зоҳидга бўлган икки хил муносабатни кўрамиз: биринчиси – сўфийга зид қўйиб, уни танқид қилиш бўлса, иккинчиси – тариқатнинг шариатдан афзаллигини англаб, зоҳиднинг сўфийлар томонига ўтиши. Кўплаб шариат билимдонлари, жумладан, тасаввуф аҳлини қаттиқ танқид қилган ҳужжат ул-ислом номи билан машҳур Имом Ғаззолийнинг умрининг охирида тариқатга кириши фикримизнинг далилидир.

Алишер Навоий кўплаб ғазал ва байтларида зоҳид ва сўфий баҳсида фикр юритганки, уларни тушуниш учун бу тоифа орасидаги тафовутни, зиддиятнинг туб илдизи ва ҳақиқий сабабини билиш тақозо қилинади – бу ерда шу ҳақда фикр юритдик.

АЗАЛДАН ОШИҚЛИК НИМА?

Маълумки, Шарқ мумтоз шеъриятининг асосий мавзуси – ишқ. Бу шеъриятда ишқнинг авж пардаларда тараннум этилишининг сабаби тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ. Унга кўра, Оллоҳ таоло оламни ҳам, одамни ҳам ишқ туфайли яратган. Ўз навбатида, Оллоҳ ҳузурига қайтиш – яна у билан бирга бўлиш воситаси ҳам ишқ. Демак, бу дунёнинг аввали ҳам, охири ҳам ишқ. Шунинг учун ҳам Жалолиддин Румий ўз рубоийларидан бирида ҳатто: “Мени она эмас, ишқ туққан!” – деган эди:

Ишқ ул – токи халқ учун саодат бўлсин!
Ишқ ул – бу саодат то қиёмат бўлсин!
Ул ишқ мени туғди аслида – она эмас,
Ул онага минг таҳсину раҳмат бўлсин! [1]

Бошқа бир рубоийсида «Жон мисли Хизр, ишқ эса оби ҳаёт» дейди. Яъни Хизр оби ҳаётни – мангулик сувини излаганидай, жон ҳам ишққа интилади. Чунки жон ҳам илоҳий. У ўзининг яратувчисига интилиши табиий. Бу эса ишқ воситасида амалга ошади. Мутасаввиф шоирнинг жон ва ишқни Хизр ва оби ҳаётга қиёслаши шундан.

Яна бир рубоийсида «Жисминг тегирмону унинг суви – ишқ», – деб ёзади. Бу билан жисм тегирмонини ишқ суви юргизади демоқчи шоир. Сув бўлмаса, тегирмон ишламайди. Шунга ўхшаб, инсон ҳам ишқсиз мавжуд бўлолмайди.

Ишқ – яратилиш асоси.

Ишқ – тириклик тақозоси.

Ишқ – ҳаёт моҳияти.

Ишқ – умр мазмуни.

Азалий ошиқлик, абадий мастлик – тасаввуф шеъриятининг етакчи мотивларидан. Бунинг сабаби инсон азалда Яратувчи билан бир бутун бўлгану яралиб ундан айри тушган: энди бир умр яна ўша илоҳий бирлик – ваҳдатга интилади. Бунинг устига, Оллоҳнинг хос бандаларига қиёматда жамолини кўрсатиши ҳақидаги ваъдаси ҳам бор. Бу шеъриятда маҳбубанинг аввал бирга бўлиб, кейин ошиғини ўзидан узоқлатгани, бир кўриниш берганича ғойиб бўлгани, ваъда бўлса-да, унинг вафоси кечикаётгани, висол жон эвазига муяссар бўлиши, бинобарин, маъшуқанинг жон олувчи эканлигию ошиқнинг мудом ўлимни орзу қилиши, ёрдан жонини олишини сўраши ва шунга ўхшаш дунёвий талқинга бўй бермайдиган мотивларнинг учраши шундан.

Азалдан ошиқлик мотиви Навоий ижодида ҳам кўп учрайди. Чунончи, қуйидаги байтида “Қисмат қалами ошиқлиқни пешонамга битиб қўйган, шундай экан, эй дўст, мени ақл ҳукмига бўйсунишга ҳадеб даъват қилаверма”, – деб ёзади:

Кўп хирад хаттин Навоий сори чекма, эй рафиқ –
Ким, анга қилки қазо ошиқлиғ айлабтур рақам (ФК, 397).

Мана бу байтида эса “Ишқ азалдан менинг насибам бўлган, шундай экан, мени бу ишқдан ман айлама, сен мени ман қилганинг билан мен қандай қилиб пешонамга битилган тақдирни ман қила оламан”, – дейди:

Ишқ азалдиндур насибим, носиҳо, манъ этмагил,
Манъ қилсанг ҳам, нетиб мен манъи тақдир эткамен (БВ, 472).

Ёки:

Сендин айрилмоқ кўнгулга мумкин эрмас то абад,
Чун сенинг бирла азалдин аҳду паймон боғлади (ҒС,602).

Азал деганда яратилишнинг ибтидоси, Худо одамларнинг тақдирини муайян қилган яратилиш куни кўзда тутилади. Абад эса қиёмат куни. Демак, шоир айтаяптики, кўнглим азалда сен билан аҳду паймон қилган эди – энди абадгача сендан айрилиш мумкин эмас.

[1] Қаранг: Муҳаббат тароналари. Рубоийлар (Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Эргаш Очилов). – Тошкент: “Шарқ”, 2005, 213-бет.

Азалият ибтидосизу абадият интиҳосиз[1]. Ал-Аввал ва ал-Охир – асмои ҳусна – Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан ҳисобланиб, ал-Аввал – ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чегарасиз, ал-Охир – ҳамма нарсадан боқий, охири чексиз[2].

Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад –
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт (ҒС,77).

"Навоий абад шомигача маст бўлса, сира ҳайрон қоладиган жойи йўқ, чунки унинг қисмати азал тонгида аласт жоми бўлган".

Аласт – азал, яратилиш куни, Оллоҳ таоло оламни яратишдан бурун инсонларнинг руҳидан ваъда олган, Худо одамларнинг тақдирини белгилаган кун. Шунга мувофиқ, аласт жоми – яратилиш шавқидан масрурлик, ўшанда Ҳақ жамолини кўриб маст бўлганлик, сармастлик хумори, яъни азалий мастлик. Азал базмида сузилган қадаҳ. Азалий эътироф. Аласт базми деганда ҳам муҳаббат ва суҳбат мажлиси, Оллоҳ таоло оламни яратмасдан бурун инсонларнинг руҳидан ваъда олган кунга ҳам ишора қилинади. Парвардигор билан аҳду паймон шавқидан мастлик, хуморлик кайфияти.

Бу ҳақда Қуръони карим "Аъроф" сурасининг 172-сурасида шундай дейилади: "Парвардигорингиз Одам болаларини белларидан (яъни пушти камарларидан то қиёмат кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: "Мен Парвардигорингиз эмасманми?" – деб ўзларига қарши гувоҳ қилганларида, улар: "Ҳақиқатан сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз", – деганларини эсланг! (Сизлардан бундай гувоҳлик – аҳд-паймонни олишимиз) қиёмат кунида: "Бизлар бундан бехабар эдик", – демасликларингиз учундир"[3]. Демак, аласт Оллоҳ билан инсон ўртасида аҳду паймон қилинган кун, шунга мувофиқ, аласт майи ана шу аҳду паймон шавқидан мастлик ҳолати, хуморлик кайфияти. Азалда қилинган ана шу аҳду паймонга инсон абадгача содиқ қолиши керак. Яратувчи билан ваъдалашув шавқидан қиёматгача масту масрур юриши лозим. Қайта кўришиш кунига умид қилиб яшаши даркор. Мумтоз адабиётда кўп дуч келадиганимиз масту хуморлик мотивларининг асосида худди шу нарса ётади. Бу ваъдага вафо қилганларга, Оллоҳ амридан чекинмай, дилини поклаб, хулқини гўзаллаштирган, ўзини камолотга етказган хос бандаларига қиёмат кунида дийдор ваъдаси бор. Мазкур ваъдани бажармаганлар, аҳду паймонни бузганлар диндан қайтган, кофир бўлади.

"Лирик қаҳрамоннинг маъшуқ жамолини кўриши ҳақидаги гап илоҳнинг айнан жамоли ҳақида эмас, балки қалби шубҳа-гумонлардан покланиб, ваҳдат йўлига кирган, доим ҳусни мутлақни кўриш иштиёқида ёнадиган, ўртанадиган ошиқнинг эътирофлари ҳақидадир. Зотан, шариат ва тариқатга оид кўпгина китобларда Оллоҳ зоти ва сифоти ҳар бир кишининг руҳий ва ахлоқий камолотига қараб у ёки бу даражада мушоҳада-мукошафа этилади. Уларда ҳақиқий дийдор охиратда кўрсатилади, дейилади"[4].

Машҳур тасаввуф шайхи Шиблийдан биров: "Васл нима?" – деб сўраганида, у: "Икки тарафдан кечсанг, висолга етасан", – деб жавоб берибди. "Икки тараф нима?" – деса: "Сизларнинг рўпарангиздаги Оллоҳни тўсиб турган чўққи", – дебди. "У чўққи нима?" – деганида эса: "Дунё ва охират", – деган экан (10,274–275). Чиндан ҳам, тасаввуфий адабиётларда айтилишича, дунё тилаган дўзахга тушади, жаннат умидида тоат-ибодат қилган равзаи ризвонга етишади, иккисига ҳам боқмай, дийдор тилаган Ҳақ жамолига

[1] Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Сах. 80.
[2] Ислом. Энциклопедия, 25-бет.
[3] Қуръони карим, 110-бет.
[4] Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат, 55-бет.

мушарраф бўлади. Оллоҳ дийдорини дунё ва охират тўсиб туради дейилишининг сабаби шу.

Илоҳий маҳбубага бу шеъриятда маъшуқи азал сифати ҳам берилган. У дунё яратилганда – азал кунида бир жамолини кўрсатган эди, энди қиёматда – абад кунида хос бандаларига яна бир марта дийдор ваъда қилган. Мумтоз шеъриятда маъшуқанинг бир бор юзини кўрсатганича қайта ўзини сира намоён қилмагани, бечора ошиқнинг яна бир марта уни кўриш умидида ёниши ҳақидаги фикрларнинг кўплиги шундан. Шунинг учун ҳам Навоий қани эди яна бир марта висол мумкин бўлса, ҳижрон мени ул маҳвашдан ажрата олармиди деб ёзади:

Эй Навоий, гар яна бир қатла мумкин бўлса васл,
Солмоқ ул маҳвашдан айру ҳажр не имкон мени (ФК, 605).

Бошқа бир байтида эса дийдор ваъдаси бўлса, жаннатга етиш азоби нима бўлибди, висол умиди бор экан, жафо нима бўлибди дейди:

Биҳишт меҳнат эмас бўлса ваъдаи дийдор,
Висол умиди бор эрса, жафо не бўлғусидур? (ҒС, 142)

Оллоҳ – илоҳий маҳбуба ҳар ерда ҳар дақиқа ҳозиру нозир бўлишига қарамай, ошиқ унинг васлига етиш уёқда турсин, ҳатто Уни кўролмайди, сўзини эшитолмайди. Ҳолбуки, Унинг узоқлиги, нари борса, кўз қадар, лекин ўз кўзингни кўролмайсан. Унинг яқинлиги жон қадар, афсуски, жонни ҳам илғолмайсан.

Ёр эрур жон ичра, сен ғофил вале истаб ани,
Кеча-кундуз ел киби бўлмоқ жаҳонпаймо не суд (БВ,124).

“Ёр жон ичида-ю, сенинг шамол каби кеча-кундуз уни излаб жаҳон кезганингдан нима фойда?”

Маълум бўладики, азалдан ошиқлик билан боғлиқ байтлар сўфиёна мазмунга эга бўлиб, инсон руҳининг ўз Яратувчисини кўриб ошиқ бўлганига ишора қилади. Оллоҳ таоло бандаларига муборак жамолини кўрсатиб, уларнинг руҳларидан ваъда олган, Худо ва инсон ўртасида ўзаро аҳду паймон боғланиб, у хос бандаларига дийдорини кўрсатишга ваъда берган ва инсон ҳам унга муносиб бўлишга қасамёд қилган кунни бадиий тамсил этади.

ДАЙР ИЧРА ҚАДАМ ҚЎЙСАНГ

Дайр пири илгидин зуннор белга боғлабон,
Бут қошинда қилмас эрсанг сажда, беикроҳ қайт (ФК,79).

Тасаввуф шеъриятининг тимсолу ташбеҳларидан бехабар ўқувчи бу байтни ўқиб, ҳайрон қолиши табиий. Чунки шоир насронийлар ибодатхонаси пири қўлидан белига зуннор боғлаб, бут қошида сажда қилишга даъват этаяпти-да. Ислом дини эса бутга сиғинишни қатъиян ман этади. Нима, байт куфрга чақиряптими?

Ҳамма гап шундаки, дайр, дайр пири, зуннор, бут, ҳатто бел ҳам бу ерда мажозий маънода қўлланган бўлиб, тасаввуф тимсолларидир.

Насронийлар ибодатхонаси, маъбади бўлмиш дайрнинг мажозий маънода майхонани билдириши маълум бўлди. Паҳлавий тилида гумбаз ҳам дайр дейилади. Шунга мувофиқ, ибодат учун ясалган гумбаз ҳам кўзда тутилади. насронийлар маъбади. Дайр дастлаб масиҳий зоҳидлар манзилгоҳи сифатида III–IV асрларда Мисрда пайдо бўлган. IV–V-асрларда Фаластин, Сурия ва Ўртаер денгизи атрофидаги бир қанча мамлакатларда дайрлар вужудга келган. VI–IX асрларда католик дайрлари пайдо бўлди. Зардуштийлар ва бутпарастлар дайри асосан ислом қарор топгунга қадар Ажинатепа, Афросиёб, Истаравшан ва Бухорода амал қилиб, оташкада ва буткада деб юритилган.

Тасаввуфда носут олами, яъни жисмоний олам, дунё, жаҳон ва инсон жисмига нисбатан дайр дейилади. Шунингдек, пир ва муршиднинг хонақоҳини билдиради. Шунга мувофиқ дайр пири – майхона пири, хонақоҳ пири, тариқат муршиди, демакки, маънавий раҳбар ҳисобланади. Тасаввуфда комил пирлар ва умуман шайхлар кўзда тутилади. Маънавий раҳнамони кўнгил исташидан мақсад ундан етадиган маърифий ҳузурдир – қуйидаги байтда айнан Ҳақ маърифатига ташна кўнгилнинг орзулари ўз ифодасини топган:

Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга
Тутарда бода шояд журъае сунғай бизинг сори (ҒС, 624).

Фано дайри – 1. Фоний дунё. 2. Йўқлик олами. 3. Тасаввуфда бехудлик олами; фонийлик мартабаси. Яъни ҳайвоний нафсдан қутулган, руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами.

Мумтоз шеъриятда кўпинча дайр пири – шайхга, фано дайри – хонақоҳга зид қўйилади:

Хонақоҳда бода ичкан эмин эрмас шайхдин –
Ким, фано дайридадур дор ул-омондурким, ичар (НШ, 178).

Бут – 1. Санам, маъбуд. 2. Гўзал, соҳибжамол. 3. Тасаввуфда: мақсад, матлуб, маҳбуб маъносида кенг қўлланилади. Қандай шакл ва суратда бўлмасин, аслий мақсад ва ҳақиқий матлубни бут дейдилар. Бирлик ва гўзаллик тажассуми бўлган Оллоҳ маъносида ҳам келади. Ваҳдатга ҳам ишора қилади. И.Ҳаққулнинг ёзишича, “илми илоҳийга ортиқ даражада эҳтиёж сезган орифнинг кўнгли”ни ҳам тамсил этади. 4. Нафс, нафси аммора. Ҳар кимнинг бути ўз ҳою ҳавасларидир. Ҳаққа етиш учун Иброҳим а.с. бутларни синдиргани каби, нафс бутини ҳам синдириш керак. “Гулшани роз”да бут жисм, модда, ҳою ҳавас маъноларида зикр этилади.

Бут ишқ ва ваҳдат мазҳари бўлиб, зуннор – хизматга бел боғлаш. Бутпараст ўз бутига сажда қилганидек, ошиқ ҳам ўз маҳбубига сажда қилади. Лекин бу сажда унда Ҳақ нурини, Оллоҳ жамолию камолини кўрганлиги учундир. Ориф кўнглида намоён бўладиган нозик маънолар ҳам кўзда тутилади.

Абдуллоҳ Ансорий бут – нафсу зуннор – халқнинг қабули дейди. Маълум бўладики, нафс – бут бўлса, бутпарастлик – нафсни севишдан иборат. Шунинг учун ҳа Навоий қуйидаги байтида зоҳидга ўз бутингни синдир деганда, айнан нафсу ҳаво, кибру ғурур, тамаю миннатни йўқот – сен тасаввурингда уларни бутга айлантириб, сажда қилиб юрибсан дейди. Айни пайтда, ундан ўзининг тавбасини ҳам (агар илоҳий ишқдан тавба қилган бўлса) ушатишни сўраяпти:

Раз қизи зарфини, зоҳид, кўп ушатма эр эсанг,
Ўз бутунгнию менинг бут киби тавбамни ушот (ФК, 73).

Зуннор арабча сўз бўлиб, белбоғ, чилвир маъносини билдиради. Ислом мамлакатларида яшаб, бошқа динга эътиқод қилувчилар (зардуштийлар, яҳудийлар, насронийлар) мусулмон эмаслиги белгиси сифатида мажбуран тақиб юрадиган чармдан тайёрланган ёки жундан эшилган чизимча-белбоғ, чилвир. Тасаввуфда сулук ва риё аҳли қошида нафсга итоат ва мутелик аломатини айтадилар. Дунёга кўнгил бериш ва менлик даъвосини илгари суришни ҳам зуннор дейдилар. Ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш ҳам кўзда тутилади. Шариатга зид шатҳиётларга ҳам ишора қилинади. "Гулшани роз"да ўқиймиз:

Ўшал бут мазҳари ишқ эрди, ваҳдат,
У зуннор бойламаклик – аҳди хизмат...
Нишони хизмат эрмиш аҳди зуннор[1].

Бел – комил инсоннинг фикру тахайюлига, ингичка бел – бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлигига ташбеҳ этилади. Бундан ташқари, бел деб толиб ва матлуб ўртасида тўсиқ бўлиб турган парданинг кўтарилиб, улар орасида яқинлик вужудга келишига ҳам айтадиларки, бу мақомга эришиш ғоят мушкул ва унга Оллоҳнинг ўзи истаган хос кишиларгина муяссар бўладилар.

Икроҳ – жирканиш, ёмон кўриш, ёқтирмаслик, зўрлаш. Демак, беикроҳ – мажбур қилмасдан, зўрламай, жирканмай, ўзи хоҳлаб, ихтиёрий дегани бўлади.

Байтдаги барча тушунарсиз сўзлар маъноси ойдинлашгач, уни шундай талқин қилиш мумкин: "Тариқат пири қўлидан иродат белбоғини белга боғлаб, илоҳий маҳбуба қошида сажда қилмайдиган бўлсанг, ўз ихтиёринг билан қайтиб кет (ўртадан чиқ)".

Маълум бўладики, байтда тариқат йўли, пиру муридлик талаби, илоҳий ишқ ҳақида сўз бормоқда. Бу, аслида, "Келмагил майхонаға, эй шайхи олийжоҳ, қайт" мисраси билан бошланадиган ғазалнинг учинчи байти бўлиб, унда тариқат пири ва шариат шайхи бир-бирига қарши қўйилмоқда. Зоҳид ва сўфий каби пир ва шайх антонимик жуфтлиги ҳам тасаввуф шеъриятида фаол қўлланади. Чунки пир – маърифат ва муҳаббат соҳиби, тасаввуф тариқатида муридга раҳнамолик қиладиган ботиний илмларда юксак мақомга кўтарилган киши бўлса, шайх – зоҳирий илмлар эгаси, шариат билимдони, ишқ ва ирфондан бехабар киши. Майхона эса "мушоҳада ила матлубга восил бўлишни истаган, ҳақиқий маҳбуб ишқига гирифтор бўлган, ҳақиқат бодасидан сармаст, якдил ва сафоли дўстларнинг тўпланадиган жойи"[2].

Пир – ҳол илми соҳиби бўлса, шайх – қол илми эгаси.

Ҳол илми – инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-атвор, хислатларнинг намоён бўлиши; ботиний илмлар, кенг маънода тасаввуф илми.

Қол илми – тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зоҳирий илмлар. Шариат илми ҳам шунга киради.

Бинобарин, шоир шайхнинг майхонага киришини истамаяпти ва шартлар қўйиб айтаяптики, маънавий раҳбар хизматига сидқ билан бел бойлаб, унинг маърифатга кон

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: "Тамаддун", 2013, 66–67-бетлар.
[2] Атойи. Девон (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи С. Сайфуллоҳ). – Тошкент: "Фан", 2008, 293-бет (Изоҳлар қисми).

сўзларидан баҳра олиб, зоҳирий билимларинггу ақлу ҳушингни унутиб, ҳақиқий маҳбуба қошида бош урмайдиган бўлсанг, бизнинг даврамизга қўшилма – эшикдан қайтиб кетавер. Чунки байтда илоҳий ишқ, ҳақиқий маҳбуба, унга етишадиган йўлни кўрсатадиган маънавий раҳбар, унинг хизматига бел боғлаган мурид ҳақида сўз бораяпти. Бегонага эса бу сари йўл йўқ. Аслида бегона ҳам тасаввуф истилоҳларидан бўлиб, тариқат йўлига қадам қўймаган[1], сайру сулукни ўтмаган, демакки, илоҳий ишқдан бехабар ва бебаҳра кишики, бу ерда шайх унинг мақомида келаяпти. Шоирнинг ўзи эса бошқа бир байтида барча боғлиқликларни тарк этиб, дайр ичра қадам қўйдим, бас, дайр пири ҳар неки демасин, унга бўйсунишдан бошқа чора йўқ деб ёзади:

Тарк этиб ҳар қайдни, қўйдум қадам дайр ичра, лек,
Дайр пири ҳар неким дер, чора йўқ жуз инқиёд (ФК,117).

ИШҚ КОФИРИ КИМ?

Куфр деганда тасаввуфда инсонни Худодан ажратадиган, унинг хаёлини чалғитадиган нарсалар кўзда тутилади. Шунга мувофиқ, бу дунёга берилиш кофирлик ҳисобланади. Чунки кишини дунё севгиси Худодан узоқлаштиради.

Тасаввуфда куфр деб тафриқа (бўлиш, айириш) олами зулматига айтилади. Яна айтадиларки, куфр ваҳдатнинг касратда яширинишидир. Баъзилар ҳақиқий куфр абадий фанодир дейдилар. Сифатлар, исмлар ва феъллар мартабасидан ўтмаган кишилар эса кофирдир[2].

Буларнинг бари тасаввуф истилоҳлари бўлиб, тафриқа олами – инсонни Яратувчисидан ажратган бу дунё.

Ваҳдат (Тавҳид) – Оллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра, борлиқ ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси – намоён бўлишидан иборат. Шунинг учун жамолининг жилвасидан моддий олам пайдо бўлган Ҳақнинг вужуди ҳам тавҳид деб аталади. тавҳидни касратнинг ботини, касратни тавҳиднинг зоҳири ҳам дейдилар. Бунда ҳақиқатни дарё билан олам, инсонни эса уларнинг касрати деб ҳисоблайдилар.

Тасаввуф аҳли наздида тавҳид фақат Оллоҳ таолонинг ягоналигини тан олиш ва унга эътиқод қилишгина бўлиб қолмай, балки инсоннинг Ҳақ томон интилиши ва у билан бирлашишга уринишини ҳам англатади. Бу жараённи мутасаввиф шоирлар қуёш ва зарра, денгиз ва томчи, шам ва парвона тимсоллари воситасида образли йўсинда ифодалайдилар: зарра қуёшга, томчи денгизга, парвона шамга интилади ва охир-оқибат улар қўшилиб-бирлашиб кетади, лекин ана шу интилиш жараёнида улар илоҳий ишқ ўтида кимёланади, покланади. Н.Комиловнинг ёзишича, “тавҳид жисмнинг фоний бўлиши ва руҳнинг Мутлақиятга қўшилиши – васлнинг юз беришидир”. Бу мақомга эришган орифнинг борлиғи фақат Оллоҳ муҳаббати билан тўлиб-тошади, у дунёга парво этмайди.

Машҳур сўфий Увайс Қаранийдан нақл қилишларича, “ваҳдат шуки, кўнгилда Ҳақдан ўзганинг фикри бўлмасин”. Шайх Абулқосим Қушайрийнинг айтишича, “тавҳид – Оллоҳ исми зоҳир бўлганда расм ва табиат асарининг завол топиши, тажаллий нурлари порлаганда, бегона нарсаларнинг фоний бўлиши, илоҳий ҳақиқатлар ошкор бўлганда

[1] Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Сах. 751.
[2] Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Сах. 665.

махлуқотларнинг арзимаслиги, зикри улуғ Жабборга яқинлик мавжуд бўлганда ағёрларнинг кўринмаслигидир".

Алишер Навоийнинг ёзишича, тавҳиднинг маъносини билган киши уни баён қила олмайди, агар баён қила олса, демак билмайди:

Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён –
Ким, баён қилдим деса, билгилки, қилмайдур билиб (FC, 55).

Касрат – кўплик олами, яъни дунё. "Бирлик (Ваҳдат)нинг зиддидир. Касрат олами ўз-ўзича яшай олмайди, у ваҳдат аёнлашуви, инъикоси"[1]. Фано – тасаввуфда бандaнинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлиши. Сифатлар деганда илоҳий зотнинг аёнлашуви, унинг қудрати ва хусусиятлари тушунилади. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан, инсон ҳам шу сифатлардан иборат. Исм эса зотга – илоҳий бирликка ишора. "Исмлардаги сифат Оллоҳ исмларининг моҳиятини билдиради. Масалан, қодир қудратдан, олим илмдан ва ҳоказо. Буни асмо ул-ҳусна дейилади. Оллоҳ исмлари 99 та бўлиб, уч гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳ Яратувчининг зотидан далолат беради: воҳид, ғаний, аввал, охир, жамил ва ҳоказо. Иккинчи гуруҳ азалий сифатларини билдиради: ҳай, қодир, олим ва ҳоказо. Учинчи гуруҳ Ҳақ феълининг сифатларини билдиради: холиқ, раззоқ, одил ва ҳоказо"[2]. Зот деганда тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунганлар.

Куфр ҳақиқий иймондир дейилганда, касратнинг ваҳдатда пинҳонлиги, банданинг фоний бўлиши, ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига етишга ишора қилинади[3]. Яъни ҳақиқий маҳбуба ва илоҳий ишқдан бошқа барча нарсага бегона бўлиш. Фаридиддин Аттор куфр – дарвешликнинг мағзи, куфр – ошиқликнинг ниҳояси дер экан[4], худди шу нарсани кўзда тутгани шубҳасиз. "Гулшани роз"да ёзилишича:

Ҳақиқий куфр кимда эрса ошкор,
У исломи мажоздин бўлди безор –

Ки, ҳар бут ичра бир жон ёшириндир,
Куфр остида иймон ёшириндир[5].

Нажмиддин Кубронинг етук халифаларидан бири Саъдиддин Ҳамавий рубоийларидан бирида: "Маъшуқанинг зулфини кўрсанг кофир бўласану юзини кўрсанг мўмин. Ёрнинг улуғлигию менинг хорлигимни кўрмоқчи бўлсанг, куфрга аралашмаю иймонгага қарама", – деб ёзади:

Кофир шави ар зулфи нигорам бини,
Мўмин шави ар орази ёрам бини.
Дар куфр маёмезу дар иймон мангар
Гар иззати ёру ифтиқорам бини (10,334).

---

[1] Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: "Фан", 2007, 154-бет.
[2] Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги давлат нашриёти, 1997, 6-бет.
[3] Süleyman Uludağ. Tasavvuf terimleri: sözlüğü. – Istanbul: "Kabalci Yayinevi", 2001. – S. 224.
[4] Фаридиддин Аттор. Мантиқ ут-тайр, 105; 120-бетлар.
[5] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: "Тамаддун", 2013, 66-бет.

Тасаввуф шеъриятида ёр юзини иймонга, зулфини эса куфрга нисбат бериш бир анъана тусини олган – бу ерда шунинг бадиий талқинларидан бирини кўрамиз.

"Ишқнинг кофири бўлиши – сўфий наздида ҳақиқий иймонга эга бўлиш, нечунким, фарқлар, кўплик олами орқали, ёпиқлик пардасини кўтариш, дунёни тарк этиш орқали ваҳдатга етилади. Диндор руҳоний Илоҳни севишни эмас, Унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишни тарғиб этади, сўфий бўлса, Илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади, Илоҳ жамоли акс этган барча мавжудотни, бутни ҳам, насроний қизни ҳам севиш мумкин, деб таълим беради"[1]. Чунки бут – "ишқ ва ваҳдат рамзи"[2], маъшуқ тимсоли бўлса, тарсо (насроний) – нафси амморани маҳв этиб, нафси ҳамидаги эришган ориф инсон, "дунёдан этак силкиб, илоҳий ишққа ғарқ бўлган киши"[3].

"Тасаввуф шеърияти қаҳрамонлари, хусусан, ошиқ ва орифлар учун "куфр"га берилмоқ,"тарсо"ни севмоқ, "бут"га сажда қилмоқ энг олий истак ва шавқу завқ матлабидир"[4]. Шунинг учун Навоий кўплаб байтларида ўзининг кофири ишқ бўлганлиги ҳақида фахрланиб ёзади:

Эй Навоий, сени чун қилди қазо кофири ишқ,
Фориғ ўл бут қошиға, сажда қил эмди пайваст (НШ,76).

"Эй Навоий, сени қисмат ишқ кофири қилиб сайлади – энди бут қошини макон тутиб, муттасил унга сажда қил".

Яъни тақдир сени ҳақиқий иймонга соҳиб этди – энди Ҳақ йўлини тутиб, унга сидқидилдан муттасил бандалик қил.

Ёки:

Жоми майда бўлди чун ул бут жамоли жилвагар,
Кофири ишқ ўлғамен, гар бош кўтарсам жомдин (БВ,467).

"Май жомида ул бут жамоли жилва қилди – энди бу жомдан бошимни кўтарсам, ишқ кофири бўламан".

Байтнинг тасаввуфий маъноси шундай: "Кўнгил кўзгусида Ҳақ жамоли жилва қилди – энди кўнгилни қўйиб, бошқа нарсага, айтайлик, ақлга, нафсга, дунёга юзлансам, майл қилсам, ишқ кофири бўлишим тайин". Ёки:"Кўнгил кўзгусида намоён бўлган маҳбуба жамолини кўриб, ундан нигоҳимни олиб, ўзимнинг ҳақиқий иймон соҳибига айланганимни билдим".

Яна:

Кўйи ул дайрки, дин аҳлини айлаб кофир,
Қоши ул дайрда бу куфр элига меҳроб (ФК,42).

"Ул дайр кўйи дин аҳлини айлаб кофир, қоши ул дайрда бу куфр элига меҳроб".

Бу байтни тушуниш учун дайр, кофир, қош, куфр эли каби бир неча истилоҳ-тушунчаларнинг тасаввуфий маъносини ойдинлаштириб олиш керак.

---

[1] Комилов Н. Тасаввуф, 257-бет.
[2] Ҳаққул И. Ирфон ва идрок, 88-бет.
[3] Ҳаққул И. Ирфон ва идрок, 88-бет.
[4] Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти, 41-бет.

Дайр ҳақида етарли тушунчага эга бўлдик. Бу ерда дайрга қадам қўйса, дин аҳлининг зоҳирий нарсаларни тарк этиб, ботинга юзланиши хусусида сўз бормоқда.

Қош деганда завқ аҳли истилоҳида илоҳий зотга ҳижоб бўлган ва вужуд олами ундан ҳусн касб этадиган сифатларни назарда тутадилар. Соликнинг шуҳуд ҳолида маъно мақсади чеҳрасини ва маъшуқи машҳуд дийдорини кашф этиш камолоти йўлида тўсиқ бўладиган, унинг шариатнинг тўғри йўлидан ва тариқатдан озишига ҳам ишора қилинади.

Қош истилоҳи остида илоҳий ва моддий олам чегараси ҳам кўзда тутилади. Туклари касратни, уларнинг жам ҳолати эса ваҳдатни англатади. Пайвасталиги – Оллоҳ ва оламнинг ягоналиги, қайрилмалиги – сўфий дилидаги нафс ва кибрни, узун ва қалинлиги – Ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.

Умуман, қош тасаввуф шеъриятида ранг-баранг талқин қилинади: 1) моддий ва илоҳий олам ўртасидаги чегара; 2) Оллоҳ билан дунё ўртасидаги масофа; 3) ҳар қандай тўсиқ, ғов; 4) ранг-баранглик; 5) орзу-умид.

Меҳроб – масжидда имом турадиган жой; мажозан: ёрнинг қайрилма қоши. Айни жиҳатдан қошнинг меҳробга нисбати бор: ошиқлар учун меҳроб – ёрнинг қоши. Зоҳидлар масжиддаги меҳробга сажда қилишса, сўфийлар майхонада ёрнинг қайрилма қошига юкинишади. Бунинг сабаби эса юқорида маълум бўлди: қошнинг пайвасталиги – туташиб кетганлигини кўриб, Оллоҳ ва оламнинг ягоналигини идрок этадилар, қайрилмалигидан дилларидаги нафс ва кибрдан нажот тилайдилар, узун ва қалинлигига қараб, бу узун ва мураккаб йўлни босиб ўтишда мадад сўрайдилар.

Мана энди байтнинг мазмунини қуйидагича шарҳлаш мумкин: “Дин аҳли хонақоҳга кириб, орифлар даврасига қўшилса, аввалги зоҳирий қилмишлари, қуруқ тоат-ибодатларидан воз кечиб, Ҳақ ошиғига айланади, яъни суратпарастлиги йўқолиб, маъно аҳли сафига киради. Бинобарин, энди ўз тоифасидагилар – зоҳир аҳли учун бегонага – кофирга айланади. Бу куфр эли учун ёрнинг қоши меҳроб вазифасини бажаради. Яъни ориф ва авлиёларнинг илоҳий маърифатдан сўзлагувчи тили охир-оқибат барча дин аҳлини зоҳирий расм-русумлар, қуруқ ибодатларнинг кофирию Ҳақнинг ошиғига айлантиради ва бу “кофир” тоифа учун энди ёрнинг қоши сажда қилинадиган меҳроб вазифасини ўтайди.

Зулфидин шиддати куфрум эрур ул ҳадғачаким,
Субҳа торича эрур риштаи зуннор манга (БВ, 11).

“Ёр зулфи туфайли куфрим зўрлиги шу даражадаки, зуннор ипи менга тасбеҳ ипичаликдир”.

Зуннор – соликнинг дин ва иймон йўлидаги садоқатини, нафснинг итоати ва фармонбардорлиги, риёзат аҳли қошида хизмат қилишни ҳам англатади[1].

Зулф – соч, аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфнинг ҳалқалиги – илоҳий сирлар, узунлиги – оламнинг чексизлиги, беқарорлиги – оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи. Яна илоҳий тажаллий ва тариқат мушкулотлари; илоҳий жамолни тўсувчи, ваҳдат моҳиятини англашга монелик қилувчи ва ҳоказо.

Маълум бўладики, байтда куфру кофирлик ҳақида эмас, балки инсоний ҳою ҳавасларнинг чек-чегарасизлик, нафс истак-хоҳишларнинг беҳадду ҳисоблиги хусусида сўз бораётгани маълум бўлади, яъни шоир айтаяптики, бу дунёга муҳаббатим ҳаминқадарки, куфр аҳлининг зуннори билан ислом аҳлининг тасбеҳи ўртасида фарқ йўқ.

[1] А т о й и. Девон, 287–288-бетлар (Изоҳлар қисми).

Ботиний маъноларидан яна бири: “Мен Ҳақ муҳаббатига шунчалик ғарқ бўлдимки, куфру иймоннинг фарқи қолмади”. Янада тўғрироғи: динлараро тафовут йўқолди. Солик риёзат босқичларини босиб ўтиб, шундай бир мақомга юксаладики, энди унинг олдида ўзга нарса колмайди: барча динлар Оллоҳ сари олиб борадиган айри-айри йўллар, турли-туман воситалар сифатида кўринади, холос. Чунки у миллат ҳам, дин ҳам ажратмайди. Айни жиҳатдан улкан тариқат пири ва мутасаввиф шоир Жалолиддин Румий билан боғлиқ бир ривоят эътиборга молик:

Жалолиддин Румийнинг “Мен етмиш икки мазҳаб билан биргаман” деган сўзини куфр ҳисоблаган сунний мазҳабининг ашаддий тарафдори Садриддин Қазвиний муридларидан бирига тайинлайди:

– Бор-да, кўпчилик ичида унинг бу гапни айтган-айтмаганини сўра. Айтганман деса, ҳамманинг олдида ҳақорат қил!

Мурид устози айтгандай қилади. Румий эса унинг ҳақоратларига жавобан ҳеч нарса бўлмагандай кулимсираб:

– Биз шу мазҳаб билан ҳам биргамиз, – деган экан.

“Румий учун бу мазҳабларнинг ўзаро баҳсу мунозаралари ҳали балоғатга етмаган одамларнинг дину диёнат, ислом ва иймоннинг моҳиятига етмай, зоҳирий нарсалар, атамалар устида маънисиз ва мақсадсиз тортишувлари бўлиб туюлган. Нега? Чунки бирор мазҳабда ҳам Худонинг Ўзи, Унинг Бируборлиги инкор этилган эмас. Мазҳаблар Холиқ ҳақида эмас, балки махлуқот, яъни яратилган нарсалар, одамлар ўзи ўйлаб топган расм-русумлар, қонун-қоидалар, ақидалар ҳақида баҳс-мунозара қиладилар. Тасаввуф аҳли эса Ҳақ таолонинг Ўзи, Унинг зоти ва жавҳари, яъни моҳиятлар моҳиятига етишиш учун интилганлари сабабли бу расм-русумлар, қоидаларга эътибор қилмасдилар. Улар шариатни қаттиқ ҳурмат қилганлар. Бироқ шариат шариат учун эмас, балки шариат ҳақиқат учун восита деб қаралган. Шундай бўлгандан кейин восита турлича бўлиши мумкин, мақсад эса битта – Ҳаққа етишмоқ деб уқтирилади Жалолиддин Румий асарларида. Мана шу маънода Румий мен барча мазҳаблар билан бирман деган”[1].

Айтилганлардан келиб чиқсак, кофир – Ҳақни тан олмаган, уни рад этган эмас, балки у ҳаром қилган дунёни, унинг неъмату ишратларини севган киши бўлиб чиқади. Лекин ҳар бир сўз-тушунчанинг икки томони бўлганидек, кофирлик ҳам тасаввуфда икки маънода тушунилади: биринчиси – Ҳаққа кофирлик, иккинчиси – дунёга нисбатан кофирлик, яъни дунё неъмату ишратлари, нафс ҳирсу ҳавасларидан юз ўгириш.

Алишер Навоий ижодидаги куфру кофирликнинг бадиий талқинлари энг мураккаб ва баҳсли масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз унинг баъзи умумий жиҳатларигагина тўхталиб ўтдик, холос. Бу мавзуни махсус тадқиқ этиш шоир асарлари мағзига чуқурроқ кириб, мазмун-моҳиятини барча қирралари билан теран англашга имкон яратади.

НЕКБИН МИСРАЛАР

Навоий шеъриятида ҳатто дунё, замон, одамлардан шикоят оҳанглари ҳам шунчаки ҳасрат тарзида эмас, балки юксак бадиият пардасига ўралган ҳолда гўзал ва таъсирчан бир шаклда ўз ифодасига топади. Жумладан, ҳаётнинг қувончи каму қайғуси кўп деган фикрни мана бундай фавқулодда ва оҳорли ташбеҳ орқали тасвирлайди:

[1] К о м и л о в Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ва “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999, 25–26-бетлар.

Қолди хуррамлиқ фалакдин ташқари, кўр, эй рафиқ –
Ким, қазо наққошининг не гардиши паргори бор (БВ, 145).

“Қазо наққоши, яъни Худо бу фалак тарҳи (лойиҳаси)ни чизганида хурсандчилик у чизган чизиқдан ташқарида қолди. Кўрдингми, унинг циркули не иш қилган?”

Бу ерда ҳеч нарса Худо амридан ташқари эмас деган фикр ифодаланган.

Бугина эмас. Шоир шеъриятида шикоят оҳанглари кўпинча таскин туйғулари билан қўшилиб кетади. Чунончи, қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида у қотил санамнинг ўқидан кўнгил илма-тешик бўлиб кетди деб нолир экан, кейингисида шундан ҳам бир яхшилик топади: дуруст бўлди – жон қушининг чиқиши учун ҳар бир тешик бир йўл бўлди дейди:

Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоққа бир йўл англа ҳар равзан манга (ҒС, 13).

Ёки:

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга (ҒС,14).

“Танимни ёр ўқлари тутиб кетганидан унга ўзга захм яқинлашолмайди. Шу маҳалгача ҳаммаёғимга ўқ санчилган деб нола қилар эдим, энди ўйлаб қарасам, бу ўқлар аслида мени бошқа жароҳатлардан, балолардан тўсувчи қалқон экан”.

Некбин инсон ана шундай – ҳамиша ёмонликдан ҳам яхшилик қидиради, ҳар қандай ёмонлик муайян яхшиликдан холи эмаслигини теран идрок этади.

Яна ёзади:

Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим,
Остиға қолмишмен андоғким самон девор аро (ҒС,22).

“Хасдек нозик жисмим билан ғам тоғини кўтаришга бел боғлаган эдим, лекин девор орасидаги сомондек унинг остида қолдим”.

Бу ерда ҳам гўзал ташбеҳ бор, лекин шикоят оҳанги, тушкунлик дардини кўрмаймиз.

Мутафаккир шоир энг кучли дарди, энг оғир қайғусини ҳам ана шундай бетакрор тимсолу ташбеҳлар воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалайдики, уларни ўқиб, ғамингиз ошмайди, билъакс тарқалади.

Бундай байтлар кўнгилни чўктириш эмас, балки кўтаришга, энг оғир дамларда ҳам бардам бўлиш, тушкунликка тушмай умид билан яшашга ўргатади.

Нотекис дунёнинг акс ишлари табиий эканлигини англатиб, ҳар нарсадан дилгир бўлмасликка, дунёга очиқ кўз, ҳаётга кенг кўнгил билан қарашга даъват этади.

Ҳар қандай чигал вазиятдан ҳам ақлу тадбир билан чиқиб кетиш мумкин.

Арзимас нарсалар хафа бўлишга арзимайди.

Шу тариқа Навоий асарларидан ҳаёт дарсини ўқиймиз, тириклик сабоғини оламиз. Зеро, адабиётнинг асл вазифаси ҳам аслида шу: инсонни яшашга, курашга ундаш, қийинчиликларга чидаш ва сабр билан уларни енгиб ўтиш, ғам-қайғу юзланганда довдираб қолмаслик, уни вазминлик билан кечириб, ёруғ кунларга умид билан яшашга ўргатишдан иборат, наинки тушкунликка тушиш, умидсизликка берилишни ёқлаш. Ҳолбуки, айрим Ғарб адабий оқимларида шу ҳолни ҳам кўрамиз.

ҲАЁТИЙ ТАШБЕҲЛАР

Алишер Навоий буюклигининг қирраларидан бири шуки, у оддий ҳаётий воқеалардан ҳам ўзининг теран фикрларини образли тарзда ифодалаш учун беқиёс маҳорат билан фойдаланади. Жумладан, бир байтида "Уй салгина қимирласа, қулаб тушмасин, босиб қолмасин-да деб соҳиби қанчалик бетоқат бўлади. Шундай экан, бу айланувчи, доим ҳаракатда бўлган айланувчи фалак остида тинчлик-хотиржамлик бўлмаслиги кишини ҳайрон қолдирмайди" дейди:

Уйки, адно тебранур, сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро (ҒС,18).

Мана бу байт аввалгисини гўёки давом эттиради:

Чархи дойир баҳридин эл тутмасун соҳил умид –
Ким, қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро (ҒС,19).

"Бу ҳамиша айланиб турувчи фалак денгизидан ҳеч ким соҳилга чиқиб нажот топишни умид қилмасин, чунки бу гирдоб аро тушган киши учун халос бўлишнинг имкони йўқ".

"Чойга новвот солсанг ширин бўлгани каби, лабинг хаёли кўнглимга тушса, мен ҳам шод бўламан" дейди бир байтида:

Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот (ҒС,74).

Буюкликнинг бир белгиси энг оддий нарсадан энг гўзал ташбеҳ яратиш бўлса керак: бўлмаса новвот чой қайда-ю, ёр ёдини қилиб шод кўнгил қаёқда! Булар аро нозик ўхшашликни топиш ва ишонарли қилиб тасвирлаш – мана сўз устасининг маҳорати!

Аслида шоирнинг шоирлиги ҳамма кўриб, ҳеч ким эътибор бермайдиган нарсалардан ҳам гўзаллик топиб, ҳамманинг эътиборини унга жалб эта олишда.

Кўзга ташланмайдиган нарсани диққат марказига кўчиришда.

Энг кўримсиз нарсадан ҳам энг гўзал жиҳат топиб, ўқувчида унга нисбатан меҳру муҳаббат уйғотишда.

Бу жиҳатдан Алишер Навоий тенги йўқ санъаткор.

Мана бу кундалик ҳаётдан олинган, оддий ва самимий, лекин гўзал ташбеҳни қаранг:

Булъажаблиғлар баҳори ишқ аро кўрким, мени
Гаҳ булутдек йиғлатур, гоҳе чоқиндек кулдурур (ҒС,159).

"Ишқ баҳорининг ажойиб ишларини кўрким, мени гоҳ булутдек йиғлатади, гоҳ эса чақмоқдек кулдиради".

Ишқ табиати, ошиқ аҳволини табиий тимсолу ташбеҳлар воситасида ана шундай содда ва самимий, айни пайтда гўзал ва таъсирчан тасвирлайди.

Ёки қуйидаги тимсолу ташбеҳларнинг оҳорлилигини кўринг:

Кулбамнниг эмас хиштлари дарзики, очмиш
Ҳолимға фиғон қилғали оғзин дару девор (ҒС,182).

“Сиз кўриб турганингиз бу кулбам ғиштларининг дарзи эмас, балки манинг ҳолимга фарёд чекиш учун эшигу девор оғзини яланг очибди”.

Кўриниб турибдики, шоир ҳаётни, табиатни, одамларни синчковлик билан кузатади ва теварак-атрофдан, турмушдан ўз фикрини гўзал ва таъсирчан ифодалаш учун ҳеч ким кутмаган ташбеҳлар топиб, ҳаммани ҳайрону лол қолдиради. Жумладан, қуйидаги байтида уйда ўт ёнганини тутун билдирганидек, кўнглимда ишқ борлигини ёр ишқида чеккан оҳим элга фош қилди дейди:

Халқ ичра кўнгул ишқини фош айлади оҳим,
Уй ичида ўт бор эрканин дуд этар изҳор (ҒС,182).

Ишқ дастидан уйқусизлик дардига йўлиққанини эса мана бундай образли йўсинда ифодалайди:

Сиришк айлади хокий танимни андоқким,
Қадам қўяй деса уйқу кўзумга, тойиладур (ҒС,192).

“Кўзимнинг ёшидан бу хокий вужудим шунчалик аҳволга келдики, уйқу кўзимга қадам қўяй деса тойилади (шунинг учун ҳам мен уйқусизман)“. Яъни мен жон деб ухлар эдиму аммо уйқу мен сари йўл тополмаяти: кўз ёши тўка-тўка тупроқдан яралган вужудим замини сирпанчиқ бўлиб қолди.

Яна бир байтида “Қонли ёш билан юзимга ёзилар экан, кўнгил афсоналарини қандай қилиб ҳам яширай” дейди:

Кўнгул фасоналари, сизни, ваҳ, нетиб яшурай,
Бу навъким, юз уза қон ёш ила ёзиласиз (ҒС,203).

Ишқи пок бўлмай, кўрган гўзал юзга сажда қиладиган булҳавас кимсани таҳоратсиз намоз ўқийдиган фосиққа ўхшатади:

Улки эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса ҳусн,
Уйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз (ҒС,213).

Ёмғир бир ерга ёғаверса, уни чуқур қилиб ташлагани каби фалак зулмининг ўқи ҳам санчила-санчила охири кўнглимни тешди дейди:

Фалак пайкони зулми, ваҳки, тешмиш хаста кўнглумни,
Нечукким, томчи бир ер узра кўп томиб, мағок этмиш (ҒС,247).

Ёки қуйидаги байтида қадди эгилган киши асога суяниб юрганидек, менинг хаста кўнглимга киприклари таянчдир дейди:

Эй Навоий, хаста кўнглумга мададдур новаки,
Рост андоқким, заиф элга берур қувват асо (ФК,36).

Навоий ташбеҳлари ана шундай ҳаётий ва табиийлиги билан кишини ўзига жалб этади.

УЛУҒЛАР ИБРАТИ

Дунё, унинг моҳияти, қиммати, ҳийла-найранглари, ҳар тусга кириб инсонни йўлдан уриши, унга кўнгил боғлаш хато эканлиги, унга ошиқ бўлган бир умр ҳаловат нималигини билмай елиб-югуриб, ғаму қайғу чекиб, охир-оқибат пушаймонликда жон узиши билан боғлиқ байтлар Навоий ижодида кўп учрайди. Бу борадаги фикрларини у ҳар гал янги, оҳорли ва кутилмаган тимсолу ташбеҳлар воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалайди. Чунончи:

Дунёдин ўт, Навоий, осойиш истар эрсанг –
Ким, шуғл ҳар неча кўп, юз онча ғам турубтур (БВ,189).

“Эй Навоий, жонинг осуда бўлишини истасанг, бу дунёнинг баҳридан ўтки, унга қанча кўп машғул бўлсанг, ўшанга юз баробар ғаму ташвиш олдингдан чиқаверади”.

Ниҳоятда ҳаётий ва ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган фикр. Тўғрими? Чиндан ҳам, тирикчилик ҳою ҳавасларига қанчалик кўп берилсангиз, у сизни шунча кўп ўз домига тортиб кетади. Ҳаёт қувончу ташвишлари ҳеч қачон тугамайдигина эмас, камаймайди ҳам: бирини ҳал қилсангиз, иккинчиси, иккинчисини амалласангиз, учинчиси чиқиб тураверади ва шу тариқа умрингиз охиригача уларнинг оқими ва босими камаймайди. Халқ таъбири билан айтганда, фақат гўрга кириб тинчийди киши бу дунёнинг ғаму ташвишларидан.

Бу жиҳатдан Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома” достонида келтирилган бир ривоят диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла жамғаради.

– Ана энди оёғимни узатиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, – деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада Азроил турибди. Худонинг зорини қилибди:

– Наҳотки, дам олиш нималигини билмай минг бир азобда шунча мол-хазина йиғсаму ундан баҳраманд бўлмай ўлиб кетавераманми?!

Адолат борми ўзи?!

Азроил унинг бақир-чақирларига парво қилмай жонини олишга киришибди.

Унга доду фарёдлари таъсир қилмаганини кўрган пул бандаси ёлворишга ўтибди:

– Уч юз минг тиллам бор. Майли, юз мингини олу уч кунгина муҳлат бер. Бу дунёга бир кўзимни очиб қарай, одамга ўхшаб бир тўйиб нафас олай. Кейин нима қилсанг, ихтиёринг...

Азроил бадбахт кимсанинг оҳ-нолаларига зиғирча эътибор бермай ишида давом этибди.

– Майли, юз эмас, икки юз минг тилла берай, уч кун эмас, икки кун жонимни ўзимга бағишла.

Азроил кўнмабди.

– Бор, ана уч юз минг тилланинг ҳаммасини олу бир кунгина имкон бер...

Азроил бу таклифни ҳам рад этибди.

Охири шўрлик қон йиғлаб:

– Ҳеч бўлмаса, бир оғиз сўз ёзиб қолдиришим учун бир нафасгина изн берсанг-чи!... – дебди.

Ниҳоят, Азроилнинг ҳам кўнгли юмшаб, рози бўлибди;

– Хўп, ёза қол...

Умри куйган ғофил шундай сўзларни юрак қони билан авлодларга нақш этиб қолдирибди:

– Эй одамлар! Мен бир умр ҳаловат нималигини билмай пул йиғиш кўйига тушдим. Уч юз минг тилла йиғиб, унинг эвазига бор-йўғи пушаймон бўлишу тавба қилишга етгулик бир нафасгагина муяссар бўлдим. Муроду мақсадимга етолмадим – ўзим хоҳлагандай давру даврон суролмадим. Бас, сизлар кўзингизни очиб, азиз умрнинг ҳар дамини ғанимат билинглар...[1]

"Дунё" деган шеърида Абдулла Орипов ҳам молу дунё кўйига тушган кимсанинг фожиасини кўрсатиб берган. Бойлиги жонига ора кирмаган шўрпешона ночор ажалга тан берар экан: "Дунё шу экан-да...", – дейди алам билан чуқур хўрсиниб. Кўп қатори уни ҳам мозорга этиб кўмадилар.

Уюм тупроқ бўлди қувончи-ғами,
Кимдир боқиб деди: "Шунга шунчами..."[2]*, –*

дея хулосалайди шеърини шоир. Чиндан ҳам, туғилиш ва ўлиш чегараси маълум экан, бир марта берилган умрни мақсадга мувофиқ яшаб, пушаймонга ўрин қолдирмаслик пайидан бўлиш керак.

Албатта, инсон умри хатолар, адашишлар, йўқотишлар силсиласидан иборат. Шунинг учун ҳам Шайх Саъдий: "Қани эди, инсонга икки марта умр берилса-ю, бирида тажриба ҳосил қилиб, қилган хатоларингдан хулоса чиқариб, иккинчисида ўзинг хоҳлагандай хатою адашишлар, йўқотишу кулфатлардан холи мазмунли, хуш-хурсанд умр кечирсанг!" деган аламли армонлар билан ширин орзуларга берилиб.

Умрини илм олиш, саёҳат қилиб, дунёни кўриш ва ўқигану кўрганларини юзасидан умрбоқий асарлар ёзишга бағишлаган ҳамда ҳақли равишда жаҳон адабиётининг забардаст намояндалари сафидан жой олган буюк форс-тожик сўз санъаткори бўлган шундай азиз зотнингки ўтган умридан кўнгли тўлмаган бўлса, бошқалардан нима гина!

Навоийдек ўзбек адабий тилига асос солган, ўзбек адабиётини бир-биридан гўзал дурдона асарлар билан бойитган забардаст ва сермаҳсул шоир ҳам: "Эй Навоий, сендек ёшлик даврини зое этган киши қарилик айёмида юлдуз каби кўзларидан ёш тўкса-да, сира фойдаси йўқ", – дейди ўзидан қониқмай:

Эй Навоий, сендек эткан зоеъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб (ҒС,51).

Кўриб ўтганимиздек, ўтган умридан қониқмаслик, амалга оширган ишларидан кўнгли тўлмаслик туйғулари, армонга айланган орзуларидан афсусланиш ҳислари улуғ Навоийга ҳам бегона эмас.

КЎНГИЛ – КАЪБАДАН УЛУҒ

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай (БВ,621).

Бир қараганда, байтдаги барча сўзлар тушунарли: "Кимки бир синиқ кўнгилни шод қилса, у худди бузилган Каъбани обод қилгандай бўлади".

---

[1] Қаранг: Ф а р и д у д д и н А т т о р. Ҳикматлар ва ҳикоятлар, 370–372-бетлар.
[2] О р и п о в А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 2001, 249-бет.

Яъни, синиқ кўнгилни шод қилиш Каъбани обод қилишга тенглаштириляпти.

Лекин бир савол пайдо бўлади: кўнгилни Оллоҳнинг уйидан устун қўйиш мумкинми?

Бу тасаввуфдаги кўнгилни улуғлаш анъаналарига бориб тақалади.

Кўнгилнинг ҳамма нарса, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилишининг сабаби шундаки, тасаввуф таълимотига кўра Оллоҳдан кейин кўнгил туради.

Тўғри, Каъба – Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирий, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи – инсоннинг кўнгли.

Агар бир нуқтадир кўксингда кўнгил,
Худойи икки оламга макон ул[1], –

деб ёзади бу ҳақда Маҳмуд Шабустарий.

Дунё ва нафс ғуборларидан покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилваланади.

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво (5, 71), –

деб ёзади шоир бу ҳақда бошқа бир байтида.

Мосиво сўзининг луғавий маъноси...дан бошқа,...дан ташқари бўлиб, тасаввуф шеъриятида у мажозий маънодан Худодан бошқа нарсалар, яъни мавжудот ва махлуқотни билдириб келади. Шунга мувофиқ, нақши мосиво –дунёга мойиллик, ҳаётга муҳаббатни, бошқача айтганда, кўнгилнинг нафс хоҳиш-истакларидан ҳали халос бўлиб, покланмаганлигини билдиради. Шунинг учун ҳам байтда улуғ шоир айтадики: "Эй Навоий, агарда маҳбубанг (яъни Оллоҳ таоло) жонинг ичидан жой олишини истасанг, аввало кўнгил кўзгусини дунё ҳою ҳавасларидан мусаффо айла". Зеро, Оллоҳ ўзидан бошқа барча нарсанинг хаёлидан қутулиб, нафс гардию дунё ғубори қолмай шаффоф бир ҳолга келган кўнгилгагина ташриф буюради. Шундай пок бўлмаган кўнгилга у қиё ҳам боқмайди. Шунинг учун ҳам тасаввуфда кўнгилни поклаш биринчи ўринда туради. Қуйидаги байтида эса шоир кўзгудай шаффоф ҳолга келган кўнгилни Арш қандилига ўхшатади:

Арш қандили гумон қил шишадек софий кўнгул,
Урмағил дамким, топар элдин халал равшан зужож (БВ,94).

"Шишадай соф кўнгилни Арш қандили деб бил. Нафас чиқармаки, пок шиша дамингдан хира тортади".

Кўрдингизми, нафақат сўз, ҳатто нафас ҳам кўнгил кўзгусини хира қилиши мумкин.

Тасаввуфда кўнгил – илоҳий сирлар макони ва хазинаси сифатида улуғланади. Кўнгил – Ҳақ назаргоҳи ҳам дейилади. Чунки Оллоҳ инсоннинг кўнглига назар солади.

Лисон ут-тайр да ўқиймиз:

Истади ҳусниға ошиқлиғни фош,
Кўзгу пайдо қилди андоққим қуёш,

Токи онда жилвае ноз айлагай,
Ҳусниға ошиқлиқ оғоз айлагай.

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: "Тамаддун", 2013, 21-бет.

Бўлди ул кўзгу кўнгул, эй аҳли дил –
Ким, Ҳақ анда жилва айлар муттасил.

Ул қилибон жилваи ҳусн ошкор,
Сен кўнгул бирла анга ойинадор (987).

"Ҳуснига ошиқлик пайдо қилишларини истаб, қуёш каби кўзгу пайдо қилди, токи унда жилваю ноз этиб, ҳуснига ошиқликни бошласин. Бу кўзгунинг оти кўнгил бўлиб, унда Ҳақ муттасил жилваланиб туради. У ҳусни жилвасини ошкор айлайди, сен унга кўнгил билан ойинадорлик қиласан".

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг ёзишича, бугунки кунда оддий кўринган бу фикрни дастлаб омма онгига сингдириш осон кечмаган. "Ба жойи адойи ҳаж назари зиёрати Каъбаи дил кофий аст" – "Ҳажга боргандан кўра диллар Каъбасига назар қилиш ва уни зиёрат қилиш кифоя" деган фикрни илк бор айтгани учун Мансур Ҳаллож қарматийларга ўхшаб Каъбании бузишга даъват этаяпти, – деб Бағдодда тўполон кўтарилган, ҳатто ҳокимият амалдорларидан бири уни ўлдиришга кўрсатма берган экан.

Машҳур тариқат пири Абдуллоҳ Ансорий "Бу дунёда икки Каъба мавжуд: бири – Оллоҳнинг уйи, иккинчиси – кўнгил, Қўлингдан келса, кўнгилни зиёрат қил, чунки бир кўнгил мингта Каъбадан афзал", – деган эди рубоийларидан бири:

Ҳақ йўлида асли икки Каъба ҳосил:
Оллоҳ уйи бўлса бири, иккинчиси – дил.
Дилларни зиёрат қил қўлингдан келса,
Минг Каъбадан ҳам бир дилни афзал бил![1]

Умар Хайём юзта Каъба битта кўнгилнинг ўрнини босолмайди деган:

Ҳожат тиласанг агарда ҳар дил ғанимат,
Суҳбат тиласанг, дўсти комил ғанимат.
Юз Каъба ўтаверсин бир дил қошидан,
Юз Каъбасидан бир дилни бил ғанимат[2].

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам "Ҳайрат ул-аброр" достонида оламнинг қибласи бўлишига қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасичалик қадри йўқ, деб лутф этади:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгул каъбаси (6,62).

Саҳл Тустарий: Дил – Арш, кўкрак – курсидир, деган экан. Авҳадиддин Кирмоний Ҳақ Арш узра, Арш эса дилдир асли, – дейди. Бу бежиз эмас. "Мўминнинг қалби – Оллоҳнинг Арши" деган ҳадис ҳам бор. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, кўнгил Оллоҳнинг ўз бандаларига ато этган руҳоний неъмати бўлиб, у инсоннинг асл моҳияти ҳисобланади ва инсон бутун илму маърифатга унинг воситасида эришади.

---

[1] Минг бир рубоий (Форс-тожик тилидан Э.Очилов таржималари). – Тошкент: "Фан", 2009, 37-бет (Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади).

[2] У м а р Х а й ё м. Тириклик тилсими (Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: "Ўзбекистон", 2012, 35-бет (Бу рубоий Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади).

Ўзида Оллоҳни сиғдириши ва сиғдириши мумкинлиги учун ҳам кўнгил шу даражада улуғланади. Чунки, айтиб ўтганимиздек, кўнгил – Оллоҳнинг уйи (Абулвафо Хоразмий), "Ҳақ ётоғи", "Тангрининг тахти" (Юнус Эмро), "Ҳақ хилвати" (Неъматуллоҳ Валий), Оллоҳ жамоли жилваланадиган покиза кўзгу – "Ҳақ ҳуснига кўнгил бегумон ойинадир", – дейди бу ҳақда Нажмиддин Розий. Ҳар бир кўнгилда Оллоҳ яшайди. Бинобарин, бировнинг кўнглини оғритиш, айни пайтда, Худони ҳам ранжитишдир.

Маълум бўладики, кўнгил – Оллоҳнинг уйи, Ҳақнинг назаргоҳи, илоҳий жамол жилваланадиган кўзгу бўлганлиги учун ҳам барча нарсадан устун қўйилади.

АҚЛ ВА КЎНГИЛ ЗИДДИЯТИ

Кўнгил хоҳишлари чек-чегарани билмайди. Ақл уни чеклашга интилади. Шунинг учун ақл ва кўнгил ўртасидаги кураш қадим ул-айёмдан давом этиб келади. Агар ақл бўлмаса, кўнгил одам боласини не кўйларга солмас эди...

Тасаввуфда эса кўнгил ақлдан устун қўйилади. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси, кўнгил – Ҳақ қароргоҳи: нафс ва дунё ғуборларидан покланган кўнгилда Оллоҳ нури жилваланади; иккинчиси, кўнгил – Оллоҳни англаш манбаи: Худони ақл билан билиб бўлмайди, унга зоҳирий илмлар ва зуҳду тақво билан етиб бўлмайди, уни фақат кўнгил воситасида тарк этиш, унга фақат ишқ билан етиш мумкин.

Ақл Ҳақ олдида бечора буткул,
Қуёш сорига боққан кўз каби ул[1]*. –*

дейди бу ҳақда Маҳмуд Шабустарий.

Тасаввуф адабиётида кўнгилнинг улуғланишию ақлнинг "ерга урилиши"га сабаб шу. Шунинг учун ҳам Шарқ мумтоз шеъриятида ақл ва кўнгил баҳсига бағишланган шеърларга кўп дуч келамиз. Алишер Навоий ижодида ҳам улар кўп учрайди. Таъбир жоиз бўлса, у барча салафларидан ҳам кўпроқ бу масалага эътибор қаратган. Чунки шоирнинг ўнлаб эмас, юзлаб байтларида "ақлу кўнгил талашиб ётади". Бугина эмас. Унинг ижодида "хирад" (ақл) радифли алоҳида ғазаллар ҳам мавжуд. Чунончи, қуйидаги байтида ўз-ўзига мурожаат қилиб, агар ишқ аро бирор нарсага эришишни истасанг, девона бўл – агар ҳамроҳинг ақл бўлса, бу шарафни тополмайсан дейди:

Эй Навоий, ишқ аро ком истасанг, девона бўл,
Бу шарафни топмағунг, ҳамроҳинг ўлса то хирад (ФК,125).

Ёки:

Ақл дер: сол кўнглунгга зуҳду вараъ бунёдини,
Ишқ айтур: йўқтурур бунёди ул бунёднинг (ҒС,355).

"Ақл айтадики, кўнглинг ичра зуҳду вараъ биносини тикла. Ишқ дейдики: бу бинонинг асоси йўқ".

Зуҳд – дунёдан воз кечиб, тоат ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

Вараъ – тариқатнинг иккинчи мақоми бўлиб, тақво, парҳез маъноларини билдиради: тил вараъи, кўз вараъи қалб вараъига бўлинади. Демак, ақл кўнгилни тақводорлигу

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: "Тамаддун", 2013, 20-бет.

парҳезкорликка даъват этса, ишқ уни бу йўлдан қайтараяпти.

Албатта, ишқ – кўнгил иқлими бўлганлиги учун у ҳам ақлга қарши қўйилади:

Фиғонки, ишқ ҳадиси дақиқ эрур андоқким –
Ки, қосир ўлмиш ани англамоқдин идроким (ҒС,425).

“Фиғонким, ишқ сўзи шунчалик нозиклигидан идроким уни англашдан ожиз эмиш”.

Ишқни кўнгил билади, ҳис қилади, қадрлайди, улуғлайди.

Ақл моддий нарсаларни баҳолайди, мантиқий тафаккур юритади, лекин ботиний – ҳиссий туйғу-кечинмалардан у йироқ.

Кўнгилда ақл ҳам бўлиши мумкин, лекин ақлда кўнгил бўлиши даргумон.

Ақлнинг муайян чегараси бор, лекин кўнгилнинг имкониятлари чексиз – у ҳад-ҳудудсиз бир олам.

Қилни қирқ ёрадиган донишмандлар ҳам кўнгилни англаш ва баҳолаш бобида ўзларининг ожизликларини эътироф этганлар. Чунки кўнгил – Оллоҳнинг мулки, унда нималар кечаётган ёлғиз Ўзига маълум.

Ишқ ақл билан чиқишолмайди. Шунинг учун ақл кирган жойга ишқ киролмайди, ишқ кирган жойдан ақл чиқиб қочади. Шунинг учун ҳам шоир кўнгил кунжини илм хазинасига айлантирган эдим, лекин ишқ сели етишгач, мен тиклаган барча иморатларни ер билан яксон қилиб ташлади дейди:

Ганжи илм эттим кўнгул кунжин, етишкач сайли ишқ,
Ҳар иморатким, қилиб эрдим хароб ўлди яна (ҒС,5313).

Зиддиятлар силсиласини қаранг: ақл ва кўнгил, ақл ва ишқ, илм ва ишқ, тафаккур ва туйғу...

Илмнинг ақлга, ишқнинг кўнгилга нисбати бор, бинобарин, ишқ нафақат ақл, илмга ҳам қарши бўлиши табиий. Воқеан, илмнинг ўзи ҳам тасаввуфда иккига бўлинади: қол илми ва ҳол илми. Шунга мувофиқ, одамлар ҳам икки тоифага бўлинади: қол аҳли ва ҳол аҳли. Аҳмад Яссавий ёзганидек:

Қол аҳлиға ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.

Шоирнинг ҳушёрликдан телбаликни афзал кўриши бежиз эмас. Чунки бу телбалик – ишқ телбалиги. Ишқ телбалиги эса илоҳий висолга олиб боради.

Ҳаётда ақл, ҳушёрлик, билимдонлик, вазминлик улуғлангани ҳолда тасаввуфда кўнгил, телбалик, бехудлик, оташинликнинг улуғланиши ишқ билан боғлиқ. Чунки ишқ ақлни эмас, кўнгилни, ҳушёрликни эмас, девоналикни, сокинликни эмас, туғённи – ҳис-ҳаяжонлар тўлқинини, безовталикни, ёниб-куйишни хоҳлайди.

Ишқ – моҳият-эътибори билан ёниш, тўлқинланиш, безовталик, ҳис-туйғуларнинг жўш уриши, ўзингга сиғмай кетиш, ҳаяжонланиш, таъсирланиш, хавотир, шубҳа, қўрқув, ҳадиксираш ва ҳоказо. Буларнинг бирортаси ҳушёрлик, донолик, вазминлик, бепарволик кабилар билан чиқишмайди. Бинобарин, ақлга хос хусусиятлар кўнгилга мос хислатларга тўғри келмайди.

Ақл маслаги бошқаю кўнгил мазҳаби бошқа.

Ақл ерда юрса, кўнгил кўкда учади.

Ақл ҳушёрлик, босиқликни хоҳлайди, айни шу нарсалар кўнгил табиатига зид.

Ақл – сокин денгиз бўлса, кўнгил – мавж урган дарё.

Кўксум ичра йўқ эса кўнглум, ажаб йўқ, эй хирад,
Не ажаб, девонани гар топсанг маскан аро (НШ,38).

“Эй ақл, кўксим ичра кўнглим топилмаса, сира ажабланадиган жойи йўқ, билъакс девонани ўз жойидан топсанг ажабланарлидир”.

Илму тақвода энг юксак даражага эришган кишилар ҳам шунинг учун тасаввуфда мактаб боласи ҳисобланади, чунки улар ишқ алифбесидан бехабар. Орифлар султони Абусаид Абулхайр ёзганидек:

Гар мадрасада сен энг билимдон бўлсанг,
Ҳар даврада зўр, дониши даврон бўлсанг;
Бу илм ила ишқ мактабида, тонг йўқтур,
Ёш бола каби ожизу нодон бўлсанг[1].

Буюк салафининг мазкур фикрларини давом эттириб, Алишер Навоий ҳам илму дониш аҳлига устоз бўлган ишқ алифбесини ўқишда мактаб боласи каби бўлиб қолди дейди:

Ақлким, барча хирад аҳлиға эрди устод,
Бўлди ишқ абжади таълимида тифли мактаб (ФК,45).

Абжад – “эски усулдаги мактабларида ўқитилган бошланғич таълим алифбоси”[2], мажозан: алифбе.

Бошқа байтида ёзади:

Ишқ ул бир муаллимки, анинг мактабида
Ақл ўқуб тифл киби лавҳи фанодин абжад (ФК-121).

Фано – ўлиш, йўқ бўлиш. Тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлиши.

Маълум бўладики, байтда “Ишқ муаллимининг мактабида ақл ёш бола каби фано лавҳида алифбе ўқийди”, яъни Ҳаққа етиш, унинг йўлида башарий хусусиятлардан халос бўлиб, илоҳий сифатларга эга бўлишни ўрганади деган фикр илгари сурилмоқда.

Шунинг учун ҳам шоир ишқ илмини бошдан бошлайин дейди:

Қадингки соя солиптур, ўлай анга, яъни –
Ки, ишқ илмин алифбедин ибтидо қилайин (ҒС,504).

“Соя солган қаддингга ўлай, яъни ишқ илмини алифбесидан бошлайин”.

Бу ерда қад ҳам сўфиёна маънода бўлиб, у тасаввуф шеъриятида бир неча маънода келади: 1) илоҳий оламга интилиш[3], 2) дилнинг ваҳдат оламига юзланиши, 3) комиллик[4].

[1] Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар (Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009, 28-бет.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент, 2006, 26-бет.

[3] С а й й и д Ж а ъ ф а р С а ж ж о д и й. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Саҳ. 636.

[4] А б д у л л а е в А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2009, 203-бет.

Шунингдек, сиғинишга муносибни айтадиларки, Худодан бошқа бунга муносиб эмас[1]. Аслида соя ҳам тасаввуф истилоҳи бўлиб, пўсту пўчоқ каби ҳақиқатнинг сояси ва қоронғилигини билдиради[2]. Маҳмуд Шабустарийнинг ёзишича:

У оламдин бу олам келди соя,
Бу мисли бир гўдак, у мисли доя[3].

Жалолиддин Румий эса инсоннинг феъл-атворини Ҳақ нурини ундан тўсадиган соя деб лутф этади.

Шоир бу байт воситасида бир қатор фикрларни илгари сурмоқда: Биринчиси: "Ишқ алифбесини бошдан бошламасам бўлмайди, чунки комиллик йўли хиралашиб қолди". Иккинчиси: "Камолот йўлида узилиш пайдо бўлди – энди ишқ алифбесини бошидан бошлайин". Учинчиси: "Ишқ алифбесини бошидан бошламасам, мен билан илоҳий олам ўртасидаги зулмат пардаси кўтарилмайдиганга ўхшайди". Тўртинчиси: "Кўнглим кўзгусини дунё ғуборлари қорайтирибди – ишқ алифбесини бошдан ўрганиб, уни яна покламасам бўлмайди". Бешинчиси: "Ваҳдат қуёши нури менинг занг босган кўнглимни ёриб ўтолмаяпти, демак, ишқ илмини алифбесидан бошлаб, бу зангни аритмасам бўлмайди". Олтинчиси: "Ишқ илмини алифбедан бошлаб ўрганиб, қадам-бақадам илгари босмаса, ҳақиқат йўлининг зулмати бирданига тарқалмайди" ва ҳоказо.

Шайх Санъонни эсланг. У Каъбада эллик йил шайхлик қилган, 400 дан ортиқ муриди бор эди. Унинг тақвою тоатига ҳатто фаришталар таҳсин ўқирди. Лекин тарсо қизни кўргач – кўнглига ишқ ўти тушгач, ҳаммаси бошдан бошланди: у энди ишқ босқичларини – ранжу бало водийларини босиб ўта бошлади. "Ишқ айлай бошлади ақлиға жавр" (9,112), – дейди бу ҳақда Навоий. Мана, у тарсо санамга нима дейди:

– Эллик йил шайхлик қилдим. Қалбимда роз дарёси мавж урарди. Аммо илмдаги пухталик ишқда абжадхонлик – алифбо сабоғидай гап экан. Ғайбнинг сиршуноси ишқ йўлида саргардону овора экан:

Боқ, хирадманд ишқ абжадхонидир,
Ғайб сирин билгувчи ишқ сарсонидир[4].

Шайх Санъон қиссаси аслида мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиш жараёни тасвиридан иборат. Зоҳирий илмларда замонасининг ягонаси бўлган бу машҳур зот тарзо қизига ошиқ бўлиб, унинг ишқида барча зоҳирий нарсалардан (ақл, рутба, шуҳрат, дин, эътиқод) воз кечади. Маҳбуба талабига кўра май ичади, зуннор боғлайди, Мусҳафни ўтда куйдиради ва бутпараст бўлади. Қўшимчасига бир йил кундузи тўнғиз боқиб, кечаси оташгоҳда ўт ёқиб чиқади. Буларнинг барчаси аслида ундаги кибру ғурурни, нафсу ҳавони синдириш, шаҳватни маҳв этиш йўлидаги синовлар эди. Бу риёзат босқичларидан ўтган шайхнинг мажозий ишқи ҳақиқий ишққа бадал бўлади.

Албатта, буларнинг бари рамзий маънода бўлиб, фақру фанолик шартлари ҳисобланади – улардан қутулмай Ҳаққа етиб бўлмайди. Талаб водийси тасвирида Навоийнинг ўзи буни

---

[1] А т о й и. Девон (Изоҳлар қисми), 345-бет.
[2] С а й й и д Ж а ъ ф а р С а ж ж о д и й. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Сах. 356.
[3] Ш а й х М а ҳ м у д Ш а б у с т а р и й. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: "Тамаддун", 2013, 57-бет.
[4] Ш а й х Ф а р и д и д д и н А т т о р. Мантиқ ут-тайр (Форсийдан Жамол Камол таржимаси). – Тошкент: "Фан", 2006, 122-бет.

4 такбири фано деб атайди. Яъни, аввалги тўрталаси ишқу висол шукронасию кейинги иккиси унинг товонидир. Тўрт шарт фанога етишу икки талаб ўзликни йўқотиш учундир (9, 110).

Маълум бўладики, Алишер Навоий Шайх Санъон саргузаштлари орқали мажозий ишқ босқичидан ўтиб, ҳақиқий ишққа етган ориф тимсолини яратган.

Кўнглум ўтидин, не тонг, гар топса рухсоринг фуруғ,
Шўх тарсо Мусҳаф ўртар Шайх Санъон ўтиға (ҒС,565), –

деб ёзади шоир бир ғазалида. Яъни: "Юзинг кўнглим ўтидан шуълаланса, бунинг сира ҳайрон қоладиган жойи йўқ, ахир, тарсо қизи шайх Санъон ишқи оташига Қуръонни ёқдику!"

Қуръоннинг ишқ оловида куйиши ҳақидаги фикрнинг ўзи Шайх Санъон билан боғлиқ барча гап-сўзларнинг мажозий маънода эканлигидан шаҳодат беради.

Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" ва Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонларидаги энг гўзал қисса бу – Шайх Санъон қиссаси. Бу қисса ўта рамзий услубда бўлиб, унда ишқнинг ақлдан, ботиний илмнинг зоҳирий илмдан устунлиги бадиий талқин қилинади. Ботин илми пировард натижада зоҳир илмини сиқиб чиқаради. Шу маънода, айтиш мумкинки, Шайх Санъон илоҳий ишқдан хабар топгунча (тушида тарсо қизни кўргунча) зоҳид эди – ошиқ (сўфий) бўлди. Зоҳирбин эди – ботиндан хабар топди. Ҳолбуки, у бунгача 50 марта ҳаж ҳам қилган эди. Ишқ келди-ю, барчаси остин-устин бўлиб кетди.

Айни ҳолат тасвирига бағишланган шеърларда ишқ – арслон, аждарҳо, филга, ақл – тулки, чумоли, пашшага ўхшатилади ва ҳоказо. Жумладан:

Ишқ оламсўз келди, қўй фусунинг, эй хирад,
Етти чун ер-кўкни йиртиб арслон, эй тулку, қоч (НШ,96).

"Ишқ оламни куйдирувчидир, шундай экан, эй ақл, ҳийла-найрангингни қўй. Еру кўкни титратиб арслон етиб келганда, эй тулки, сен қочиб қол!"

Ишқ аждарҳони чумоли даражасида ожизу хоксор қилиб қўяди:

Гар забун бўлсам ажаб эрмаски, тушса ишқ аро,
Аждаҳолар хоксор ўлмоқ тариқин ўрганур (НШ,139).

"Ишқ кўйига кирганда ҳатто аждарҳолар хоксор бўлиш йўлини ўрганадилар, бас, менинг ҳам забуну ожиз бўлишимнинг сира ҳам ажабланадиган жойи йўқ".

"Шайх Санъоннинг илмлари ва Қуръоннинг хотирасидан кўтарилиши – бу Илоҳга етиш учун барча дунёвийликдан, жумладан, дунёвий илмлардан холи бўлиш, ақлдан ва ақлий нарсалардан қутулиш, ўзлигини унутишга ишорадир"[1], – деб ёзади Нажмиддин Комилов.

"Зоҳир илми тасаввуф йўлида ҳижобдир", – деган эди Муҳаммад Ғаззолий ҳам. Чунки зоҳир илми пўст бўлса, ҳақиқат илми мағиздир. Бошига тушган савдолар туфайли "Шайх Санъоннинг илоҳиётга бўлган муҳаббати синовлардан ўтади, шайх бу йўлда ўзлиги, билим ва мансабдан ҳосил бўлган ғурурни ташлаб, чин ошиққа айланади, комиллик даражаси ортади. Демак, Аттор ва Навоий наздида чинакам камолот ишқ орқали амалга ошади"[2].

Шоирнинг ўзи ишора қилганидек, Шайх Санъон ҳақидаги "Атторнинг қиссаси бир моҳчеҳра қиз учун эмас". Тарсо қизи бир тимсол. Уни кўрганда Шайхнинг эс-ҳушидан

[1] Комилов Н. Тасаввуф, 47-бет.
[2] Комилов Н. Тасаввуф, 56-бет.

ажраши – қалбида илоҳий файзни ҳис қилиб, ҳайратга тушиш. Бутун илмлари, ҳатто Қуръоннинг хотирасидан кўтарилиши – ботиний илмнинг зоҳирий илмни сиқиб чиқариши, уни қамраб олиши. Эътибор қилсангиз, китоб-дафтарни сувга, ўтга отиш билан боғлиқ ривоятлар тасаввуфий адабиётда кўп учрайди. Бу ерда ҳам шу: ўт – ишқ рамзи бўлиб, унинг зоҳирни куйдириб, ботинни обод қилишига, сув – зоҳирий илмлар ботиний илм уммонидан бир томчи бўлиб, охир-оқибат томчи денгизга сингиб кетгани каби у ҳам ботиний илм денгизига қўшилиб-бирлашиб кетишидир.

Ажабки, ишқ жомидан ҳаддан ташқари кўп май ичган фоний бир шогирди Шайхнинг жонига ора киради.

Шайх Санъон қисматига ўхшаган ҳодисалар тасаввуф тарихида ягона эмас.

Макка зиёратида юрганида Шайх Рўзбеҳон ҳам бир муғаннія ишқига мубтало бўлади ва Шайх Санъон каби у ҳам риёкорликни ўзига раво кўрмай, хирқасини устидан ечиб, унинг мулозаматига боради. Шайхнинг ишқу ҳолидан хабар топган аёл унинг авлиё зумрасидан эканлигини билиб, худди тарсо қизи иймонга киргандай унинг олдида тавба қилади ва унинг муридига айланади. Шу билан шайхнинг муҳаббат туғёни таскин топиб, яна хирқасини кияди.

Машҳур тариқат пири ва забардаст мутасаввиф шоир Мавлоно Жалолиддин Румийни олинг. Диний илмлар билимдони ва шариат олими бўлган бу зот мажзуб дарвеш Шамсиддин Табризий билан учрашгунига қадар ҳурмат ва шуҳрат оғушида Шайх Санъон каби бир текисдаги осойишта умр кечирар эди. Буюк сўфий Шамсиддин келди-ю, бу икки оламга татигулик сиру асрорлар, чексиз ишқ ғалаёнларини бағрига босиб ётган муаззам чашманинг кўзини очиб юборди: унинг ишқу ирфон мавзуидаги соҳир суҳбатлари натижасида фақиҳ ва мударрис Мавлоно сўфий ва шоир Мавлонога айланади. “У мадрасани хонақоҳга, ваъз мажлисларини самоъ йиғилишларига, мутаассибларча фикр юритишни сўфиёна ишққа, донишмандона босиқлигини сўфиёна жазавага алмашиб бўлган эди”[1]. Унинг шеърларидан бирида: “Агар Аттор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамс Табризий тилсим калитини тутқазди”, – дейиши бежиз эмас. Ҳатто шеърларини Шамс тахаллуси билан ёзиб, девони “Девони Шамс Табризий” номи билан шуҳрат қозонади.

Ёки ҳужжат ул-ислом Имом Ғаззолий ҳам бошда тасаввуфга салбий муносабатда бўлган. Ёши элликдан ўтгач, у тасаввуфга майл этади ва: “Дунёда сўфийлар илмидек илм кўрмадим”, – деб уни эътироф қилади.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам илоҳий ишқ йўлига кирганлиги, “Шайх Санъон каби дин тарки қилиб, Зуҳду тақводин этиб истиғфор” (4,675), – юрганига қарамай, лекин ҳали Шайх Санъон даражасига етмаганлигига мана бу байтида ишора қилиб ўтади:

Дайр пири илгидинким, боғладим зуннорни,
Муғбача оллида Мусҳафни магар куйдурмадим (ФК,408).

“Агарчи муғбача олдида ҳали Қуръонни куйдирмаган бўлсам-да, майхона пири қўлидан белимги зуннор боғладим”.

“Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонларида ҳам мазкур сўфиёна ҳақиқатнинг таъсирига дуч келамиз: Мажнун гуллар билан сирлашади, қушлар ва ҳайвонлар билан тиллашади. Наботот ва ҳайвонот олами унга хайрихоҳ, унинг дардини енгиллатишга ҳаракат қиладилар. Хусрав Салосил ғорида банди қилганида Фарҳоднинг ҳам худди шундай қушлар ва ҳайвонлар билан дўстлашгани, роз айтишганини кўрамиз. Ширин ўз мактубида шунга ишора қилиб: “Сен Сулаймон мақомини эгаллабсан”, дейди.

[1] Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси, 26-бет.

Маълумки, Сулаймон – пайғамбар ва подшоҳ. Унинг мол-мулки беҳисоб бўлганлигидан ташқари, қушлар, инсу жинслар тилини ҳам билган. Албатта, ўз қаҳрамонларининг наботот ва ҳайвонот олами билан дўстлиги орқали Навоий оламнинг бир бутунлиги, – ўсимликлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, инсонлар ҳам ягона Оллоҳнинг ижоди эканлиги, шундай экан, улар орасида қарама-қаршилик эмас, аксинча, бирлик, уйғунлик бўлиши жоизлиги ғоясини илгари суради. Зеро, заррадан коинотга қадар ҳамма нарсада Оллоҳ у ёки бу даражада зуҳур этган. Табиатни топташ, қушлар ва ҳайвонларни қириш ҳам бу нуқтаи назардан кўра Оллоҳга қарши хатти-ҳаракатлар сирасига киради. Демак, уларни дўст тутиш керак. Барчанинг Парвардигори – ягона Оллоҳ. Ўсимликлар ҳам, қушлар ҳам ўзига хос тарзда Оллоҳнинг зикрини айтишади. Айни пайтда тафаккур соҳиби ҳисобланмиш одамлар Фарҳод ва Мажнунни тушунмаганлари ҳолда, онгсиз, тилсиз ҳайвонлару қушлар уларга ҳамдард бўлганлари мисолида шоир Оллоҳни ақл воситасида билиб бўлмайди, уни фақат кўнгил билан, сезгилар ёрдамида ҳис қилиш мумкин, деган фикрни нозиклик билан қистириб ўтади. “Лайли ва Мажнун” достонининг муқаддимасидаёқ

Эй ақл сенинг йўлунгда ғофил –
Ким, телба сенинг йўлунгда оқил (7,7), –

деган шоир “бу тараф кўнгулга йўл” эканлигини таъкидлаган эди. Жониворларнинг илоҳий ишқдан бебаҳра кимсалардан устун қўйилиши шундан.

Бу борадаги фикрларни янада давом эттириш мумкин, лекин келтирилган байтлар таҳлилию уларни шарҳлаш учун мурожаат қилинган ривоят ва ҳикоятларнинг ўзи ҳам шоирнинг айни мавзудаги байтлари мағзини чақиш учун кифоя қилади деб ўйлаймиз.

РАЗ ҚИЗИНИНГ СУҲБАТИ

Алишер Навоий ғазалларида раз қизи тимсоли ҳам кўп учрайди. Раз – ток. Раз қизи – ток қизи, яъни узум. Узум эса май манбаи. Май илоҳий ишқ ва ирфон рамзи. Майхона – илоҳий май улашиладиган жой. Майхона пири ана шу майни улашадиган киши, соқий ва ҳоказо. Маълум бўладики, шоирнинг “раз қизи” билан боғлиқ байтлари ҳам ўзида тасаввуфий маъно ташийди. Чунончи:

Ҳамиша муғбачаву раз қизи фидоси бўлай –
Ки, дайр пириға арзир бу навъ ўғил била қиз (НШ,218).

Муғбача – муғ бола тасаввуф шеъриятида кўпинча соқий тимсоли бўлиб келиши маълум. Бинобарин, шоир айтмоқчики: “Ҳамиша соқий ва майнинг фидоси бўлайки, комил пирга ана шундай ўғил ва қиз муносибдир”.

Бу ерда мазкур тимсоллар жинслантирилиб, соқий – ўғил, май – қиз бола маъносида истифода этилмоқда.

Дайр пири эса майхона бошлиғи. Энди байтнинг тасаввуфий мазмуни қуйидагича тус олади: “Маънавий раҳнамога маърифатдан сўз айтиш ва уни тарқатиш ярашади”. Ёки: “Маънавий раҳбарга маърифатли муридларни тарбиялаб етиштириш ва уларни тариқат йўлига бошлаш учун халқ ичига юбориш муносиб”. Ўз-ўзидан, бунда сўз – раз қизига, уни тарқатиш – муғбачага дахлдор.

Навоий раз қизи тимсолини кўпинча даҳр золи, фалак золи, даҳр аруси сифати берилган кўҳна дунёга қарши қўяди:

Кўнгулни раз қизининг суҳбати билан соф эт –
Ки, даҳр золи ажаб ҳийласозу пурфандур (НШ,154).

"Кўнгилни раз қизининг суҳбати билан пок айлаки, дунё деган жодугар ўта ҳийлагар ва маккордир".

Байтнинг тасаввуфий маъноси эса қуйидагича: "Кўнгил зангларини маърифат зиёси билан арит, чунки дунё деган жодугар макру ҳийлада тенгсиз бўлиб, у кўнглингни ўзининг ифлос севгиси билан банд этади ва мақсад йўлидан чалғитади – дунё ғуборлари билан булғанган кўнгил Ҳаққа етолмайди".

Бу ерда Ҳақсеварликка даъват ва дунёпарастликни қоралаш мавжуд. Бошқа бир байтида эса бу дунёда кўҳна чархнинг макру ҳийласини кўрмайин десанг, ток қизининг лабидан лабингни олма дейди:

Жаҳонда раз қизининг лаълидин оғиз олма,
Десангки, кўрмагасен золи чарх макру фанин (ФК,447).

Ҳақ йўлига кирган, илоҳий маърифатдан бохабар бўлган кишининг фалакнинг эврилишларию замоннинг айланишларига, дунё ўйинларию ҳаёт қинғирликларига парвоси бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоир фалак маккораси ўйинларидан нажот топай десанг, илоҳий маърифатни эгаллашдан тўхтама дейди.

Лаъл – қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Шарқ мумтоз шеъриятида у истиора сифатида маъшуқанинг чўғдай лабини билдириб келади. Лаб эса сўфийлар истилоҳотида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Лаълнинг ўзи ҳам тасаввуфий маънода маърифатнинг натижаси; маъшуқанинг ошиқ кўнглини яралаган гул рангли чеҳраси: Оллоҳни ва унинг бирлиги ҳамда гўзаллиги кабиларни билдиради[1]. Шунга мувофиқ, лаби лаъл – маҳбубанинг сўзи ва унинг ботиний маъноси;[2] "аҳволнинг софлиги ва нозиклиги ҳамда ҳусну жамол гўзалликлари зикрини қамраб олган сўзлар"[3] мазмунида келади. Буларнинг бари байтнинг сўфиёна мазмунда эканлигидан далолат беради.

Мана бу байтида эса айни фикрнинг зиддини илгари суради:

Қилма раз фарзандини кўп ҳамдаму дамсозким,
Пардадардур асру бу шоҳидвашу маккора қиз (НШ,207).

"Раз фарзандини ўзингга кўп ҳам ҳамдаму сирдош тутмаки, бу гўзал ва маккора қиз сирлар пардасини чок-чок этувчидир".

Бу ўринда шоир ҳатто илоҳий муҳаббатнинг ҳам меъёрида бўлишига даъват этаяпти. Чунки авом тушунмаган илоҳий сирларни фош қилгани учун турли шаклдаги ўлим жазосига ҳукм қилинган Мансур Ҳаллож, Имодиддин Насимий каби шайху авлиёлар тарихда оз эмас. Чунончи, машҳур сўфий Мансур Ҳаллож "Аналҳақ" – "Мен – Ҳақман" дегани учун шариат

[1] S ü l e y m a n U l u d a ğ. Tasavvuf terimleri: sözlüğü. – S. 226.
[2] S ü l e y m a n U l u d a ğ. Tasavvuf terimleri: sözlüğü, – S. 228.
[3] А т о й и. Девон, 291-292-бетлар (Луғат ва изоҳлар қисми).

аҳлининг фатвоси билан дорга осилган. “Биз унинг зоҳир ҳолига қараб ҳукм қиламиз, ботинини Худо билади”, – деган экан уни ўлдириш ҳақидаги фатвога қўл қўйганлардан бири Жунайд Бағдодий. Абдуллоҳ Ансорий ҳам Мансурнинг айби ўзини англаганга ҳам, англамаганга ҳам сўз айтавериши эди деган. Шайх Шиблийнинг тушида ҳатто Худонинг: “Мен Мансурга балони менинг сирларимни ошкор қилгани учун юбордим”, – дегани аён бўлган экан[1].

Ишқин махфий туторлар аҳли роз,
Фош этардин кўп этарлар эҳтироз (9,109).

Шунинг учун илоҳий ишқ майи ҳар қанча азиз ва муқаддас бўлмасин, уни ичишда ҳам муайян меъёр бўлиши керак, дейди шоир. Илоҳий ишқда мастлик эмас, ҳушёрлик тарафдори бўлган Навоий ғазалларида Мансур Ҳаллож ва Боязид Бистомий каби сукр тарафдорлари номининг учрамаслиги ҳам бунинг бир далилидир.

Бу икки йўл қадимдан давом этиб келади. Уларнинг бири – Боязид Бистомий, иккинчиси – Жунайд Бағдодий номи билан боғлиқ.

Боязид “сукр” – “мастлик” (“девоналик”) маслагини илгари суради. Унинг уқтиришича, илоҳий май бўлмиш Оллоҳ муҳаббатидан масту мустағрақ бўлган, ўзини унутган кишигина Илоҳ маърифатини ҳис қила олади. Маст бўлмаган одам – ошиқ эмас. Яъни, унинг уқтиришича, сўфий зикр пайтида ўзини унутиб, Худонинг ишқида масту мустағрақ бўлади. Бундай ҳолатни у фано деб атади. Ўзлигини унутган – фанога эришган сўфий илоҳий сифатларни қабул қилади. У ўз таълимотида илоҳий (лоҳут) ва инсоний (носут) руҳни, яъни маънавий ва моддий ибтидони ўзаро бирлаштиришга интилган. Шунинг учун уни ҳулул – Худо билан бирлашиб-қўшилиб кетиш ғоясини даъво қилишда айблашган. Шундай фикрлари ва Мансур Ҳалложнинг “Аналҳақ” – “Мен – Ҳақман” деган сўзларини эслатувчи ҳол илҳоми билан айтган “Субҳони, субҳони мо аъзам уш-шаъни” (“Мен шарафланганман, менинг шаъним ниҳоятда баланд”) деган сўзлари учун у етти марта туғилган шаҳри Бистомдан қувиб чиқарилган.

Жунайд Бағдодий унга қарама-қарши саҳв – ҳушёрлик маслагини афзал кўради. Чунки сукр фақат соликнинг ўзини қутқарса, саҳвдан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши мумкин. “Шундай экан, бехудлик даражасидан кейин илоҳий маърифатга қалби тўлишиб, қайта ҳушёр тортган ориф улуғроқдир. Негаки, энди у ўз билимини халққа етказиб, юзлаб дилларни маърифат нури билан ёритади... Жунайд Бағдодий айтишича, ҳақиқий бақо “саҳв” – ҳушёрликка қайтишдан кейин бошланади. “Сукра”даги одам бамисоли денгизга шўнғиб, ғарқ бўлган киши бўлса, “саҳв”га қайтган денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб чиққан ғаввосдир”[2].

Маълум бўладики, сукр – илоҳий ишқ майидан маст бўлиб, ўзини унутган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли бўлса, саҳв илоҳий маърифатдан кўнгли тўлишиб, ўзига келган ошиқнинг ҳоли.

Зоҳирий ва ботиний билимларга бирдай муҳаббатда бўлган Нажмиддин Кубро қисман Жунайд йўлига мансуб эди. Унинг шогирди Мажиддин Бағдодий эса Боязид йўлини маъқул кўради. Машрабда: “Ташла дилдан фикратингни – Шайх Мажиддин манам”, – деган мисра бор. Бу билан у ўзининг ҳам ошиқона тасаввуфнинг оташин тарафдори эканлигига ишора қилади. Алишер Навоий эса Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро каби саҳв йўлини

[1] Бу ҳақда қаранг: Авлиёлар султони. Туронлик авлиёлар (Тўплаб, табдил этиб нашрга тайёрловчи И.О.Оққўрғоний). – Тошкент: “Камалак”, 1995, 87, 91, 106-бетлар.
[2] К о м и л о в Н. Тасаввуф, 43-бет.

афзал билганини сезиш қийин эмас.

Салафлари ижодида илоҳий ишқ майидан маст ошиқ рамзи сифатида ҳассослик билан улуғланган Мансур Ҳаллож номининг Навоий шеъриятида учрамаслиги бежиз эмас. У Мансур Ҳалложни ҳам, Боязид Бистомийни ҳам "Насойим ул-муҳаббат"да тариқат намояндалари сифатида зикр этган, холос. "Насойим ул-муҳаббат" Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" тазкирасининг таржимаси эканлиги маълум. Лекин таржима давомида Навоий Ҳалложга оид фикр-мулоҳазаларнинг катта қисмини қисқартириб таржима қилади. "Лисон ут-тайр"да келтирилган ривоятда эса бир куни унда ғаройиб ҳол воқе бўлиб, Муҳаммад алайҳиссалом бу иши учун унга танбеҳ беради. Буларнинг бари Навоийнинг Ҳаллож маслагини қўллаб-қувватламаганидан далолат беради[1].

Ич, Навоийки, бу тун раз қизини бермак эмиш,
Пири майхона сени ўзига фарзанд қилиб (ФК,55).

Байтнинг луғавий маъноси: "Эй Навоий, бу кеча майхона пири сени ўзига фарзанд қилиб, ток қизини олиб бермоқчи". Лекин шоирнинг майхонада майхона бошлиғига ўғил бўлиб, ток қизига уйланиши ҳақидаги ушбу фикр дунёвий талқинга рўй бермайди. Айтиб ўтилганидек, раз қизи – май, май – илоҳий муҳаббат ва маърифат, майхона – хонақоҳ, пирнинг ҳузури, пири майхона – маънавий раҳбар эканлигини кўзда тутсак, бу орқали шоир: "Эй Навоий, бу кеча илоҳий илмлар, ғайб сирлари кони бўлган комил пир сенга маърифатдан сабоқ бермоқчи эмиш, сен унинг пурмаъно сўзларини жон қулоғинг билан тинглаб, кўнглингга жо қил". Ёки: "Бу кеча пири ғайбдон сенга илоҳий сирлар хазинасини очмоқчи эмиш, сен уни кўнглинг мулкига жо айла". Яна: "Бу тун Ҳақ сирларидан воқиф комил пир илоҳий маърифат мулки калитини сенинг қўлингга тутқазмоқчи эмиш, сен уни сидқу ихлос билан қабул қил" каби фикрларни илгари сургани маълум бўлади.

Раз қизи зарфини, зоҳид, кўп ушатма эр эсанг,
Ўз бутунгнию менинг бут киби тавбамни ушот (ФК,73).

"Эй зоҳид, эр бўлсанг ҳадеб раз қизининг идишини синдирма, ундан кўра ўзингнинг бутингнию менинг бут каби тавбамни синдир".

Хўш, бу билан шоир нима демоқчи? Ўз бути нима деганию бут каби тавба нимаси?

Бут тасаввуф шеъриятида мақсад, матлаб, севгили, маъшуқ маъноларида қўлланиши маълум. Шунингдек, бут – "ваҳдат, илми илоҳийга ортиқ даражада иштиёқ сезган орифнинг кўнгли" маъносида ҳам келади[2].

Ирфоний шеъриятда ҳар қандай шакл ва ҳар қандай суратда бўлмасин, асл мақсад ва ҳақиқий маҳбубни "бут" деб атайдилар"[3]. Бутпараст ўз бутига сажда қилганидек, ошиқ ҳам ўз маҳбубига сажда қилади. Лекин бу сажда унда Ҳақ нурини, Оллоҳ жамолию камолини кўрганлиги учундир. Ориф кўнглида намоён бўладиган нозик маънолар ҳам кўзда тутилади. Бутпараст деганда эса тасаввуф шеъриятда илоҳий ишқ ошиғи, ошиқ аҳлига ишора қилинади.

Бут – ҳою ҳаваслар йиғиндисидан иборат тимсол маъносида ҳам келади. Байтда у айнан зоҳиднинг ўз кўнглида ясаб олган ва ҳамиша сиғинадиган ана шундай ўз бути ҳақида сўз бораяпти. Бу – кибру ғурур, манманлик, тама ва бошқа салбий иллатлар мажмуидан бино

[1] Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Ҳ а қ қ у л И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: "Фан", 2007, 53–63-бетлар.
[2] Ҳ а қ қ у л И. Навоийга қайтиш, 206-бет.
[3] Р а ф и д д и н о в С. Мажоз ва ҳақиқат, 114-бет.

бўлган сохта, ёлғончи бут. Худди Иброҳим алайҳиссалом ягона Оллоҳга ибодат қилишга даъват этиб, бутхонадаги бутларни синдирганидек, инсон ҳам ўз ичидаги нафс, ҳою ҳавас бутини синдириши керак. “Бут каби тавба” дейилганда ҳам худди шундай ҳақиқий бўлиб кўринган риёйи тавбага ишора қилинмоқда. Бинобарин, шоир май идишини синдиргунча кўнглингдаги унга нисбатан бўлган қаҳру нафрат бутини синдир демоқда. Бошқача айтганда, илоҳий ишқни кўр-кўрона рад этгунча кўнглингдаги унга нисбатан бўлган ишончсизликни йўқот. Шу тариқа, байт орқали шоир риёкорликни танқид қилмоқда: бировни айблаш осон, мард бўлсанг, ўзингдаги қусурларни маҳв эт. Ўзингга бино қўйишнинг ўзи хаёлингда худбинлик бутини тиклаб, унга сиғинишдир. Шунинг учун ҳам Навоий қайта-қайта худпарастликдан бутпарастлик яхши деган фикрни илгари суради, яъни ўзингга сиғингандан ўзгага сиғинганинг ҳам маъқул. Зоҳид эса айнан худпарастлиги билан машҳур.

Шайхулислом Абдуллоҳ Ансорий бут – нафсу зуннор – халқнинг қабули дейди. Маълум бўладики, нафс – бут бўлса, бутпарастлик – нафсни севишдан иборат. Зоҳидга ўз бутингни синдир деганда, айнан нафсу ҳаво, кибру ғурур, тамаю миннатни йўқот – сен тасаввурингда уларни бутга айлантириб, сажда қилиб юрибсан демоқчи шоир. Айни пайтда ундан ўзининг тавбасини ҳам (агар илоҳий ишқдан тавба қилган бўлса) ушатишни сўраяпти.

Шунинг учун ҳам Навоий ёзади:

Навоий дайр аро гар бутпарасту маст эса тонг йўқ,
Не қилса пири дайр, ул ҳам қилур, чунким эрур тобеъ (ФК, 294).

“Навоий майхонада бутпарасту маст бўлса, сира ажабланадиган жойи йўқ – майхона пири нима қилса, у ҳам шуни қилади, чунки унга тобедир”.

Байтнинг сўфиёна мазмуни: “Навоий илоҳий ишқ улашиладиган жойда илоҳий ишқдан масту илоҳий маҳбубага ошиқ бўлса, бунинг ҳеч ҳам ажабланадиган жойи йўқ, чунки пири шу ишни қилади, унга тобе бўлгани учун у ҳам қилади”.

Бутпарастлик – тасаввуфда илоҳий маҳбубага ошиқлик бўлганлиги учун ҳам Навоий ўзини бутпараст дейишдан сира андиша қилмаяпти, аксинча, бу билан фахрланаяпти. Ҳолбуки, зоҳирий маъносига қараб баҳо бериладиган бўлса, бу кофирликка тенг. Ёки мастлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Бут ва бутпарастлик тушунчалари тасаввуф шеъриятида фаол қўлланади. Тасаввуфда бутпараст – илоҳий ишқ ошиғи. Ҳақиқий тавҳид аҳли. Маҳмуд Шабустарий “Гулшани роз” асарида шарҳлашича, бут – ишқ ва ваҳдат мазҳари бўлиб, зуннор – хизматга бел боғлаш.

Бутпараст деб тариқат мақомларидан бирини босиб ўтиб, ўз ҳолига мағрур бўлиб, бир ерда тўхтаб қолган кишига ҳам айтадилар[1].

Маълум бўладики, Алишер Навоий раз қизи тимсолини илоҳий ишқ майи ва маърифат шавқи маъноларида қўллаган ҳамда ундан баҳраманд бўлишга даъват этиш баробарида, меъёрга риоя қилишни шарт қилиб қўйган.

МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Навоий ижодида бадиий воситалар истифода этилмаган, шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки мисрани ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадиий санъатлар воситасида етук маҳорат билан

[1] С а й й и д Ж а ъ ф а р С а ж ж о д и й. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Сах. 185.

ифодалайди. Чунончи:

Нега итмишлар Масиҳу Хизр агар қилмайдурур
Бирни руҳафзо лаби, бирни хати хазро хижил?

“Бирини маҳбубанинг жонбахш лаби, бирини майсадай хати хижил қилмаса, Масиҳ билан Хизр нега йўқолиб кетмишлар?”

Байтда бир қанча бадиий санъатлар маҳорат билан қўлланиб, бир-бирини тўлдириб, бойитиб келганини кўрамизки, улар биргаликда фавқулодда ва оҳорли фикрнинг гўзал ва таъсирчан ифодасини таъминлаган.

Масиҳ ва Хизр каби пайғамбарлар номининг тилга олиниши билан бу ерда, аввало, талмеҳ санъати қўлланилган: номлари зикр қилинган пайғамбарлар тарихини яхши билган ўқувчи мазкур байт мазмунини чақишда сира қийналмайди.

Иккинчидан, Масиҳнинг кўкка кўтарилиб, Хизрнинг эса ер қаърига кириб кетганига маҳбуба лабининг жонбахшлигию хатининг нафислигини сабаб қилиб кўрсатиш билан ҳусни таълил санъатига мурожаат қилинаяпти. Маълумки, ҳусни таълил шеъриятдаги “гўзал ёлғон” бўлиб, кўпинча ўзининг гўзал ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга солади ва уни ишонишга “мажбур” қилади. Бу ерда ҳам шу: маъшуқанинг жонбахш лаби қошида Масиҳ нафаси нимаю нафис хати олдида оби ҳаёт теграсидаги майса нима! Шундай экан, ўткир дамидан дам урган Масиҳнинг хижолатдан кўкка чиқиб, оби ҳаёт теграсидаги майсасининг гўзаллиги билан мақтанган Хизрнинг уятдан ерга кириб кетиши табиийга ўхшаб кўринади.

Учинчидан, “Бирини жонбахш лаби, иккинчисини майин хати хижолатдан ўлдирмаган бўлмаса, нега Масиҳ ва Хизрнинг бири кўкка чиқиб, бири ерга кириб кетди?” – дея ўзини билиб билмасликка солиш билан тажоҳули орифона санъати ҳам маҳорат билан қўлланмоқда. Бу санъатда шоир тасвир объектини яхши билгани ҳолда, уни ёрқин ва таъсирчан ифодалаш мақсадида риторик савол усулидан фойдаланади. Тажоҳули орифона асосида кўпинча ташбеҳ ётади. Ўз-ўзидан, байт ташбеҳ санъатидан ҳам холи эмас – жонбахшлиги туфайли Масиҳ нафаси ва ёр лаби, гўзаллиги жиҳатидан оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майса ва маҳбубанинг лаби устидаги нафис хати ўзаро бир-бирига ўхшатилаяпти. Бу – тўртинчидан.

Бешинчидан, ёр лабини – Масиҳ нафасига, хатини – Хизр топган оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майсага ташбеҳ этиш асносида лабнинг Масиҳ нафасига, хатнинг Хизр майсасига қарши қўйиш билан тазод санъатидан ҳам шоир усталик билан фойдаланган.

Олтинчидан, лафф ва нашр санъатини кўрамиз: бунда аввал ном, нарса ва тушунчалар саналиб, кейин уларнинг сифати келтирилади – зукко ўқувчи ниманинг нимага алоқадорлигини ўзи топиб олади. Байтда жонбахш лабнинг – Масиҳга, нафис хатнинг – Хизрга нисбати бор.

Еттинчидан, “бирни” сўзининг икки марта қўлланиши такрор санъатини ҳосил қилганки, бу байтнинг жарангдор ва таъсирчан чиқишига олиб келган.

Саккизинчидан, ёр лабининг жонбахшликда Масиҳ нафасидан, нафисликда Хизр топган оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майсадан устун қўйилишида муболаға санъати ҳам мавжуд.

Маълум бўладики, биргина байтнинг ўзида бир неча санъат маҳорат билан қўлланилган. Алишер Навоий истеъдодининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадиий баркамоллиги ҳам шунда. Айни жиҳатдан, Абдулла Орипов: “Навоий ғазалларининг ҳар бир мисрасидаги образ бизнинг бутун бир шеъриятимиздаги хулосадан бир неча маротаба баланд туради”[1], – деганида ҳақли эди. Бутун бошли шеърни биргина ташбеҳ ёки деталь асосига қураётган

[1] О р и п о в А. Танланган асарлар, 4-жилд, 16-бет.

ҳозирги ёш шоирлар учун Алишер Навоийдек сўз санъаткорлари ижоди бу борада маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ИШҚ – ЧАҚМОҚ, ОШИҚ – ХАС

Тасаввуф шеъриятида хас, хашак, сомон, чўп, қамиш, барг, тор, соч, қил сингари тимсолларга кўп дуч келамиз. Ошиқнинг ишқ дардида, маъшуқа ҳажрида ўртана-ўртана озиб кетиши – хас, барг, ҳатто қил даражасига келиши асосий шарт. Фақат шундагина илоҳий ишқ чақмоғи чақилиши билан у лов этиб ёнади-ю, маъшуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади. Бу тимсоллар Алишер Навоийнинг ҳам юзлаб байтларида учрайди. Чунончи:

Ул бути зарринкамар ишқида то бел боғладим,
Заъф аро мендин қамишлардур нишон, бал коҳлар (НШ, 149).

“Токи у тилла камарли гўзал ишқи юкини кўтаришга бел боғладим, кундан-кунга заифлашиб, шундай бир аҳволга тушдимки, қамишлар, йўқ-йўқ, сомонлар мендан нишона берадиган бўлиб қолди”.

Сомону хашакка ўт қўйиш учун эса чақмоқ ҳожат эмас, бир учқун ҳам кифоя:

Бас таним ўртарга қонли новакинг, ҳижронни қўй,
Барқ не ҳожат, бир учқун бирла хошок ўртанур (НШ,195).

“Танимни ўрташ учун қонли кипригингнинг ўзи кифоя, ҳижронни қўй. Хошокни ёқиш учун бир учқун етарли, чақмоқнинг ҳожати йўқ”.

Бу ерда ошиқнинг жисми – хашакка, маъшуқанинг қонли киприги – учқунга, ҳижрон – чақмоққа (унинг оташига) ташбеҳ этилмоқда: хашакдай жисмимни ёқиш учун қонли кипригингнинг учқуни бас – бунинг учун ҳижрон деган буюк бир гулханни овора қилишга сира эҳтиёж йўқ.

Қуйидаги байтида эса ҳажр ичидаги бечора ошиқнинг ҳолати ўтга тушган қилнинг ҳолатига қиёсланади:

Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,
Ўтқа тушган қил масаллиқ ўртанурмен тўлғониб (ҒС,56).

“Заиф жисмим ҳар лаҳза ҳажринг ўтида ёниб, ўтга тушган қил каби тўлғониб ўртанаман”.

Мана бу байтда ишқ чақмоғидан эмас, балки элчи сабодан мадад сўралаяпти. Чунки у ҳам ошиқ билан маъшуқ ўртасидаги воситачилардан бири. Айтиб ўтилганидек, ошиқнинг оҳини, сўзини маъшуқага етказувчи сабо сомон даражасида енгил бўлса, ошиқнинг ўзини ҳам унинг ҳузурига олиб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам бечора ошиқ илтижо қилиб айтаяптики: “Эй висол насими, фироқ ранжини чека-чека сомон парчаси каби бўлиб қолган жонимни жонон сари олиб бор (ки, бунинг сенга сира ҳам оғирлиги йўқ)”:

Эй насими васл, эсиб жонимни жонон сари элт –
Ким, фироқинг заъфидин андоқки барги коҳдур (НШ,155).

Маълумки, тасаввуфда Ҳаққа етишнинг икки йўли мавжуд: бири – тариқат, иккинчиси – муҳаббат. Масалан, Фарҳод тариқат йўлини босиб ўтади, Мажнун эса ишқ орқали Ҳаққа

етади. Шунга ўхшаб, диққат қилинса, ушбу тимсоллар орқали ҳам шу икки йўлга ишора мавжуд, яъни ошиқнинг хасу қил ҳолига келиб қолган заиф жисмини ё ўт (чақмоқ), ё сабо маҳбубага етказади. Бунинг учун эса ошиқ жисми ё бир учқунда лов этиб ёнадиган даражада қуруқ, ё сабо кўриб учадиган даражада енгил бир даражага келиши керак. Шунинг учун ҳам шоир ёзади:

То ўзунгни хасча кўргунгдур, эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.

Кул қил ул хасни фано оташгоҳиға ташлабон,
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом (ҒС,428).

“Хоҳ ҳавода учу хоҳ сув узра юр, то ўзингни хас каби кўрмасанг, одам эмассан. Бу хасни, яъни жисмни фано оташгоҳига ташлаб қул қил, то унинг қулидан кўнгил кўзгуси пок бўлиб, жило топсин”.

Маълумки, кўзгуни кул билан артса, у тоза бўлиб, ярақлайди. Бу ерда турмушдаги мазкур ҳаётий ҳодисага ишора қилинаяпти.

Фано оташгоҳи ана шу инсоний хусусиятларни ёқиб, кул қиладиган илоҳий ишқ олови. Тасаввуфда – риёзат босқичлари. Бу босқичларни босиб ўтиш жараёнида солик кўнгли дунё, нафс, жисм эҳтиёжларидан буткул халос бўлиб, яъни уларни кул қилиб, бу кул билан покланиб, Ҳақ жамоли жилваланадиган шаффоф кўзгуга айланади. Демак, келтирилган мисраларда соликнинг Ҳақ билан бирга бўлиши учун хасча ҳам ўзлиги қолмай, илоҳий ишқ ўтида бошдан-оёқ куйиб кул бўлиши ва бу кул воситасида руҳ ойинаси покланиб, Ҳақ жамолини ўзида акс эттириши лозим.

Мана бу байтда эса шоир ташбеҳ, тазод, тажоҳули орифона санъатларидан маҳорат билан фойдаланиб, фавқулодда оҳорли манзара яратади:

Ашк аро ўртади танимни ғаминг,
Гарчи куймас су ичра тушкан хас (ҒС,235).

“Ғаминг кўз ёшига ғарқ бўлган танимни куйдирди, ҳолбуки, сувга тушган – ҳўл бўлган хас ёнмайди”.

Бу ерда хас истиора сифатида озиб-тўзган ошиқ жисмини билдириб келаяпти. Ашк ичидаги тан билан сув ичидаги хаснинг бир-бирига қиёсланишида ташбеҳ, сувга тушган хаснинг ёнмаслигию ашк ичидаги таннинг ўртанишида тазод, буни ҳеч нарса билмагандек қилиб тасвирланишида тажоҳули орифона, жисмнинг ёнишида муболаға, ашкнинг сувга, таннинг хасга нисбати борлигида лафф ва нашр, ҳўл хаснинг ёнмаслиги иборасининг келтирилишида ирсоли масал санъатларини кўрамиз.

Бошқа бир байтида эса бунинг сабабини ҳам изоҳлаб кетади:

Оҳ ўти ўртарга жисмимни не монеъ кўз ёшим,
Барқ урғоч ўртанур гар бўлса дарё узра хас (НШ,232).

“Оҳ ўти жисмимни куйдиришига кўз ёшим монелик қилолмайди, чунки чақмоқ урганда дарё юзидаги хаслар ҳам ёниб кетади”.

Бу ерда ҳам шоир ишқ ўтида жисмининг хасдек бўлиб қолганига ишора қилаяпти.

Хас, сомон тимсоллари билан бирга кўпинча каҳрабо образи ҳам қўлланади. Каҳрабо –

сариқ рангли қаттиқ тош. Уни чармга ишқаб, сомон, хасга яқинлаштирса, ўзига тортади.

Юз ул этакдин агар олмасам не тонгки, сомон
Чу каҳрабоға етар, қўймоғи не имкондур (НШ,183).

“Агар ёр этагидан юзимни олмасам, сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки сомон каҳрабога бир ёпишса, ундан қайта ажралмайди”.

Шунга асосланиб, шоир худди каҳрабо сомон парчасини ўзига тортганидек, сариқ тўнлик ёр қаёққа борса, мени ҳам унинг ортида кўрадилар деган гўзал ташбеҳ ишлатади:

Қаёнким, ул сариғ тўнлуқ борур мен эришканни
Соғинғайлар қачон каҳбаргни бир каҳрабо чекса (ҒС,562).

Ёки:

Гар самандинг гардидин қолман не тонгким, бордур ул
Каҳрабоеким, бу хасдек жисм барги коҳдур (НШ,155).

“Агар отинг туёғининг чангидан қолмасам не ажабким, у бир каҳрабою хасдек жисмим эса сомон парчасидир”.

Яна:

Ишқ комил бўлса, маъшуқ арғувонҳад бўлмасун,
Каҳрабо шамъиға ҳар каҳбарг бир парвонадур (НШ,192).

“Ишқ комил бўлса, маъшуқа қизил юзли бўлмасин, каҳрабо шамига ҳар бир сомон парчаси бир парвонадир”.

Ошиқнинг ранги сариқ бўлади – уни дард шундай сарғайтиради. Бинобарин, ишқ комил бўлса, маъшуқнинг юзи қизилу ошиқники сариқ бўлмайди, балки иккаласиники ҳам бир хил заъфарон бўлади. Бу ерда шоир шунга ишора қилаяпти.

Маҳмуд Шабустарий каҳрабо ва сомон тимсоллар хусусида баҳс юритар экан: “Ҳақиқат – каҳрабо, зотинг – сомондир”[1], – деб уларнинг моҳиятини очиб беради. Яъни каҳрабо сомонни ўзига тортганидек, махшуқа ҳам ошиқни ўзига асир қилади.

Бу образлар тасаввуфий доирасидан чиқиб, шоирнинг қатор байтларида ҳаётий мавзуларга ҳам кўчади. Жумладан, қуйидаги байтда қуюн хашакни шиддат билан қандай айлантирган бўлса, фалак ҳам мени заифни шундай саргашта қилди дейди:

Мени заифни саргашта айлади гардун,
Шитобу давр ила хошокни нечукки қуюн (ҒС,496).

Маълум бўладики, ишқ дардию ҳижрон ранжидан ошиқ жисмининг заифлашиши билан боғлиқ тимсолу ташбеҳлар силсиласи (биз уларнинг барчаси ҳақида фикр юритмадик) ҳам Алишер Навоий ижодида бутун бир тизимни ташкил этиб, алоҳида текширишни тақозо қилади.

ҲУСН ВА ИШҚ

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: “Тамаддун”, 2013, 24-бет.

Бугун биз биламизки, бу дунё оламнинг ўзаро тортишиш кучлари туфайли пойдор. Сўфийлар буни Ҳусн ва Ишқнинг ўзаро бир-бирига интилиши тарзида тасаввур ва талқин қилганлар – мутлақ Ҳусн соҳиби, гўзаллар шоҳи бўлган Оллоҳ борлиқда ўз жамолини намоён этади, барча жонли-жонсиз мавжудот эса бу Ҳусннинг ошиғу шайдоси.

"Ҳусн билан ишқ ажралмас, улар бир-бирига интилиши муқаррар қонуният"[1].

Бу жиҳатдан машҳур шайх Рўзбеҳон Буқлий билан боғлиқ бир ривоят эътиборга молик.

Ваъз ўқиш учун Шероз кўчаларидан ўтиб бораётган Рўзбеҳон бир аёлнинг қизига қарата:

– Ҳуснингни элга кўп кўрсатмаки, у хору беэътибор бўлади, – деб насиҳат қилаётганини эшитиб айтадики:

– Ҳусн ҳеч қачон ўзини пинҳон қилишларига рози бўлмайди – у бутун вужуди билан ишққа яқин бўлишга интилади. Ҳусн ва ишқ азалдан бир-бирларидан ажралмаслик ҳақида аҳду паймон қилганлар (10, 241).

Макка зиёратида юрганида Рўзбеҳоннинг ўзи ҳам бир муғанния ишқига мубтало бўлади ва Шайх Санъон каби у ҳам риёкорликни ўзига раво кўрмай, хирқасини устидан ечиб, унинг мулозаматига боради. Шайхнинг ишқу ҳолидан хабар топган аёл унинг авлиё зумрасидан эканлигини билиб, худди тарсо қизи иймонга киргандай унинг олдида тавба қилади ва унинг муридига айланади. Шу билан шайхнинг муҳаббат туғёни таскин топиб, яна хирқасини кияди (10,241–242).

Қудсий бир ҳадисда айтилишича, дастлаб фақат Оллоҳ мавжуд эди. Кейин унда ўзини ўзи томоша қилиш истаги пайдо бўлади ва ўз ҳуснининг кўзгуси қилиб оламни, унинг ошиғи қилиб одамни яратади. Шунинг учун Навоий ёзади:

Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,
Салойи ишқин этиб офариниш ичра нидо (НШ,1).

"Ул ҳусн яратилиш ичра ишқни даъво айлаб, ошиқ истаб нидо қилди".

Бошқа бир байтида эса мазҳар истаб мавжудотга ишқу ҳусн кўргуздинг – натижада бечораю ожизлик хирмонию жабру жафо чақмоғи пайдо бўлди дейди:

Мазоҳир истабон асмоға ишқу ҳусн кўргуздинг –
Ки, пайдо хирмани ажз ўлди-ю, барқи жафо пайдо (НШ,3).

Албатта, бу ерда асмо – исмлар, номлар дегани, лекин улар мавжудотга берилган.

Мазоҳир – кўриниш, пайдо бўлиш; зоҳир бўладиган, намоён бўладиган жой. Яъни бирор нарсанинг зуҳур этадиган жойи. Илоҳий ишқ эса мазҳарсиз содир бўлмайди. Мазҳар – илоҳий жамол ё камолни ўзида акс эттирган киши. Ҳақ ошиқлари кўпинча мазҳарни севиш орқали ҳақиқий ишққа етадилар. Фарҳод учун Ширин, Мажнун учун Лайли ана шундай мазҳар эдилар. Ширин ва Лайли мисолида уларнинг ишқи муайянлик – аниқлик касб этди. Жалолиддин Румий маснавийларидан бирида ҳақиқий ишққа етганидан кейин Мажнун учун Лайлининг аҳамияти қолмагани хусусида сўз бориши шундан.

Сўфийлар нуқтаи назарига кўра, илоҳий ҳусн ҳамма ерда жилва қилади, лекин уни кўриш учун басират – ботин кўзи, ҳис қилиш учун дунёю нафс ғуборларидан покланган кўзгудай мусаффо кўнгил керак. Кўнглингда Оллоҳу унинг ишқи бўлмаса, Каъбанинг бутхонадан фарқи йўқ, аксинча, кўнглинг илоҳий ишқдан лиммо-лим бўлса, бутхона ҳам Каъбага тенг. Сўфийлар орасида ҳатто шундай нақл машҳур: "Агар Худо жамолини кўрсатмаса, жаннатнинг дўзахдан фарқи йўқ, башарти дийдорини кўрсатса, дўзах ҳам жаннатга

[1] Комилов Н. Тасаввуф, 213-бет.

айланади”.

Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилвайи ҳусн,
Тенг ўлди Каъба била дайри Сўмнот манга (НШ,12).

“Ҳамма ерда ёр ҳусни жилва қилар экан, менга Каъбаю бутхона баробар бўлди”.

Ҳусн ва ишқ муносабати аслида тасаввуф адабиётининг асосий мавзуларидан бўлиб, у ҳар томонлама кенг ва чуқур текширишларни тақозо қилади. Биз бу ерда унинг асл моҳияти ва баъзи нуқталарига ишора этдик, холос.

ОШИҚЛАР САРДАФТАРИ

Навоий кўплаб ғазалларида ўзини Мажнуну Фарҳодга, маҳбубасини Лайлию Ширинга қиёслар экан, ўзини бу машҳур ошиқлардан, севгилисини бу ишқу ҳусн тимсолларидан устун қўяди. Мисол учун, қуйидаги байтида Фарҳод тоғдан қазган тошлар билан мен Мажнунни урадилар, энди ўзингиз айтинг, ишқ аро ким кўпроқ қийналган, кимнинг аҳволи оғирроқ: у маъшуқасига етиш учун машаққат чекиб тоғ қазиган бўлса, мен маломат тошларию тақдир зарбаларига мардона чидадим, ишқ синовларига бардош бердим:

Тош урарлар мени Мажнунғаки, қозмиш Фарҳод,
Ишқ аро менча қачон эрди экин шиддат анга (БВ,8).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шиддат сўзи бу ерда биз тушунганчалик ғайрат, шижоат, куч-қудрат, қатъийлик эмас, балки қаттиқчилик, аҳволнинг оғирлиги, тирикчиликнинг оғирлиги маъносида келаяпти.

Бу байтда шоир ўзини Мажнунга ўхшатиб, Фарҳоддан устун қўйган бўлса, кейинги байтда энди Мажнундан ҳам баланд ҳисоблайди:

Ўлди Мажнун кўрубон дилбарину мен кўрмай,
Менча йўқ эрди экин ўлганида ҳасрат анга (БВ,8).

“Мен билан Мажнуннинг орасидаги фарқ шундаки, у ёрини кўриб ўлди, мен эса кўрмай жон таслим қилмокдаман, шунинг учун ҳар қанча ишқ ичра балою уқубатларни бошидан кечирган бўлмасин, унинг ҳасрату армони меникичалик эмас эди”.

Ёки:

Дарди ҳижрон мендадурким, умр ўтиб кўрмон юзин,
Васли комилдур, буким Лайлиға Мажнун телмурур (БВ,176).

“Мажнун Лайлини кўрди, унинг юзига термилдими, демак, у васлга етди. Ҳижрон дарди нималигини умри ўтиб ёр юзини бир марта ҳам кўрмаган мендан сўранг”.

Ўз-ўзидан бу ерда гап илоҳий маҳбуба ҳақида бораётгани маълум бўлади. Чунки дунё гўзалига таъриф-тавсифини эшитиб ошиқ бўлганда ҳам, ҳеч бўлмаса бир марта кўрмаслик, ёки кўрган кишилардан сўраб-билмаслик мумкин эмас.

Бошқа байтида айни фикрни Фарҳодга нисбат беради:

Ёрни мен кўрмай ўлдум, ул кўруб ҳам ўлмади,
Ишқ аро мен бормен ўзга навъу Фарҳод ўзга навъ (БВ,292).

“Мен ёрни кўрмай ўлдим, у кўриб ҳам ўлмади, бинобарин, ишқ аро мен билан Фарҳоднинг мақому йўлимиз бошқа-бошқа”.

Ёки мана бу байтни қаранг:

Мен бало чоҳидаву Мажнун фароғат даштида,
Лофи ишқ урса, ажаб йўққим, топибдур ерни кенг (БВ,343).

“Мен бало чоҳидаю Мажнун фароғат даштида: ўзига кенг ерни топиб олганидан кейин ишқ лофини урса, сира ажабланадиган жойи йўқ”.

Мана бу байтида эса маҳбубасини Ширину Лайлидан устун қўяди:

Келди Ширин била Лайли санга ҳайрон, гарчи
Бу икав ҳасратида эрди Ажам бирла Араб (ФК,45).

“Араб билан Ажамни ҳусни билан ғаму қайғуга ботирган Ширин билан Лайли сенинг жамолингни кўрди-ю, ҳайрон бўлди-қолди”.

Бошқа байтида ўқиймиз:

Ишқда мен киби Мажнун ясади килки қазо,
Лайли ашколини дилдорима монанд қилиб (ФК,55).

“Қисмат қалами ишқ ичра Мажнунни менга ўхшатиб, Лайли шаклини эса дилдоримга монанд қилиб яратди”.

Мана бу байтида эса ўзининг телбалиги олдида Вомиқу Мажнунни оқилу ҳушёр деб ҳисоблайди:

Дер Навоий, Вомиқу Мажнундек ўлғил, вах, не навъ
Куч била ҳуш аҳлиға ўзумни монанд айлайин (ҒС,487).

“Эй Навоий, ишқ ичра сен ҳам Вомиқу Мажнун каби бўл, дейди ёр. Воҳ, мен қандай қилиб ўзимни куч билан ҳуш аҳлига ўхшатай?!”

Бошқа бир байтида “Дашт аро Мажнунни кўрганлар Навоийга назарлари тушса, “Ё Раб, бу не биёбон деви бўлдийкин?” деб ҳайратга тушадилар” дейди:

Дашт аро Мажнунни кўрганлар Навоийни кўруб,
Қилдилар ҳайратки, не ғули биёбондур яна (ҒС,548).

Қуйидаги байтида эса мени Фарҳоду Мажнунга ўхшатмаки, мени бирор афсона билан боғлашнинг сира ҳожати йўқ дейди:

Навоиё, мени Фарҳод дема ё Мажнун,
Нединким, ҳожат эмас боғламоқ фасона манга (ФК,15).

Бу билан шоир Фарҳоду Мажнун қиссасини шунчаки афсона ҳисоблаб, ўзининг ишқ достонини ҳақиқий ҳисоблайди: ҳақиқат турганда афсонага нима ҳожат деган фикрни

илгари суради. Чунки, дейди “Топмадим” номли машҳур ғазалида:

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдан булъажаброқ достоне топмадим (ҒС,412).

“Мен Вомиқу Фарҳоду Мажнун каби машҳур ошиқлар қиссасини кўп ўқидим, лекин ўз ишимдан ажиброқ достон топмадим”.

Шу тариқа, Фарҳоду Мажнуну Вомиққа қиёслай-қиёслай Навоий ўзини жаҳондаги барча машҳур ошиқларнинг сардафтари, раҳнамоси ҳисоблайди:

Бошларидин кечтилар ишқ аҳли ҳижрон даштида –
Вомиқу Фарҳод ила Мажнун Навоий бошлиғ (БВ,296).

“Ҳижрон даштида ишқ аҳли – Вомиқу Фарҳоду Мажнун Навоий бошчилигида бошларини фидо қилдилар”.

Чиндан ҳам Алишер буюк бир ИШҚнинг, тенгсиз бир маҳбубанинг ошиғи эдики, Фарҳоду Мажнуну Вомиқ унинг, Ширину Лайлию Узро маъшуқасининг олдида қуёш қошида заррадек эди.

ФАРҲОДДАН УСТУН ОШИҚ

Шарқ шеъриятида лирик қаҳрамоннинг ўзини дунёда машҳур ошиқлардан устун қўйиши – бунга турли сабаб-важ келтириши бир анъана тусини олган. Шу маънода Ширин васлига етишиш учун Фарҳоднинг теша билан тоғ қазиши ҳам "танқид" остига олинади – қўлингда қурол билан тошни қўпориб, йўл очиш оддий иш-ку, буни барча ҳам қилиши мумкин дейилади. Чунончи, Фарҳод қаҳрамонлигини ҳадди аълосида тараннум этган Навоийнинг ўзи ҳам агар Ширин санам васл ваъдасини берса, мен ғам тоғини тирноғларим билан қазаман дейди:

Ваъдаи васл этса ул Ширин санам, ғам тоғини
Қозғамен тирноғларимни тешаи Фарҳод этиб (БВ,58).

Табиийки, бу ерда "ширин" сўзи икки маънода келаяпти: биринчиси – Фарҳоднинг маъшуқачи бўлган Ширин, иккинчиси – гўзал, малоҳатли маҳбуба.

Мана бу байтда ҳам ширин сўзи икки маънода келаяпти: ширин орзули ва Ширинни орзу қилиб:

Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслик нотавон Фарҳодсен (ҒС,483).

Бошқа бир байтда ёзади:

Истасам васлини, дер ғам тоғи қоз тирноғ ила,
Бўйла ҳаргиз қилмади Фарҳод ила Ширин ҳадис (БВ,91).

"Васлини истасам, тирноғинг билан ғам тоғини қаз деб айтди – бундай сўзни Фарҳодга Ширин ҳеч қачон айтган эмас эди".

Мана бу байт ҳам аввалгиларига ҳамоҳанг бўлиб, энди шоир тирноғи билан тоғни қўпоришга тайёрлигини эмас, балки қазганини айтади:

Решлар кўксумда кўр, Фарҳод баҳсин қўйким, ул
Қазмади мендек бало тоғини тирноғи била (ҒС,555).

"Кўксимдаги чокларни кўру Фарҳод можаросидан сўз очма, чунки у мен каби бало тоғини тирноғи билан қазган эмас".

"Тирноқ билан тоғ қазиш" бу – тариқат йўлининг оғир, қийин ва узунлигига ишора. Шоирнинг кўплаб байтларида дуч келадиганимиз йўлнинг машаққатидан шикоят оҳанглари худди шу маънони кўзда тутади.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра, йўл бўртоқ,
Бу йўлда салб этиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор эт (ҒС,78).

"Мақсад узоқ, водий узун, тун қоронғи, йўл балчиқ. Шунинг учун ўзлик юкидан қутулиб, ўзингнинг юкингни енгил қил".

Яна ўқиймиз:

Ё қани Фарҳодким, ғам тоғини тирноғ ила
Қозғанимдин, тешаву тоғидин ўлғай шармисор (БВ,133).

“Менинг ғам тоғини тирноғим билан қазганимдан хабар топган Фарҳод шижоатимни кўриб, ўзининг бу ишни теша билан амалга оширганидан уялиб қолади”.

Яна:

Балолар тоғини ҳажринда тирноғим била қоздим,
Мен этган ишни ошиқликда Фарҳод этмади ҳаргиз (БВ,218).

“Ёр ҳажрида балолар тоғини тирноғим билан қоздим. Фарҳод ошиқ бўлиб мен қилган ишни ҳеч қачон қилмаган”.

Албатта, шоир Фарҳоднинг ҳам муносиб баҳосини беради:

Минг бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки, тоғ бағрини захм айлади Фарҳод (ҒС,118).

“Фарҳод тешаси билан тоғ бағрини ҳар қанча пора қилмасин, улар ўз юраги жароҳатларининг мингдан бирича ҳам эмас”.

Кейинчалик Фузулий қатор байтларида бу фикрни ривожлантириб, ҳадди аълосига етказади: Менинг ишқ йўлидаги шижоатим олдида Фарҳод ўз куч-қудратидан лоф урмаса ҳам бўлади, чунки у битта тоғни қазиш учун мингта тешани ўтмас қилган бўлса, мен мингта тоғни биттагина тирноғим билан қўпоришга қодирман дейди:

Кўҳкан кунд айламиш минг тешайи бир тоғ илан,
Ман қўпоруб солмишам минг тоғи бир тирноғ илан[1].

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, бу ерда тоғ ҳам мажозий маънода бўлиб, ошиқни маъшуқдан ажратиб турган тўсиқ – монеликлардир. Уларнинг кўплиги, улканлиги, чексизлиги учун шоирлар тоғ тимсолида ҳам гавдалантирганлар.

БИЛОЛ ВА ХОЛ

Билол – ислом тарихидаги биринчи муаззин. Асли ҳабашистонлик қора танли қул бўлиб, Маккада исломни биринчи бўлиб қабул қилганлардан. Баланд, ширали ва таъсирчан овозга эга бўлгани учун Мадинада илк бор оммавий намоз ўқиш жорий қилинганда у азон айтиб, мусулмонларни намозга чорлаган ва бир неча йил давомида Муҳаммад алайҳиссаломга муаззинлик қилган[2].

Пайғамбардан нақл қилишларича, у киши Билолнинг ранги қиёматда жаннат ҳурларига хол қилиб берилади деб лутф этган эканлар. “Қисаси Рабғузий”да келтирилишича, Оллоҳ таоло жаннат ҳурларини яратган кундан буён улар ўзларига зеб берадилар – бу пардоз-

[1] Ф у з у л и й. Ғамзасин севдинг, кўнгил (Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов). – Тошкент: “Шарқ”, 2009, 241-бет.
[2] Ислом. Энциклопедия, 51-бет.

андоз қиёмат кунида адоғига етади. Лекин холлари бўлмаганлиги учун ҳусну жамоллари кемтик бўлиб туради. Ўшанда Билолнинг рангини нуқта-нуқта уларга улашиб берадилар – ҳар бирига биттадан хол тегади ва шу билан кўрку чиройлари мукаммал бўлади[1]. Шунинг учун ҳам Шарқ мумтоз шеъриятида Билол образи маҳбубанинг холи билан бирга қўлланишига кўп дуч келамиз. Чунончи, мана бу байтида маҳбубанинг лаби устидаги қора холини жаннатдаги кавсар булоғи қирғоғида ўтирган Билолга қиёс қилади:

Равзада кавсар қироғинда хаёл эттим Билол,
Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўриб (ФК,53).

"Юзинг аро лабинг, лабинг узра тундай холингни жаннатда кавсар қирғоғида ўтирган Билол деб хаёл қилдим".

Кавсар – жаннатдаги чашма: унинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан оқ бўлиб, ундан ичган киши абадий ташналик кўрмайди[2]". Қуйидаги байтда эса маҳбубанинг қошини Каъба тоқига, холини эса Билолга нисбат беради:

Қошингда холнинг овозасин эшитмиш эдим,
Бу Каъба тоқига ул бир Билол эмиш – билдим (ФК,435).

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов бу ҳадисни ҳатто шеърга солиб, "Билол ҳабаш" номи билан "Ҳикмат садолари" туркумига киритган:

Пайғамбар уммати – қора тан Билол
Расулга ҳамиша камарбастадир.
Сидқ ила вафога бўлди у тимсол,
Қайтмади рост йўлдан, соғ ё хастадир.

Билол айтар эди азонни яккаш,
Сазовор бўлмишди ишончга андоқ.
Расулдан сўрашди: – Бу қора ҳабаш
Жаннат чеҳрасига ярашгай қандоқ?

Жавоб шундай бўлди: – Сўйлангиз билиб,
Унинг оқ дилида иймон оҳанги.
Жаннат ҳурларига қора хол қилиб,
Бўлиб берилгандир Билолнинг ранги[3].

БЕТАКРОР МИСРАЛАР

Алишер Навоий оддий, лекин бетакрор, содда, аммо кутилмаган ташбеҳлар топишда тенгсиз сўз санъаткоридир. Чунончи, баҳорнинг кўнгилларга қувонч олиб келиши, атрофда гулу майсаларни кўриб кўзнинг қувнашини илоҳий истеъдод соҳиби бўлган шоир мана бундай фавқулодда мисраларда гавдалантиради:

[1] Қисаси Рабғузий, 2-китоб, 157-бет.
[2] Ислом. Энциклопедия, 132-бет.
[3] О р и п о в А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 2001, 203-бет.

Чаман саҳифасида сабза демаким, гардун
Тараб сўзини яшил хат била савод этадур (БВ,147).

“Чаман китобининг саҳифасидаги майса эмас, балки фалак шодлик сўзини яшил хат билан битиб қўйибди”.

Ёки мана бу оҳорли ва гўзал ташбеҳни қаранг:

Терлаган лаъли гулоб ичрамудур гул барги,
Йўқса усрук кўзму солди арақ ичра набот (ҒС, 83).

“Ёрнинг терлаган лаби гулоб ичидаги гул баргими ёки маст чой билан адаштириб, қизил май ичига новвот солдими?”

Бу ерда қатор ташбеҳлар силсиласини кўрамиз: гул баргининг лабга, гулобнинг терга, нисбати бўлганидек, майнинг терга, новвотнинг лабга ўхшашлиги бор.

Ташбеҳнинг нозик ва нафислиги кишини ўзига тортади.

Навоий муболағани ҳам ҳамиша ҳадди аълосига етказади. Чунончи, қуйидаги байтида: “Агарда ер юзидан ўт йўқолиб кетганида ҳам менинг оҳим бор экан, бунинг сира хавотир оладиган жойи йўқ: бир лаҳзада шу пайтгача боридан юз баробар ўт пайдо қилади”, – дейди:

Ўт агар йитса жаҳондин, оҳим ўлса, ғам эмас,
Еткурай бир дамда юз аввалғи ўт миқдори ўт (ҒС,85).

Чинакам шеър ана шундай фавқулодда ташбеҳларию ҳайратомуз муболағалари билан ўқувчини ўзига тортади.

Халқона ибора билан айтганда, шоирнинг баъзи байтларини ўқиб, ҳайратдан дод деб юборасиз. Чунончи:

Жом эрур мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,
Лолалар саҳрода бас гар истаса Мажнун қадаҳ (ҒС,105).

“Мен телбага қонли кўзимнинг косаси қадаҳ ўрнига ўтади. Агар Мажнун қадаҳ истаса, саҳродаги лолалар унга бу вазифани бажаради”.

Ёки мана бу гўзал ва бетакрор манзара тасвирини кўринг:

Йиғламоқ чун айлади даъво кўзум бирла булут,
Барқ гўё муни фаҳм айлаб, йиқилди кулгудин (ҒС,454).

“Булут менинг кўзим билан теппа-тенг йиғлаш даъвосини қилган эди, чақмоқ буни эшитди-ю, кула-кула букчайиб қолди”.

Бу ерда шоир чақмоқнинг чақишини унинг булут устидан кулишига ташбеҳ этмоқда. Бир чақиб ўчишини эса кулгидан букчайиб қолишига ўхшатмоқда.

Чиндан ҳам фавқулодда ва кутилмаган ташбех: уни Навоий каби нозик тахайюл соҳибигина топиши ва шундай нафис бир тарзда назм риштасига тизиши мумкин.

Мана бу байт ҳам оҳорлилиги жиҳатидан аввалгисидан қолишмайди:

Занбурнинг эви киби кўнглум тешук-тешук,
Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экин (ҒС,469).

“Кўнглим худди арининг уйидек тешик-тешик: лабинг хаёли эса ҳар тешикдаги асалдир”.

Маҳбубанинг тер остида қолган холини ҳиндунинг сувга тушиб, нафас олмай тургани ҳолатига ўхшатади:

Қолди холинг тер остида, ёхуд
Дамин асрар суға чўмуб ҳинду (ҒС,510).

Маълумки, ҳинду мумтоз шеъриятда қора ранг, баъзида ҳатто қора рангли хол тимсоли бўлиб келади. Навоий худди шундан фойдаланиб: “Холинг тер остида қолдими ёки сувнинг ичида ўтириб, ҳинду нафас олмай турибдими?” – дейди ўзини билмасликка солганча тажоҳули орифона санъатидан маҳорат билан фойдаланиб.

Ёки мана бу оддий, айни пайтда бетакрор мисрани қаранг:

Кўзум ашкини йўқ, лекин қурутмоқ баҳрни мумкин (ФК,25).

Яъни: “Уммонни қуритиш мумкиндир, лекин кўзимнинг ёшини эмас”.

Бундай ҳеч кимнинг хаёлига келмаган оддий ташбеҳу тимсоллар фақат катта истеъдод эгаларининг қўлидан келади. Чунки ҳамманинг ҳам бошига ғаму ташвиш тушади. Бу ғаму ташвиш туганмасдай йиғлаб, оҳу фарёд қилиб юради. Ҳамма ҳам денгизу дарёю уммонни билади. Лекин ҳамманинг ҳам хаёлига: “Эҳтимол, дунёдаги сувлар қуриб битар, лекин менинг кўз ёшимнинг тугайдиган замони йўқ” – деган фикр келавермайди. Истеъдоднинг даражаси ана шундай энг оддий нарсадан ҳам энг гўзал ва таъсирчан ташбеҳу тимсол топганида ёрқин намоён бўлади.

ЖАННАТУ ДЎЗАХ ТАЗОДИ

Алишер Навоий ғазалларида жаннат ва дўзах ҳам бир-бирига қарши қўйилиб, муайян бадиий вазифа бажариб келади. Жумладан, бир байтида Ҳақ даргоҳи турганда дунё роҳатларини истаган одамни жаннатни қўйиб, дўзахга борган кишининг аҳволига ўхшатади:

Биҳишт борида дўзах сори қилур оҳанг,
Ҳабиб кўйи туруб, улки гашти боғ истар (БВ,167).

“Кимки дўст кўйи туриб, боғ гаштини истаса, у жаннат борида дўзахга интилган кишига ўхшайди”.

Маълумки, дўст, ёр дейилганда тасаввуф адабиётида комил инсон, етук пир, Муҳаммад алайҳиссалом ва Оллоҳ таолонинг ўзи ҳам назарда тутилади. Бу ерда у айнан кейинги маънода келган.

Жаннату дўзах тазодини шоирнинг бошқа кўплаб байтларида ҳам кўрамиз. Чунончи, мана бу байтида висолни жаннату ҳижронни дўзахга қиёслайди:

Биравким, жаннату дўзах сўзин шарҳ айламиш, гўё
Киноят важҳи бирла васлу ҳижронни адо қилмиш (БВ,263).

“Жаннату дўзах сўзини шарҳлаган киши гўёки мажоз йўли билан васлу ҳижронни таърифу тавсиф қилмиш”.

Қуйидаги байтида эса ёр кўйи билан жаннат орасидаги тафовут жаннат билан дўзах орасичалик деган янги ташбеҳ қўллайди:

Кўюнг керак, учмоқ йўққим, учмоқу кўюнгда,
Ул навъ тафовутдурким, томуғ ила учмоқ (БВ,317).

“Менга жаннат эмас, сенинг кўйинг керак, жаннат билан кўйинг ўртасидаги тафовут жаннат билан дўзах орасидаги фарқчалик”.

Яна бир байтида кўнглингга ёқадиган муносиб ёрни топсанг, унинг висолию фироғи сенга баробардир. Ҳақ ризосини топсанг, дўзаху жаннатнинг фарқи йўқ дейди:

Ёр дилхоҳин чу топтинг, тенгдурур васлу фироқ,
Ҳақ ризосин чунки қозғандинг, не учмоқ, не томуқ (БВ,319).

Яна ўқиймиз:

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса, тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах (ҒС,108).

“Агар сенсиз баҳор дўзахдай туюлса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки дийдор бўлмаса, жаннатнинг ҳам дўзахдан фарқи йўқ”.

Бошқа бир байтида эса дийдор ваъдаси бўлса, жаҳаннам ҳам қўрқинчли эмас, чунки висол умиди бор жойда, жафо нима ҳам бўлар эди:

Биҳишт меҳнат эмас, бўлса ваъдайи дийдор,
Висол умиди бор эрса, жафо не бўлғусидур? (ҒС,142).

Бу ҳам тасаввуфий қарашлар билан боғлиқ. Сўфийларга кўра, айтиб ўтилганидек, жаннатда Худо жамолини кўрсатмаса, унинг дўзахдан фарқи йўқ, аксинча, дўзахда дийдор кўрсатса, у жаннатдан афзал.

Маълум бўладики, буюк Навоийнинг тафаккур қудрати ҳар икки оламдаги деярли барча нарса-ҳодисаларни қамраб олган ва уларни ўзининг поэтик мақсадига маҳорат билан хизмат қилдирган.

РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

Алишер Навоийнинг баъзи байтлари мағзини чақиш учун ислом тарихи, пайғамбарлар ҳаёти билан бир қаторда машҳур ривоят ва ҳикоятларни ҳам билишга тўғри келади. Жумладан Юсуф алайҳиссаломнинг чоҳга ташланиши ва Бобил чоҳи тарихидан бехабар ўқувчи қуйидаги байт мазмунини тушунолмайди:

Кирпикинг тушкан кўнгул ичра хаёлинг, эй пари,
Гўиё Юсуф нузул этмиш чаҳи Бобил аро (БВ,19).

Юсуф қиссасидан маълумки, оталари ўзларидан ортиқ севгани учун акалари ҳасад ўтида ёниб, уни ёмон кўрардилар. Бир куни Юсуф туш кўрса, ўн бир юлдуз ва ой унга сажда қилиб турган эмиш. Буни эшитган Яъқуб айлаҳиссалом: "Бу тушингни зинҳор акаларинг билмасинки, сенга очиқдан-очиқ душманга айланадилар", – дейди. Лекин бу туш тафсилотидан акалари хабар топиб, сабр косалари тўлади. "Шундоғам барчадан суюкли бўлгани етмагандай яна ўзини севимли кўрсатиш учун туш кўрдим деб ёлғон сўзлайди", – деганча укаларини ўлдириш ёки кўздан йўқотиш режасини тузадилар ва гашти биёбон қилиш баҳонаси билан уни олиб кетиб, сувсиз бир қудуққа ташлайдилар. Ўзлари эса бир қўйни сўйиб, кўйлагини унинг қонига белайдилар-да, оталарига келиб:

– Юсуфни бўри еб кетди, – деб алдайдилар.

Бобил – Ироқдаги қадимий шаҳар. Вавилон. Аёлга ошиқ бўлганликлари учун Ҳорут ва Морут номли икки фаришта шаҳар четидаги чоҳга ташланган. Кимки сеҳру жоду ҳунарини ўрганишни истаса, ўша чоҳ ёнига борар ва мазкур фаришталар унга ўргатар эмишлар.

Мана энди байтнинг мазмуни ойдинлашди: "Эй пари, кипригинг ўқи теккан кўнгил ичра хаёлинг Бобил чоҳига Юсуф тушганга ўхшайди".

Ривоят қилишларича, Юсуф тушгач, қоронғи қудуқнинг ичи ёришади, унинг аччиқ суви ширин бўлади[1]. Шунга ўхшаб, ишқнинг ранжу азоби, дарду ғами кўп бўлса-да, у кўнгилни жароҳатласа-да, кўнгилга ишқ ташриф буюриши билан унга гўё жон киради. Бу ҳодисани шоир Юсуфнинг ташландиқ қудуққа ташланишига қиёс қилади. Бу ерда ташбеҳ ва талмеҳ санъатларининг ажойиб омухтасини кўрамиз.

Кейинги байт мазмунини тушуниш учун Мудбир ва Муқбил ҳақидаги машҳур ривоятдан хабардорлик тақозо қилинади:

Қуллуғунг доғидин ўлсам, истамон озодлиқ –
Ким, бу тамғадур нишони Мудбиру Муқбил аро (БВ,19).

"Қуллигинг доғидан ўлсам-ўламанки, озодлик истамайман – бу тамға Мудбиру Муқбилни фарқлайдиган, улар орасидаги тафовутни кўрсатадиган аломатдир".

Мудбир сўзининг луғавий маъноси иши юришмаган, бахти қайтган, бахтсиз бўлиб, муқбил унинг аксича бахтли, толели, иқбол соҳиби демакдир.

Ривоят қилишларича, овга чиққанида қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб Хисрав Парвезнинг тожидаги қимматбаҳо бир гавҳар тушиб қолади. Шоҳ шаҳарга қайтгачгина буни сезади. Сарой ғала-ғовур бўлиб кетади. Чунки ўша гавҳар қиммати бутун бир мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг экан. Шунинг учун уни топиб келган кишига катта мукофот ваъда қилинибди. Гавҳарни қидириш бошланибди. Иттифоқо, биёбонни кесиб, шаҳар томон келаётган икки кишини учратадилар. Улардан бирининг оти Мудбир бўлиб, такаббурлиги туфайли гавҳар қидираётганларнинг бошлиғи билан салом-алик ҳам қилмай бурнини осмонга кўтарганча ғўдайиб ўтиб кетибди. Иккинчисининг исми Муқбил бўлиб, у одамийлик юзасидан бошлиққа тавозе билан салом бериш учун эгилар экан, кўзи ерда ётган гавҳарга тушади ва уни олиб бошлиққа узатади. Ваъда қилинган мукофот Муқбилга тегиб, у шоҳнинг яқинлари сафидан ўрин олади, Мудбир эса кибри сабабли шаҳар ҳаммомига гўлах бўлади. "Мудбир такаббур натижасидин шаҳар гулханида мақом тутуб, Муқбил адаб ва тавозеъ фойдасидин гавҳари мақсуд топиб, шоҳ гулшанида ором топти", – дейди шори ҳикоятни якунлаб (9,492).

Албатта, келтирилган байтда биринчи навбатда мазкур сўзларнинг луғавий маъноси

[1] Қаранг: Қисаси Рабғузий, 1-китоб, 107-бет.

кўзда тутилади: мен сенинг қулинг бўлиб, ранжу азобда ўлиб кетсам-да, озодликни орзу қилмайман – бахтли ва бахтсиз инсон орасидаги фарқ шунда. Бунга кўра, ишқ қул ишқи йўқ эркин кишидан бахтлидир деган фикр илгари сурилаяпти.

Энди ҳақли савол туғилади: байтнинг ривоятга қандай боғлиқлиги бор? Навоий Мудбирни – ғофил, Муқбилни – огоҳ деб талқин қилади. Огоҳлик – маърифатдан, ғофиллик – жаҳолатдан. Ғофил азбаройи жаҳолати туфайли такаббур, огоҳ эса тавозе ва одоби сабабли азиз ва ҳурматли. Бинобарин, огоҳ инсон мақсад гавҳарини қўлга киритиб, ғофил ундан мосуво қолади. Ўз-ўзидан, мақсадга етган бахтлию қуруқ қолган бахтсиз. Байтда ифодаланишича, ошиқ севганига етишолмаса-да, унга қул бўлганидан хурсанд: шу қуллик тамғасининг ўзи бахтлилик ва бадбахтлик мезони бўла олади, чунки ҳатто шу қуллик шарафига эришмаганлар ҳам борки, ҳақиқий бадбахт ана ўшалар. Муқбилнинг бахтини топиб, Мудбирнинг маҳрум қолгани воқеаси билан шоир бу фикрини янада мустаҳкамлайди.

“Лисон ут-тайр” достонида ҳам йўл машаққатидан нолиган Тазарвга танбеҳ берар экан, Ҳудҳуд сўзига далил сифатида Мудбир ва Муқбил ҳақидаги ҳикоятни бошқача шаклда келтиради. Унга кўра, Мудбир гумроҳу Муқбил тариқат соҳиби, Мудбир ноқису Муқбил комил. Иккиси йўлда ҳамроҳ бўладилар. Муқбилнинг таърифини эшитган шоҳ шаҳар дарвозасида унга пешвоз чиқиб, саройга олиб кетади. Юз ҳурмат кўрсатиб, ихлосу эътиқодини намойиш қилади. Мудбир эса кечаси ярамасларга қўшилиб ичади ва мастликда бировни ўлдириб қўяди. Шоҳга арз қилганларида қасос ҳукми билан уни ҳам ўлимга буюради (9,68–69).

Бу ҳикоят орқали шоир кибр ва тавозе, худбинлик ва камтарлик, гумроҳлик ва огоҳлик, жоҳиллик ва комиллик, қисқаси, инсоний фазилат ва иллатларни ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали яхши ва ёмон бахтли ва бадбахт киши ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради.

Мана бу байтнинг мағзини чақиш учун эса Искандар Зулқарнайн ва у билан боғлиқ ривоятлардан хабардор бўлиш тақозо қилинади:

Умр янглиғ бевафодур халқ, гўё, эй Хизр,
Чекти Зулқарнайн Яъжужи вафо оллиға сад (ФК,120).

“Халқ умр каби бевафодир, эй Хизр, гўё Искандар Зулқарнайн вафо Яъжужи олдига девор тиклабди”.

Яъжуж ва Маъжуж – Қуръонда зикр қилинган бузғунчи қавмнинг номи. Кўп сонли бу қавмнинг ер юзига чиқиб келиши қиёмат аломатларидан бири ҳисобланади.

Икки тоғ орасидаги бирон гапни англамайдиган қавмнинг шикояти ва сўровига кўра, Искандар Зулқарнайн улар билан Яъжуж ва Маъжужлар орасига темир девор қуриб беради: фосид қавм бу девордан ошиб ҳам ўтолмадилар, тешиб ҳам. Қуръони каримнинг “Каҳф” сурасида айтилишича, Садди Искандарий – Искандар қурган деворнинг очилиб, Яъжуж ва Маъжужларнинг чиқиб келиши қиёмат бошланганидан далолат берувчи белгилардан биридир[1].

Бу воқеага ишора қилиш оркали Шарқ шоирлари турли бадиий мақсадни кўзда тутганлар. Жумладан, Навоий халқ орасида вафо йўқолиб бораётганлигини “Нима бало, Искандар вафо Яъжужи олдига ҳам девор тиклаганми?” тарзида талмеҳ ва тажоҳули орифона санъатлари воситасида ифодалайди.

Кўриб ўтганимиздек, тасаввуф шеъриятида Садди Искандар – инсон жисми, Яъжуж ва

[1] Ислом. Энциклопедия, 282–283-бетлар.

Маъжуж – унинг нафсу хоҳишлари сифатида ҳам талқин қилинади.

Маълум бўладики, Алишер Навоий асарларини бутун теранлиги, барча маъно қирралари билан англаб етиш учун халқ оғзаки ижоди, ислом тарихи ва ёзма адабиётида машҳур ривоят ва афсоналардан ҳам муайян даражада хабардор бўлиш тақозо қилинади.

ИРСОЛИ МАСАЛ САНЪАТИ

Ирсоли масал Шарқ мумтоз шеъриятида энг кўп қўлланилган санъатлардан ҳисобланади. Бу санъатдан замонавий шоирларимиз ҳам маҳорат билан фойдаланиб келмоқдалар.

Шоирлар у ёки бу фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун кўпинча ўз шеърларида халқ мақол ва маталларига, машҳур ҳикматли сўзларга, эл ичида юрган образли ибораларга мурожаат қиладилар. Бу илми бадеъда ирсоли масал санъати, деб юритилади. Алишер Навоий ҳам ўз ижодида бу санъатдан маҳорат билан фойдаланган. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги қуйидаги байтида “Уруғ сочиш учун яхши ер керак” мақолини сингдириб юборади:

Хирад деҳқони мундоғ нуктае дер –
Ки: “Дона сочқоли яхши керак ер” (6,558).

“Сабъаи сайёр”нинг мана бу байтида эса “Жўянда – ёбанда”, яъни “излаган топади” деган форс-тожикча мақолни қўллайди:

Деди: “К-эй дашт аро шитобанда,
Балки, жўянда келди ёбанда...” (7,344).

“Эй дашт ичра елиб бораётган киши, балки қидирган топгувчидир”.

Бу мақол Баҳром томонидан даштдаги мусофирга қарата айтилади.

Мумтоз адабиётшуносларимиздан Атоуллоҳ Ҳусайний ёзади:

“Ирсол луғатта юбормоқтур. Бир жамоа орасида машҳур бўлған ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга ўхшатиш ва мисол тарзида кўп зикр қилған достон ва ҳикоятларни масал дерлар.

Аксар байтта масал келтириш, ани маҳбуб ёки мамдуҳ ёки ўзга кишига юбормоқ учун бўлур, анинг учун бу санъатни анинг тарзи эътибори била ирсол ул-масал деб атаптурлар. Ирсолдан мурод ирод (келтириш, тилга олиш) бўлиши ҳам мумкин ул маънодаким, ирод ирсол учун лозимдур ва бу ҳолда лозимни назарда тутиб, малзумни зикр қилған бўлсалар керак (лозим – керак қилувчи, малзум – керак бўлувчи). Бу фусаҳо каломинда машҳурдир ва бу важҳни тасдиқлағучи бир нима улдурким, бу санъатни ирод ул-масал ҳам дерлар”[1].

Бу санъат Шарқ мумтоз шоирлари ижодида кенг қўлланган. Абулқосим Фирдавсий, Хоқоний Ширвоний, Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб ва бошқа шоирлар ижодида ирсоли масалнинг гўзал ва етук намуналарини кўрамиз.

Ирсоли масал замонавий шоирларимиз ижодида ҳам кўп учрайди. Айниқса, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижодида ирсоли масал санъатининг ёрқин кўринишлари мавжуд.

Ирсоли масал хусусан сабки ҳиндий – ҳинд услуби намояндалари ижодида кўп учрайди.

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ, 135–136-бетлар.

Бу услубга, маълумки, Амир Хусрав Деҳлавий асос солган. Кейинчалик Соиб, Бедил каби шоирлар ижодида у ўзининг авж нуқтасига етган. Ҳинд услуби намояндалари кўпинча байтнинг иккинчи мисрасини ҳикмат ва масал тарзида келтирадилар. Бу аввалги мисрада айтилган фикрни қувватлаш ва тасдиқлаш учун хизмат қилади. Бу услуб намояндалари ижодидаги аксар мураккаб ташбеҳлар билан ирсоли масал ўртасида яқин алоқа мавжуд. Фикримизнинг исботи учун Мирзо Бедил ижодидан бир мисол келтирайлик:

Дар тариқи нафъи худ кас нест мўҳтожи далел,
Беасо роҳи даҳон маълум бошад кўрро.

"Ўз фойдасига қолганда, ҳеч ким маслаҳатга муҳтож эмас. Зеро, кўр киши оғзининг йўлини ҳассасиз ҳам топади".

Ирсоли масал санъатининг қўллаш асосан уч йўл билан содир бўлади. Биринчиси – машҳур мақол ёки ҳикматли сўзга ишора қилиш. Бунда кўпинча "дейдиларким", "дерлар", "масалдурким", "масал борким" каби сўз ва иборалардан фойдаланилади. Масалан:

Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдурур хўб:
"Ямондин оз беҳким, яхшидин кўп" (6,721).

"Ҳикмат аҳли – донишмандлар яхшининг кўп, ёмоннинг эса оз бўлгани яхши деб топиб айтганлар".

Шеърда ирсоли масал санъатидан фойдаланишнинг иккинчи усули – ҳеч қандай имо-ишорасиз мақол ёки ҳикматли сўзнинг ўзини келтириш. Масалан:

Ҳар кишиким бировга қозғой чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ (7,542).

Учинчиси – вазн ва қофия талаби билан мақолларни бироз ўзгартириб қўллаш. Чунончи, Навоий ёзади:

Хўблар тиғи етишмастин бурун бу зор ўлар,
Чин эмишким: "Бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлар" (ФК,173).

Бу ерда: "Қассоб кўп бўлса, мол ҳаром ўлади", деган мақол шеърият қоидаларига кўра ўзгаришга учраган: вазн талаби билан "бўлса" феълининг ўрни алмашган; қофия талаби билан "ҳаром" сўзи ўрнига "мурдор" сўзи қўлланган.

Баъзида шоирлар ўз шеърларини бошдан-оёқ ирсоли масал санъати асосига қурадилар. Масалан, Хусрав Деҳлавийнинг бир қасидаси бутунисича ирсоли масал санъатидан фойдаланиб ёзилган. Атойи, Лутфий каби шоирлар ижодида ҳам бошдан-оёқ ирсоли масал санъати асосига қўрилган ғазаллар мавжуд.

Шоирлар ўз асарларида халқ мақол-маталлари, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш билан кифояланиб қолмай, эл ичида машҳур ташбеҳлар, образли ифодалардан ҳам кенг истифода этадилар. Чунончи, мана бу байтида Навоий маъшуқанинг ошиқларини ўз кўйида саргардон этса-да, уларнинг бирортасига висол майидан ичирмаслигини "сувга элтиб, суғормай келтирмоқ" образли ифодаси орқали гўзал бир тарзда тасвирлайди:

Хизрваш хат бирла чун ҳуснунг самандин сургасен,

Юк Скандарни суға элтиб, сусиз келтургасен (БВ,447).

Кўпинча бирор яқинини ёши улуғ ёки раҳбар киши билан сафарга жўнатар экан, одамлар: “Уни сенга, сени Худога топширдим”, – дейдилар. Хулқ ичида машҳур ана шу иборадан Навоий муҳаббат домига гирифтор бўлгани – кўнглини маъшуқасига бой берганини ифодалаш учун фойдаланади:

Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум:
Санга жон бирла кўнглумни, сени Тенгрига топшурдум (FC,401).

“Мен бу ерда қайғу-ғамда қолдим, жону кўнглим сен билан кетди. Шундай экан, жону кўнглимни сенга, сени эса Худога топширдим”.

Баъзан шоирлар кетма-кет икки мақол келтирадилар. Бу – ирсол ул-масалайн деб аталади. Масалан, Навоийнинг қуйидаги фарди икки мақол асосига қурилган: “Ёмон билан юрганга ёмонлик юқади” ва “Кўмирга теккан қўлини қора қилади”:

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,
Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро (4,744).

Ирсол ул-масалайн бирмунча мураккаб санъат бўлиб, у нисбатан кам учрайди.

Маълум бўладики, ирсоли масал санъати шоирга фикрини шаклан ихчам ва қисқа, айни пайтда, мазмунан кенг ва теран; услубан аниқ ва лўнда, шунинг баробарида, бадиий жиҳатдан гўзал ва етук ифодалашга имкон яратибгина қолмай, шеърларнинг таъсир қувватини ошириш, уларнинг халқчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ТИМСОЛЛАР ТИЗИМИ

Алишер Навоийнинг бой ва ранг-баранг мероси мағиз-моҳиятини тушуниш учун шоир асарларида кенг қўлланган кўплаб бадиий, тарихий, мифологик, диний, тасаввуфий, самовий ва бошқа образ ва тимсоллар ҳақида муайян даражада маълумотга эга бўлиш тақозо қилинади. Чунки Алишер Навоий ижодида турли-туман тимсолларнинг бутун бир тизимига дуч келамизки, уларнинг нима маъно англатиши ва қандай бадиий вазифа бажариб келаётганини яхши билмай туриб бу теран ва серқирра бадиият дурдоналарининг асл мазмун-моҳиятига етиб бўлмайди. Жумладан, биргина май билан боғлиқ кўплаб тимсолларни олайлик: май (бода, шароб, мул, саҳбо, хамр, чоғир, дурд), майхона (майкада), соқий, майфуруш, майхона пири (майкада пири), жом (қадаҳ, паймона, хум, куп, сабу, суроҳий, коса, пиёла, соғар, ратл, май бати, май заврақи), маст, сархуш, хумор, махмур, хаммор, кулбаи хаммор, пири хаммор, майпараст, дурднўш ва ҳоказо. Шоирнинг май билан боғлиқ тимсоллардан холи деярли бирор шеъри йўқлигини ҳисобга олсак, уларнинг маъносини билишимиз қанчалик муҳимлиги маълум бўлади. Бу тимсол-тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо қилади, ривожлантиради ва тўлдиради ҳамда биргаликда Оллоҳ – Олам – Одам муносабатларини образли тарзда акс эттиради. Чунончи, майхона – илоҳий файз манбаи бўлган ғайб олами, соқий – бу файзни етказувчи комил пир, қадаҳ – уни қабул қилувчи маърифатга ташна кўнгил, май – айни файз жилваси, мастлик – ана шу нашъадан ҳузурланиш. Шу тариқа, майнинг қадаҳга, қадаҳнинг хумга, хумнинг

майхонага, майхонанинг соқийга нисбати бор ва охир-оқибат барчаси ягона Яратувчига бориб боғланади ва унинг дунёдаги ранг-баранг шакл ва кўринишдаги жилвалари тарзида талқин қилинади.

Албатта, бу тимсолларнинг маъно доираси кенг ва хилма-хил бўлиб, айтайлик, соқий деганда Оллоҳ таоло ҳам, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, пир ёки комил инсон ҳам, маъшуқа ҳам кўзда тутилади. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам кишилар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар. Ёки май илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва маърифат рамзи бўлиб келади. Ишқнинг ғалабаси, зикрнинг нашъаси ҳам май истилоҳи билан ифодаланади. Май – муҳаббат шавқи, ёр ишқини кўнгилда асраш, маҳбуба ёди билан яшашни ҳам билдиради. У Ҳаққа интилаётган сўфийнинг ҳали тинимаган, ошиқ кўнглида муттасил жўш уриб, қайнаб-тошаётган ҳис-ҳаяжонлари, туйғу-кечинмалари тимсоли ҳамдир. Бода, шароб, чоғир, хамр майнинг маънодошлари бўлиб, баъзи тафовутларга ҳам эга. Улар тариқатга энди кирган, ҳали камолот даражасига эришмаган сўфий аҳволини, ҳали ибтидоий босқичдаги ишқни тамсил этади. Масалан, шароб деганда Ҳақ жазбаси, маърифат завқи ва муҳаббат мастлиги кўзда тутилади. Шунга мувофиқ, тасаввуф адабиётида мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради. Май – илоҳий ишқ тимсоли бўлганлиги учун ҳам Жалолиддин Румий ошиқлар мазҳабида у ҳалол деб лутф этган эди. Шунинг учун ҳам "Хазойин ул-маоний"нинг очқичи бўлган илк ғазалидаёқ Алишер Навоий зоҳидга киноя қилиб, сўфийлар истилоҳидаги жом билан май сен ўйлаган нарса эмас, бинобарин билмай туриб майхона аҳлини инкор этма деган эди:

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин зоҳидо (ҒС,1).

Маҳмуд Шабустарийга кўра бутун олам Оллоҳнинг майхонасию ҳар бир зарранинг қалби эса унинг қадаҳидир:

Ҳама олам чу як хумхонаи ўст,
Дили ҳар заррае паймонаи ўст[1].

Жалолиддин Румий эса жаҳондаги дарёлар – ёр дарди қадаҳидан тўкилган бир томчи дейди.

Дайр, дайр пири, дайри муғон, дайри фано, дайр аҳли, муғ, муғбача, пири муғон, аҳли муғон, муғона май, муғона жом, хароботи муғон каби тимсоллар ҳам ўзига хос алоҳида гуруҳни ташкил этади. Оташпарастлик билан боғлиқ бу тушунчаларнинг бир-бирига нисбати бўлиб, улар биргаликда ягона занжирни, ўзаро уйғунликни ҳосил қилади. Оташпарастлар ибодатхонаси бўлган дайр (дайри муғон, дайри фано, хароботи муғон) тасаввуф шеъриятида сўфий ва орифлар даврасини, кўнгил ва ишқ оламини, пири дайр (пири муғон) – тариқат пири, маънавий раҳнамони, дайр аҳли – соликлар, муридларни; муғ эса оташпараст бўлиб, муршиди комилни, муғбача (муғ бола) – маъшуқа, содиқ мурид, чин ошиқни, муғона май – илоҳий тажаллий ва комил пирнинг қудсий нафасини билдиради.

Пири муғон деганда, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссалом ва пири комилнинг сифатлари ҳам кўзда тутилади. Бинобарин, Аҳмад Яссавийнинг ўз ҳикматларида Муҳаммад алайҳиссаломга пири муғон сифатини бериши бежиз эмас:

Пири муғон Ҳақ Мустафо бешак билинг,

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз, 130-бет.

Қайга борсанг, васфин айтиб, таъзим қилинг[1].

Майхонада соқий май улашса, дайрда бу вазифани муғбача бажаради. Муғбачаи зебо, муғбачаи шўх, муғбачаи ишвагар, муғбачаи кажкулаҳ сифатлари билан келганидан бу ўринда кўпроқ маҳбуба кўзда тутилаётгани маълум бўлади. А.Рустамовнинг ёзишича, муғбача ўрнида соқий ёки бошқа сўз ишлатилса, улар дайр сўзига уйғунлашмайди. "Соқий" сўзи майхона, майкада каби сўзларга уйғундир. Моҳир санъаткорлар сўзларни рамзий мазмунда ишлатганда ҳам уларнинг асл луғавий маъноларини назардан четда қолдирмайдилар".

Муғбача – Алишер Навоий ижодида энг кўп қўлланган истилоҳлардан бири. Унинг "эй муғбача" радифли махсус ғазали ҳам бор. Муғбача шоир шеърларида маърифат тарқатувчи, илоҳий файз бағишловчи маъноларида кенг қўлланилади. Масалан, қуйидаги байтда у соқий маъносида келади:

Менга дайр ичра берди муғбача бир майки, жон топтим,
Бу жаннатнинг ҳамоно ҳури улдур, кавсаридур бу (ФК,520).

Харобот тушунчаси атрофига уюшган тимсоллар ҳам алоҳида бир гуруҳдир. Харобот сўзининг луғавий маъноси – хароба, вайрона. Май тайёрлаш ва сотиш ислом динида тақиқлангани сабабли бу иш билан шаҳар чеккаларидаги хароба жойларда яширинча шуғулланганлар. Кейинчалик бу ишлар ошкор бўлгач, майхоналар шу ном билан юритилиб кетган. Тасаввуф истилоҳида эса харобот деганда башарий сифатларнинг харобу жисмоний вужуднинг фоний бўлишига ишора қилинади. Хароботу майхона нафсоний сифатлар ва ҳайвоний хусусиятларни тарк этиш, шаҳвоний қувват ва қаҳру ғазаб каби ношойиста одатларни ислоҳ қилиш маъносида ҳам қўлланилади. Лоҳижийнинг айтишича, харобот ваҳдатга, умуман, ваҳдати афъолий, сифотий ва зотийга ҳам ишора қилади. Унинг ибтидоси феълларнинг фано ва сифатларнинг хароб бўлишидир. Харобот деб тасаввуф истилоҳотида мутлақ вужуд ва пок зотни ҳам назарда тутадилар. Илоҳий оламга ҳам ишора қилинади. У беғам ва бепарво ошиқлар мақомидир. Бир сўз билан айтганда, харобот ўзини Ҳақ вужудида маҳв этишдир. Шундай қилиб, харобот – комил инсон ҳузури, пири харобот – етук муршид, харобот аҳли – риндлар, ошиқлар, хароботий – илоҳий маърифат соҳиби бўлган ориф, хароботи муғон – Ҳаққа яқинлик ва васл мақоми. Харобот, харобот аҳли Навоий ижодидаги фаол тимсоллардан. "Маҳбуб ул-қулуб"да ёзишича, харобот риндларининг "нафслари туфроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳиммatлари олдида баланд осмон гўё пастдек. Замон қайғуларидан кўнгли ғамсиз, фалак ташвишларидан хотири аламсиз. На ҳаётдан, на ўлимдан қўрқади; ҳиммати олдида бор-йўқ бирдай" (9,481). Шунинг учун ҳам шоир қатор шеърларида бу дунё ғаму ташвишларини унутиш мақсадида маърифат майидан масту мустағрақ бўлишни истайди ва шунга даъват этади. Харобот – маърифат маскани, қадаҳ – ёр жамоли кўзгуси бўлгани учун ҳам шоир наздида харобот ичра бир қадаҳ май симирмоқ Хизрга қўшилиб оби ҳаёт ичмоқдан афзал. Бу билан у Оллоҳ ишқининг бир лаҳзасини абадий умрдан устун қўймоқда:

Гар харобот ичра мумкиндур сумурмак бир қадаҳ,
Хизр агар ўлтурса бормам чашмайи ҳайвон сари. (ҒС,629)

Жалолиддин Румий эса бу дунё зулматидан халос бўлсак, Хизр ҳам, оби ҳаёт ҳам аслида

[1] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар, 53-бет.

ўзимиз бўламиз деб лутф этади.

Яна бут, бутхона (буткада), бутпараст, бутпарастлик, зуннор, салиб, тарсо, тарсобача, савмаа каби истилоҳлар билан боғлиқ тимсоллар тизими мавжуд. Бунда бут – ишқ ва ваҳдат мазҳари, бутхона – илоҳий олам, бутпараст – илоҳий ишқ ошиғи, бутпарастлик – илоҳий маҳбубага ошиқлик, зуннор – ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш, тарсо – табиатидаги қусурларда қутулиб, камолотга етишган комил инсон, тарсобача – илоҳий жазба ва солик кўнглида порлаган илоҳий нур рамзи бўлиб келади. Лоҳижийнинг ёзишича, буларнинг барчаси ботил динларни тарк этиб, ҳақиқий иймонга эга бўлишни тамсил этади. Бут бу – шоҳид, яъни гўзалдир дейди Навоий ғазалларидан бирида. Бинобарин, бутпараст бутига сажда қилганидек, ошиқ ҳам ўз маҳбубига сажда қилади. Лекин бу сажда унда Ҳақ нурини, Оллоҳ жамолию камолини кўрганлиги учундир:

Агар сурат будурким, сендадур, эй бут, йироқ эрмас –
Ки, мундин сўнг парастиш айлагайлар аҳли дин сурат (ФК,83).

Бир рубоийсида бутхонаю мадраса бир мажоз эканлигини айтган Жалолиддин Румий бошқасида бу масалани янада кенгроқ тушунтиради: сўфий – кўнгил тимсоли бўлса, хирқа – унинг жисми, олам – бир хонақоҳу пир – Ҳақнинг ўзи!

Бутхона ясарлар ҳар тарафда, билсанг,
Бутхона ўзи бу дунё бўлгусидир.

Бу тимсоллар бутун Шарқ ирфоний шеърияти, жумладан, Алишер Навоий ижоди учун ҳам хосдир.

Пайғамбарлар ва уларнинг ҳаётию фаолияти, мўъжизалари билан боғлиқ тимсол-тушунчалар ҳам мумтоз адабиётда муайян фикрлар тасдиғи, исботи ва ривожи сифатида бадиий вазифа бажаради. Чунончи, Нуҳ – узоқ умр, Хизр – абадий ҳаёт, Айюб – сабр-тоқат, Яъқуб – ғам-қайғу, Юсуф – гўзаллик, Довуд – хушовозлик, Сулаймон – бойлик ва шукуҳ, Исо Масиҳ – жон ато этувчи тимсоли бўлиб келади. Ёки Нуҳ ва тўфон, Хизр ва оби ҳаёт, Хизр ва Масиҳ, Сулаймон ва чумоли, Яъқуб ва байт ул-аҳзан, Исо ва қуёш, Исо ва хуффош, Исо ва игна, Мусо ва Тур, Мусо ва Сомирий ҳамиша ёнма-ён қўлланади ёки бири иккинчисига ишора қилади. Масалан, Исо алайҳиссалом кўкка кўтарилганда этагига бир игна илашиб қолган экан. Игна дунё ашёларидан бири бўлганлиги учун илоҳий ҳукмга кўра, у юксакроққа чиқолмай тўртинчи осмонда қолиб кетган. Бу – дунёвий боғлиқликлардан тамомила халос бўлмаганлик аломати сифатида тасаввуф адабиётида кенг куйланади ва сўфиёна шеъриятнинг асосий тимсолларидан бирига айланган.

Тикмагаймен тиғи захмин ўлсам ул озор ила,
Бўлса Исо игнаси Марям игирган тор ила (НШ,522).

Бундан ташқари, мажоз ва ҳақиқат, ваҳдат ва касрат, шам ва парвона, каҳрабо ва сомон, томчи ва денгиз, ҳусн ва ишқ, шоҳид ва машҳуд, ақл ва кўнгил, фано ва бақо, сўфий ва зоҳид, куфр ва иймон каби ўзаро бир-бирини тақозо қиладиган тимсолларга ҳам кўп дуч келамиз.

Аслида шоир шеъриятидаги ҳар бир сўз, тимсол ва образ бир-бирига боғлиқ: бир-бирини тақозо қилади, ривожлантиради ва тўлдиради.

Ёки “Садди Искандарий” – “Искандар девори” аслида инсон жисми тимсоли – уни

ўртадан кўтарибгина Ҳаққа етиш мумкин. “Илоҳийнома” асарида машҳур мутасаввиф шоир Фаридиддин Аттор бу ҳақда шундай ёзади:

Сўрарсен: не эмиш садди Скандар?
Ўзингдирсен ўзингга садди акбар.

Вужудинг сад эмишдир сенга, тўғон,
Сен унда ўлтирурсен лолу ҳайрон.

Ўзингсан унда ул Яъжужу Маъжуж,
Дамодам бир бўғов қийноғига дуч.

Маълум бўладики, бу шеъриятда ҳамма нарса рамзу тимсоллар қатига ўралган – бирор тимсол ё образ зоҳирий маъносида келмайди: ҳатто Искандар ҳам тариқат солики тимсоли, у оби ҳаёт – илоҳий маърифатни излайди, лекин жисми бу йўлда энг катта тўсиқ – садди Искандар, нафс хоҳиш-истаклари, саъй-интилишлари эса Яъжуж ва Маъжуж. Воқеан, Фарҳод ҳам тоғни – нафсни ўртадан кўтариб, маърифатга эришади.

Бу шеъриятда оддий сўзлар ҳам рамзу тимсолларга айланиб кетган. Айтайлик, вайрона – хароба эмас, балки моддий олам; бегона – ёт эмас, балки тариқатни ўтмаган ва маърифатдан бехабар киши, дўст – ўртоқ, ошна эмас, балки Худо, пайғамбар, пир ва маҳбуба; работ – карвонсарой, мусофирхона эмас, балки дунё; сулҳ – ярашиш, келишув эмас, балки амал ва ибодатнинг қабули; базм – зиёфат эмас, балки Ҳақ аҳлининг хос мажлиси; айш – кайфу сафо эмас, балки Ҳаққа яқинликдан ҳосил бўлган ҳузур ва уни ҳис қилиш; асо – ҳасса эмас, соликнинг суянчи бўлган Ҳақ зотига ишқ; хуффош (кўршапалак) – ғофиллик ва сўқир кўнгил; суҳбат – ваҳдат ва тафрид мақоми; парда – Ҳақ ва банда ўртасидани тўсиқ; сафо – риёзат натижасида кўнгилнинг покланиши; оби ҳаёт – илоҳий илм; ойина – комил инсон рамзи бўлиб келади ва ҳоказо. Чунончи, “Гулшани роз”да ҳар бир зарранинг пардаси остида жононнинг жон бахш этувчи жамоли пинҳон эканлигига ишора қилинади:

Ба зери пардаи ҳар зарра пинҳон
Жамоли жонфизои рўи жонон[1].

Ишқий шеъриятдаги юз, кўз, қош, киприк, соч, хол, қад, хат, лаб, оғиз, бел ва бошқалар ҳам тасаввуф адабиётида ўзига хос маъно-мазмунга эга: юз – илоҳиёт жамоли, кўз – комил инсон, соч – моддий олам, хол – ваҳдат нуқтаси, қад – илоҳий оламга юзланиш, хат – ғайб олами, қош – илоҳий зотга ҳижоб бўлган сифатлар, лаб – маънавият оламидан анбиёга малаклар, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган илоҳий калом, оғиз – бу каломнинг манбаи ва бошқалар. Тўғриси, бу образлар гоҳ бадиий, гоҳ тасаввуфий, гоҳ эса ҳам бадиий, ҳам тасаввуфий тимсоллар бўлиб келади.

Ошиқ, маъшуқ, ёр, дўст, сарв, шамшод, сунбул, шам, парвона, рақиб, сабо каби анъанавий, коргаҳ, ҳайрат, кимиё каби фалсафий, Муҳаммад нури, Сомирий сеҳри, Тури Сино, водийи Айман, Суруш, кавсар, кавсар соқийси, салсабил, тўбо, сидра, Исми аъзам, байт ул-ҳазан, асҳоби Каҳф, асҳоби фил каби диний, тавҳид (ваҳдат), жоми Жамшид, ўзлик, рижол ул-ғайб, синган сафол, раз қизи, ринд, сўфий, ориф, зоҳид, дарвеш, самоъ, ломакон, озода, най, ўн саккиз минг олам, каби тасаввуфий (улар 200 дан ортиқ), Симурғ (Анқо), қақнус, самандар,

[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз, 88-бет.

мусиқор, ҳумо, аждарҳо каби афсонавий, кўҳи Қоф, Аланқува, зол, яда тоши, су кишиси, пари, ровий, қосид каби фольклорий ва бошқа мавзулардаги кўплаб образ ва тимсоллар Алишер Навоий шеъриятида фаол қўлланиб, хилма-хил бадиий вазифаларни бажариб келади. Масалан, водийи Айман – Мусо алайҳиссалом Оллоҳ таоло билан сўзлашган муқаддас водий. Баъзиларнинг фикрича, Айман дарахтнинг номи бўлиб, илоҳий тажаллий нури шу дарахтга тушган ва уни куйдириб кул қилган. "Лайли ва Мажнун" достонидаги тун тасвирида Алишер Навоий бу дарахтни тилга олади:

Гоҳи Изам узра ламъаафган,
Шох узра нечукки нори Айман (7,45).

"Айман дарахти шохи устидаги ўтдек баъзида Изам тоғи (Арабистон) узра порлар эди".

Бу истилоҳни сўфийлар турли-туман маъноларда қўллайдилар. Жумладан, илоҳий тажаллийни қабул қилиш учун кўнгилни поклаш йўлини кўзда тутадилар. Водийи Айман деганда илоҳий оламга ҳам ишора қиладилар. У ваҳдати мутлақни ҳам тамсил этади, яъни у шундай жойки, у ерда "Иналлоҳ" нидосидан ўзга нидо эшитилмайди ва бегонага у ёққа йўл йўқ.

Маълум бўладики, Навоий ижодида ўз маъносида ишлатилган оддий сўзнинг ўзи йўқ ҳисоби: ҳар бир сўз ниманингдир рамзу тимсоли бўлиб келади, энг камида икки ёки уч маънони англатади. Шарқ мумтоз шеъриятининг образлар олами ва тасаввуф адабиётининг истилоҳларидан бехабар ўқувчи уларни ўқиб тушуниши мушкул. Шунинг учун тафаккур уфқи бепоён шоирнинг асосан ана шундай мураккаб ва ҳозирги ўқувчига тушунарсиз байтларининг моҳиятини бутун теранлиги билан очиш, ранг-баранг маъно қирраларига эгалигини кўрсатиш, шоир ижодида бир неча бадиий вазифаларни бажариб келганлигини кенг ва батафсил тушунтириш тақозо қилинади.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ФАХРИЯ БАЙТЛАР

Фахрия – шоирнинг истеъдод даражаси, қалами қудрати, асарларининг бадиий юксаклиги ҳамда эришган муваффақиятлари ва шон-шуҳратидан фахрланиб битган шеъри ё байтлари. Шарқнинг барча улуғ сўз санъаткорлари ижодида ўзининг истеъдод даражаси ва шон-шуҳратидан ифтихор қилиб ёзилган шеърлар ва алоҳида байтларга кўп дуч келамиз. Алишер Навоий ижодида ҳам бундай фахрия байтлар анча-мунча.

Фахрияни оддийгина мақтанчоқлик деб тушунмаслик керак, зеро, унинг яхши намуналарида фахр туйғуси шарқона одоб доирасида ифодаланади. Одатда, шоир ифтихори устозларга миннатдорлик ҳисларибилан қоришиб кетади, улардан ўрганибгина юксак натижаларга эришгани эътироф этилади.

Навоий ижодида фахриянинг ранг-баранг шаклдаги кўплаб намуналари мавжуд. У ўз фахрияларида гоҳ устозларини улуғлаб, ўзининг уларга муносиб шогирдлигидан сўз очса, гоҳ фавқулодда истеъдод соҳиби эканлигини комил ишонч билан таъкидлайди, гоҳ шеърларининг мавзулари, жанрлари, вазнлари ҳақида маълумот берса, гоҳ асарларининг бадиият сирларига эътибор қаратади, гоҳ адабий муваффақиятларию бадиий кашфиётлари билан фахрланса, гоҳ асарларининг шуҳратидан ифтихор туйғуларини изҳор қилади.

Энг муҳими, Навоий фахриялари шунчаки мақтаниш бўлмай, шоирнинг бадиий оламига кириш йўлидаги ўзига хос очқичлардир. Чунки уларда у ўзининг истеъдоди, салоҳияти, маҳорат қирраларини очибгина қолмай, асарларининг жанрий таркиби, мавзу кўлами ва

образлар олами, бадиий юксаклиги, салмоғи ва аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритади. Айни жиҳатдан, уни ўз ижодининг илк тадқиқотчиси дейиш мумкин.

“Лисон ут-тайр” достонида:

Турк назмида чу мен тортиб елам,
Айладим ул мамлакатни якқалам (9,281), –

деган шоир ғазалларида ҳам кўплаб байтларида ўзига муносиб баҳони ўзи бериб кетган. Чунончи, улардан бирида: “Шарбат қанча ширин бўлса, кишининг ичини шунча куйдиргани каби, эй Навоий, ширин шеърларинг ҳам эл кўнглини шунчалик ўртади”, – дейди:

Навоий, ўртади ширин ҳадисинг эл кўнглин,
Начукки, куйдурур ичин, чу шарбат ўлди чучук (БВ,331).

Мана бу байтида эса ишқнинг турли хусусиятларини билиб олай деган киши барча ишини йиғиштириб қўйиб, бизнинг девонни ёд олсин дейди:

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни ҳифз (БВ,284).

Бу билан ҳассос шоир девонининг асосини ишқ тараннуми ташкил этишига ҳам ишора қилади.

Ишқий мазмундаги байтларидан бирида эса айтади:

Булбул киби хушгўй Навоийни қилиб хор,
Ул гулни кўрунг, жониби бадгўй тутуптур (ҒС,175).

“Булбул каби ширин сўзли Навоийни хор қилиб, ул гулни кўрингким, ёмон сўзлининг этагини тутибди”.

Бу ерда шоир ўзини булбулга, шеърини унинг дилўртар навосига ўхшатаяпти.

Эй Навоий, истасангким ўлмагай эл дарддин,
Дарди ҳолингни дема назм айлабон афғон аро (ФК,18).

Бу байтда шоир ўз дардининг қанчалик кучлилигини агар уни шеърга солса, ўқиганлар бу дардни кўтаролмай ўлиши билан асослайди: “Эй Навоий, эл дарддан ўлмасин десанг, нола-фиғон чекиб, дардингни назм йўли билан айтма”.

Бу билан шоир ўз шеърларининг дард ўти билан ёлқинланиб туришига ҳам нозик ишора қилиб ўтган.

Шакарқамиш ҳам, оддий қамиш ҳам най деб аталган. Айни пайтда мажозан қамиш қалам ҳам кўзда тутилган. Сўзнинг маънодошлигидан фойдаланиб, қуйидаги байтида шоир гўзал тажнис яратади:

Килкида Навоийнинг жон ширази музмардур,
Ҳар найда қачон бўлғай бу навъ шакар пайдо (БВ,34).

“Навоийнинг қамиш қаламида жон ширази яширидир, бундай шакар ҳар қандай

қамишда қачон пайдо бўлибди?!”

Шоҳ билан шоирни қиёслаб, шоҳ қилич билан мамлакатларни забт этса, шоир қалами билан уларни қўлга киритади дейди:

Шаҳ Навоий тилидек тиғ ила кўп мулк очти,
Тортмиш очқали Бағдод ила Табриз қилич (БВ,99).

“Шоҳ Навоий тилидек (ўткир) қиличи билан кўп мамлакатларни қўлга киритди. Энди Бағдод билан Табризни забт этиш учун қилич тортмиш”.

Бошқа байтида бу фикрни янада конкретлаштириб: “Овозаси оламни тутган шоҳ дунёни тиғ кучи билан олса, Навоий шеърият мулкини тил қудрати билан олмиш” дейди:

Назм мулкин тил чекиб олмиш Навоий, ўйлаким,
Чекса оламни олур шоҳи фалакмиқдор тиғ (ҒС,302).

Абдулла Орипов таъбири билан айтганда:

Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,
Алишер қаламни кўрсатган, холос[1].

Мана бу байтида эса ҳусни каломингга эҳсону таҳсин ҳожат эмас дейди, яъни у буларнинг баридан устун туради:

Навоий, бу ҳусни каломинг била
Эмас ҳожат эҳсону таҳсин санга (ФК,17).

Ўзининг адабиётдаги мавқе-мақоми ҳақида эса шундай ёзади:

Эй Навоий, қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,
Назминг ўлди барчасиға қофия, балким радиф (ҒС,307).

“Эй Навоий, табъи назми борлар шеър ёзар бўлса, сенинг ашъоринг барчасига нафақат қофия, балки радиф ҳам бўлади”.

Бу билан шоир ўз даври ижодкорлари ўртасида устод даражасига кўтарилгани, қўлига қалам тутган борки, ундан ўрганиб, таъсирланиб, унга эргашиши, ғазалларига татаббулар ёзиши, мухаммаслар боғлашига ишора қилади. Чунки ўша замонда Ҳиротда Навоий шеърлари кириб бормаган хонадон, атрофда унинг девони тарқалмаган шаҳру вилоят йўқ эди дейиш мумкин.

Навоийнинг қатор фахриялари ғойибдан келган овоз (ҳотиф, суруш) ёки буюк салафлари ва устозлари (Низомий, Жомий) номидан келтирилади. Чунончи:

Дедим: назм аҳлининг сархайли ким бўлгай, деди Ҳотиф:
Навоий бўлган улким, сен тилайдурсен агар, бўлғай (НШ,613).

Алишер Навоийнинг бундай фахрия байту мисралари, фикрлари ниҳоятда кўп. Уларнинг

[1] О р и п о в А. Танланган асарлар, 1-жилд, 150-бет.

барчасини бир ерга тўплаб, синчиклаб таҳлил қилса, улуғ шоирнинг ўз истеъдод кучию маҳорат даражаси, асарларининг мавзу кўламию бадиий юксаклиги, тарқалиш доирасию таъсир қудрати ҳақида ўзи “кўб ва хўб” баҳо бериб кетганлигига шоҳид бўламизки, навоийшунослар бу буюк сўз санъаткорига унинг ўзидан ошириб баҳо берганларича, бу чек-чегарасиз бадиият оламининг барча сир-синоатларини бутун қирралари билан кашф этиб улгурганларича йўқ.

Машҳур адиб Садриддин Айний шогирди, файласуф олим Иброҳим Мўминовнинг мутафаккир шоир Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашларига бағишланган докторлик диссертацияси ҳимоясида сўз олиб:

– Бедил – тубсиз уммон. Иброҳимжон ундан бор-йўғи бир челак сув олди, – деган экан.

Алишер Навоий ижоди ҳам бепоён – соҳиллари уфқларга туташган, туби – чек-чегарани билмайдиган бир уммон. Биз ундан бир ҳовучгина сув олиб сизга тутар экан, ҳўплаганда уммон таъмини ҳис қилсангиз, ўзимизни мақсадимизга эришган деб ҳисоблаймиз.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ТИМСОЛ ВА МОҲИЯТ

АСҲОБИ КАҲФ

Каҳф сўзининг маъноси паноҳ бўлиб, ғор маъносида келади. Асҳоби Каҳф – Ғор эгалари дегани. Исо алайҳиссалом замонидан кейин Рум давлатларидан бирида Дақёнус (император Деций) номли золим подшоҳ чиқиб, одамларни бутларга сиғинишга мажбур қилар, ўз амрига бўйсунмаганларни ўлдирар экан. Бир неча йигит: "Оллоҳдан ўзгага бўйсунгандан кўра бу юртни тарк этган афзал", – деб тун қоронғисида шаҳардан чиқиб кетишади. Йўлда уларга бир чўпон ва унинг ити ҳам ҳамроҳ бўлади. Ҳаммалари тонгга яқин бир тоққа етиб, катта ғорга кириб яширинадилар. Уларни қувиб келган шоҳ аскарлари ғорга киришга қўрққач, Дақёнус йигитларнинг очлик ва ташналикдан ўлиб кетишлари учун ғор оғзини бекитиб ташлашни буюради. Лекин Оллоҳ ўз садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлаб қолади – уларни 300 йиллик (Алишер Навоийда 309 йил) уйқуга чўмдиради. Улар уйғонганда Дақёнус оламдан ўтиб, бир неча ҳукмдор алмашиб, тақводор бир подшоҳ тахтга ўтирган бўлади. Улар Тамлихо деган дўстларини егулик олиб келиш учун шаҳарга юборадилар. У ўзгаришларни кўриб ҳайрон бўлади. Озиқ-овқатга тўлаш учун ёнидан пул чиқарганида сен Дақёнуснинг хазинасини топгансан деб ушлашади. Жанжал катталашиб, шоҳ олдига олиб борадилар. Уламо бу воқеа "Инжилда" келганини маълум қиладилар. Шоҳ хурсанд бўлиб, ғорга келиб уларнинг суҳбатига мушарраф бўлади. Асҳоби Каҳф таом еб, шукр саждасини қилиб, яна уйқуга чўмадилар. Улар уйқудалигида Оллоҳ таоло уларнинг жонини олади. Шоҳ уларни кўмиб, ғор узра мақбара ўрнатади ва у ер халқ учун зиёратгоҳга айланади. Оллоҳга садоқати туфайли ит ҳам асҳоби Каҳф сафидан жой олган.

Каҳф ити – садоқат тимсоли сифатида Шарқ мумтоз шеърияти кенг куйланади. Бу образ Навоий ижодида ҳам учрайди. Масалан:

Итларингга нисбатимни рост қилсам, Каҳф ити
Одамиларға ўзин қилған кибидир мунтасиб (БВ,51).

"Каҳф ити Оллоҳга садоқати туфайли одамлар қаторидан ўрин олгани каби, ўзимни итларингга нисбат бериб, зора мен ҳам сенинг ошиқларинг сафидан жой олсам".

Адабиётлар: *Қуръони карим (А.Мансур таржимаси). – Тошкент, 1992, 198–207-бетлар; Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент, 1991, 96–98-бетлар; Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо \\ Тўла асарлар тўплами. 8-жилд. – Тошкент, 2011, 593–594-бетлар; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 32-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 184.*

БАЙТ УЛ-ҲАЗАН

Байт ул-ҳазан – ғам уйи, кулфат кулбаси маъносини билдириб, у яна байт ул-эҳзон, байт ул-аҳзан, байт ул-ҳузн, кулбаи аҳзон шаклларида ҳам кенг қўлланади. Бу тушунча Яъқуб пайғамбар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, севимли жигарбанди Юсуфдан ажралгач, у

йўл бўйида бир ҳужра тиклаб, кеча-кундуз унда тоат-ибодат қилиб йиғлар эди. Бу ҳақда Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида шундай ёзади: "Яъқуб а.с. Юсуф а.с. фироқида халқдин улфат узуб ва фарзандларин унси мунқатеъ қилиб, гўша тутуб, "Байт ул-аҳзон" мақоми бўлуб эрди". Кейинчалик у "Байт ул-аҳзон" ("Байт ул-ҳазан") – "Ғам уйи" номи билан машҳур бўлиб кетади. Шарқ мумтоз шеъриятида номурод ошиқнинг хонасини, шунингдек, сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, айни пайтда ғамхона дунёни байт ул-ҳазанга нисбат бериш бир анъана тусини олган. Навоий ижодида ҳам бу истилоҳ ўзининг барча кўринишларида кўплаб учрайди. Масалан, қуйидаги байтда ўз аҳволини Яъқуб алайҳиссалом билан қиёслайди:

Байт ул-аҳзон била Яъқубни Юсуф ғамида
Кўрмаган ҳажрида кўрдег мени вайроним ила (НШ,569).

Мана бу байтда ўз уйини кулбаи эҳзонга ўхшатади:

Ул узору хат учун ҳар дам Навоий чеккач оҳ,
Кулбаи аҳзонига ё тушти ўт, ё бўлди дуд (ФК,118).

Бошқа бир байтда бузуқ кўнглини кулбаи эҳзонга нисбат беради:

Бир Навоийнинг бузуғ кўнглига эврул раҳм этиб,
Нетти гоҳи Юсуф этса кулбаи аҳзонни тавф (ФК,304).

Яна бир байтида эса Навоий назмининг ҳар бир ҳарфи ишқинг ғамининг ҳарфи эканлиги жиҳатидан унинг ҳар бир байтини, байт ул-ҳазан деса бўлади деб лутф этади:

Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,
Деса бўлурким эрур ҳар байти бир байт ул-ҳазан (ҒС,475).

Қуйидаги байтида шоир ёр кўйидан жонбахшлик касб этиб, кейин менинг ғамхона уйим сари эс, деб сабога мурожаат қилмоқда:

Чу ул гулшандин ўлдунг руҳпарвар,
Ёниб бу кулбаи аҳзон сари эс (ФК,235).

Мана бу байтда эса мен учун боғу гулзор ёрнинг гўзал юзидир, агар у бўлмаса, боғнинг ғам уйидан фарқи қолмайди дейди:

Манга боғу гулзор анинг оразидур,
Гар ул бўлмаса, байт ул-аҳзон эрур боғ (ФК,299).

Тасаввуфий маънода эса Ҳақдан айрилган банда учун бу фироқ олами – дунё байт ул-ҳазандир.

Маълум бўладики, Алишер Навоий байт ул-ҳазан истилоҳидан турли-туман бадиий мақсадларда маҳорат билан фойдаланган.

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе. 1987. – Саҳ. 155; Баҳори Ажам. Жилди 1. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 355; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, Тўрт жилдли, 1-жилд. – Тошкент, 1983, 196–197-бетлар; Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 10-жилдли, 8-жилд. – Тошкент, 2011, 556-бет.*

ВОДИЙИ АЙМАН

Водийи Айман (Айман водийси) – муборак водий, муқаддас водий. Бу водийда Мусо а.с. Оллоҳ таоло билан сўзлашган. Мусо а.с. тунда ундан завжаси билан ўтар экан, жуфтини тўлғоқ тутиб, ўт қидиришга тушадилар. Шу маҳал узоқдан бир шуъла кўзга ташланади. Яқин борганларида нур дарахтига дуч келадилар. Шу ерда Мусо а.с.га ғайбдан нидо келади – унинг илк меърожи шу эди.

Айман сўзининг луғавий маъноси хусусида ҳар хил қарашлар мавжуд. Баъзилар уни ўнг қўл соҳиби маъносини билдиради дейдилар. Чунки бу водий Мусо а.с.нинг ўнг қўл томонида бўлган. Баъзилар унинг Тур тоғининг ўнг ёғида эканлигини айтадилар. Шунинг учун ҳам у Водийи Айман деб аталган экан. Баъзи фикрларга кўра, Айман дарахтнинг номи бўлиб, илоҳий тажаллий нури шу дарахтга тушган ва уни куйдириб кул қилган. “Лайли Мажнун” достонидаги тун тасвирида Алишер Навоий бу дарахтни тилга олади:

Гоҳи Изам узра ламъаафган,
Шох узра нечукки нори Айман.

“Айман дарахти шохи устидаги ўтдек баъзида Изам тоғи (Арабистон) узра порлар эди”.

Мажнуннинг қўй терисини ёпиниб, Лайли чўпони қўйлари ичида севгилиси қабиласига боргани ҳақидаги 29-бобда эса шундай байтга дуч келамиз:

Эй водийи Айман ичра қўйчи,
Итмен сенга, ўз қошингда қўй-чи!

“Эй Айман водийсида чўпонлик қилиб юрган, мен сенинг итинг бўлай, ёнингда асра (чунки шу баҳона Лайли қабиласига бориб, унинг дийдорини кўриш бахтига муяссар бўламан)”.

Бу истилоҳни сўфийлар турли-туман маъноларда қўллайдилар. Жумладан, илоҳий тажаллийни қабул қилиш учун кўнгилни поклаш йўлини кўзда тутадилар. Водийи Айман деганда илоҳий оламга ҳам ишора қиладилар. У ваҳдати мутлақни ҳам тамсил этади, яъни у шундай жойки, у ерда “Иналлоҳ” нидосидан ўзга нидо эшитилмайди ва бегонага у ёққа йўл йўқ.

Адабиётлар: *Лайли ва Мажнун \\ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдли, 7-жилд. – Тошкент, 2011, 7; 200-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 338; 365; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 778; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 50; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, тўрт жилдли, 1-жилд. – Тошкент, 1983, 65-бет.*

МАСНУЪ

Маснуъ (арабча – ижод қилинган, санъат асосида яратилган; нафис санъат билан зийнат берилган сўз) – турли бадиий санъатлар асосида ёзилган шеър. Шоир бадиий маҳоратининг маҳсули бўлган бир неча санъатлар иштирокида яратилган, муаммо ва таърих қўшиб ёзилган, тўрт томонидан ўқиладиган тўрт бурчакли рубоий ва ғазаллар, бир инеча вазнда битиладиган шеърлар маснуъ деб юритилган. Фақат тарсеъ санъати асосида ёзилган шеърлар ҳам маснуъ дейилган. Масалан, Алишер Навоий тарсеъ санъати ва маснуъ шеърни ўзаро ажратмаган. Чунки унинг наздида тарсеъ шеърлар санъаткорлик билан яратилган шеърларнинг юксак намунаси. Бу хилдаги шеърларнинг муҳим хусусияти оҳанги, жаранги, равонлиги, жозибадорлиги, таъсирчанлигида. Маълумки, тарсеъ санъатида байтдаги барча сўзлар ўзаро тенг, мувофиқ, мутаносиб ва қофиядош бўлиши керак. Шунинг учун бундай шеърларни бир байтдан ортиқ айтиш қийин. "Тарсеъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас", – дейди шоир бу ҳақда "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида. Лекин XIV асрнинг машҳур қасиданавис шоири Салмон Соважий тарсеъ санъати асосида 18 байтлик қасида ёзиб, илму адаб аҳлини ҳайратга солган эди. Унинг бу қасидаси қасидаги маснуъ номи билан машҳур бўлган. Навоий салафининг маҳоратига юксак баҳо беради:

"Яна суханпардоз устоди олийшон Хожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам сурубдур, ўн саккиз йилда итмомиға еткурубдур. Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааллуқида ҳайрон ва таммулида саргардондурлар, тарсеъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас. Ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаъи ростдур, аммо асли матлаъда аввалғи мисраънинг бир лафзи била сўнгги мисранинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким, байт:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати кўят бибехт мушки татор.

"Мусаффо юзинг софлиги баҳор суви – булутнинг покловчи ёмғирини барбод қилди. Жаннат каби манзилингнинг ҳавоси Хўтаннинг покиза мушкининг ҳидини йўққа чиқарди".

Бу матлаға татаббу қилғон кўп суханварлар ва назмгустарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг матлаъ будурким, байт:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон шамими вали нигор.

"Эй, сенинг юзинг жаҳонга оро берувчи юлдузга ўхшайди, сенинг бўйинг эса жон роҳатидир. Сенинг сочинг фиғон-фарёдни кўкка етказувчи қора туннинг айни ўзидирки, унингсиз менинг аҳволим шунчалик ночордир".

Навоий байтидаги барча сўзлар оҳангдошдир: *чунон – к-аз он, вазид – расид, ба бўстон – ба ёрон, насими – шамими, фасли – васли, баҳор – нигор.* Бугина эмас. Шоир байти мазмунан ҳам теран ва мукаммал. Чунки баҳор ишқ ва ошиқлик фасли. Шу сабабли баҳорда насим ошиққа ёр ҳидини келтиради. Бу фикр ҳам асосли, ҳам ишонарли.

Алишер Навоий ижодида турли бадиий санъатлар асосида яратилган маснуъ байт ва шеърлар кўп. "Хазойин ул-маоний"да шундай маснуъ шеърлар борки, уларнинг ҳар байтида ўнлаб бадиий санъатларни кўришимиз мумкин. Масалан, В.Раҳмонов "Қаро

кўзум” ғазалининг фақат матласида 10 та шеърий санъат – тажниси том, тарди акс, нидо, сифатлаш, амр, ийҳом, такрир, иштиқоқ, тажниси зойил ва ташбеҳ мавжудлигини таҳлил воситасида кўрсатиб берган эди. Шоирнинг форсий салафларига татаббуларини ҳам бадиий санъатларга бойлиги жиҳатидан маснуъ дейиш мумкин.

Адабиётлар: *Абдуллаев А. Навоий ва маснуъ шеър \\ Навоий ҳақида йигирма икки мақола. – Тошкент, 2011, 14–20-бетлар; Раҳмонов В. Бадиий инжулар уммони \\ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2002 йил 8 февраль; Суюнов М. Маснуъ шеър ва Навоийнинг маснуъ татаббулари \\ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2005, 4-сон.*

СИМУРҒ

Симурғ форсча сўз бўлиб, ривоятларга кўра, гўё Қоф тоғининг чўққисида яшайдиган афсонавий қуш. Анқо ҳам дейдилар. Унинг парларида барча қушлар парларидаги ранг мавжудлиги учун Симурғ номи билан атайдилар.

Тасаввуфда ҳазрати Рабб ул-арбоб (соҳиблар соҳиби) ва Мусаббаб ул-асбоб (барча нарсалар сабабчиси), яъни Худо кўзда тутилади. Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонларида ҳам Симурғ Худо рамзи бўлиб келади. Бирлик аломати, комиллик тимсоли ҳамдир. “Гулшани роз”да бу ҳақда шундай дейилади:

Ҳама Ул, ўзгаси монанди Анқо,
Фақат бир исми бор, йўқ жисми асло.

Улканлиги, қудратлилиги, зийраклиги жиҳатидан симурғ қадимдан қушлар подшоси сифатида таърифланиб, улуғланиб келган. Масалан, машҳур ҳинд эпоси “Калила ва Димна”да у қушлар подшоҳи. Шарқ халқлари оғзаки ижодида у барча нарсага қодир сеҳрли қуш сифатида тасвирланади. Баҳайбат, қанотлари катта, тумшуқлари бургутникидай ўткир, патлари олтин, кумушдан бўлиб, сеҳрли, мўъжизакор, нажоткор тарзида тасаввур қилинади. Ўзбек халқ эртак ва достонларида Симурғ бахт қуши, давлат қуши, булбулигўё каби кўринишларда ҳам учрайди. У қаҳрамонларга мададкор ва ҳомий куч сифатида ҳам талқин қилинади. Бир пати ярим подшоликка тенг ноёб қуш бўлиб келади. У баъзида Анқога, Ҳумога ҳам ўхшатилади. Унинг уяси жаннат дарахти бўлмиш Тубонинг остида.

Ёзма адабиётга Симурғ тимсолини халқ анъаналари асосида Абулқосим Фирдавсий олиб кирди. “Шоҳнома”да у Зол ва Рустамга мадад берган ҳомий қуш тарзида тасвирланади.

Мажозий-ирфоний адабиётнинг тамал тошини қўйган Абу Али ибн Сино ва Муҳаммад Ғаззолийларнинг “Тайр қиссаси” (“Қуш қиссаси”) асарларида қушлар подшоси Симурғ яратувчи рамзи бўлиб келади. Яҳё Суҳравардийнинг “Симурғ ҳайқириғи” фалсафий рисоласида ҳам у рамзий тимсол даражасига кўтарилган.

Фаридиддин Аттор “Мантиқ ут-тайр” достонида бош қаҳрамон қилиб олиш билан Симурғни тасаввуф адабиётининг асосий образларидан бирига айлантирди. У Қоф тоғининг ортида яшайди. Алишер Навоий бу борада буюк салафи анъанасини давом эттиради. “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” достонларида Симурғ қушлар подшоси, тагматнда эса Яратувчи маъносида келади. Унинг ўзи достонда кўриниш бермайди. У ҳақда Ҳудҳуд ўзларига одил бир подшо излаётган қушларга хабар беради ва уларнинг илтимосига кўра Симурғнинг зоту сифатларидан нишона айтади. “бутун олам қушларининг шоҳи бўлган,

тенги ва ўхшаши йўқ, Қоф тоғида макон тутган, Анқо лақабли, идрокидан ақл ожиз, сизга бўйин томирингиздан ҳам яқин бир подшоҳингиз борки, у Симурғ оти билан дунёда машҳур", – дейди.

Бирлик ойинида зотидур онинг,
Лек мингдин кўп сифотидур онинг.

Ҳудҳуд таърифига кўра, Симурғ ҳақида минг йил гапирса ҳам васфи адо бўлмайди. Ҳеч ким унинг зотини идрок этолмаган. Унинг биргина номини тилга олиш учун киши ҳисобсиз равишда оғзини оби ҳаёт билан чайиши керак. Шунда ҳам минг бир андишаю хавотир билан.

Мен билганимча айтаман, лекин улар қушлар шоҳи сифатининг мингдан бири ҳам эмас. У бизнинг бутун аҳволимиздан огоҳ. Зоти биру сифати мингдан кўп. Бу сифатлар дунёга тарқалган бўлиб, барчаси унинг зотига тегишли. Унинг иродасисиз биров ҳатто нафас олмайди. Сизнинг тириклигингиз у туфайли. У жисмингизда жону томирингизда қон кабидир. У сизга жондан яқину сиз ундан минг йилчилик йироқ. Усиз тирикликда маъно йўқ. Бир дамлик васли икки дунё саодатидан афзал. Лекин унга етиш ниҳоятда мушкул бўлиб, бунинг учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиш керак.

Қушларнинг:

Ким кўрубтур онию ҳолотини,
Феълу асмоъу сифоту зотини? –

деган саволига жавобан Ҳудҳуд "Чин шаҳри сифати ва Симурғ парининг у ерга тушгани" ҳақидаги воқеани ҳикоя қилиб беради.

Бир кеча Симурғ олам узра парвоз қилар экан, Чин устидан ўтаётганда мамлакат бирдан ёришиб кетади, бундан хабар топган аҳоли эса ҳушидан кетиб қолади. Симурғ силкинганида бир дона пари тушиб қолади ва бутун мамлакатни зебу ҳашамга буркаб юборади. Бу парда турли рангу нақшлар шунчалик кўп эдики, эртаси куни ўзига келган аҳоли унга ҳайрату ҳаяжон билан боқади ва қўлига қалам олиб, ундаги рангларни ўз тасаввурида жонлантириб, қоғозга тушира бошлади – ҳамманинг иши сурат чизиш бўлиб қолди. Улар орасида бир киши бу борада энг юксак даражага эришади. Унинг исми Моний бўлиб, қалами – мўъжизакор, санъати барчани ҳайратга солар эди. Маъно аҳли Монийнинг суратхонаси Чинда деб айтадилар. Шу тариқа Чин – мусаввирликка асос солинган мамлакат, мусаввирлар ватани, Моний эса мусаввирлар султони сифатида машҳур бўлиб кетади.

Навоий ғазалларида ҳам Симурғ тимсолига дуч келамиз. Чунончи:

Қофи шавқум шарҳини таҳрир қилдим, вах не суд –
Ким, анга ирсол учун Симурғ маҳрамдур манга (БВ, 12).

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Сах. 447; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Сах. 78; Жилди 2. – Сах. 240; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Сах. 247; Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. – Тошкент, 2009, 201-бет; Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2013, 56-бет.*

ЯДА ТОШИ

Яда тоши – сеҳрли тош, жоду (форсчаси: ҳажар ул-хутур – хотирга келтирадиган тош). Қадимдан туркий халқлар орасида махсус тош ёрдамида афсун-дуо ўқиш йўли билан қор, ёмғир, шамол, бўрон чақириш ёки уларни тўхтатиш удуми бўлган ва у XX асргача амал қилиб келган. Сигир, от ёки тўнғиз ошқозонидан чиққан тош устида ўқилган дуо ёрдамида ёмғир чақирилган. Тарихий манбаларда душманга қарши курашда ҳам яда тошидан фойдаланилганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди. Масалан, тарихга Лой жанги номи билан кирган Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг Жета (Мўғулистон) хони Илёсхўжага қарши Тошкент билан Чиноз оралиғида – Чирчиқ дарёси бўйида бўлиб ўтган жангида, Али Яздийнинг ёзишича, ҳалол жангда ғолиб келолмаслигини пайқаган Илёсхўжа ҳийла ишлатади: ядачи яда тоши ёрдамида кучли жала ёғдиради ва у жангни ўз фойдасига ҳал қилади. Туркий халқлар орасида қурғоқчилик муносабати билан ёмғир чақириш маросимида айтиладиган сус хотин мавсум-маросим қўшиғи ҳам машҳур.

Яда тоши тимсолига Алише Навоийнинг қатор ғазалларида дуч келамиз. Халқ урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари, турмуш тарзи, халқона образли иборалар ва мақоллардан маҳорат билан фойдаланиб, асарлари бадииятини кучайтирган ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлаган шоир назаридан яда тоши ҳам четда қолмаган. Масалан, қуйидаги байтида у яда тошига қон теккач, ёғин ёққани каби, эй соқий, майдек қизил лабингни кўриб, кўз ёшим ёмғирдек равон бўлди дейди:

Яда тошиға қон еткач ёғин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким, чун бўлур лаълинг шароболуд (ҒС, 117).

Бошқа байтида эса кўзимнинг ёшидан пайдо бўлган сойнинг тоши **яда тоши**дир деб лутф этади:

Селларким тўкар кўзум ёши,
Сойининг тошидур яда тоши (БВ, 595).

Адабиётлар: *Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-жилд. – Тошкент, 2002, 549-бет; Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 10-жилд. – Тошкент, 2005, 354–355-бетлар; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент, 1994; Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент, 1996.*

ҲУДҲУД

Ҳудҳуд (арабча: бошида тожи бор қуш; попишак) – Сулаймон пайғамбарнинг севимли қуши. Бу афсонавий қуш гўёки Сулаймон а.с.нинг доимий ҳамроҳи бўлиб, унинг сўзларини Сабо шаҳри маликаси Билқисга етказиб турган. У пайғамбарнинг панду насиҳатларига қулоқ солар ва ақлли қушлардан ҳисобланар эди. Одамлар тасаввури ва адабиётда у ақлу идрок рамзи сифатида гавдаланади.

Ҳудҳуд – “Лисон ут-тайр” достонининг марказий қаҳрамони. Маълумки, бу рамзий-мажозий достонда қушлар – соликлар, Ҳудҳуд эса уларни Симурғ – Ҳақ сари бошлаган тариқат пири, комил муршид, Ҳаққа етган ориф, умуман, Алишер Навоий талқинидаги комил инсон тимсоли бўлиб келади. Бу образни яратишда шоир Қуръони каримнинг

“Намл” (“Чумоли”) сурасидаги Сулаймон а.с. ва Ҳудҳудга оид оятларга ва салафлари, хусусан, Фаридиддин Аттор анъаналарига таянади.

Ҳудҳуд “Лисон ут-тайр” достонига қушлар мажлисда жой талашиб жанжаллашганлари ва ақлу илмда етук, адлу инсофда тенгсиз қудратли ва шавкатли шоҳлари бўлишини орзу қилганлари саҳнасида кириб келади ва уларнинг барча ҳолидан огоҳ, ҳар бирига бўйин томиридан ҳам яқин, лекин идрокига ақл ожиз бўлган Қоф тоғини манзил тутган дунёдаги барча қушларнинг шоҳи Симурғ ҳақида хабар беради. Қушлар бир овоздан Сулаймон а.с. даргоҳига йўл топиб, унинг ҳамрозига айланган, пайғамбар билан Сабо шаҳри маликаси Билқис ўртасида элчилик қилган Ҳудҳуддан ўзларига раҳбар бўлиб, Симурғ сари йўл бошлашини илтимос қиладилар. Муаллиф таърифида:

Ҳудҳуд ул нури хираддин баҳраманд,
Роҳбарлиғ афсаридин сарбаланд.

Зотида иззат шараф меърожидин,
Бошида зевар ҳидоят тожидин.

Жабраилосо аён юз роз анго,
Қурб арши авжида парвоз анго.

Қушлар қатъий туриб сўраганларидан кейин Ҳудҳуд Симурғдан нишоналар айтади:

Бирлик ойинида зоти онинг,
Лек мингдин кўп сифоти онинг.

Қушлар илоҳи ҳақида яна шундай дейди:

Сиз тушуб ул шоҳдин беҳад баид,
Ул ёқинроқ сизга мин ҳабл ул-варид.

Ҳабл ул-варид – бўйин томири. Қуръони карим “Қоф” сураси 16-оятига ишора: “Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз”.

Бундан қушларнинг шавқ ўти зиёда бўлади ва Ҳудҳуддан Симурғга етиш йўлида ўзларига раҳнамолик қилишини сўрайдилар. Ўз навбатида, Ҳудҳуд фурсатдан фойдаланиб, қушларни “аслий гулшан”га тарғиб этади. Шу тариқа қушлар Ҳудҳуд раҳбарлигида Симурғ сари узоқ ва машаққатли сафарга чиқадилар.

Бўлдилар Ҳудҳудға пайрав сарбасар,
Роҳрав ул хайлу Ҳудҳуд – роҳбар.

Лекин йўл азобига чидолмай қушлар бирин-кетин ортга қайтиш учун узр айта бошлайдилар. Бу узрларнинг ҳар бирига Ҳудҳуд асосли далиллар билан жавоб қайтариб, ўзининг тажрибали ва доно раҳбарлигини намойиш этади. Қушларнинг ўзларининг Симурғга қандай муносабатлари борлигини сўраганларида барча қушларнинг сурати унинг сояси эканлигини айтади. Шайх Санъон қиссасидан кейин қушлар руҳиятида ўзгариш бўлади. Иштиёқ ғолиб бўлиб, йўл машаққатларидан огоҳ йўлбошчи истаб, Ҳудҳуддан бу ишни илтимос қиладилар. У рози бўлмагач, қуръа ташлайдилар. Қуръа Ҳудҳуд номига

чиқади. Қушлар Ҳудҳуд бошчилигида парвозни давом эттириб, чексиз бир водий бошига келадилар ва хавотир исканжасида қолиб, Ҳудҳудга риёзат йўли билан боғлиқ саволлар билан мурожаат қиладилар. Шу ердан эътиборан шоир. қушларни номи билан атамай, ҳаммасини "бир қуш" деб зикр этиб кетаверади. Чунки энди уларнинг бари бир йўл толибларига айланган, ҳаммасининг мақсад-муддаоси бир эди. "Ирфонпаноҳ муршид" Сулаймон а.с.нинг назари тушганлиги учун шундай юксак мартабага эришганлигини таъкидлаб, қушларнинг риёзат йўли билан боғлиқ саволларига жавоб қайтариб, фикрининг исботи сифатида ҳар бирига мавзуга оид бир ривоят келтиради. Бу савол-жавобларда тариқат йўлининг талаблари ва соликнинг аҳволи билан боғлиқ тасаввуфнинг кўплаб масалалари очиб берилади. Шундан кейин бирма-бир 7 водий (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано) таърифига ўтилади (Жалолиддин Румий бу 7 водийни 7 ишқ шаҳри деб лутф этади). Ниҳоят фано водийсини босиб ўтган қушлар бақо мулкидан нишон топадилар.

Алишер Навоий Ҳудҳуд образида маърифатдан огоҳ, Ҳаққа етган муршид сиймосини гавдалантириб, унинг тилидан ўзининг тасаввуф ҳақидаги қарашларини баён этади. "Лисон ут-тайр" бўйича тадқиқотлар олиб борган ва асарнинг илмий-танқидий матнини тузган Ш.Шарипов: "Ҳудҳуд образига Навоийнинг фалсафий масалаларга оид қарашларини ифода этувчи бадиий восита сифатида қараш мумкин", – деб ёзган эди. Ҳудҳуд достоннинг бошидан охирига қадар ақлли, илмли, тажрибали, вазмин, мулойим, огоҳ, нуктадон раҳбар сифатида намоён бўлади ва ўзининг ҳаётий ва илмий далилу асосларга таянган жавоблари билан қушларнинг ишончини қозониб, уларни шундай узоқ ва машаққатли йўлга рағбатлантириб, ортидан эргаштиради. У Симурғ ва қушлар ўртасида воситачи вазифасини бажаради. Айни жиҳатдан Ҳудҳуд Навоий идеалидаги комил инсоннинг бадиий талқини, қайсидир даражада ҳатто буюк шоирнинг кўпгина қирраларини ўзида акс эттирган тимсоли дейиш мумкин.

Ҳудҳудни мажозий-ирфоний йўналишдаги достонлар учун асосий қаҳрамон сифатида Аттор "Мантиқ ут-тайр" достони орқали адабиётга олиб кирди. Албатта, бунда у Қуръони каримдаги қарашлар ва Шарқ халқлари фольклоридаги тасаввурларга асосланади. Маълумки, Қуръоннинг 27-сураси 20–27-оятларида Сабо шаҳрида Билқис деган малика ҳукмрон қилиши ва қавми қуёшга сажда қилиши ҳақида Сулаймон а.с.га Ҳудҳуд хабар беради. Шунинг учун ҳам у Шарқ адабиётида қуш образи бўлиб келади.

Адабиётлар: *Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. – Тошкент, 2006; Алишер Навоий. Лисон ут-тайр \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 9-жилд. – Тошкент, 2011, 5–288-бетлар; Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 2008, 3–188-бетлар; Мамадалиева З. "Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами. – Тошкент, 2014, 44–57-бетлар.*

ЛЎЪБАТИ ЧИН

Лўъбати Чин – Чин қўғирчоғи. "Садди Искандарий" достонида Чин хоқони Искандарга кўпдан-кўп тортиқлар қаторида икки ажойиб туҳфа жўнатади: бири – сеҳрли кўзгу, иккинчиси – Лўъбати Чин. Бу канизак ниҳоятда чиройли бўлгани учун уни шундай деб аташган. Иккинчи фазилати – у ҳарб ишида моҳир бўлган.

Ки: "Ҳусн ичра хуршиди тобон эрур,

Яна Зуҳра янглиғ хушалҳон эрур.
Булар борча бир ёну бир ён бу –
Ки, майдон аро бордурур кинажў".

Девсифат ваҳший қавм билан курашда Искандар жангчилари яккама-якка олишувга ботинолмай турганда бу жасорат соҳибаси ниқобга ўралган ҳолда шер каби майдонга отилиб, уларнинг етакчисини мағлуб этади ва Искандар қўшинини муқаррар шармандаликдан сақлаб қолади. Искандар бу нотаниш қаҳрамоннинг жасорати ва маҳоратига қойил қолади. Кейин маълум бўлишича, бу ўша Лўъбати Чин экан. Искандар шу маҳалгача унга эътибор бермаганига пушаймон бўлади ва уни ҳарамига чорлаб, яккама-якка суҳбатлашади. Лўъбати Чин унга ўзи ҳам ўша ваҳший қавмдан эканлигини айтади ва қачон бошига мушкул иш тушганда ёрдамга тайёр эканлигини билдириб, қавми орасига кетиш учун ундан рухсат сўрайди ва Искандар ижозат беради.

Низомий достонида Лўъбати Чин ваҳшийларга асир тушади ва уни Искандар қўшинлари озод қилади. Искандар Лўъбати Чинга уйланади ҳам. Навоийда эса ваҳший қавм ичидан тутқун қилинган Лўъбати Чин Искандар рухсати билан яна ўз қавмига бориб қўшилади.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Садди Искандарий \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 8-жилд. – Тошкент, 2011, 344–346; 403–410-бетлар; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1976, 502-бет.*

ИСО НАФАСИ

Исо нафаси – Шарқ адабиётида исломдан кейин пайдо бўлган машҳур бадиий образ. Бу образ диний қарашлар билан боғлиқ бўлиб, Исо а.с. ўзининг Худо томонидан юборилган пайғамбар эканлигини эълон қилганида яҳудийлар ундан сўзининг тасдиғи учун мўъжиза кўрсатишини талаб қилишади. Шунда у Худога илтижо қилиб, бир чора сўраганида унга ўликни тирилтириш қудрати ато қилинади. Шундан сўнг у одамлар олдига чиқиб, дуо қилади ва Озир отлиғ ўлган киши тирилиб, унинг чиндан ҳам пайғамбар эканлигига гувоҳлик беради. Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида ёзишича: "ул ўлукким, Исо а.с. тиргузди, Инб ул-Аъжуз эрди. Ва шарҳи будурким, сайр асносида бир ажузани кўрдиким, бир қабр бошида муассир навҳа қиладур. Кайфиятин сўрди. Дедиким, ўғлум эрди ва фироқидин бетоқатмен. Исо а.с. дуо қилиб, Тенгри таоло ул маййитқа руҳ киюрди ва ўлук тирилгач, илтимос қилдиким, дуо қилғайки, бурунғи ҳолиға борғай ва мавт сақароти бўлмағай. Руҳуллоҳ дуоси била бу иш ҳам бўлди..." У халқ талабига кўра ўлганига 4 минг йил бўлган Сом ибн Нуҳни ҳам тирилтиради. Балчиқдан кўршапалак ясаб, нафаси билан унга жон ато этади. Исо нафаси Исо дами, Масиҳ анфоси каби иборалар шу билан боғлиқ. Шоирлар бу образдан кишига гўё жон бағишлайдиган ҳар киши ёки нарсани Исо нафасига ташбеҳ этадилар. Шарқ шеъриятида асосан жонбахш нафаси ошиғига ҳаёт бағишлайдиган маъшуқа ўликни тирилтирадиган Исо Масиҳга нисбат берилади. Воқеан, Масиҳ – силовчи дегани. Исо Масиҳнинг қўли теккан ўликка жон кириши учун ҳам унга Масиҳ номи берилган. Бу образНавоий шеъриятида ҳам фаол қўлланади. Масалан:

Лаълини севдум, кўзининг қатлидин қайғурмоғум,

Не ғам ўлмактин киши бўлса Масиҳо бирла дўст (БВ, 83).

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 8-жилд. – Тошкент, 2011, 590–591-бетлар; Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент, 1991, 84–85-бетлар; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. – Душанбе. 1988. – Саҳ. 381; Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент, 2011, 21–28-бетлар.*

САЪДИ АКБАР

Саъди акбар – бахту саодат келтирувчи улкан сайёра (саъд – саодатли, бахтли, акбар – катта, улкан). Муштарий – Сатурн энг катта сайёра ҳисобланади. Зуҳра унга қиёсан Саъди асғар – бахту саодат келтирувчи кичик сайёра дейилади. Буларга қарама-қарши баъзи сайёралар наҳс – шумлик, хосиятсизлик, бадбахтлик тимсоли бўлиб, улар кишилар бошига фалокату ёмонлик келтирар эмиш. Масалан, Зуҳал (Кайвон) – наҳс ҳисобланиб, бахтсизлик келтирувчи сайёра дейилади.

Бахтли буржлар остида эса қиличи, қалами, илми ёки бошқа бир хусусияти билан жаҳонни олган улуғ инсонлар туғилганлар. Бундай бурж остида туғилган маҳбуба эса ҳусни билан олам аҳлини асир қилади. Масалан, Навоий қуйидаги байтида сен саодатли юлдуз остида туғилгансан – гўё қуёш сенга отаю тўлин ой онадир дейди:

Ахтари саъд сенингдекки туғуптур гўйий –
Ким, қуёш эрди атову тўлун ой эрди ано (ҒС, 39).

Сайёралар ўзларининг ана шу хусусиятлари билан Шарқ мумтоз шеъриятида ранг-баранг бадиий вазифаларни бажариб келадилар. Шоирлар ўз фикрларини гўзал ва таъсирчан ифодалаш учун улардан бадиий восита сифатида фойдаланадилар. Масалан Навоий ёзади:

Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин –
Ким, Уторуд шеъридин чарх узра Ноҳид этмагай (НШ, 445).

“Навоий шеърини эшитиб, созандалар шунчалик фарёд чекдиларки, фалакда Уторуднинг шеърини эшитиб, Ноҳид бунчалик ҳаяжонга тушмас эди”.

Бунда, албатта, Навоий Уторуднинг фалак котиби, шоиру адибларнинг ҳомийси, пири эканлигию Ноҳид – Зуҳранинг фалак созандаси эканлигидан келиб чиқиб, ўзининг фахрия байтини самовий тимсоллар билан безаган. Шеър тагмаъносидан эса менинг шеъримни эшитса, Уторуд қойил қолиб, Зуҳра рақсга тушар эди деган фикр англашилиб турибди.

Бу байтнинг дунёга келишида Навоий ўзига устоз деб билган лисон ул-ғайб Хўжа Ҳофизнинг бевосита бўлмаса ҳам, билвосита таъсири борлиги шубҳасиз. Фахрия санъатини ҳадди аълосига етказган бу шоир бир ғазалида “Саҳар чоғида Аршдан бир бонгу садо таралаётганини эшитиб, ақл деди: “Малаклар Ҳофиз шеърини ёд олмоқдалар”, – деб лутф этади:

Субҳидам аз Арш меомад хурўше, ақл гуфт:
“Қудсиён гўи, ки шеъри Ҳофиз аз бар мекунанд”.

ИХТИРОЪ

Ихтироъ (арабча: ижод қилиш, кашф этиш, янги нарсани вужудга келтириш, илгари ўхшаши бўлмаган нарсани ҳосил қилиш; янгилик) – Алишер Навоийнинг "Девони Фоний"даги буюк салафларига татаббу бўлмаган, янги мазмун-мундарижадаги ғазалларига қўйган номи. Уларнинг адади 8 та бўлиб, шундан 2 таси "ихтироъи" (ихтиро қилинган) деб номланади. Масалан:

Зи ишқ ҳаст ба дил бор сад ҳазор маро,
Ҳанўз шукр бувад сад ҳазор бор маро.

"Кўнглимда ишқ туфайли юз минг юк (ранж, ғам) борлигига қарамай, ҳануз юз минг бор шукр қиламан".

Бу ерда санъаткор шоир "бор сад ҳазор" ва "сад ҳазор бор" иборалари воситасида сўз ўйини қилган: "бор" сўзи "юз минг" бирикмаси олдида "юк" (бу ерда ранжу ғам), ортида эса "марта, карра" маъноларида келаяпти. Бу шоирнинг мазмун ифодасидаги шаклий янгилигидир. "Бор" сўзининг икки жойда икки маънода ишлатилишида тажнис санъати мавжуд. Айни пайтда, "бор" сўзининг биринчи мисрада "сад ҳазор" бирикмаси олдида, иккинчи мисрада эса ундан кейин келишида тарди акс санъатини ҳам кўрамиз: "бор сад ҳазор" – сад ҳазор бор".

"Мажолис ун-нафоис" тазкирасида қатор шоирлар, хусусан, Ҳусайн Бойқаронинг шакл ва мазмундаги ихтиролари хусусида фикр юритади. Жумладан, Мавлоно Котибийга таъриф берар экан, "қасоидда балки ихтироълар ҳам қилди ва кўп яхши келди" деб ёзади. Ҳусайн Бойқарога бағишланган 8-мажлисида шоҳ-шоирнинг қатор қофия ва радифларини унинг ўзига хос ихтиролари сифатида баҳолайди: "Ул Ҳазратнинг хосса ихтироотидин бу тўрт шеърдурким, "ўзгача" лафзин радиф қилиб, қофиялари ҳар қайсининг ўзгача воқеъ бўлубтур". Ёки: "Қофия ва радиф ул Ҳазратнинг бу фанда мужтаҳид табъининг ихтироъидур" ва ҳоказо.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Девони Фоний \\ Тўла асарлар тўплами. 10 жилдли, 5-жилд. – Тошкент, 2011; Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами, 9-жилд, 295; 421; 427; 436; 437; 440-бетлар.*

МАВЪИЗА

Мавъиза (арабча: панд, ўгит, насиҳат; ваъз, бирор ишга ундаш (кўпроқ Ҳақ йўлига даъват) – мумтоз шеъриятдаги панд-насиҳат руҳидаги асарлар.

Алишер Навоий илк девони "Бадоеъ ул-бидоя"га ёзган дебочасидаёқ адабиёт — тарбия воситаси эканлигига урғу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: "Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай". Шундан кейин ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

“Девони Фоний”да “Мавъиза” номи билан 3 та ғазал ва “Замон аҳли шикоятида” номли бир ғазал мавжуд. Мавъизалардан бири ҳам шикоят руҳида. Қолган 2 мавъизадан бири дунёни тарк этиш, иккинчиси тариқатга даъват руҳида. Масалан:

Гарат зи халқ каноре гирифтан аст ҳавас,
Канорашон агар аз дасти худ гузори бас.

“Агар ниятинг халқдан узилиш бўлса, ўзингни одамларнинг суҳбатидан четга тортсанг кифоя”.

Ёки:

Гадои майкадаи ишқ бошу шоҳи кун,
Махоҳ хостаи нафсу ҳарчи хоҳи кун.

“Ишқ майхонасининг гадоси бўл-у, нафсинг хоҳишини тарк эт, бошқа нима қилсанг қил!”

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Девони Фоний \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 5-жилд. – Тошкент, 2011.*

МУХТАРАЪ

Мухтараъ (арабча: ихтиро қилинган; кашф қилинган, янгидан яратилган) – Алишер Навоийнинг “Девони Фоний”даги оригинал ғазаллари. Девонда уларнинг адади 80 та.

Маълумки, “Девони Фоний” асосан шоирнинг буюк форсий салафларига татаббу ва уларнинг таврида ёзилган ғазалларидан таркиб топган. Уларнинг ҳар бирига юзага келишига сабаб бўлган омилга ишора қилувчи сарлавҳа қўйилган. Айни пайтда, девонда зуллисонайн шоирнинг кўплаб янги, оҳорли, бошқаларга эргашмай, ўзи ёзган, яъни татаббу бўлмаган ғазаллари ҳам борки, уларнинг тепасига мухтараъ ёки ихтироъ деб сарлавҳа қўйилган. Бу билан муаллифнинг ўзи татаббу ва оригинал ғазалларини ажратган. Демак, улар санъаткор шоирнинг ўзи яратган бадиий кашфиётлари, оҳорли топилмалари. Масалан:

Мухтараъ

Ту хубу хулқи ту хубу такаллумат ҳам хуб,
Набуда чун ту ба хуби касе ба олам хуб.

“Сен гўзалсану хулқинг ҳам гўзалу сўзинг ҳам гўзал. Оламда ҳеч киши сенчалик гўзал эмас”.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Девони Фоний \\ Тўла асарлар тўплами. 10 жилдли, 5-жилд – Тошкент, 2011; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, 2014, 128–129-бетлар.*

ҚАҚНУС

Қақнус (юнонча) – афсонавий хушовоз қуш. Ҳиндистонда истиқомат қилувчи бу қуш узоқ умр кўрар эмиш. Унинг тумшуғи 2 қарич бўлиб, 1002 та катта-кичик тешиги бор эмиш. У куйлаганида ҳар бир тешигида овоз чиқиб, гўё минг киши биргаликда ҳазин бир куйни чалаётгандай бўлармиш.

Алишер Навоий ҳам қақнуснинг ватани сифатида Ҳиндистонни кўрсатади. Унинг жуфти бўлмай, ўзи минг йил яшар экан. Бу қушнинг туғилишини шундай нақл қиладилар: умри охирласа, ўтин йиғиб, устига чиқаркан-да, ўтли бир наво қилар, шунда тумшуғининг 360 тешигининг ҳар биридан алоҳида бир куй таралар ва бу ўтли наводан ўтинга ўт туташар экан. Ўз овозидан ўзи маст бўлиб, қанот қоққанида ўт янада кучли алангаланиб, ўртанганидан ўртанади ва қуш куйиб кул бўлади. Шунда илоҳий қудрат воситасида ёмғир ёғиб, бу кулдан бир тухум пайдо бўлади ва ундан янги қақнусбачча дунёга келади. Шунинг учун форсийлар уни оташзан – оташ сочувчи ҳам дейдилар. Тумшуғида кўплаб тешиклар бўлиб, улардан ранг-баранг овозлар тараладиган афсонавий қуш – мусиқорни ҳам қақнуснинг номларидан бири сифатида кўрсатадилар. Жумладан, Навоий ёзади:

Ҳар сўнгак ёнимда бўлмиш бир тешук ғам базмида,
Ҳар бирида ўзга янглиғ нола мусиқордек (ҒС, 338).

“Ғам базмида ҳар бир суягимда бир тешик очилиб, мусиқор каби ҳар бири ўзгача наво чекади”.

Шоир “Лисон ут-тайр” достонида қақнус ҳақида маълумот бергач, илоҳий ишқ ҳақиқатини қуш тилида рамзу мажоз йўли билан баён этишни бошлаб бергани жиҳатидан устози Атторни қақнусга, ўзини қақнусбаччага тамсил этади, яъни қуш тилида мен унинг давомчиси бўлдим дейди:

Шайх гўё келди ул аввалги тайр...

Юз наво зоҳир қилиб минқоридин,
Барча Ҳақнинг ёшурун асроридин.

Ўзига, хирманга доғи ўт уруб,
Ҳам ўзин, ҳам ўзгаларни куйдуруб...

Сўнгра ондин кимса топмай менча сўз,
Бўйла муҳриқ шуълаи гетифуруз.

Қуш тилидин шуълалар зоҳир қилиб,
Ҳам ўзум, ҳам эл қул ўлмоғни билиб.

Бу билан у ўз достонининг умрининг охирида яратилгани ва бу ўзининг унинг сўнгги ноласи эканига ҳам ишора ишора қилади.

Маълумки, Навоий ўз “Хамса”сини яратишда Низомий билан бир қаторда, Амир Хусрав Деҳлавийдан ҳам кучли таъсирланган, ҳар бир достони муқаддимасида уни устозлари қаторида эҳтиром билан тилга олиб, ижодига юксак баҳо берган. Чунончи, “Ҳайрат ул-

аброр”да уни сўз иқлимининг шоҳи деб улуғласа, “Фарҳод ва Ширин”да Қақнусга ўхшатади.

Ривоят қилишларича, Афлотун қақнуснинг навосидан ҳазин нағмани топиб, арғанун мусиқа асбобини кашф этган эмиш. Пифагор эса унинг дилкаш ва жозиб навосини эшитиб, мусиқа илмига асос солган эмиш.

Мухталиф топиб садои шеванин,
Қилди ондин вазъ мусиқи фанин.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Лисон ут-тайр \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 9-жилд – Тошкент, 2011, 266–269-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 140–141; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 3. – Душанбе, 2004. – Саҳ. 419.*

ЯЪЖУЖ ВА МАЪЖУЖ

Яъжуж ва Маъжуж (арабча) – Қуръонда зикр этилган бузғунчи қавмнинг номи. Бу иккиси Нуҳ а.с.нинг ўғли Ёфас уруғидан бўлиб, кўп сонли мазкур қавмнинг ер юзига чиқиб келиши қиёмат аломатларидан ҳисобланади. Яъжуж ва Маъжуж бадтийнат ва бадкирдор бўлишган. Қулоқлари шунчалик катта эканки, бирини остларига тўшаб, иккинчиси билан устларини ёпиб яшар эканлар. Бу қавм узун ва бурама оёқлари билан одамлар ва ҳайвонларни тузоққа тушириб, кейин ер экан. Яъжуж ва Маъжуж ўтган йўлда бирор тирик жон қолмасмиш. Одамлар уларнинг дастидан додга келган эдилар. “Каҳф” сурасида келтирилишича, икки тоғ орасида яшайдиган ва бирор гапни англамайдиган қавм Зулқарнайнга тоғлар ортидаги Яъжуж ва Маъжуждан, уларнинг бузғунчиликларидан арз қиладилар. Зулқарнайн бу қавм ёрдами билан улар ҳамда Яъжуж ва Маъжуж ўртасида улкан ва мустаҳкам темир девор қуради. Яъжуж ва Маъжуж бу деворни тешиб ҳам, ошиб ҳам ўтолмайдилар. Яъжуж ва Маъжужлар туни билан бу деворни ялаб чиқиб, тонггача юпқалаштириб қўяр эканлар. Лекин қуёш нури чиқиши билан у асл ҳолига қайтар эмиш. Шу тариқа жаҳонгирдан мадад сўраган қавм тинчлик-хотиржамликка эришадилар. Искандар деворининг очилиб, Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиб келиши қиёмат аломатларидан бири ҳисобланади. Улар бениҳоя кўп бўлганликларидан худди сел каби оқиб келадилар. Йўлларида учраган нарсани еб, дарёларнинг сувини ичиб тугатадилар. Ер юзини фасодга тўлдирадилар. Шунда Исо а.с. кўкдан иниб, Дажжолни ўлдиради. Яъжуж ва Маъжуж эса унинг дуоси билан кўр бўлиб ўлади. Лекин уларнинг қачон ер юзига чиқишларини Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

Қуръони каримда, Зулқарнайн ҳақидаги қисса ва афсоналарда, ирфоний адабиётда Яъжуж ва Маъжуж ҳақида маълумот берилиб, кейинчалик улар рамзий маъно касб этган. Уни табиатга ва нафсга, Искандар деворини эса инсон жисмига нисбат берадилар. “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) аслида инсон жисми тимсоли – уни ўртадан кўтарибгина Ҳаққа етиш мумкин. “Илоҳийнома”да бу ҳақда Аттор шундай ёзади:

Сўрарсен: не эмиш садди Скандар,
Ўзингдирсен ўзингга садди акбар.

Вужудинг сад эмишдир сенга, тўғон,
Сен унда ўлтирурсен лолу ҳайрон.

Ўзингсен унда Яъжужу Маъжуж,
Дамодам бир бўғов қийноғига дуч.

Искандар ҳам тариқат солики бўлиб, у оби ҳаёт – илоҳий маърифатни излайди. Лекин жисми бу йўлда энг катта тўсиқ – садди Искандар, нафс хоҳиш-истаклари, саъй-интилишлари эса Яъжуж ва Маъжуж.

"Садди Искандарий" достонининг 68-бобида шоир Яъжуж ва Маъжуж қиссасини ёритади. Жумладан, бу қавмга шундай тавсиф беради:

Қад узра ёйилмиш пароканда соч,
Бири бир қаришдур, бири ўн қулоч...

Қулоқ ики ёндин бўлуб бирга жуфт,
Нажас танларин кўздин айлаб нуҳуфт.

Келиб ғул бармоғи бармоғлари,
Вале дев тирноғи тирноғлари.

Ёмон юзлари ранги беҳад сариғ,
Қизил туклар анда сафодин ариғ.

Биайниҳ кўз андоққи, маймун кўзи,
Вале шум ҳар қайси малъун кўзи.

Бурун ичларин тил била пок этиб,
Топиб лаззат, ўзин тарабнок этиб...

Оғиздин тўнғуздек чиқиб ики тиш,
Вале ерни қозмоқ алар бирла иш.

Не ерники ул тишлар этти табоҳ,
Қиёматқача бутмай андин гиёҳ...

Мумтоз адабиётда Яъжуж ва Маъжуж тимсолидан салбий нарсалар, ёвуз кучлар, золим, қонхўр, нопок ва разил кишиларни сифатлаш учун фойдаланилади.

Адабиётлар: *Қуръони карим (А.Мансур таржимаси). – Тошкент, 1992, 206–207-бетлар; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 807; Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент, 1991, 92–93-бетлар; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 283–283-бетлар; Шайх Фаридуддин Аттор. Илоҳийнома (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2007, 239-бет; Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент, 2011, 9-бет.*

МУСИҚОР

Мусиқор (арабча: мусиқачи) – 1. Қадимий пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. бир томони ёпиқ, турли узунликдаги ва бир хил диаметрдаги бир неча (8–13) найчаларнинг параллел, учбурчак шаклидаги бирикмаси. Мусиқор илк бор Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг (780–850) “Мафотиҳ ул-улум” (“Илмлар очқичлари”) асарида шарҳланган. Ўрта аср Шарқ миниатюраларида тасвирланган. Тахминан XVIII асрдан кейин Ўрта Осий амалиётидан чиқиб кетган. 2. Моҳир хонанда, созанда ва бастакор. 3. Афсонавий қуш: гўё унинг тумшуғида кўплаб тешиклар бўлиб, улардан ранг-баранг овозлар таралади. 4. Қақнуснинг номларидан бири.

Алишер Навоий ўз ҳолати, туйғу-кечинмалари ифодасида мусиқор тимсолидан фаол фойдаланган. Масалан, бир байтида ғам базмида ёнимдаги ҳар сўнгак бир тешикка айланиб, мусиқордек ҳар бири бир ўзга нола қилади дейди:

Ҳар сўнгак ёнимда бўлмиш бир тешук ғам базмида,
Ҳар бирида ўзга янглиғ нола мусиқордек (FC, 338).

Ёки:

Қондурур кўнглумда, ёнимда сўнгаклар қобсабон,
Ком олур ишрат майидин лаҳни мусиқордек (ФК, 546).

Адабиётлар: *Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд – Тошкент, 2003, 152-бет; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 752.*

ЧОШНИ

Чошни (форсча) – 1. Синаш, мазасини билиш учун татиб кўриладиган озгина таом, ширинлик, шароб ва бошқалар; нарсанинг таъмини билиш, хусусиятидан огоҳ бўлиш. 2. Маза, таъм, лаззат, баҳра, ҳаловат; роҳатланиш, лаззатланиш. 3. Яхшилик, маъқуллик; сифат, намуна. Алишер Навоий асарларида бу сўз ўзининг барча маъно қирралари билан намоён бўлади. Жумладан:

Зотимда чун майи азалий чошниси бор,
Ҳар сори маст кўз солиб, андоққи токмен (FC, 463).

“Мажолис ун-нафоис” тазкирасида бу сўз адабий истилоҳ мақомига кўтарилиб, шоирларнинг шеърларини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади. Масалан, Шоҳий Сабзаворийнинг шоирлик маҳорати хусусида фикр юритар экан, “Анинг шеърини чошни ва салосат ва якдастлик ва латофатида таъриф қилмоқ ҳожат эмас”, – дейди. Мавлоно Қанбарий ҳақида “назм айтурға чолок эрди ва шеърида ҳам чошни бор”, – деб ёзади. Мирзо Ҳожи Сўғдийнинг бир байти ҳақида гапирар экан, “Бу байтида хейли сўз ранги ва чошниси бор”, – деган фикрни билдиради. Маълум бўладики, чошни сўзини шоир шеърни шеър қиладиган хусусиятлар – бадиий гўзаллик, етуклик, ҳарорат, нафосат, нозиклик; дард, завқ, баҳра маъноларида қўллаган.

"Насойим ул-муҳаббат"да шайхларнинг ҳолига баҳо берганда ҳам чошни сўзидан фойдаланади. Масалан, Мавлоно Маҳвий ҳақида "Табъида хийлиғина чошни бор" деб ёзса, Бобо Шўрида ҳақида "табъида кўп чошни зоҳир бўлур" дейди.

Чошнилиғ – баҳрамандлик; маъқуллик, яхшилик. Масалан: "Мавлоно Аҳлий... бу матлаи ҳам хейли чошнилиғ тушубтур".

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 9-жилд. – Тошкент, 2011, 306-; 32-1; 33-3; 334-бетлар; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдли, 3-жилд. – Тошкент, 1984, 479-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 257; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Масалан, 1969. – Саҳ. 547.*

ЧИНГА\ЧИНКА

Чинга\Чинка – халқ орасида кенг тарқалган никоҳ маросими қўшиқларидан бири. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон" асарида унинг икки хили бўлиб, бири мунсариҳи матвийи мавқуф вазнига тушиши, иккинчи хили эса арузнинг бирор вазнига тушмаслиги ҳақида маълумот беради: "Яна "чинга"дурким, турк улуси зифоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва "ёр-ёр" лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар, андоққим:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр –
Ким, дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр?

Муфтаилун фоъилон муфтаилун фоъилон

Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонининг Искандарнинг Равшанак ва Меҳрнозга тўй бериб уйлангани ҳақидаги 56-бобини қуйидаги шўх-шодон мисралар билан якунлайди:

Муғанний, тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, ҳой ўланг.

Десанг сенки, жон қардошим, ёр-ёр,
Мен айтайки, мунглуғ бошим, ёр-ёр.

Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,
Сурудунг доғи сур аро чингадур.

Чинга\Чинка ҳозирга қадар халқимиз орасида яшаб келади – у "ёр-ёр" ва "ўланг" каби номлар билан аталадиган тўй-маросим қўшиниғининг айнан ўзидир. Келин келганда олов атрофида ўйнаб, ёр-ёр айтадилар. В.В.Радлов ҳам чинга\чинка сўзини "никоҳ тўйида қўшиқчи ва чолғувчиларнинг келинни кутиб олиш пайтида айтадиган ашуласи" деб изоҳлаган. Э.Умаров бу сўзнинг этимологиясини "чанг" сўзи билан боғлаб, "овоза", ""шон", "маълум бўлишлик" маъноларига эга эканлиги ҳақида ёзади.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Мезон ул-авзон \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли,*

10-жилд. – Тошкент, 2011, 582-бет; Умаров Э. "Чинка" қандай қўшиқ" \\ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2003, 6-сон, 85–86-бетлар; Исмоилов Ж. "Аёлғу" ва "Чинка" қўшиқлари Музайяна Алавия талқинида" \\ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2012, 4-сон, 50–54-бетлар.

ТУР

Тур (арабча) – Арабистондаги тоғ. Шом (Сурия)даги мазкур тоғда Мусо а.с.га илоҳий тажаллий намоён бўлиб, Оллоҳ таоло у билан суҳбатлашган. Уни Тури Сино ҳам дейдилар: тур – тоғ, сино – саҳро, яъни Сино саҳросидаги Тур тоғи. "Қисас ул-анбиё"да келтирилишича, Мусо а.с. бир кеча Мисрда қоронғи ва совуқ биёбондан ўтаётганида гулхан ёқиб исиниш учун ўт топмайди. Шунда кутилмаганда Тур тоғида бир шуълага кўзи тушиб, ўша ёққа юради. Яқинлашганда ёруғлик таратаётган дарахтга кўзи тушади: У мазкур дарахтдан ўт олмоқчи бўлганида, ёруғлик таратаётган ўт эмас, балки дарахтга тушаётган нур эканлиги маълум бўлади. Шу маҳал Мусо а.с. ғойибдан садо эшитади. Ривоятларга кўра, Худо Тур тоғида Мусо а.с.га Тавротни нозил қилади.

Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да ёзишича: "Бани Исроил доим Мусо (а.с.)дин илтимос қилурлар эрдиким, бир алоҳида шариат бизинг учун Тенгри таолодин тиласангким, ул дастур била амал қилсак. Ул ҳазрат муножот қилиб, хитоб келдиким, Тури Сино тоғиға бориб, ўтуз кун рўза тутуб, улча тиларсен етсун. Мусо (а.с.)... Тури Сино тоғиға бориб, миъод муқаррар қилдиким, қачон келгай... Жаброил (а.с.) келиб, пайғом келтурдиким, яна ўн кун дағи бу дастур била ўткар. Чун қирқ кун ўтти, Мусо (а.с.) Турға мутаважжиҳ бўлуб, ул жамоат (пайғамбар билан бирга борганлар – Э.О.) қолдилар. Ароларида бир булут пайдо бўлуб, монеъ бўлди. Мусо (а.с.) била Ҳақ субҳонаҳу ва таоло тилсиз такаллум қилди ва ўн лавҳ йиборди ва анда шариат аҳкоми марқум эрди".

Ул навки, Туру соҳиби Тур,
Бўлған киби ғарқи лужжаи нур.

Бу тушунча Қуръони карим оятидан олинган бўлиб, тасаввуф истилоҳида Аллоҳ таолонинг Арши бўлган биринчи фалак кўзда тутилади.

Турни нафсга ҳам ташбеҳ этадилар. Яъни илоҳий нурга дош беролмай тоғнинг ер билан яксон бўлиши нафснинг Оллоҳ йўлида фано бўлишига ишора қилади.

Мумтоз шеъриятда талмеҳ воситасида бу воқеага кўп ишора қилинади.

Тур умуман тоғ маъносида ҳам келади.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 8-жилд. – Тошкент. 2011, 565-бет; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 557; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – S. 361; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 30; Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент, 1991, 6–9-бетлар; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 3. – Саҳ. 227–289.*

ТАВР

Тавр (арабча) – тарз, сурат; тартиб, равиш; усул, услуб. "Девони Фоний"да Алишер Навоийнинг улуғ салафларига кўплаб татаббулари билан бирга уларга эргашиб, улар

услубида ёзган қатор ғазаллари ҳам борки, уларга шоир “Дар таври Хожа” (“Ҳофиз Шерозий услубида”), “Дар таври Махдум” (“Абдураҳмон Жомий услубида”), “Дар таври Шайх” (“Саъдий Шерозий усулида”), “Дар таври Мир” “(“Амир Хусрав Деҳлавий услубида”), “Дар таври Шайх Камол” (“Камол Хўжандий услубида”), “Дар ҳамон тавр” (“Ўша услубда”), “Татаббуи Мир дар таври Хожа” (“Ҳофиз услубида Хусравга татаббу”), “Татаббуи Шайх дар таври Махдум” (“Жомий услубида Саъдийга татаббу”), “Татаббуи Махдум дар таври Хожа” (“Ҳофиз услубида Жомийга татаббу”) каби сарлавҳалар қўйган. Жумладан, девонда Ҳофиз Шерозий таврида – 25 та, Абдураҳмон Жомий таврида – та 10 ғазал мавжуд ва ҳоказо

Таврнинг татаббудан фарқи шундаки, татаббу муайян ғазалга жавоб бўлса, **тавр** бирор-бир аниқ ғазал йўлида эмас, балки умуман у ёки бу шоир услубида ёзилади. Масалан, Фонийнинг мана бу ғазали Ҳофиз ғазалига татаббу бўлмай, фақат ўша усулда ёзилгандир:

Ману майли алифи қомати он ҳурсиришт,
Бар сарам чунки қазо дар азал ин ҳарф навишт.

“Менинг кўнглимда ўша ҳурга ўхшаган ёрнинг алифдай қомати орзуси. Чунки азалда тақдир менинг манглайимга шундан бошқа ҳарф (яъни алиф – ёр қомати, демакки маҳбуба муҳаббати) ёзмади”.

Айби риндон макун, эй зоҳиди покизасиришт,
Ки гуноҳи дигарон бар ту нахоҳанд навишт.

“Эй покизалик даъвосидаги зоҳид, ринд аҳлининг айбини қилмаки, бировнинг гуноҳини сенга ёзмайдилар”.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Девони Фоний \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 5-жилд. – Тошкент, 2011.*

ТАВОРУД

Таворуд (арабча) – 1. Изма-из келиш, бир жойга бирга тушиш. 2. Адабиётшуносликда: бир-биридан бехабар ҳолда икки шоирнинг бир мазмунни назмга солиши ёки икки шоир мисра ва байтларининг тасодифан тўғри келиб қолиши. Масалан, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида темурий шаҳзодалардан Кичик Мирзонинг бир рубоийси Абдураҳмон Жомийники билан таворуд бўлганлиги ҳақида ёзади ва чиндан ҳам шундай бўлса, бу улуғ бахт-ку дейди. Мана ўша рубоий:

Умре ба салоҳ месутудам худро,
Дар шеваи зўҳд менамудам худро.
Чун ишқ омад, кадом зўҳду чи салоҳ?
Алминнатулиллаҳки, озмудам худро.

“Умр бўйи ўзимни яхшиликда таъриф этар, тақводор қилиб кўрсатар эдим, ишқ келди-ю, на яхшилик қолди, на тақво, Худога шукрки, шу тариқа ўзимни синовдан ўтказиб, аслида кимлигимни билиб олдим”.

Мавлоно Бурҳониддин Алишер Навоийнинг муҳрдорлик лавозимини эгаллаши

муносабати билан 1469 йилни билдирувчи “ки Алишер мўҳр зад” (ки Алишер муҳр урди) ибораси орқали таърих айтади. Навоийнинг айтишича, бу ажойиб бир саргузашт билан боғлиқ: ўн йил муқаддам, яъни 1459 йил Ҳирот амалдорларидан бўлган Мир Дарвиш Али муҳрдорлик вазифасини эгаллаганда у ўша санага бағишлаб таърих битиб, тарихни “Дарвиш Али мўҳр зад” (Дарвиш Али муҳр урди) деганида “Дарвиш Али мўҳр зад” ўрнига “ки Алишер муҳр зад” ибораси ўша мазмунни ифодалаб, ўн йилдан кейинги санага мос келади. Бу таворуддан шоир ниҳоятда ажабланади ва унинг Мавлоно ҳаётидаги ғаройиб кароматларидан бири деб ҳисоблайди.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ёзишича, таворуд маънода бўлади, сўзда эмас. Яъни маъно муштарак чиқиб қолиши мумкин, сўзлар айнан мос келиши қийин.

Таворуд шеърий иллатлардан саналса-да, у адабий ўғрилик ҳисобланмайди. Чунки адабий ўғрилик истеъдодсизлик ва тақлид маҳсули бўлса, таворуд бир-биридан бехабар ҳолда юз беради.

Таворуднинг содир бўлишига асосан икки омилни сабаб қилиб кўрсатадилар: 1) девонлар мутолааси ва шеър муаллифларининг сўз усталари билан бевосита алоқаси натижасида ўқиган ёки эшитган шеъри ўзи билмаган ҳолда баъзида янги шеър тарзида жилва қилади; 2) бошқа шоирларнинг асарларига татаббу ёки пайравлик таъсирида. Бундан ташқари, ўзаро ҳамфикрлик, ҳаммаслаклик, услуб яқинлиги, қарашлак муштараклиги ҳам таворудга сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар: *Алишер Навоийил Мажолис ун-нафоис \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 9-жилд. – Тошкент, 2011, 414–415-; 474–475-бетлар; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдли, 3-жилд. – Тошкент, 1984, 155-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 214; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 301; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 3. – Душанбе, 2004. – Саҳ. 153.*

УВАЙСИЙЛИК

Увайсийлик – тасаввуфдаги Увайс Қараний билан боғлиқ силсила. Маълумки, тариқатда пирсиз манзилга етиб бўлмайди. Чунки риёзат босқичларини раҳнамосиз босиб ўтиш мушкул. Солик йўлдан адашиб, Ҳаққа етолмай қолиши мумкин. Шунинг учун бу йўлга кирган мурид аввало тажрибали бир пирга қўл бериб, бутун инон-ихтиёрини унинг иродасига топширган. Лекин тасаввуф тарихига назар ташласак, риёзат босқичларини пирсиз ўтганлар ҳам кўп. Уларни аввал ўтиб кетган буюк пиру валийларнинг руҳи келиб тарбия қилади. Бундай зотларни, одатда, увайсий дейдилар. Мазкур тушунча Увайс Қараний номи билан боғлиқ бўлиб, Уҳуд жангида пайғамбаримизнинг бир тишлари синганини эшитган бу бадавий ўзининг барча тишларини уриб синдирган экан. Улар бир-бирларини ҳеч қачон кўрмаганлар. Муҳаммад а.с. Увайсни руҳоний жиҳатдан тарбия қилганлар. Бу ҳақда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида шундай ёзади: “Ҳазрат Рисолат с.а.в.ни кўрмабдур эрди ва ул Ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъною руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилғон бўлса, они увайсий дерлар”. Шундан келиб чиқиб, бу силсила тарафдорлари ўзларини пайғамбар паноҳида парвариш топган кишилар деб билиб, уларнинг мақомоти пирсиз шайхлик даражасига етиш ва авлиё сўфий бўлиш эди. Бу йўлда уларга ўтган авлиёлар руҳи

мададкор эди.

Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” асарининг Увайс Қараний ҳақидаги мақоласини якунлар экан, бу ҳақда шундай ёзган эди: “Билгилки, бир тоифа инсонлар бўлади, уларни увайсий дейдилар. Улар ҳеч бир ҳожат ва воситасиз Пайғамбар (а.с.) руҳидан тарбия топурлар, Увайс топгандек. Улар шунчаки зоҳирда бир-бирларини кўрмадилар, аммо ботиндан файзу футуҳ топдилар. Бу олий мақомдир, бу давлат ҳар кишига муяссар бўлмас”. Худди шундай Баҳоуддин Нақшбанд – Абдулхолиқ Ғиждувоний, Фаридиддин Аттор – Мансур Ҳаллож руҳидан тарбия топганлар. Масалан, Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ёзар экан: “Аларға қабул назари фарзандлиққа Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур... Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қ.с. руҳидин топибдурлар”. Фаридиддин Аттор ҳақида эса “баъзи дебдурларки, увайсий экандурлар ва Мавлоно Жалолиддин Румий қ.с. сўзларида мазкурдурки, Шайх Мансур Ҳаллож руҳи юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳиға тажаллий қилди ва онинг мураббийси бўлубдур”.

Увайсий ҳам бир байтида: “Эй ориф, риёзат босқичларини босиб ўтмаган деб менга таъна тошини отма, чунки – мен увайсийман: мени улуғ валийлардан бирининг руҳи келиб тарбиялаган. Мен ўзини ишқ ичра яширган дарди бедаво Увайсийман!” – дейди:

Вайсий бериёзат деб саҳл тутма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман!

Бошқа бир ғазалида эса Увайсий Қараний ўзининг ҳамномини тарбият қилса, не ажаб, дейдики, бу бизни балки шоира шу буюк зотнинг руҳидан тарбия топиб, унинг шарафига Увайсий тахаллусини олмаганмикан, деган тахминга олиб келадики, бу масалага кейинги тадқиқотлар ойдинлик киритади:

Сўзни ваҳм этмай дегил, ҳозир билиб соҳибқирон,
Тарбият қилса, нетонг, ҳамномига Вайс ул-Қаран?!

ТАЖАЛЛИЙ

Тажаллий (арабча: кўриниш, жилваланиш) – 1. Нур, жилва; 2. Жилваланиш, ошкор бўлиш, намоён бўлиш; 3. Тасаввуфда: илоҳий нур. Ҳақ зоти ва сифатларининг ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар хил даражада намоён бўлиши, яъни ўзини-ўзи аён этиши. Ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар.

Мусо пайғамбар Оллоҳ таолодан ўзини кўрсатишини сўраганда у тажаллий нурини Тур тоғига солади. Тажаллийнинг маъноси очилмоқдир дейди шунга ишора қилиб Рабғузий. Бу тажаллий нуридан Мусо беҳуш бўлади. Илоҳий нурнинг ғалабаси ҳам дейилади.

Тажаллий ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд бўлиб, уни икки, уч, тўрт гуруҳга бўладилар. Иккига бўлинганда: 1) оммавий тажаллий – ундан барча баҳраманд бўлади; 2) хослар тажаллийси – фақат мўминлар, сиддиқлар ва орифларга насиб этади. Учга бўлинганда: 1) зотий – илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси; 2) сифотий – илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; 3) исмий – Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зоҳир бўлиши.

Тўртга ажартилганда бунга яна феълий тажаллий қўшилади: илоҳий феълларнинг банда қалбида ҳосил бўлиши.

Тажаллий руҳоний ва раббоний тажаллий деб ҳам иккига ажратилади. Яна улуҳият ва рубубият тажаллийси ҳам бўлиб, бири Муҳаммад алайҳиссаломга, иккинчиси Мусо пайғамбарга тегишли.

Сажжодий уни илоҳий, жалолий ва жамолий, шунингдек, аввалги ва охирги тажаллийга бўлиб ўрганади.

Олам ва ундаги барча нарсалар Ҳақнинг тажаллийсидан иборат.

Хоҳ олий мазҳар, яъни маънавий,
Хоҳ қуйи мазҳар, яъни имконий бўлсин,
Тажаллий истасанг ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.

Орифнинг кўнглида жилваланадиган мукошафа нури ва 4 хил бўлади: 1) тажаллийи нафас; 2) тажаллийи нурий; 3) тажаллийи маънавий; 4) тажаллийи завқий Ҳар кимнинг истеъдоди ва даражасига қараб, ҳар хилда намоён бўлади. Масалан, Мусо пайғамбарга дарахт, имом Жаъфари Содиққа калом суратида намоён бўлган.

Тажаллий – ошкор бўлиш; равшан ва ошкор қилиш; жилва қилиш.

Тасаввуфда Мусо а.с.га Тур тоғида намоён бўлган ва уни беҳуш қилган илоҳий нур ғалабаси. Форсийлар тажаллийни тажалло тарзида ҳам ишлатадилар.

РИЁЗАТ

Риёзат (арабча) – 1. Қийинчилик, машаққат, оғир меҳнат, заҳмат. 2. Парҳезкорлик, порсолик, зоҳидлик. 3. Нафсни таслим этиш ва ўлдириш. 4. Тариқатга кирган соликнинг камолот касб этиш ва ҳаққа етиш йўлида чекадиган машаққатлари, ранжу изтироблари, нафс хархашалари ва шайтон васвасаларини енгиш. Баъзилар нафсни ўлдириш Ҳақ йўлида жиҳод қилиш ҳам дейдилар. Тасаввуфда бу асосий шартлардан бири ҳисобланади: дунё ва ташвишлардан ўзни тортиб, нафсни ўлдириш учун ўзини қийноққа солиш; оз ейиш, оз ухлаш, оз сўзлаш, нафс орзуларидан қутулиш учун хилватга чекиниб, ўзини минг бир азобга солиш билан нафсини тарбиялаш. Масалан, шоҳ Шужоъ Кирмоний 40 йил, Абу Ҳанифа Куфий 30 йил, Суфёни Сабрий 20 йил кечаси ухламаган, ёки Сирри Сақатий айтади: “Нафс мендан қирқ йил бол истади, бермадим. Нафсимнинг шумлигидан кунда бир неча марта ойнага қарар эдимки, юзим қора бўлмадимикан деб”.

“Садди Искандарий”даги Искандар образини донишмандлик ва орифлик нуқтаи назаридан текширган Н.Комилов унинг оламни кезиб чиққани, ер усти ва ер ости ажойиботларини кўргани рамзий маънода аслида риёзат эканини таъкидлайди.

Риёзатнинг уч даражаси бор: 1. Шаръий нақлий илмларни эгаллаш орқали Ҳақ марҳаматига эришишга йўналган омма риёзати. Бу мақомга шариат талаб қоидаларига амал қилиш асосий ўрин тутади. 2. Хослар риёзати. Ҳақдан бўлак ҳамма нарсадан узилиш. Камолот касб этиб, амал ҳоли мақомига кўтарилиш. 3. Хослар хосининг риёзати. Бу мақомга солик зот шуҳуди мақомига етади ҳамда азалий фонийлик ва боқийлик мартабасини топади. Шу тариқа табиатидаги ҳар турфа қусурлардан қутулиб, эзгу фазилатлар касб этиш, хулқни гўзаллаштириш. Риёзат соликни намозу рўзага одатлантирибгина қолгай, эҳтирос ва шаҳватни жиловлаш, ранжу азобларга сабр этиш, айбу гуноҳлардан сақланишга ўргатади. Зеро, нафсни енгмай туриб, Ҳақ сирига етиб бўлмайди.

Жонға бир душворлиғ қўймай риёзат ранжидин,
Сарф бўлди нақди авқотим таносонлиғда ҳайф (ҒС,303).

Риёзат йўли оғир ва мураккаб бўлиб, бу йўлга етук етакчи етагида кирмаган киши адашиши мумкин. Масалан, "Мажолис ун-нафоис"да замондоши шоир Камолиддин Биноийнинг ўзидаги қусурлардан қутулиш учун риёзат йўлига киргани, лекин бирор пирнинг этагидан тутмагани боис ҳеч бир натижага эришмаганини ёзади: "Бу сифати салбий учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади". Шунинг учун ҳам тасаввуфда ҳар жиҳатдан комил муршидга мурид тушиб, бу маънавий раҳбарнинг азму иродасига бўйсуниш, ўз айбу нуқсонларини унинг кўрсатмаларига биноан тузатиш энг мақбул ва энг кенг тарқалган йўл ҳисобланади. Бу аслида Муҳаммад алайҳиссалом йўли бўлиб, Пайғамбаримиз саҳобаларни худди шундай суҳбат усули билан тарбиялаганлар. Шоирнинг ўзи ҳам 1476 йили Абдураҳмон Жомийга қўл бериб, нақшбандия тариқатига кирган.

Иста комил хидматин ғафлатни рафъ айлай десанг (ҒС, 595), –

деб ёзади бу ҳақда шоирнинг ўзи.

Инсонни камолот йўлидан бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, ёмон одатлардан халос этиб, яхши фазилатларга ошно қиладиган, кўнглидан "ғайр нақшини кетказиб", илоҳий маърифатга етказадиган, қисқаси, хом толибни риёзатлар ўтида пиширib, гўзал хулқ ва етук илм соҳибига айлантирадиган, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий раҳбарни Навоий пир, муршид, комил, ориф, соқий, пири майхона, пири майкада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, пири муғон, пири хаммор каби мажозий тимсол ва сифатлар билан улуғлайди. Шунга мувофиқ, майхона, майкада, дайр, дайри фано, харобот, бутхона сўзлари ана шундай комил инсонлар суҳбати, давраси ва йиғиладиган жойини англатади. Масалан:

Қадаҳ гар бермасанг, эй дайр пири, не осиғ ранжким,
Сулук этмас асар гар пирдин етмас ҳидоят хўб (НШ, 48).

Риёзат аҳли – ҳар лаҳза нафсга қарши курашадиган, Ҳақ зикрини бир нафас тилидан қўймайдиган, ҳар турфа моддий боғлиқликлар ва дунёнинг зулмат пардасидан ўзини халос қилган, кам еб-ичадиган, кам ухлайдиган, кам гапирадиган, эҳтиросу шаҳватларни тарк этган, кибру ғурурини синдирган кишилар. Бунинг натижасида уларга руҳоний нурлар зоҳир бўлади ва бу тоифадан ғаройиб ишлар содир бўлади.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 78; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – S. 119.*

РОВИЙ

Ровий (арабча) – бирор хабар ёки ривоятни бировнинг тилидан нақл этувчи, ривоят қилувчи, қисса айтувчи. Қадимда ривоятлар махсус кишилар томонидан нақл қилинган. Уларни ровийлар деб атаганлар. Абу Райҳон Беруний диний ва тарихий ривоятларни

ҳофизасида сақлаб, давраларда айтиб юрадиган махсус ровийлар ҳақида маълумот беради. Кўпчилик ривоятлар ёки халқ китобларидаги "Ровийлар андоқ ривоят қиладиларким..." бошланмаси ҳам ўтмишда махсус ровийлар фаолият кўрсатганлигидан гувоҳлик беради. Ровийлар репертуарини кўпроқ ривоят, афсона ва тарихий воқеалар ташкил этади. Ровий ривоятни айтар экан, кўпинча "Мен бу воқеани улуғлардан эшитганман", "Бу воқеанинг ўзим гувоҳи бўлганман", "Донишмандлар айтадиларки", "Халқ айтадики" каби жумлаларни ишлатадилар – улар тарихий воқеаларни далиллаш баробарида, тингловчида ишонч ҳосил қилади. Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонининг деярли ҳар бир бобини ровийлар, ноқиллар нақли билан бошлайди. Масалан:

Қилғон бу фаслни ков-кови,
Бу қиссаға бўйла бўлди рови(й)...

Мундоқ деди ровийи фасона –
Ким, келгач атоси уйга ёна...

Адабиётлар: *Алишер Навоийил Лайли ва Мажнун \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 9-жилд. – Тошкент, 2011, 5–273-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 363; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 141; Очилов Э. Маърифат чашмаси \\ Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. – Тошкент, 2013, 8-бет.*

САМОЪ

Самоъ (арабча: эшитиш, тинглаш) – тасаввуфда дарвешларнинг важду ҳолга эришиш мақсадида уюштирадиган зикр давралари, куй, қўшиқ ва рақс мажлислари, улардан ҳосил бўладиган завқу шавқ ҳолати, важду жазба.

Маълумки, шеър ва мусиқа инсон руҳиятига кучли таъсир қилади. Буни пайқаган сўфийлар мусиқа кечалари ташкил қилганлар. Бу соликнинг руҳга кириши – ўзини унутиб, ҳол мақомини эгаллаш жараёнини тезлаштирган. Ҳазрати Башир бу ҳақда: "Бизнинг рақсу самоъларимиз Ҳақ субҳонаҳу таолонинг зоти шарифига яқинлаштиради ва юракларимизни сафоли, мусаффо қилади", – деган эди. Зеро, Абулҳасан Харақоний таъбири билан айтганда, "киши суруд этса (ғазал ўқиса) ва Ҳақни тиласа яхшироққи, Қуръон ўқиса ва ғайрни тиласа". Хусусан, сукра – бехудлик маслагининг тарафдори бўлган сўфийлар бунга катта эътибор берганлар. Абусаид Абулхайр самоъ мажлисининг асосчиларидан ҳисобланади. Мавлавия тариқатида ҳам зикру самоъ мавжуд.

О.Усмоннинг маълумот беришича, "машҳур мутасаввиф шайхларнинг хонақоҳларида уюштирилган аксарият йиғинлар ва анжуманлар пайтида аввал қаввол (нотиқ) ўртага тушиб, тасаввуф руҳидаги рубоийларни қироат қилар экан. Сўнгра машшоқлар чалган ёқимли созу овоз жўрлигида хушовоз ҳофизлар ўша рубоийларни қўшиқ қилиб куйлашар экан". Шу зайлда жўшу хуруш ҳолатида самоъ жараёни бошланиб, аста-секин ҳол (экстаз ҳолати) билан алмашган. Йиғилганлар бир неча соат давом этган жўшқин ва ҳаяжонли кайфиятда, жўшу хуруш, жазава ва кўтаринки ҳолатда зикр тушар эканлар. Мазкур зикр тушиш жараёни тасаввуфий ибора билан "дарвешони чархон" ("чарх урувчи дарвешлар") деб аталган. Абусаид Абулхайр ва Жалолиддин Румийларнинг кўпчилик рубоийлар ана шундай самоъ мажлисларида бадиҳа тарзида тўқилган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, самоъни ёқтирмайдиган хилватнишин шайхлар ҳам (Масалан, Абдулхолиқ Ғиждувоний

самоъни ман қилган) тасаввуфнинг кўплаб назарий масалаларини тушунтириш учун ўз нутқларида шеърий ҳикматлар, рубоийлардан фойдаланганлар. Чунки, Н.Комилов таъбири билан айтганда, "тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра ҳиссий-бадиий тафаккур билан тушунтириш осон".

Самоъга диний-тасаввуфий матнларни эшитиш, мақом ва мусиқалар воситасида ўқилган исломий-маърифий асарларни тинглаш ҳам киради. Тинглаш ва зикрдан сўфийлар завқу шавққа тушиб, рақс этишган, чарх уришган.

"Абулқосим Бағдодийнинг таснифи бўйича, самоъ икки хилдир: 1. Сўз тингламоқ. 2. Куй тингламоқ. Самоънинг биринчи хилида бироз сўз тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинади. Лекин бундай самоъ фақат поклик ва қалб ҳузури билан эшитилмоғи лозим. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг илк босқичларидаёқ мусиқа руҳнинг ғизоси ва ризқи сифатида эътироф этилган. Руҳ озиғига айландими, у юксак мақомларга парвоз қилган. Имом Ғаззолий ҳам "Маърифат соҳибларига самоъ руҳнинг озиғи эрур.. Шунинг учун мусиқий завқни фақат нозик бир табиат ва соф бир руҳ билан идрок айлаш мумкиндир" деганлар. Шаҳобиддин Суҳравардий бундай ёзганлар: "Мусиқа айримлар учун – шифо, баъзилар учун – ғизо, бировлар учун эса қувончдир".

Самоъ 3 ният билан тингланмоғи жоиз бўлган: севги, важд ва хавф. Самоъда нашъанинг 3 аломати кузатилган: рақс, олқиш ва қувонч" (И.Ҳаққул).

Тасаввуф ўзига хос адабиёт, образлар олами ва истилоҳлар тизимини яратибгина қолмай, "ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам қўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлаштирилган томошага айланар эди, фақат сўфийларнинг ўзи эмас, атроф-жавонибдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилиб кўрганлар. Масалан, "Нафаҳот ул-унс" асарида Шайх Абусаид Абулхайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади" (Н.Комилов).

"Насойим ул-муҳаббат"дан ҳам кўплаб шайху авлиёларнинг самоъга муносабати ҳақида маълумотга эга бўламиз. Масалан, Маймун Мағрибийнинг самоъда ҳоли ўзгариб, қора ранги оққа эврилар экан. Абулҳусайн Даррож, Абубакр Сусий, Зуннун Мисрий, Шиблий, Харроз, Нурийлар эса самоъда дунёдан ўтишган. Абубакр Розий самоъ ниҳоятда фитнаомезу тарабангездирки, ўзни бу фитнадан асрамоқ керак дейди. Жаҳм Раққий самоъга ошуфта ва кўнгул берган эди. Абусаҳл Суълукий ҳам яхши самоъ қилар эди. У самоъни ҳақиқат аҳли учун мустаҳаб, олимлар учун мубоҳ, фосиқ ва фожирлар учун макруҳдир дейди.

Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кусуйи Жомий ҳақида гапирар экан: "Ваъз ва самоъ мажлисининг асносида аларға азим важд юзланур эрди ва сайҳалар тортар эдиларки, мажлис аҳлиға сароят қилур эрди", – деб ёзади. Шайх Садруддин Раввосийнинг ҳам самоъи "халойиққа бағоят мўътабар ва муҳтарам эрди".

Самоъ деб кўнгилни ваҳдат оламига боғлайдиган маънавий ҳолларнинг зуҳури ва бехудона завқу шавқларга ҳам айтилади. Сўфийлар учун самоъ Ҳақдан келган файз ва Ҳақ сари ўзига хос даъватдир. Уни эзгу ният билан тинглаган мақсадига етади. Самоъ мўминнинг иймонини, кофирнинг куфрини поклайди.

Дин аҳлининг рақсу самоъ ва мусиқани бидъат деб эълон қилганларига қарама-қарши тасаввуфда самоъ ботиний мазмуну моҳиятга эга бўлиб, нафс девидан озодлик рамзи ҳисобланади. Қушайрий самоъни сўфийлар ҳолининг таркибий қисми ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, риёзат аҳли ва мужоҳадат арбоби самоъни соликнинг қалби ва нафсида камолотнинг ҳосил бўлиши деб биладилар. Жалолиддин Румий самоъни илоҳий сирларни идрок этиш деб атаган.

Манбаларнинг маълумотига кўра, IX асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кўплаб

самоъхоналар бўлган. Самоъ мавлавия тариқати амалий таълимотининг асосий унсури ҳисобланади. Тариқат давомчилари Туркияда ҳозир ҳам самоъни қалб ва нафс поклиги учун асосий восита деб биладилар. Воқеан, орифлар самоъни руҳ амали ва зикрни қалб амали дейдилар. Уларнинг фикрича, туя қўнғироқ садолари остида оғир юкни осонлик билан ташиганидек, солик ҳам самоъ воситасида илоҳий маърифатнинг узун йўлини енгил босиб ўтади.

Самоънинг махсус одоби бўлиб, унинг дастлабки аломати ихлоси ниятдир.

Самоъни бир неча қисмга бўладилар: ҳалол, ҳаром, мубоҳ (жоиз, раво), макруҳ (нохуш, нафрат қўзғатувчи). Масалан, Ҳақ аҳли учун ҳалол, илм аҳли учун мубоҳ, фисқ аҳли учун макруҳ. Агар самоъда шайтоний ва нафсоний хавф бўлса-ю, шаҳват пайдо бўлса, у ҳаромдир.

Сўфийлар самоъси мавзун ҳаракат ва ички жўшу хуруш билан ўзни унутиш ва аслга боғланишни ифода этади. Бошқача айтганда. инсон руҳи “Аналҳақ” ғулғуласига тушади ва бу даражага етишганлар малакут нурлари жилвасини ҳис қиладилар. Самоъ жонўртар мусиқа садолари остида кечади. Румий мусиқани юксак амаллардан деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, самоъ ниҳоясига етса, мусиқа бошланади. Айни жиҳатдан мусиқа жаҳон ва ошиқлар тили бўлиб, инсонга ҳаётий куч ва илҳом бағишлайди. Мавлононинг нуқтаи назарига кўра, ирфоний мусиқа ёки ҳикматнинг энг яхши мақоми рубоб ва найдир. Най инсон рамзи бўлиб, садоси кўп жиҳатдан инсонга ўхшайди.

Султон Валад Туркияда асос солган мавлавия тариқатида самоъ кенг ўрин тутади.

Самоъда бир қанча рамзлар бўлиб, уларни билмай туриб, мазкур амалнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Жумладан, сўфийларнинг қўлларини бир-бирларига бериб, самоъ қилишлари – само ёритқичлари ҳаракати рамзи; рақс жараёнида ёқани чок этиш – нафс қушининг тубан дунё қафасини тарк этиши рамзи; кигиз кулоҳга шол боғлаш – қабр тоши рамзи; узун этак – кафан рамзи; хирқа – қабр рамзи ва ҳ.к. Умуман, рақсу самоъни сўфийларга илоҳий руҳнинг эниши ва унинг натижасида табиат ва тийнатлари гўё фавқуттабиий хусусият касб этиши рамзи деб ҳисоблайдилар.

Қилмай ул Зуҳражабин базмда бир даври самоъ,
Не учун бўлди экин шефта кўнглум раққос (БВ, 271).

Адабиётлар: *Алишер Навоий Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент. 2011, 87–510-бетлар; Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 435–436; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 477–478; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – Саҳ. 312; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 249; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – Саҳ. 379; Усмонов О. Шайх Нажмиддин Кубро ва кубравия тариқати \\ Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент, 1995, 25-бет; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент. 1996, 156-бет: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 239–240-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ 186; Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент, 1997, 19–20-бетлар; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 227–228-бетлар.*

СОҲИБҚИРОН

Соҳибқирон (арабча: қирон соҳиби) – ўтмиш мунажжимларининг ақидасига кўра, Зуҳал (Сатурн) ва Муштарий (Юпитер), Зуҳра (Венера) ва Муштарий, Зуҳра ва Қуёш эклиптика даврининг маълум даражасида тўқнаш келиш даври (қирон)да туғилган бола бахтли, саодатли; ғолиб, музаффар; улуғ мартабали, бирор соҳанинг етакчиси бўлади, деб башорат қилинади. Нақл қилишларича, бундай қирон улкан сайёралар тўқнашганда юз беради. Масалан, Зуҳал ва Муштарий қирони ана шундай улкан қиронлардан бўлиб, бу қирон вақтида туғилиш саодат ва шараф аломати бўлган. Бу қирондан кейин кўп йиллар давомида фаровонлик бўлиб, ҳукмдорлик узоқ давом этган. Зуҳра ва Муштарий сайёралари ўзаро яқинлашганда туғилгани учун олти иқлим ҳукмдори ҳисобланган Амир Темурга Соҳибқирон деган ўз даврининг энг юксак ҳарбий унвони берилган. Қудратда унга яқинлашган бошқа ҳукмдорлар Соҳибқирони соний – иккинчи Соҳибқирон деб улуғланган. Масалан, темурийлардан Ҳусайн Бойқаро, шайбоний хонлардан Абдуллахон II, Эроннинг қажарлар сулоласига мансуб Насриддиноҳ Соҳибқирони соний унвони билан шарафланган. Умуман, Шарқ мамлакатларидаги қудратли ва жаҳонгир подшоҳларнинг кўпи Соҳибқирон деб таърифланган. Соҳибқирон жаҳонни эгаллаган қудратли подшоҳ, жаҳонгир, жаҳон соҳиби маъноларида ҳам талқин қилинади. Мажозан: саодатманд, музаффар, жаҳонгир, бахтли соатда туғилган, бахти чопган, ўз қавми ва соҳасининг сардори маъноларида қўлланади. Масалан, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарони Соҳибқирон деб улуғлабгина қолмай, бу сўзни унинг сифатига айлантириб, ҳамиша султони Соҳибқирон деб тилга олади. “Султони соҳибқирондин етиштиким...”, “Султони соҳибқироннинг олий табъи...”, “Султони соҳибқироннинг раъйи оламоройию замири хуршидтаъсири...”, “Султони соҳибқироннинг фирдавсосо суҳбатидаву сипеҳрфарсо ҳазратида”, “Султони соҳибқироннинг инъоми беғоятидин ва эҳсони бениҳоятидин...” ва ҳоказо. Ўз навбатида, Ҳусайн Бойқаро улуғ шоирга “сўз мулкининг соҳибқирони”, “фасоҳат мулкининг соҳибқирони” сифатини беради. Алишер Навоий эса қатор шеърларида гўзал ёрни ҳусн аҳлининг Соҳибқирони деб таърифлайди. Масалан:

Маҳвашеким, чеҳра давринда қирон этмиш аён,
Даврнинг маҳвашларида улдурур соҳибқирон (БВ, 443).

Маълум бўладики, коинотнинг уч туркум сайёраси: Зуҳал – Муштарий, Зуҳра – Муштарий ва Зуҳра – Қуёш тўқнашуви вақтида туғилиш бахт ва зафар, нуфуз ва шуҳрат белгиси ҳисобланади. Бу мартабага муяссар бўлиш коинотнинг сирли ҳодисалари билан боғлиқ деб тушунилган ва талқин қилинган.

Соҳибқирон атамасини шакллантирган “қирон” сўзининг бахт, толе, иқбол, омаддан кўра кўпроқ давлат, мамлакат, дунё эгаси, жаҳонгир маъноларини билдиришидан келиб чиқиб, баъзилар уни “қарн” – дунёнинг кунчиқар ва кунботардан иборат икки томони, бошқача айтганда, жумла жаҳон, бутун олам маъноси билан ҳам боғлайдилар. Ўшанда бу сўз мажозан эмас, луғавий маъносида ҳам жаҳонгир, олам соҳиби, дунёнинг эгаси бўлган қудратли ҳукмдор маъносини тўла ифодалайди.

Адабиётлар: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, 3-жилд. – Тошкент, 2007, 564–565-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 267; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёсул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 3–4; Муҳаммаджонов А. “Соҳибқирон” ва “Зулқарнайн” атамалари ҳақида \\ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2005, 1-сон, 31–34-бетлар.*

СУ(В) КИШИСИ

Су(в) кишиси (мардуми оби) (форсчаси: одами оби) – одам шаклидаги сув ҳайвони. Териси оқ, сурати нозик ва гўзал (афсонавий сув париси). Алишер Навоий қатор ғазалларида ундан ўз бадиий мақсади йўлида фойдаланади. Масалан, қуйидаги байтида сув кишисининг ватани денгиз бўлганидек, мен ҳам кўз ёши денгизида яшашга одатланганман дейди:

Сиришк баҳри аро, ўйла, хўй қилмишмен –
Ки, су кишисидек ўлмиш тенгиз аро ватаним (БВ, 414).

Бошқа бир байтида эса йиғисининг шиддатидан ёш денгизи ичида қолган кўз қорачиғини сув кишисига ўхшатади:

Су кишисидур биайниҳ кўзларимнинг мардуми,
Йиғларимдин қолғали дарё киби ёш остиға (БВ, 550).

Яна бир байтида кўз ёшининг оҳ ўтидан асраганини сув одамининг кўзини яширганига нисбат беради:

Оҳ ўтидин бори қутқарди буким, ашким аро,
Су кишиси янглиғ ўз мардумларин ёшурди кўз (ФК, 218).

"Девони Фоний"даги форсий бир қитъасида ҳам шоир сув кишиси (одами оби) образидан ўз бадиий мақсадини ифодалашда маҳорат билан фойдаланади:

Тираам аз мардуми чашми худ, эй Фоний, зи бас,
К-омадаам бар рўзи мардум дар жаҳон номардуми.

Одами оби агар жўям зи дарё, ғарқа гашт,
З-он, ки аз рўи замин гум гашта жинси одами.

"Эй Фоний, ўз кўзимнинг қорачиғидан кўнглим қоронғи, чунки одамийликдан йироқ жаҳон менинг чекимга тушди. Энди дарёга ўзимни ташлаб, сув одамини излайми? Сабаби: ер юзидан одам жинси йўқолиб кетган".

Алишер Навоий ижодида мардуми оби тарзида ҳам учрайди:

Ишқ дарёси ани мардуми оби эткан,
Ҳажр саҳроси аро ғули биёбон бўлған (Н.Ш, 488).

Су кишиси деганда афсонавий сув париси ҳам кўзда тутилади.

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 22; Баҳори Ажам. Жилди 1. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 45.*

СУКР

Сукр (арабча: – мастлик, мастлик ҳолати) – тасаввуфда сўфийнинг ҳолатларидан бири бўлиб, унда солик ақлу идрокини унутиб, фано мақомида маҳв бўлади. Саҳвнинг муқобили. Тасаввуф тарихчилари сукрни зоҳир ва ботин ўртасидаги тафовутнинг йўқолиши деб ҳисоблайдилар. Улар важд аҳлини зот ва сифат ошиқлари тарзида иккига ажратиб, иддао қиладиларки, солик Ҳақ муҳаббатига интилиб ва унинг мушоҳадасига рағбат кўрсатиб (чунки орифнинг умиди дийдордир), ақлу ҳушдан жудо бўлганича жам ва тафриқа ўртасидаги фарқни унутади ва ўзини Худо ҳисоблаб, Мансур Ҳаллож каби "Аналҳақ" – "Мен Ҳақман" дейди. Муҳаққиқлар бу таълимотнинг асосчиси сифатида мастлик ва бехудликни худпарастликдан узоқлашиш ва ўзни англаб етишнинг ягона йўли деб билган Боязид Бистомийни кўрсатадилар. Ундан сўнг Абушукур Шиблий, Абулҳасан Харақоний, Мансур Ҳаллож, Абусаҳл Тустарийлар бу таълимотни ривожлантирдилар.

Сукр ва саҳв йўли қадимдан давом этиб келади. Уларнинг бири – Боязид Бистомий, иккинчиси – Жунайд Бағдодий номи билан боғлиқ.

Боязид "сукр" – "мастлик" ("девоналик") маслагини илгари суради. Унинг уқтиришича, илоҳий май бўлмиш Оллоҳ муҳаббатидан масту мустағрақ бўлган, ўзини унутган кишигина илоҳ маърифатини ҳис қила олади. Маст бўлмаган одам – ошиқ эмас. Яъни, унинг уқтиришича, сўфий зикр пайтида ўзини унутиб, Худонинг ишқида масту мустағрақ бўлади. Бундай ҳолатни у фано деб атади. Ўзлигини унутган – фанога эришган сўфий илоҳий сифатларни қабул қилади. У ўз таълимотида илоҳий (лоҳут) ва инсоний (носут) руҳни, яъни маънавий ва моддий ибтидони ўзаро бирлаштиришга интилган. Шунинг учун уни ҳулул – Худо билан бирлашиб-қўшилиб кетиш ғоясини даъво қилишда айблашган. Шундай фикрлари ва Мансур Ҳалложнинг "Аналҳақ" – "Мен – Ҳақман" деган сўзларини эслатувчи ҳол илҳоми билан айтган "Субҳони, субҳони мо аъзам уш-шаъни" ("Мен шарафланганман, менинг шаъним ниҳоятда баланд") деган сўзлари учун у етти марта туғилган шаҳри Бистомдан қувиб чиқарилган.

Жунайд Бағдодий унга қарама-қарши саҳв – ҳушёрлик маслагини афзал кўради. Чунки сукр фақат соликнинг ўзини қутқарса, саҳвдан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши мумкин. "Шундай экан, бехудлик даражасидан кейин илоҳий маърифатга қалби тўлишиб, қайта ҳушёр тортган ориф улуғроқдир. Негаки, энди у ўз билимини халққа етказиб, юзлаб дилларни маърифат нури билан ёритади... Жунайд Бағдодий айтишича, ҳақиқий бақо "саҳв" – ҳушёрликка қайтишдан кейин бошланади. "Сукра"даги одам бамисоли денгизга шўнғиб, ғарқ бўлган киши бўлса, "саҳв"га қайтган денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб чиққан ғаввосдир" (Н.Комилов).

Маълум бўладики, сукр – илоҳий ишқ майидан маст бўлиб, ўзини унутган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли бўлса, саҳв илоҳий маърифатдан кўнгли тўлишиб, ўзига келган ошиқнинг ҳоли.

Зоҳирий ва ботиний билимларга бирдай муҳаббатда бўлган Нажмиддин Кубро қисман Жунайд йўлига мансуб эди. Унинг шогирди Мажиддин Бағдодий эса Боязид йўлини маъқул кўради. Машрабда: "Ташла дилдан фикратингни – Шайх Мажиддин манам", – деган мисра бор. Бу билан у ўзининг ҳам ошиқона тасаввуфнинг оташин тарафдори эканлигига ишора қилади. Алишер Навоий эса Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро каби саҳв йўлини афзал билган. Чунки у илоҳий ишқда мастлик эмас, ҳушёрлик тарафдори бўлган. Салафлари ижодида илоҳий ишқ майидан маст ошиқ рамзи сифатида ҳассослик билан улуғланган Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллож номининг Навоий шеъриятида учрамаслиги бежиз эмас. У Мансур Ҳалложни ҳам, Боязид Бистомийни ҳам "Насойим ул-муҳаббат"да тариқат

намояндалари сифатида зикр этган, холос. “Насойим ул-муҳаббат” Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” тазкирасининг таржимаси эканлиги маълум. Лекин таржима давомида Навоий Ҳалложга оид фикр-мулоҳазаларнинг катта қисмини қисқартириб таржима қилади. “Лисон ут-тайр”да келтирилган ривоятда эса бир куни унда ғаройиб ҳол воқе бўлиб, Муҳаммад алайҳиссалом бу иши учун унга танбеҳ беради. Буларнинг бари Навоийнинг Ҳаллож маслагини қўллаб-қувватламаганидан далолат беради.

Лекин саҳв аҳли сукр аҳлининг бехудлигини ислом ақидаларига номувофиқ ҳисоблаб, уни ёмонлик манбаи деб эълон қилдилар. Сукр ва саҳв ўзаро қарама-қарши тушунчалар бўлиб, айни зиддиятлардан келиб чиқиб тасаввуф адабиётида муҳаққиқлар мутасаввифларни муҳаббат аҳли ва маърифат аҳли деб икки тоифага ажратадилар.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 527; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 305; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 292; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – Саҳ. 384; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент. 1996, 106-бет: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 238–239-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 225; Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент, 1997, 70–71-бетлар; Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент, 2011, 197–199-бетлар; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 228-бет.*

СУҲБАТ

Суҳбат – орифлар наздида ваҳдат ва тафрид мақоми. Суҳбат тариқат одоблари жумласига киради. Муҳаммад а.с. саҳобаларни суҳбат йўли билан тарбиялаганлар, чунки бу энг яхши, энг қулай ва энг таъсирли усулдир. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам “бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат. Хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатда бу шарт билаки, бир-бирига нафи бўлғай”, деганлар. “Ва дер эмишлар: “Солик вақтеки, Тенгри дўстларидин бири била суҳбат тутса, ўз ҳолидин воқиф бўлсун ва суҳбат замонини мувозана қилсун”. Нақлда айтилишича, мўмин халққа яқинлашса, халқ ҳам унга яқинлашади. Яна хабарда келтирилишича, мўмин халқ билан бирга яшаса ва ундан етган азиятларга сабр этса, хилватга чекинган кишидан афзалдир. Азизиддин Насафийнинг ёзишича: “Ориф киши билан суҳбатда инсон даражаси парвариш топиб, тўла зоҳир бўлади”. Шунинг учун ҳам у суҳбатда кучли таъсирлар ва катта хосиятлар мавжуд дейди. Агар солик мақсадга етмаса-ю, мақсади ҳосил бўлмаса, бунга унинг донолар суҳбатини олмагани сабабдир. Чунончи, “Девони Фоний”да ўқиймиз:

Нигарам неку бади мажлиси риндону бувад
Адаби сўҳбату май хўрданашон талқинам.

“Ринд аҳли мажлиснинг яхшию ёмон томонларини кузатаману суҳбат одобию май ичиш қоидасини таълим оламан”.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 525–526; Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1995, 53-бет.*

ДАЛЛАТ УЛ-МУҲТОЛА

Даллат ул-муҳтола (форсча-арабча: ўртага тушувчи, ҳийлагар, маккора хотин; Ёсуман) – “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳодни орадан кўтариш учун Хисрав ва Бузург Уммид ўйлаб топган фитна асосида Фарҳодни макр тузоғига тушириш учун ёлланган Ёсуман кампирни Алишер Навоий Даллат ул-муҳтола деб таърифлайди. Шоирнинг муболағали услубига кўра, у макру ҳийлада шунчалик устамонки, ҳийлагар фалак уни хола, афсона-ривоятларда жодугарлиги туфайли Даллат ул-муҳтола номини олган учига чиққан маккора уни она деб атайди. Юзида юзлаб макр чизиқлари яққол кўриниб турган бу аёлнинг тилидан умрида бир оғиз чин сўз чиқмаган. У ҳийла бошласа, отага қизни, онага ўғилни қарши қилиб қўяди. Бир сўз билан юзлаб оилаларни бузиб юборишга қодир. Керак бўлса, иккаласини ҳам бокира қиз қилиб кўрсата олади.

Атаб кўк пири золи хола они,
Ано деб Даллат ул-муҳтола они.

Этиб тадбир ила ул холани бикр,
Ҳар оқшом Даллат ул-муҳтолани бикр.

У Фарҳодни Хисрав Арманияни олиб, Ширинга уйланмоқчи бўлди, лекин у севганига садоқат сақлаб, ўз жонига қасд қилди деб алдайди. Ширидан айру ҳаётида маъно кўрмаган Фарҳод ҳам бошини тошларга уриб, ўзини ҳалок этади. Фарҳодкушнинг ўзини эса Фарҳодга қадрдон бўлиб қолган ҳайвонлар пора-пора қиладилар.

Сибоъ ул ҳолни айлаб назора,
Қилиб Фарҳодкушни пора-пора.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 6-жилд. – Тошкент, 2011, 658–680-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 315; 316; 815; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 1-жилд. – Тошкент, 1983, 445-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 239.*

АСҲОБИ ФИЛ

Асҳоби фил – фил соҳиблари; фил минган кишилар. Муҳаммад а.с. таваллуд топган 570 йилда Яман ҳокими Абраҳа бошчилигида қудратли филларга миниб, Каъбани бузиш учун бостириб келган сон-саноқсиз кофирларни Оллоҳ таоло ўзининг ожиз махлуқлари бўлмиш қушлар – тайрон абобиллар тумшуқларида келтирган майда тошлар билан ҳалок қилади ва Каъбани туғилажак сўнгги пайғамбар, янги дин ва янги уммат учун сақлаб қолади.

Бу ибратли воқеа қиёматгача Каъбага юзланиб намоз ўқийдиган мўминларга ўрнак, Оллоҳнинг динига қарши турувчи кофирларга эса аччиқ сабоқ бўлиб қолганлиги Қуръони каримнинг “Фил” сураси орқали билдирилган.

Ривоят қилишларича, қушлар томонидан отилган ҳар бир тош бир кофирнинг бошини тешиб кириб, остидан чиқиб кетган экан.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг Бадеъуззамон мирзога панд-насиҳат бериш ва

йўл-йўриқ кўрсатишга бағишланган 20-мақолатида шаҳзода шоҳликдан ғурурланиб, Ҳақ қаҳру лутфидан ғофил қолмаслигини тайинлар экан, мазкур илоҳий мўъжизага ишора қилади:

Кўрки, не бир лаҳзада бўлди қатил,
Тайри абобил ила асҳоби фил.

“Маҳбуб ул-қулуб”даги 6-танбеҳда эса Оллоҳ таоло даргоҳининг кенг ва улуғлигига мисол тариқасида ушбу воқеани тилга олади:

“Субҳоналлоҳ, не васеъ даргоҳ ва не рафеъ боргоҳдурким, анда пил хартуми пашша хартумиға забундур. Не ажаб, агар ақл саркаши мабҳут ва илме сарнигундур анингким, юз қилола пили бор эрди, ярим пашшаи муҳлик нишиға забун ва зор эрди. Бу даъвиға ул равшан далиледур “Асҳоби фил” воқеаси ва “Тайрон абобил”дур”.

Адабиётлар: *Қуръони карим (Алоуддин Мансур таржимаси). – Тошкент, 1992, 480–481-бетлар; Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 6-жилд. – Тошкент, 2011, 282-бет; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 9-жилд. – Тошкент, 2011, 504-бет; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 28; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987, 32-бет.*

АБРАҲА

Абраҳа – Яман ҳокими (ҳабашча: Иброҳим). Ривоятга кўра, Каъбани катта кўпчилик зиёрат қилишига ҳасад қилиб, Санъо шаҳрида Қуллайс номли муаззам насроний ибодатхонасини қуради ва халқни Маккага бормай, уни зиёрат қилишга даъват этади. Лекин Яман аҳли Маккага ҳаж қилишни тарк этмаган. Каъбани яксон қилсам, ҳамма мен қурган бутхонани тавоф қилади деб ўйлаган жоҳил ҳоким филлар минган улкан қўшин билан Каъбага ҳужум бошлайди (Шунинг учун у соҳиб ул-фил лақабини олган). Лекин Каъбага яқинлашганларида Оллоҳ таолонинг қудрати билан Абраҳа қўшини устига гала-гала қушлар учиб келиб, тумшуқларида олиб келган тошчаларини уларга ёғдирганлар ва филларни ҳам, лашкарни ҳам ҳалок қилганлар. Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Абраҳа ул кишидурким, Маккани бузғоли азимат қилиб эрдиким, Бори таоло тайри Абобилни йибориб, ани ва черикин ҳалок қилди”. Унинг қабрига кўзи тушган кишининг қўли беихтиёр тошга чўзилиб, унга тош отар эмиш. Бу воқеа Муҳаммад а.с. таваллудидан бироз олдин юз берган. Қуръони каримнинг 105-сураси “Фил” номи билан аталиши ва Муҳаммад а.с. “Фил” йилида туғилган дейилишининг ҳам сабаби шу.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 8-жилд. – Тошкент, 2011, 638-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 33–34; Бурҳони қотеъ. Жилди 1. – Душанбе, 1993. – С. 68–69; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 9-бет.*

АРБАЪИН

Арбаъин (арабча) – 1. Сон номи – қирқ. 2. Мажозан: сўфийлар хилватга чекиниб, ёлғиз риёзат чекадиган ва ибодат қиладиган 40 кунлик муддат, чилла. Масалан, Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Низомийнинг 40 марта чилла ўтиргани ҳақида маълумот беради: "Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаъин чиқарибдурлар ва тўрт арбаъинни бир дарахт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларға насиб бўлубдурки, кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас..."

Тазкирада бошқа шайху валийларнинг арбаъинлари ҳақида ҳам маълумот келтирилади. Масалан. Хожа Юсуф Шайх Абу Исҳоқ Шомий доим зиёрат қиладиган Хожа Ҳожийи Маккий мозори ёнида ўз қўли билан чиллахона қуриб, 12 йил ўша ерда яшаган.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 87–510-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва. 1969. – Саҳ. 80; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 48.*

ҲОРУТ ВА МОРУТ

Ҳорут ва Морут – гуноҳлари учун Бобилдаги чоҳга ташланган икки фаришта. Аслида ўзларининг иродалари кучлилиги ва аҳдларида собитлигини исботлаш мақсадида уч фаришта ерга тушишган, лекин уларнинг бири ердаги эҳтиролар ўзидан ғолиб келаётганини сезиб, дарҳол осмонга қайтган. Иккитаси – Ҳорут ва Морут эса халқ ичида юриб, одамларнинг барча сирларидан, хусусан, ишқбозликларидан хабардор бўлиб, уларни Худонинг олдида қабоҳат ва кўрнамакликда гуноҳкор қиладилар ва Худодан ўзларини инсон қиёфасига киритишини сўрайдилар, токи одамларга тақводорлик ва хушахлоқликнинг олий намунасини кўрсатсинлар. Худо уларнинг хоҳишларини адо этади. Лекин икки фаришта бир гўзал аёлга ошиқ бўлиб, унинг таъсирида бутпарастликдан тортиб то қотилликкача бўлган кўп бемаъни ишларни қилишган. Бу гўзал аёл ишқ фариштаси Зуҳра бўлганлиги нақл қилинади. Улар аҳду паймонларини унутганликлари, кибру ғурурга берилганликлари, сеҳру жоду ўрганганликлари учун Худонинг ғазабига учраб, Бобил чоҳига боштубан осиладилар. Уларга бу гуноҳлари эвазига ҳозирги ёки келгуси ҳаётларида жазоланиш муддати таклиф этилган. Ҳорут ва Морут ҳозирги ҳаётларида жазоланишни танлаганлар. Шунинг учун улар Бобилдаги чоҳда занжирбанд ҳолда ташналик азобида қиёматдан кейин бу уқубатлардан халос бўлишларини кутиб ётибдилар.

Ҳорут ва Морут – сеҳр билимдонлари. Сеҳргарлик ҳавасида чоҳ қошига борганларга сеҳру жоду илмини ўргатар эмишлар. Лекин Қуръони каримнинг "Бақара" сураси 102-оятида айтилишича, улар: "Биз одамларни алдаб, имтиҳон қилиш учун юборилган фитна соҳибларимиз. Яна бизнинг макримизга учиб, кофир бўлиб қолма", – деб огоҳлантирмай туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эканлар.

"Маснавийи маънавий"да бу ҳақда, жумладан, шундай ёзилади:

Сеҳр ила сеҳр зиддини беихтиёр,
Ўрганур мардум улардин бор-бор.

Бошда ҳар гал дер улар: "Қўй, айлама,

Сеҳру жодуга кўнгилни бойлама.

Сенга ўргатсак агарда, бил шуни,
Ўргатурмиз имтиҳонинг деб уни...”

Қуръон таржимони Алоуддин Мансурнинг изоҳига кўра: “Фаришталар одамларга сеҳр ўргатишларининг ўз ҳикмати бор. Ривоят қилишларича, ўша даврда сеҳргарлик жуда ривожланган экан. Сеҳргарлар кўпайиб, уларнинг айримлари ҳатто ўзларини пайғамбар деб эълон қилишгача боради. Шунда Тангри таоло икки фариштасини юборади. Улар одамларга турли сеҳрлар ўргатишиб, сеҳргарлик ўрганиш мумкин бўлган нарса экани, пайғамбарлик эса ёлғиз Тангри тарафидан юборилишини англатадилар”.

Ҳорут ва Морут мумтоз адабиётдаги диний ривоятлар заминида юзага келган образлардан ҳисобланади. Мумтоз адабиётда ишқ макру ҳийлалари ва маҳбубанинг фусункор ҳуснини Ҳорут ва Морутга тамсил этадилар.

Адабиётлар: *Қуръони карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур). – Тошкент, 1992, 14-бет; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 314-бет; Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2010, 523-бет; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 3. – Душанбе, 2004. – Саҳ. 466.*

БОҒИ ЭРАМ

Боғи Эрам – Шарқ шеъриятидаги бадиий образлардан бири. Унинг манбаи сомий асотирларига бориб тақалади. Ривоят ва афсоналарга кўра, Од қавмининг ҳукмдори Шаддод уни Жанубий Арабистонда Санъо ва Ҳазрамавт ё Дамашқ орасида ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан барпо этган эмиш. У 12 га 12 фарсанг майдонни эгаллаб, деворининг баландлиги 300 м. Шаддод гўё унда биҳиштда мавжуд барча нарсаларни муҳайё қилган, лекин ўзи унга киролмай дунёдан ўтган. Боғи Эам эса назардан ғойиб бўлган. У гўёки биёбонда баъзиларнинг кўзига кўринади. Боғи Эрамни 8-жаннат, заминдаги жаннат, Шаддод жаннати дейдилар. Шарқ адабиётида у хушманзара мавзе, гўзал ва дилкушо боғ маъноларида мажозий маънода қўлланади.

Ки: “Мағриб сори мулки Арман отлиғ,
Бор эрмиш юз Эрам андин уётлиғ..” (ФШ)

* * *

Ким, ул ёғдуруб абри эҳсонини,
Эрамдек қилиб мулк бўстонини (СИ).

Адабиётлар: *Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 513.*

ИСКАНДАР ОЙИНАСИ

Искандар ойинаси – Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган

македониялик шоҳ ва саркарда Александр Македонский Нил дарёсининг ғарбий қисмида Искандария шаҳрини барпо этганида унинг амрига кўра Балинос ҳаким 300 газлик баланд минора ясаб, унинг устига айланаси 21 газ, қалинлиги 7 газдан иборат ҳикмат ва тилсим ойинасини ўрнатади. У Арасту томонидан яратилган ҳам дейилади. Ундан мақсад ташқи душман ҳужумидан огоҳ бўлиш ва уни даф этиш эди. Темирга сайқал бериб ясалган бу ойинага боққан киши дунёда кечаётган воқеликлардан хабардор бўлади. Фарангийлар посбонларнинг уйқуга кетганидан фойдаланиб бир кеча уни дарёга отиб, шаҳарни вайрон қиладилар.

Кейинчалик бу ойина рамзий тимсол сифатида Шарқ адабиётига кириб келди ва ўтмишда юз берган, ҳозир кечаётган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни акс эттирадиган ойинаи жаҳоннамо, жоми жаҳоннмо тимсолларининг муқобили сифатида қўллана бошлади. Жумладан, Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида ёзади:

Ул ойинаким, Скандар этти,
Пўлоддин ўйла пайкар этти –

Ким, Рум аро чекиб манори,
Боқтурди ани Фаранг сори.

Чун берди жамолиға кушойиш,
Кўргузди Фарангдин намойиш.

Топқоч ани бу сифат зиёлиқ,
Тоқти отиға жаҳоннамолиқ.

Мажозан офтоб маъносида ҳам келади.

Адабиётлар: *Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 16; Бурҳони қотеъ. Жилди 1.– Душанбе, 1993. – Саҳ. 66.*

ИСМИ АЪЗАМ

Исми аъзам – Оллоҳ таолонинг исмлари ичида энг улуғи. Худонинг фақат ўзига ва баъзи фаришталаргагина маълум бўлган исми. Бу борада ихтилофлар мавжуд. Баъзилар бу исм Самад (ҳожатбарор), баъзилар Қайюм (ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғузувчи), баъзилар Раҳмон ул-Раҳим (ўта меҳрибон ва жуда раҳмли), баъзилар Муҳаймин (эгаллаб олувчи) дейдилар. Бир қисм уламолар исми аъзамни “Абжад”нинг 8 сўзида пинҳон деб ҳисобласалар, баъзилар “Оят ул-курси” матни ё Қуръон суралари ичида яширин деб биладилар.

Исми аъзамни билган киши ҳар қандай ишга қодир бўлар эмиш. Масалан, Сулаймон пайғамбарга Худонинг сирли ва муқаддас исми – Исми аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узугига нақш қилинган. Бу узук воситасида у нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инс-жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳукмини ўтказа олган.

Ки, қалқон қуббасида мисли хотам,
Сулаймон ёздурубтур исми аъзам (ФШ).

Ривоятга кўра Зуҳра юлдузи чиройли бир қиз бўлиб, Ҳорут ва Морут исмли фаришталардан макру ҳийла билан Исми аъзамни ўрганиб олади ва уни ўқиб, осмонга юксалади ҳамда ёруғ юлдузга айланади. Афсона ва ривоятларда қаҳрамонлар Исми аъзамни ўқиб, муродлари ҳосил бўлади. У Шарқ шеъриятида бадиий образ сифатида кенг қўлланади.

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 59; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 24–25-бетлар; Донишмандлар туҳфаси. – Тошкент.. 2009, 26-бет; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1389 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 95–96; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 520–521.*

КЎҲИ ҚОФ (ҚОФ ТОҒИ)

Кўҳи Қоф (Қоф тоғи) – аждодлар тасаввурида бутун оламни ўраб олган тоғ. Гўёки у зумурраддан эмиш. Шунга мувофиқ Қофдан Қофгача деган ибора дунёнинг бу бошидан-у бошигача, бутун олам, жумлаи жаҳон, ер юзи маъноларида келади.

Бу образ Шарқ халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган бўлиб, хусусан, сеҳрли эртак ва афсоналарда кўп учрайди. У энг узоқда жойлашган, ҳаммадан баланд тоғ бўлиб, бутун оламни ҳимоя қилиб туради. Унинг ортида гўё бир мамлакат бўлиб, у ерда жину парилар, девлар ва аждарҳолар, баҳайбат одамхўр илонлар яшайди. Халқ ривоятларига кўра, Сулаймон подшоҳ гўё одамларга зиён-заҳмат етказадиган бу хаёлий махлуқларни қасам ичтириб, Кўҳи Қофнинг орқасига бадарға қилган. Эртак ва афсоналарнинг қаҳрамонлари маҳбубаларини қидириб, Кўҳи Қофнинг ортига борадилар. Улар йўлда кўпдан-кўп ранжу машаққатларни бошларидан ўтказиб, турли синовлардан ўтиб, кучли ва баҳайбат девларни енгиб, ўз мурод-мақсадларига етадилар.

Эртак ва афсоналарда Кўҳи Қоф бадиий образ ва ажойиб-ғаройиб воқеалар содир бўладиган макон сифатида сюжетни қизиқарли қилиб шакллантиришга ёрдам беради. Бу образ нафақат оғзаки, балки ёзма адабиётда ҳам кенг учрайди.

Халқ афсоналари ва “Мантиқ ут-тайр”га ўхшаган баъзи ёзма адабиёт намуналарида келтирилишича, Кўҳи Қофнинг орқаси Симурғнинг макони ҳисобланади. Кўҳи Қоф бадиий образ сифатида шеъриятда кенг қўлланади.

Тасаввуфда, Шаҳобиддин Суҳравардийнинг ёзишича, тариқат йўлидаги монеликлар ва жисмоний оламга ташбеҳ қилинади. Фардлик – ёлғизлик, танҳолик мақоми ҳам кўзда тутилади.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 673–674; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 220; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 701; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 83; Жилди 3. – Душанбе, 2004. – Саҳ. 431.*

ОЗОД \ ОЗОДА

Озод \ Озода (форсча) – 1. Эркин, ҳур, фориғ, халос бўлган; ҳеч кимга тобе бўлмаган, банду боғлиқликлардан қутулган. 2. Холи, бўш. 3. Етук, комил, беайб. 4. Эзгу хислатлар соҳиби, олижаноб, жавонмард. 5. Ёлғиз, танҳо. 6. Тик, рост, адл. Сарвнинг бўйи тиклиги, савсаннинг бари тўғрилиги учун озода дейдилар: сарви озод, савсани озода. Нақл қилишларича, сарвга хазоннинг қўли етмаслиги, оқ савсан ранглардан холилиги учун озода дейдилар.

Тасаввуфда дунёвий боғлиқликлардан халос бўлган, таркидунё қилган; бепарво, қаландармашраб, одамлардан узилган, айбу қусурлардан холи, комил инсон озода дейилади. Озод, шунингдек, ошиқнинг ўз зот ва сифатларини маҳбуб зоти ва сифатларида маҳв этиб, фоний бўлиш мақоми. Ботиний ва зоҳирий тааллуқлардан қутулиб, мосиваллоҳни тарк этган ва Ҳақдан бошқа ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган киши, яъни дунёдан озоду Ҳаққа банда. Масалан, "Насойим ул-муҳаббат"да Молик Динорнинг "икки оламдин озода" эканлиги айтилади.

Дарвешлик мазҳабининг асоси зоҳирда ва ботинда озод ва озодаликдан иборат. Озод инсон барча мавжудот шоҳи бўлиб, бутун мавжудот унинг назари остида бўлади: ҳар бир нарсани ўз ўрнида кўради ва ҳар бир нарсани ўз мақомида танийди. Ҳеч ким ва ҳеч нарса билан баҳслашмай, ҳамма билан муросада яшайди, ҳамма нарсадан фориғ ва озоддир. Ҳаммани маъзур тутади, яъни ҳеч кимнинг ва ҳеч нарсанинг бандаси эмас. Аммо мухолифдан қочади-ю, мувофиқ билан топишади. Бу дунёдан озод кишининг тўрт аломати мавжуд: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ, маориф. Кимдаки бу тўрт хислат бўлмаса, бу дунё молу мансабига қизиқса, у ўзини танимаган, Худони билмаган ҳисобланади ва унинг ҳаёти зулматдан иборат бўлиб, унда бир қатра нур бўлмайди.

Алишер Навоий ижодида бу сўз турли маъноларда фаол қўлланганини кўрамиз. Масалан:

Сарсабз эрур ҳамиша бу гулшанда сарвдек
Озодаеки, бўлса мизожида эътидол (ҒС, 380).

* * *

Бу чаман кайфиятин озодаеким қилди фаҳм,
Ўн тили савсандек ўлса, ҳайрат айлар лол ани (ҒС, 606).

Мутлақо айби йўқ кишини озод дейдилар. Ҳеч нимага боғлиқлиги бўлмаган, ҳур ва эркин, халос бўлган ва нажот топган. Эгрилик иллати ва бошқа шохга тобелиги бўлмаган оқ савсан ҳам озода деб улуғланади. Мевасиз дарахтларни, жумладан, савсан ва сарвни ҳам озода дейдилар. Муҳаққиқлар наздида зоҳирий ва ботиний боғлиқликлардан қутулган киши озод аталади.

Бир донишманддан: "Қанчадан-қанча машҳур ва мевали дарахтлар қолиб, нега айнан сарвни озода дейдилар?" – деб сўрашганида шундай жавоб берган экан: "Бошқа дарахтлар муайян фаслда яшнаб, муайян фаслда сўлади. Сарв эса ҳамиша бирдай ям-яшил яшнаб туради. озодаларнинг сифати шундай бўлиши керак".

Валийтабиат, улуғ, асл, ҳалол, солиҳ кишиларни озода ҳисоблайдилар.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами. 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 87–510-бетлар; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 41; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 60; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди*

1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 23; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 905; Бурҳони қотеъ. Жилди 1. – Саҳ. 50.

ОЙИНА

Ойина – миръоти Ҳақ, ойинаи Раҳмон ҳам дейилади. Чунки Оллоҳ барча мавжудотлардан кўра инсонда кўпроқ тажаллий этади, комил инсонда эса энг мукаммал тарзда тажаллий этади. Ҳаққа нисбатан бутун коинот ойина мақомидадир. "Жаҳонни бошдан-оёқ бир ойина деб бил", – дейди бу ҳақда Маҳмуд Шабустарий. Бу ойинанинг жилваси эса инсондир. Мавжуд олам инсон жилваси билан жилоланмаганда, Ҳақ унда бу қадар мукаммал тажаллий этмасди. Оллоҳ даражасига кўра набийлар, расуллар, валийларда мукаммал тажаллий этади.

Ойина – илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойина деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади. Тасаввуф аҳли наздида, дунё ва нафс ғуборларидан покланган кўнгил кўзгудай мусаффо бўлиб, унда ёр – Ҳақ жамоли жилваланади:

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.

Мосиво – Худодан бошқа нарсалар, яъни мавжудот ва махлуқотни билдириб келади. Шунга мувофиқ, нақши мосиво – дунёга мойиллик, ҳаётга муҳаббатни, бошқача айтганда, кўнгилнинг нафс истак-хоҳишларидан покланмаганини билдиради, шунинг учун ҳам байтда улуғ шоир айтаяптики: "Эй Навоий, агарда маҳбубанг (яъни Оллоҳ таоло) жонинг ичидан жой олишини истасанг, аввало кўнгил кўзгусини дунё ҳою ҳавасларидан мусаффо айла". Зеро, Оллоҳ ўзидан бошқа барча нарсанинг хаёлидан қутулиб, нафс гардию дунё ғубори қолмай шаффоф бир ҳолга келган кўнгилгагина ташриф буюради. Шунинг учун ҳам бошқа бир байтида ишқ аро кўнглингни тузатсанг, ёр акси рост жилваланади, кўзгу эгри бўлса, ёр аксини ҳам эгри кўрсатади дейди:

Ишқ аро кўнглунг тузатким, рост солғай акс ёр,
Кўзгу эгри бўлса, солур аксини рухсор каж.

Мўмин мўминнинг ойинасидир деган ҳадисга кўра бандалар бир-бирларининг айбу хатоларини бир-бирларига кўрсатиш орқали ўз қусурларидан покланадилар. Бир-бирларидан эзгу фазилатлардан бошқалари ўрнак оладилар. Бу тушунчага кўра пир муриднинг ўз навбатида, мурид пирнинг ойинасидир. Илоҳий камол аввал Ҳақдан пирга, кейин пирдан муридга ўтади. Мўминнинг қалби ойина каби бўлганлигидан, бу ойина қанчалик мусаффо бўлса, илоҳий файз ва иноят шунчалик кўп ва яхши жилоланади.

Адабиётлар: *Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – S. 56–57; Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: "Тамаддун", 2013, 87-бет; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 45–46; Ризоқулихон Ҳидоят. Риёз ул-орифин. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 51; Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент., 2011, 76; 128–133;*

182–183-бетлар.

СОЛИК

Солик (арабча) – 1. Йўловчи; эргашувчи; мусофир, ғариб. 2. Тасаввуф йўлига кирган, тариқат йўлида юрувчи. Ҳаққа яқинликни мақсад қилган сўфий. Тариқат йўлига кириб, Худо сари сайр қилаётган, ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган киши. Бу сайр касратдан ваҳдат саридир. Уни сайри кашфий ҳам дейдилар. Солик ҳамиша мабда ва мунтаҳи (аввал ва охир) ўртасида уради. Лоҳижийнинг айтишича, солик Оллоҳ йўлидаги мусофирдир.

Комил муршид раҳнамолигида сўфий бу йўлда 7 босқични босиб ўтади.

Солик деб шундай кишига айтадиларки, у сулук давомида ўзининг асли ва ҳақиқатини англаш даражасига етади. Фанофиллоҳ мартабасига юксалиб, қатра дарёга қўшилганидек, восиллар сафига қўшилади.

Мукошафа ва ҳоллар натижасида унда ажойиб ва ғаройиб ҳолатлар юз беради. Ҳақ тажаллийсида фоний бўлиб, ўзининг аслий оламига етади. Авлиёга муяссар бўлган фанофиллоҳ аслида шу.

Фанодан сўнг солик ўзининг мавҳум борлиғидан бақобиллоҳ бўлади. Бу фанода инсоний ҳақиқатнинг ҳақиқий камолоти зуҳур топиб, у барча илоҳий исмлар ва сифатларнинг мазҳарига айланади. Яна айтадиларки, солик шундай кишики, унинг илми айн ул-яқин даражасига етган бўлади.

С.Улудоғ мурид билан восил орасидаги киши солик дейилади деб ёзади.

Адабиётлар: *Сажжодий Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 454–456; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери созлуги. – Истанбул, 2005. – S. 306.*

ТАВАККУЛ

Таваккул (арабча: умид боғлаш, ишониш) – тасаввуфда Оллоҳга ишониш, унга суяниш, ҳамма нарсани унга ҳавола қилиш каби маъноларни билдиради. Саҳл Тустарий “Таваккул – ўзини Оллоҳ қўлига топширишдир”, – дейди.

Таваккул – тариқат мақоми бўлиб, Оллоҳ таолога таянган ҳолда, тўла ишонч ва эътиқод билан ўзини яратганнинг ихтиёрига топшириш.

Ҳақдан умид қилиб, халқнинг қўлидаги нарсага кўз тикмаслик. Ваъда этилганга қувонмоқ. Ҳар қандай ҳолатда ёлғиз Худога ишонмоқ. Ҳар турфа васваса, андиша ва ризқ қайғусидан халос бўлиб, ҳузур-ҳаловатга етишиш ҳолати. Ҳақнинг иноятини етарли билиб, нафснинг тадбирини тарк этиш – тарки тадбир, тарки ихтиёр.

Таваккул – Ҳақ билан банда ўртасидаги сирдир ҳам дейдилар.

Саҳл Тустарийнинг ёзишича, таваккул аҳлига Ҳақ таоло 3 нарса беради: 1) кашфи ғайб, 2) мушоҳада, 3) Ҳаққа яқинлик (қурб).

Яҳё ибн Муознинг фикрича, таваккули чала кишининг дини (иймони) чаладир.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да таваккул таърифи ва моҳиятига кенг тўхталади: “Таваккул Ҳақ йўлида восита асбобин рафъ қилмоқдур ва васила ҳижобин дафъ қилмоқ... Таваккул аҳликим, мақсуд водийсиға қадам қўюбдурлар, йўл зоди Ҳақ хони эҳсонидин билибдурлар... Андоққи, сенинг насибангни яна биров емас, анинг ҳам насибини сен емак мумкин эмас. Сенинг рўзинг сангадур, анинг қисмати ангадур. Тиламасанг ҳам еткурур, емасанг ҳам едирур. Муни англағанлар қутулубтурлар рўзий учун меҳнат чекардин ва тинибдурлар фароғат учун дона экардин... Тенгри раззоқлиғин билган рўзи учун ғам емагай ва қассомлиғин билган ризқ озу кўпида сўз демагай. Улки ваҳшу тайр ризқиға зоминдур, санга еткурмагайму? Ва улким мўру малаҳқа рўзий берур, санга бермагайму?...”

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли. 9-жилд. – Тошкент, 2011, 486–487-бетлар; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10-жилд, 87–510-бетлар; Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент, 1997); Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 262–264; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери созлуги. – Истанбул, 2005. – S. 357; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 27-бет; Калободий. Тасаввуф. – Тошкент, 2004, 84–85-бетлар.*

ҲУМО

Ҳумо – тоғларнинг энг юксак чўққисида яшайдиган афсонавий қуш бўлиб, гўшт емай, суякнинг ўзи билан озиқланади. Оғзаки ва ёзма адабиётда ҳумо тавсифига кўп дуч келамиз. Афсоналарга кўра, кимнинг бошига бу қушнинг сояси тушса, ўша киши бахтли, бадавлат бўлади. Қадим замонларда бирор мамлакатнинг подшоҳи вафот этса, ҳумони ҳавога учирганлар ва у кимнинг елкасига қўнса, ўшани подшоҳ қилиб кўтарганлар. Баъзи афсоналарда ҳумонинг ўрнига бургут ёки лочин келади.

Ҳумо доғи бор ўйлаким каркасе,
Вале бор арода тафовут басе (СИ).

Адабиётлар: *Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 3. – Душанбе, 2004. – Саҳ. 477.*

БЕҲИСТУН

Бесутун (Бестун, Беҳистун) – Ҳамадон ғарбидаги тоғ (Қадимги Мидия ҳудудида). Унда Доро 1 (милоддан аввалги – 522–486) буйруғи асосида ёзилган битиклар бор. Бу тоғ айни шу тарихий матнлар туфайли машҳур бўлган. Афсона ва ривоятларда бу тоғ Фарҳод номи билан боғлиқ ҳолда тилга олинади. Чунки Ширин амрига кўра, Фарҳод уни қазиб, сув чиқарган. Баъзилар Ширинниng хоҳишига биноан Хисрав Парвезнинг амри билан Фарҳод уни қазган. Ривоятларга кўра, Фарҳод бу тоққа Ширин, Хисрав ва Шабдез тасвирини ишлаган. Алишер Навоий бадиий образ сифатида бу сўздан турли маъноларда фойдаланган. Жумладан:

Ғам юки остида қаддим бўлди хам, имкони йўқ
Бесутуннинг остида туз асрамақ Фарҳод қад (ФК, 122).

Бесутун мажозан осмон маъносида ҳам келади.

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 155; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 177; Бурҳони қотеъ. Жилди 1. – Душанбе, 1993. – Саҳ. 207.*

ДЎСТ

Дўст – 1. Ошна, ўртоқ, яқин, биродар. 2. Ёр, маъшуқа, маҳбуба. 3. Меҳрибон, ғамхўр. 4. Тасаввуфда Худо, пайғамбар, пир, маҳбуба маъноларида келади. Шарқ мумтоз шеъриятида дўст асосан маҳбубани билдиради, маҳбуба эса, ўз навбатида, кўпинча Худони тамсил этади. Алишер Навоий ҳам дўст тимсолидан фаол фойдаланади. Масалан, қуйидаги байтида у Худо маъносида келаяпти – Ҳақни истасанг, фано бўлишга бел боғлаб, тайёр тур дейди:

Эй Навоий, қил фано ҳосилки, истар чоғда дўст,
Белга руст айлаб этак тебрарга бўлғайсен муод (ҒС, 124).

* * *

Дўст ёдидин кўнгулни ўйла истармен тўла –
Ким, ул айлай олмағай дунёву мофиҳони ёд (ҒС, 128).

Н.Комиловнинг ёзишича: “Жоннинг доимий суратда жононга талпиниши, висолга ташналигини инсоннинг ўз Идеалига, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг кўркам, нурафшонлиги билан жозибали бўлган Дўст сари интилиши деб билмоқ керак. Дўст – кишининг севган ёри ҳам, эътиқод-иймон тимсоли, мукаммал инсон ҳам, одамзод ҳеч қачон тўймайдиган ҳаёт ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ҳамдир. Яхши инсонни севиш – ҳаётни севиш, ҳаётни севиш – ҳақиқатни, Ҳақни севиш демак. Буюк Навоий хаёлотида етилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари мужассам”.

Адабиётлар: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, 1-жилд. – Тошкент, 2006, 677–678-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 409; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 109–110; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 234-бет.*

ЖАМОЛ

Жамол – содиқ ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра маъшуқанинг дилраболик ва худнамолик шеваси жиҳатидан ўз жамолини намоён этиши. Худованди каримнинг лутфу раҳмати сифатларига ҳам ишора қилинади. Илоҳий ҳусн жилваси.

Жамолдин ғараз ул чеҳрадур, бу турфа варақ
Магарки, ҳусн китобининг интихоби эрур (ФК, 156).

Шоҳ Неъматулло Валийнинг ёзишича, жамол Ҳақнинг Ҳақ жиҳатидан Ҳақ учун тажаллийси. Бу Худонинг жамоли бўлганлиги учун ҳам унда беқиёс шукуҳ мавжуд. Ҳар жамолда жалол бор, ҳар жалолда жамол.

Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, охир-оқибат маъшуқ жамоли ошиқ кўнглини ўзидан бошқанинг хаёлидан халос қилади. Агар у ошиқ кўнглини батамом эгаллаб олса, бошқа ҳеч нарса унга йўл топмайди. Ошиқ ҳатто ўзини ҳам унутиб, фақат маъшуқни кўради.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон. 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 288–290; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 86; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 103; Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. – Тошкент, 2009, 197-бет; Донишмандлар туҳфаси. – Тошкент, 2009, 77-бет.*

ВАҲДАТ МАЙИ

Ваҳдат майи (майи ваҳдат, майи тавҳид) – Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май. Ҳақ ишқи ва жазбаси. Ривоятга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом меърож кечаси Оллоҳ таоло ҳузуридаги илоҳий майдан тотган эканлар. Шунинг учун ҳам у зот: “Менинг ҳузуримда илоҳий май бор”, – деганларини нақл қиладилар.

Алишер Навоий ғазалларида ҳам майи ваҳдат, бодаи ваҳдат истилоҳларига кўп дуч келамиз. Чунончи, қуйидаги байтида ваҳдат ва касратни ўзаро қиёслаб, ваҳдат бу – ҳақиқат аҳлининг майи, касрат эса кўнгилга юзланадиган ғамдир дейди:

Ва лек аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур (БВ,197).

Бошқа бир байтида эса кўнгил кўзгуси соқий юзидек пок бўлмагунча ваҳдат майининг ёлқини етишмайди деб ёзади:

Етишмагай майи ваҳдат фуруғи бўлмағуча,
Замир шишаси соқий узоридек сода (БВ,526).

Мана бу байтида ваҳдат майи вужудингни фано қилмагунча фано дайри аҳлида янгидан бақо топмайсан деган фикрни илгари суради:

Топмағунг дайри фано аҳлида ёнг боштин бақо,
Қилмағунча бодаси ваҳдат вужудингни адам (ҒС,394).

Маълум бўладики, Навоий ваҳдат майи орқали илоҳий маърифатнинг энг олий даражасини назарда тутади.

Адабиётлар: *Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат (Нашрга тайёрловчи Н.Ҳасан). – Тошкент, 2004, 112-бет (Луғат ва изоҳлар қисми); Донишмандлар туҳфаси. – Тошкент, 2009, 36-бет.*

ҚУТБ

Қутб (арабча: айланиш ўқи ва унинг икки учи) – 1. Ернинг фаразий айланиш ўқи билан ер сирти кесишган икки нуқтадан ҳар бири; ана шу нуқталар атрофидаги ер-жойлар: Жанубий қутб. Шимолий қутб. 2. Ҳар бир нарсанинг ўртаси, маркази. 3. Машҳур ва таниқли кишилар, улуғ зотлар, даҳолар. 4. Тасаввуфда тариқат ва ҳақиқат аҳлининг етук ва улуғ раҳнамоси. Ҳол аҳли ва авлиёуллоҳдан бўлган кишини қутб дейдилар. Қутб Оллоҳнинг нури билан қалби мунаввар бўлган, Худо томонидан сайланган бўлиб, халқни ҳақ йўлга ҳидоят қилиш унинг зиммасига юкланган. Умуман, тасаввуф шайхларига бериладиган олий унвон бўлиб, маънавий раҳнамо, комил пир, авлиё маъноларини билдиради.

Қутб деб тасаввуфнинг улуғ шайхлари силсиласининг энг юксак босқичига етишган ва комил инсон мақомига эришган етук пирни айтадилар. Тасаввуфга оид манбаларнинг маълумот беришига кўра, бу силсила буюк сўфийларнинг 356 нафарини ўз ичига олган. Қутблик мартабасига вужудининг айбу қусурларидан бутунлай халос бўлиб, сайру сулук мобайнида кашфу шуҳуд оламига етишган киши муяссар бўлади. Сўфий шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини тўла босиб ўтиб, кўнглини ҳар турли ҳою ҳаваслардан поклайди. Бунинг натижасида шундай кучли иродага эга бўладики, натижада хоҳлаган нарсасини амалга ошира олади. Тасаввуфда қутб мақомини тегирмон тошининг меҳварига ташбеҳ этадилар. Олам бир жисм бўлса, қутб унинг жонидир деб лутф этадилар. Оламдаги ҳамма нарса қутбнинг теграсида ва соясида ҳаракат қилади, чунки ҳамма нарсани қутб идора этади. Тариқатга кирган соликларнинг барчаси комил инсон мақомига етишиш учун интилади, лекин ҳар ким қобилияти ва даражасига кўра муайян мақомга эришади.

Қутбнинг даражалари бўлиб, халқни иршод ва ҳидоят қиладиган улуғ қутбларни қутб ул-ақтоб (қутблар қутби. Ақтоб – қутбнинг кўплиги: қутблар) ёки қутб ул-иршод дейдилар. Улардан-да олийроғини Муҳаммадий ҳақиқатга ташбеҳ этиб, энг улуғ авлиё сифатида қутби акбар деб атаганлар. Агар қутб орадан кетса, унинг ўрнини нақиб (уч кишилик валийлар жамоаси)лардан бири эгаллайди, ўз навбатида, абдоллардан (ҳафттан – етти кишидан иборат валийлар жамоаси)дан бири унинг ўрнига ўтади.

Қутб – тасаввуфдаги энг юқори даража. Тасаввуф таълимотига биноан, қутб – комил инсон. Оллоҳнинг ер юзидаги халифаси, унинг инсоният билан алоқасида воситачи. Сўфийлар фикрича, қутб дунёда Оллоҳга маъқул келадиган тартиботни сақлаб туришга масъул қилинган.

Одам алайҳиссалом илк қутби замон бўлган. Зуннун Мисрий, Абу Ҳафс Ҳаддод, Жунайд Бағдодий, Абдулқодир Гилоний, Аҳмад Бадавий, Иброҳим Дасуқий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий қутбларнинг энг машҳурлари бўлган.

Адабиётлар: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, 5-жилд. – Тошкент, 2008, 390-бет; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдли, 4-жилд. – Тошкент, 1985; Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 641; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе. 1992. – Саҳ. 394; Улудоғ С. Тасаввуф терминлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – S. 223; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 250-бет; Махтумқули. Булбул ноласи. – Тошкент, 2014, 532-бет.*

ЮЗ

Юз – илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси. Маъноларнинг нур ва сурат ўлароқ тажаллий этиши. Иймон нурлари, ирфон эшикларининг очилиши, ҳақиқат юзидан пардаларнинг кўтарилиши. Ҳақиқий маъноларнинг илоҳий файз воситасида намоён бўлиб, завқ билан ниҳоясига етишига ҳам юз дейдилар.

Юз – Оллоҳ зоти ва сифатларини ўзида намоён этувчи шаффоф файз чашмаси. Ваҳдатни аниқ мушоҳада эттириш орқали кишини ўзига жалб қилувчи тажаллий манбаи. Илоҳий нур жилваси.

Юз кўпинча зулф (соч) билан ёнма-ён келиб, улар ўзаро қарама-қарши қўйилади. Бунда юз – ҳақиқий, илоҳий оламни, зулф эса мажозий, йўқлик оламини билдиради. Янада соддароқ қилиб тушунтирса. биз яшаб турган мавжуд дунё – зулф, Оллоҳ макон тутган у дунё – юздир.

Юз – Худо ҳуснининг мазҳари. Қуръони каримнинг асосий маъно-мазмунини ўзида мужассам этгани жиҳатидан унинг очқичи ҳисобланган “Фотиҳа” сурасига ҳам, баъзида умуман Қуръони каримга ҳам ташбеҳ этадилар. Масалан, “Гулшани роз”да ўқиймиз:

Магар рухсори ў сабъ ул-масонист,
Ки ҳар ҳарфе аз ў баҳри маонист.

“Агар унинг юзи сабъ ул-масоний, яъни етти уммон – етти оятдан иборат “Фотиҳа” сураси бўлса, унинг ҳар бир ҳарфи маънолар уммонидир”.

Хулосаи калом, юз ҳам олам нафосати, ҳам инсон қалби гўзаллиги ва ҳам барча гўзалларнинг гўзали, барча равшанликлар манбаи деб ҳисобланган Илоҳни бир ибора, бир ташбеҳ билан ифодалаш” (Н.Комилов).

Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурон олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач (ҒС, 98).

* * *

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургали,
Элга ўт солдинг вале мен нотавонга тушти ўт (ҒС, 86).

Адабиётлар: *Миръоти ушшоқ \\ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва, 1965. – Стр. 152; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 433; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 298; Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Тошкент, 2013. – Саҳ. 127–128; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 411–412; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 256-бет; Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент, 1995, 113–114-бетлар; Донишмандлар туҳфаси. – Тошкент, 2009, 17-бет.*

САМАНДАР

Самандар (форсча) – 1. Сувда ва қуруқликда яшовчилар туркумига кирувчи, узун думли, калтакесакка ўхшаш жонивор. 2. Афсонага кўра, олов ичида туғилиб, олов ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор. Шарқ адабиётида у иккинчи маъносида ошиққа нисбат берилиб, ишқ ўти ичра ўртаниб яшайдиган, қисмати Мажнундай ўт бўлган муҳаббат мубталоси рамзи бўлиб келади. Алишер Навоий ҳам ўз бадиий мақсади йўлида самандар тимсолига кўп мурожаат қилиб, унинг ранг-баранг маъно қирраларидан маҳорат билан фойдаланган. Масалан, қуйидаги байтда “Ишқ ичра мени у юз қуёшидан ман айламангки, самандар ўтдан қўрқмайди, чунки унинг қисмати азалдан ўт ўзи”, – деб ўзини самандарга нисбат беради:

Ишқ аро кўнглумни ул юз меҳридан манъ айламанг –
Ким, эмас мумкин самандар ўтдин этмак эҳтироз (ҒС, 201).

Бошқа бир байтида эса “Бу ёнаётган тан ичида кўнглиммикан ёки оташкада кунжидаги самандармикан?” – деб тажоҳул ул-ориф санъати воситасида ўзини билиб билмасликка солади:

Музтариб кўнглум экинму куядурган тан аро,
Ё бу оташкада кунжида самандарму экин? (ҒС, 458)

Мана бу байтида эса тўғридан-тўғри менинг кўнглим самандардир дейди:

Эй Навоий, кўнглума амр этма тарки ишқким,
Ул самандардур, эмас ўт фурқати имкон анга (НШ, 9).

Яна бир байтида “Ишқ лофини урган кўнгил ғам дўзахидан қочмасин, чунки самандарнинг ўтдан ўзга макони йўқ”, – дейиш билан севган кўнгилнинг қисмати ёниш-ўртаниш эканлигини таъкидлайди:

Лофи ишқ урған кўнгул ғам дўзахидин қочмасин –
Ким, самандарға ёлиндин ўзга маскан бўлмади (ҒС, 633).

Алишер Навоий шу тариқа неча ўнлаб байтларида самандар тимсолини қўллаб, ўзининг бадиий мақсадига хизмат қилдиради. Айни пайтда, бу тимсолнинг мазмун доирасини янада кенгайтириб, янгидан-янги маъно қирраларини кашф этади.

Самандар олов ичида яшагани учун тасаввуф адабиётида ишқ рамзи бўлиб келади. Иброҳим Халилуллоҳни Намруд ёққан оловдан унинг Оллоҳга бўлган ишқи қутқаргани каби, Фарҳодни ҳам аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкар балосидан илоҳий ишқ халос этади. Фарҳод баданига Самандар ёғидан суртганида унга аждаҳонинг ўти кор қилмайди. Ишқ оташи нафс ўтини сўндиради демоқчи бу билан буюк мутафаккир.

Адабиётлар: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, 3-жилд – Тошкент, 2007, 427; 434-бетлар; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1959; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 205-бет; Очилов Э. Комилликнинг икки йўли \\ Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, 2001, 135-бет; Донишмандлар туҳфаси. – Тошкент, 2009, 28-бет.*

КАҲРАБО

Каҳрабо (форсча) – 1. Сариқ рангли шаффоф, ялтироқ ва қаттиқ тош; тош қотган елим. 2. Мажозан: сариқ, заъфарон ранг.

Агар каҳрабони чармга ишқаб, сомон, хас ва шу кабиларга яқинлаштирса, уларни ўзига тортади. Шундан келиб чиқиб, Шарқ мумтоз шеъриятида каҳрабо ва сомон асосий тимсоллардан бирига айланган. Бунда каҳрабо – илоҳий жазба, сомон (хас, қил, чўп ва ҳ.к.) эса гирифтор ошиқ рамзи бўлиб келади. “Ҳақиқат – каҳрабо. зотинг – сомондир”, – дейилади бу ҳақда “Гулшани роз”да.

Майи асфарки тўкулмиш, қўюбон юз ичсам,
Каҳрабони кўрунгиз, жилва қилар коҳ чекиб (ҒС, 63).

Каҳрабо ерда ётган хасни ўзига тортиб жилваланганидек, хумори ҳам ерга тўкилган заъфарон майни ютоқиб симирса, ажаб эмас. Бу ерда Алишер Навоий сариқ майни каҳрабога, сомонни ўзига нисбат бераяпти.

Қуйидаги байтида эса каҳрабонинг сомонни ўзига тортганини кўрган кишилар дарҳол сариқ тўнли маҳбуба ортидан эргашган фақир ошиқни кўз олдиларига келтирадилар дейди:

Қаёнким ул сариқ тўнлуқ борур, мен зор эришканни
Соғинғайлар қачон каҳбаргни бир каҳрабо чекар (ҒС, 562).

Бошқа байтида каҳрабони сўфиёна тимсолга айлантириб, уни шамга, сомон парчасини эса парвонага нисбат беради. Бунда, ўз-ўзидан, каҳрабо маъшуқ, сомон парчаси ошиқ мақомига эга бўлади:

Ишқ комил бўлса, маъшуқ арғувонхад бўлмасун,
Каҳрабо шамъиға бир каҳбарг бир парвонадур (НШ, 192).

Адабиётлар: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, 2-жилд. – Тошкент, 2006, 339-бет; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 570; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 184; Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2013, 24-бет.*

РИЖОЛ УЛ-ҒАЙБ

Рижол ул-ғайб – Тасаввуф фалсафасига кўра, оламни рижол ул-ғайб – Ғайб мардлари деб аталган валийлар жамоаси бошқаради. Бу маънавий бошқарувнинг тепасида Ғавс (уни қутб, қутб ул-ақтоб – қутблар қутби ҳам дейдилар) туриб, унга бевосита Муҳаммад алайҳиссаломдан илоҳий файз келиб туради ва, ўз навбатида, бу файзни у ўзидан кейингиларга узатади. Қутбнинг икки томонида икки имом ўтириб, ўнгдагиси – осмон, сўлдагиси – заминни бошқаради. Икки имомдан сўнг тўрт валийдан иборат автод туради. Автодлар дунёнинг тўрт томонига масъул бўлишган. Автодлардан кейин келадиган ва етти валийдан иборат абдол тоифаси етти иқлимни идора қилган. Улардан кейин турадиган нужабо ёки чилтан деган қирқ кишилик валийлар гуруҳининг вазифаси одамларга ёрдам беришдан иборат. Сўнг уч юз валийдан ташкил топган нуқабо келади – улар инсонларни синаш ва кузатиш билан машғул бўладилар

Адабиётлар: *Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул ва А.Бектош таржимаси; Изоҳлар қисми). – Тошкент, 2004, 234–235-бетлар; Ҳасан Н. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. – Тошкент, 2001, 44–45-бетлар.*

КЎҲКАН

Кўҳкан (форсча) – 1. Тоғ қазувчи; тош йўнувчи. 2. Фарҳоднинг лақаби: Ширин хоҳишига кўра, тоғни қазиб, ариқ чиқарган. Баъзи манбаларга кўра эса Хисрав Парвез Ширинга етказиш ваъдаси билан Фарҳодга Бесутун тоғини қаздириб, текис йўл очиб олган. 3. Мажозан: ғолиб, кучли, қудратли.

Кўҳкан – Алишер Навоий шеъриятида фаол қўлланган образлардан бири. Масалан:

Менинг ҳолимга йиғлангким, агар Ширинға гул ёғса,
Ёғар юз сангборони балият Кўҳкан узра (ФК, 563).

Мазмуни: “Агар Ширин боши узра гул ёғса, Кўҳканнинг бошидан юз бало тошбўрони ёғилади – шунинг учун менинг ҳолимга йиғланг”.

Бу ерда шоир ўзини Кўҳканга ўхшатаяпти.

Мана бу байтда эса шоир беқарор юрагини Кўҳкангаю, чўнг ғамини Бесутун тоғига ташбеҳ этади:

Ба Кўҳкан нигару Бесутун, ки он гўи
Дили тапандаву ин як ғами гарони ман аст (ДФ, 72).

Мазмуни: “Кўҳкангаю Бесутунга қара: у менинг беором дилимгаю бу чексиз ғамимга ўхшайди”.

Адабиётлар: *Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 585; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдли, 2-жилд. – Тошкент, 1983, 160-бет.*

ШОҲИД

Шоҳид (арабча: гувоҳ, кузатувчи) – 1. Бирор иш, воқеа, хатти-ҳаракатда бевосита иштирок этган ёки уни ўз кўзи билан кўрган киши. 2. Бирор ерда ҳозир, бирор кишининг ҳузурида бўлиш. 3. Мажозан: гўзал қиз, аёл; маъшуқа, маҳбуба. 4. Тасаввуф истилоҳида гоҳ гўзал маҳбуба, гоҳ инсоннинг кўнглини банд этиб, хаёлини ўзига жалб этадиган нарса кўзда тутилади. Қалб билан тенглашган нарса: ишқ, важд, алам. Умуман, соликнинг кўнглидан нима ўтса, ўша шоҳиддир: зикр ғолиб бўлса, зикр мушоҳадаси, илм ғолиб бўлса, илм истаги. Зуҳур этиши жиҳатидан Ҳақни ҳам шоҳид дейдилар. 5. Тажаллий, кўнгил кўзи билан кўриладиган зуҳурот ва файзларга ҳам ишора қилинади. Мавжуд олам, нур жилваси. Важд шоҳиди, ҳол шоҳиди, Ҳақ шоҳиди, муҳаббат шоҳиди каби тушунчалар ҳам шоҳиднинг турли-туман жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Шоҳид – Алишер Навоий ғазалларида фаол истилоҳлардан. Масалан, қуйидаги байтида борлиғим маю маҳбубга фидо бўлмай, май кўзгусида маҳбуб акси намоён бўлмади, яъни ўзлигимни маҳв этмай, кўнгил кўзгусида ёр акси жилваланмади дейди:

Бода миръотида шоҳид акси зоҳир бўлмади,
Бодаву шоҳидқа бўлмай нақди пиндорим фидо (ҒС, 31).

Мана бу байтдан келиб чиқадиган маъно эса маҳбуб ва муҳаббатсиз ҳаётда маъно йўқлиги ҳақида:

Ғаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга (ҒС, 12).

“Қадаҳ кўзгусида ҳар лаҳза ёр жамоли жилвалангани учун ҳам унга бир назар солишнинг ўзи ақлу ҳушимдан жудо қилади”, – дейди яна бир ғазалида:

Қадаҳ наззораси ҳушумни зойил қилса, айб эрмас –
Ки, шоҳид акси ҳар дам жилва айлар ушбу кўзгудин (НШ, 501).

Мажозий маънода шоҳид баъзида чархи фалак ва дунёни ҳам тамсил этади:

Чарх макру фитнасидин ғофил ўлманг зинҳор,
Чунки бу шоҳид басе фаттон эрур, маккора ҳам (БВ, 428).

Адабиётлар: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, 4-жилд. – Тошкент, 2008, 599-бет; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 600–601; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон. 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 496; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул. 2005. – С. 326; Ризоқулихон Ҳидоят. Риёз ул-орифин. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 154; Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000, 52-бет; Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. – Тошкент, 2009, 203-бет.*

АБДОЛ

Абдол (арабча: бадал қилиш. Кўплиги бидл – шариф ва карим. Чунки авлиёуллоҳ халқнинг азиз ва мукаррам тутган кишилари бўлганлиги учун абдол деганлар. Ёки бадил – бирор нарсанинг бадали: бир-бирининг ўрнини босгани учун бу тоифа абдол аталган) – ўринбосар, тариқат шайхларининг муайян мақомга эришган намояндалари; моддий борлиқларини маънавий борлиқларига бадал қилган дарвешлар; авлиёуллоҳ тоифасидан бир гуруҳ. Ҳақ таоло гўё оламни улар воситасида бошқариб туради. Баъзилар уларни ҳафттан – 7 кишидан иборат пок ва эзгу кишилар деб айтадилар. Улар оламнинг маънавий муҳофизлари бўлиб, 7 иқлимга раҳнамолик қиладилар. Оллоҳ таоло 7 иқлимни 7 абдол воситасида бино қилган эмиш. Авлиёуллоҳдан 7 кишилик рижолни абдол дейдилар.

Ўрта аср манбаларининг маълумотига кўра, тасаввуфнинг 356 нафар шундай буюк намояндалари мавжуд бўлиб, мақом ва даражаларига боғлиқ равишда машойихлар мартабалари силсиласини вужудга келтирадилар ва бу силсилада абдол ёки ҳафттанлар алоҳида мақомга эгадирлар. Биринчи иқлимга Иброҳим а.с., иккинчисига Мусо а.с., учинчисига Ҳорун, тўртинчисига Идрис а.с., бешинчисига Юсуф а.с., олтинчисига Исо а.с ва еттинчисига Одам а.с. соҳиблик қиладилар. Яҳё а.с. эса Исо а.с. билан Ҳорун ўртасида юриб, пайғамбарлардан эшитган ҳақиқатларни 7 абдол қалбига нақш айлаб турар эмиш.

Баъзи манбаларда абдол ларнинг 40 талиги айтилади. Масалан, Муҳаммад а.с.: “Умматимнинг абдоллари 40 тадир. 12 таси Ироқда ва 28 таси Шомда”, – деб айтганлар. “Оллоҳнинг танлаган биродарлари (абдоллар) бўлмаганида, Ер ўз ўқи устидаги ҳамма нарсани ютиб юборар эди”, – деб лутф этганлар яна. Чунки абдоллар инсониятга зиён етказувчи жами ёмонликларни эзгу илоҳий сифатлар воситасида бадал қилганлар. Абдоллар орасида аёллар ҳам бўлади. “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Али Абдулҳамид Ғазойирий, Закариё Яҳё Ҳиравий, Хожа Қутбиддин Яҳё, Дарвеш Муҳаммад Чаргар, Шайх Мирчаи Сафолфурушларнинг абдоллардан эканлиги, тасаввуфда юксак даража ва ҳол соҳиби, каромат аҳли бўлганлиги ҳақида маълумот берилади.

Баъзилар уларни 70 киши дейдилар. 40 таси Шомда бўлиб, қолганлари дунёнинг турли жойларида. Улардан бири оламни тарк этса, ўрнини бошқаси эгаллайди.

Ушбу силсилада абдолдан юқорироқ босқични нақиб деб аталган Уч кишилик авлиёлар гуруҳи ва энг юқори босқични қутб ташкил этади. Абдоллар олам сирлари ва тартибларидан бохабар кишилар бўлиб, илоҳий сифатлар билан сарафроз этилгандирлар.

Абдоллар моддий боғлиқликлардан узилган ва зулмат пардаларидан халос бўлган кишилар бўлиб, улар ҳар хил шакл ва суратда намоён бўлиши мумкин. Ибн Арабий Маккатуллоҳда абдолларни кўргани, улар билан саломлашгани ва суҳбатлашгани ҳақида ёзади.

“Қисаси Рабғузий”да Луқмони ҳаким тилидан келтирилишича: “Абдолларнинг нишони уч турур. Бири жавонмардлик. Тақи бири кўнгул ариғлиқи ёмон қилиқлардин, ҳасад ва кина менгизликлардин. Учунчи, уламо ва фузало дўстлуқи”.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 17–18. Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 19; Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент, 1991, 133-бет; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 208-бет; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 179–180-бетлар;*

Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 32; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 26; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – Саҳ. 353.

АҲЛИ ТАВҲИД (АҲЛИ ВАҲДАТ)

Аҳли тавҳид (Аҳли ваҳдат) – муваҳҳидлар, орифлар; ваҳдати вужуд тарафдорлари. Оллоҳни бир деб биладиган ва ягона Оллоҳга эътиқод қиладиган кишилар. Азизиддин Насафийнинг ёзишича, бу тоифа барча ҳижоблардан халос бўлиб, мушоҳада йўли билан Ҳаққа етишганлар ва унинг дийдорига мушарраф бўлганлар. Улар илм ул-яқинни билганлари учун айн ул-яқиндан ҳам огоҳ, Худонинг борлиғидан воқифдирлар. Шунинг учун ҳам бу тоифани Аҳли тавҳид (Аҳли ваҳдат) дейдилар. Чунки улар Худодан ўзгани кўрмайдилар ҳам, билмайдилар ҳам ва фақат Худони биладилару Худони кўрадилар.

Азизиддин Насафий Аҳли тавҳид (Аҳли ваҳдат)ни икки тоифага бўлади. “Бир тоифа вужуд бирдир ва бу Худонинг вужудидир ва Худонинг вужудидан ўзга вужуд йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб таъкидлагувчилар. Бинобарин, улар фикрича, буткул борлиқ Худонинг вужудидан иборат. Бошқа тоифа эса вужуд икки хилдир: бири – ҳақиқий вужуд, иккинчиси – хаёлий вужуд деган фикрдадирлар. Уларнинг фикрига кўра, Худованд ҳақиқий вужуд эгаси, дунё эса хаёлий вужуддир. Парвардигор кўзга кўринмас борлиқ, дунё эса кўзга кўринадиган йўқликдир. (Дунё) бошдан-оёқ хаёлдир, аммо фақат кўзга кўриниб туради. (Дунё) ҳақиқий борлиқ хосияти туфайлигина мавжуд бўлиб кўринади, ҳақиқий борлиқ эса Худованд борлиғидир. Дарҳақиқат, олам хаёлий борлиқдан бошқа нарса эмас, у аксдир, соядир”.

Аҳли тавҳид (Аҳли ваҳдат) фикрича, сайри илаллоҳ – Оллоҳ сари сайр соликнинг сайр этган сари вужуднинг ягоналиги ва у Худонинг вужуди эканлигига ишончининг тобора ортиши ва мустаҳкамланишидир.

Инсон камолот йўлида бир умр сайру сафардадир. Камолга етиши билан унинг сафари ниҳоясига етади. Лекин бу тоифа наздида инсон камолотининг чек-чегараси йўқ – у мақомдан-мақомга юксалгани сари аввалги мақомининг ноқислигини кўради.

Эй мусаллам зотингга тавҳиди пок,
Аҳли ваҳдат ойтиб они завқнок (ЛТ).

Адабиётлар: *Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 715–716; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 160–161; 169; Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1995, 30-бет.*

ЕТТИ ИҚЛИМ

Етти иқлим – Шарқ олимлари Осиё, Африка ва Европадан иборат бўлган қадим дунёни шарқдан ғарбга қараб етти қисмга тақсим қилиб, уларнинг ўртасини иқлим деб атаганлар. Бу ажратиш сиёсий-географик тамойилга асосланиб, эронликлар уни кишвар деб юритганлар. Уларнинг тасаввурида 7 кишвар 7 доирада: бир доира марказда, қолганлари унинг атрофида туташ жойлаштирилган. Марказий доира (тўртинчи кишвар)дан Ироқ,

Форс, Жабал, Хуросон, Сижистон, Зобулистон, Тохаристон ўлкалари ўрин олган. Масалан, Сарандип, Ҳинд ва Яман жазиралари, Адан, Ҳижоз – биринчи, Макка, Мадина, Тоиф, Миср, Ҳайдаробод, Гужарот, Бангола – иккинчи, Байт ул-муқаддас, Шом, Фаластин, Форс, Дамашқ, Язд, Кирмон – учинчи, Астробод, Журжон, Тус, Нишопур, Турон, Сарахс, Форёб, Бистом, Нисо, Марв, Термиз, Бадахшон, Қазвин, Табриз, Ҳирот, Озарбайжон – тўртинчи, Истанбул, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Балх, Насаф, Андижон, Исфара, Хўжанд, Кошғар – бешинчи, Рум, Хатлон, Ҳазар, Исфижоб, Тароз, Хўтан, Чигил – олтинчи, Булғор, Фаранг – еттинчи иқлимга кирган.

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида Баҳром етти иқлим шоҳларининг етти қизига уйланиб, етти қасрда ҳафтанинг етти кунида етти иқлимдан келган етти сайёҳнинг етти ҳикоясини эшитади. Достоннинг Оллоҳ таоло ҳамдига бағишланган илк бобида Худованди каримнинг етти иқлимни яратгани ҳақида шундай ёзади:

Арз жирмин қилиб ети тақсим,
Айладинг ҳар бирини бир иқлим.

Ул ети кавкаби жаҳонпаймо,
Не жаҳон, балки осмонпаймо –

Ким, ети кўкта келдилар сойир,
Сувда андоқки, сиймгун тойир.

Ҳар бири солибон қилурда зуҳур,
Етти иқлимдин бири уза нур.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Сабъаи сайёр \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 7-жилд. – Тошкент, 2011, 276; 686-бетлар; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент, 2002, 457–459-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 389–394; Жўраев М. Етти иқлимдаги еттилар. – Тошкент, 1993.*

ҚАБАҚ / ҚАБОҚ

Қабақ \ Қабоқ – ёй билан машқ қилиш учун узун ходанинг учига ўрнатилган қовоқ – нишон. Қадимда туркийлар узун таёқнинг учига қовоқни осиб қўйиб, ундан нишон ўрнида фойдаланиб, отишни машқ қилганлар. Мерганлик мусобақаларида ҳам ундан фойдаланганлар. Кейинчалик қовоқ ўрнида идиш ёки халтачадан истифода этганлар. Одатда, бундай халтача хом теридан тикилган ва ичига кумуш бўлаги солиб қўйилган. Мерганлар от устида туриб ана шу нишонни мўлжалга олиб камондан ўқ узганлар. Ҳукмдорлар тилла ёки кумушдан ясалган қовоқларни ҳам осиб қўйганлар.

Туркий халқлар орасида “олтин қабақ” деган ўйин ҳам кенг тарқалган. Бу ўйин кўпинча тўй, сайиллар, Наврўз тантаналарида ташкил этилган. Бунинг учун ҳар бири 5–6 м. келадиган узун ёғочлардан тўрттасини бир-бирига улаб, бирлаштириб боғлаганлар. Унинг учига қўйнинг ошиғи ёки тешик тангани ип билан боғлаганлар. Мерганлар уни нишонга олиш учун бўйича мусобақа ўйнашган.

Алишер Навоий ижодида қабақ ташбеҳ ўлароқ бадиий фикр ифодаси учун қўлланилади. Масалан, қуйидаги байтда шоир қабақдек кулфат ўқига нишон бўлганлигини айтса,

Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро –
Ким, бу кун чобуксуворим йўқтурур майдон аро (БВ, 18),

яъни мени нишонга оладиган киши йўқлигидан ғам ўқидан қабақ каби оҳу фиғонда қолдим. “Ғаройиб ус-сиғар”даги 43-ғазал бошдан-оёқ қабақ ташбеҳи асосига қурилган.

Кимки саркашрак, ҳаводис ўқиға кўпрак ҳадаф,
Ушбу ҳолатни қабақ аҳволидин қилғил ҳисоб (ҒС, 58).

Адабиётлар: *Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдли, 4-жлд. – Тошкент, 1985, 10–11-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2.– Душанбе, 1988. – Саҳ. 126–127;*

ҚИРОН

Қирон (арабча) – яқинлашиш; бирор нарса билан муносабатга киришиш. Ўтмиш нужум илмига кўра, икки сайёранинг бир буржда ўзаро яқин келиши ёки тўқнашиши. Зуҳра ва Муштарий, Ой ва Зуҳра, Ой ва Муштарий қирони туғилиш ёки бир иш қилиш учун ниҳоятда муваффақиятли ва қутлуғ ҳисобланган. Масалан, Зуҳра ва Муштарий қиронида туғилган киши соҳибқирон бўлади ва қирон буржи унинг толеида бўлади. Олти иқлимнинг эгаси Амир Темурни соҳибқирон дейдилар.

Қирони саъд (ёки саъдайн) – икки бахтли сайёранинг ўзаро яқинлашуви ёки тўқнашуви. Маълумки, ўтмиш мунажжимлари ақидасига кўра, сайёралар саъд (бахтли, яхшилик келтирувчи) ва наҳс (бахтсизлик, ёмонлик келтирувчи) деб икки гуруҳга ажратилган. Масалан, Зуҳра ва Муштарий, Ой ва Муштарий сайёраларининг ўзаро тўқнашуви муборак бўлиб, бу пайтда туғилган фарзанд бахтли ва улуғ, қилинган иш муваффақиятли ва зафарли бўлади.

Алишер Навоий ўз ижодида бу ҳодисадан мажозий маънода турли бадиий мақсадларда кенг фойдаланади. Масалан, қуйидаги байтида маъшуқанинг юзи билан қулоғидаги дури – икки сайёра қирон этди – бу олам ичра бир фитна қўзғалишидан далолат беради дейди:

Қулоқ дурию юзи – икки ахтар этти қирон –
Ки, олам ичра басе фитнаға далолати бор (БВ, 135).

Адабиётлар: *Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдли, 4-жилд. – Тошкент, 1984, 54-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 132–133; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 691–692.*

ХИРҚА

Хирқа (арабча: ямоқ, қуроқ) – эски, ямоқи тўн; эски-туски, ямоқ-қуроқлардан тикилган тўн. Жунли матодан тикилган устки кийим. *Харқ* сўзининг маъноси чок ва пора. Дунёвий алоқалардан узилиши учун ҳам шундай қилинган. Фақир-дарвешларнинг тўни аксар йиртиқ-ямоқ бўлган. Турли матоларнинг парчаларидан ямаб тикилгани учун ҳам уни хирқа деганлар. Дарвешу сўфийлар камтарлик ва хоксорлик юзасидан хирқа кийишни

одатга айлантирганлар ва шу тариқа у тариқат аҳлининг хос кийимига айланган. Хирқа одатда пирдан муридга ўтгани, узоқ муддат кийилганидан у кўпинча эскирган, титилган, натижада қайта-қайта тикилган, ямалган ҳам дейдилар.

Тасаввуф тарихидан маълум бўлишича, хирқа кийиш одати Одам а.с.га бориб боғланади. Иброҳим а.с. кофир подшоҳ Намруд томонидан ўтга ташланганда Оллоҳнинг амри билан Жаброил а.с. жаннатдан бир кўйлак келтириб унга кийдиради ва шу кўйлак шарофати билан у кўкка бўй чўзган оловдан омон қолади. Бу кўйлак аввал Исҳоқ а.с.га. кейин Яъқуб а.с.га мерос бўлиб ўтган. Яъқуб а.с. уни бир қутига солиб, Юсуф а.с.нинг бўйнига осиб қўйган. Ўгай акалари уни яланғоч ҳолда қудуққа ташлаганларида Жаброил етиб келади ва қутини очиб, унга шу кўйлакни кийгизади. Сўфийлар хирқада ана шу кўйлакнинг сирини кўриб, унга ҳар хил маънолар берганлар.

Тасаввуф истилоҳида хирқага кўп рамзий маънолар бериб, уни махсус тимсолга айлантирганлар. Жумладан, шайх билан мурид ўртасида алоқа ўрнатиш, муриднинг нафси билан ўзи орасида шайхнинг ҳукмронлигини қабул қилиши. Хирқанинг ранги қора, кўк (мовий) ва оқ бўлган. Тариқатга янги кирганлар қора, муайян даражага етишганлар мовий, сайру сулукни ниҳоясига етказганлар оқ хирқа кийишлари анъанага айланган.

Хирқанинг бир неча турлари бор: тавба хирқаси, иродат хирқаси, табаррук хирқа ва бошқалар. "Насойим ул-муҳаббат"да келтирилишича, "хирқа нисбати иккидур: бири иродат хирқаси ва ани бир шайхдин ўзгадин олмоқ раво эмас ва яна бири табаррук хирқаси. Ва ани кўп машойихдин табаррук учун олмоқ раводур".

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 87–510-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе. 1987. – Саҳ. 302; Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1994, 40-бет; Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004, 258-бет; Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000, 84–85-бетлар.*

СИДҚ

Сидқ (арабча) – ростлик, тўғрилик. Тасаввуф тушунчасида шариат ва ҳақиқатга итоат. Кишининг эътиқодида шубҳа, ҳолида ўзгариш, феълида қусур бўлмаслиги. Ҳақдан ўзгага кўнгил бермаслик. Сидқ – валийлар феълидаги ростгўйлик бўлиб, уларга "ғайри воқеъ сўз тилга мутлақо жорий бўлмаган", ростгўйликни касб қилган валийлар файз-баракаси ва дуоларининг ижобати билан машҳур бўлганлар. Шоҳ Шужоъ Кирмонийнинг фикрича: "Сидқ аломати учдир: 1) унинг олдида дунёнинг тупроқча ҳам қадри бўлмас, яъни олтин ва кумушни тупроқ ўрнида кўргай; 2) халқнинг мақтовию дашноми унинг олдида баробардир – на мақтовидан севингай ва на дашномидан оғрингай; 3) шаҳватни кўнглидан чиқаргай, очликдан хушнуд ва шод бўлгай, андоққим, дунё аҳлининг тўқликдан шод бўлгани каби". Шайх Абулҳасан Харақоний: "Сидқ улдурки, кўнгул сўз айтғой, яъни они дегайки, кўнглида бўлғай", – дейди.

"Лайли ва Мажнун" достонида Навфал қўшинидан мағлуб бўлишига кўзи етган Лайлининг отаси аламидан қизининг қонини тўкиб, шу билан биратўла барча можарога нуқта қўймоқчи бўлганини Мажнун кўнгил кўзгусида кўради ва ҳомийсидан бу жангни тўхтатишни сўрайди. Кўпни кўрган Навфал уни тушунади ва унга ишонади:

Жазм эттики: "Бу қазия чиндур,
Мажнун туши бегумон яқиндур".

Англаб эди кўнглининг сафосин,
Бал ойинаи жаҳоннамосин –

Ким, айламас анда ошкоро
Жуз сидқ жамоли жилваоро.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 528; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 317; Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (М.Кенжабек таржимаси). – Тошкент, 1997, 80-бет; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 229-бет.*

СИР

Сир (арабча) – 1. Махфий нарса; яширин иш ёки гап; дилда пинҳон орзу-умидлар. 2. Тасаввуфда ақл назаридан пинҳон бўлган ғайбий амрлар. Ҳақ билан банда орасидаги тил билан баён қилиб бўлмайдиган ҳақиқат ва маънолар. Ҳақнинг ғойиб ҳолга келтириб, халққа билдирмаган нарсалари. Қалб, руҳ ва сир кетма-кетлигида сир руҳдан кейин келади, лекин ундан кўра латифдир. Қалб – маърифат, руҳ – муҳаббат ва сир – мушоҳада манзилидир. Айни жиҳатдан сир руҳнинг руҳидир. Кўнгил аҳли ва кашф соҳибларидан бошқа кишилар идрок этолмайдиган масалалар, тасаввуфий туйғулар ва аломатлар. Ирода сифати, илоҳий ирода. Илоҳий жазба.

Ҳақни Ҳақдан ўзга билмайди, чунки бу сир бўлиб, буни Ҳақ толиби, ошиғи ва ориф билади.

Фалсафа ва тасаввуфда эътиқод ва қалбда пинҳон амрлар (ишлар, амаллар)ни сир деб айтадилар. Ҳакимлар илоҳий зот маърифатида қалбни восита деб, сир ва бошқа ботиний унсурларни инкор қиладилар. Илоҳий оламни идрок этишда ақл, маълумот (далил, ҳужжат) ва сўзни асос ҳисоблайдилар. Орифлар эса сирни руҳоний латифа (теран маъноли, дақиқ сўз) ва руҳни нуроний (равшан, порлоқ, гўзал) латифа деб биладилар ва сир қалбда пинҳон бўлиб, Ҳақ маърифати зотий ҳижобларининг (асмоъ ва сифот) манбаи ва воситаси санайдилар. Худди темир оловда тобланиб, унинг қиздириш ва куйдириш хусусиятини ўзига олганидай, сўфий ҳам айни мартабада ўзида боқий бўлиб, илоҳий сифатларни ўзига сингдиради. Инсоннинг Илоҳ даражасига етиши тахминан шу мазмунда бўлади.

Кўплаб тасаввуф тарихчилари сирни руҳ ва қалбдан юксакроқ деб биладилар. Баъзи муҳаққиқлар бўлса, уни қалбдан юқорироғу руҳдан қуйироқ ҳисоблайдилар. Лекин бошқа бир гуруҳ сирни покланишга муҳтож санаб, шундан кейин Ҳақ ва халқ ўртасидаги пардаларни орадан кўтаради дейдилар. Айни жиҳатдан сўфийлар қалбда пайдо бўлиб, шарҳига тил ожиз бўлган маънони дил сири ҳисоблаб, руҳни ақл мартабасидан баландроқ биладилар, чунки у қуёш нури каби илоҳий олам суратларини ўзида намоён этади.

Ё Раб, ул ой ҳуснининг идрокин элга мубҳам эт,
Кўз била кўнглумни ул сирри хафийға маҳрам эт (БВ, 78).

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 460–462; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 317; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 250; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – Саҳ. 380; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 240-бет; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 230-бет.*

САҲВ

Саҳв (арабча) – мастликнинг тарқалиши; ҳушёр тортиш, ҳушёрлик. Осмоннинг булут ва ғуборлардан пок бўлишига ҳам айтилади. Тасаввуф истилоҳида бедорлик ҳолатида дил аҳволи ва асрорини изҳор қилиш. Сўфийнинг ғайбга етгандан кейин идрок ва сезгисига ружу қўйиш ҳолати. Бошқача айтганда, ўзини унутганнинг ўзига келиши, мастнинг ҳушёр тортиши, тамкин ҳолати. Саҳв ҳолида инсон ҳамма нарсага ақл нигоҳи билан қараб, ўзлигидан айрилмайди. Фақат буларнинг барчасига фано кўзи билан боқади. Сукрнинг муқобили. Воқеан, саҳвни сукрдан юқорироқ ҳисоблайдилар, чунки сукр Ҳақда, саҳв Ҳаққадир. Жунайд Бағдодий саҳвни соликнинг ҳақиқатга муносабати собит бўлган руҳий ҳолати, сукрни эса ҳаддан зиёд интилиш ва фавқулодда ишқ деб ҳисоблайди. Унинг бу фикрини Абу Наср Саррож, Абу Али Даққоқ, Абулқосим Қушайрий, Имом Ғаззолий ва бошқалар ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар.

Саҳв – сифатлар ва одатларни йўқотиш. Сукр эса ҳол султонининг ғалабаси. Баъзилар саҳв – феъллар мақомига қайтиш ҳам дейдилар. Фано эса инсоний сифатлардан халос бўлишдир.

Саҳвда солик вужуди зот нурлари ғалабаси туфайли фано бўлади ва Ҳақ унга боқий вужуд бағишлайди. Саҳв даврини аксар муҳаққиқлар мўътадил деб биладилар.

Саҳв сукрга қиёсан билинади: кимнинг сукри Ҳақ билан бўлса, саҳви ҳам Ҳақ билан, кимнинг сукри ҳузур билан боғлиқ бўлса, саҳви ҳам ҳузур билан. Саҳв ва сукр бандanинг икки сифати бўлиб, то фоний бўлмагунча Худога боғланолмайди.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 527; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 305; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 292; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбк, 1992. – Саҳ. 382; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 106-бет: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 238–239-бетлар; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 6.*

САРВ

Сарв – қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қадди-қоматини сарвга нисбат берадилар. гўзал ва тик қоматли маҳбуба.

1. Конус шаклли, игнабаргли қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган қаттиқ, тик ва баланд дарахт (то 25 м.гача етади). 2. Мажозан: қадди-қомати, бўй-басти келишган,

хушқомат, баланд бўйли, алиф қадли. 3. Мажозан: баланд бўйли ва келишган қоматли гўзал маҳбуба.

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади (БВ,608).

Байтда сарв гулюзли маҳбуба тимсоли бўлиб келмоқда.

Сарв сўзи воситасида ясалган сарвқомат (сарв бўйли), сарвқад, сарви равон (юрувчи сарв – гўзал юришли маҳбуба), сарви хиромон (хиром этувчи, сарв – гўзал рафторли маҳбуба), сарви ноз (нозли сарв – гўзал ва серишва нозанин), сарви озод (эркин, тик сарв – баланд бўйли маҳбуба), сарви сиҳи (тик ва баланд сарв – баланд ва мавзун қадли маҳбуба), сарви суманбў (суман бўйли сарв – гўзал ва мавзун маҳбуба), сарви сарафроз (бўйи кўкка етган сарв – тик ва мавзун қадли маҳбуба), сарви сиймандом (оқ, кумушдай сарв – гўзал, кумуштанли маҳбуба) каби кўпдан-кўп иборалар маҳбубанинг сифати ва таърифини келтириш учун Шарқ, жумладан, Алишер Навоий шеъриятида фаол қўлланади.

Гул сочар боғ аро, сарви равоним келдиму?
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму? (БВ,512)

Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин –
Ким, қуюндек садқаи сарви хиромонинг бўлай! (ҒС,644)

Сарви равон – юрувчи, хиром этувчи сарв, яъни чиройли юришли маҳбуба.

Сарви суман – гўзал ва баланд бўйли маҳбуба.

Сарви хиромон (Сарви равон) – хиром айлайдиган сарв, яъни гўзал юришли маҳбуба.

Ўзни асрармену кўнглум чекар оҳ
Ногаҳ ул сарви хиромон киргач (БВ, 100).

Сарви ноз – шохлари ҳар томонга мойил бўлган ёш сарв. Мажозан гўзал ва келишган маҳбуба.

Ноз ила гулшанға чун кирдинг – ниҳоли қаддинга
Банда бўлғон сарвинозу савсани озод эрур (БВ, 163).

Сарви озод – бир шохли ва тик ўсган сарв. Ҳамиша яшнаб туриши, хазон кўрмаслиги учун ҳам сарви озод дейдилар. Чунки бошқа дарахтларга қараганда сарв қуримай кўм-кўк туради. Мажозан: гўзал ва тик қоматли маҳбуба.

Сарви раъно - раъно деб ўзига зеб берган аёлни кўзда тутганлари учун гўзал ва ораста сарвни ҳам сарви раъно дейдилар. Мажозан: гўзал маҳбуба. Икки тусли сарв маъносида ҳам келади.

Сарви сиҳи – икки шохли сарв бўлиб, ҳар икки шохи ҳам тик ўсган бўлади. Сиҳи – тик, рост маъносини билдиради. Мажозан: баланд бўйли, тик қоматли маҳбуба.

Қоматингға сарв тақлид айлабон топти шикаст,
Бу сазодур гар гияҳ сарви сиҳиға ўтканур (БВ, 139).

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 417–427; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 202–203; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдли, 3-жилд. – Тошкент, 1984, 43–45-бетлар.*

САБР

Сабр (арабча) – чидам, бардош, ирода, тоқат қилиш. Тасаввуф истилоҳида қийинчиликлар балосидан Худодан бошқага шикоят қилишни тарк этиш. Бошга тушган барча ғаму ташвишлар, ранжу машаққатлар учун ёлғиз Оллоҳга арз қилиб, унинг иноятидан умидвор бўлиш. Сабрли киши ўзини балога шунчалик яқин тутадики, унинг келишига парво ҳам қилмайди.

Сабр – кўнгил хотиржамлиги, хотир ризолиги. Соликнинг тариқатни босиб ўтиш жараёнида юзланадиган қийинчиликларни шукр ўлароқ қабул қилиши.

Инсоннинг яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Худодан эканлигини англаши ва тақдирига рози бўлиши. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, Оллоҳнинг ҳукмига сабр қилиш ва тақдирга рози бўлиш иймоннинг энг юксак даражаси ҳисобланади. Сабр илм, ҳол ва амал билан камолга етади.

“Сабр икки хил бўлади, – дейди Ҳасан Басрий, – биринчиси балога сабр этиш, иккинчиси қаноат қилиш ва ҳеч кимдан ҳеч нима тиламаслик”.

Сабр – тасаввуфдаги маънавий такомил босқичларидан бири бўлиб, уни босиб ўтиш жараёнида солик ирфоний маърифат йўлида сабру тоқатни касб этади. Воқеан, сабр фақр мақомидан кейин келиб, ҳар бир фарзни бажариш ва ҳар гуноҳни тарк этишда собирликни ифода этади. Камолот йўлидаги асосий тўсиқлардан бўлган нафс сабр орқали жиловланади. Ранжу мушкулотлар юзланганда сабр қилган солик кушойиш топади, янги маънавий манзилларни кашф этади.

Тасаввуф тарихчиларининг келтиришларича, сўфийнинг иймони икки қисмдан иборат бўлиб, бирини сабр, иккинчисини шукр ташкил этади.

Тасаввуф таълимотида сабр учга бўлинади: 1) авом сабри – нафсга асир бўлишдан сабр қилиш; 2) зоҳидлар ва обидлар сабри – тақво аҳли буни охират савоби учун зарур ҳисоблайдилар; 3) орифлар сабри эса муҳаббатдир.

Ҳақ маърифати йўлида сабр қилган ҳамда норозилиги ва қийинчиликлари бўлмаган киши собир ҳисобланади. “Тазкират ул-авлиё”да сўфий ҳаётининг афзаллиги сабрда эканлиги кўрсатилади.

Неча йиғсам сабр авроқию тоат хирманин,
Сарсари ишқинг етишкач, сарбасар барбод эрур (БВ, 163).

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 521; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 292; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 292; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – Саҳ. 380–381; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 236–237-бетлар; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент 1996, 27-бет; Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент, 2013, 54-бет.*

НАСУҲ ТАВБАСИ

Насуҳ тавбаси – қатъий ва ҳақиқий тавбага ишора. Бундай тавба қилган киши қайта гуноҳга қўл урмайди. Қадим араб ривоятига кўра, Насуҳ исмли бир эркак аёлларга ўхшашлигидан фойдаланиб, хотинлар ҳаммомига ходим бўлиб киради. Бир гал шоҳ қизининг тилла сирғаси ҳаммомда йўқолиб қолади. Барча эшикларни тамбалаб, бутун ходимларни яланғоч қилиб тинтув ўтказадилар. Сири фош бўлса, қатл қилинишидан даҳшатга тушган Насуҳ Худога илтижо қилиб, қилмишларига астойдил тавба қилади ва бу тубан ишини тарк этади:

Тавба қилдим, бузмагаймен, эй Худо,
Бўлмагунча токи жон тандин жудо.

Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида Насуҳ тавбаси воқеаси бутун тафсилотлари билан кенг ёритилган. Шарқ адабиётида чин тавба ва тавбасига содиқликни Насуҳ тавбасига ўхшатадилар. Бу тушунчадан Алишер Навоий ҳам ўз асарларида фойдаланади. Масалан, қуйидаги байтида Насуҳ гуноҳидан тавба қилган бўлса, мен бу борада ундан ҳам ўтиб кетиб, тавбамдан тавба қилдим дейди:

Буюрма тавба яна, носиҳоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ (ҒС, 102).

Адабиётлар: *Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 344; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 837; Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2010, 573–576-бет.*

МАЪРИФАТ

Маърифат (арабча: арафа – билмоқ) – 1. Таниш, билиш. 2. Илм, фан. 3. Фаҳм, идрок тамиз. 4. Танишлик, ошнолик. 5. Тасаввуфда ҳар бир сўфий маънавий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом)лардан бири. Шариат ва тариқат мақомларидан ўтган сўфий маърифат мақомида илоҳий сирларни дарк этади. 6. Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм, ирфон.

Маърифат – ўзингни танишингдир дейишади сўфийлар.

Тажриба ва амал орқали қўлга киритилган илм. Сўфийларнинг руҳоний ҳоллар орқали эгаллаган маънавий ва илоҳий илмлари, ирфон. Бу йўлда Ҳаққа оид ҳосил қилинган илм маърифатуллоҳ, бу илмга соҳиб бўлган инсон эса орифуллоҳ ҳисобланади.

Қушайрийнинг ёзишича, солик аввал Ҳақни, унинг сифатлари, феъллари ва исмларини билиб, кейин ибодат қилар ва чилла ўтириб, Ҳаққа яқинлашар. Шундагина Ҳақ унга ўзини танитади. Маърифат аслида мана шу. Яъни Ҳақнинг соликка ўзи ҳақида берган илмидир. Бу билимга эга бўлган солик орифи биллоҳ (аҳли маърифат, аҳли ирфон) мақомига эришади. Солик ўзига ва атрофига боқиб, фақат Ҳақни кўради.

Сўфийлар наздида Оллоҳ ҳақида том маънода маърифат соҳиби бўлиш имконсиздир. Ҳар бир инсон Ҳақни таниш учун бир умр интилиб, охир-оқибат уни тўла англаб етиш имкондан ташқари эканлигини тушуниб етганлигининг ўзи мукаммал маърифатдир. Шунинг учун

ҳам Абу Бакр “маърифат соликнинг Унинг ҳақида маърифат соҳиби бўлишидан ожиз эканлигини идрок этишдир”, – деган экан.

Зуннун Мисрий: “Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдир”, – дейди (10,104). Сулаймон Доронийдан “Ҳақиқий маърифат нимадир?” – деб сўраганларида: “Икки дунёда мурод бирдан ўзга бўлмагай!” – деб жавоб берган экан (10,111). Сарий Сақатий: “Маърифатнинг ибтидоси – ёлғиз Ҳақ билан бўлиш учун нафсни поклашдир”, – дейди (10,120) Абубакр Урмавийга кўра эса: “Маърифат – Оллоҳи таолонинг ваҳдонияти билан қалбнинг қарор топишидир” (10,197).

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли. 10-жилд. – Тошкент, 2011, 87-510-бетлар; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – Саҳ. 373; Комилов Н. Тасаввуф, – Тошкент, 1976, 36-44-бетлар; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 236; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 666.*

МАЛАКУТ

Малакут (арабча) – 1. Эгалик, ҳукмронлик, тасарруф. 2. Фаришталар олами. Сўфийлар истилоҳида руҳлар олами бўлган маъно олами. Баъзилар ғайб олами дейдилар. Баъзилар эса ҳар хил айбу қусурлардан пок, тоатдан иборат бўлган фаришталарнинг ибодат мақоми деб ёзадилар. Чунки малаклар ибодатининг мақоми шундай бўлади.

Азизиддин Насафийнинг ёзишича: “Тангри субҳонаҳу таоло илк дафъа бир жавҳар яратди. Унинг номи Нафси аввал (Руҳи аввал)дир... Тангри субҳонаҳу таоло руҳлар оламини яратишни ихтиёр этиб, ўз нигоҳини (жавҳарнинг) шаффоф қиёмига қаратди ва ул қиём қайнаб эрий бошлади. Шу қиёмнинг қиёми (мағзи) ва қаймоғидан пайғамбарлар хотами (хулосаси) руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан улулазм пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан мурсал пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қолдиғидан қолган пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан авлиёлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли илму маърифат руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан зоҳидлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи қаймоғидан тақво руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли имон руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан одамлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳайвонлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ўсимлик руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан маъданлар ва ашёларни яратди. Ҳар бир руҳ билан бирга кўп сонли фаришталарни яратди ва шу тариқа малакут олами якун топди”.

“Насойим ул-муҳаббат”нинг Жалолиддин Румий ҳақидаги фиқрасида келтирилишича, у беш ёшидан бошлаб илоҳий олам билан алоқада бўлган. У олти ёшида болалар билан томда ўйнаб юрганида улардан бири:

– Келинглар, томдан томга сакраймиз! – деб таклиф қилади. Жалолиддин унга қарши чиқади:

– Бу иш ит билан мушукка муносиб. Одам боласининг уларга тақлид қилиши яхши эмас. Агар қувватингиз етса, осмон томига сакранг!

Шу сўзни айтар-айтмас, Жалолиддин ҳавога кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлади. Болалар қўрққанларидан қичқириш ва йиғлашга тушадилар. Бир муддатдан сўнг у ранги ўзгарган ҳолда яна томга қайтади ва болаларга айтадики:

Ўша сўзларни сизга айтиб турган вақтимда яшил либос кийган кишилар мени сизнинг орангиздан тортиб олдилар. Осмонга кўтариб, фаришталар оламининг ажойиботларини кўрсатдилар. Сизларнинг фарёду фиғонингизни эшитиб, яна бу ерга туширдилар.

Алишер Навоий шеърий асарларида ҳам малакут истилоҳидан тез-тез фойдаланади:

Ҳусн мулки уза, оё, не пари эркинсен –
Ки, бўлур садқа санга чарх уза хайли малакут (БВ, 71).

"Ҳусн мулки ичра қандай пари экансанки, фалак узра малаклар гуруҳи сенинг таъзимингдадирлар".

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 360-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 296; Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1995, 6–7-бетлар; Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Тошкент, 2012, 185–186-бетлар.*

МАЖЗУБ

Мажзуб (арабча: жазб қилинган; тортилган; ошиқ, шайдо, мубтало) – тасаввуф истилоҳида Худо ўзи томонидан дўст сифатида танлаган, унс мақомига етказган, кўнглини илоҳий нур билан поклаган ҳамда жаҳду машаққатсиз олий мақом ва мартабаларга эриштирган валий. Жазба соҳиби. Мажзуб ўзидан кечиб, Ҳаққа етган, фано денгизига ғарқ бўлиб, қайта ўзига келмаган солик. Солик тўрт хил бўлади: 1) мужаррад солик – риёзат чекиб, нафсини ўлдирган солик; 2) мужаррад мажзуб (мутлақ мажзуб) – нафсини ўлдириш учун риёзат чекмаган, лекин илоҳий иноят воситасида пардаларнинг кўтарилиши билан Ҳаққа етган ва орада қолган солик; 3) сулук жараёнида жазба ҳосил қилган солик; 4) жазба етишганидан кейин тариқатга кирган солик.

Маълум бўладики, жазба туғма ёки сулук жараёнида ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Масалан, Алишер Навоий қаҳрамонлари Фарҳод ва Мажнун туғма жазба соҳиблари. Фарҳод жазба туфайли тариқатни босиб ўтган бўлса, Мажнун бунга эҳтиёж сезмаган. Туғма жазба соҳибини мажзуби солик, сулук давомида жазба пайдо қилган соликни солики мажзуб деб атаганлар. Мажзуб кишиларнинг тариқат мақомларини босиб ўтиши шарт ҳисобланмаган. Масалан, Жомийнинг "Нафоҳот ул-унс" тазкирасида бир қанча мажзублар хусусида маълумот берилиб, уларнинг пири кўрсатилмаганлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Ўзидан кечганлиги ва бехудлиги жиҳатидан ақлу шуури ўзида эмаслигидан улар шариат аҳкомларини тўла адо этмайдилар. Бу тоифа хаёлларига келган сўзларни айтаверадилар, кўнгилларига келган гуноҳ-савоб ишларни қилаверадилар. Уларни мажнун, маҳуз, мусталиб дейдилар.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 697; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 240; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 679; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 32-бет.*

КЎКАЛТОШ

Кўкалтош (туркча) – бир онани эмишган, эмикдош. Кўка – доянинг ўғли, *-тош (-дош)* – отлардан биргалик, шериклик, умумийлик каби маъно англатувчи от ясовчи қўшимча, яъни бир дояни эмган икки киши, ҳамкўка. Аслида бир дояни эмган икки киши ўзаро кўкалтош, доянинг ўғли эса уларга кўка бўлади. Лекин бир онани эмганлар ҳам кўкалтош дейилади. Масалан, Алишер Навоийнинг отаси Бойқаро Мирзонинг ўғли Ғиёсиддин Мансур (Воқеан, Чиғатой улуси қаҳрамонларидан бўлган паҳлавон келбатли бу инсоннинг Ғиёсиддин Кичкина сифатида машҳур бўлишига айнан ўзининг адаши ва эмикдошидан уч ёш кичиклиги сабаб бўлган), ўзи эса Ҳусайн билан кўкалтош бўлган. Бойқаро Мирзо хонадонининг ичкиларидан бўлган онаси доя сифатида унинг ўғлини ҳам эмизган. Шу тариқа, Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарида ёзишича, Алишер Навоийнинг "буюк ота-боболари қадимдан Мирзо Умаршайх Баҳодир ибн Амир Темур Кўрагон хонадонининг хос кишилари жумласидан эдилар ва кўкалтош мансаби эътибор қалами билан уларнинг хотир лавҳига битилган эди". Чунки Навоийнинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг Умаршайх исмли ўғли билан кўкалтош эди.

"Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод билан Баҳром ҳам кўкалтош бўлганлар. Масалан, ўлимидан олдин Фарҳод сабо орқали унга салом йўллар экан, шундай дейди:

Ки: "Эй жоним топиб жонингға пайванд,
Кўкалтошу ини, шогирду фарзанд (ФШ).

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли. 6-жилд. – Тошкент, 2011, 675-бет; Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 580. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 181–182; Навоий замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1985, 115-бет; Очилов Э. Алишер Навоий. – Тошкент, 2013, 8–12-бетлар.*

КЎЗ

Кўз – Оллоҳнинг кўриш сифати. Сўфийлар истилоҳида комил инсон, чунки у бошқаларни кўради-ю, ўзини кўрмайди. Агар юз илоҳий зуҳурот рамзи бўлса, кўз шу зуҳуротни жамлаган манба-мазҳар – комиллик рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади.

Кўз ҳамма нарсадан огоҳлик ва барча воқеа-ҳодисаларга шоҳидлик. Бу эса комил инсон сифатларидир.

Кўз деб Ҳақнинг соликнинг хайру шарри, нафу зараридан шоҳидлигига ҳам айтадиларки, бирор нарса унинг назаридан четда қолмайди. Кўз деб жамолга ва илоҳий кўриш сифатига ҳам ишора қиладилар. Шунингдек, фироқдан хасталигу кибру ғурурдан мастлик ҳам кўзда тутиладики, мубтало ошиқни жонон жамоли мушоҳадасидан маҳрум қилади. Ўзини унутиш, ҳамма нарсадан воз кечишга эса маъшуқанинг ишвакор, серкарашма кўзи сабаб бўлади. Маҳбубанинг одамларни масту шайдо қиладиган шўх ва ноз тўла кўзи ҳам эътиборга олинади.

Кўз деганда ғайбнинг манбаи, сиру асрор чашмаси ҳам кўзда тутилади.

Н.Комиловнинг ёзишича: “Барчани фитна билан ўзига мафтун этадиган кўз дунё бўлиши ҳам, юз-кўзидан нур ёғилиб турган комил инсон бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, маъшуқ кўзи фитнакор, алдамчи эканлиги аниқ, у барчани ошуфта этади. Ишқ аслида ана шу мафтункор юзу кўзга қарашдан бошланган, ўша кўзларки, бечора ошиқни бир лаҳза тинч қўймайди. Хўш, агар юз ва кўз илоҳий сифат – тажаллиёт белгиси бўлса, нега у мафтункор, алдамчи? Гап шундаки, сўфийлар наздида маъшуқ кўзи – басират даражаси, яъни қалб кўзининг ўткирлиги ва ҳам айни вақтда у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи куч. Илоҳий жамол турли кўринишда жилоланиб, қалбга йўл излайди. Жило, мавж, товланиш – сеҳру жоду, мафтункорлик эмасми?”

“Гулшани роз”да ёзилишича, ошиқнинг беҳаловатлигию бедорлиги ҳам, масту хуморлиги ҳам, дардмандлигию бағриқонлиги ҳам, ишвасига асирлигию майпарастлиги ҳам, кўнглининг вайронлигию ҳаётининг остин-устинлиги ҳам, кўнглини бой беришию завқу сурурга тўлиши ҳам – ҳамма-ҳаммаси маъшуқанинг соҳир ва жобир кўзи туфайли. Уёғини сўрасангиз, бу дунё ҳам илоҳий маҳбубанинг бир жонбахш назари натижаси ўлароқ пайдо бўлган.

Кўзларинг оз журм учун қилса итоб, эрмас ажаб,
Бор муайянким, бўлур беморлар нозукмизож (ҒС, 93).

* * *

Ул кўз оллида ҳалоким десалар, йўқ бок ҳеч,
Гарчи ўлмакдин демак йўқ шарт бемор оллида (ҒС, 26).

Оҳу кўздан мақсад илоҳнинг соликнинг айбу хатоларини пинҳон тутиши ва уни бундан огоҳ этиши. Бу Худонинг инояти бўлиб, соликнинг айбу хато қилишдан эҳтиёт бўлишга даъват этади.

Туркона кўздан мақсад соликнинг аҳволи, камолоти ва улуғ мартабасини ўзидан ва бошқалардан пинҳон тутиш. Бу пинҳоний комиллик бўлиб, уни Худодан ўзга билмайди.

Жоду кўз деб Ҳақ жазбаларига ишора қилинади.

Хумор кўз – соликнинг айбу хатоларини соликнинг ўзидан пинҳон тутиш. Лекин ундан етук ва комил бўлган камол арбоби бундан гоҳ огоҳ бўладилар, гоҳ йўқ.

Соҳир, сеҳр қилувчи кўз деганда Ҳақ жазбалари кўзда тутилади.

Шаҳло кўз – соликнинг аҳволи ва камолини ўзига ва бошқаларга маълум қилиш. Бу унга шуҳрат олиб келади.

Маст кўз – илоҳий сирлар ва Ҳақ жазбаларига ишора.

Наргис кўз – камол аҳли пинҳон тутадиган олий мартаба ва даражаларни тамсил этади.

Бемор кўз – ориф соликлар мақомоти аҳволини пинҳон тутиш.

Қора кўз – соликнинг камолотини зоҳир қилиш ва улуғ даражасини кўрсатиш.

Серхумор кўз – камол аҳлига маълум бўлмаслиги учун соликнинг айбу қусурларини пинҳон тутиш.

Адабиётлар: *Миръоти ушшоқ \\ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва, 1965. – Стр. 144–145; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 202–204; Истилоҳоти сўфиён. – Теҳрон, 1388 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 101–102; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 95–96; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 256-бет; Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача луғати. 2-китоб. – Хўжанд, 2002, 17-бет; Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Тошкент, 2013. – Саҳ. 125–126.*

ЕТМИШ ИККИ МИЛЛАТ

Етмиш икки миллат – бу тушунчага кўра, аслида 73 миллат бўлиб, шундан биттаси ал-суннат в-ал жамоат, 72 таси улардан бошқа миллатлар. Бунда миллат мазҳаб маъносида келиб, аслида 6 гуруҳдан иборат: рофизия (сафини тарк этганлар), хорижия (ажралиб чиққанлар), жабария (тақдири азални ўзгармас деб билувчилар), қадария (инсоннинг эрки ўзида деб билувчилар), жаҳмия (барча масалаларни дўзах ва жаннатга боғлаб тушунтирувчилар), муржия (Худо бандасини ноумид қилмайди дегувчилар). Уларнинг ҳар бир 12 фирқага бўлинади. Масалан, рофизиянинг фирқалари: алавия (Ҳазрат Алини пайғамбар деб биладилар), абадия (Алини пайғамбарликка шерик деб ҳисоблайдилар), шиа (Алини барча саҳобалардан афзал билмаганни кофир санайдилар), исҳоқия (пайғамбарлик давом этади деган қарашдалар), зайдия (намозга имомлик қилиш Али авлодидан бошқага муносиб эмас деган фикрдалар), аббосия (Аббос ибн Абдулмуталлибдан бошқани имом демайдилар), имомия (дунё имомлардан холи эмас деган ақидадагилар), норисия (ҳар ким ўзини бошқадан доно деб билса, кофирга чиқарадиганлар), мутаносихия (жон кўчишига эътиқод қилувчилар), лоъиния (Талҳа, Зубайр ва Оишани лаънатлайдиганлар), рожеъия (Али дунёга келади деб ишонадиганлар), муртазия (мусулмон ҳукмдорига жанг қилиш раво деб фатво берувчилар) ва бошқалар. Масалан, хорижия гуруҳининг фирқаларидан бири бўлган муътазилийлар Қуръон яратилган, Меърож Қуддус шаҳригачадир ва бу фақат руҳга дахлдор; гуноҳ илоҳий қисмат эмас, иймон бандanинг касби, дуо ва садақанинг ўтганларга фойдаси йўқ деб ҳисоблайдилар ва ҳ.к. Абулқосим Розий бу гуруҳлардан яна 7 фирқа келтириб чиқаради: киромия, даҳрия, холия, ботиния, ибоҳия, бароҳимия, ашъария. Суфастосия, фалосифа, самания ва мажусия ҳам уларнинг кўринишларидан ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” тазкирасида келтирилишича, Жалолиддин Румийнинг ўз даврининг машҳур уламоси Садриддин Кўнавий билан муносабатлари яхши эмас эди. Румий бир куни Кўнавийнинг қошида “Мен етмиш икки мазҳаб била бирдурмен”, деган гапни айтибди. Кўнавийда шоирни шу ақидаси учун ранжитиб, беҳурмат қилиш ғарази пайдо бўлибди. Кейин ўз яқинларидан бир кимсага:

– Жамоат ўртасида Мавлонодан сўрағилки, сен мундоқ дебсен? Агар иқрор қилса, сафоқат қил ва оғзингдан келгунча сўк ва ранжида қил, – деб буйруқ берибди. У кимса топшириқни бажариб шоирни жамоат орасида саволга тутибди. Румий ўшанда нима деган бўлса:

– Айтибмен! – дея жавоб қайтарибди. Келишувга мувофиқ ҳалиги киши Жалолиддин Румийни ҳақорат қилиб, сўка кетибди. Шунда шоир табассум билан:

– Булар била ҳам бирмен, – деган экан. Чунки буюк мутасаввиф шоир динлар ва мазҳабларни бир-биридан фарқланадиган, аммо бир манзилга олиб борадиган йўллар деб билади. “Йўллар хилмахил бўлса ҳам, лекин мақсад бирдир”, – ёзган эди у.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 360-бет; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 385–387; Комилов Н. Тавҳид асрори. – Тошкент, 1999, 23–27-бет; Маърифат дафтари. – Тошкент, 2013, 315–316-бетлар.*

ЖАВОНМАРД

Жавонмард (арабча) – 1. Ёш йигит, мард йигит. 2. Олижаноб, олиҳиммат, сахий, эзгу хислатли. 3. Тасаввуфда комил ориф ва ўзини маҳв этган солик. Кошифийнинг ёзишича: “Мажозий маънода инсоний фазилатлар нуқтаи назаридан камолот чегарасини забт этган одамга нисбатан қўллайдилар. Ва мажоз дейилишига сабаб шуки, модомики солиҳ (ҳали) нафс ҳаваси тузоғида табиий эҳтиёжлар бандида экан, у гўё гўдакка ўхшайди, нафс мартабасидан тараққий этиб, дил мақомига етишса, балоғат остонасидаги ўспирин қабилида бўлади.. Ёш йигитда эса қон қайноқ, бадан қуввати (жисмоний қувват) етарли бўлганидек, жавонмардларда ҳам инсоний камолот (билан бирга) маънавий қувватлар мавжуддир ва ушбу мартабадагига “фатий” дейдилар... жавонмардликнинг бутун моҳияти қуйидаги икки сифатда мужассамдир: бири – дўстларга наф етказиш, яъни саховат. иккинчиси – дўстларни душман зараридан ҳимоя қилиш, яъни шижоат...

Истилоҳ (термин) сифатида футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни айтадилар, шу важданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади. Хос таъриф юзасидан эса футувват инсоний фитрат нури зуҳурининг нафсоний белгилар зулматига қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборатдир”.

Х асрдан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳрда футувват деб аталган ҳаракат кенг қулоч ёзган. Ўзларини жавонмардлар, ахийлар ёки айёрлар деб атаган бу тоифанинг мақсади – яхшилик, сифати – мардлик бўлиб, бутун умрини одамлар хизматига бағишлаш, ким бўлишидан қатъи назар барчага беғараз ёрдам қўлини чўзиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, ватан, элу юрт, дўсту яқинлар учун жонини қурбон қилиш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиб юриш, фақат эзгулик деб яшаш – уларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Бошқача айтганда, жавонмардлик ёки ахийлик – дунёдаги барча яхши фазилатларни эгаллаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш демак. Шунинг учун ҳам “Қобуснома”да айтиладики: “... жавонмардликка яқин бўлғил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан”. Ахийнинг сахийдан устунлигининг сабаби шунда. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида: “Битта нонни иккига бўлиб, ярмини очга берганни сахий де, ўзи емай, ҳаммасини муҳтожга берганни ахий де”, – деб ёзади. Шоирнинг шу мазмундаги бир фарди ҳам машҳур:

Мурувват барча бермакдур – емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур – демак йўқ.

Маълум бўладики, шоир тушунчасига кўра, ўзи емай, борини ўзгаларга бериш чинакам мурувват ҳисобланади. Футувват эса одамларга фақат яхшилик қилиш-у, лекин бу ҳақда гапирмаслик, яъни миннат қилмаслик. Унинг эътиқоди бўйича яхшиликни миннат қилиш – уни йўққа чиқариш билан баробар:

Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма.

Навоий бошқаларни ҳам хайру саховатга даъват қилиб, карам туфайли жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан дарёнинг суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди дейди:

Жавонмард аз карам муфлис нагардад,
Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.
Ба пошидан чи нуқс ояд ба дарё,
Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр.

“Девони Фоний”даги ғазаллардан бирида ёзилишича эса, осмондаги ойдан тортиб то ер остидаги балиққача хайру эҳсоннинг шукрини қилишини хоҳласанг, сен ойдан балиққача файз етказувчи бўлишинг керак:

То ба моҳи зи маҳат файз расони бояд,
То бувад шокири жуди ту зи маҳ то моҳи.

Алишер Навоийнинг хайру саховат, меҳру мурувват бобидаги фаолиятини таҳлил қилар экан, уни хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган зот дейиш мумкин. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг султонидир.

Алишер Навоий ўзининг турли жанрлардаги теран мазмунли салмоқли асарлари билан ўзбек тили, адабиёти, фани, маданияти тарихида катта роль ўйнаб, дунё аҳамиятига молик умуминсоний фикрлари билан ижтимоий-сиёсий тафаккур тараққиётига муносиб ҳисса қўшибгина қолмай, халқимиз тарихида эзгулик ва адолат тимсоли, саховат ва мурувват рамзи сифатида ҳам ёрқин из қолдирган.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди халқ учун умрини бахшида, миллат учун жонини фидо қилишнинг ёрқин намунаси, чинакам инсонийлик мезонидир.

Шайх Саъдий ёзган эди:

Жавонмарду хушхулқу бахшанда бош,
Чу Ҳақ бар ту пошад, ту бар халқ пош.

Яъни: олиҳиммату яхши хулқ соҳибию саховат эгаси бўл, Ҳақ лутфу марҳаматини сендан аямасин, сен эса топган-тутганингни халққа соч!

Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва фаолияти айни фикрларнинг амалий ифодасидир: Худованди карим ҳамма нарсани – ақл, билим, истеъдод; амал, бойлик, обрў; эзгу хулқ, халқпарварлик, инсонпарварлик; меҳнаткашлик, хоксорлик, фидойиликни бу нажиб инсондан дариғ тутмади, ўз навбатида, у буларнинг барчасини бус-бутун одамларга бахшида этди. Алишер Навоийнинг халқимиз тарихидаги комил инсон, мутафаккир адиб ва давлат арбоби сифатидаги буюклигининг сири ҳам шунда!

Алишер Навоий яратган Фарҳод, Мажнун, Ахий, Фаррух каби кўпдан-кўп образлар ҳам футуватдан бебаҳра эмас. Масалан, Фарҳодда жавонмардларга хос бўлган эзгу фазилатлар – саховат ҳам, шижоат ҳам, садоқат ҳам, ҳиммат ҳам – ҳамма-ҳаммаси мужассам! Ёшлигидан халқни ўйлаши, унинг оғирини енгил қилишга уриниши, “кўнгли эл озоридин озор” топиши, “эл андуҳидин ғамнок” бўлиши, филдан ҳам кучлилигига қарамай, чумолига ҳам озор бермаслиги, тақдир зарбаларини ўзига олиши, жонига қасд қилган кишига ўзини қурбон қилиш даражасидаги дарвештабиат инсон бўлганлиги Фарҳоднинг ҳақиқий жавонмард эанлигини кўрсатади. Ўзининг фавқулодда хусусиятлари, алоҳида истеъдодига қарамай. у сира халқдан ажралмаган, таркидунё қилмаган, аксинча, ҳамиша халқ хизматига камарбаста бўлишни, элга манфаат етказишни ўйлайди. Бу нарса, айниқса, Фарҳоднинг

Ширинни излаб Арманияга борганида тоғ қазувчиларнинг оғир ва самарасиз меҳнатини кўрганида намоён бўлади.

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб тупроққаму кеткумдур охир?! –

деб "мазлуми ситамкаш" халққа ёрдам беришга шошилади.

Бундай қарашлар "Лайли ва Мажнун"га ҳам сингдирилган. Масалан, "ишқ кўрган", "ғам дашти аро югурган" Навфал ишқни, унинг қудратини эътироф этса-да, Мажнуннинг халқдан узилиб, хилват ихтиёр айлашини ёқламайди. Зеро, футувват бошдан-оёқ амалий характердаги таълимот. Шунинг учун Навфал Мажнуннинг Оллоҳнинг ердаги халифаси, оламнинг мақсад-моҳияти бўлган одамлардан қўл ювиб, ҳайвонлар билан дўст тутинишини оқламайди. Сенинг бу ишинг

Ақл олида бесабаб кўрунди,
Сендин манга бас ажаб кўрунди, –

дейди.

Аслида Мажнун ҳам футувватдан бебаҳра эмас. бу ҳақда Алишер Навоий ёзади:

Мажнунки, футувват аҳли эрди,
Эҳсону мурувват аҳли эрди.

Ҳуш ўлса димоғи ичра сокин,
Тарки адаб эрмас эрди мумкин.

Никоҳ кечаси Навфалнинг қизи Мажнунга кўнглини ёриб. севган йигити борлигини айтади. Ундан футувват расмини кўргизиб. мурувват этишини – икки ошиқнинг уволига қолмаслигини сўрайди:

Бу навъ мурувват ўлса сендин,
Изҳори футувват ўлса сендин.

Буни эшитган Мажнун жавонмардлик намунасини кўрсатиб, никоҳ гўшангасидан тўғри дашту биёбонга чиқиб кетади.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида ҳам футувват аҳли ва футувватга ихлосманд бўлган қатор шайху валийлар ҳақида ёзади, уларнинг бу ҳақдаги ибратли фикрларини келтиради. Масалан, машойихнинг жавонмардларидан бўлган Абубакр Шабаҳий "футувват – хушхулқлик ва эзгу саховатдир", – деса, Абулхайр Ҳабаший "Ўзига бировнинг миннатини раво кўрмаган ва бирор кишига муҳтожлик изҳор қилмаган одам жавонмарддир", – дейди. Аҳмад Ҳанбал, Абу Туроб Нахшабий, Заҳрун Мағрибий, Ҳомид Табризий, Абулҳасан Сўфий Фушанжий, Жаҳм Раққий, Абу Абдуллоҳ Муқрий каби шайхлар жавонмардлар сифатида зикр этилади. Аслида Муҳаммад алайҳиссалом жавонмард бўлиб, жавонмардлик авлиёларнинг ҳам асосий сифатларидан бири бўлган.

Н.Комиловнинг ёзишича: "Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан ҳунармандлар, сипоҳийлар, кўчаларда томоша кўрсатувчи халқ театри вакиллари, паҳлавонлар, қизиқчилар, дорбозлар ва бошқа тоифалардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирининг

пири, ўз жамоаси, таълим берувчи устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган, руҳоний пирга қўл бериб, устоз ҳузурида аҳду паймон қилиб, мардлик белбоғини белига боғлаган жавонмард бир умр ўз аҳдига содиқ қолишга интилган, ўз шахсий ҳаётини жамоа ҳаёти учун фидо этган. Жавонмардлар жамоасига қабул қилинган ёш йигит "фарзанд" деб, унинг белига аҳд белбоғини боғлаган устоз "ота" деб юритилган. Жавонмардлар шу зайлда бир-бирларининг ака-укалари, биродарлари ҳисобланганлар ва биродар биродари учун мол-жонини бағишлашга тайёр турган...

XIII асрга келиб футувват ва тариқат бир-бирига қўшилиб кетган... Тасаввуф ва футувват бир-бирини тўлдирган ва бир-бирига мадад берган... футувват билан тасаввуф ғоялари аксар бир-бирига мувофиқ келади. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади. Ва бу жиҳатдан илоҳиёт ишқида дунёдан юз ўгирган, жисмини маънавий камолот йўлига қурбон этган дарвеш билан биродарлик, фидойилик удумига содиқ жавонмарднинг мақсадлари мос эди. Тасаввуфнинг тавба, сабр, қаноат, парҳез, ботиний таҳорат каби талаблари футувватчилар томонидан қабул қилиниб, амалий-ҳаётий қоидаларга айлантирилади... Хуллас, тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда амалий эътиқодий тагзаминини топган эди".

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \\ Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 88–510-бетлар; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 294; Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент, 1991, 129; 133-бетлар; Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёки жавонмардлик тариқати (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1994, 7–9-бетлар; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. –Истанбул, 2005. – С. 90; Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (М.Кенжабек таржимаси). – Тошкент, 1997; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 113–132-бетлар; Очилов Э. Комилликнинг икки йўли \\ Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, 2001, 140–141-бетлар; Очилов Э. Алишер Навоий. – Тошкент, 2013, 76–78-бетлар.*

ЖАЗБА

Жазба (арабча) – 1. Тортиш, ўзига жалб қилиш, мафтун қилиш. Кўнгил олиш маъносида кўпроқ қўлланилади. 2. Жозиба, дилбарлик, дилдорлик. 3. Тасаввуфда бандaнинг Худованди каримнинг иноятн билан Ҳақ сари олиб борадиган манзилларни ранжу машаққатсиз босиб ўтиши ва унс мақомига етиши. Бошқача айтганда, Ҳақнинг азалий иноятн тақозосига кўра бандани ўзига яқинлаштириши ва унинг манзилларни осон босиб ўтиши учун барча нарсани муҳайё қилиши. Баъзида ҳақиқий маҳбубага етиш иштиёғининг кучлилиги бунга сабаб бўлади. Зеро, Румий таъбири билан айтганда: "Агар муҳтож бўлмасанг, Каъбанинг ёнида туриб ҳам уни кўролмайсан". Бу марҳаматга анбиёлар ва баъзи мажзуб авлиёлар муяссар бўладилар. Айни жаҳатдан жазба йўли пайғамбарлар ва валийлар йўлидир. Ҳадисда айтилганидек: "Оллоҳ тарафидан бўлган бир жазба бутун инсонларнинг ибодатларидан хайрлироқдир". Буни Румий шундай шарҳлайди: "Яъни бир ишда Унинг иноятн ҳосил бўлса, инсон юз минг марта заҳмат чекишдан ҳосил бўлган ишни майдонга келтиради".

Жазба сирлар мушоҳадаси асносидаги қалбнинг озиғи ҳам дейдилар.

Жазбанинг ҳақиқати – тажаллий нурларининг зуҳури.

"Жазба икки турлидир: а) хафий жазба – қулнинг Ҳақни севиши; б) жамъий жазба – Ҳақнинг қулни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у Оллоҳ томонидан ато этилади. Соликда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳаққа яқинлаша олмайди" (И.Ҳаққул).

Н.Комилов жазбани сўфийлик истеъдоди деб ҳисоблайди. Унинг ёзишича: "Чунки ҳар бир соҳада бўлганидай, сўфийликнинг ҳам ўзига хос истеъдоди бор. Буни тасаввуфда жазба деб юритганлар (баъзилар буни ишқ, жунун сўзлари билан ҳам ифодалаганлар). Жазба – бу инсондаги алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурий бир таважжуҳдир. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанддан бу мартабага қандай қилиб эришдингиз, деб сўраганларида ул зот мана бундай жавоб берган эканлар: "Одамзод ва жин – парининг амали учун Ҳақнинг жазбалари – тортишишларидан бир тортиш кифоя".

Демак, жазба – тортиш. Ҳақнинг бандаларига ва бандаларнинг Ҳаққа интилиши, иродани Илоҳга боғлайдиган дард. У кўнгилни бетоқат этиб, фақру фано йўлига етаклайверади. Жазба қанча кучли бўлса, солик шунча тез тариқат одобини ўзлаштириб, қалб кўзи очилади, ҳолга киради. Лекин агар жазба етарли бўлмаса, хоҳиш бўлгани билан кўзланган мақсадга эришолмасдан, ярим йўлда қолиши мумкин... Жазба туғма бўлиши ёхуд сулук жараёнида солик қалбига нузул этиши мумкин..." Масалан, Алишер Навоий устози Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида ёзганида "фақири зотий ва фонийи жибиллий" (туғма дарвеш, илоҳиёт фонийси) деб таърифлайди. Алишер Навоий "Хамса"си қаҳрамонлари Фарҳод ва Мажнун ҳам туғма жазба теккан кишилардир. Туғма жазба соҳибларини мажзуби солик, сулук давомида жазба пайдо қилган соликни солики мажзуб деб атаганлар. "Насойим ул-муҳаббат"да Хожа Ҳасан Аттор, Шайх Баҳоуддин Умар, Бобо Ҳасан Турк, Бобо Сунгу, Бобо Кўкий, Бобо Али Маст Нисойи, Бобо Хушкелди, Бобо Баҳлул, Бобо Тиланчи, Бобо Пирий, Бобо Жалилларнинг жазба кишилари эканлиги зикр этилган. Масалан, Хожа Ҳасан Атторнинг жазба ҳолида кўзи кимга тушса, у бехуд бўлиб, маърифатга муяссар бўлар, ҳатто хаста кишилар тузалиб кетар экан.

Оллоҳ таолонинг ўзи хоҳламаса, тариқатда ҳеч ким мақсадга етолмайди. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд: "Тангри жазбасидан бир жазба инсон ва пари амали учун етарлидир", – дейди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий айтадики: "Талаб йўлига кириб ҳар қанча саъй-ҳаракат этма, Худованди каримнинг ўзи хоҳламаса, илоҳий жазба – тортиш бўлмаса,

мақсадга етолмайсан. Яъни, матлуб – сен талаб этаётган зот ҳам сенга толиб бўлмаса, талаб фойда бермайди”.

Шоирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам шунга ўхшаш фикрларни ўқиймиз: “Агар Ҳақдин иноят бўлса, қуллар қули – шоҳлар шоҳи, агар ул қўлламаса, олам шайх уш-шуюхи – олам номаи сиёҳий. Луқмонки, бир қул эрди, ҳикмат ва нубувват била фарқин кўкка еткурди. Жолутқа анингдек минг қул эрди, ғазаб ва сиёсат тиғи билан бошин ерга тушурди”.

Адабиётлар: *Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдли, 10-жилд. – Тошкент, 2011, 316-бет; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 285–286; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 89; Фарҳанги забони тожики. Жилди 2. – Москва, 1969. – Саҳ. 768. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 1. – Душанбе, 1987. – Саҳ. 230; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 31–32-бетлар; Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Тошкент, 2013, 24; 32-бетлар; Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (У.Абдуваҳоб таржимаси). – Тошкент, 1997, 55-; 159-бетлар; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (И.Ҳаққул, А.Бектош таржимаси). – Тошкент, 2004, 219-бет; Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Тошкент, 2011, 196-бет.*

ЗУҲД

Зуҳд (арабча) – парҳезкорлик, порсолик, таркидунё қилиш, майлу рағбатдан воз кечиш. Дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш. Румийнинг ёзишича: “Бунинг учун инсон дунёни, унинг чиркинлигини, вафосизлигини ва охират гўзаллигини, унинг доимий ва боқий эканлигини билиши керак”. Зуҳднинг уч даражаси мавжуд: кўнгилда дунё муҳаббати бўлгани ҳолда уни тарк этиш; охират олдида дунёнинг ўткинчилигини билиб уни тарк этиш; зуҳдга қарши зуҳд.

Зуҳд тариқат мақомларидан бири бўлиб, ахлоқий ёки маърифий мақсадга етишни ифодалайди. Бу тоифа дунёга берилишни ёмонлик манбаи ва дунёни тарк этишни яхшилик сарчашмаси деб ҳисоблайдилар.

Араб ёзувида зуҳд уч ҳарфдан иборат бўлиб (з, ҳ, д), зоҳидлар унинг илк ҳарфини зийнат, иккинчи ҳарфини ҳою ҳавас, учинчи ҳарфи дунёни тарк этиш сифатида талқин қиладилар. Саҳл Тустарий ваърани зуҳднинг, зуҳдни таваккулнинг боши дейди.

Зуҳд дастлаб замона зулми ва ижтимоий тенгсизликка қарши эътироз сифатида вужудга келган бўлса, кейинчалик тасаввуф таълимотининг юзага келишига замин тайёрлади.

Аҳмад Ҳанбал зуҳдни учга бўлади: биринчиси – ҳаромни тарк этиш, бу авом зуҳди; иккинчиси – ҳалолнинг ҳам кўпини тарк этиш бўлиб, бу хослар зуҳди. учинчиси – Оллоҳдан чалғитадиган ҳамма нарсадан воз кечиш бўлиб, бу орифлар зуҳди.

Аҳмад Ҳаворийнинг айтишича эса: “Зуҳддан сидқ, сидқдан таваккул, таваккулдан тавҳид, тавҳиддан маърифат, маърифатдан эса хавфу умид ҳосил бўлади”.

Асл зуҳд Оллоҳга маъқул нарсаларни севиш ва у ман этган нарсаларни тарк этишдир.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Сах. 447–449; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 397; Зарринкўб А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе, 1992. – С. 366; Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (М.Кенжабек таржимаси). – Тошкент, 1997, 55-бет; Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (У.Абдуваҳоб таржимаси). – Тошкент, 1997, 48-бет.*

КИМЁ/КИМИЁ

Кимё\ Кимиё– 1. Ал-кимё: ўтмишда оддий маъданларни олтину кумушга айлантириш йўлларини излаган илм. 2. Мажозан: ноёб, нодир, топилмас. 3. Мажозан дақиқ ва нозик фикр-мулоҳазалар. 4. Мажозан: макр, ҳийла. Баъзида май, шароб маъносида ҳам келади (кимиёи жон). 5. Мажозан: ориф, комил инсон.

Ғайбий илмлар ва сеҳргарликнинг бир кўрнишини ҳам кимё дейдилар. Бу йўл билан гўё мис, қалайи, қўрғошин каби оддий маъданларнинг сифатини ўзгартириш ва уларни кумуш, олтин каби қимматбаҳо металларга айлантириш мумкин деб ҳисобланган. Тадқиқотчилар кимёи зоҳир ва кимёи ботин деб уни иккига ажратадилар. Кимёи зоҳирни 7 маъдан ташкил этиб, табиий хусусиятларига кўра уларнинг ҳар бирини бир осмон жисми – сайёраларга нисбат берадилар: кумушни Ойга, симобни Уторудга, мисни Зуҳрага, тиллани Қуёшга, темирни Миррихга, қалайини Муштарийга, қўрғошинни Зуҳалга. Кимёгарлар кимёланиш йўли билан оддий маъданлар табиатида ўзгариш юз бериб, улар олий маъданлар – кумуш ва тиллага айланади деб ишонганлар. Уларнинг фикрича, бу маъданларнинг сифатини ўзгартириш қонун-қоидалари табиий қонунларга мувофиқ келмайди ва кимё санъати сирларидан бехабар киши буни билмайди. Айни жиҳатдан кимё илми ёки санъати тасаввуф билан мустаҳкам алоқага эга: кимёи ботин инсонни табиатидаги қусурлардан поклаб, уни камолот касб этишига ёрдам беради.

Маълумки, “қадимги кимёгарлар мис ва бошқа маъданларни юқори ҳарорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин, деган хаёлга ишониб, бу орзу йўлида кўп куч сарфлаганлар. Навоий ана шу афсонага ишора этиб, одам насли тупроқдан яратилган, аммо ишқ оташининг “кимёлиқи” туфайли у олтинга айланади, яъни ишқ инсон вужудини пиширадиган, ҳар хил чиқиндилардан тозалайдиган олов, дейди. “Чиқиндилар” – инсоннинг жисмоний талаблари, ҳирсу ҳавас, очкўзлик, фаҳш, ҳасад ва ҳоказо ношойиста хусусиятлар, умуман, инсон руҳини илоҳиётдан ажратиб турувчи нарсалардир. Ана шу ёмон хислатлардан қутулиш жараёни бағоят оғир кечадиким, ошиқ ёки соликнинг оҳу ноласи, изтироблари шундан. Ошиқ шунинг учун “ҳажр ўти”да қийналишга маҳкум. Навоий руҳнинг “юз сўзу гудоз бирла” покланиш жараёни – кимёланишни “ишқи мажозий” деб атайди”[1]. Ана шу кимёланиш босқичидан ўтган ишқ энди ойинаи жаҳоннамолик касб этади. Ойинаи жаҳоннамолик – ҳақиқий ишқ мақоми. Ойинаи жаҳоннамо аслида ошиқ соликнинг қалби. Дунё, вужуд, нафс ташвишларидан қутулган, уларнинг борлигини унутиб, бутун фикру зикрини Оллоҳга қаратган инсоннинг қалби ойинадай пок бўладики, бутун дунё, унда юз бераётган воқеа-ҳодисалар бу кўзгуда акс этади. Унда Оллоҳ нури, илоҳий файз ҳам жилваланиб туради. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

Хуршиди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен.

Ким қилди санга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.

Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти – ёр топти (7,257).

[1] Комилов Н., Эралиев Б. Ишқ оташининг самандари. 162-бет.

Шу тариқа, ишқнинг аввал кимиёлик, кейин ойинаи жаҳоннамолик хусусиятини баён этар экан, дейди:

Гарчи ики навъ ўтти рози,
Аввалғини англағил мажозий (7,257).

Маълум бўладики, Фарҳоднинг аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкарни енгганидан кейин жоми жаҳоннамони қўлга киритиши рамзий маънода бўлиб, нафс ва дунё алойиқларидан қутулган Фарҳод қалбининг ойинаи жаҳоннамога айланганига ишорадир.

Лайлининг ишқи йўлида одамлардан, дунёдан узилиб, биёбонга чиқиб кетган, нафсини ҳам, жисмини ҳам унутган, қаёққа боқса – фақат маъшуқасини кўрадиган Мажнуннинг-да қалби дунёвий ғуборлардан тозаланиб, илоҳий шуъладан равшанлашган – ойинаи жаҳоннамога айланган. Навфал қўшинидан енгилаётган Лайлининг отаси ўз қизини ўлдиришга қасд қилганини у кўнгил кўзгусида кўради ва Навфалдан урушни тўхтатишни сўрайди ғамда бунинг сабабларини айтиб беради. Навфал унинг сўзларига ишонади ва қўшинини қайтариб олиб кетади. Ота-онасининг фарзанди ғаму ҳасратида дунёдан ўтганию, Лайлининг жон таслим қилаётганини ҳам у кўнгил кўзгусида кўради.

Ошиқлик – зўрлик эмас, зорлик, манманлик эмас, ниёзмандлик, учлилик эмас, ожизлик. Шу маънода, Навфалнинг Лайли отасига қарши уруш очиши – хатолик эди. Зеро, ишққа зўрлик билан ёки бировнинг воситасида эришиб бўлмайди. Дунёвий муҳаббатда бу мумкин, лекин илоҳий ишқда эмас: бунда ҳар ким ўз эътиқоди, саъй-ҳаракатига яраша тақдирланади. Муҳаммад алайҳиссаломдек пайғамбарлар сарвари ҳам амакиси Абу Толиб билан Оллоҳ ўртасига тушолмагани каби бунда бир банда иккинчисининг мушкулини осон қилолмайди.

Шундай қилиб, кимёланиш – тариқат, ойинаи жаҳоннамолик эса ҳақиқат босқичига тўғри келади. Шунга мувофиқ, Навоий Фарҳод ва Мажнуннинг Ширин ва Лайлига етиш йўлида чеккан ранжу машаққатлари, алам-изтиробларини – мажозий ишқ, икки ошиқнинг ўз маъшуқаларига етиб, сингиб-бирлашиб кетганини – ҳақиқий ишқ, деб атайди. Маълум бўладики, Шарқ мумтоз адабиётидаги ошиқнинг оҳ-воҳлари, ранжу-изтироблари, орзу-интилишлари, қувончу қайғулари айни шу кимёлик, яъни мажозий ишқ тасвири экан. васлу висолга оид, тамкин ҳолатидаги, маъшуқадан рози-ризолик мавзуидаги шеърлар эса ҳақиқий ишққа тегишли.

Тасаввуф истилоҳида беҳуда хаёлларни тарк этиш, борига қаноат айлаб, йўғидан умид узиш, нафсни тарбиялаш орқали табиатидаги қусурлардан қутулиш ва фазилатлар касб этиш орқали камолотга эришиш маъносида келади.

Навоий ишқнинг кимё эканлигига ишонмасанг, сарғайган тиллага айланган юзим юз восита билан буни исбот қилади дейди бир ғазалида:

Буки дерлар кимиёдур ишқ, бовар қилмасанг,
Қилғуси юз важҳ ила собит узорим олтуни (НШ, 602)

Ишқ ўтида куйиб, кўнгил пок бўлди, ишқ кимиёмиканки, нопок кўнглини пок қилди деб ёзади бошқа бир ғазалида:

Кўнгул ишқ ўти ичра бўлди холис,
Магар бу қалбға ул киёдур? (ФК, 158).

Кимиё – орифлар истилоҳида комил инсонга ишора.

Кимиёи саодат – хилватга чекиниш ва парҳез воситасида нафсни ёмонликлардан поклаш ва фазилатлар касб этиш.

Кимиёи хос – кўнгилни дунё ғуборларидан поклаш.

Кимиёи қаноат – борига қаноат қилиб, йўғини орзу қилмаслик.

Адабиётлар: *Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 675. Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 552; Донишмандлар туҳфаси. – Тошкент, 2009, 130-бет; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент, 2004, 225-бет.*

КОФИР

Кофир (арабча: тўсувчи; инкор этувчи) – ҳақ динни тан олмай, исломга кирмаган киши; Худони танимаган, Худодан қўрқмайдиган одам; динсиз; ғайридин; худосиз. Илоҳий амрлар, ҳақ даъватлар кўнглини юмшатмаган, маърифат таъсир қилмаган бағритош, кўнгли қаттиқ маъносида ҳам бўлиб, айни шу маъноси билан Шарқ шеъриятида ошиқ оҳу нолаларига лоқайд, ишқ қалбига таъсир қилмайдиган золим ва ситамгар, беғам ва бепарво маъшуқанинг сифатига ҳам айланган. Тасаввуфда эса кофир янада бошқа маъно олган: кофир – Ҳақни тан олмаган, уни рад этган эмас, балки у ҳаром қилган дунёни, унинг неъмату ишратларини севган киши. Бу таълимотда кофир икки маънода ишлатилади: биринчиси – Ҳаққа кофирлик, иккинчиси – дунёга нисбатан кофирлик, яъни дунё неъмату ишратлари, нафс ҳирсу ҳавасларидан юз ўгириш. Шунга мувофиқ, «ишқнинг кофири бўлиши – сўфий наздида ҳақиқий иймонга эга бўлиш, чунки фарқлар, кўплик олами, мавҳумлик пардасини кўтариш, дунёни тарк этиш орқали ваҳдатга етилади. Дин аҳли Илоҳни севишни эмас, Унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишни тарғиб этади, сўфий бўлса, Илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади, Илоҳ жамоли акс этган барча мавжудотни, бутни ҳам, насроний қизни ҳам севиш мумкин, деб таълим беради» (Н.Комилов). Чунки бут – ишқ ва ваҳдат рамзи, маъшуқ тимсоли бўлса, тарсо (насроний) – нафсни амморани маҳв этиб, нафси ҳамидага эришган ориф инсон, дунёдан этак силкиб, илоҳий ишққа ғарқ бўлган киши. Шунинг учун Навоий кўплаб байтларида ўзининг кофири ишқ бўлганлиги ҳақида фахрланиб ёзади:

Эй Навоий, сени чун қилди қазо кофири ишқ,
Фориғ ўл бут қошиға, сажда қил эмди пайваст (НШ, 76).

Маълум бўладики, тасаввуфда кофир – исмлар, сифатлар ва феъллар даражасидан ўтмаган одам. Тафриқа оламидаги киши. Тафриқа мақоми соҳиби. Жамдан фардга келган шахс. Ҳақдан ғофил бўлган, қалби ҳақиқатни топишдан ожиз кишига кофир дейдилар.

Адабиётлар: *Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва, 1969. – Саҳ. 567; Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, 1988. – Саҳ. 152; Сажжодий С.Ж. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Теҳрон, 1379 (ҳижрий-шамсий). – Саҳ. 649; Улудоғ С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 203; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, 1996, 257–258-бет; Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент, 2011, 167–172-бетлар.*

Мундарижа

Навоийни англаш машаққати 7

БИРИНЧИ ФАСЛ

ҒАЗАЛЛАРДА ОЛАМЧА МАЪНО

Қудратли ва шуҳратли жанр 13
Икки олам соҳиби 22
Хизру масиҳ 29
Зийрак қуш – огоҳ инсон тимсоли 36
Вафо аҳлининг қисмати 41
Маҳорат меваси 46
Ҳажру васл аро 51
Шоҳу гадо нисбати 54
Ҳассос кечинмалар талқини 57
Ишқ ўтининг шиддати 60
Муҳаббат мўъжизаси 64
Ёр ташрифи тавсифи 68
Маъшуқ ва ошиқ васфида 71
Ишқ мастлиги бобида 75
Маъшуқ жабри ва ошиқ сидқи 78
Ишқ дардининг залвори 83
Ҳақиқат ва мажоз таносиби 85
Тафаккур силсиласи 88
Тариқат йўли тарҳи 93
Ошиқлик шарти 97
Турфа туйғулар ифодаси 100

ИККИНЧИ ФАСЛ

БАЙТ БАҒРИДАГИ СЕҲР

Маъно садафи 105
Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари 108
Асрларни бўйлаган ҳикматлар 128
Бир байт шарҳи 134
Ҳайрат олами 137
Тафаккур ва талқин 143
Ишқнинг даражалари 146
Алишер Навоий ва пайғамбарлар 150
Сўз қудрати 158
“Нақши девор айладинг нақкошни” 162
Шеър – “гўзал ёлғон” 164
Дўстдан азиз душман 167
Сомирий сеҳри 171

Ҳақ сири пинҳону халқ сири ошкор ... 173
Рамзлар силсиласи ... 175
“Хуршид – атонгдур, ой – ано...” ... 179
Қатрада уммон акси ... 183
Зоҳидлар ва сўфийлар ... 187
Дайр ичра қадам қўйсанг ... 193
Ишқ кофири ким? ... 196
Некбин мисралар ... 200
Ҳаётий ташбеҳлар ... 202
Улуғлар ибрати ... 204
Кўнгил – каъбадан улуғ ... 205
Ақл ва кўнгил зиддияти ... 208
Раз қизининг суҳбати ... 215
Маҳорат мезони ... 219
Ишқ – чақмоқ, ошиқ – хас ... 220
Ҳусн ва ишқ ... 223
Ошиқлар сардафтари ... 224
Фарҳоддан устун ошиқ ... 227
Билол ва хол ... 228
Бетакрор мисралар ... 229
Жаннату дўзах тазоди ... 231
Ривоят ва ҳақиқат ... 232
Ирсоли масал санъати ... 235
Навоий ижодида тимсоллар тизими ... 237
Навоий ижодида фахрия байтлар ... 242

УЧИНЧИ ФАСЛ

ТИМСОЛ ВА МОҲИЯТ

Асҳоби каҳф ... 246
Байт ул-ҳазан ... 246
Водийи айман ... 248
Маснуъ ... 249
Симурғ ... 250
Яда тоши ... 252
Ҳудҳуд ... 252
Лўъбати чин ... 254
Исо нафаси ... 255
Саъди акбар ... 256
Ихтироъ ... 257
Мавъиза ... 257
Мухтараъ ... 258
Қақнус ... 259
Яъжуж ва маъжуж ... 260
Мусиқор ... 262
Чошни ... 262

Чинга\чинка 263
Тур 264
Тавр 264
Таворуд 265
Увайсийлик 266
Тажаллий 267
Риёзат 268
Ровий 269
Самоъ 270
Соҳибқирон 273
Су(в) кишиси 274
Сукр 275
Суҳбат 276
Рамз 277
Даллат ул-муҳтола 278
Асҳоби фил 279
Абраҳа 279
Арбаъин 280
Ҳорут ва морут 280
Боғи эрам 281
Искандар ойинаси 282
Исми аъзам 283
Кўҳи қоф (қоф тоғи) 283
Озод \ озода 284
Ойина 285
Солик 286
Таваккул 287
Ҳумо 287
Беҳистун 288
Дўст 288
Жамол 289
Ваҳдат майи 289
Қутб 290
Юз 291
Самандар 292
Каҳрабо 293
Рижол ул-ғайб 294
Кўҳкан 294
Шоҳид 295
Абдол 296
Аҳли тавҳид (аҳли ваҳдат) 297
Етти иқлим 297
Қирон 299
Хирқа 299
Сидқ 300
Сир 301

Саҳв 302
Сарв 302
Сабр 304
Насуҳ тавбаси 305
Маърифат 305
Малакут 306
Кўкалтош 308
Кўз 308
Етмиш икки миллат 310
Жавонмард 311
Жазба 314
Зуҳд 316
Кимё/кимиё 316
Кофир 318

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Эргаш Очилов: Бир ҳовуч дур; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 328 бет.

Ж.23: Эргаш Очилов: Бир ҳовуч дур. 328 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978–9943– 5123–5–1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирма учинчи жилд

Эргаш ОЧИЛОВ

БИР ҲОВУЧ ДУР

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 20,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.